

ХОДИРОВ · А·РАСУЛОВ

ПРОКОПЧОСТИК

УКИТУВЧИ

КИРИШ

шувослик биологик ва қишлоқ хўжалик фанлари жумади; бу фан тупроқнинг келиб чиқиши, тузилиши, ривои, хоссалари ва географик тарқалиши, хусусан тупроқмуҳим хоссаси ҳисобланган унумдорлигига доир и ҳал этади ва тупроқнинг ривожланиши ҳамда унуморшириш учун қўлланиладиган зарур агрокомплекс тадўрганади.

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бирдан-бир ҳар бир мамлакатнинг битмас-тугалмас табиий бойлишилик жамияти учун зарурий озиқ маҳсулотлари ва ашёлар етиштириладиган асосий ва ягона манбадир. маълум шароитдаги турли табиий фактор ва тирик орнинг биргаликдаги ўзаро таъсири натижасида ер юзида тоғ жинслидан пайдо бўлган. Тупроқ мустақил бўлиб, ўзига хос тузилишга, таркибга ва яна бир ҳарга ҳамда ривожланиш хусусиятларига эга. Бинобанинг унумдорлик хусусиятига эга бўлган устки ғоваклами тупроқ дейилади.

Дик, яъли тупроқнинг ўсимликларни сув, озиқ моддалар ва бошқа зарур ҳаёт шароитлари билан таъмин яти унинг энг муҳим ва ажralмас асосий белгисидир. Оқ ўзининг унумдорлик хусусияти билаи тоғ жинслидан

яар ҳаёти учун зарур озиқавий моддалар, сув, ҳаво ва й даражада бўлишига қараб, унумдорлик турли туплича бўлади. Масалан, серчиринди, донадор структурарда ўсимликлар ҳаёти учун зарур шароит қулайли парининг унумдорлиги яхши бўлади.

Имизининг бепоён майдонини эгалдаган энг унумдор територияси бутун дунёдаги унумдор тупроқли ерлар-армисини ташкил этади. ~~СССР~~ да колхозчилар ва арининг самарали меҳнатлари натижасида ҳалқимиз керакли турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари



Абүрайхон Беруний

дон, мева, сабавот ва полиз ҳамда мойли ўсимлик, толали экиншар ва бошқалар) йил сайин кўп миқдорда етиширилмоқда. Айниқса Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда пахтачилик кенг ўламда ривожланиб, мўл пахта ҳосили олинмоқда. Булардан ашқари, ўрмон тайга зонасида олинаётган ўрмончилик маҳсулотлари (асосан ёғоч) социалистик жамиятимизнинг эҳтиёжларини тарли таъминлаб турибди. Чорва моллари учун зарур миқдорда им-хашак тайёрлаш ва молларни боқиши учун лйлов майдовлари Иттифоқимизнинг барча зоналарида талабга жавоб берарли дарададир.

Мамлақатимиз территориясидаги тупроқларни мукаммал ва тифассал ўрганиш, улардан фойдаланиш усусларини (ўгитларни ўери кўлланиш, мелиорация ва суғориш сингари агротехникаий адбиrlарни) амалда жорий этиш ва тупроқ үчумдорлигини ошириш йўли билан экинлардан янада кўпроқ ҳосил олиш каби муаммоларни ҳал этиш тупроқшунослик фани олдида турган ҳозирги иш мухим вазифалардандир.

Тупроқшуносликнинг қисқача тарихи

Инсоният тарихидаги кишилар тупроқни узоқ ўтмандайдоқ ўргала ошлагаллар. Тупроқ ҳақидаги дастлабки маълумотлар эрамиздан 3—4 минг йиллар иллари хитойлар, греклар ва римлилар ёлдирган асарларда учратилилди. Эрамиздан тўрт сонондин гап файласуф Аристотель ва ботаник Теофраст обрада

роқнинг хоссалари ва ўсимликларнинг озиқланиши ҳақида илк маълумотлар ёзилган.

Эрамиздан бир аср илгари яшаган римлик олимлардан Катон, Варрон, Колумелла ва Воргилий асарларида ҳам тупроқ тўғрисида айrim маълумотлар келирилган. Бу асарларда ҳатто тупроқнинг унумдорлигини оширишга доир баъзи тадбирлар ҳам айтиб ўтилган.

Ўзбек ҳалқининг Ўрта асрда яшаб ижод этган, улуғ олими Абурайхон Муҳаммад иби Аҳмад Беруний (973—1048) литосферадаги фойдалари ва қимматбаҳо минералларнинг физикавий хоссаларини ўрганиш ва аниқлашда оламшумул илмий тадқиқот олиб борди ва бу соҳада «Китобул жамоҳир фи маърифатил жавоҳир» («Жавоҳирни билишга оид маълумотлар тўплами») помли генивал асър ёзиг қолдирди. Берунийнинг бу қимматли асари она жинс ва тупроқ минерал қисмийнинг физикавий хоссаларини ўрганишда дастлабки мухим дастур — қўллаима ҳисобланади.

Берунийнинг литосферадаги фойдалари қазилмалар қатламиининг пайдо бўлиши, жинслар емирилишининг аҳамияти, тог жинслари нинг нураши кабилар ҳақидаги хуносалар катта аҳамиятта эта,* чунки X асрда айтилган бу илмий фикр дунё миқёсида биринчи бўлиб, ҳозирги тупроқшунослик фанидаги тупроқ она жинси пайдо бўлишида нураш процесси маҳсулоти эканлиги ҳақида айтиладиган фикрлар соҳасидаги бошланғич илмий кашфиёт ҳисобланади.

Айтилган фикрлар ва ёзиг қолдирилган асарлар феодализм ҳамияти ҳукмрон бўлган даврларда ияобатга олинмади.

XVI асрга келиб, капиталистик жамият тузуми пайдо бўлиши билан яна тупроқ ва ўсимликларнинг озиқланишига доир масалалар ўрганила бошланди. 1563 йилда француз олими Бервар Патиссининг «Қишлоқ ҳўжалигидаги турли тузлар ҳақида» номли асари нашр этилди. Бу асарда тупроқ ўсимликларни минерал-озиқ моддалар билан таъмин этиладиган асосий восита эканлиги тўғри баён қилинган. Бироқ Палиссининг бу фикри узоқ вақтларгача оммага маълум бўлмади. 1629 йилда голландиялик алхимик Вен-Гельмонт ўсимликлар фақат сув билан озиқланади деган назария билан чиқди. Бу иотўғри назария XVIII асрнинг охириларигача ҳавом этиди. XIX асрнинг бошларнда Альберхт Тээрнинг «Гумус назарияси» («Ўсимликлар тупроқдаги гумус—чириндик деб аталағиган органик модда билан бевосита озиқланади» деган назария— М. Б.) пайдо бўлди. 1840 йилда немис олпми Юстус Либих бу назариянинг мутлақо иотўғри эканлигини аниқ далиллар билан исбот этиди ва яшил ўсимликлар тупроқдан озиқ моддаларин минерал ирикмалар ҳолидагина олади деган тўғри фикрни баён қилиди. О. Либих тупроқ унумдорлиги унинг таркибидаги минерал тузларининг сифати ва микдорига боғлиқ эканлигини, ишонч билан ийтган эди. Уннаг назарияси тупроқлар химиявий таркибияни тек-

* УзСЭ, т. 1, 68-бет.

ширишнинг ривожлапишига ва тупроқ унумдорлигини оширишда минерал ўғитлардан кенгроқ фойдаланишта имкон берди. XIX асрнинг ўрталарида Гарбий Европада, айниқса Германияда тупроқни ўрганишда потўри агрогеологик оқим (Фаллу, Берент, Орт Рихтофен, Рамани сингарилар назарияси) пайдо бўлди. Бу оқим гаълимотига кўра, тупроқ мустақил табиий жисм бўймасдан, балки нураш натижасида вужудга келган тоғ жинисидир.

1. Нотўри агрогеологик оқим тарафдорлари тупроқда кечадиган биологик процессларни ҳамда унинг таркибидаги мавжуд органик моддаларни ишкор этадилар, шунингдек, тупроқнинг физикавий ва физик-механикавий хоссаларини, тупроқдаги химиявий ва биохимиявий процессларни мутлақо ҳисобга олмайдилар, буниг на-тижасида кўпгина хатоларга йўл қўядилар.

2. Тупроқшунослик фани Россияда вужудга келди ва ривожлавди. Гупроқнинг пайдо бўлиш процессини дастлаб улуғ рус олим М. В. Ломоносов (1711—1765) ўзининг 1763 йилда нашр этилган «Ер қатламлари ҳақида» («О слоях земных») номли классик аса-рида биринчи бўлиб тўғри аниқлади.

XVIII асрда қишлоқ хўжалигида экинлар, айниқса дон экинлари экиладиган ерлар майдонини ғенгайтириш мақсадида фойда-паниладиган энг унумдор қора тупроқни ўрганиш ва унинг хосса-ларини аниқлаш ҳамда классификациясини ишлаб чиқишга доир бир қавча мазмунли лекциялар (профессор М. И. Афония томонидан) 1770 йилда Москвада ўқилиди. Профессор Н. М. Комовнинг 1789 йилда нашр этилган «Деҳқончилик ҳақида» («О земледе-ни») номли китобида қора тупроқ ва бошқа тупроқлар тўғрисида янчада янги маълумотлар келтирилган.

3. XIX асрда Россияда капиталистик тузум даврида, бошқа соҳа-лар сингари, қишлоқ хўжалигида ҳам юксалиш бўлди. Бу ҳақда В. И. Ленин «...деҳқончилик капитализми қишлоқ хўжалигимиз-нинг асрлардан бўён давом этиб келган тургунилигига биринчи бор барҳам берди, унинг техникасини янгидан қуришга, ижтимоий иеҳнатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга катта гуртки бўлди»¹, деб таъқидлаган эди.

4. Тупроқ ҳақидаги ҳозирги замон фави улуғ рус олимлари В. В. Докучаев, П. А. Костичев ва Н. М. Сибирцев номлари билан бөглиқдир. Демак, тупроқшунослик фани Россияда вужудга кел-ган, яъни рус олимлари ижодий ишларининг зўр самараасидир. Гупроқшунослик кейинчалик Европа ва жаҳондаги бошқа мамла-катларга тарқалди.

5. В. В. Докучаев (1846—1903) дунёда энг бирилчи бўлиб яра-тилган табииёт фанининг генетикавий тупроқшуносликнинг ижод-коридир. В. В. Докучаев тупроқ ҳақидаги тушунчани илмий асос-да ўрганиди ва тупроқнинг пайдо бўлиши бир қанча табиий ша-роитта — иқлимга, жойнинг рельефига, она жинисга, ўсимликларга

¹ В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, ўзбекча нашри, 3-тои, 1972, 349-бет.


айвонот оламига боглиқ экани исбот этди, у бутун ерсидаги табиий зоналарда ернинг ўзига хос бўлган роқлари бирин-кетин пайдо ганини ва ривожланна боргани аниқлади.

В. В. Докучаев бир неча йил эмида қора тупроқли даشتси тупроқларини далада ий асосда текширди ва таҳқиқиди. Бу тадқиқот ишлатижасини 1883 йилда «Рус тупроғи» («Русский чернозем») номи билан рисола ида нашр эттириди. В. В. Докучаев бу асари билан тупроқносликни табиийёт фаннада ражасига кўтарди, шудан бошлаб тупроқ ҳақида аълимотнинг ривожланниши илмий йўл очила бошлияни кишилилек жамияти ида янги фан — тупроқшулик вужудга келди.

В. Докучаев бу классик илмий асарида қора тупроқларниң о бўлиши, таркиби ва хоссаларини ҳамда морфологик характеристикасини, географик тарқалиш қонуниятини атрофлича баён билан бирга, қора тупроқлар унумдорлигини ошириш йўлла ҳам кўрсатди.

В. Докучаев фикрлари эълон қилинмасдан илгари тупроқни ликларга сув ва озиқ бериб турадиган оддий бир жисм деб чилар эди, чунки тупроқнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш шарнини деч ким тадқиқ этмаган ва билмас ҳам эди. Тупроқ-мураккаб табиий жараёнлар қонунини билмаслик сабабли юқ хўжалиги соҳасида бир қанча хатоларга йўл қўйиларди. оғли районлардаги тупроқларни ҳам дастлаб В. В. Докучаев ириб, уларнинг хилма-хил экандлигини аниқлади. У текислик ёғли ернинг тупроқ зоналари (горизонтал ва вертикаль зона-ҳақидағи таълимотни яратди).

В. Докучаевнинг тупроқ зоналари ҳақидағи таълимоти мамгимизнинг кеңг териториясида қишлоқ хўжалигининг турли ҳақидағи түғри районлаштириш ишларини катта ёрдам берди. Бу замот ерин ишлаш, ўйтлардан ўринли фойдаланиш, сугориш аларини белгилаш, алмашлаб әкиш схемаларини тузиш ва орация ишларини түғри амалга ошириш сингари турли агротехника тадбирларни тупроқ шароитига қараб ҳал этишга имкони.



В. В. Докучаев



П. А. Костичев

даражтзорлар барып этиш қурғочиликка қарши курашда бирдан бир муҳим чора эканлигини ишбот этди.

Тупроқшунослик ва деңқончилик фанларини ривожлантириш да В. В. Докучаевнинг замондошлари ва шогирдларинииг хизматлари ҳам катта.

П. А. Костичев (1845—1895) тупроқларда бўладиган турли биологик процессларни пухта ўрганди ва уларни тупроқ пайдо бўлишидаги асосий процесс деб ҳисоблади. У айниқса, тупроқ унумдорлигини ўрганишга алоҳида эътибор бериб, унумдорлик фақат физик-химиявий процесслар эмас, балки уидаги биологик процессларга кўпроқ боғлиқ эканлигини ўрганди ва ишбот этди.

П. А. Костичев тупроқ ва ўсимликлар орасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда қишлоқ ҳўжалигининг турли тармоқларини яхши билганилиги туфайли у агротупроқшунослик фанига асос солди. Аниқроқ қилиб айтганда, П. А. Костичев тупроқшунослик фан соҳасида В. В. Докучаев билан биргаликда ижодий ишлар олий борган табиатшунос олимидир. У тупроқ унумдорлигини оширишда тупроқнинг мустаҳкам донадор структурали бўлишининг ҳаминиши ва уин сақлаш учун алмашлаб экип тадбирини қўллашни ҳам биринчи бўлиб тавсия этди.

П. А. Костичев 1886 йилда нашр этилган «Россия қора тупроқли областларининг тупроқлари» («Почвы чернозёмной области России») номли илмий асарида тупроқларда чириндининг пайдо бўлиш хусусиятлари, тупроқ унумдорлигида чириндининг аҳамияти

В. В. Докучаев яшаган ХІХ асрнинг иккандык ярмида Россиянинг қишлоқ ҳўжалиги биланча табиий оғатлардан, чунинчайда дашт зонасидаги районларнииг қишлоқ ҳўжалиги қурғоқчиликдан кўп зарар кўради. У ўзининг 1892 йилда нашр этилган «Даштларимиз винг ўтмиши ва ҳозирги аҳвасли» («Наши степи прежде и теперь») номли асарида қурғоқчиликнинг сабаблари ва унга қарши кураш тадбирларини түрги ва аниқ кўрсатди. Қурғоқчиликка қарши кураш учун В. В. Докучаев мамлакатимиздаги дашт районлари иқламини ўзгартириш тадбирларини илмий асосда ишлаб чиқди. У ўзининг талантли шогирда Г. Н. Висоцкий (1865—1940) билан ҳамкорликда илмий вакамлий иш олиб бориб, иҳота

ти ва бошқа факторлар ҳақида изоҳлар берди. У айниқса туроқшунослик ва деҳқончилик фаннари орасидаги ўзаро мустаҳкам муносабатин түғри тушунди ва муфассал ифода этди.

В. В. Докучаевнинг энг қобилиятли шогирди ҳисобланган Н. М. Сибирцев (1860—1900) устозининг туроқшунослик ва П. А. Костичевнинг агротуроқшунослик соҳасидаги таълимотларини давом эттириша ва ривожлантиришида ўзининг катта ҳиссасини қўшди. У тунроқлар классификацияси ва картографияси устида апчамунча илмий тадқиқотлар олиб борди. Н. М. Сибирцев В. В. Докучаев ташкия этгани экспедицияларда фаол қатнашиди.

Н. М. Сибирцев 1899 йилда баринчи туроқшунослик дарслигини яратган олимдир.

ХХ асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб, В. В. Докучаев ва П. А. Костичевнинг бир қанча истеъоддли ва қобилиятли шогирдлари устозлари ижод этгани генетик туроқшунослик ва агротуроқшуносликни кенг кўламда ривожлантириш мақсадида туроқлар географияси, химияси, физикаси ва биологиясини ўргавишига доир кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар.

Академик В. Р. Вильямс (1863—1939) туроқшунослик фанини ривожлантиришда ва туроқ пайдо бўлиши қонуналарини диалектика материализм методлари асосида ҳал этишда аничагина хизмат қилди, у туроқшуносликда биологик назария ижодкори ҳисобланниб, В. В. Докучаевнинг генетик туроқшунослиги билан П. А. Костичевнинг агротуроқшунослик фанларини ўзаро бирлаштириди.

В. Р. Вильямс туроқни пайдо қиласидиган процессининг мояниятини, табиатда моддаларининг геологик ва биологик айланниш мояниятини ҳамда туроқ унумдорлиги, гумуси ва структураси ҳақидаги явги таълимотларни вужудга келтирди. Унинг биологик назариясига кўра, туроқлар пайдо бўлинни ва ривожлавиши яшил ўсимликлар ва микроорганизмларга боғлиқ бўлиб, яшил ўсимликлар ва туроқдаги микроорганизмлар группалари ўсимликлар формациясини ташкил этади. Табиий муҳит шаронтига кўра, ўсимликлар формациясини ўзгариши билан туроқ тишлари ҳам алмашади.

В. Р. Вильямс фикрича, туроқнинг пайдо бўлиши ягона процесс бўлиб, биосфера элементларининг литосферага таъсир этиши натижасидир. Демак, биологик омилиниг ўзгариши билан туроқ-



N. M. Сибирцев



Рисован Михаилович Михалевич

М. Р. Михалевич

ликалари тупроқларини текшириш ишлари, юқорида айтиб ўтилгандек, асосан XX асрнинг биринчи чорагида А. И. Прасолов, С. С. Неуструев ва Н. А. Димолар томонидан олиб борилди.

Кейинчалик, Совет тупроқшунослари Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистон териториясидаги сугориладиган ерлар, шунингдек, пахтачилик районларидағи қадимий ва янгидан ўзлаштирилган бўз ер тупроқларини батафсил ўрганиш ҳамда уларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган зарур агрокомплекс тадбирларини (минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш, шўрланган ва ботқоқланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда экинлардан мўл ҳосил олишга қаратилган вазифаларни) бажаришда катта ва мураккаб илмий тадқиқотлар олиб бордилар.

Ўрта Осиёда тупроқни текшириш ишларини мукаммал ва мұфассал ҳал этиш мақсадида Союз ПИХИ бир қавча агротупроқшунослик экспедициялари ташкил этди. Экспедициялардаги тупроқни текшириш ишларини рус олимлари билан бир қаторда ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз ва тоғик мутахассисларидан иборат атоқли тупроқшунослар ҳам бажардилар. Ўзбекистондаги колхоз ва совхоз далаларининг тупроқларини атрофлича текшириш ва уларга ўзбек тилида ёзилган тушунтириш китоблари, агрохимиявий тупроқ карталарини тузиш асосан 1934 йилдан бошланди ва ҳозирги вақтда бу мұхим тадбир көнг миқёсда олиб борилмоқда.

ни вужудга келтирадиган процесс ҳам ўзгаради. Айрим тупроқлар (подзол, чимли подзол, ботқоқ тупроқлари)ни пайдо қиласидиган процесслар борасидаги Вильямс назарияси тупроқ генезиси ҳақидаги тушунчалииг ривожланшишига восита бўлди. В. Р. Вильямс тупроқнинг энг мұхим хоссаси ва агрономик ижобий сифати ҳисобланган унумдорлик тупроқдаги биологик процессларга узвий боғлиқ эканлигини аниқлади.

Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган янги ва ёш тупроқшунослик фани асосан Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги даврдагина тез ривожланди ва ривожланмоқда.

Қадимий дедқончилик маданияти марказларидан бири ҳисобланган Ўрта Осиё респуб-

Кейинги йилларда Ўрта Осиё территорияси тупроқларини, айниқса чўл зонасидаги тақир тупроқларни, пролювнал ётқизиқлар тарқалган жойлардаги тақир тупроқларни ва чўл-саҳро зонаси тупроқларини текшириш ҳамда уларнинг таркиби, хоссаларини ўзгариш ва унумдорлигини ошириш тадбирларини амалда жорий этиш борасида катта ютуқларга эга бўлинди. Ўзбекистонда деҳ-қончилик (айниқса пахтачилик) майдонларини ҳамда чорва яйловлари территорииясини кенгайтиришга қаратилган вазифаларни ҳал этишиб юзасида тупроқшунослар кенг кўламда иш олиб бормоқдалар.

Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистондаги тупроқшунослик илмий тадқиқот институтларида маҳаллий қадрлар раҳбарлиги ва иштирокида, шунингдек, университет ва қишлоқ хўжалик институтларидаги тупроқшунослик кафедраси олимларининг раҳбарлигига кўплаб ёш тупроқшунос мутахассислар этишиб чиқмоқда. Бу ёшлар орасида фан кандидатлари ва фан докторлари йил сайин кўпаймоқда. ▶

Бириңчи қисм

УМУМИЙ ТУПРОҚШУНОСЛИК

I б о б

ТУПРОҚ ОНА ЖИНСИНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИ

Минерал ва төр жинслари ҳақида түшүнчә. Ернинг устки қаттиқ қобиги (литосфера), асосан, дар хил (минерал ва төр) жинсларидан иборат. Минераллар табиатта кварц (Si_2O) ва кальций карбонат ($CaCO_3$) сингари қаттиқ, нефть ($CnHn$), сув (H_2O) каби суу қызметтеги ҳамда карбонат ағидрид (CO_2) сингари газ ҳолида учрайди.

Минерал жинслар түрлүү мураккаб процесслар натижасида пайдо бўлади. Минерал жинсларининг кўлчилиги узоқ муддат давом этган геохимиявий процесслар натижасида пайдо бўлиб, улар анерганик минерал жинслар, биохимиявий процесслар натижасида пайдо бўлганлари эса органик минерал жинслар ёки биолитлар* дейилади. Масалан графит (C), галенит (PbS), галит ($NaCl$), гематит (Fe_2O_3), гипс ($CaSO_4 \cdot 2H_2O$) кабилар анерганик минераллар, кахрамон ($C_{40}H_{64}O_4$) ва шунга ўхшашлар органик минераллар жумласига киради. Литосферанинг таркибида анерганик минерал жинсларининг микдори минерал жинсларга нисбатан кўп. Табиатда булардан бошقا яна космоген минерал жинслар (метиоритлар) ҳам бўлиши мумкин.

Минераллар ва төр жинслари тупроқ она жинсиининг манбаидир.

М и н е р а л. Литосферанинг таркибида учрайдиган ўзига хос физикавий ҳусусиятга ва маълум химиявий таркибга эга бўлган табиий жинслар минерал дейилади. Демак, ер қобигида учрайдиган минераллар ўзининг химиявий таркиби ва физикавий хоссатари жиҳатдан бир-бираидан фарқ қиласи. Масалан, кварц (SiO_2), ортоклаз ($K_2Al_2Si_6O_{14}$), доломит [$CaMg(Co_3)_2$], альбит ($Na_2Al_2Si_6O_{14}$), авертит ($CaAl_2Si_2O_8$), мусковит [$KH_2Al_3(SiOH)_6$] шунг ҳар қайсиси алоҳида минераллар.

Минерал мураккаб ҳисобланган ҳар хил геохимиявий ва биохимиявий процесслар натижасида шаклланган (асослашган) литосферада пайдо бўладиган табиий жинслир. Шунинг учун ҳам унъий равишда синтезлаш йўли билан олинган жинслар минерал

* Биос — даёт, литос — том демакдир.

Механикавий элементлар классификацияси. Нураш процессли-
ри туфайли ер юзасида күплаб нураш маҳсулотлари түпланади.
Тупроқ она жинси ҳисобланган ғовак ҳолидаги бу маҳсулот асо-
сан ҳар хил катта-кичик зарралардан ташкил топади. Төг жинслари
ва минералларнинг турли ўлчамдаги алоҳида зарралари
механикавий элементлар дейилади.

Механикавий элементлар таркибига кўра минерал, органик ва
органик минерал типларига бўлинади. Төг жинсларида нураш
маҳсуллари ва тупроқларнинг қаттиқ қисми асосан минерал-ме-
ханикавий элементлардан ташкил тоғандар. Ҳар хил катталик
(ҳажм)даги зарраларни турли группаларга ажратиш асосида ме-
ханикавий элементларнинг бир қанча классификацияси тузиб чи-
қилған. Ана шулардан ҳозирги вақтда В. Р. Вильямс, А. Н. Саба-
нив томонидан ишлаб чиқилған Н. А. Качинский томонидан анча-
гина ўзгаришлар киритилган қуйидаги классификацияси қабул
қилинган ва кенг қўлланилмоқда (1-жадвал).

1- жадвал

Төг жинслари ва тупроқ механикавий элементлари классификацияси

Группа	Механикавий элементар номи	Механикавий элементларнинг катта-кичиклиги (мм ҳисобида)
I	Топш	3
II	Шагал	3—1
III	Кум	1—0,5
	йирик	0,5—0,25
	ўрга	0,25—0,05
	майда	0,05—0,01
IV	Тўзон (чанг)	0,01—0,005
	йирик	0,005—0,001
	ўрга	0,001—0,0001
V	Лойқа	0,0001
VI	Коллоид	

Классификацияга кўра механикавий элементлар олти группа-
га ажратилган бўлса-да, кўпчилик она жинс ва тупроқларда асо-
сан қум, тўзон (чанг) ва лойқалардан иборат уч группа—механи-
кавий элементлари кўпроқ учрайди. Шунинг учун 0,01 мм дан
катта механикавий элементларга «физикавий қум» ва 0,01 мм
дан кичикларига «физикавий лой» деб аталадиган фракцияларга
бирлашиб жинслар ва тупроқлар механикавий таркибининг
классификацияси ишлаб чиқилаётганда ундан фойдаланилади.

Механикавий элементларнинг хоссалари. Айрим механикавий
элементлар группасидаги зарралар ўзининг катта-кичиклигидан
тапқари, минералогик ва химиявий таркиби ҳамда физикавий ва
физик-химиявий хоссалари билан ҳам фарқ қилиб, тупроқнинг
химиявий таркиби ва физикавий хоссалари таъсир кўрсатади.
Одатда механикавий элементлар ($<0,001$) таркибida йирик

зарралар ($>0,001$) дагига нисбатан CaO , MgO , P_2O_5 сингари озиқ элементлар бирикмаси күп бўлади. Демак, она жинс ва турроқ таркибидаги айrim механикавий элементлар группасининг химиявий таркиби бир хил эмас (2-жадвал).

2 - жадвал

*Механикавий элементларнинг химиявий таркиби,
процентни ҳисобида (А. Н. Соколовский)*

Зарралар катта-кичиклигиги. (мм)	CO_2	SiO_2	$\text{Al}_2\text{O}_3 + \text{Fe}_2\text{O}_3$	CaO	MgO	P_2O_5
0,001	10,11	38,98	24,85	14,09	5,10	0,319
0,005—0,01	5,29	62,21	17,34	7,65	2,03	0,226
0,01—0,25	3,12	77,42	77,42	7,68	4,81	0,112

Жадвалдаги маълумотлар ҳам меҳаникавий элементларнинг катта-кичиклигига кўра, уларнинг химиявий таркиби бир хил эмаслигини кўрсатади.

Механикавий элементларнинг сув хоссалари ҳам турличадир. Тош, шағал сингари йирик зарралардан иборат қатлам сувни юқоридан пастга жуда тез ўтказади, уларда капиллярлик хусусияти мутлақо бўлмайди. Қум зарралари кўп бўлган қатламда гарчи капиллярлик хусусияти қисман бўлса-да, лекин бу қатламлар орқали сув қатламнинг қуни қисмига тезлик билан ўтиб кетади ва меҳаникавий элементлар бир-бирига ёнишмай сочилиб туради.

Тўзон (чанг) айниқса, лойқа зарралардан иборат қатлам эса сувни юқоридан пастга секин ўтказади. Бу қатламларда капиллярлик ва нам сингими яхши бўлиб, зарралар бир-бирига зич ёпишиб турган ҳолда бўлади.

Турроқда кечадиган физик-химиявий процессининг боришида, лойқалар, айниқса коллоид заррачалар катта аҳамиятга эга. Шунингдек, турроқ учумдорлигида ҳам лойқаларнинг ўзига хос аҳамияти бор. Чунки кўп микдорда чиринди ва озиқ элементлар лойқаларда тўпланиади ва улардаги коллоид заррачалар эса турроқ структурасининг чидамли ва мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Турроқ она жинси ва турроқнинг механикавий таркиби

Нураш маҳсулоти ғовак ҳолдаги она жинс юқорида айтилган-дек ҳар хил катта-кичик меҳаникавий элементлардан иборат.

Турли минерал ва тоғ жинслари йигиндисидан иборат бўлган турроқ қаттиқ қисмисининг таркибида ҳам ана шундай ҳар хил катта-кичик зарралар учрайди. Бипобарни, она жинс ва турли зарралар турроқ тўпламидан иборат дисперс* ҳолидаги жинедир.

* Дисперс — майдаланган, парчаланган, увалашган.

Улар таркибидаги зарраларниң катта-қициклигі ҳар хил бұлған-лигидан уларни полидисперс жиислар деб айтиш маъқулдир.

Полидисперс жиислар хоссалари характеристини ўрганиш ва түгри тушуниш учун уларниң механикавий таркиби аниқланиб чиқиши лозим.

Она жиисе ва тупроқ қаттық қисмидеги ҳар хил катта-қициклидаги минерал зарраларниң процент ҳисобидаги нисбий миқдорига **механикавий таркиби** дейилади.

Түрли зарраларниң нисбий миқдорини аниқлатып учун тупроқ она жиисини ва тупроқ лабораторияларыда механикавий анализ қилиніб, зарраларни йирикливигінде қараб группаларга ажратып талаб этилади. Тупроқтің механикавий анализ этиші методларниң такомилластириш масаласында тупроқшуносларнинг халқаро үюшмаси катта роль ўйнади. Тупроқшуносларнинг бириңчи (1927 йил Вашингтонда) ва иккінчи (1930 йил Москвада) халқаро конгрессларыда ҳамда Прагада (1929 йил) ва Версалда (1934 йил) бўлиб ўтган конференцияларыда тупроқтің механикавий анализ қилиннинг асосий усуслари ва техникаси ҳар томонлама муҳокама этилиб шу масала юзасидан ягона бир фикрга келинди.

Механикавий таркибига кўра она жиисе ва тупроқлар классификацияси.

Она жиисе ва тупроқларни механикавий таркибига кўра группаларга ажратылғандың иккі туркүм механикавий элементтері, яғни «физикавий лойнинг» ($>0,01 \text{ mm}$) «физикавий қумга» ($>0,01 \text{ mm}$) бўлған нисбати асос қилиб олинған иккі ҳадди классификацияси бириңчи марта Н. М. Сибирцев томонидан ишлаб чиқилған.

Ҳозирги вақтда Н. А. Качинский томонидан анча мукаммалластирилиб ишлаб чиқилған қуйидаги иккі ҳадди классификация тупроқшуносликда қабул этилган (3-жадвал).

Ушбу классификацияга асосланыб, она жиисе ва тупроқлар механикавий таркибига қисқа ва тўлиқ ном бериш мумкин. Қисқа ном берилгандан физикавий лой ва физикавий қумнинг миқдори, тўлиқ ном берилгандан эса булардан ташқари яна қайси механикавий элементтер кўп эканлигини эътиборга олинади. Масалан, типик бўз тупроқ таркибидаги физикавий лой 40%, лойда 28%, тўзон (чанг) 22% ва қум 10% бўлса, физикавий лой миқдорига кўра тупроқнинг қисқа номи ўрта қумоқ таркибли бўз тупроқ, механикавий элементлар орасидаги бошқа зарралардан лойда бириңчи ўринда, иккінчи ўринда тўзон ва учинчи ўринда қум бўлғанлигидан механикавий таркибига кўра унинг тўлиқ номи тўзон-лойкали ўрта қумоқ таркибли бўз тупроқ деб аталади.

Она жиисе ва тупроқларнинг механикавий таркибидаги юқорида айтилган майдада зарралардан ташқари, тош ва шагал сингары йирик механикавий элементлар ҳам бўлиши мумкин. Тупроқ таркибидаги ана шу тош ва шагалларнинг нисбий миқдори 5—10% ва ундан ортиқ бўлса, бундай тупроқли ерларни тоцилоқ дейилади. Тупроқ пайдо бўлиш процесси ва тупроқнинг агрономикавий хоссалари кўп ҳолларда уларниң механикавий таркибига боғ-

**Она жинс ва тупроқларнинг механикавий таркибига кўра
классификацияси (Н. А. Качинский)**

Механикавий таркибига кўра номи	Физикавий лой (<0,01 мм) ишиг процент миқдори			Физикавий қум (>0,01 мм) ишиг процент миқдори		
	тупроқлар			тупроқлар		
	подзоль типидаги	дашт ти- пидаги ва қизил тупроқ	шуртоблар	подзоль ти- пидаги	дашт ти- пидаги ва қизил тупроқ	шуртоблар
Сочилма қум	0—5	0—5	0—5	100—95	100—95	100—95
Ёлишқоқ қум	5—10	5—10	5—10	95—90	95—90	95—90
Қумлоқ Енгил қумоқ	10—20	10—20	10—15	90—80	90—80	90—85
Урта қумоқ	20—30	20—30	15—20	80—70	80—70	85—80
Оғир қумоқ	30—40	30—45	20—30	70—60	70—55	80—70
Енгил соз	40—50	45—60	30—40	60—50	55—40	70—60
Урта соз	50—65	60—75	40—50	50—35	40—25	60—50
Оғир соз	65—80	75—85	50—65	35—20	25—15	50—35
	>80	>85	>65	<20	<15	<35

Дир. Шунинг учун ҳам бир хил табиий шароитда, лекин механикавий таркиби турлича бўлган она жинслардан вужудга адиган тупроқларнинг физикавий ва физик-химиявий хоссалашар хил бўлиши мумкин.

Агрономик ишқати назардан қумсқ таркибли тупроқлар энгни ҳисобланади. Чунки ана шундай тупроқларниң сув, ҳаво, иқлиқ ва озиқ режимлари энг ўвофиқ ҳолда бўлганлигидан, рда физик-химиявий ва биохимиявий процесслар учун қулай роинт вужудга келади. Шу боисдан тупроқ унумдорлигини ошири учун қўлланиладиган агрономия тадбирлар системасини лаб чиқиша ва барча агротехник тадбирларни хўжалик майларида қўлланишдан олдин тупроқнинг механикавий таркибига тўғри ва аниқ белгилаш лозим.

Тупроқ механикавий таркибини ўсимликлар учун қулай ҳо-га, яъни қумоқ ёки унга яқин бўлиши учун турли тадбирлар иланилади. Шу мақсадда тупроғи оғир соз ёки шунга яқин бўлмайдонларга мунтазам равишда бир неча йил давомида шуддан олдин майдоқ қум солиш ва органик ўеитларни кўпроқ латиш талаб этилади. Аксинча, қум ва қумлоқ таркибли тупроқнинг агрономия хоссаларини яхшилаш учун эса ерга оғир таркибли тупроқлар солиш ва лойка чўқтириш (кольматаж) сини тадбирларни ўз вақтида ўтказиб туриш керак.

3 Тупроқ пайдо қылувчы она жинслар

Ер юзасининг қуруқлик ва асосан текислик қисмидаги тарқалған ва тупроқ пайдо қила оладиган ғовак ҳолдаги төр жинслариға тупроқ она жинслари дейилади. Литосфера таркибидаги ҳар қандай төр жинси ҳам она жинси бўла бермасдан, балки узоқ муддат давом этиб келаётган турли экзоген жараёнлар натижасида вужудга келган ва бир қанча янги хоссали ғовак ҳолдаги төр жинслари, яъни рухякларгина она жинс бўлиш хусусиятига өгадир.

Ер юзида тарқалган тупроқларнинг она жинслари асосан кайюзой (янги ҳаёт) эрасининг тўртламчи даврида сув, шамол, музликлар ҳаракати натижасида ҳосил бўлган ҳар хил қалинликчаги турли ётқизиқлардан иборат бўлиб, улар келиб чиқишига сўра қўйидаги типларга бўлинади.

Элювий нураш маҳсулларининг нураш қобигида ўз ўрнида тўплиниши натижасида ҳосил бўлган ётқизиқлардир. Элювийлар шамол, сув ва музликлар таъсирида бир жойдан иккинчи жойга ўзгальмаган бу ғовак ҳолдаги жинслар ҳар хил қалинликчада, асосан текисликларда учрайди. Химиявий ва минералогик таркиби ҳамда хоссасига кўра улар дастлабки бошлангич жинслардан ичча кўп фарқ қилмайди. Элювий төр ён бағирлари ва қияликтарда деярли тарқалмаган. Таркибидаги ҳар хил зарра ва минераллар бор.

Делювиал ётқизиқлар ёки делювий нураш маҳсулларининг ғимғир ва эриган қор сувлари ҳаракати таъсирида қияликларнинг ўйин қисмларида тўпланишидан вужудга келади. Делювиал ётқизиқлар маълум қалинликда қат-қат жойлашган бўлса-да, бишук қияликтининг юқори қисмидаги кўпинча йирик зарралар ва қўйи қисмидаги эса майдага зарралар учрайди.

Делювийлар механикавий таркибига кўра ҳар хил—қум, қум-юқ қумоқ ва соз таркибли бўлиши мумкин. Рельефнинг ён бағир ва қияликлар характеристига ва атмосфера ёғинлар миқдорига кўра делювийлар қатламишининг қалинлиги ва механикавий таркиби турличадир. Умуман ер юзасининг хотекис рельефли жойларидаги ҳар хил таркибли делювий учрайди. Делювий химиявий ва минералогик таркиби жиҳатидан дастлабки бошлангич жинсларни нисбап бир оз ўзгарган бўлади.

Пролювиал ётқизиқлар ёки пролювий төр этаклари ва адирларда сел сувлари тўплланган тош, шагал, қум сингари ҳар хил леканик элементлар аралашмасидан ташкил топган. Пролювийлар асосан сел сувлари таъсирида юзага келгандигидан улар ўзел ётқизиқлари ҳам деб юритилади. Пролювиал ётқизиқлар ҳар хил төр жинсларидан иборат бўлиб, улар асосан төр этаклари ва оғлар оралигидаги водийларнинг адир қисмидаги «конус ёйилмани»га ўхшаш майдонларни ҳосил қиласиди. Масалан, Фарғона воқийисидаги «тошлоқ»лар ана шундай пролювиал ётқизиқлардир. Бу ётқизиқлар асосан йирик зарралардан иборат бўлганлиги чун уларни физикавий хоссалари ва сув, ҳаво режимлари по-

қулай ҳамда химиявий таркиби жиҳатдан унча бой әмас. Пролювийлар ҳар хил тупроқлар, кўпроқ тақир тупроқларининг она жисси ҳисобланади.

Аллювиал ётқизиқлар ёки аллювий оқар дарё сувлари оқизиб келтирган ва дарё тошқинлари вақтида ҳосил бўлган ҳар хил қалиниллидаги горизонтал қатламдан иборат бўлиб, дарё водийларида кенг тарқалган. Дарё ўзанлари, водийлари ва делъталарида маълум терриорияни әгаллаган бу аллювиал ётқизиқлар ҳар хил механикавий таркибли ва ўзишиниг қат-қатлиги билан бошқа ётқизиқлардан кескин фарқ қиласди. Дарё сувининг кўп-озлиги ва оқимнинг тезлигига кўра ҳар қайси қатламда ўзига хос механикавий элементлар группасидан иборат хилма-хил қалиниллидаги горизонтал қатламлар бўлади.

Аллювий қатламлари орасида ўсимлик ва ҳайвон организмларининг қолдиқлари, қадимги аллювиал ётқизиқлари қатламларида эса баъзан торф ҳам учраб қолади. Бундан ташқари, аллювийларда сувда осон эрийдиган тузлар ва ҳар хил оксидлар группасидан иборат глей*ли қаватчалар ҳам бўлади.

Аллювиал ётқизиқлар ўзига хос гидрологик шароитта ва химиявий таркибга эга бўлган дарё соҳили, водийлар ва делъталарда тарқалган унумдор тупроқларининг она жисси ҳисобланади. Аллювиал ётқизиқлар ~~СССР~~да кенг тарқалган бўлиб, жумладан Ўрта Осиёниг Амударё, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё, Зарафшон, Чирчиқ, Осангарон сингари дарё водийларида анча катта майдонни әгаллайди.

Денгиз ётқизиқлари денгиз тагида ва қирғоқларида учрайдиган ҳар хил механикавий таркибидаги тўплам қолдиқлардан иборатdir. Денгиз қирғоқларида асосан майда шағал, йирик қум ва қум каби йирик механикавий элементлар йигилган бўлиб, қирғоқлардан узоқлашгани сайин физикавий лой ва лойқаларга ўхшаш майда зарралар кўпаяди. Денгиз ётқизиқлари таркибida кўп миқдорда турли химиявий бирикмалар, жумладап хлорид ва сульфатлардан иборат сувда тез эрувчан тузлар кўп, улар маълум даражада шўрлангандир. Шунингдек, тўртламчи давр денгиз ётқизиқларида чиганоқли ҳайвон организми қолдиқларининг бўлиши характеридир. Денгиз ётқизиқлари иттифоқимизниг Шимолий муз океани қирғоқларидан бошлаб, Ород ва Каспий денгизи қирғоқларига яқин бўлган пасттекисликларгача тарқалган; у ётқизиқларда шўрланган тупроқлар пайдо бўлади.

Кўл ётқизиқлари қадимий ва ҳозирги замон кўл ҳавзаларида тарқалган бўлиб, маълум қалиниллидаги қатламлар ҳолида тўплалган оғир механикавий таркибли жиислардир. Таркибida хлорид ва сульфат сингари ҳар хил тузлар кўп бўлганда шўрланган, таркибida кальцит ва доломит сингари карбонатли тузлар кўп тўпланганда эса ётқизиқлари шўрланмаган бўлади. Кўл ёт-

* Глей таркибida темир ва аллютинит оксидлари кўп бўлади ва ботқоқларда учрайди.

иентал иқлимли зоналарда физикавий нураш бошқа жойларга нисбатан теңдер өз аудиорадио түсініктерге бағытталған. Масалаң, Қызылкум, Қарақум сингари иссиқ иқлимли саҳроларда төр жинсларининг юзаси кундузи $60-80^{\circ}$ гача қызыл, кечеси әса температура кескин пасайыб $10-15^{\circ}$, баъзан 0° даражага тушиб қолади.

Иссиқ иқлимли зоналарда тез-тез бўлиб турадиган жала ва селлар ҳам физикавий нураш процессининг тезлациши ва кучайшигина таъсир кўрсатади. Қуёшда қизиб ётган төр жинслари ва минераллар юзасига тўсатдан тушадиган ана шундай совуқ ёғин сувлари жинс қатламларида нураш процессини анча кучайтирадиган кескин қарама-қарши ўзгаришларни юзага қелтиради.

Бундан ташқари, ёмғир ҳамда қор сувлари төр жинслари ва минералларда ҳосил бўлган ҳар хил кенглиқдаги ёриқларга сизиб кираётгандар дарзлар ичидаги кучли капилляр босим (кенглиги 1 мм бўлган дарзларда капилляр босим кучи $1500 \text{ кг}/\text{см}^2$ га етади) вужудга келиб, нураш процессини тезлаштиради. Қиши даврларида ёриқлар орасидаги сувлар температураси 0° дан пасайганда музлаб, ҳажми 1/10 марта катталашади ва дарзлар орасида жуда кучли босим ($890 \text{ кг}/\text{см}^2$) юзага келиб нурашни янада қучайтиради. Бу хилдаги физикавий нураш тоғли зоналарда айниқса кучли бўлади.

Арид (қуруқ иқлимли районларда ёриқларга шўр сув сизиши ва туэларнинг ўша жода кристаллениши туфайли ҳам физикавий нурашга олиб қелади. Масалаң, сувда эриган ангидрид (CaSO_4) ёриқлар орасида тўпланиб сув билан бирикади ва гипс ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) ҳажми 33% га кенгаяди ва натижада у физикавий нурашни кучайтиради.

Физикавий нураш натижасида яхлит ҳолдаги төр жинслари юзасида маълум қаливликдаги сув ва ҳаво ўтказа оладиган товак қатлам вужудга қелади. Төр жинслари бу қатламининг юза сатҳи нурамаган жинсларга нисбатан анча кўп бўлганлигидан унда химиявий нураш учун қулай шароит юзага қелади.

Химиявий нураш. Төр жинслари ва айрим минераллар сув ва атмосферадаги кислород ҳамда карбонат ангидриди (CO_2) таъсирида химиявий ўзгаради, янги бирикмалар ва минераллар ҳосил бўлади. Бу хилдаги процесстаси *химиявий нураш* дейилади.

Химиявий нураш жараённанда литосфера таркибидаги дастлабки ортоклаз ($\text{K}_2\text{Al}_2\text{Si}_4\text{O}_{10}$), гематит (Fe_2O_3), ангидрид (CaSO_4) сингари бирламчи минераллар парчаланади ва улардан янги бирикма иккиламчи каолин ($\text{H}_4\text{Al}_2\text{Si}_2\text{O}_5$), лимонит ($2\text{Fe}_2\text{O}_3 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$), гипс ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) каби минераллар вужудга қелади.


Химиявий нураш процессида сув, кислород ва карбонат ангидриди муҳим фактор ҳисобланади. Литосферанинг асосий таркибий қисмни ташкил этган ва сувсиз, ҳавосиз шароитда ҳосил бўлган гранит сингари полиминералли төр жинсларига химиявий нураш факторлари бошқа жинсларга нисбатан кучлироқ таъсир этади ва у теңдер өзаралана бошлайди.

Химиявий нурашнинг боришигана ҳарорат ҳам таъсир этади.


Ҳарораттинг ортиши билан химиявий реакциялар ҳам кучаяди. Демек, химиявий нураш иссиқ зоналарда соvuқ зонага писбатан кучлироқ бўлади.

(Химиявий нураш процессида айниқса эриш, гидролиз, гидратданиш ва оксидлавиш реакциялари муҳим роль ўйнайди.

Галит (NaCl), гипс ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) ва кальцит (CaCO_3) каби минераллар сувда анча яхши әриди. Таркибида карбонат ангидриди (CO_2) ҳамда ҳар хил тузлар, айниқса хлоридлар (NaCl , MgCl сингари) кўп бўлган сувда ва иссиқ ҳароратли шароитда эриш процесси қучли ўтади, чунки таркибида карбонат ангидриди бўлган сувда қўйидаги реакция асосида CaCO_3 тез әрийдиган бикарбонатга ўтади:



Магматик төғ жинслари таркибидаги минералларнинг химиявий нурашида, айниқса гидролиз катта роль ўйнайди. Гидролиз реакцияси вақтида ишқорий характердаги минералларнинг катиони диссоциацияланган сув ионлари билан бирикб янги минераллар юзага келади. Масалан, ортоклаз минерали гидролиз натижасида қўйидагича ўзгаради:



Бу реакция туфайли ҳосил бўлган KOH артманинг ишқорий бўлишига сабаб бўлади. Ана шундай ишқорий реакция шароитида эса кварц ўзгариб каолинит минерали ҳосил бўлади:




KOH эса карбонат ангидриди (CO_2) таъсирида қўйидаги тенглама бўйича поташга айланади:





Бундан ташқари, ёки оқар сув таркибида H_2CO_3 , HCl , H_2SO_4 сингари кислоталар ҳамда аммиак (NH_3) гази бўлиши мумкин. Агарда сувда карбонат кислота (H_2CO_3) кўпроқ бўлса, реакция теслашади ва каодинит билан бирга поташ (K_2CO_3) ҳамда кремний кислотаси ҳам вужудга келади.

Тропик ва субтропик иёлчимли зоналарда ёкин ва унинг таркибида CO_2 нинг кўп бўлиши ҳамда ҳарорат юқори бўлишлиги сабабли каодинит гидролизи давом этади ва натижада кремнезём ва алюминий оксидининг гидрати (боксит) ҳосил бўлади:




Гидратланиш процессида минераллар сув зарралари билан бирикб, янги минералга айланади ҳамда химиявий нурашда гидратланиш юзага келади. Ана шундай гидратланиш туфайли гематит минерали лимонитта, ангидрид эса гипсга айланади:





Мураккаб таркибли силикат ва алюмосиликатлар ҳам гидратланиш натижасида парчаланади ва минералларнинг юзасида заралар йигиндиси кўпайиб, ғовак қатлам пайдо бўлади. Бу эса шу муҳитдаги факторлар—сув, кислород ва бошقا газлар таъсиридаги нурашнинг давом этишига сабаб бўлади.

Бир қанча айниқса, таркибида темир кўп бўлган сидерит, пирит сингари минералларнинг химиявий нурашида атмосфера кислороди таъсирида содир бўладиган оксидланиш процесси ҳам катта аҳамиятга эга, чунки оксидланиш реакцияси натижасида ҳам бир минерал бошقا минералга; чунончи, сидерит лимонитга айланади:



Тоғ жинслари ва минералларнинг химиявий нурашида айниқса маҳаллий иқлим шароитлари зўр таъсири кўрсатади. Шунинг учун ҳам химиявий нураш иссиқ ва сериам зоналарда қуруқ иқлими жойларга қараганда тезроқ ва кучлироқ бўлади.

Химиявий нураш натижасида минералларнинг физикавий ҳолати ўзгариб, кристалли панжаралари бузилади. Натижада тоғ жинслари таркибида илашимлик, ёшишқоқлик, пластиклик, намсирими сингари янги хоссаларга эга бўлган иккиласмачи минераллар юзага келади. Бу ҳолат ер юзасида яхши хусусиятли тупроқ она жинслари кўпайишига сабаб бўлади.,

Биологик нураш. Тоғ жинслари ва минераллар турли организмлар (микроорганизмлар, ўсимлик ва ҳайвонот организмлари) ва уларнинг ҳаёти туфайли вужудга келгац маҳсуллар таъсирида механикавий равишда парчаланади ва химиявий ўзгариш юз беради. Организмлар таъсирида юзага келадиган ана шундай ўзгаришларга биологик нураш дейилади. Абиотик ҳолда мустақил физикавий ва химиявий нураш процесси бўлмайди, ер юзидаги тоғ жинслари ва минералларнинг нураши кўпинча организмлар иштироқида содир бўлади. Абиотик нураш эса ерда ҳаёт пайдо бўлмасдан илгариги эраларда бўлиб ўтган. Биологик нурашда организмлар тоғ жинсларидан ва минераллардан ўз ҳаёт шароитлари учун керакли моддаларни ажратиб олади ва минерал жинслар юзасига тўплайди, бу процесс натижасида тупроқ пайдо бўлиши учун қулай шароит вужудга келади. Ўсимлик илдизлари ва микроорганизмлар ҳаёти давомида ташки муҳитга ажраладиган карбопат ангидриди ва ҳар хил кислоталар химиявий нурашга сабабчи бўлади.

Биологик нурашда микроорганизм (бактерия, замбуруг ва актиномицентлар) ишнинг аҳамияти каттадир, чунки бир грамм тупроқда миллионлаб-миллиардлаб микроорганизм бўлади.

Микроорганизмлар таъсирида кечадиган нитрификация ва сульфификация процеслари натижасида ҳосил бўладиган нитрат ва сульфат кислоталари ҳам кўпгина минерал бирикмаларни эритади ва биологик нурашини кучайтиради. Шунингдек, замбуруғлар чиқарадиган органик кислоталар нураш процессига чидамли бўлган дастлабки бирламчи минералларни парчалайди.

Яхлит ва қаттиқ ҳолатдаги тоғ жинслари, минералларнинг биологик ва химиявий нурашида лишай (бақаёт) лардан ажраладиган карбопат ангидрид гази ва махсус лишай кислотасининг ҳам ўзига ҳос аҳамияти бор.

Тоғ жинслари ва минералларда пайдо бўлган ёриқлар орасига ўсимлик илдизларининг кириб ривожланиши натижасида улар майдалана бошлайди. Шунингдек, курт-кумурсқа ва каламуш сингари ер қазувчи жоноворлар ҳам тоғ жинслари ва минералларнинг механикавий майдаланишида актив иштирок этади. Бундан ташқари, ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўплаб қолдиқлари ер ювасида тўпланади-чирийди, улардан пайдо бўладиган органик кислоталар ҳам тоғ жинслари ва минералларни химиявий равишда ўзгартади.

Ҳамма тоғ жинслари ва минераллар нураш процессида бир хил ва бир текис парчаланмайди. Баъзи тоғ жинслари (кварцит) ва минераллар (кварц) нураш факторлари таъсирига жуда чидамли бўлса, айримлари (чўкини тоғ жинслари ва тоғ шпатлари) чидамсизлигидан тезроқ парчаланади. Нураш фақат механикавий парчаланиш процессидан иборат бўлмай, балки айни пайтда бу процесс туфайли иккиласмачи минераллар шаклидаги янги бирикмалар ҳам пайдо бўлади.

Нураш типлари. Нураш процесларининг тезлиги ва ундан тўпланадиган маҳсулот таркиби фақат тоғ жинсларининг таркибига ҳамда характеристигагина боғлиқ бўлмасдан, балки шу муҳитни белгилайдиган иқлим шароитларига ҳам боғлиқдир. Қуруқ иқлими шароитда ҳосил бўлган нураш маҳсуллари асосан нураш қобигига тўпланади-ю, аммо иссиқ ва сернам зоналарда улар ювилиб кетади.

Нураш процесларининг кечиши тезлиги даражаси таркибига кўра асосан смаллит ва аллит типларига бўлишида.

Сиаллит тишидаги нураш ёғин миқдори ўртача бўлган мўътадил иқлим шароитида юз беради, бунда кўпинча иккиласмачи алюмосиликат ва феррисиликатлар пайдо бўлади.

Аллит тишидаги нураш эса сернам тропик иқлими шароитга ҳос бўллиб, бу зонада нураш жуда шиддатли давом этади. Аллит тишидаги нурашда оксидланған гидратланиш процеслари катта аҳамиятта эга бўлганлигидан кремний, алюминий ҳамда темир оксидларининг гидратлашган бирикмалари тўпланади.

Шундай қилиб, нураш процесси натижасида тоғ жинслари ва минералларнинг физикавий ҳолати ва химиявий таркиби ўзгариб, нураш маҳсулотлари ўсимликлар ҳаёти учун қулай бўлган шароит юзага келади.

қизиқларининг қатламлари орасида мергель ва органик қолдиклар ҳам учрайди. Кўл ётқизиқларининг таркиби ва турли хусусиятлари шу зонанинг табиий, физик-географик шароитларига кўра хилма-хилдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги айрим географик зоналарда тарқалган кўл ётқизиқларининг таркиби ва бошقا хусусиятлари ҳам бир хил эмас.

Музлик ётқизиқлари СССРнинг Шимолий Европа қисми ва Гарбий Сибирда кўп тарқалган, бу жинслар қалин музлик таъсирида нураш маҳсулини кўплаб олиб келиши натижасида ҳосил бўлғандир. Музлик ётқизиқлари тўпланиши характерига кўра морена, флювиогляциал ва музлик-кўл ётқизиқларига бўлишади.

Музликларнинг ўз ўрнидан кўзғалиб ҳаракат қилиши ва силжиши натижасида ҳосил бўлған ғовак ҳолдаги ётқизиқлар тўпламига морена дейилади. Мореналар механикавий таркибида турли (магматик, метаморфик ва бошقا) төр жинсларининг ҳар хил нураш маҳсуллари (валун, шагал, қум, тўзон ва лойқа) сараланмаган аралашма ҳолда бўлади. Мореналар кўпинча муз ётқизиқлари тарқалган майдонларнинг юқори қисмларида ўзига хос тизма тепалар ҳосил қиласиди.

Музликларни сувлари ҳаракати натижасида ҳосил бўлған келтирилмаларга флювиогляциал ёки музлик сувлари ётқизиқлари дейилади. Бу ётқизиқларнинг минералогик таркиби хилма-хилдир. Механикавий таркибида кўпинча қумли қатлам, ора-сира тўзон-шагал бор.

Музликлар атрофи ва яқинидаги ботик ерлардаги кўл ҳавзаларида учрайдиган қум-лойқа қатламли келтирилмаларга музлик-кўл ётқизиқлари дейилади. Бу ётқизиқларнинг характери белгиси шуки, қалин қатламли лойқалар орасида майда қумлардан иборат юпқа қатлам ҳам учрайди.

Эол (шамол) ётқизиқлари. Қуруқ иқлимли саҳро зоналарида ҳар хил тезликда эсадиган шамол таъсирида турли шаклларда гўплаяган нураш маҳсулининг йигиндисига эол (шамол) ётқизиқлари дейилади. Эол ётқизиқлари денгиз ва дарё қирғозларига яқин бўлған жойларда ҳам бўлади. Эол ётқизиқлари Ўрта Осиёнинг Қорақум, Қизилқум ва Мўйинқум сингари саҳроларида кўпгина майдонларни эгаллайди, Орол бўйи ва Фарғона водийсида ҳам учрайди. Бу ётқизиқлар минералогик таркибини асосан кварц ташкил этади. Механикавий таркибида айниқса майда қум зарралари ($0,05-0,25 \text{ mm}$) кўпдир.

Саҳролардаги эол ётқизиқлари жойнинг рельефи ва шамол ёсини тезлигига кўра ҳар хил барханлар, дюналар ва қум тизма теначалари каби шакллар учрайди.

Эол ётқизиқлари сингил механикавий таркибли бўлғанлиги сабабли уларнинг физик ва сув хоссалари учча яхши эмас. Таркибида минерал ва органик моддалар ҳам жуда кам. Бу ётқизиқлар саҳро зонасига хос чўл тупроқларнинг она жинслари ҳисобланади.

Лёсс ётқизиқлари. Мамлакатимизнинг жанубий ва жанубий-

шарқий зоналарыда кеңг майдонни өзгеллаган ва күп тарқалған «Лёс» («Сөз тупроқ») түртламчи геологикалық даврда вужуда келған сарғыш ва сарғыш сур тусли юмшоқ ва ғовак ҳолдаги серкарбонат төр жинсидир. Механикалық таркибиға күра түзөн-күмоқли бўлиб, йирик түзон (0,05—0,01) миқдори 50 процентни, бальзан ундан ҳам күп миқдорни ташкил этади. Лойқа (0,001 мм) жуда оз ва қум (0,25 мм) зарралари деярли учрамайди.

Лёссиңг минералогик таркибида кварц зарралари кўп, төр шпатлари ва слюда заррачалари унга иисбатан оз. Бундан ташқари лёс таркибида каолинит ва монтмориллонит силгари гилли минераллар ҳам бўлиши мумкин.

Түртламчи давр геологиясини узоқ йиллар мобайнида текширган ва муқаммал ўрганған УзССР Фанлар академиясининг ҳақиқијий атъоси профессор F. Мавлонов Ўрта Осиёдаги майин тупроқлар она жинсими лёс ва лёссимон жинсларга бўлади.

Ўрта Осиёда тарқалған лёссиңг таркиби, хоссаси ва хусусиятларини қуидаги бўлишини аниқлайди: 1) лёссиңг тузи-сарғыш ёки оч сариқ (оч сур) рангда бўлади; 2) лёс серғовак (45—60%), коваклари диаметри 3 мм гача бўлади; 3) серкарбонатли лёссиңг таркибида, айниқса кальций ва магний карбонатлари кўп бўлади; 4) лёссиңг Механикалық таркибида тош, шагал ва йирик қум бўлмайди, балки йирик чанг (түзон) заррачалар (0,05—0,01 мм) 50—60 процентни ташкил этади, лойқа гил (0,005 мм) заррачалари эса 10% атрофида бўлади; 5) лёсслар тикинасига ёрилиш хусусиятига эга ва сув таъсирида чўкади; 6) таркибида сувда тез эрийдиган тузлар кўп миқдорда бўлади; 7) лёссиңг сув ўтказувчаник хоссаси жуда яхши. Ташқи кўриниши лёсса ўхшаса ҳам юқорида айтилган хоссаларга эга бўлмаганларига лёссимон жинслар дейилади.

Лёссиңг Европа қисмидаги Сибирда, шимолий Қозористонда, Ўрта Осиёда кўп тарқалған тупроқларининг энг яхши сифатли она жинси ҳисобланади. Шунинг учун лёссиңг ўзбеклар «Сөз тупроқ» деб аташлари тўғри бўлса керак. Лёсчет мамлакат (Хитой, Монголия ва бошقا)ларда ҳам катта майдонларни әгалайди.

Коллювиал* ёки коллювий ётқизиқлари төр ён бағирлари ва төр этакларыда сочилиб ётган ҳолдаги ҳар хил механикалық таркибли төр жинсларидир. Бу ётқизиқлар Ўрта Осиё ва Кавказнинг тоғли районларыда кўп тарқалған. Коллювийлар кўпинча делювийлар билан биргаликда учрайди. Ана шундай аралаш учраганда уларни делювиал-коллювиал ётқизиқлар дейилади. Коллювий минералогик ва химиявий таркиби жиҳатидан дастлабки төр жинсига кўра бир оз ўзгарған бўлади.

Ана шу энг муҳим ётқизиқлар ер юзаси нураш қобигининг устки қисмидаги тарқалған; уларнинг юзасида эса ҳар хил тупроқлар вужуда келгандир.

* Коллювий — нураш маҳсули тўплами.

ТУПРОҚНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Тупроқниң пайдо бүлиши. Тупроқ төр жинсларидан пайдо бүлган. Аммо тупроқ ўзининг бир қанча хусусиятлари, айниңса унумдорлиги, яъни ўсимликларни сув, ҳаво ва озиқ моддалари ҳамда бошқа ҳаёт омиллари билан таъмин этиш хусусияти билан төр жинсларидан қескин фарқ қиласи.

Ўзига хос ана шундай хусусиятларга эга бүлган табиий жисм ҳисобланған тупроқниң пайдо бүлишига нураш ва тупроқ пайдо бүлиш жараёнлари, ўзаро муносабат натижасида кечадиган жараёнлар катта аҳамият касб этади.

Литосфера юзасидан ғовак ҳолдаги төр жинси пайдо бүлиши да нураш процессининг роли тоят каттадир. Сув, ҳаво ўтказиш, капиллярлик ва нам сиғими қаби физикавий хоссаларга эга бүлган бу ғовак төр жинси қатламларидан аста-секин бир қанча янги химиявий бирикмалар вужудга келади. Нураш маҳсулоти таркибидаги ана шундай айрим химиявий модда ва бирикмалар атмосфера—ёғии сувлари таъсирида эриб-оқиб дарё ва океан сувларига бориб қўшилади. Улардаги моддалар ер юзасига тўплана бошлиди. Табиатда моддаларнинг ана шундай айланishiغا катта геологик айланни дейилади.

Ана шундай турли хил физикавий, физик-механикавий ва химиявий процесслар натижасида ҳосил бүлган нураш маҳсулоти таркибида бүлган ва унумдорлигининг дастлабки белгиси ҳисобланған хилма-хил озиқ элементлар сув билан ювилиб кетади. Демак, нураш натижасида янги хоссаларга эга бүлган төр жинси — рухляк вужудга келса-да, уларда ўсимликлар ҳаёти учун зарур озиқ моддалар етарли миқдорда тўпланмайди. Ювилиб кетишдан ташқари айниңса магматик төр жинслари нураш маҳсулоти таркибида азот деярли йўқ. Фосфор ва калий жуда оз бүлганлигидан рухлякда сув ва ҳаво хоссалари етарли ва ихши ҳолатда бўлса ҳам, аммо у унумдорлик қобилиятига эга эмас. Бинобарин, фақат нураш процесслари туфайли тупроқ пайдо бўлмасдан, балки улар төр жинсларини тупроқ пайдо бўлишига тайёрлайди ва тупроқ ривожланишига зарур шарт-шароитларни вужудга келтиради. Кейинчалик тупроқ пайдо қиласиган процесслар иштирокидагина бу жинслар тупроқка айланади.

Тупроқ пайдо бўлиши пайтида нураш қобири юзасида бир қанча муҳим ва мураккаб ҳодисалар, чунончи органик моддаларниң вужудга келиши ва парчаланиши, органик ва анерганик моддаларнинг тўпланиши, минералларнинг парчаланиши ва синтезланиши, атмосферадан нам тушиши ва буғлануб кетиши, қўёшдан келаётган ёруғлик энергиясининг сингдирилиши ва тарқалиб кетиши сингари процесслар кечади.

Тупроқ пайдо бўлишида моддаларнинг биологик айланиши

Тупроқ пайдо бўлиши асосан ўсимлик, ҳайвонот организмлари ва микроорганизмлар таъсирида бўладиган моддаларнинг кичик биологик айланиши натижасида вужудга келади. Тупроқ тог жанси ва атмосферадаги турли химиявий элементлар моддаларнинг биологик айланиши туфайли организмларга ўтади, натижада синтезланган янги органик модда — гумус пайдо бўлади. Органик моддалар парчалапгандан кейин эса уларнинг таркибидағи химиявий моддалар ажралиб, яна атмосферага ва тупроқка қайтади.

Табиатда моддаларнинг биологик айланиши ҳақидаги таъди-мот биринчи марта академик В. И. Вернадский томонидан илмий асосда ишлаб чиқилган бўлиб, кейинчалик академик В. Р. Вильямс томонидан қайта ишлаб чиқилди ва мукаммаллаштирилди.

Яшил ўсимликлар таъсирида бўлаётган синтезланниш процесси натижасида тўпланадиган органик моддалар табиатда узлуксиз равишда парчаланиб, анерганик минерал бирималар ҳосил қиласи. Бу процесс асосан микроорганизмлар таъсирида давом этади. Органик моддаларнинг минералланишидан ҳосил бўлган элементлар эса ўсимликлар учун озиқ ҳисобланади.

Моддаларнинг биологик айланишида асосан яшил ўсимликлар катта аҳамиятга эга. Турли географик зоналарда яшил ўсимликлар хусусиятларининг ҳар хил бўлиши ҳамда уларда моддаларнинг биологик айланишининг турлича бўлиши натижасида синтезланган моддаларнинг миқдори ва сифати ҳам бир хил бўлмайди.

Органик моддалар ўрмон зонасида жуда кўп миқдорда (бир гектар ерда 4000—5000 ү), саҳроларда эса оз миқдорда (1 га ерда 10—15 ү) тўпланади ва уларнинг химиявий таркиби ҳам турличадир.

Ўсимлик ва ҳайвонот организмлари таркибидаги кўпгина химиявий элементлар бўлиб, шулардан баъзилари (O , Si , Al , Fe , Ca , Mg , Na , K , C , N , P , S , Cl) кўп ва айримлари (Mn , Cu , Zn , J , Ag , B ва бошқалар) эса оз миқдорда учрайди. Шунга кўра ўсимлик кулиниг химиявий таркиби ҳам турличадир.

Биологик процесслар натижасида тупроқда бир қанча химиявий элементлар, жумладан азот, фосфор, олtingугурт сингари ўсимликлар учун зарур озиқ элементлари тўпланади. Азот ва фосфор асосан тупроқниң устки қатламларида кўпроқ тўпланади.

Моддаларнинг биологик айланиши туфайли органик моддаларнинг ҳосил бўлиши ва парчаланиши, шунингдек органик қолдиқларнинг минералланиши сингари ўсимлик ва ҳайвонот организмлари орасидаги узлуксиз ўзаро муносабат тупроқ пайдо бўлишиниг асосий маҳияти ҳисобланади ва шу туфайли янги мустақилий жисм — тупроқ вужудга келади.

Ер юзи қуруқлик қисмида табиий шароитлар турлича бўлганлиги сабабли айрим географик зоналарда тупроқларнинг пайдо

бўлиш процеслари, тупроқнинг таркиби ва унумдорлиги ҳам дар хилдир.

Тупроқ асосан ўсимликлар олами ва ҳайвонот организмларнинг она жинсга ҳар томонлама узлуксиз таъсири этиши натижасида пайдо бўлса-да, аммо тупроқнинг ривожи бир қанча табиий шароит ва омилларнинг бевосита ёки бавосита таъсирида давом этади. Тупроқ пайдо бўлиш шароитининг ўзгариши билан тупроқнинг ҳам айrim хоссалари, жумладан агрономик хусусиятлари ва унумдорлик даражаси ўзгариади.

Хуллас, тупроқ пайдо бўлиш процессида биологик фактор асосий ўрин эгаллайди, чунки бу процесс натижасида минерал моддалар органик бирикмаларга ва органик бирикмалар эса қайта парчаланиб яна турли минерал моддаларга айланади. Бу процессининг содир бўлиши организмларга, биринчи нафбатда ўсимлик ҳаётига боғлиқдир. Бошқа табиий омиллар эса тупроқнинг характеристери ва унинг физик-химиявий хоссаларига таъсири кўрсатади. Чунончи, тупроқнинг шаклланиши ва унумдорлигини оширишда иисонлар, фан ва техниканинг роли бекёсдир.

Маълумки, капитализм системаси қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ишларини тубдан ўзгартириди. Ҳар бир капиталист ўз бойлигини ортириши мақсадида экинлардан кўпроқ ҳосил олиш учун ерда ваҳшийларча фойдаланди ва тупроқ унумдорлигини пасайтириб юборди. «...Капиталистик деҳқончиликдаги ҳар бир тараққиёт—дэйди К. Маркс,—фақат ишчиларни талаш маҳоратигина эмас, балки шу билан бирга тупроқни ҳам талашдан иборатдир. Тупроқ унумдорлигини вақтинча оширишдаги ҳар бир тараққиёт айни замонда унинг унумдорлик манбаси йўқотишга ҳам олиб боради!».

~~Социалистик~~ жамиятда ер умумхалқ мулки ҳисобланади. Масалан, ~~да~~ ер колхоз ва совхозларга абадий фойдаланиш учун бириктирилганлиги туфайли тупроқ унумдорлигини узлуксиз ошириш учун чексиз имкониятлар бор. Мамлакатимиизда деҳқончилик соҳасида дунёда мисли кўрилмаган ишлар қилинмоқда. Бепоён диёримизда узоқ вақтлар давомида қақраб ётган данш ва чўллар ҳозир сув билан мўл-кўл таъминланмоқда ва тупроқ унумдорлиги оширилмоқда. Катта майдонлардаги ботқоқликларни қуритиш, шўрхок срлар сифатини яхшилаш билан қургоқчилик зоналарида иҳота дарахтзорлари барпо этиш каби агрокомплекс ва агробиологик тадбирларнинг кенг миқёсда ўтказилиши тупроқ сифатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш имкониятни яратмоқда.

Мамлакатимиизда фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга таяниб, йирик механизация базасида минерал ва органик ўғитлардан кенг фойдаланиш, алмашлаб экиш сингари прогрессив агротехникани жорий қилиш йўли билан тупроқ унумдорлиги тобора оширилмоқда. Планлаштирилган социалистик хўжалик ша-

* К. Маркс, Капитал, 1-том, 1949 йил, 509-бет.

роитидагина инсон табиат ҳодисалари устидан түлиқ ғалаба қозона олишпилигини күрсатади.

Тупроқ ва унинг унумдорлиги ҳақидаги тушунчалар бир-бигрига муштаракадир. Демак, ҳар хил физик-химиявий ва биологик процесслар таъсирида ўзгарган ва ўзгараётган ҳамда унумдорлик хусусиятига эга бўлган ернинг устки ғовак қатлами тупроқ дейлади.

Тупроқниң ривожланиши. Ер юзасининг қуруқлик қисмидаги ҳаёт пайдо бўлгандан сўнг оддий организмларниң төр жинсига таъсири эта бошлашидан кейингина тупроқ пайдо бўлиш процесси ҳам бошланган. Тупроқниң пайдо бўлишидаги бошлангич даврда ҳам қатишган бактерия ва оддий сув ўтлари дастлабки организмлар бўлиши керак. Кейинчалик, төр жинси юзасида организмларниң қолдиқлари қўпайиши натижасида замбуруғ, йўсун, қирқбўғим, қирққулоқ сингари ўсимликлар ва ниҳоят уруғли яшил ўсимликлар пайдо бўла бошлаган.

Яшил дарахт ўсимликлари вужудга келгандан кейин эса уларниң илдизлари тупроқниң чуқур қатламигача етиб боради ва у ердаги сув ва турли озиқ моддаларни ўзлаштириб-сингдириб олади ҳамда ўзидан ҳар хил кислоталар ва минерал моддалар чиқариб, тупроқ пайдо бўлиш процессини янада ривожлантиради. Ўсимликлар билан бир қаторда тупроқ қатламларида турли ҳайвонот организмларни ҳам кўпая бошлайди ва тупроқ пайдо бўлиши процесслари ва унинг ривожланишини кучайтиради.

Ўсимлик ва ҳайвонлар аста-секин тарақкий этиши натижасида тупроқда органик модда қолдиқлари тўпланиб, таркибида айниқса азот сақлайдиган ҳар хил озиқ моддаларга бой бўлган чиринди тўпланаади. Ана шу органик моддаларниң қўпайиши билан тупроқниң сув-ҳаво режимлари яхшилавиб, унумсиз төр жинсидан унумдор тупроқ вужудга келади ва тўхтовсиз ривожланади.

Ўсимликлар оламиниң тадрижий такомили, яъни оддий микроорганизмлардан яшил япроқни ва уруғли ўсимликлар пайдо бўлишига қадар ўтган давр бир неча миллион йиллар давом этган бўлса, тупроқниң пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳам шунчалик узоқ тарихга эга. Демак, ўсимликлар оламиниң тадрижий такомили билан бирга тупроқ пайдо бўлиш процесси ривожланади ва мураккаблашади.

Ўтмиш геологик даврлардаги ўсимликлар ва уларниң географик тарқалини шароитини ўргалиш шуни кўрсатади, тупроқ пайдо бўлиш процесси ва унинг ривожланиши ўзига хос маълум йўлларни бослб ўтган. Дастребки тупроқ палеозой (қадимги ҳаёт) эрасининг кембрий давридан бошланган бўлса, кейинги геологик даврларда ўсимликлар ва ҳайвонот оламидаги ўзгаришлар тупроқларни ўзгариши ва ривожланишига олиб келади.

Кайназой эраси тўртламчи даврниң бошларига келиб қуруқликниң қарийб 50—60 проценти музликлар билан қопланганилиги сабабли, бу территориялардаги музликлар остида қолган тупроқлар ривожланмади ва ниҳоят нобуд бўлди. Муз билан қоплангаш

ерлар атрофида музликлар эришидан ҳосил бўлган сув таъсирида шу ердаги тупроқлар ювилиб кетган ва кучли эрозияга учраган. Бу тупроқлар ўринин маълум қалинликдаги флювиотляциал ва аллювиал ётқизиклари қоплаган. Музлик бўлмаган субтропик ва тропик зоналарда тупроқлар учламчи даврдаги ҳолатини сақлаган ва ривожланган. Демак, СССРнинг музликлар билан қопланган территориясида тўртламчи давргача бўлган тупроқлар тамомила нобуд бўлиб кетган. Музлик даври тугагандан кейин эса бу зонада ҳозирги тупроқлар пайдо бўла бошлаган. Ҳозирги геологик даврда тупроқ пайдо бўлиши ва ривожланиши шу ердаги физика-вий географик шаронтиниг қулай бўлганлигидан тез бошланиб, ривожланди. Чунки бу даврда ўсимликлар олами анча тарақкӣ этган эди.

III боб

ТУПРОҚНИНГ УМУМИЙ ТУЗИЛИШИ

Тупроқнинг ташқи кўриниши (морфологияси) ҳақида тушунча

Тупроқ пайдо қиласиган процессларниг ривожланиши ва давом этиши натижасида илгари айтилгандек, она жинслардан янги табиий жисм — тупроқ вужудга келади. Тупроқда ўзига хос бир қанча муҳим хосса ва белгилар юзага келиб, унда она жинс таркибида бўлмаган модда ва бирикмалар пайдо бўлади. Натижада тупроқ она жинсдан унумдорлиги билангина эмас, балки тузилиши (морфологияси) билан ҳам кескин фарқ қиласи. Шунингдек, тупроқ ўзиning тузилиши ва морфологик белгилари билан тоғ жинсларидан ва турли тицдаги тупроқлар эса бир-биридан фарқ қиласи. Тупроқнинг тузилиши, морфологиясини апиқ ва пухта ўрганиш натижасида тупроқ пайдо қиласиган жараёнларниг йўпалиши ва даражаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Тупроқнига морфологик белгилари. Тупроқниг морфологик ташқи белгиларини далада, табиий шароитда ўрганиш зарурлигиги ва бунга оид методикани биринчи марта В. В. Докучаев ишлаб чиқсан ва таклиф этган бўлиб, кейинчалик бу методик кўрсатмалар С. А. Захаров томонидан мукаммаллаштирилди.

Тупроқ қатламларининг эш муҳим ташқи кўриниши (морфологик) белгилари — тупроқнинг генетик горизонтлари, тупроқ ва қатлам қалинлиги, тузи, механикавий таркиби, структураси, қувушмаси, янги яралмаси ва қўшилмаси ҳисобланади.

Тупроқнига генетик горизонти. Текширилётган тупроқниг вертикал деворидаги кўзга ташланиб турган морфологик белгилар тупроқнинг бир неча қатламдан тузилганлигини кўрсатади. Бир-биридан ана шундай фарқ қиласиган ва тупроқнига генезиясига, яъни келиб чиқишига ва ривожланишига боғлиқ бўлган бу қатламлар генетик горизонтлар дейилади.

Генетик горизонтлар күпинча қалинлиги, туси, структураси, қовушмаси ва бошқа морфологик белгилари билан бир-бираидан тафовут қиласы. Тупроқда бир неча генетик горизонтлар бўлиб, ҳар қайси горизонт ўзига хос қўйидаги номлар билан аталади ва ҳарфли ишоралар билан иғодаланади: *A* — чириндили горизонт; *B* — ўтувчи (оралиқ) горизонт; *C* — тупроқ ости горизонт (она жинс); *D* — тупроқ ости төг жинс. Кўпчилик тупроқларда ҳар қайси генетик горизонт яна бир неча горизонтчаларга бўлиниши мумкин.

Хайдалма горизонт (*A_x*). Хайдалиб дехқончилик қилинадиган ерлардаги тупроқнинг устки қисми ҳайдалма горизонт деб айтилади ва бу қатлам чириндили горизонт ҳисобига ҳосил бўлади.

Ўрмон қийи горизонти (*A₀*). Асосан ўрмон зонасидаги тупроқларда учрайдиган бу горизонт тупроқ юзасида тўплангани ҳали яхши чиримаган органик қолдиқлар қатламидан иборатdir. Ўтлоқлардаги тупроқлар юзасида учрайдиган чим қатлами ҳам шу горизонтига қўшиб ҳисбланади.

Торфли горизонт (*A_t*). Ботқоқ тупроқлар юзасида ўсимлиқлар қолдигининг унча чиримай тўпланишидан вужудга келган торфли туроб* қатлами вужудга келади.

Чириндили аккумулятив горизонт (*A₁*). Тупроқнинг устки қатлами бўлган бу горизонтида органик модда чиринди (гумус ва бошқа озиқ моддалар) тўпланганилиги сабабли ҳам чириндили аккумулятив (*Accumilatio*)** горизонт дейилади. Бу қатламнинг туси ундан пастдаги горизонтидагиларга нисбатан тўқроқ рангда бўлади.

Эллювиал ёки ювилма горизонт (*A₂*). Бу қатламдаги моддалардан маълум бир қисми ювилиб пастки қатламга кетади.

Ўтувчи (оралиқ) ёки иллювиал (шимишма) горизонт (*B*). Бу қатлам чириндили-аккумулятив горизонтидан пастда бўлганлиги ва тупроқ пайдо қиласидаги процесс аста-секин она жинсга ўтаётганилиги сабабли ўтувчи (оралиқ) горизонт дейилади, агарда бу қатламга устки қаватдан эриб тушаётган моддалар (CaCO_3) тўпланса, у ҳолда иллювиал (шимишма) горизонт дейилади. Бу горизонт айrim тупроқларда бир хил кўринишда бўлмай, бир-бираидан фарқ қиласи тақдирда бир неча горизонтчалар (*B₁*, *B₂*, *B₃*) га бўлинади.

Тупроқ ости горизонт (*C*) тупроқнинг она жинси ҳисбланиб, тупроқ пайдо қиласидаги процесслар таъсирида жуда оз даражада ўзгарган ғовак ҳолдаги төг жинсидир. Бу горизонтида ҳар хил химиявий бирикмалар (карбонат, гипс ва бошқалар) борлиги кўзга кўрилиб турган бўлеа, бир неча горизонтчалар (*C₁*, *C₂*, *C₃*) га ажратилади.

Гидроморф тупроқларнинг айrim қатламлари сернам анаэроб шароитдаги сабабли улар ботқоқланиш алломатига, яъни кўкимтири туслага эга бўлади. Кўкимтирилик ана шундай тус тупроқ қат-

* Туроб — арабча сўя бўлиб, тупроқ маъносини англатади.

** *Accumilatio* — латинча ибора бўлиб, тўпланиш демакдир.

тамларининг намланиш даражасини кўрсатадиган белги бўлиб, ў қатlam берч (глейли) горизонт деб аталади ва о ишораси билан ифодаланаади. Масалан, ботқоzlаниш элювиал горизонтда ўлса A_2q , иллювиал горизонтда бўлса Bq , тупроқ ости горизонта бўлса Cq ишораси билан белгиланаади.

Тупроқ ва унинг айrim қатламлари қалинлиги. Тупроқ дегани аернилг фақат устки чириндили қатламигина эмас, балки упроқ пайдо қиласидиган процесс таъсирида ўзгарган ва бир қанча морфологик белгиларига кўра она жинсдан фарқ қиласидиган маълум қалинликдаги қатлам тушунилади. Тупроқнинг умумий қалинлиги деб, барча генетик қатламлар йигиндисига айтилади. Упроқнинг қалинлиги ҳамма жойда бир хил бўлмай, балки тупроқтипига кўра ўртача 40 см дац 150 см гача бўлади. Баъзан 50—300 см қалинликдаги тупроқлар ҳам учраб қолади. Ўрта йиёнинг қадимдан сугориладиган маданий (агроирригацион қатамли) тупроқларида ундан ҳам қалин қатлам мавжуддир.

Тупроқнинг умумий қалинлигини аниқлашдан ташқари, ҳар айси генетик горизонт қалинлигиви ҳам белгилаш агрономия уқтai назаридан катта аҳамиятга эга, чунки ана шу белгиси асосида маълум холосага келиш мумкин. Масалан, чириндили аккумулятив горизонтинг қалин бўлиши тупроқнинг унумдор эканигини, элювиал горизонтинг аниқ ва равшан ажralиб туриши са бу қатламдан айrim моддаларнинг пастки қатламга ювилиб етгавлигини кўрсатади. Демак, тупроқнинг қалинлиги ва унинг йirim генетик горизонtlари қалинлигини ўрганиш билан тупроқ айдо бўлиш процессининг бориш даражасини ва тупроқнинг агрономик сифатларини аниқлаш мумкин.


Тупроқнинг тузи. Тупроқнинг тузи кўзга кўриниб турадиган ёт муҳим морфологик белгилардан биридир. Тупроқ ана шу белиси билан она жинсдан яққол фарқ қилиб туради. Тупроқлар тупроқ кўра ҳар хил (қора тупроқ, каштан тупроқ, қизил тупроқ, ўз тупроқ сиятари) ном билан юритилади. Тупроқнинг тузи нинг химиявий таркиби ва чиринди миқдорига қараб ўзгаради.

Тупроқнинг тузи тупроқ пайдо бўлиш хусусиятларини, тупроқ нумдорлигини ва бир қанча агрономик хоссаларини кўрсатади ёт белги ҳисобланади. Тупроқдаги тусларнинг ҳар хил бўлиши сосан уч групга (чиринди, кремнезём, темир) бирикмасиниаг миқдорига боғлиқ.

Тупроқда органик модда — чиринди қанча кўп бўлса, унинг тузи шунича қорамтири бўлади. Шунинг учун тупроқ тузини пухта рганиш ва тўғри аниқлаш орқали ундаги чиринди миқдорини тахминан айтиш мумкин. Масалан, тупроқда чиринди 10% дан ортиқ ўлса, тупроқ тим қора, 8—10% бўлса қора, 6—8% бўлса қорамтири ёки тўқ жигар раиг бўлади. Чиринди миқдори озайган сарп упроқнинг тузи ҳам оч бўла боради.

Қизил тузы тупроқда темир (III)-оксидининг гидриди ($\text{Fe}_2\text{O}_3 \cdot \text{H}_2\text{O}$), оқ тузы эса тупроқда кремнезём (SiO_2), кальций карбонат (CaCO_3), гипс ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$), каолинит ($\text{H}_2\text{Al}_2\text{Si}_2\text{O}_8 \cdot \text{H}_2\text{O}$) сингари

минераллар борлигини күрсатади. Тупроқ қатламларининг күкимтири бўлиши шу горизонтда темир (II)-гидрат оксидининг бирикмаси ($\text{FeO} \cdot n \text{H}_2\text{O}$) ва вивианит [$\text{Fe}_3(\text{PO}_4)_2 \cdot 8\text{H}_2\text{O}$] минерали борлигини ва бу қатламниш ботқоқланиш даражасини билдиради. Тупроқ қатламида учрайдиган қора ёки қўнгир дөслар марганец бирикмалари борлигидан дарак беради (2-расм). Тупроқ тусларини аниқлашда профессор С. А. Захаровнинг рангларни кўрсага-диган учбурчак схемасидан фойдаланиш мумкин.



2- расм. Тусларниш учбурчаклик схемаси.

Тупроқнинг тусини аниқлаётгандан қатламнинг намлиқ даражасини, структураси ва унга қуёш ёғдусининг қандай тушиб турганлигини эътиборга олиш керак. Чунки сернам тупроқ қуруқ тупроқка, структурални тупроқ структурасиз тупроқка, солдаги тупроқ эса қуёш ёғдуси тўлиқ тушиб турган тупроқка қараганда ҳамма вақт тўқ тусли бўлиб кўрниади.

Тупроқнинг механикавий таркиби. Табиий дала шароитида тупроқнинг морфологик белгилари ўрганилаётгандан механикавий таркиби ҳам аниқланади. Бунинг учун тупроқнинг ҳар қайси генетик горизонтидан бир чимдим намуна олиниб, уни бармоқлар орасида эзиб кўрилади, ҳамда ундаги қум ва лой заррачалари миқдорига қараб механикавий таркибига кўра тупроқнинг соз, қумоқ, қумлоқ ёки қумли эканлиги тахминий аниқланади. Механикавий таркиби лойдан ясалган чизимча (ип)нинг ешилиши ва унинг атрофида ёриқларининг ҳосил бўлишига қараб ҳам аниқланиши мум-

ТУПРОҚДАГИ ОРГАНИЗМЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУПРОҚ ПАЙДО БҮЛИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Тупроқда жуда күп миқдорда турли-туман микроорганизмлар, симлик ва ҳайвон организмлари яшайди. Бу организмлар тупроқнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унумдорлигига жуда катта ҳамиятга эга.

Тупроқ пайдо бўлишида биологик факторлар ва унинг кечишига, айниқса яшил ўсимликларнинг аҳамияти биринчи ва дастлаби ўсимлик эканлиги юқорида айтиб ўтилган эди. Бу бобда эса микроорганизмлар ва ҳайвонот организмларнинг тупроқ пайдо бўлишидаги аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар келтирилди.

Тупроқдаги организмларнинг кўпчилиги микроорганизмлар бактериялар, замбуруғлар, актиномицетлар ва содда жоноворлар (Protozoa)дан иборат бўлиб, умуртқасиз ва умуртқали ҳайвон организмлари ҳам учрайди.

Бактериялар

Бактериялар тупроқда энг кўп тарқалган микроорганизмлардан исбланади. Бир грамм тупроқда миллиардларча бактерия борлигидан аниқланган. Бир гектар ҳайдаладиган ер қатламида яшайдиган ирик бактерияларнинг оғирлик миқдори ўрта ҳисобда 4—5 топнана боради.

Тупроқнинг типига, маданий ҳолатига ва шунингдек йил мавзумларига кўра бактерияларнинг миқдори ҳам ўзгариб туради. Йиатда тупроқнинг кўйи қатламиларига тушган сайин бактериялар эни камая боради. Бактерияларнинг ҳаёт фаолияти натижасида упроқдаги органик моддаларнинг ўзгариши ва янги минерал биоксаларнинг вужудга келиши сингари биохимиявий процесслар ўлиб туради.

Тупроқда яшайдиган бактериялар озиқланишига кўра прототроф (автотроф) ва метатроф (гетеротроф) группаларга бўлинади.

Прототроф (автотроф) бактериялар карбонат анигидрид газиаги углерод билан озиқланади. Бу бактериялар карбонат анигидиддан олган углеродни ўз организмларида органик бирикмага йлантаришда зарур энергияни қўёшдан (фотосинтез орқали) ёки йirim минералларнинг оксидланишида ажralадиган химиявий нергия (хемосинтез) дан олади. Фотосинтез процессида фақат з таркибида махсус пигмент (бўёқ) моддаси бўлган айrim бактерияларни қатлашади. Тупроқда асосан хемосинтез процессида атнашадиган бактерия (нитробактерия, олtingугурт бактериялари, темир бактериялари ва бошқа)лар сони анча кўпdir.

Метатроф (гетеротроф) бактериялар органик бирикмалардаги углерод билан озиқланади. Бу бактериялар табиатда жуда кўп арқалган бўлиб, уларнинг баъзилари айrim органик бирикмалар-

нигина озиқ ва ўзи учун энергия мапбаи қилиб олади ва шулардан фойдаланади. Бу бактериялар ҳәёти учун башында бир органик бирикмалар яроқсиз, ҳатто заҳарлы ҳам ҳисобланади.

Бу икки группа (прототроф ва метатроф) бактерияларнинг азот манбаига бўлган муносабатлари ҳам бир хил эмас. Буларнинг башозилари (азот тўпловчилар) атмосферадаги эркин азотни, башозилари (нитрат тўпловчилар) эса аммиакдаги азотни ва айримлари (аммоний тўпловчилар) оқсил бирикмаларидаги азотни тўплаш ва йиғиш қобилиятига эга.

Бактерияларнинг ҳәёти шароити учун углерод ва азот билан бир қаторда фосфор, калий, кальций, олтингугурт ва микроэлемент (Вг, F, Z, І сингари)лар ҳам зарур.


Бактерияларнинг кислородга бўлган муносабати, яъни пафас олишига кўра башаи бир группалари аэробактерия бўлиб, ҳаводаги молекуляр ҳолдаги эркин кислородни талаб этади, башозилари анаэроб бактерия ҳисобланаб, ҳаводаги эркин кислородга эҳтиёж сезмайди. Анаэроб бактерияларнинг айрим группалари эркин кислородли ва кислородсиз шароитда ҳам ҳәёти кечира олади.

Тупроқда яшайдиган турли бактериялар ҳәёти кечириш шароити ва бажарадиган вазифаларига кўра бир-биридан кескин фарқ қиласди. Қуйида тупроқдаги бактериялар қатнашувида кечадиган ёнг муҳим биохимиявий процесслар ва уларни юзага келтиришда иштирок этадиган бактериялар тўгрисида қисқача маълумотлар келтирилади.

Нитрификация. Бунда маҳсус бактерияларнинг фаолияти таъсирида кетма-кет бўладиган (ўтадиган) икки хил биохимиявий процесс натижасида тупроқдаги аммиак дастлаб нитрит кислотага, сўнгра эса нитрат кислотага айланади. Аммиакнинг бу хилда оксидлавиши процесси **нитрификация** дейилади.


Икки босқичда ўтадиган нитрификация процесси қуйидаги схемада бўлади:

1. Аммиак оксидланаб нитрит кислота ҳосил бўлади:



Аммиакнинг оксидланиши нитрит кислота ва Nitrosomonas бактериялари иштирокида кечадиган биохимиявий процесс натижасида вужудга келади.

2. Нитрит кислота оксидланаб, нитрат кислота ҳосил қиласди:



Бу процессининг боришида бактериялардан Nitrobacter иштирок этади.


Нитрификация процесси натижасида пайдо бўлган азот кислота (нитрат кислота) тезгина тупроқдаги катионлар билан химиявий реакцияга киришиб, $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ сингари азот тузларини ҳосил қиласди. Бу хилдаги тузлар сувда осон эриганлиги сабабли ўсимлик илдизларига тез сингади ва ўсимликларни азот билан таъмин этади. Шунинг учун ҳам нитрификация тупроқдаги ёнг муҳим биохимиявий процесслардан бири ҳисобланади.

Нейтрал ёки нейтралга яқын реакциялы, намлиги ўртаса ва температураси 25–30° бўлган тупроқларда нитрификация процесси жуда яхши боради. Нитрификация процессида қатнашадиган бактериялар аэроб, яъни кислород талаб микроорганизмлардир. Кислотали ($\text{pH}=6$ –3) подзол ва ботқоқ тупроқлардан бошқа ҳамма тупроқларда ана шундай бактериялар жуда кўп миқдорда учраб, улар иштирокида микробиологик процесслар ривожланади.

Демак, азотнинг тупроқда ва умуман табиатда айланиши микроорганизмлар таъсиридаги жуда мураккаб биохимиявий реакция натижаси ҳисобланади. Табиатда азотнинг ана шундай айланиш схемаси 4-расмда келтирилган.


Ерни тобида ишлаш, сугориш унга органик ва минерал ўғитлар солиш, шунингдек ботқоқларни қуритиш сингари агропомик тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш ҳамда тупроқнинг донадор структурали ҳолатини юзага келтириш каби тадбирлар нитрификациянинг барчаси учун жуда қулай шарт-шаронит яратади.

Сульфофиқация. Таркибида оқсил сақлайдиган органик моддаларнинг ҳавосиз шароитда парчаланиши натижасида бир қанча бирикмалар, жумладан водород сульфид (H_2S) гази ҳам ҳосил бўлади. Бу газ тупроқдаги организмлар, хусусан ўсимликлар учун заҳарли ҳисобланиб, буйдай газининг тупроқда кўп тўп-



4-расм. Азотнинг табиатда айланиши схемаси.


ланиши усимвилларнинг ривожланишига саломи таъсири қиласди. Лекин тупроқда бу газ унчалик кўп тўпламайди, чунки мазъум шароитда яшайдиган олтингугурт бактериялари, яъни *Sulfomonas* дейиладиган микроорганизмлар таъсирида водород сульфид гази сульфат кислотага айланади. Бу хилда водород сульфид (H_2S) газининг сульфат кислотага ўтиши **сульбофикация** процесси дейилади. Ана шундай биохимиявий процесс туфайли водород сульфиднинг оксидланиши натижасида аввал соғ олтингугурт, сўнгра эса сульфат кислота ҳосил бўлади:



Олтингугурт бактерияси тупроқда ва сув ҳавзаларида айниқса кўп миқдорда тарқалгандир. Бу микроорганизмларнинг турли моддаларни оксидлашдаги хизмати катта. Чунки ана шу биохимиявий процесс туфайли ҳосил бўлган сульфат кислотаси тупроқдаги Na , K сингари элементлар билан химиявий реакцияга ўтиб, Na_2SO_4 , K_2SO_4 сингари сувда осон эрийдиган тузлар ҳосил қиласди. Бинобарни, бу процесс натижасида ўсимлик олтингугурт элементи билан етарли даражада таъминланади. Шунингдек, олтингугурт (сульфат) кислотаси тупроқдаги сувда қийин эрийдиган тузлар (айниқса фосфатлар)ни осон эрийдиган ҳолатга ўтказади ва натижада ўсимликларнинг озиқланиши шароити яхшиланади.

Олтингугурт бактериялари ҳаволи шароитда яшайдиган (аэроб) бактериялар бўлганлигидан тупроқда сульбофикация процессининг яхши кечишини таъминлани мақсадида нитрификацияга етарли шароит яратиш учун тавсия қилинган агрономик гадбирларни қўлланиш лозим.

Темир бактерия (*Crenothrix Leptothrix*) лар деб аталган микроорганизмлар таъсирида тупроқда темир тузларининг оксидланиши қўйидаги схема асосида бориб, темир (II)-оксиди темир (III)-оксидига айланади:




Бу биохимиявий процесс туфайли вужудга келадиган энергия темир бактериясининг CO_3 дан углеродни ассимиляция қилиш ва органик моддаларни синтезлаш учун фойдаланилади. Баъзи бир темир бактериялари марганец тузларини ҳам оксидлайди ва бу процесс натижасида темир—марганец бирикмаси ҳосил бўлади.

Аммонификация. Азотли органик моддалар, айниқса оксидларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган минерал ҳолдаги аммиак (NH_3) юзага келишини таъминлайдиган бу микробиологик процесста жуда кўп турдаги аэроб гетеротроф бактериялар (*Bac. mycoïdes*, *Bac. Subtilis*, *Bac. vulgare*, *Bac. Putidum* ва бошқалар) қатнашади. Аммонификация процесси табиатда ва қишлоқ хўжалигига катта аҳамиятга эга, чунки бу биохимиявий процесс натижасида ҳосил бўлган аммиак тупроқдаги ҳар хил кислоталарга масалан,

H_2SO_4 билан реакцияга киришганды аммоний сульфат түзи қўйидагича $2\text{NH}_3 + \text{H}_2\text{SO}_4 = (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ҳосил бўлади ва бу туз ўсимлик учун азот маъбади хисобланади. Аэроб гетеротроф бактериялар аммонификация процессида қатнашиш билан бирга целлюлоза, лигнин, фенол ва бошқа органик маддаларни оксидлаш қобилиятига ҳам әга.

Тупроқдаги анаэроб, гетеротроф бактериялар иштирокида қўйидаги хилма-хил бижкиш процесслари юзага келади.

Мойли бижкиш. Бу хил бижкиш табиатда ва шу жумладаи, тупроқда жуда кўп бўлиб туради. Анаэроб шароитда органик қолдиқларниң бижкишидан мой кислота ($\text{C}_4\text{H}_6\text{O}_3$) ҳосил бўлади. Ана шунинг учун бу процесс *мойли бижкиш* дейилади. Углеводларниң бижкишлага қўйидаги мисолни келтириш мумкин:




Бу бижкишга *Clostridium pasteurianum*, *Clostridium butyricum* бактериялари сабабчи бўлади.

Пектинли маддалар бижкиши. Кўпчилик ўсимлик қолдиқларида учрайдиган ва сувда эримайдиган ҳамда ўсимлик ҳужайралари тўқималарга биринчирадиган пекгин маддаси маҳсус бактериялар таъсирида мойли бижкиш процессига учрайди. Пектинли маддаларниң бижкишида *Clostridium felsineum*, *Ciranubacter pectinovorum* доб аталадиган бактериялар қатнашади, уларниң таъсирида қатор оддий маҳсулотлар вужудга келади.

Целлюлозалар бижкиши эса асосан *Omelaskii* деб юритиладиган анаэроб бактериялар томонидан бажарилади. Бижкиш процесси юқори температурада (*Vac. celluloso dissolvens*) деб аталадиган маҳсус термофильтр бактериялар иштирокида содир бўлади.

Денитрификация (азотсизланиш). Нитрификация сульфофикусия сингарни деҳқончилик учун фойдали микробиологик процесслар билан бир қаторда, тупроқда азот элементининг йўқолишига сабаб бўладиган денитрификация процесси ҳам бўлиб туради. Ана шундай процесс натижасида тупроқдаги азотли маддалар таркибидаги азот элементи газ ҳолида ажралиб атмосферага чиқиб кетади.

Денитрификация процесси (*Vac. denitrificans*, *Vac. sulzeri*) деб аталадиган анаэроб бактериялар иштирокида боради. Ана шу биохимиявий процесс натижасида нитратлар карбонат ангидриди, әркин азот ва сувга ажралади:



Тупроқда денитрификация билан бир қаторда десульфификация процессининг бўлиши натижасида сульфатлар таркибидаги олтингурут элементи водород сульфинид ҳолига ўтади ва атмосферага чиқиб кетади. Десульфификация процесси ҳавосиз шароитда яшайдиган *vibrio desulfuricans*, *vibronidrosulfirens* сингари бактерия иштирокида боради.

Азот ва олтингурут элементларининг йўқолишига сабаб бўладиган ана шундай микробиологик процесслар аэрация шароити

Ёмон бўлгани ва мутлақо ҳавосиз тупроқ қатламларида яхши кечади. Бинобарин, тупроқ унумдорлигига ва ўсимлик ҳайтига зарур бўлгани азот ва олтингугурт элементларининг бу хилда беҳуда йўқолмаслиги учун ерни яхшилаб, сифатли ҳайдаш ва юмшатиб туриш, сернам ва ботқоқ ерларни қуритиш, мелиоратив тадбирларни ўтказиш керак.

Азот ўзлаштирадиган бактериялар. Кўпчилик яшил ўсимликлар ва микроорганизмлар атмосферадаги жуда кўп мақдордаги молекуляр эркин азотдан фойдаланади. Шунинг учун атмосфера азотини ўзлаштирадиган ва тўплайдиган маҳсус тупроқ бактериялари алоҳида аҳамиятга эга. Тупроқда яшайдиган бу хилдаги бактериялар атмосферадаги эркин молекуляр азотни ўз танасига ўзлаштириб, уни мураккаб моддаларга айлантиради. Натижада бу микробиологик процесс туфайли тупроқда азотли моддалар кўпаяди ва тўпланади. Шундай қилиб тупроқдаги азотли органик қолдиқларнинг чириши ва парчаланиши билан бир қаторда, атмосферадаги эркин ҳолдаги азот ҳисобига ҳам тупроқда азот сақлайдиган органик биримлар ҳосил бўлади.

Атмосферадаги молекуляр азотни ўзлаштирадиган тупроқ бактерияларнинг икки тури, яъни эркин яшовчи аэроб ва анаэроб бактериялар ҳамда дуккакли ўсимликлар илдизида улар билан симбиоз (биргалик) ҳолда яшайдиган тугунақ бактериялар тарқалган.

Тупроқда аэроб шароитда яшайдиган азот ўзлаштирадиган *Azotobacter chroococcum* ва *Azotobacter agili* сингари бактерияларнинг ҳаёт кечиришлари учун тупроқнинг ҳарорати 25—30° ва тупроқ муҳитининг реакцияси инейтрал бўлиши энг қулай шароит ҳисобланади.

Таркибида фосфор етарли бўлмаган ва сув хоссалари ёмон ҳамда кислотали муҳитда азотобактерлар яхши ҳаёт кечиролмайди ёки тамомила нобуд бўлади.

Тупроқдаги азот ўзлаштирадиган *Clostridium pasteurianum* бактерияси кислородсиз муҳитда ҳам ҳаёт кечираади. Бу бактерия ташки муҳит шароитига унчалик талабчан бўлмагани сабабли тупроқда кўп учрайди.

Кислород етарли муҳитда ўсаётган дуккакли ўсимликлар илдизида яшайдиган *Pseudomonas radicicola* дейиладиган аэроб тугунақ бактериясининг тури жуда кўп. Ҳар қайси дуккакли ўсимлик илдизида ўзига хос тугунақ бактериялар яшайди. Бу микроорганизмларга себарга бактерияси, беда, йўнгичча бактерияси, нўхат бактерияси, ловия бактерияси, соя бактерияси ва бошикалар киради. Ўсимликнинг тури, тупроқнинг тиши ва ўтказиладиган агротехниканинг ғифатига кўра, тугунақ бактериялари бир гектар экин майдонида бир мавсум давомида 100—150 кг гача азотни ўзлаштиради. Бу мақдор азот бактериялари ассимиляциясидигига нисбатан 3—4 баравар кўпdir. Тупроқда азот мақдорини кўнайтириш ва унинг узумдорлигини оширишда азот ўзлаштирадиган тугунақ бактериялар юнт катта аҳамиятга эга. Температу-

ранинг ($18-26^{\circ}$) ва тупроқ мұхити реакцияси нейтралга яқин бүлиши тугунақ бактериялар учун әнг қулай шароит ҳисобланади.

Тугунақ бактериялари ұзлаштирган ва органик бирикма ҳолда бўлган азот улар нобуд бўлгандан кейин парчаланиб, ўсимлик илдизига осон сингадиган азот тузларини ҳосил қиласди.

Аэроп бактериялари тупроқда азот тўплайдиган микроорганизмларнинг әнг асосий грунпалари ҳисобланади. Шунинг учун устки қатлами зичланган ва ботқоқланган тупроқларда бу бактерияларниң яхши ривожланиши уларнинг яшащ шароитиши яхшилаш учун ерии ўз вақтида ва сифатли ишлаш, органик ҳамда минерал ўғитлар солиш, сугориш, алмашлаб әкишни тўғри амалга ошириш, шунингдек ботқоқларни қуритиш, кислотали ерларга оҳак, ишқорли ерларга гипс солиш, ер шўёрини ювиш сингари қатор агротехникавий тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш катта аҳамиятга эга.

Атмосфера азотини ұзлаштирувчи тугунақ бактериялар фаолиятини кучайтириш мақсадида ҳозирги вақтда интрагия дейиладигав бактериал ўғитни ишлатиш яхши натижга бермоқда.

Тупроқда бу бактериялардан ташқари атмосфера азотини ұзлаштириш қобилиятига эга бўлган бошқа хилдаги микроорганизмлар ҳам борлиги авиқланган.

Тупроқ замбурууглари

Замбурууглар тупроқда әнг кўп тарқалган микроорганизмлардан ҳисобланади. Сапрофит ва гетеротроф* организм ҳисобланган замбуруугларнинг кўпчилиги тупроқдаги биологик жараёнларнинг кечишида, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг парчаланишида муҳим роль ўйшайди.

Замбурууглар кўпчилик тупроқларда, айниқса бактериялар ҳаётини қоқулай бўлган кислотали подзол, чимли подзол ва ўрмон тупроқларида кўп тарқалган. Тупроқда *Penicillium*, *Aspergillus*, *Trichoderma* ва *Rhizopus* сингари мотор замбурууглар авлодя кўироқ учрайди. Булар лигнин, углевод, целлюлоза ва оксили органик, моддаларни чиритишида ва тупроқ чириндисининг минерализациясида актив қатнашади.

Penicillium замбуругининг әнг муҳим қусусияти уларнинг ҳаёт фаолияти натижасида, тупроқда маҳсус антибиотик** модда пенициллининг ҳосил бўлишидир. Бу модда эса ўсимлик ва ҳайвон организмларида чиритадиган заарли бактерияларни йўқотади.

Тупроқ замбуруугларининг кўпчилиги яшил ўсимликлар билан яқин муносабатда бўлиб, уларнинг илдизларига ишемон ҳолат — микориза ҳосил қиласди. Бу группага кирадиган экотограф замбурууглари ўрмон тупроқларида, дараҳтларнинг илдизларига ёпишиб ҳаёт кечиради, баъзилари эса кўп йиллик ўт ўсимлик илдиз-

* Сапрофит — ўлимтикхўр; гетеротроф — текинхўр.

** Антибиотик модда — бактериялар ҳаётини учун заарли модда.

хисобланади. Бу замбуруғлар яшил ўсимликлар билан симбиоз, яъни бир-бираидан фойдаланиб, яшаб ҳаёт кечиради. Замбуруғлар микориза ёрдамида ўсимликдаги углеродли озиқ моддаларни олади ва ўз навбатида яшил ўсимликларни органик моддалар парчаланишида ҳосил бўладиган азотли озукалар билан таъминлайди. Шунинг учун тупроқда микоризали замбуруғлар кам бўлганда маҳсус микоризали препаратлар қўлланилади.

Активомицетлар ёки нурли замбуруғлар (*Actinomycetes*) бир хужайрали микроорганизм ҳисобланаб, уларнинг кўпчилиги ҳаво етарли шароитда ҳаёт кечиради. Бу организмларнинг ипсими та- начасининг бир қисми шу муҳитдаги органик қолдиқлар ҳужай- раси ичига кирган бошқа қисми эса сиртида бўлади.

Активомицетлар целялюлоза, лигнин ва шунингдек тупроқнинг таркибий қисми ҳисобланган чиринди (гумус)ни ҳам парчалайди. Активомицетлар органик моддалар кўп бўлган нейтрал ёки бир оз ишқорий реакцияни ва сифатли қилиб ишланган говак қатламли тупроқларда яхши ривожланади. Улар реакцияси кислотали тупроқларда яшай олмайди. Шу сабабли ҳам бу организмлар жанубий зона тупроқларида кўпроқ тарқалган бўлади.

Тупроқда типик активомицетлардан бошқа шу классга мансуб проактивомицет, микобактерия, микромоноспор ва микококклар сингари бир қанча микроорганизмлар ҳам яшайди.

Баъзи активомицетлар антибиотик моддалар ажратганлиги сабабли улар яшаётган муҳитда бошқа микроорганизмлар ҳаёти тўхтаб қолади.

Сув ўтлари (йўспилар). Тупроқларнинг устки қатламида пропротроф (автотроф) организм ҳисоблашган ҳар хил сув ўтлари ҳам да баъзан қуий қатламида ҳам учрайди. Қуий қатламдаги сув ўтлари гетеротроф (метатроф) микроорганизм ҳисобланади. Сув ўтлари айниқса кўклам пайтларида тупроқнинг устки сернам қатламида кўпроқ ривожланади. Шунинг учун ҳам серёғин кўклам езлерида экин майдонларининг юзаси яшил туслига ўхшаб кўниади. Тупроқ юзаси қуриганда сув ўтларининг ҳаёти вақтича ўхтайди.

Бақаўтлар (лишайлар). Бақаўтлар замбуруғ ва сув ўтларининг тракиб симбиоз ҳолда бирга яшашидан вужудга келган ўсимлини. Улардаги замбуруғлар сув ўтларни минерал озиқ моддалар сув билан таъминлайди, сув ўтлари эса замбуруғларни фотосинтессида ҳосил бўлган углеводлар билан таъминлайди ва тари ҳам ундаға фойдаланади.

Бақаўтлар қаттиқ төғ жинслари устида ривожланаб, улар юзасида юпқа қатлам ҳосил қиласди. Демак, төғ жинслари юзасида аўтлар пайдо бўлиши биланоқ биологик вураш ва тупроқ пайдо ши процесслари ҳам бошланади. Шундай қилиб, тош юзасида а юпқа қаватли дастлабки тупроқ вужудга келади ва унда жуда ўлса-да чиринди, фосфор, калий, олтингугурт сингари муҳим

элементлар түцланади. Ана шу тупроқ қатламида микроорганизмлар ва ўсимликлар ҳёти учун зарур шароит вужудга кела бошлиди.

Тупроқдаги микроорганизмларнинг ўзаро мураккаб биологик таъсири натижасида улар бир-бирларига ва яшил ўсимликларга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишлари мумкин.

Тупроқда микроорганизмларнинг тарқалиши ва миқдори

Турли иқлим, рельеф, она жинс, ўсимлик ва ҳайвовот дунёси каби табиий шароитда пайдо бўлган тупроқ типларининг химиявий таркиби ва хоссалари бир хил бўлмаганлиги сабабли улардаги микроорганизмларнинг сони ва турлари ҳам бир хил эмас. Айниқса серчиривидили нейтрал ёки нейтралга яқин реакцияли тупроқларнинг устки қатламларида микроорганизмлар миқдори жуда кўпдир. Чунки бу қатламда микроорганизмлар ҳёти учун зарур шарт-шароит, яъни ҳаво, нам ва озиқ моддалар етарлича бўлади. Тупроқнинг пастки қатламларига тушгая сайн микроорганизмлар (A_2 , B_1 , $B^2 C$) сони камая боради.

Умуман тупроқнинг устки чириндили қатламидағи бир грамм тупроқда бир печа миллион микроорганизм яшайди. 5-жадвалда СССР территориясининг турли тип тупроқларида микроорганизмлар сони ҳақидаги маълумотлар берилган.

5 - жадвал

**СССР нинг асосий тупроқларидаги микроорганизмлар миқдори
(Е. Н. Мишустин)**

Тупроқлар	Тупроқнинг ҳолати	Микроорганизмлар миқдори (млн ҳисобида)	
		1 г тупроқда	тупроқдаги 1 ме азотда
Подзоллар Чимли подзол- лар	қўриқ	300—600	70 чамасида
	қўриқ	600—1000	200
	экинзор	1000—2000	250
Кора тупроқлар	қўриқ	2000—2500	600
	экинзор	2500—3000	750
Бўз тупроқлар	қўриқ	1200—1600	2000
	сугориладиган	1800—3000	2400

Бу жадвалдаги маълумотлар бўз ердаги қўриқ тупроқнинг А горизонтидаги ва шунишгдек, экинзорларнинг ҳайдалма қатламидағи микроорганизмлар миқдори авча кўплигини кўрсатади. М. В. Фёдоров маълумотларига кўра, бир гектар экинзор ернинг устки ҳайдалма қатламида микроорганизмларнинг тирик вазни 3—5 тоннани ташкил этади. Масалан, чимли подзол тупроқнинг ҳайдалма қатламида 3,5 т, кора тупроқларда 5,2 т ва бўз тупроқларда 5 т эканлиги аниқланган.

Бўз ерлардаги қўриқларни ўзлаштириб, шудгор қилинганда, устки чиривидили қатламлар билан бир қаторда уларнинг қўйи горизонтларида ҳам микроорганизмлар сони кўпаяди. Демак, экин

майдонларин яхши сифатли қилиб шудгорлаш, ўғитлаш ва сүгориш сингари агрокомплекс табдирлар түгри амалга оширилганды маданий тупроқлардаги фойдали микроорганизмлар миқдори ошади. Шуннанда, микроорганизмлар сони табиий-иқлим шароитларига күра тупроқ типлари ҳам кескин ўзгариб туради, жумладан, шимолий зона -- түндә, подзол, чимли подзол тупроқлариды микроорганизмлар оз миқдорда бўлиб, жанубий зонадаги бўз тупроқ, каштан тупроқ ва айниқса қора тупроқларда микроблар айниқса кўп ривожланади.

Тупроқдаги микроорганизмлар сони ва унда кечадиган микробиологик процесслар характеристи тупроқнинг табиий ҳолати ва шароити билан айни бир вақтда дэҳқончиликда инсеклар томонидан олиб бориладиган турли табдирлар натижасида вужудга келган сунъий шароитларга ҳам тааллуқладир. Дэҳқончиликдаги барча агрономик табдирлар ўз вақтида, сифатли ўтказилса, тупроқда бактериялар ҳаёти учун қулай шароит вужудга келиб фойдали микроорганизмлар миқдори кўпайди.

Экин майдонлари айниқса кузда чуқур ағдариб шудгор қилинганда микроорганизмлар кўпайиб микробиологик процесслар яхши ўтади. Тупроққа минерал ва органик ўғитлар солинса, улар микроорганизмлар ҳаётига ижобий таъсир этиб, органик қолдиқларнинг чиритадиган микроблар фаолиятини кучайтиради. Бироқ оз чириндили тупроқларга бир неча йил сурункасига ҳадеб фақат минерал ўғит солавериш, тупроқда микроорганизмлар фаолиятини ва миқдорини аста-секин камайишига олиб келади. Шунинг учун органик ва минерал ўғитларни аралаштириб солиб туриб яхши натижга беради.

Кислотали тупроқларга оҳак ва ишқорий реакцияли тупроқларга гипс солини билан эритма реакцияси пейтралга яқин ҳолатга келтирилса, микробиологик процесслар учун қулай шароит вужудга келади ва микроорганизмлар ҳам кўпайди.

Тупроқдаги ҳайвоний организмлар

Тупроқдаги ҳайвонот олами

Тупроқда жуда кўп миқдорда ҳар хил ҳайвонот организмлари (тупроқ фаунаси) мавжуд. Улар тупроқдаги биологик процесслар кечишида актив қатнашади. Тупроқда энг содда жониворлар билан бир қаторда кўплаб умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонлар ҳам яшайди. Бу ҳайвонот олами тупроқ ҳаётида, жумладан, тупроқда органик моддалар тўпланишида ва тупроқнинг сув-ҳаво режимиини яхшилашда катта аҳамиятга эга.

Энг содда бир ҳужайрали жонивор. Тупроқда микроорганизмлар билан бир қаторда Prokarya, яъни бир ҳужайрали энг содда ҳайвонлар ҳам кўпроқ тарқалгани, чунончи, хиличинилар (Flagellata), томироёқлилар (Rhizopoda) ва инфузориялар (Ciliata) сингари жониворлар айниқса баҳор фасиларида тупроқнинг устки қатламларида кўпроқ ривожланади.

Protozoalarning кўпчилиги аэроб шароитда, нейтрал реакцияли муҳит ва тупроқ температураси 18—22° атрофида бўлганда нормал ҳаёт кечиради. Буларнинг кўпчилиги гетеротроф организм ҳисобланиб, тупроқдаги турли микроорганизмлар (бактерия, замбуруғ ва сув ўтлари) билан озиқланади. Шунингдек тупроқдаги ўсимлик қолдиқларининг чиришидан ҳосил бўладиган органик моддалар билан озиқланувчи сапрофит (Protozoa) лар ҳам тарқалган. Бу организмлардан баъзилари ўзларидаги яшил пигмент (бўёқ) туфайли карбонат ангидридни ҳам ўзлаштириш қобилиятига эгадир.

Содда жонивор (Protozoa) лар ор юзасининг қуруқлик қисми даги деярли барча тупроқларда айниқса, уларнинг устки чириндили қатламида кенг тарқалган. Буларнинг миқдори тупроқда йил фаслларига кўра ўзгариб туради. Баҳор фаслида улар анча кўпайиб, ёз, куз ва қишида етарли намгарчилик пайтларидағина кўпаяди ва сўнгра тупроқдаги намнинг камайиши билан уларнинг фаолияти пасаяди ҳамда ҳаракатсиз ҳолатга ўтади.

Protozoalarning тупроқ пайдо бўлиши ва тупроқ унумдорлигидаги роли ҳали унчалик тўлиқ аниқланмаган. Баъзи тадқиқотчилар Protozoalarning кўпчилиги гетеротроф организм бўлганилигидан тупроқдаги микробиологик процессларга салбий таъсир этади деб ҳисобласалар, айримлари аксинча улар тупроқда микробиологик процесслар яхши ўтишига ижобий таъсир этади, деб кўрсатадилар.

Чувалчанг ва ҳашаротлар. Тупроқда умуртқасиз ҳайвонлар ҳам кўп миқдорда учрайди. Айниқса умуртқасиз ҳайвонларданчувалчангларнинг тупроқ пайдо бўлиши ва тупроқ унумдорлигидаги аҳамияти каттадир. Чувалчанглар барча хил тупроқларда, жумладан бўз ерлар ва сугорилиб дехқончилик қилиладиган майдонлар тупроғида кўпроқ учрайди. Бир гектар ердагичувалчанглар миқдори бир неча юз мингдан 3—4 миллионгача боради. Тупроқларнинг чириндили ҳайдалма қатламида ва ўрмон қийи остида айниқса,чувалчанглар миқдори кўпроқ бўлиб, пастки қатламларида анча камалди.

Чувалчанглар асосан органик моддалар билан озиқланаллигидан улар тупроқдаги органик қолдиқлар ва чиринди моддаларни минерал зарралар билан биргаликда ичаклари орқали ўтказиб ташқарига чиқаради. Чувалчанглар ичаги орқали ўтадиган органик моддаларнинг бир қисмини ўз организмига сингдирса, қолгай қисмини чиқинди тараизда тупроқда чиқаради. Бу чиқинди зарражалар одатда бир-бирига маҳкам ёпишган донадор шаклдаги майда-агрегатлар (увоқчалар) ҳолидадир.

Ч. Дарвин маълумотичачувалчанглар ичаклари орқали ўтказиладиган тупроқ миқдори гектарига ҳар йили 22—28 тонна бўлса, Н. А. Димо текширишича Ўрта Осиёдаги сугориладиган бўз тупроқларда бу миқдор 123 тоннани ташкил этади. Демак,чувалчанглар ерни юмшатиш ва донадор бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Н. А. Димо маълумотларичачувалчанглар ҳар бир гектар ерда йилига тахминан 250 кг, баъзи маълумотларига кўра 1000 кг гача органик моддаларни ўз ичаклари орқали ўтказиб ишлаб беради.

Чувалчангларнинг тупроқ структурасини яхшилатиш натижасида тупроқнинг физикавий хоссалари сув, ҳаво ва иссиқлик режимлари яхшиланади ҳамда микробиологик жараёнларнинг кечиши учун яхши шароит яратади. Чувалчанглар фаолияти туфайли органик моддалар гумификацияланиши ривожланиб, тупроқда чиривди миқдори кўпаяди. Бинобарин, чувалчанглар тупроқнинг химиявий хоссаларини ҳам яхшилади.

Тупроқда чувалчанглардан ташқари яна кўп миқдорда турли ҳашаротлар (қўнгиз, чумоли ва бошқалар) ҳаёт кечириб, улар тупроқнайдо бўлишида тупроқнинг физикавий хоссалари ҳаво ва сув режимиининг яхшиланишига таъсир кўрсатади ҳамда тупроқ чириндининг кўпайтишига сабабчи бўлади.

Умуртқали ҳайвоnlар. Тупроқ пайдо бўлиши ва унинг физик-химиявий, биохимиявий хоссаларини ўзгартиришда айниқса умуртқалилардан кемирувчиларнинг аҳамияти жуда катта. Кўрсичқон, юмонқозиқ, қаламуш сингари кемирувчилар ерни ковлаб, унинг пастки қатламларидағи тупроқни ер юзасига чиқариб тўплайди ва қатламлар орасида кўплаб тешиклар ҳосил бўлади. Айниқса, даншт ва чўл зоналарида кемирувчиларнинг фоалияти актив бўлиб, улар тупроқнинг чиринидили қатлами пастки қатламлар билан аралаштиради ва қўйи горизонтлардаги карбонат ва тузларни ер юзасига чиқариб тўплайди. Хуллас, умуртқали ҳайвоnlар ҳам тупроқнинг физик ва физик-механикавий хоссаларини ҳамда химиявий таркибини ўзгартиришда актив қатнашади.

V б о б

ТУПРОҚНИНГ ХИМИЯВИЙ ТАРКИБИ

Тупроқ таркиби минерал, органик ва органик-минерал моддалардан иборат. Тупроқнинг асосий қисми турли минерал моддалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг таркибидаги кўпгина хилмажил химиявий элементлар учрайди.

Минерал моддалар тупроқнинг ўртача 80—90% қисмини ташкил этиб, органоген тупроқлардагина бу моддалар миқдори 10% тақадар камаяди.

Бизга маълум бўлган барча химиявий элементлар тупроқ таркибидаги борлиги текшеришлардан аниқланган. Лекин литосфера ва тупроқ таркибидаги химиявий элементларнинг нисбий миқдори бир хил эмас.

Тупроқ ва литосферанинг химиявий таркибига доир маълумотлар бўжадвалда келтирилади.

Жадвалдан кўриниб турибидики, литосферадаги ва тупроқ таркибидаги химиявий элементлар миқдори орасида ўхшашлик бўлса-да, лекин баъзи элементлар миқдори жиҳатдан маълум дарражада бир-биридан фарқ қиласди. Тупроқ таркибидаги литосферага нисбатан кислород ва водород миқдори кўп бўлиб, алюминий, темир, кальций, магний, калий ва натрий сингари элементлар

хил шаклдадыр. Темир феррасиликатлардан ташқари тупроқда учрайдиган пирит, гематит, магнетит, лимонит сингари минераллар таркибида ҳам тарқалган.

Темир ўсимлик ҳаёти учун жуда зарур элементлардан бири, у яшил ўсимликтарда хлорофиллининг вужудга келишида қатнашади.

Олтингугурт (S). Тупроқдаги органик моддалар ҳамда минерал бирималар таркибида учрайди. Ўсимликнинг олтингугуртга бўлгап талаби азот ва фосфорга нисбатан камроқ бўлса-да, муҳим биоген элементлардан бири ҳисобланади.

Тупроқдаги олтингугуртли бирималардан $MgSO_4$, K_2SO_4 , Na_2SO_4 сингари сульфат тузлари сувда яхши эриганилигидан тупроқ коллоидларига унча яхши сингмайди. Қуруқ иклими зона тупроқларидаги олтингугурт айниқса кўпроқ тўпланади. Умумай тупроқларда олтингугурт миқдори ўсимлик талаби учун етарли даражада бўлади.

Кальций ва магний (Ca, Mg). Ўсимлик ҳаёти учун зарур бўлган бу элементлар кальцит, магнезит сингари карбонатлар, доломит ва мусковит, биотит, аортит каби минераллар таркибида учрайди. Кальций ва магнийнинг кўпчилик қисми тупроқдаги коллоидларда сингдирилган ҳолатда ва сувда осон эрийдиган ($CaCl_2$, $CaSO_4$, $CaCO_3$, $MgCl_2$, $MgSO_4$) оддий тузлар ҳолида, шунингдек серкарбонат тупроқда қисман кальций фосфат $[Ca_3(PO_4)_2]$ таркибида учрайди

Кўпчилик тупроқларда кальций ва магний ўсимликлар ҳаёти учун етарли миқдорда бўлади.

Калий (K). Бу элемент муҳим физиологик вазифани бажарганилигидан ҳам ўсимликлар уни кўп миқдорда талаб этади. Калий тупроқлардаги сувда деярли эримайдиган алюмосиликатлар ($K_2Al_3Si_6O_{18}$, $KH_2Al_3Si_3O_{12}$ ва бошқалар) таркибида ва осон эрийлигидан оддий тузлар (KCl_2 , K_2SO_4 , K_2CO_3 , KNO_3) биримаси шаклида ҳамда сингдирилган ҳолда учрайди. Калий оғир механикавий таркибли соғ тупроқ ва сингил тупроқларда камроқ бўлади —

Тупроқдаги калий ўсимликтарга яхши сингмайдиган бирималар ҳолида бўлса, ерга калийли ўғит солиш тавсия этилади.

Микроэлементлар

Ўсимлик ва ҳайвон организмлари учун жуда оз миқдорда зарур бўлган мис, рух, кобальт, йод, сингари химиявий элементларга микроэлемент дейилади. Тупроқ таркибида микроэлементларниң етарли бўлмаслиги ўсимликтарнинг ўсиш-ривожланиши ҳамда ҳосилнинг сифати ва миқдорига салбий таъсир этади. Тупроқдаги микроэлементлар миқдори опа жинсларнинг химиявий таркибига боғлиқ. Шунингдек, бу элементлар органик моддалар ҳисобига тупроқнинг чириндили қатламида кўпроқ тўпланади. Шу ўринда ўсимлик ҳамда ҳайвонот организмлари учун зарур ва яхши ўрганилган микроэлементлар ҳақида қисқача тўхтаб ўтайлик.

Мис (Cu). Тупроқда органик-минерал бирималар сингдирилган ҳолатда бўлиб, тупроқ минераллари таркибида ҳам учрайди. Кис-

лотали тупроқларда мис әрүвчан шактда бўлиб, аммо нейтрал ва ишқорий реакцияни тупроқларда эса мис ўсимликлар учун унча етарли даражада бўлмайди.

Тупроқларда мис ўртача ($0,002\%$) бўлиб, Е. К. Круглованинг маълумотига кўра Мирзачўлдаги экин экилмаган оч тусли бўз тупроқларнинг чириндили қатламида мис $0,002\%$, сугориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг юқори қаватида ($0,0028\%$), типик бўз тупроқларда $0,0031\%$, сугориладиган тирик бўз тупроқларда $0,0048\%$, ўтлоқи тупроқларда эса $0,0031$ — $0,0040\%$ ни ташкил этади.

Мис оксидланиш процессларини юзага келтирадиган ферментлар таркибига кириб, углевод ва оқсилларнинг алмашинувига ижобий таъсир этади, ўсимликларнинг турли касалликларга, жумладан, уларнинг замбуруғли касалликларга қидамлилигини оширади.

Рух (Zn). Асосан чириндили қатламда кўпроқ тўпланиб, чиринди билан бирлиқда мураккаб бирикма ҳосил қиласди. Шунингдек, рух минерал коллоидларга сингдирилган ҳолатда ва турли минераллар таркабида учрайди. Тупроқларда рух миқдори ўртача ($0,005\%$) бўлиб, Е. М. Круглованинг маълумотига кўра бўз тупроқларида рухнинг умумий миқдори $0,006\%$ — $0,012\%$ ни ташкил этади. Одатда сугориладиган бўз тупроқлар ўтлоқи ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларнинг чириндили қатламида рухнинг миқдори кўпроқ бўлади.

Рух элементи ўсимликда биологик процессларни кучайтиради ва нафас олишини айниқса улардаги ферментлар фаолиятини оширади.

Йод (I). Тупроқнинг чириндили қатламида кўпроқ тўплавади. Чиринданинг кўпайиши билан йоднинг миқдори ҳам ошиб боради. Йод тупроқда ўртача $0,0005\%$ ни ташкил этади. Серчиринди тўқ тусли ўтлоқ тупроқларда йоднинг миқдори бўз тупроқларга нисбатан кўпроқ бўлади.

Йод ўсимликларда физиологик процессларни нормал боришига ёрдамлашади ва бир қанча касалликлардан сақлайди.

Кобальт (Co). Тупроқдаги турли алюмосилликатлар таркибида ва коллиод заррачаларга сингдирилган ҳамда турли органо-минерал бирикма ҳолида бўлади. Кобальт миқдори тупроқда ўртача ($0,0003\%$) бўлиб, қора тупроқ, каштан тупроқ ва бўз тупроқларда бу элемент миқдори кўпроқдир. Подзол ва ботқоқ тупроқларда эса кобальт озроқ бўлади. Тўқ тусли бўз тупроқларда унинг миқдори кўпроқ.

Кобальт ўсимликлардаги фотосинтезнинг яхши кечишига ижобий таъсир этади ва оқсил алмашинувини тезлаштиради.

Марганец (Mn). Тупроқларнинг чириндили устки қатлами ва иллювиал горизонтида тўпланиб, айниқса оғир механикавий таркибли ҳамда серчиринди тупроқларда кўпроқдир. Тупроқларда марганец ўртача — $0,05\%$, Узбекистон териториясидағи бўз тупроқларда бу элемент $0,6$ — $0,07\%$, тўқ тусли ўтлоқи тупроқларда эса бундан ҳам кўпроқдир. Демак, Ўрта Осиёдаги гидроморф тупроқларда автоморф тупроқларга нисбатан марганец кўп экан. Марга-

6- жадвал

Литосфера ва тупроқ таркибидаги химиявий элементларнинг ўртаси миқдори (%) ҳисобида А. Н. Виноградов)

Элемент	Литосфера	Тупроқ		Элемент	Литосфера	Тупроқ
		1	2			
O	47,2	49,0		Mg	2,10	0,60
Si	27,6	20,0		Ti	0,60	0,46
Al	8,8	7,13		H	0,15	5,40
Fe	5,1	3,80		C	0,10	2,00
Ca	3,6	1,37		S	0,09	0,085
Na	2,64	0,63		P	0,08	0,09
K	2,60	1,36		N	0,01	0,10

миқдори эса анча камдир. Тупроқда азот, углерод ва фосфор элементларнинг кўпроқ бўлиши характерлиди. Бу элементлар тупроқ пайдо бўлиш натижасида тўпланади.

Шунингдек, тупроқларнинг турли тили, тури ёки генетик генотипларида ҳам айrim химиявий элементлар миқдори бир хил лмайди. Чириндили қатлам химиявий таркибига кўра қўйи қаталмлардан айниқса кескин фарқ қиласди. Тупроқларнинг химиявий таркиби она жинслар таркиби билан замбарчас боғлиқ. Малан, серкарбонатли лёсс сингари она жинсларда пайдо бўлган проқларда кальций кўп миқорда, таркибида хлорид ва сульфат злари бўлганда эса шўрланган тупроқлар пайдо бўлади. Демак, проқнинг химиявий таркиби унинг пайдо қиласиган табиий акторлар характерига ва нураш маҳсулотининг химиявий таркиби, тупроқ пайдо бўлишига кўра ўзгариб туради.

Тупроқдаги химиявий бирикмалар ва ўсимлик

Тупроқлардаги химиявий элементлар асосан ҳар хил бирикмалар таркибида учрайди. Қўйида тупроқдаги баъзи элементлар ва таркибнинг аҳамияти ҳақида қисқача тўхтalamиз.

Кремний (Si). Тупроқда бу олемент миқдор жиҳатдан иккичи ишда бўлиб, асосан кварц (SiO_2) шаклида учрайди. Кварц Итижимиз териториясидаги тупроқларда айниқса қумлоқ ва қумрикли тупроқларда бошқа минералларга висбатан кўп учрайди, инг миқдори 60—90% ни ташкил этади. Кремний тупроқдаги сицкат, алюмосиликат ва феррисиликатлар таркибида ҳам мавжуд, у кремнийли бирикмаларнинг нураши ҳамда тупроқ пайдо бўлиши юцессида улар таркибидаги кремнезёмнинг бир қисми эритмага ёди, бошқа қисми гель ҳолидаги коллоид чўкма ($SiO_2 \cdot n H_2O$) ясила қиласди.

Тупроқ эритмасидаги кремнезёмнинг бир қисмини ўсимликлар лаштиради ва қолган қисми сув билан тупроқнинг қўйи қисмига иб ювилиб кетади. Дошли экивилар таркибида ўзлаштирилган юминий миқдори 3%га қадар эканлиги аниҳланган.

Кислород (O). Тупроқлар таркибиде кислород әңг күп миқдорни ташкил этиб, тупроқнинг чириндиси ва минерал қисмидаги күпгина бирикмалар таркибиде бўлади.

Углерод (C). Бу элемент органик бирикмаларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланаб, тупроқдаги чиривиди ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари ҳамда карбонат бирикмалари таркибиде учрайди.

Азот (N). Бу ҳам углерод сингари биоген элемент бўлиб, биосферада тоят катта аҳамиятга эга. Тупроқда 0,1% ни ташкил этадиган азот элементи турли органик қолдиқлар ва чиринди таркибиде, шунингдек азот тўплайдиган бактериялар таркибиде бўлади.

Тупроқдаги органик моддалар айниқса чириндининг кўпайиши билан азотининг миқдори ҳам мутаносиб равишда кўпайиб боради.

Азот ўсимликка асосан нитрит ва нитрат сингари минерал бирикмалар тарзида сингади. Бу бирикмалар эса тупроқдаги турли органик қолдиқлар, жумладан чиринди моддаларнинг парчаланиши процессида вужудга келади. Ўсимликлар тупроқдаги озиқ элементлар таркибидан азотни бошқа элементларга нисбатан кўпроқ талаб этади. Шунинг учун тупроқдаги азот зонасини кўпайтириб туриш тадбирларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Фосфор (P). Тупроқдаги фосфор асосан биоген элемент сифатида органик бирикмалар, жумладан чиринди таркибиде тўпланади. Тупроқдаги минерал бирикма ҳолидаги фосфор эса тупроқ скелетидаги апатит $[Ca_{10}(FeCl)(PO_4)_6]$, фосфорит $[Ca_3(PO_4)_2]$, вивианит $[Fe_3(PO_4)_2 \cdot 8H_2O]$ сингари минераллар таркибиде учрайди ва сингидрилган ҳолда ҳам бўлади. Апатит тупроқдаги фосфорли бирикмаларнинг асосий маибай ҳисобланади. Бу минерал асосан магматик топ жинслари таркибиде бўлиб, жумладан, Ер қобитидаги тарқалган фосфорнинг қарийб 95% ини ташкил этади. Тупроқнинг устки қатламида фосфор кўпроқ тўпланади.

Алюминий (Al). Илгари айтилгандек, алюмосиликатларнинг нураш жараёни натижасида турли таркибдаги алюминий бирикмалари вужудга келади. Чунопчи, оллит типидаги нураш пайтида алюминий оксиди ва гидроксидлар сиаллит типидаги нурашда эса каолинит, монтмориллонит сингари иккиласмчи минераллар вужудга келади. Бу бирикмалар мўътадилик иқлимли зонада авчагина чидамли бўлганилигидан нураш маҳсулотида тўпланана бошлиайди, кейинчалик нураш давом этиши натижасида улар тупроқдаги лойка ва қумоқларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Алюминий гидроксидлари ва тупроқдаги турли тузлар орасидаги ўзаро реакциялар тифайли янги мураккаб бирикмалар ҳосил бўлади. Алюминий гидроксидлари ва бу бирикмаларнинг сувда эриган қисми сизот грунт сувлари билан сой, дарё ва кўл сувларига бориб қўшилади. Унинг бир қисми эса тупроқда алюминий гидроксидининг аморф ҳолидаги чўкмасини ҳосил қиласди. Бу чўкма таркибиде кўпинча кремнезём темир бирикмалари, органик моддалар ҳам бўлади.

Темир (Fe). Таркибиде темир элементи бўлгаган минераллар алюминийга нисбатан тупроқда кўпроқ миқдорда бўлиб, улар хилмач-

иенниг сувда эрийдиган нитратли, хлоридли, сульфатли бирикмалари таркибидаги марганецни ўсимлик осой ўзлаштиради. Сувда эримайдиган минераллар таркибидаги марганец эса ўсимликларга ўтмайдиган шаклдадир.

Марганец ўсимликлар организмидаги ферментлар, фотосинтез фаолиятини кучайтиради ҳамда оқсиллар пайдо бўлишида муҳим вазифани шунингдек, катализаторлик вазифасини ҳам бажаради.

Молибден (Mo). Тупроқдаги чиринди ва бир қанча минераллар таркибида ва сингдирилган ҳолатда бўлади. Бу молибденинг тупроқдаги ўртача миқдори 0,0003% атрофида бўлиб, у ўсимликлардаги азот алмашинишида, айниқса азотобактерия ва тугувак бактериялар азотни ушлаш фаолиятини кучайтиришда ва тўплани процессида катта роль ўйнайди. Демак, молибден ҳам муҳим биоген микроэлементлик вазифасини бажаради.

Бор (B). Тупроқларда ўртача — 0,001% бўлиб алюмосиликатлар таркибида айниқса чиринди қатламдаги органик бирикмалар таркибида тўпландади. Бор Ўрта Осиёдаги бошқа тупроқларга янисбатан бўз тупроқлар ва серчириди ўтлоқи тупроқларда кўпроқ, яъни 250 мг/кг ни ташкил этади. Бу микроэлемент ўсимликларда углеводлар алмашинишида катта аҳамиятга эга. Тупроқда бор етишмаслиги ўсимликлар касалланишига ва ҳосилнинг камайшига сабаб бўлади.

Юқоридаги микроэлементлардан ташқари тупроқда барий, хром, селен, фтор, маргимуш, литий, никель, қалай, титан сингарилар ҳам бўлиши мумкин.

Тупроқ радиоактивлиги. Тупроқ таркибидаги радиоактив химиявий элементлар таъсирида тупроқ радиоактивлиги вужудга келади. Радиоактивлик табиий ва сунъий бўлади.

Табиий радиоактивлик тупроқдаги табиий радиоактив элементлар уран (U^{238} , U^{235}), торий (Th^{232}), радий (Ra^{226}) ва радон (Po^{212} , Po^{210}), оддий изотоплар калий (K^{40}), рубидий (Rb^{87}), самарий (Sm^{147}), кальций (Ca^{48}), цирконий (Zr^{96}), атмосфера космик нурлар таъсирида ҳосил бўлган радиоактив изотоплардан тритий (H^3), бериллий (Be^{7} , Be^{10}), углерод (C^{14}) ҳамда узоқ давр яшовчи (10^8 — 10^{16} йил) изотоплардан ҳосил бўлади. Тупроқдаги радиоактив элементларининг умумий миқдори тупроқнинг она жинси таркибига боялиқ. Тупроқнинг радиоактивлиги унинг механикавий таркибига ҳам боялиқ. Механикавий таркиби оғир бўлса, радиоактивлиги юқори ва аксинча енгил бўлса радиоактивлик камроқ бўлади. Тупроқ профилида радиоактивлик кўпинча бир хилда тақсимланган бўлиб фақат глейли ва иллювиал қатламда кўпроқ бўлади.

Тупроқнинг сунъий радиоактивлиги ҳар хил (атом ва термоядро) бомбаларининг портлаши ва саноатдаги таркибida радиоактив элементлари бўлган чақиндиларни ташлаш натижасида тупроқда уран (U^{236} , U^{233}) ва плутон (Pu^{239}) лар, биологик нуктai назаридан ёнг хавфли бўлган стронций (Cr^{90}) ва цезий (Cs^{137}) радиоактивлари ҳосил бўлиб, булар ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари орқали инсоннинг сўнгги ва бошқа организмларида тўпланиб, радиоактив ҳаҷар-

дайди. Сунъий радиоактивлик (Sr^{90}) айниңса тупроқнинг устки 0—5 см қатламида жуда күп (80—90%) бўлади. Колган қисми эса тупроқнинг 25—30 см чуқурлигига бўлади. Бундай ерларга экин ёкилганда сунъий радиоактивлик ўсимлик илдизи орқали ўтиб ҳосилида тўпланади. Механикавий таркиби еигил бўлган ва оз чиридили тупроқларда сунъий радиоактивлик оғир механикавий таркибли ва серчириди тупроқлардагига нисбатан кўпроқ бўлади. Тупроқда радиоактивликни камайтириш учун унинг унумдорлигина оширишга доир тадбирларни қўллаш, ўз вақтида ерга органик минерал ўритлардан айниңса фосфор ва калий ўритлари солиш, кислотали тупроқларга оҳак солиш, ишқорий тупроқларга гипс солиш зарур.

VI боб

ТУПРОҚДАГИ ОРГАНИК МОДДА ВА ТУПРОҚ ЧИРИНДИСИ

Тупроқда ўсимлик ва ҳайвонот организмлари қолдиқларидан изборат кўплаб органик моддалар тўпланади. Бу моддаларнинг бир қисми ҳали тўла чиримаган ва ўзининг аввалини ҳолатини ўйқотмаган органик қолдиқлар бўлса, бошқа бир қисми чириш процесси натижасида ўзгарган тўқ тусли ва мураккаб таркибли комплекс органик бирикма, яъни чиринди — гумусга* айланган ва тупроқ минерал қисмига шимилиб кетган бўлади.

Органик қолдиқлар ҳар хил тупроқларда турли миқдорда тўпланади. Одатда тупроқларнинг устки қатламларида куйи горизонтларга нисбатан органик қолдиқлар кўпидир. Ўсимликлар қолдигига миқдори табиий-иқлим шароитларига кўра қора тупроқларнинг устки қатламида мавсум давомида бир гектар ерда 7 т қуруқ органик масса, 25 т чамаси илдиз қолдиқлари, каштан тупроқларда 5 т қуруқ органик масса, 13 тона илдиз, бўз тупроқларда эса 1 тона қуруқ органик масса ва 10 т чамаси илдиз қолдиқлари тўпланади. Ўрмон зонасида ернинг юза қатламидаги тупроқда ҳар йили гектарига 4—7 т органик қолдиқ тўпланаб, йил сайин унинг миқдори кўпайиб бориши натижасида ҳосил бўладиган ўрмон қийи (органик моддалар)нинг умумий миқдори ҳар гектар ерда 50 тоннага етади. Ўтлоқ ерлардаги тупроқларнинг бир метр қалинлигига гектарига 6—13 т чамасида илдиз тўпланади. Булардан ташқари, бир йилда ҳосил бўладиган органик қолдиқлар миқдори экин турларига ҳам боғлиқ. Чунки одатда кўп йиллик ўсимликлар кўпроқ органик қолдиқлар тўплайди. Масалан, органик қолдиқ бир йиллик экин ёкилган ерларнинг бир гектарида 3—4 т бўлса, сугориладиган бўз тупроқли ерлардаги бедапояда эса 12—13 тоннагача тўпланади.

Демак, чиринди ҳосил бўлишининг бирдан-бир асосий маъбаняшил ўсимликларнинг ер юзаси ва қатлам орасида тўпланадиган

* Гумус — латинча humus сўзидан келиб чиққан, тупроқ, яъни ер маъносини билдиради.

органик қолдиқларидир. Тупроқда яшайдиган күп сонли микроорганизмлар, умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонларнинг қолдиқлари ҳам маълум даражада чиринди түплаш манбай ҳисобланади.

Тупроқда түпландиган қуруқ органик қолдиқлар таркибида Ca, Mg, K, P, S, Si, Fe сингари күл элементлари, углеводлар, оқсиллар, лигнин, липидлар, мумлар, смолалар, ошловчи моддалар ва бошقا бирикмалар бўлади (7-жадвал).

7- жадвал

Ўсимлик ва микроорганизмларнинг химиявий таркиби

Органикалар	Күл	Оқсилли моддалар	Углевод- лар		Лигнин		Диномин- спекчий моддалар
			целлюлоза	гемицеллюз ва бопиқалар	%	часобида	
Бактериялар	2—10	40—70	йўқ	бор	0	1—40	
Сув ўтлар	20—30	10—15	5—10	50—60	0	1—3	
Баца ўтлар (ли- шайлар)	2—6	3—5	5—10	60—80	8—20	1—3	
Мўсунлар (мох- лар)	3—10	5—10	15—25	30—60	—	5—10	
Қирдкулоқси- молалар (папорот- никсимволар)	6—7	4—5	20—30	20—30	20—30	2—10	
Нишабарглилар (ёточлик қисмидаги)	0,1—1	0,5—1	45—50	15—25	25—30	2—12	
Нишабаргларда ёточлик қисмидаги япроқларида	2—5	3—8	15—20	15—20	20—30	15—20	
Ёточлик қисмидаги япроқларида	0,1—1 3—8	0,5—1 4—10	40—50 15—25	20—30 10—20	20—25 20—30	5—15 5—16	
Кўп йиллик ўт- лар:							
дондарида	5—10	5—12	25—40	25—35	15—20	2—10	
дункакалларда	5—10	10—20	25—30	15—25	15—20	2—10	

Жадвал материаллари турли ўсимликлар таркибидаги бирикмаларнинг миқдори бир хил эмаслигини ва дараҳтлар таркибида кўп йиллик ўтларга висбатан лигинин ва ошловчи моддалар кўп, оқсиллар эса анча озлигини кўрсатади.

Тупроқ чириндинининг пайдо бўлиши

Тупроқ чириндинин илмий асосда ўрганиш XIX асрнинг биринчи ярмида Европада бошланган. Бу соҳада дастлабки тадқиқотлар Шпренгель (Германия), Мульдер (Голландия), Берцелиус (Швеция) ва Герман (Россия)лар томонидан олиб борилиб, тупроқ

чириндиси таркибидан гумин, ульмин, креп ва апокрен деб айтилган органик кислоталар ҳамда гумин ва ульмин сингари органик моддалари борлиги аниқлашган. Лекин бу кислоталар таркиби ва хоссаларини ўргангавда улар тупроқ чириндиси фақат химиявий процесс туфайлигига пайдо бўлади деб тушунганилар.

Тупроқ чириндиси микроорганизмлар таъсиридаги мураккаб биохимиявий маҳсул эканлигини биринчи бўлиб, Н. А. Костичев аниқлаб берган. Унинг фикрича, тупроқда чиринди пайдо бўлиши органик қолдиқларини чириб, парчалавиши ва янги органик моддалар синтезланишидан иборат ягора жараёндар. Ўсимлик қолдиқлари чириганада унинг таркибидаги органик моддалар парчаланади ва микроблар плазмаси ҳолида янги мураккаб органик модда синтезланади.

XX асрнинг дастлабки йилларида тупроқ чириндисини ўргавиш ва унинг пайдо бўлиш мөҳиятини аниқлаш тупроқшуносликлиниг тараққиёти ҳамда физика, химия ва биохимия фанлариниг ривожлана бошлаган даврига тўғри келади. XX асрнинг биринчи ярмида чиринддининг пайдо бўлиши ва унинг мөҳиятини аниқлаш соҳасида кенг миқёсда тадқиқот ишлари ўтказилди. Айниқса академик В. Р. Вильямснинг бу соҳадаги илмий тадқиқот ишлари ажойиб ватижалар берди. В. Р. Вильямс тупроқ эритмасидаги чиринди кислоталарини атрофлича цухта ўрганиб, чиринди кислоталари ўсимлик қолдиқларини чиритишда қатнашадиган микроорганизмлар групласининг экзоэнзими* эканлигини аниқлади. В. Р. Вильямс дарахт ўсимликлар формацияси таъсирида пайдо бўлган подзол тупроқларда креп ва апокрен кислота, даشت ўтлари формацияси таъсирида пайдо бўлган тупроқлардан гумин кислота ва пичан ўт ўсимликлари таъсирида пайдо бўлган тупроқлардан ульмин кислота ажратиб олди ва уларниг хоссаларини чуқур ўрганди.

Швед олим С. Оден креп ва апокрен кислоталарининг таркиби ва хоссаларини текшириб, уларни ғульвокислота деб аталадиган бир группага бирлаштириди.

XX асрнинг 30-йилларида америкалик микробиолог С. Ваксман тупроқда маҳсус чиринди моддаси борлигини инкор этди ва тупроқ чириндиси таркиби ўсимлик қолдиқлари таркибидан деярли фарқ қилимайди леди. Унинг фикрича чиринддининг асосий қисмини лизинин ва протеин ташкил этади ва чиринди эса лизинин — протеин комплексидан иборатdir. Чириндии ўрганиш соҳасидаги кейинги тадқиқотлар С. Ваксман фаразияси асоссиз эканлигини исботлади.

Чириндии ўргавиш соҳасида ҳозирги олиб борилган тадқиқотлардан аниқлаб исбот этилдики, чиринди табиий биохимиявий процесслар туфайли ҳосил бўлгав "мураккаб органик модда, чиринди кислоталари эса юқори молекуляр азотли органик бирикма бўлиб, тупроқниг минерал қисми билав ўзаро мустаҳкам комплекс ҳолатдадир.

* Экзоэнзими — спртқи ачитки.

Тупроқдаги ўсимлик ва ҳайвонот организмларининг қолдиқлари кислород, сув таъсирида ва бевосита микроорганизмлар ҳамда ҳайвонот организмлари биргалигида, мураккаб ўзгаришга учрайди. Бу ўзгариш натижасида органик мoddанинг бир қисми тұла равишда минераллаппіб, ўсимліклар учун озиқ мoddа ҳосил бўлади. Чириш маҳсулининг бир қисмидан эса микроорганизмлар яғни органик мoddаларни синтезлаш учун фойдаланади ва микроблар яшашдан тұхтагач, уларниң қолдиги яна чирий бошлайди. Чириш маҳсулининг айрим қисми за микроорганизм синтезлаган мoddаларниң ўзаро таъсири за конденсацияси ҳамда полимеризацияси натижасида мураккаб юқори молекуляр махсус чиринди мoddа — чиринді кислоталари юзага келади. Тупроқда чиринді мoddаларниң ана шундай пайдо бўлиш процесси гумификация дейилади.

Гумификация процессининг моҳияти ҳали етарли аниқлашманган. Бу масалада ҳозирги вақтда совет тупроқшунос олимлари орасида икки хил фаразия (гипотеза) мавжуд.

М. М. Коннова бошлиқ бир групга олимлар А. Г. Трусов фаразиясави ривожлантириб, юқори молекуляр мoddа ҳисобланған чиринді гумификация пайтида оқсилларниң парчаланишидан ҳосил бўлган перро (C_4H_5N) ва бензол (C_6H_6) ларниң оксидланиши за конденсациясида ҳамда лигнин ва ошловчи мoddалар парчаланишидан юзага келадиган фенол (C_6H_5OH) ва хивон ($C_6H_2O_5$) сингари оддий мoddаларниң ферментлар таъсирида за иштирокида синтезланишидан пайдо бўлади деб тушунтирадилар. Бу гипотезага кўра чиринді мoddаларининг фульвокислоталари гумификацияниң дастлабки даврида паст молекуляр бўлиб, кейинчалик процессининг ривожланиши натижасида конденсацияланып юқори молекуляр мoddага айланади. Демак, фульвокислоталар гумификация процессининг бошланғич даврида пайдо бўлган органик кислота бўлиб, гумин кислотасида фарқ қиласи.

Л. Н. Александрова, И. В. Тюриннинг чиринді пайдо бўлиш фаразиясии ривожлантириб, гумификация процесси пайтида астасекин борадиган биохимиявий оксидланиш натижасида юқори молекуляр мoddа пайдо бўлади ва тупроқда чиринди тўпланади деб тушунтиради. Бу юқори молекуляр мoddа ўсимлик, микроорганизмлар ва ҳайвон қолдиқларидаги оқсил, ошловчи мoddа, лигнин сингариларниң чириш маҳсулоти бўлиб, улар ўзаро реакция натижасида конденсацияланади ёки полимеризацияланади. Гумификацияда гидроксил ва карбонил групласига кирадиган бирикмаларниң оксидланиши туфайли карбоксил группалар кўпаяди. Бу гипотезага кўра гумификация процесси натижасида айни бир вақтнинг ўзида ҳар хил даражадаги конденсацияланган чиринді мoddалар пайдо бўлади. Гумин кислотаси кўпроқ конденсацияланган ва юқори молекуляр ҳолда бўлиб, фульвокислоталар эса озроқ конденсацияланган чиринді мoddасидир.

Тупроқниң сув-ҳаво режимиға кўра, чиринди пайдо бўлиш жараёни аэроб ва анаэроб шароитда кечади. Ҳаво яхши кириб турадиган структуралар ва ғовак қовушмали тупроқларда органик қолдиқ-

ларнинг аэроб бактериялар таъсирида гумифициацияланиш ва айниқса минерализацияланиш процесси тез боради. Шунинг учун ҳам бўз тупроқлар ва бошқа субтроопик тупроқларда чиринди оз тўпланса-да, унинг сифати яхши бўлади ва уларда озиқ элементларнинг писбий миқдори кўп бўлади.

Ботқоқлангац, сернам, структурасиз ва зич қовушмали ҳамда иссиқлик етарли бўлмаган шароитдаги тупроқларда органик қолдиқлар ҳавосиз анаэроб шароитда чирийди. Чириш процесси буидай шароитда жуда секин кечиб, турли оксидланмаган бирикмалар ($\text{CH}_4\text{H}_2\text{SH}_2$) сингарилар ва ўсимликлар илдизини заҳарлайдиган бошқа бирикмалар пайдо бўлади. Анаэроб шароитда тупроқнинг устки қатламида чала чириган ёки мутлақо чиримаган органик қолдиқлар тўплами — торф ҳосил бўлади.

Органик қолдиқларни чиритадигай микроорганизмларнинг фаолияти маълум даражадаги иссиқлик ва намлика ҳамда тупроқ эритмасининг муҳит шароитига кўра ўзгариб туради. Бу микроорганизмларнинг кўпчилги ҳаёт учун ($+25-30^\circ$) атрофида иссиқлик талаб этилиб, ҳаддаз ташқари юқори ёки жуда нағи температурада уларнинг ҳаёт фаолияти сусайди ёки деярли тўхтаб қолади. Оптимал иссиқлик асосий чиритадигай микроорганизмлар учун ($+25-45^\circ$) атрофидадир. Төмөнература чириш процессининг тезлигига, айни бир вақтда чириш маҳсулотининг сифатига ҳам таъсир этади. Иссиқлик мўътадил шароитда бўлади. Аэроб шароитда органик қолдиқларнинг чириши намлиқ даражасига ҳам боғлиқ. Қуруқ ёки сернам шароитдаги органик қолдиқлар жуда тез чириши ёки секин парчаланиб, баъзан батамом чиримай қолини мумкин. Шунинг учун ҳам йилнинг турли фаслларида чириш ҳар хил тезликда бўлади. Тупроқда нам етарли миқдорда (60—70%) бўлгандга чириш процесси авча яхши кечади.

Бактериялар фақат тупроқ эритмаси нейтрал ёки нейтралга яқин реакцияли бўлганда яхши яшайди, аммо замбуруглар кислотали муҳитда ҳам эркин ҳаёт кечира беради. Шунингдек, бактериялар фаолиятига халал берадиган, ошловчи моддалари кўп бўлгац органик қолдиқларнинг чиришида замбуруглар фаол қатнашади. Тупроқнинг механикавий ва химиявий таркиби ҳам чириш процессига маълум даражада таъсир этади, чунки механикавий таркибига кўра тупроқнинг физикавий хоссалари, жумладан, сув-ҳаво режими ўзгариади. Тупроқда азот, фосфор ва калий сингари элементларнинг етарли миқдорда бўлиши микроорганизмлар фаолиятининг яхшиланишига ижобий таъсир этади.

Чиридининг таркиби ва хоссалари

Чириндик тупроқдаги органик қолдиқларнинг чириши ва гумифициация процессида пайдо бўлган динамик ҳолатдаги комплекс хусусиятли органик бирикмадир. Чиридининг таркиби ва хоссалари тупроқ пайдо бўлиш жараёвининг характеристи ва шароитига кўра турли типдаги тупроқларда турлича бўлади.

Юқори молекуляр органик модда ҳисобланған чириндиппнг таркибидаги айрим бирікмаларнинг формуласы, тузилиши ва моҳияти ҳозирга қадар мүкаммал ўрганымаган бўлса-да, аммо унинг химиявий таркибида қандай элементлар борлиги аниқланган. Чириндиден асосан ўсимлик қолдиқларининг чириши натижасида пайдо бўлган лигии ишботлаш учун қўйида (8-жадвалда) чириндиден ва ўсимлик таркибидаги элементларнинг ўртача нисбий миқдори келтирилади.

8-жадвал

Ўсимлик ва чириндиден таркибидаги элементлар
(% ҳисобида)

	C	H	O	N	кул
Ўсимлик	45	6,5	42	1,5	5
Чириндиден	58	4,5	28	5	2-8

Демак, углерод ва азот чириндиден таркибидаги ўсимликларга нисбатан кўпроқ тўпланади, водород ва кислород эса аксиича, кам бўлади.

Чириндиден таркиби асосан уч хил органик модда — гумин кислота, фульвокислота ва гумин моддаларидан иборат.

Гумин кислоталар таркибидаги азот бўлган юқори молекуляр органик кислоталар бўлиб, даврий (циклик) тузилишга эга. Бу кислоталар сувда ва минерал кислоталарда эримайди, аммо ишқорда яхши эрияди ва эритмаси тўқ тусли (қорамтири рангда) бўлади. Гумин кислоталар таркиби углерод, водород, кислород ва азотдан ташкил топган. Тупроқларининг типлари органик қолдиқларнинг химиявий таркиби ва гумификация процессининг кечиш шароитига кўра гумин кислоталариниң таркиби тупроқларда бир хил бўлмайди.

Гумин кислоталарининг таркибидаги углерод, кислород, водород ва азотдан ташқари 1—10% чамасида кул элементлари (Ca, Mg, P, S, Si, Fe ва бошқалар) ҳам бўлади.

Гумин кислоталар билан тупроқ минерал қисмларнинг ўзаро тъясирни натижасида гуматлар, яъни мураккаб органик-минерал комплекслар чайдо бўлади. Гуматлар майдага минерал заррачалар (лойкалар) юзасига мустаҳкам ва барқарор ҳолда сингдирилади.

Калий, натрий гуматлари сувда осон эриганлигидан уйдан ҳосил бўлгая молекуляр ва коллоид эритмалар тупроқнинг устки қатламидан пастга ювилиб ўтади. Баъзан шўртоб тупроқларда натрий гуматлари анчагина чуқур қаватларгача ювилиб бориб, пастки қатламда тўпланади.

Кальций ва магний гуматлари сувда эримай, тупроқда гель ҳолида тўпланади. Бу хилдаги гуматлар қатламдаги майдага механик вий зарраларни бир-бирига ёпишириб, яхши сифатли ва сувга чидамли тупроқ структура элементлари, яъни агрегатларини ҳосил

қилади. Ана шундай агрегатлар айниқса, серчириңдили, қора тупроқлар ва түқ тусли ўтлоқ тупроқларда күпроқ ҳосил бўлади.

Ульмин кислота ўзининг қўнғир тузи, оддий тузилиши ва таркибидаги азотиниг анча озлиги билан гумин кислоталардан фарқ қилади. Базэни тадқиқотчилар фикрича, ульмин кислота тупроқда эрикин ҳолда учрайди. Ульмин кислотанинг бир валентли металлар билан бирикib ҳосил қилган тузлари — ульмин моддаси сувда эрийди, аммо икки валентли тузлари эримайди.

Фульвокислоталар ҳам таркиби азотли юқори молекуляр органик кислота ҳисобланади, эритмаси концентрациясига кўра оч сариқ ёки тўқ сариқ тусда бўлади. Фульвокислоталар сувда, кислоталарда ва ишқорларда яхши эрийди. Бу органик кислотанинг сувли эритмаси кучли кислотали ($\text{pH} = 2,2-2,8$) реакцияга эга. Фульвокислоталар (крен ва апокрен кислоталар) нинг элементар химиявий таркиби гумин кислоталардан углерод миқдорининг озлиги ва кислороднинг кўллиги блан фарқ қилади. Фульвокислоталарнинг таркиби ўзгарувчан бўлиб, тупроқ пайдо бўлиши ва гумификация шароитига қараб, турли типдаги тупроқларда ҳар хил бўлади.

Фульвокислоталар билан тупроқ минерал қисми орасидаги ўзаро реакция натижасида органик-минерал бирикма ҳисобланган фульватлар ҳосил бўлади. Ишқорий металларнинг фульват туалари (фульватлар) эрувчаник қобилиятига эга. Фульвокислоталарнинг темир ва алюминийли комплекс бирикмалари ҳам қисман эрийди. Агар у комплекс металлар билан тўйинган бўлса, у ҳолда эримайди ва чўкма ҳосил бўлади.

Фульвокислоталар ва фульватларнинг кўпи асосан эрувчан ва ҳаракатчандир, улар кўп бўлган тупроқлар (подзол тупроқлар) нинг устки қатламидаги органик ва минерал моддалар эриб, қуий қатламга тез ювилиб кетади. Чиринди таркибидаги гумин кислотаси тўплана борган сайин фульвокислоталарнинг бу хилдаги эривчаник хусусияти сусая боради.

Чиринди таркибидаги гумин миқдори ўртача (15–20%) бўлиб, айрим тупроқларда 40–48% гача жўнайиши мумкин.

Демак, чиринди микроорганизмлар томонидан синтезланган юқори молекуляр мураккаб комплекс ва азотли органик бирикмадир; таркибидаги бирикмалар бир-бiri билан ўзаро таъсири этишида, шунингдек тупроқ минерал қисми билан ҳам таъсирий муносабатда бўлади. Чириндininг асосий қисми тупроқда коллоид ҳолида учрайди.

Чириндininг таркиби тупроқ пайдо бўлиши, тупроқ типларининг хусусияти, ўсимликларнинг характеристи, гумификация ва иқлим шароитларига кўра ҳайма тупроқларда ҳам бир хилда бўлмайди.

Тупроқ чириндиси бир қанча факторлар таъсирида парчалана бошлиайди. Чириндininг парчаланиши, яъни минераллациш процесси тупроқ реакцияси, намлик даражаси, температура ва аэрация шароитига кўра, ҳар хил тезликда кечади. Нейтрал ва унга

яқин реакциялық тупроқтарда чиринди мөддасыннинг минералланиши ақча тез боради. Температура ва намлик даражаси ўртача тупроқтарда серпам ёки қуруқ тупроқтарга қарагавда чириндинг минералланиши ва карбонат аңгидрид пайдо бўлиши процесси тезроқ ўтади.

Чиринди таркибида турли органо-минерал бирикмалар ҳам мавжуд. Дастребки текшириш вақтларида чиринди таркибидаги минерал мөддалар органик мөддалар билан бирикаб, ажралмас органо-минерал бирикма ҳосил қиласи деб ўйланган эди. Лекин кейинги илмий тадқиқотлар бу фикрниң иотүғри эканлигини ва тупроқдан соғ органик бирикма ҳолидаги мөддани ажратиб олиш мумкинлигини кўрсатди 9-жадвалда қора тупроқдан ишқор ёрдами билан ажратиб олинган гумин кислота таркибидаги минерал мөддалар ва уларниң процент миқдори келтирилади.

Гумин кислота таркибидаги бу элементларниң бир қисми органик мөддага сипгган (адсорбция-ланган), бир қисми (масалац, фосфор ва олтингугурт) эса органик мөддага бириккан ҳолдадир. Шунинг учун тупроқ чириндисининг таркибида учрайдиган органо-минерал бирикмаларниң таркиби ва характеристики тупроқтарда ҳар хил бўлади.

Тупроқтарда чириндисининг миқдори, таркиби ва умумий запаси тупроқ пайдо бўлиш процессида иштироқ этувчи ўсимликлар формациясига, гумификация ва минераллации характеристига кўра турли типдаги тупроқтарда турличадир (10-жадвал). Чиринди миқдорига кўра тупроқниң тузи, физикавий ва физик-механикавий хоссалари ва унумдорлиги ҳам ҳар хил.

9-жадвал

Гумин кислота таркибидаги минерал мөддалар миқдори (Шмуқ анализи)

Минерал мөддалар миқдори (% ҳисобида)	
SiO ₂	18,21
SO ₃	9,07
P ₂ O ₅	3,30
CaO	26,07
MgO	7,91
Fe ₂ O ₃ +	18,81
+ Al ₂ O ₃	
K ₂ O	1,22
Na ₂ O	7,30

10-жадвал

Территорияси тупроқларидаги чиринди, углерод ва азот запаси (И. И. Болотов маълумотидан қисқартириб олинган) (бир гектар ерниңг 1 м² қалинишидеги тупроқ қатламида бўлган чиринди, углерод ва азот, тонна ҳисобида)

Тупроқ типлари	Чиринди	Углерод	Азот
Подзоль тупроқ	94—104	54—60	6,1—72
Урмон тупроқ	175—296	100—173	19,4—140
Қора тупроқ	312—709	184—411	17,0—26,5
Каштан тупроқ	156—229	90—131	—
Бўз тупроқ	67—128	39—74	8,4—11,8
Қизил тупроқ	282	163	10,5

Тупроқ унумдорлигига чириндиинг аҳамияти ва унинг миқдорини кўпайтириш тадбирлари

Тупроқ пайдо бўлиши ва тупроқ унумдорлигининг ривожланиши ва яхшиланишида чириндиинг аҳамияти катта. Чириди ўсимликлар озиқланиши учун зарур ва биологик аҳамиятга эга бўлган кўплаб озиқ элементлар, айниқса азот ва карбонат ангидриднинг асосий манбаидир.

Тупроқ таркибидаги (Ca, Mg, K, NH₄) сингари элементлар органик қолдиқларининг чириши ва гумификация маҳсулоти ҳисобланган чириндиинг минералланиши таъсирида янги шаклга, яъни ўсимликка осон сингадиган бириқмага айлашади. Булардан ташқари, чиринди тупроқнинг физикавий, физик-механикавий, химиявий ва биохимиявий хоссаларининг яхшиланишига олиб келади ҳамда тупроқ унумдорлигиди оширади. Тупроқда чиринди қанча кўп бўлса, тупроқнинг иссиқлик, сув ва ҳаво режими яхшиланади, шунингдек тупроқнинг силгидириш қобилияти кучайиб кислотавий ва ишқорий реакцияга қарши буферлик хоссаси ортади.

Тупроқнинг энг яхши донадор ҳолати ҳам чирияди таъсирида вужудга келади. Ишлаш учун оғир механикавий таркибли тупроқларнинг устки ҳайдалма қатламида чиринди туфайли тупроқнинг иш қуролларига кўрсатадиган қаршилиги ва ёпишқоқлиги ҳам камаиди.

Шунинг учун ҳамма тупроқларда, айниқса оз чиривдили бўз тупроқлар, хусусан тақириларда органик моддалар миқдорини кўпайтириш ва чиринди пайдо бўлиш процессини кучайтириш мақсадида илгор совет агрономия фанининг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқилган агрокомплекс тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда ерни етилтириб яхшилаб ишлаш, алмашлаб экишини тўғри жорий этиш, ерга мунтазам равишда органик ўғитлар солиб туриш, қуруқ иқлимли зоналарда ерни сугориш ва ботқоқ ерларда эса уни қуритиш, шунингдек ишқорий реакцияни тупроқларга гипс, кислотали ерларга оҳак солиш каби агротехникавий ва агромелиоратив тадбирларни ўз вақтида спофатли ўтказиш жуда муҳим чоралардан ҳисобланади. Юқорида тавсия этилган агрокомплекс тадбирларни амалга оширишда тупроқ зоналарининг табиий шароитларини ва ҳар бир хўжаликнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

VII б о б

ТУПРОҚ КОЛЛОИДЛАРИ ВА ТУПРОҚНИНГ СИНГДИРИШ ҚОБИЛИЯТИ

✓ Тупроқнинг органик ва механикавий тарқибини ўрганишда тупроқ коллоидлари дейилладиган жуда майдай ($> 0,0001 \text{ mm}$) ва нозик зарраларга катта эътибор бериш керак, чунки тупроқ тар-

кибидаги бу майда коллоид заррачалар ундаги физикавий, химиявий ва биохимиявий процессларда айниңса озиқ моддаларнинг синтетик қолишида муҳим роль йўнайди.

Тупроқнинг сингдириш қобилияти узоқ ўтмишдан ҳам кишиларга маълум эди, чунончи улар шўр сувни истеъмол қилишдан олдин уни тупроқ орқали сузуб ўтказганлар ва шўрни йўқотганлар; дехқонлар қумлоқ ва оғир соғ тупроқли ерларга солинган органик ўғитнинг таъсир даражаси бир хил эмаслигига ҳам эътибор берганлар. Чунки бу тупроқларнинг сингдириш қобилияти турличадир.

Тупроқнинг сингдириш қобилиятини ўрганиш соҳасидаги дастлабки илмий текширишлар XIX аср ўрталарида бошланади. Д. Т. Уэй, Т. Грэм, Вая-Беммелен ва П. А. Костичевларнинг ана шу масалага доир олиб борган тадқиқот ишлари кейинчалик К. К. Гедройц текширишлари асосида мукаммалаштирилиб, тупроқдаги сингдириш қобилиятининг ҳақиқий моҳияти, етарли даражада очиб берилди.

Академик К. К. Гедройцнинг таърифича, тупроқнинг эритмадаги бирикмаларни, шунингдек, турли бугларни, газларни, суспензияларни ва микроорганизмларни ушлаб қолишига тупроқнинг сингдириш қобилияти дейилади. Тупроқнинг бу қобилияти дехқончиликда жуда катта ҳамиятга эга бўлиб сингдириш натижасида ўсимлик ҳаёти учун зарур бўлган азот, фосфор, калий сингари озиқ элементлар тупроқда вақтинча ушланиб қолинади; бу эса ўсимликлар озиқланиш режимининг ва тупроқ унумдорлигининг яхшиланишига сабаб бўлади.

Сингдириш тупроқ таркибидаги майда зарралар, жумладан коллоидлар миқдорига кўпроқ бөрглиқдир. Шунинг учун тупроқдаги сингдириш қобилиятининг моҳиятини ўрганишдан олдин коллоидлар ҳақида маълумотлар бериб ўтамиш.

Тупроқ коллоидларининг келиб чиқиши, таркиби, тузилиши ва хоссалари


Тупроқ пайдо бўлиш процессига таъсир этадига турли факторлар патижасида унинг таркибидаги турли минераллар, төржинслари ва органик қолдигуларнинг тўхтовсиз майдаланиш ва парчаланиши юзага келади ҳамда тупроқ таркибидаги майда зарралар аралашмаси, яъни дисперс система ҳосил бўлади. Ана шу системадаги диаметри 0,2—0,001 микрон атрофида бўлган заррачаларга тупроқ коллоиди дейилади.

Тупроқ коллоидлари келиб чиқишига кўра, ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бошқа коллоид системалар учун характерли ҳисобланган хоссалардан фарқ қиласди. Тупроқ коллоидларининг келиб чиқиши ҳақидаги масалали Фарбий Европа олимлари тўғри ҳал эта олмадилар. К. К. Гедройц тупроқдаги коллоидларнинг пайдо бўлиш процессини тўғри ва илмий асосда ҳал этган олим-

лардан биридир. К. К. Гедройцнинг кўрсатишicha тупроқ коллоидлари турли минерал жисмларнинг физикаий ва химиявий нураш процесси ғатижасида ва шунингдек, оддий коллоид зарраларининг бирикиши туфайли пайдо бўлади. Демак, тупроқ коллоидларининг пайдо бўлишида жисмларнинг майдаланишидан ташқари, турли майда зарраларнинг ўзаро қайта бирикиш процесси ҳам катта аҳамиятга моликдир.

Тупроқ коллоидлари химиявий таркибига кўра минерал, органик ва органо-минерал каби уч группаларга бўлинади. Минерал коллоидлар нозик дисперс ҳолидаги кварц, слюда сингари бирламчи минераллар, кристалл ҳолатдаги (каолинит, гидрослюда, монтмориллонит сингари иккиласмичи минераллар) ва аморф ҳолидаги иккиласмичи минераллар (темир, алюминий, кремний гидрат оксидлари)дан иборат бўлади. Органик коллоидлар ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг чириши, яъни гумификация процесси ғатижасида пайдо бўлган ҳар хил органик кислота — гумий кислоталари, фульвокислоталар ва уларнинг тузаларидан, органо-минерал коллоидлар эса минерал ва чиринди моддаларнинг ўзаро бирикиши ғатижасида ҳосил бўлган бирикмалардан иборатdir.

Коллоид заррача мицелла ўзига ҳос тузилишда бўлади (5-расм). Коллоид мицелланинг негизи ҳисобланган ядроси аморф ёки кристалл ҳолатда бўлиб, ядронинг сиртида ионларга парчаланиш (диссоциация) хусусиятига эга бўлган молекула қобиги, яъни ионоген қатлами жойлашган. Диссоциация пайтида вужудга келган ионлар мусбат ва манфиј зарядли бўлганилиги сабабли қўшалоқ электрик қатлам ҳосил бўлади. Химиявий таркиби ядроға ўхшаш бўлган ионлар одатда ядроға яқинроқ, бошқалари эса ядродан узоқроқда жойлашшиб, ғатижада ҳаракатсиз ички қатлам ва ҳаракатчан бўлган сиртқи диффузив қатлами ҳосил бўлади.



5-расм. Коллоид мицелласининг тузаш схемаси.

Ядро потенциал чегараловчи қатлам билан бирга гранула дейилади. Гранула (майда доначалар) га құяғалмайдыган ҳолда бириккани компенсацияланадыган ионларга зарра дейилади. Ядро, гранула ва зарралар диффузив қатлами биргалиқда мицелла дейилади. Мицелла атрофидаги суюқлик интрамицелляр (ташқи) эритма деб аталади.

Коллоидлардаги зарядлар миқдори электрокинетик потенциал ёки дзета потенциалга пропорционал (мутавосиб) бўлиб, зарралар ва гранулаларнинг зарядлари орасидаги тафовутга боғлиқдир. Тупроқ коллоидларининг электрокинетик потенциали 20 милливольтдан 60 милливольтгача бўлади. Электрокинетик потенциалнинг турличи бўлиши коллоидларининг таркибига, тупроқ эритмасидаги тузларнинг таркиби ва концентрациясига боғлиқдир. Коллоид зарраларнинг заряди одатда ядро сиртидаги молекулалар бир қисмининг диссоциацияси ёки ташқи муҳитдаги кристалл зарралар ионининг адсорбцияси натижасида вужудга келади.

Тупроқ коллоидларининг кўпчилиги манфий зарядли (ацидоид), озчилиги эса мусбат зарядли (базоид) бўлади. Силикат кислота, чиривиди кислоталари ва гилли минералларнинг коллоидлари манфий зарядли бўлиб, темир ва алюминий гидратларнинг оксидлари эса мусбат зарядли коллоидлардир.

Муҳит реакциясининг ўзгариши туфайли заряд алмашниувчи коллоидлар амфолитоид дейилади. Коллоид зарралар қозоз фільтрдан ўтиб кетса ҳам ўсимлик ва ҳайвон организми пардаларидан ўтолмайди, чунки улар диффузия қобилиятига эга эмас.

Электр заридига эга бўлган коллоидлар эритмадаги сув билан актив муносабатда бўлиб гидратланади. Буяинг натижасида коллоид сиртида сув пардаси ҳосил бўлади ва унив қалинлиги ҳамма коллоидларда бир хил бўлмай, балки коллоидларнинг тури, табиати ва зарядлар миқдорига кўра ҳар хилдир.

Қалин сув пардасига ўралган коллоидларга гидрофиль коллоид ва яхши гидратланмаган коллоидларга гидрофоб коллоидлар дейилади. Силикат кислота, чиривиди кислоталари ва оқсилларнинг коллоидлари гидрофиль бўлиб, темир гидрати оксиди ва каолинит групласидаги минераллар коллоидлари гидрофобдир.

Барча коллоид зарра, жумладан, тупроқ коллоидлари икки ҳолатда, яъни золь ва гель ҳолида бўлиши мумкин. Золь ҳолидаги коллоид суюқ муҳитда эриган ва тарқоқ ҳолатда бўлиб, бир хил зарядли бўлганилигидан тўхтовсиз ҳаракат қиласиди. Гель ҳолидаги коллоид, аксинча ҳар хил зарядли бир печа коллоид зарралар йигиндисидан иборат ёпициқоқ қўйقا ҳолида бўлиб, суюқ муҳитда осонлик билан чўқади. Золь ҳолидаги коллоидларнинг бир-бирига ёпишиб, тўпланиб чўкма ҳосил қилиши, яъни гель пайдо бўлиши коагуляция, аксинча, гель ҳолидаги коллоидларнинг яна қайта тарқалиб золь ҳосил бўлишига пептизация процесси дейилади.

Коллоидлар коагуляцияси асосан, коллоидлар билан электролитлар, яъни тупроқнинг суюқ қисмидағи түз, кислота ва ишқорларнинг ўзаро таъсири натижасида вужудга келади. Бу процесстинг моҳияти шундан иборатки, сувда эриган тузлар, ишқорлар кислоталар жибі электролитлар (CaCl_2 , NaOH ва бошқалар) диссоциация қонунига мувоғиқ ионларга парчаланади. Ажралган бу ионлар ўзига хос мусбат электр заряды, катионлар (Ca^{++} , Na^+ ж.б.) ва манфий зарядлы анионлар (Cl^- , OH^- ва бошқалар) олида бўлади. Диссоциация натижасида вужудга келган мусбат иккита манфий зарядлы ионлар туфайли қарама-қарши электр заряди коллоид зарра нейтралланади ва бошқа коллоид мицелла томонидан тортиб олинади. Бу ҳодисага кўпинча мусбат зарядлы ионлар (Ca^{++} , Mg^{++} , H^+ ва бошқалар) сабаб бўлади, чунки упроқ коллоидларининг кўпчилиги манфий зарядлы ацидоид мицелладир. Бинобарин, тупроқдаги коагуляция процесси асосан, катионларнинг таъсир этиши натижасида вужудга келади.

Сувли муҳитда эриган тузлар, кислоталар ва ишқорларнинг коагуляция процессида қатнашиши электролитларнинг валентлигига жа коллоидларнинг турига ҳамда тупроқнинг минерал ва механик таркибиға боғлиқ. Бунда минерал коллоидлар органик коллоидларга иисбатан реакцияга тезроқ киришади, шунингдек бирвалентли катионлар (Na^+ , K^+) га қараганда иккиси ва уч валентли катионлар (Ca^{++} , Mg^{++} , Fe^{+++}) активроқ иштирок этади. Коллоидлар коагуляцияси электролитларнинг эритмада маълум даражадаги концентрация ҳосил бўлгандагина уларга таъсир этади.

Катионларнинг коагуляцияда қатнашиши шу муҳитда водойод (I_2) ва гидроксил (OH^-) ионларининг бўлишига ҳам боғлиқ. Жажрибалардан катионларнинг коагуляциялаш таъсири эритмада ёзгина водород бўлганда ҳам кучайиши, гидроксил бўлганда эса, иксинча, сусайишни кўрсатади.

Коллоидлар коагуляцияси қайтар ва қайтмас бўлади. Бир валентли катионлар (Na^+ , K^+ , H^+) таъсирида вужудга келган гель сооплик билан яна золга ўтади ва бунга қайтар коагуляция деёилади. Иккиси ва кўп валентли (Ca^{++} , Mg^{++} , Fe^{+++}) катионлар таъсирида пайдо бўлган гель эса жуда қийинилик билан яна қайта золга ўтади ёки мутлақо ўтмайди. Бунга қайтмас коагуляция таъйилади. Коллоиднинг гидратланиши ҳам бу жараёнга таъсир қиласиди.

Одатда гидрофиль коллоидлар коагуляцияси натижасида вужудга келган гель сооплик билан золга ўтади.

Мусбат зарядлы коллоидлар коагуляциясида катионлар эмас, ионлар қатнашади. Аммо тупроқ коллоидларининг кўпчилиги манфий зарядлы мицеллаларни иборат бўлганидан бу хил коагуляция сам учрайди.

Коллоидлар коагуляцияси электролитлар таъсирисиз ҳам бўлиши мумкин. Тупроқ қатламларида тўпланадиган манфий зарядлы органик ёки минерал моддалар мусбат зарядлы коллоидлар билан

аралашып қолганда, уларнинг ўзаро таъсири туфайли электролит-сиз коагуляция вужудга келади. Ана шундай коагуляция иллювиал горизонт ҳосил қиласидиган подзол ва шўртоб тупроқларда кўп учрайди.

Нейтрал ёки унга яқин реакцияли тупроқлар (қора тупроқ, кашташ ва бўз тўпроқ)даги ёпишқоқ қуйқа ҳолидаги гель таъсирида майда зарраларнинг бир-бiri билан бирикнишидан тупроқ майда доналари, яъни микроструктура пайдо бўлади. Бу микроструктура элементлари ўз навбатида бир қанча табиий факторлар таъсирида донадор структурага айланади ва ниҳоят тупроқнинг физикавий ҳоли яхшиланади. Шунинг учун ҳам коагуляция жараёни агрономия шуктани назаридан ижобий процесс ҳисобланади.

Тупроқнинг сингдириш қобилияти ва сингдириши турлари

Тупроқ қатламидан ўтаётган сувда эриган ва эримаган моддалар, турли газлар ва микроорганизмларнинг тупроқда ушланиб, сингиб қолиши, яъни тупроқнинг сингдириш қобилияти жуда мураккаб ҳодисадир. Бунда химиявий, физик-химиявий ва биологик процесслар юз беради.

Академик К. К. Гедройц тупроқнинг ҳар хил моддаларни ушлаб қолиши, сингдириши ва бунда кечадиган процессларни эътиборга олиб, тупроқнинг сингдириш қобилиятини беш турга — механикавий, физикавий, физик-химиявий, химиявий ва биологик сингдиришларига бўлди.

Механикавий сингдириши. Тупроқ қатлами орқали юқоридан пастга ҳаракат этажтган ёғин ва сугориш сувларидағи лойқа ҳолидаги зарраларнинг шу қатламлар орасида механик равишда ушланиб қолишига механикавий сингдириш дейилади. Бу ҳолда тупроқ лойқа сувни сузгичи (фильтри) бўлиб хизмат қиласади.

Бу ҳилдаги сингдириш тупроқнинг механикавий таркиби, структураси, қатламнинг зичлиги ва ғоваклигига боғлиқдир. Соз ва қумоқ тупроқлар ғовак қовушмали қумлоқ тупроқларга нисбатан сувдаги лойқани яхшироқ ва кўпроқ сузинб ушлаб қолади.

Тупроқнинг механикавий сингдириш қобилияти барча тупроқларда, айниқса сернам ва сугориладиган зоналарда ҳар хил моддаларнинг ҳамда микроорганизмларнинг тупроқларда тақсимлашишида катта роль ўйнайди. Подзол ва шўртоб тупроқлардаги иллювиал горизонтининг пайдо бўлиши механикавий сингдириш процессига боғлиқ. Қумли ва тошлоқ тупроқли ерларга лойқа чўқтириш (кольмотаж) усули ана шу сингдиришига асосланган. Ўрта Осиё жумладан Ўзбекистон территориясидаги тог этаклари ва адирлардаги тошлоқларни ўзлаштиришда тажрибакор — билимдоп дехқонлар тупроқнинг механикавий сингдириш қобилиятидан фойдаланганлар. Улар бир неча йиллар давомида тошлоқ ерларга лойқа чўқтириш йўли билан у жойларда экин экиш учун яроқли

унумдор тақири тупроқларни вұжуда көлтирганлар. Ҳозирги вақтда ҳам сингдиришпенг бу турида қишлоқ хұжалигіда ва бошқа тармоқларда кеңгір фойдаланғанлар. Демек, тупроқнинг механикалық сингдириш қобилияты ҳам үзігінде амалданып жатыра.

Физикалық сингдириш (аполяр адсорбция). Бу хил сингдириш пайтида тупроқ майданда зарраларивинг юза энергиясы тәсірида, уларнинг сиртида түрли газлар, бұглар, микроорганизмлар ва сувда әріган моддалар ушланиб қолинади. Тупроқ коллоидлари ва уннан қаттық қисметтердегі қатламдар күрүк бүлгенинде тупроқ ұласидаги газларни, наам бүлганида әса, сув да үннан қаттада молекулалардың қолида сингдиради.



Физикалық сингдириш мөндері тупроқнинг дисперсия (зарраларнинг майдалық) даражасына, чиринді миқдорига, минералогикалық да жағдайлардың мөндеріне және таркииға боялған Физикалық сингдириш серчиринді, соң да оғыр құмдық таркии тупроқларда озғандағы еңгил тупроқтарға иессебеттің яхшироқ боради. Тупроқ таркиида темир да алюминий оксидлары ҳамда монтмориллонит групласидаги минералларнинг күйгіншілік нәтижасыда ҳам тупроқнинг физикалық сингдириш қобилияты күчталади.

Әритмадағы моддаларни коллоид зарралар томонидан молекула қолда сингдириб қолиниши әкінларнинг қаёти да озиқланишида ажамияты күттеді. Бу хилдегі сингдириш нәтижасыда озиқ моддалар тез өзүлиб кетишінде сақланади да тупроқ әритмасындағы концентрациясының яхшилайды. Бирок тупроқ әритмасидаги баъзы моддаларни коллоид зарралар мутлақо сингдиримайды еки жуда оз сингдиради. Бу хилдегі салбай қодиса айниқса, нитратларда қос бүлгелік сабаблар азотлы минерал үгітларнан әкин әкіш олдидан еки үсүв даврида бир неча марта бүлиб-бүлиб солиши тавсия этилади.


Булардан ташқары, бактерияларнинг ҳам сингдирилиши микробиологиялық процесстарнан яхшиланишига ижобий тәсір этиши билан бир қаторда, ҳар хил зарарлы микробларнан тупроқда ушланаған қолишиңа ҳам сабаб бўлади.

Физик-химиялық сингдириш. Тупроқ әритмасидаги түрли хил тузлар, ишиқорлар да кислоталар сувли мұхитта диссоциация қонунаға мувофиқ, катион да анионларга парчаланади. Бу процесс нәтижасыда бир-биридан ажралған ионлар үзігінде электр зарядына эга бўлади. Масалац, NH_4NO_3 , CaSO_4 да HCl сингарилар молекуласицинде парчаланышидан NH_4^+ , Ca^{++} , H^+ катионлари да NO_3^- , SO_4^{--} , Cl^- анионлари ажралади. Күпчиллик тупроқ коллоидлари манфий зарядли бўлади да улар билан тупроқ коллоидлари орасидаги үзаро тәсір нәтижасыда катионлар тупроқ коллоидларынан өткізу мүмкін. Коллоидлар өткізу әритмадан ионларнинг (күпинча катионларнинг) сингиши да улар үрнегінде коллоид зарралардан эквивалент миқдорида ионларнинг ажралып чиқып процесси физик-химиялық сингдириш еки ўрин алмашиш адсорбциясы дейилади.

Масалан, тупроқ коллоидлари юзасидаги сингдирилған кальций катиони билан әртмадаги NH_4NO_3 ва KCl түзларининг ўзаро таъсир этиш процесси қуйидаги реакция асосида кечади:



Бу хилдаги физик-химиявий сингдириш процесси қайтар реакция асосида кечади, чунки тупроқда сингдирилған ҳар қандай катион маълум шароитда яна әртмага ўтади. Бу тарзда ўрин алмашиш адсорбциясини қуйидагича ёзиш мумкин:



Физик-химиявий сингдириш туфайли катионлар коллоидлар юзасида ушланиб турса-да, улар ажралиб чиқиб, тупроқ әртмадаги моддалар билан реакцияга киришади. Шунинг учун физик-химиявий сингдириш ўрин алмашиш адсорбцияси ҳам дейилади.


Тупроқнинг физик-химиявий сингдириш қобилияти ўсимликлар ҳаётида ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Физик-химиявий сингдириш натижасида муҳим озиқ элементлар тупроқда ушланиб қолади ва пастки қатламга ювилиб кетишдан сақланади шунингдек, тупроқ әртмасининг концентрацияси ҳамда реакцияси яхшилашиб, мўътадил ҳолга ўтади. Бу турдаги сингдириш тупроқнинг химиявий мелиорациялари ишида ҳам зарур аҳамиятга эга.

Подзок тупроқларининг кислотали реакциясини ва шўртбларнинг ишқорий ҳолатини яхшилашда қўлланиладиган оҳак ва гипс солиши сингари химиявий мелиорация тадбирлари тупроқнинг физик-химиявий сингдириш қобилиятига асосланган. Физик-химиявий сингдириш вақтида золь ҳолидаги коллоидларнинг гелга ўтиши сабабли тупроқда микроструктура ҳам пайдо бўлади.

Химиявий сингдириш. Бу турдаги сингдириш туфайли әртмадаги моддалар билан тупроқдаги ҳар хил бирималар орасидаги ўзаро химиявий реакция натижасида сувда жуда қийинлик билан эрийдиган ёки деярли әримайдиган моддалар ҳосил бўлади ва бу бирималар қатламлар орасида ушланиб қолади. Шунинг учун ҳам тупроқдаги шу хилдаги ҳодисани химиявий сингдириш дейилади. Масалан, таркибида оҳак (CaCO_3), гипс ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) сингари кальцийли тузлар бўлгаган тупроқларга сувда осон эрийдиган натрий фосфат (Na_3PO_4) солинганда, қуйидагича реакция натижасида сувда қийин эрийдиган кальций фосфат [$\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$] биримаси ҳосил бўлади. $3\text{CaSO}_4 + 2\text{Na}_3\text{PO}_4 = \text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2 + 3\text{Na}_2\text{SO}_4$

Химиявий сингдириш процесси натижасида SO_4^{2-} , CO^{2-} , PO^{3-} сингари анионлар ва Ca^{++} , Mg^{++} , F^{++} каби катионлар тупроққа сингиб қолади. Аммо тупроқ әритмасидаги минерал моддаларнинг ҳаммаси ҳам химиявий сингдириш туфайли тупроққа сингиб қола бермайды. Масалан, нитратлар [$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$, NaNO_3 ва бошқалар] сувда осон әрийдиган тузлар бўлганиллигидан улар тупроқда сингиб қолмайди. Демак, химиявий сингдиришишнинг юзага келишида турли тузларнинг әриш даражаси катта аҳамиятга эга.

Химиявий сингдиришишнинг ҳам дәжончилликда ўзига хос аҳамияти бор. Бу процесс туфайли фосфор биримаси тупроқнинг устки қатламидан тез ювилиб кетмай, узоқ вақт сақланади. Бироқ бўз тупроқлар сингари карбонатли тупроқларга солинган фосфорли ўғитларнинг, масалан, суперфосфатнинг бир қисми қўйидаги реакция асосида тупроққа сингиб, қийин әрийдиган ҳолга ўтиб қолади ва ўғитнинг фойдаси камаяди:



Кислотали тупроқлар (подзол, чимли-подзоллар, қизил тупроқлар)да темир ва алюминий гидроксидлари қўп бўлганиллиги сабабли фосфат иони будар билан реакцияга киришади ва қийин әрийдиган темир ва алюминий фосфатлари вужудга келади ва химиявий равишда сингдирилади.

Буни қўйидаги реакция асосида кўрсатиш мумкин:



Биологик сингдириши. Тупроқдаги турли микроорганизмлар, яшил ўсимликлар ва ҳайвонот организмларининг ҳаёти туфайли ҳар хил озиқ моддаларнинг тупроқ қатламларида ушланиб қолинишига биологик сингдириш дейилади. Бу процесс озиқ моддаларнинг, айниқса азотининг ювилиб кетишидан сақлаб, уларнинг тупроқда тўпланишида катта аҳамиятга эга! Масъумки, тупроқда яшайдиган жуда қўп сонли микроорганизмлар ва ўсимликлар турли озиқ моддаларни ўз организмларига сингдириб, уни узоқ вақтгача сақлайди, натижада бу сингдирилган моддалар ёгин-сочин ва экин сугориш сувлари таъсирида ювилиб кетмайди. Организмлар ҳаёти тутаб, уларнинг қолдиқлари гумификация процессида чириб, сўнгра минераллашгандан кейин сингдирилган моддалар ажralиб тупроқда тўпланади. Биологик сингдиришда ўсимликлар аллоҳида роль ўйнайди. Ўсимликларнинг илдизлари озиқ моддаларни сингдириб олиши натижасида тупроқнинг устки актив қатламида маълум миқдорда органик қолдиқлар тўпланади.

Биологик сингдириш жараёнида ўсимлик илдизлари, шунингдек микроорганизмлар әритмадаги ионлар билан бир қаторда тупроқнинг қаттиқ қисмидаги моддаларни ҳам сингдириши мумкин. Айрим микроорганизмлар тупроқнинг ҳавоси таркибида бўлган азотни ҳам ўзига сингдириб олиб, мураккаб таркибли оқсилилар ҳосил

лик бу хилдаги элементлардан бевосита фойдалана олмайды деб тушунтирилган бўлса, академик К. К. Гедройцнинг кўплаб текширишлари асосида сингдирилган катионларнинг ўсимлика бевосита ўта олиши мумкин эканлиги аниқланди.

Газ ва бугларниң тупроққа сингдирилиши

Тупроқда турли моддаларнинг молекула ҳамда катион ва анионлари сингдирилгани сингари, тупроқ ҳавосидаги газ ва буглар ҳам тупроққа сингдирилади. Тупроқ ҳавосидаги водород, азот, кислород ва карбонат ангидриди сингарилар қуруқ тупроқларнинг коллоид заррачалари юзасига адсорбцияланади. Физикавий сингдириш қонунига асосан газлар қўйидаги тартибда олдинма-кетин сингдирилади: кислород < водород < азот < карбонат ангидриди.

Тупроқ қатлами ковакларидағи аммиак қуюқлашиб, буғ ҳолига ўтгандан кейин тупроқда бошқа газларга иисбатап тезроқ сингади.

Газ ва буғ молекулаларнинг тупроқ коллоидлари юзасига адсорбцияланиши, аввал қараб чиқилган (баён этилган) физикавий сингдириш қонуни асосида юзага келади. Тупроқда газ ва бугларниң сингдирилиши турли химиявий ва биохимиявий процессларнинг кечишида муҳим роль ўйлаб, тупроқ упумдорлигига ўзига хос аҳамиятга әгадир.

VIII боб ТУПРОҚ СТРУКТУРАСИ

Тупроқнинг механикавий таркибидаги майда минерал зарражаларнинг турли факторлар таъсирида, айниқса чиринди ва кальций карбонат бирикмаси таъсирида бир-бирига ёпишиб, донадор ҳолатта ўтиши ватижасида структура элементи ёки агрегати дейилдиган доначалар пайдо бўлади. Шакли ва катта-кичиклиги (ўлчами) турлича бўлган бу агрегатларнинг тўпланишидан эса тупроқ структураси вужудга келади. Ава шундай донадор ҳолатдаги тупроққа структуралли тупроқ, донадор бўлмаганига эса структурасиз тупроқ дейилади. Донадорлиги туфайли тупроқнинг сочилиб турни қобилиятига тупроқнинг структуралли ҳолати дейилади.

Структура тупроқнинг муҳим агрономик хоссаларидан бири бўлиб, тупроқнинг бир қанча физик-механикавий хоссаларини ва сув-ҳаво, иссиқлик, озиқ режимларининг яхшилашишига ҳамда микробиологик процессларнинг ривожланишига ижобий таъсир этади. Структуралли тупроқларда структурасиз тупроққа иисбатан ўсимликлар учун шароит яхши бўлганилигидан экинлардан мўл ҳосил олиш имконияти каттадир.

Тупроқдаги агрегатларнинг катта-кичиклигига кўра структуралли тупроқлар маクロструктуралли ва микроструктуралли группа-

ларга бўлинади. Макроструктурали тупроқлардаги агрегатлар катта-кичилти (ўлчами) 10—0,25 мм атрофида, микроструктурали тупроқдаги агрегатларниги эса 0,25 мм дан кичикдир.

Деҳқончилик қилинмай, табии ҳолати сақланиб қолган тупроқларнинг ҳар қайсиси ўзига хос структурага эга бўлиб, бу учинг тузилишини белгилайдиган морфологик кўрсаткичлардан биридир. Масалан, қора тупроқларнинг устки А қатлами донадор структурали, шўртобларнинг В қатлами призмасимон ва бўз тупроқларнинг устки қатлами тангачасимон ёки майдада кесакча (увоқ) ли — структурали бўлиши билан характерланади. Деҳқончилик қилиб келинаётган ерлардаги тупроқларнинг ҳайдалма қатламида ҳажми 10—1 мм бўлган агрегатларнинг тўпланиши уларнинг энг яхши структурали ҳолатда эканлигини кўрсатади.

С. А. Захаров структура бўлакчалари (агрегатлар)нинг геометрик шакли, характеристири ва катта-кичилти (ўлчами)ни эътиборга олиб, уларни тин, тур ва хилларга ажратиш асосида маҳсус классификация ишлаб чиқди (III бобга қаралсив).

Тупроқ структураси пайдо бўлишининг назарий асосларини мукаммал ишлаб чиқиш ва структураси тупроқ агрономик хоссалари, айниқса унумдорлилардаги аҳамиятини ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиш соҳасида совет ва чет эл олимларидан, В. Р. Вильямс, Е. Вольни, К. К. Гедройц, А. Г. Дояренко, И. Н. Антипов-Каратеев, Н. А. Качинский, Н. И. Саввинов, А. Ф. Тюлин, Д. В. Хан, И. Б. Ревут, Э. Рассел ва бошқаларнинг тадқиқот ва таълимотлари катта аҳамиятга эгадир.

Тупроқ структурасининг пайдо бўлиши

Тупроқдаги майдада заррачалар ўзаро биришиб, ёпишиши ёки минерал ва органик коллоидлар таъсирида уларнинг бирикиши натижасида дастлаб микроструктура (микроагрегат) пайдо бўлади. Шунингдек, тупроқ коллоидларнинг ўзаро муносабати ва электролитлар таъсирида юзага келадиган коагуляция пайтида ҳам микроагрегатлар вужудга келади. Демак, микроагрегатнинг пайдо бўлиши учун тупроқда турли лойка, заррачалари органик ва минерал коллоидлар ҳамда кўп валентли коагулаторлар етарли миқдорда бўлиши керак. Тупроқда пайдо бўлган бу микроагрегатлар кейинчалик ўзаро қўшилишиб, ҳар хил катталикдаги макроагрегатларни вужудга келтиради. Агрегатлар пайдо бўлиши тупроқ она жинси вужудга келиши пайтиданоқ бошләшиб, сўнгра тупроқ пайдо бўлиш процессининг бориши хусусиятларига кўра кейинчалик турли шакл ва катта-кичилтидаги структура элементлари пайдо бўлади.

Тупроқ структураси вужудга келишида, айниқса чириндининг аҳамияти катта. Янги пайдо бўлган коллоид ҳолдаги чириниди таъсирида энг яхши сифатли ва сувга чидамли агрегатлар юзага келади. Шунинг учун ҳам серчириниди қора тупроқлар ва тўқ тусли ўтлоқи тупроқларнинг устки қатламида мустаҳкам бириккан дона-

дор структура элементлари бошқа тупроқларга нисбатан күп бўлади.

~~Тупроқ структурасининг пайдо бўлишида кўп йиллик ғалласимон ва дуккакли ўсимликларнинг айниқса аҳамияти жуда катта~~. Бу ўсимликлардан тупроқда кўп миқдорда органик қолдиқлар тўпланиб, чириндига айланади ва улар кўп валентли катионлар таъсирида механикавий зарраларни бир-бирига маҳкам ёпиштиради ҳамда сувга чидамли бўлган агрегатлар пайдо қиласади. Бундан ташқари юқорида айтилган ўсимликларнинг кўп миқдордаги илдизлари таъсирида турли зарралар ва микроагрегатлар ўз жойидан қўзғалиб ва зичланиб яхши сифатли структура доначалари вужудга келади. Илдизлари қуриб чиригач, ўрни бўш қолиб, тупроқнинг умумий коваклигини оширади. Кейин экилган ўсимликларнинг илдизи бу коваклар орасида осонлик билан ҳаракат этади. Демак, ўсимликларнинг ўсиши туфайли пайдо бўлган структура доначалари илдизлар чириб кетгаанди кейин ҳам ўз шаклини сақлаб қолади. Натижада кўп йиллик ўтлар таъсирида пайдо бўлган агрегатлар яхши бириккан ва чидамли бўлади.

Кўп йиллик ўсимликларнинг энг муҳим хусусияти шундап иборатки, уларнинг узун ўқ илдизлари тупроқнинг анча чуқур қатламига етиб боради ва бу ҳол органик моддаларнинг кўпроқ тўпланишида ҳамда структурасининг яхшиланишида, айниқса катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон шароитида энг яхши структура ҳосил қиласадиган ана шундай дуккакли ўсимликлардан бири беда эквалиги кўп йиллик текширишларда обдон исботланган.

Структурасининг пайдо бўлишида тупроқдаги кўплаб жониворлар, жумладанчувалчангларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Чувалчанглар тупроқ зарраларини ўз организмлари орқали ўтказиб — бир-бирига ёништириб, возик тешикчали мустаҳкам, донадор агрегатлар пайдо қиласади. Бу структура доначаларда ўсимликлар учун осон, яхши сингадиган озиқ моддалар ҳам кўп бўлади. Структура элементларини пайдо бўлишидачувалчангларнинг хизмати эътиборга сазовордир.

Масалан, Ч. Дарвии ҳисобига кўра, бир гектар ердаги тупроқ қатламларида яшаётган 70000 чувалчанг (бу тақрибий сон) бир йилда 38 тоннага яқин тупроқни ўз организмлари орқали ўтказади ва майда донадор ҳолатга айлантиради. Шунингдек, структура вужудга келишида чумоли, термит ва бошқа ҳашаротлар, шунингдек баъзи ер қазувчи, кемирувчи жониворлар ҳам иштирок этади.

Яхши сифатли ва чидамли агрегатларнинг пайдо бўлишида қатлам орасига ҳаво кириб туришп (аэрация) шароити ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Аэроп шароитда кечадиган микробиологик процесслар натижасида тупроқдаги органик қолдиқлар тез чириб, унда ҳосил бўлган чириниди таркибида бошқа органик кислоталарга нисбатан гумип кислотаси кўп тўпланиади. Шунингдек, аэроп шароитда ҳосил бўлган микроб плазмалари ёки урапат кислота таъ-

сағирида содир бүлгән бактерия автолизи туфайли сувга чидамлы агрегатлар пайдо бўлади.

Тупроқ намлиги ва ерни ўз вақтида тобига етилтириб шудгор қилиш ва ишлаш (бороналаш, культивация, эгат олиш ва бошқалар) сингари механикавий тадбирлар ҳам тупроқ структурасининг пайдо бўлишига таъсири этадиган факторлардан ҳисобланади. Лекин бу факторларга нисбатан биологик факторларнинг аҳамияти кўпроқдир.

Тупроқ структурасининг бузилиши

Тупроқ структурасининг бузилиши, яъни тупроқ устки қатламларининг структурасизлапиши турли механикавий кучлар физик-химиявий ва биологик процесслар таъсирида рўй беради. Деҳ-қончилик қилинадиган ерларда тупроқ структурасининг бузилишига от-ара, автомашина ва турли қишлоқ хўжалик машиналарининг далада салт қатнаши, беҳуда ҳаракат этиши сингари механикавий ҳодисалар, шунингдек, дўл ва йирик ҳолдаги ёгин томчилари ҳам агрегатларнинг маълум даражада механикавий бузвилишига сабаб бўлади.

Сернам ёки нами қочиб, тобидан ўтиб кетган тупроқни шудгорлаш, ҳайдалган ерни ҳадеб молалай бериш, етилмаган ерларни бороналаш ва культивация қилиш тупроқ структураси бузилишини тезлаштиради. Шунинг учун ерни ишлаш вақтида агротехникавий тадбирларни тўғри қўлланишта эътибор бериш лозим.

Шудгор қилинган ва қилинмаган далаларга кузда, хусусан қишиш ва эрта кўкламда чорва подаларини ёйиш ҳам тупроқ структурасининг бузилишига олиб келади.

Атмосфера ёғинлари ва сугориш сувларининг химиявий ва физик-химиявий таъсирида ҳам тупроқ структураси маълум даражада бузилади. Чунки бу сувлар тупроқ таркибидаги бирикмаларни ва тупроққа солинган минерал ўғитларни эритади ҳамда энг яхши коагулатор ҳисобланган кальций катионини сиқиб чиқаради. Ёғинлар таркибидаги ва ерга солинган (NH_4NO_3) ўғити таркибидаги аммоний тупроқдаги карбонатлар билан реакцияга киришиб, аммоний карбонат $[(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3]$ ҳосил қиласи. Аммоний эса тупроқдаги кальций катионини сиқиб чиқаради ва унинг ювилиб кетишига сабабчи бўлади.

Бундан ташқари, тупроқни аммоний сульфат $[(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4]$ сингари физиологик кислотали ва натрий нитрат (NaNO_3) каби физиологик ишқорли минерал ўғитлар билан бир неча йил сурункасига ўғитлаш тупроқ структурасини бузади.

Тупроқдаги чириндипининг минераллапиши сингари биологик процесслар туфайли ҳам тупроқ структураси анча бузилади. Чунки тупроқ механикавий зарраларини бир-бирига маҳкам ёпиштириб турган чиринди микроорганизмлар таъсирида тезлик билав парчаданганда структура ҳам бузилади.

Тупроқ структурасининг қишлоқ хўялигидағи агрономик аҳамияти

Экин майдонлари тупроқларининг структурали ҳолатда бўлиши ана шу ердаги деҳқончилик маданиятиниң даражасини кўрсатади.

Тупроқда ўсимликлар учун сув, ҳаво ва озиқ режимларининг қулай ҳолда бўлиши, шунингдек экин майдонларида қўллашладиган агрокомплекс тадбирларининг яхши ватижка бериши тупроқ структурасига борлиқ. Чунки тупроқда сувга чидамли донадор структуралар қанча кўп бўлса, у шунчалик унумдор бўлади.

Демак, структура тупроқнинг муҳим агрономик хоссаларидан бўлиб, тупроқда ўсимликлар учун қулай ва яхши шароитларининг вужудга келишига ёрдам беради. Структурали тупроқ ғовак қовушмали ва серковак ҳолатда, структурасиз тупроқлар эса жуда зич ҳолда бўлади.

Бу зич қатламларда асосан жуда нозик ва капилляр ковакли бўлади. Структурали тупроқларда капилляр ва нокапилляр ковакларининг нисбати бир-бирига деярли тенг (6-расм).

Структурали тупроқларда уругларининг яхши кўкариши, ўсимлик илдиzlарининг ривожланиши ҳамда ерни ишлаш учун қулай бўлган ғоваклик вужудга келади (7-расм). Структурасиз тупроқлар юзасида ёғиндан ва сугорилгандан кейин одатда қатқалоқ ҳосил бўлади, уругниаг эркин ушиб чиқиши ва нозик илдиzчаларининг ривожланиши учун қулай шароит бўлмайди (8-расм). Емғир, қор сувлари ва ирригация сувлари структурали тупроқларга осон шимилади. Сув структура доначалари орасидан ўтар экан, уларни намлайди ва доначаларининг ҳар бири сувга яхши тўйинади.


Иссиқ, шамолли кунларда фақат тупроқ юзасидаги доначалар қуриб, пастроқдагилари эса намлигини узоқ вақтгача сақлаб туради. Шунинг учун структурали тупроқларда ўсимликлар ҳаёти учун зарур нам миқдори узоқ муддатгача сақланниб турилади. Структурали тупроқ қатламларида ҳаво алмашиниш ҳам яхши бўлади. Структурали тупроқларининг сув, ҳаво ва иссиқлик режими яхши бўлганлигидан микроорганизмлар ҳаёти учун ҳам жуда қулай шароит вужудга келади.

Структурали тупроқларда аэроб билан анаэроб процесслар айни бир вақтда кечади. Ана шувдай тупроқларда фойдали микробиологлик процесслардан ҳисобланган нитрификация яхши ривожланади. Структурали тупроқларга солинган минерал ўғитлар тез ювилиб кетмаганилиги учун уларниң ўсимликларга таъсири ҳам анча юқори ва умуман озиқ режими ҳам қулай бўлади.


Структурали тупроқларга сув яхши шимилгани ва шамолнинг таъсирига чидамли бўлганидан тупроқ юзасининг ювилиб ва шамол билан учирилиб кетиш ҳодисаси, яъни сув ва шамол эрозияси бўлмайди. Структурали тупроқда сув билан ҳаво бир-бирига ҳалал

б-расм. Структуралы тупроқның көваклилігі:


1-кесекчалар иңдеги мөзик капилляр көпшіліктер; 2-кесекчалар иңдеги ўртача зиянкыштар; 3-кесекчалар оралғандығынан көвакшылар; 4-кесекчалар бірлешілген жойдеги капилляр көваклар.



ис.м. Структуралы тупроқ.



ас.м. Структуралы тупроқ.



ермайды, чунки сув доначалар ичидағи капилляр йүллардан ҳа
зат этса, ҳаво агротатлар орасидаги йирик бұшликларда әркін
арапат этади. Структуралы тупроқларда аэрация учун шароит
тарли ва сувиниг қатламлар орасыда шимилиши осон бұлғавидан
гмосферадан туынған ёғынларининг таҳминан 85% и тупроққа ши-
нилади, сингади ва узоқ вақтгана нам запаси сақланади. Ана шун
ий агрономик талабларға түлік жағов берадиган структураларда
грегатлар ўлчами 10—1 мм көттәлиқта яхши бириккап ва сувга
ицдемли бўлиши көрак.

Структурасиз тупроқларда механиқавий зарралар бир-бирига
ишмаган, тарқоқ ва түзөн ҳолда бўлғанлигидан қатламлар жуда
тіләніб кетади. Натижада бу зич қовушмали капилляр көвак
ар орқали сув ва ҳаво әркін ҳаракат эта олмайды, улар бир-бири-
нан халал беради. Структурасиз тупроққа сув жуда секип ва қийи-
шимиди.

Структурасиз тупроқнинг устки қатлами иссиқ ва шамолли күп
арда тез қурийди ва қатқалоқ ҳосил бўлади. Шу қатқалоқ орқали
упроқнинг пастки қатламидаги сув жуда осон ва тез күтарилиб
желаниб кетади. Структурасиз тупроқда фақат ёмғир ёққан ва
торилган вакълардагина нам етарли бўлса-да, кейинчалик тез
нам етишмай қолади. Шунинг учун бу хилдаги тупроқларда
иуқавий бирикмалар кўп бўлса ҳам, сув етишмаганлыги сабабли
тар фойдасиз, ҳаракатсиз ҳолда бўлади. Структурасиз тупроқ тар-
иби, айрим хоссаси ва сифатларига кўра, структуралы тупроққа
чиш бўлса-да, унумдорлик даражаси жиҳатдан ундан паст бўлади
инобарин, тупроқ структураси қишлоқ хўжалигига экинларда:
қори ва мўл ҳосил олишдаги энг муҳим факторлардан биридир.

Тупроқ структурасинни тиклаш ва сақлаш тадбирлари

Экин экилаётган ерлардан тупроқ структурасинни сақлаб қо-
шга қаратилган агротадбирлар мунтазам қўлланилиб борилмаса.
Структура доначалары сувга чидамли хусусияттини аста-секив
йўқота бошлияди ва агрегат ҳолати бузилади. Демак, тупроқ струк-
турасини яхшилаш ва ун сақлаб қолиш тупроқ унумдорлигини
ниришга қаратилган энг муҳим тадбирлардан биридир. Шунинг
иун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши шароитида тупроқнини
сашни сифатли ва сувга чидамли донадор структуралы ҳолатда бў-
лишини таъминлайдиган агротехникавий тадбирларни тўғри қўл-
ниш ва сульйи йўл билан структура пайдо қилиш учун қўллаши
идиган химиявий моддаларни ўз ўрнида ишлатиб бориш жуда
ухидмидир.

Тупроқда яхши сифатли донадор структура пайдо қилишини
жосий ва ҳал қилювчи агротадбирлардан бири ҳар қайси тупроқ
шасига мос ўт далали алмашлаб экишни амалга оширишдир. Ана
у мақсадда ҳар қайси зона шароитига мос келадиган кўп йил-
лик, дуккакли ўтлар (беда, йўнғичқа) ва бир йиллик ўтлар (арпа,
жедой, маккажўхори, оқ жўхори ва бошқалар) ни алмаштириб

әкип мүмкіп. Күп йиллик ўтлар серилдиз бўлгацлигидан анча миқдорда чиринди тўпланаади ва тупроқнинг устки қатламида сувга чидамли донадор структура пайдо бўлади. Аммо бир йиллик баъзи әкинлар (картошка, карам, зигир ва бошқалар) сийрак илдизли бўлганлиги сабабли тупроқ структурасининг чидамли ва донадор бўлишида кўп йиллик ўтларга иисбатан уларнинг ижобий таъсири анча камдир.

Структура пайдо қилишдаги ўтларнинг таъсири даражаси ҳар хил типдаги тупроқда ҳар хилдир (11-жадвал).

11-жадвал

Ўтларнинг тупроқ структурасига таъсири

Тупроқ ва унинг ҳолати	0,25 mm ли агрегатлар миқдори, %	Тупроқ ва унинг ҳолати	< 0,25 mm агрегатлар миқдори, %
Оддий қора тупроқ:		Суғориладиган бўз тупроқ:	
бўз ер	88,7	эски пахтазор	7,00
эски экинзор	57,6	уч йиллик бедапоя	35,0
Шимолий қора тупроқ:		Бўз тупроқ зонасидаги ўлоқи тупроқ:	
эски экинзор	44,6	яниги очилган бўз ер	61,0
икки йиллик ўтлар	63,6	эски пахтазор	22,0
Тўқ тусли каштак тупроқ:		уч йиллик бедапоя	48,0
бўз ер	29,3		
қора шудгор	28,0		

Жадвал маълумотлари $>0,25$ mm ли агрегатлар миқдори асосан серёт бўз ерларда кўп бўлиб, алмашлаб экилган далаларда эса кўп йиллик дуккакли ўтлар эканлигини кўрсатади. Эски пахтазорлардаги $>0,25$ mm ли агрегатлар миқдори 22% га тушади. Бу эса ҳақиқатан ҳам алмашлаб экиш тупроқ структурасини тиклаш ва сақлашдаги муҳим агротадбир эканлигини билдиради.

Тупроққа мунтазам равишда органик ўрит солиб туриш ҳам структура пайдо қилиш ва уни сақлашда катта аҳамиятга эга. Чунки ўйтланган даладаги әкинларнинг ер юзасидаги қисми билан бир қаторда илдизлари ҳам яхши ривожланиб ўсади ва структурасининг пайдо бўлишига яхши таъсири кўрсатади. Бундан ташқари органик ўйтлар, жумладан гўнгнинг чиришидан вужудга келган коллоид ҳолдаги чиринди моддалар тупроқдаги механикавий зарраларни бир-бирига мустаҳкам биректириб, чидамли структура пайдо бўлишига ёрдам беради.

Подзол ва чимли подзол сингари кислотали тупроқларга оҳак, шунингдек шўртоб ва шўртобсимон ишқорий реакцияли тупроқ-

ларга гипс ёки кальцийли бирикма, чунончи қизил кесақ солиши тадбирлари ҳам тупроқ структурасини яхшилайды ва чидамли агрегатлар миқдориниң күпайтиради.

Сернам ерларни қуритиш ва умуман ерларни етилтириб, тобида, сифатли қилиб ишлаш ҳам тупроқ структурасининг яхшиланишига ижобий таъсир этади.

Демак, тупроқ структурасини яхшилашга қаратилган агротабдир — жуда хилма-хил бўлиб, уни қўлланишда тупроқнинг таркиби, хоссалари ва иқлим ҳамда хўжалик шароитларига жорий этиш мос келадиган тадбирни талаб этади.

Кейинги йилларда кўп мамлакатларда агротабдирлар билан бир қаторда тупроқни сунъий йўл билан структурали қилиш ишига катта эътибор берилиб, ана шу мақсадда тупроқда структура пайдо қиласидаган елимловчи моддалар қўлланишдек янги перспектив усул ишлаб чиқилмоқда.

1940—50-йиллардан бошлаб, бир қанча хорижий мамлакатлар (АҚШ, Англия, Венгрия, ГДР) ва СССРда тупроқларни сунъий равишда структурали қилиш мақсадида юқори молекуляр бирикмалар — полимерлар ва сополимерлар қўлланила бошлавди. Бу бирикмаларга *крилиумлар* деб аталади.

Крилиумлар эса асосан акрил кислота ($\text{CH}_2=\text{CH}-\text{OOH}$), метаакрил кислота [$\text{CH}_2=\text{C}(\text{CH}_3)-\text{COOH}$] ва малеин кислота ($\text{COOH}-\text{CH}=\text{CH}-\text{COOH}$) дейилган уч органик кислотадан ҳо ил қилинган типик полимерлардир. Крилиумлар таъсирида пайдо бўлган агрегатларни ўрганиш соҳасида ўтказилган кўпгина текширишлар шуни кўрсатдики, структураларнинг сувга чидамли бўлиши, коллоидлар хусусияти коагуляцияси туфайли, шунингдек полимерлар билан тупроқ заррачалари орасидаги ўзаро химиявий муносабат натижасида ҳам вужудга келар экан.

Таркибida 60% метаакрил кислотаси ва 40% метаакриламид кислотаси бўлган сополимердан бир гектар майдонига 25—30 кг (тупроқ оғирлигига нисбатан 0,001%) солинганда, тупроқдаги сувга чидамли агрегатлар миқдори дастлабкисига нисбатан уч бара-вар кўшаиди.

Қумоқ ва соз тупроқда крилиумлар таъсирида ҳосил бўлган чидамли структуралар 3—5 йилгача, қумлоқ ва қумли тупроқларда эса бир йилгача ўзининг агрегатлик ҳолатини сақлаб туради. Биологик жиҳатидан чидамли бўлган бу агрегатлар тупроқнинг сувҳаво хоссаларини яхшилайди, микробиологик процессларнинг ривожланишига, озиқ моддалар режимининг қуладай бўлиши ва экинлар хосилининг ортишига ижобий таъсир этади.

Ўзбекистонда ҳам сунъий структура яратиш мақсадида полимерлардан фойдаланиш борасида профессор К. Б. Гуссак раҳбарлигида анча тажрибалар ўтказилди. Суғориладиган бўз тупроқлар, тақир ва тақирисимоя ҳамда қақир тупроқларда сунъий структура пайдо қилиш юзасидан олиб борилган дастлабки куватишлар полимерларнинг баъзи бир препаратлари, бу тупроқларда, 0,25 мм дан катта агрегатлар миқдорини 70—80% гача кўпайтиши мумкин-

лиги ва суторишга сарғланадиган сувнинг анча тежалиши ҳисобига экинлар ҳосилдорлиги ошганлигини кўрсатади.

Юқорида айтиб ўтилган тадбирлар билан бирга, тупроқда структурали ҳолатни саклаш учун экин майдонларидан бегона ўтларни йўқотиш ҳам ижобий патижга беради.

IX б о б

ТУПРОҚНИНГ ФИЗИКАВИЙ ВА ФИЗИК-МЕХАНИКАВИЙ ХОССАЛАРИ

Тупроқнинг физикавиий ва физик-механикавий, улар билан боғлиқ бўлган хоссалари, тупроқда кечадиган физикавиий процесслар ўсимликларнинг ўсиши ва ривојланишида муҳим ўрин тутади. Тупроқдаги химиявий ва биохимиявий процесслар, айниқса сув, ҳаво ва иссиқлик режимлари тупроқнинг физикавиий ва физик-механикавий хоссаларига боғлиқдир. Тупроқнинг физикавиий ва физик-механикавий хоссалари турли табиий факторлар ва агротехника шароитларига кўра ўзгариб туради.

Тупроқларнинг энг муҳим физикавиий ва физик-механикавий хоссалари устида қўйида тўхталиб ўтамиз.

Тупроқнинг асосий физикавиий хоссалари

Тупроқнинг асосий физикавиий хоссаларига солиширма оғирлиги, ҳажмий оғирлиги ва қоваклиги киради.

Тупроқнинг солиширма оғирлиги. Маълум ҳажмдаги абсолют қуруқ тупроқ қаттиқ қисми оғирлигининг 4 даража иссиқликда бўлган ҳудди шундай ҳажмдаги сувнинг оғирларига бўлган ишбатига тупроқнинг солиширма оғирлиги дейилади. Демак, солиширма оғирлик фақат тупроқ қаттиқ қисминигина кўрсаткичи ҳисобланади.

Тупроқнинг солиширма оғирлиги унинг минералогик таркиби ва чириди миқдорига боғлиқ. Тупроқ таркибидаги минералларнинг солиширма оғирлиги 1,25—5,3 оғалигида бўлиб, органик моддаларни 1,25—1,80 атрофидадир (12- жадвал):

12- жадвал

Тупроқдаги баъзи минерал ва органик моддаларнинг солиширма оғирлиги

Моддалар	Солиширма оғирлиғи	Моддалар	Солиширма оғирлиғи
Чирицил, ўрмон қпия, торф	1,25—1,80	Биотит	2,80—3,27
Кварц	2,58—2,63	Ортохлаз	2,80—3,40
Мусковит	2,60—2,65	Лимонит	3,50—4,00
	2,76—3,00	Гематит	4,9—5,3

Түрли тиңдаги тупроқлар ва уларнинг айрим генетик горизонттарининг солишиштирма оғирлиги бир хил бўлмайди. Енгил тог жинсларидаи пайдо бўлган серчириди тупроқнинг солишиштирма оғирлиги 2,3—2,6 бўлиб, оғир тог жинсларидаи пайдо бўлган, озчириндили тупроқларнику эса 2,9 га етади. Умуман тупроқларнинг ўртача солишиштирма оғирлиги 2,5—2,6 атрофидадир.

Тупроқнинг ҳажмий оғирлиги. Табиий ҳолати сақланган маълум ҳажмдаги қуруқ тупроқнинг оғирлиги шундай ҳажмдаги сув оғирлигига бўлган нисбатига тупроқнинг ҳажмий оғирлиги дейилади. Тупроқ ҳажмий оғирлиги бир cm^3 кўламидаги грамм оғирлиги билан ифода этилади. Ҳажмий оғирлик тупроқнинг механикавий ва минералогик таркибига, чиринди модда миқдорига, хусусан структураси, қовушмаси, шунингдек, ишланиш даражасига боғлиқдир. Донадор структурали, серчириди ва ғовак қовушмали қатламнинг ҳажмий оғирлиги озчириндили, структурасиз, зич қатламга нисбатан кичикроқ бўлади. Шунинг учун ҳам тупроқнинг ҳажмий оғирлиги тупроқ тицига, турига, қатламларнинг таркиби ва хусусияти ҳамда ишланиш даражаси характерига кўра 0,9 дан 1,8 атрофида ўзгариб туради; сугориладиган бўз тупроқларнинг ҳажмий оғирлиги ўртача 1,2—1,4, оғир механикавий таркибли ботқоқ тупроқларда эса 1,7—1,9 атрофида.

Тупроқ ҳажмий оғирлигига кўра, маълум ҳажмдаги тупроқда (қуруқ тупроқ оғирлигига нисбатан) чиринди, турли озиқ моддалар, ҳар хил тузлар, зарапли бирималар, сув ва бошқаларнинг % миқдори асосида уларнинг миқдорини авиқлаб чиқиш мумкин. Масалан, ярим метр қалинликдаги тупроқнинг ўртача ҳажмий оғирлиги 1,4 бўлса, шу қатламнинг бир гектаридаги оғирлиги 7000 топна бўлади. Энди ярим метр қалинликдаги тупроқда чириндининг ўртача нисбий миқдори 2% бўлса, бир гектар срининг ана шу чуқурлигида чириндивнинг миқдори қўйидагича аниқланади:

$$(1,4 \cdot 5000 \text{ m}^3) : 100 \times 2 = 140 \text{ т га.}$$

Агарда 140 топна чириндининг 5% ти азот бўлса, у ҳолда шу тупроқда 7 т азот бўлади.

Тупроқнинг қоваклиги. Тупроқ қатламлари майдага заррачалар ва микроагрегатлардан тузилган, у ҳар қаяча зич қовушмали бўлса-да, зарралар ва агрегатлар орасида ҳамда агрегатлар ичида озими-кўпми бўшлиқлар бўлади. Бу бўшлиқлар ва турли жониворлар флоалияти ва ўсимликларнинг илдизлари ҳисобига ҳосил бўлган бўшлиқларнинг умумий ҳажмий йигинидисига тупроқнинг қоваклиги дейилади. Бу қовакликларда ҳаво ва сув, шунингдек, ҳашаротлар, ўсимлик илдизлари ва микроорганизмлар бўлади. Умумий қоваклик одатда тупроқнинг ҳажмига нисбатан процент билан ифода этилади ҳамда тупроқнинг ҳажмий ва солишиштирма оғирлигига нисбати қўйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$K = \left(1 - \frac{X_O}{C_O}\right) \cdot 100,$$

K — умумий коваклик, XO — тупроқнинг ҳажмий оғирлиги, CO — тупроқнинг солиширма оғирлиги. Масалан, $XO = 1,5$, $CO = 2,5$ бўлганда, $K = (1 - \frac{1,5}{2,5}) \cdot 100 = 40\%$ ни ташкил этади.

Коваклининг тури ва ҳажми тупроқнинг структурасига ва яччилик даражасига боғлиқ. Тупроқ қанчалик структурали бўлса, коваклигининг умумий ҳажми ҳам шу қадар ортади, чунки структуради тупроқда зарралар оралигидаги бўшилиқлардан ташқари, тупроқнинг ҳар бир агрегати орасида ва агрегатлар ичида ҳам язик бўшилиқлар бўлади.

Тупроқнинг коваклиги унинг механикавий таркиби ва чиривиди миқдорига ҳам боғлиқ. Қўйлоқ тупроққа қараганда соз тупроқда, органик қолдиқлари камроқ тупроққа нисбатан серчириди тупроқда коваклининг умумий ҳажми ортиқ бўлади. Шунингдек, бўз ер ва қўриқ ерларга қараганда агротехника қоидаларига мувофиқ шудгор қилиниб ва яхши ишланиб келинаётган ерларда тупроқнинг умумий коваклиги ҳам ортиқдир. Тупроқларда умумий коваклининг ҳажми 25—80% атрофига бўлиши мумкин. Тупроқнинг қуий горизонтларида, айниқса оғир механикавий таркибли берч қатламда умумий коваклик 45—35 ва 30—25% гача камая беради.

Тупроқнинг коваклиги капилляр ва нокапилляр бўлади. Капилляр коваклик тупроқда майда лойқа зарралар ва микроагрегатлар оралигига, нокапилляр коваклик эса йирик механикавий элементлар ва макроструктуралар оралигига вужудга келади. Буларнинг нисбати тупроқнинг механикавий таркиби, структураси ва маданий ҳолатига кўра ўзгариб туради. Бу икки хил коваклининг йиғинди сига тупроқнинг умумий коваклиги дейилади (13-жадвал).

13-жадвал

Агрегатларнинг катта-кичиклигига кўра тупроқнинг коваклиги, % ҳисобида (А. Г. Доярепко)

Коваклик	Агрегатлар диаметри, мм				
	0,5	0,5—1	1—2	2—3	3—5
Умумий	47,5	50,0	54,7	59,6	62,6
Капилляр	44,8	25,5	25,1	24,5	23,9
Нокапилляр	2,7	24,5	29,6	35,4	38,7

Демак, агрегатлар қанча йирик бўлса, тупроқ умумий коваклининг ҳажми ҳам ортади, капилляр ва нокапилляр ковакликлар нисбати ҳам ўзгаради. Энг яхши коваклик ҳолати донадор структуралари тупроқларда бўлади.

Тупроқнинг ривожлениши, унумдорлиги, шунингдек тупроқдаги физикавий, химиявий ва биохимиявий процессларнинг кечишида ҳар икки коваклининг ҳам ўзига хос аҳамияти бор. Ма-

таркиби, структураси ва намлик даражасига боғлиқ өулган физик-механикавий хоссаларни ўрганиш ишлаб чиқаришида зарур аҳамиятга эта бўлиб, йирик механизациянг асесланган дедқончилик шароитида олиб бориладиган барча ишларининг самарали бўлиши ҳам ана шу хоссаларга маълум даражада боғлиқдир.

Тупроқнинг пластиклиги, ёпишқоқлиги, бўкиши, чўкиши, қаттиқлиги, илашимлиги ва солиштирма қаршилиги сингари кўрсаткичлар унинг эпг муҳим физик-механикавий хоссаларидан ҳисобланади.

Тупроқнинг пластиклиги. Нам ҳолдаги тупроқнинг ташки меҳаник кучлар таъсирида ўз шаклини ўзгартириши ва бу ўзгарган шаклини ташки куч таъсиридан кейин ҳам сақлаб туриш қобилиятига тупроқнинг пластиклик хоссаси дейилади. Пластиклик тупроқнинг намлик даражаси ва меҳаникавий таркибига боғлиқ. Қуруқ ҳолатдаги тупроқлар ва қумли тупроқларда пластиклик деярли бўлмайди. Шунингдек, жуда сернам, ҳўл тупроқларда ҳам пластиклик шаклланмайди. Демак, мўътадил нам ҳолатдаги соз ва қумоқ тупроқлардагина пластиклик яхши бўлади.

Тупроқ коллоидлари, сингдирилган катионлар ва чиринданинг миқдори ҳам пластикликка таъсир этади. Шунингдек, тупроқ пластиклик даражаси сингдирилган катионлар характеристи ва иисбатига ҳам боғлиқ. Сингдирувчи комплексида натрий катиони кўп бўлган соз таркибли лиўртоб тупроқларда пластиклик юқори, кальций ва магний кўп сингдирилган тупроқларда эса паст даражададир. Тупроқда чирпиди қанча кўп бўлса, унинг пластиклиги шунча камаяди.

Тупроқнинг ёпишқоқлиги. Нам тупроқнинг иш қуролларига ва бошқа нарсаларга ёпишиб қолиш қобилиятига унинг ёпишқоқлик хоссаси дейилади. Зарралар юзасидаги адсорбцияланган ҳафо ўринини сув эгаллагандагиша, яъни тупроқда максимал молекуляр нам спримидан ортиқроқ намлик бўлганда ёпишқоқлик вужудга кела-ди.

Ёпишқоқлик нам ҳолдаги 1 cm^2 тупроқ юзасидан металл тахтачани ажратиб олишга сарф бўлган грамм ҳисобидаги куч билан ифода этилади (g/cm^2). Тупроқнинг бу хоссаси айниқса унинг меҳаникавий таркиби, чириндисининг миқдори, структураси ва намлик даражасига боғлиқ. Бинобарин, тупроқ қанчалик майдага заррали, структурасиз ва сернам бўлса, у шунчалик ёпишқоқ бўлади. Шунинг учун ҳам нам ҳолдаги соз ва қумоқ тупроқларининг ёпишқоқлик даражаси қумлоқ ва қумли тупроқлариниңга иисбатан анча кучлидир. Шунингдек, оғир меҳаникавий таркибли структурасиз тупроқнинг ёпишқоқлиги худди шу таркибдаги донадор структурали тупроқниңга иисбатан анча кучлироқ бўлади.

Н. А. Качинский ёпишқоқлик даражасига кўра тупроқларни тўрт группага: энг кучли ёпишқоқ ($> 15 \text{ g/cm}^2$), кучли ёпишқоқ ($5-15 \text{ g/cm}^2$), ўртача ёпишқоқ ($2,5 \text{ g/cm}^2$) ва кучсиз ёпишқоқ (2 g/cm^2) га бўлади.

Тупроқнинг ёпишқоқлиги ерни ишлашда анча қийинчиликлар-

га, ишланинг сифатининг ёмонланишига ва кўп меҳнат сарф этишга сабаб бўлади.

Тупроқнинг бўкиши (кўпчиши). Тупроқнинг сув таъсирида ўз ҳажмини катталаштириш қобилиятига унинг бўкиши ёки кўпчиши хоссаси дейилади. Бўкиш ҳодисаси майда заррали, айниқса сер-коллоид соз тупроқлар ва қумоқлардангина шаклланади. Бўкиш тупроқнинг минералогик таркиби ва коллоидларининг сифати ва таркибига ҳам боғлиқ.

Таркибидаги гидрофильтр коллоидлари ва сингдирувчи комплексида эса натрий бўлиши билан тупроқнинг бўкиши (кўпчиши) ортади, аксинча, гидрофоб коллоидлар ва сингдирилган кальций бўлиши эса бу хоссани камайтиради. Бўкиш процессида структурациинг ҳам аҳамияти бор. Структурални тупроқнинг бўкиши структурасиз тупроқка нисбатан камроқ бўлади. Ортиқча бўккан тупроқ қурий сошлагандага унинг юзаси ёрилади ва тупроқдаги нам тез бугланиб кетиб, натижада ўсимликлар учун намлик этишмай қолади.

Тупроқнинг чўкиши. Тупроқ қуриганда ўз ҳажмини кичрайтиришига унинг чўкини хоссаси дейилади. Чўкиш ҳодисаси ҳам бўхими сингари тупроқнинг минералогик ва механикавий таркибига ҳамда чириндисининг миқдорига, шунингдек, структурасига боғлиқ. Демак, тупроқ қанчалик кўп бўкса, у шунчалик чўкувчан бўлади. Шунинг учун бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштиришда ҳамда ирригация иншоотларини бунёдга келтиришда тупроқнинг бўкиш ва чўкиш хоссаларига ва уни ўрганишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Тупроқнинг илашимлиги. Тупроқ бўлакчаларининг бир-бираидан ажralиб кетишига ва майдаланишига сабаб бўладигац механик кучларга қарши туралошиб қобилияти тупроқнинг илашимлиги дейилади. Демак, тупроқ ҳам деформацияловчи кучларга қарши туралошиб олади. Тупроқнинг минералогик ва механикавий таркиби, структураси, намлик даражаси ва ҳоказоларга кўра бу хосса тупроқларда турлича бўлади. Лойқа зарралари кўп оғир механикавий таркибли қуруқ тупроқда йирик заррали енгил тупроқларникига нисбатан илашимлик даражаси кучлироқ бўлади. Қумоқ механикавий таркибли ва донадор структурални нам тупроқда илашимлик хоссаси оптимал ҳолатда бўлади.

Тупроқнинг бу хоссаси ўсимлик илдизларининг ўсиши ва ривожланишига, шунингдек, ерни шудгорлаш, экинларни чопиш, культивация қилиш каби ишлар бажариладиганда иш қуролларига қаршилик тарзида таъсир этади.

Тупроқнинг солиштирма қаршилиги. Тупроқни ишлаш учун сарф бўлган кучларнинг умумий кўрсаткичларига тупроқнинг солиштирма қаршилиги дейилади. Тупроқнинг солиштирма қаршилиги деганда, қатламни кесини (қирқиши), аёдариш учун ва иш қуролларига кўрсатилган қаршиликини енгиз учун сарф этиладиган куч миқдори тасаввур этилиб, тупроқ қатлами кўндаланг кесимииниг 1 см^2 сатҳига қанча кг куч сарф бўлганлиги тушунилади ва шунга кўра аниқланади. Механикавий таркиби, физик-химиявий

хоссалари, структураси, намлнги ва агрономик ҳолатига кўра тупроқнинг солиштирма қаршилиги $0,2 \text{ кг}/\text{см}^2$ дан $1,2 \text{ кг}/\text{см}^2$ гача бўлади.

Енгил механикавий таркибли шўртобланмаган тупроқ жуда оз солиштирма қаршиликка, оғир механикавий таркибли шўртоб тупроқ эса жуда катта солиштирма қаршиликка эта.

Ерни плуг билан шудгор қилинганда юзага келадиган тупроқ қаршилиги қўйидаги формула билан аниқланади:

$$P + Kav,$$

P — шудгорланётган тупроқнинг қаршилиги, $\text{кг}/\text{см}^2$; K — тупроқнинг солиштирма қаршилиги, $\text{кг}/\text{см}^2$; a — ҳайдаш чуқурлиги, см; v — ҳайдаш кенглиги, см ҳисобида.

Шу формула асосида аниқланиб чиқилган ва солиштирма қаршилиги оз бўлган тупроқли ерларни ишлашда кўп кориусли плуглардан фойдаланиб, иш унумдорлигини ошириш мумкин.

Тупроқнинг физикавий етилганлиги. Оз куч сарфлаб, тупроқнинг яхши ишланиш ҳолатига унинг физикавий етилганлиги дейилади. Бу ҳолат асосан тупроқнинг намлик даражасига боғлиқ бўлса-да, лекин чиринди миқдори ва механикавий таркиби, структураси ҳамда ўзлаштирилганлик даражасига кўра физикавий етилганлик тупроқларда ҳар хилдир. Намнинг миқдори дала нам сиёмига нисбатан турли тупроқларда 60—90% ёки оғирлигига висбатан 14—18% бўлганда, тупроқнинг физикавий етилганлик ҳолати юзага келади ва уни ишлаш мумкин.

Қумоқ ва соа таркибли етилган тупроқлар ишланганда осонлик билан майда кесакчаларга уваланади ва уларнинг ишлап қуролларига қаршилиги ҳам нормал бўлади. Етилмаган сернам ёки қуруқ тупроқлар ишланганда бир қанча қийинчиликлар юзага келиб ва упроқнинг физик-механикавий хоссалари ҳам ёмонлашади, натижада тупроқ унумдорлиги бир неча йил мобайнида пасаяди.

Тупроқнинг физикавий ва физик-механикавий хоссаларини яхшилашда кўп йиллик ўтлар, айниқса дуккаклилар (беда, йўнгич-а)ни кўпроқ экищ, ерни мунтазам ўғитлаб туриш, жумладан рганик ўғитлесдан кенгроқ фойдаланиш, кислотали тупроқларга ҳак ва ишқорий реакцияли тупроқларга гиле солиш, шунингдек, упроқ структура ҳолатини яхшилаш, ерни ўз вақтида етилтириб, ифатли ишлаш, чуқур шудгорлаш сивгари тадбирларни кенг ўлланиш зарурдир.

X б о б

ТУПРОҚНИНГ СУВ ХОССАЛАРИ ВА СУВ РЕЖИМИ

Тупроқдаги сувнинг аҳамияти бекиёс. Она жинс-рухлякпинг тақланишидан бошлаб тупроқ пайдо бўлиши ҳамда унинг ривожанишидаги турли физик-химиявий, биохимиявий ва биологик процессларнинг боришида сув муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, сув симлик ва бошқа турли организмлар ҳаёти учун элг зарур бўйб, уларнинг нормал озиқланиши ва ривожланиши ҳамда

бери ҳисобланади. Демак, сув тупроқ унумдорлигининг энг муҳим факторидир. Сув тупроқда органик моддаларниң түпласиниг, структура элементарииниг пайдо бўлишига, тупроқниң физик-механикавий хоссалари ва дәхқончиликда қўллапиладиган турли агротехникавий тадбирларниң сифатига иескин таъсир кўрсатади. Тупроқда намниң мўътадил бўлиши, ундаги бўлаётган ижобий характердердаги процессларниң ривожланиши ва тупроқ унумдорлиги учун яхши шароит яратишга имкон беради.

Ургуларниң униб чиқиши ва умуман ўсимликлар ҳаётидаги зарур процесслар тупроқда сув етарли бўлгандагина юзага келади.

Тупроқда сув мутлақо бўлмаса, ўсимликлар қуриб қолади ва микробиологик процесслар ҳам тўхтайди. Сув карбонат ангирид билан биргаликда фотосинтез процессида иштирок этиб, ўсимлик учун зарур бўлган дастлабки органик моддаларни вужудга келтиради. Судва эриган озиқ моддалар тупроқ эритмаси орқали ўсимликлар илдизига шимилади ва уларниң ҳаётий талабини таъмин этади.

Сув ўсимлик таркибининг 80—90% ин ташкил этади, ўсимлик эса ўз ҳаёти даврида бу сувиниң кўп қисмини ўзи орқали буғлатиб юборади. Ўсимлик ҳаёти учун жуда кўп сув талаб этилади. Бир г қуруқ модда тўплана учун ўсимлик ўрта ҳисобда 300—800 г сув сарфлайди.

Тупроқдаги сувнинг асосий табиий маинбаи ёғин сувларидир, баъзи жойларда сизот сувлари орқали ҳам тўпланаади. Сугориладиган дәхқончилик шароитида эса сугориш сувлари ҳам ана шундай маинбалардан бери ҳисобланади.

Экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олишда тупроқниң сув реактивини пухта ўрганиш ва уни бошқариш йўлларини билди гоят катта аҳамиятга эгадир.

Тупроқдаги сувларниң турлари

Сув тупроқниң турли тешик ва ковакларида сақланиб, ўзининг химиявий таркиби ва хоссаларига кўра, тупроқ зарралари билан доимо ўзаро таъсир ва муносабатда бўлади. Бу эса ўз навбатида тупроқдаги намниң ҳаракати, хоссаси ва ўсимликка шимилиш ҳолатини белгилайди.

Тупроқдаги сув ҳар хил табиий кучлар таъсирида бўлиб, бу кучлар тупроқниң таркиби ва хоссалари (механикавий таркиби, чиринди миқдори ва структураси)га кўра ўзгариб туради. Шунинг учун ҳам сув тупроқда ҳар хил, яъни химиявий бириккан сув; гигроскопик сув; парда сув; капилляр сув; гравитацион сув; бугсимон сув; қаттиқ ҳолдаги сув; сизот сувлари каби шакл ва ҳолатда бўлини мумкин.

Химиявий бириккан сув — тупроқ таркибидаги минерал коллоидлар ва минераллар таркибидаги гидроксил бирикма $[Fe(OH)_3, Al(OH)_3, Ca(OH)_2]$ ёки молекула ҳолида ($CaSO_4 \cdot 2H_2O, NaSO_4 \cdot 10H_2O$) учрайди. Гидроксил бирикмалардаги сувни ажра-

тишда тупроқни анча юқори даражада ($400-800^\circ$) қиздириш керак бўлади, аммо типс ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) ва мирабилит ($\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$) сингари минераллардаги сувмолекуласини ажратиб юбориш учун эса тупроқни $100-200^\circ$ қиздириш кифоя қиласди. Тупроқнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган химиявий сув ўсимликка сингмайдиган ҳолатдадир, яъни ўсимликнинг сувга бўлган талабини таъмин этишда қатнаша олмайди.

Гигроскопик сув — тупроқ зарралари юзасига адсорбцияланган (сингдирилган) сув ҳисобланади. Тупроқнинг ҳаводаги намни сингдириб олиш қобилиятига гигроскопиклик ва сингдирилган памга эса гигроскопик сув дейилади. Гигроскопик сувнинг миқдори ҳавонинг нисбий намлиги ва ҳароратига ҳамда тупроқнинг минералогик, механикавий ва органик таркибига боғлиқ.

Ҳавонинг нисбий намлиги қанча юқори бўлса, тупроқ сувмолекулаларини шунча кўп сингдиради ва натижада тупроқда гигроскопик сув миқдори ҳам кўпайди. Иссиқлик оргтан сайни тупроққа сув оз сингдирилади ва аксинча, температура пасайиши билан тупроқ сувни кўпроқ сингдира бошлайди.

Тупроқдаги сув ҳолатини аниқлаш юзасидан олиб борилган текширишлар тупроқ зарралари юзасини бир неча қават сувмолекулалари ўраб олиши натижасида гигроскопик сув пайдо бўлишилигини кўрсатади. Ҳаво сув буғи билан тўйинган (ҳавонинг нисбий намлиги 100%га яқин) шароитда тупроқ зарралари юзасидаги гигроскопик сув миқдори 1,5—2 баравар кўпайди ва **максимал гигроскопиклик** вужудга келади.

Тупроқ юзасига сувнинг адсорбцияланиш (сингиши) процесси гупроқнинг экзотермик, яъни маълум даражада иссиқлик чиқариши (шамланиш иссиқлиги) характеристи билан бөглиқ бўлиб, бу эса адсорбция ҳолатининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Гигроскопик сувнинг миқдори биринчи навбатда тупроқнинг механикавий ва минералогик таркиби ҳамда органик моддалар миқдорига бөглиқ. Серчиринди ва оғир механикавий таркибли тупроқларда гигроскопик сув оз чириндили евгил тупроқдагига писбатан кўп бўлади.

Кучли босим (бир неча минг атмосфера босимига тенг) таъсири остида адсорбцияланган бу гигроскопик сув мустаҳкам биринчан сув дейилади ва ўсимликка сингмайди. Ўсимлик илдизи осмотик босими анча кам бўлганлигидан бу турдаги сувни ўзига шимниб ололмайди.

Эркин ҳолдаги сувда эрийдиган моддалар одатда гигроскопик ҳувда эримайди. Бу сув тупроқдаги ҳарорат — 4° дан — 78° оралиғида бўлгандагина музлайди. Гигроскопик сув зарра юзасида ҳаракат этмайди, уни чиқариб юбориш учун тупроқни бир неча соат ҷавомида $100-105^\circ$ иссиқлиқда қиздириш керак бўлади. Ана шундагина тупроқ абсолют қуруқ ҳолга ўтади. Демак, табиий шароитда ҳар қандай тупроқда ҳам маълум миқдорда гигроскопик сув бўтади.

Парда сув. Максимал гигроскопик нам ҳолдаги тупроқ сернам



9-расм. Парда сувнинг ҳаракати.

шароитда бўлганида унинг зарралари юзасига тарин сув молекулалари сингдирилиши натижасида юпқа сув қатлами ҳосил бўлади ва унга парда сув ёки бўш биринчан сув дейилади. Бу сув тупроқ зарралари юзасидаги максимал гигроскопик нам устидан парда сингари юпқа сув қатлами ўраб олади. Бу сув пардасининг қалиниги максимал гигроскопикликка нисбатан 2—4 баравар ортиқ.

Парда сув тупроқ зарралари юзасида суюқ ҳолда бўлиб, оз-моз ҳаракат этади. Сув пардаси қалин бўлган заррадан юпқа пардали заррага қараб ва тупроқ қатламишинг иссиқ томонидан совукроқ томонига жуда секин ҳаракат қиласи (9-расм).

Парда сувнинг ўсимликларга қисман сингиши сўнгги тадқиқотлар асосида аниқланган. Парда сувнинг миқдори ҳавонинг ишбий намлиги, тупроқнинг типи, химиявий ва механикавий таркибига кўра турличадир. Парда сув, айниқса тупроқ қатламида лойца ва коллоид заррачаларининг кўпайишига мутаносиб равишда кўпая боради (15-жадвал).

15-жадвал

Механикавий зарраларнинг йирик-майдалигига кўра парда сув миқдорининг ўзгариши (А. Ф. Лебедев)

Тупроқнинг механикавий таркиби	0,005 милли зарралар миқдори, % ҳисобида	Парда сув миқдори, % ҳисобида
Соз тарқибли	42,6	27,9
Оғир қумоқ	24,0	18,5
Ўрта қумоқ	19,8	11,7
Енгил қумоқ	12,6	6,7
Кумлоқ	3,7	3,9

Бу маълумотлар парда сув миқдори тупроқнинг механикавий таркибига боғлиқ эквалигиги кўрсатади. Парда сув гарчи ўсимликтарга қисман сингса-да, лекин уларнинг сувга бўлган талабини таъмин эта олмайди.

Капилляр сув. Тупроқ қатламларининг майдада зарралар оралигидаги жуда нозик қисимин ўйлар орқали пастдан юқорига қараб эркин ҳаракат эта оладиган сувга капилляр сув дейилади. Капилляр сувнинг қатламлар орасида юқорига қараб ҳаракат этиши тезлиги ва кўтарилиш баландлиги тупроқларнинг механикавий таркиби ҳамда структура ҳолатига кўра турличадир.

Тупроқларда капилляр сувнинг ҳаракати одатда қатламдаги нозик қисимин ўйларнинг диаметри 10 мкм бўлгандан бошлиниб, айниқса улар 0,1—0,01 мкм га етганда кучаяди.

Табиий шароитда ўтказилган кузатишлар асосида қумоқ тарқибли тупроқ қатламларда капилляр сув баъзи 6 метргача юқо-


ри күтарилиса-да, лекин күпинча 3—4 м даң ошмаслиги, құмлоқ, құмли тупроқларда эса күтарилиш 40—80 см атрофида эканлиги анықлаған. Тупроқдаги капилляр система жуда мураккаб ҳолатда бўлиб, ўзаро муносабатдаги йирик ва нозик капиллярлар ийғидиси (серияси) даң иборатдир (10-расм); шунинг учун ҳам капилляр сувнинг қатламлар орқали күтарилиш баландлиги тупроқнинг механикаий таркиби, структураси ва зичлик дарајасига кўра ҳар хилдир. (16-жадвал). Структурасиз, соғ таркибли тупроқларда зарралардо йўллар жуда нозиклиги ва улар кўпинча ҳаво билан, гигроскопик ҳамда парда сувлар билан иштол этилганлиги сабабли капилляр сув юқорига томон кўп баланд күтарила олмайди. Структурали соғ ва қумоқ тупроқларда капилляр сув эса анчагина баландга (3—4 м гача) күтарилади.

Капилляр сувнинг қатламлари орасидаги ҳаракат тезлиги зарралар ўлчамига мутаносиб равишда ортиб боради, яъни капилляр сув йирик заррали (құмлоқ ва қум) тупроқ қатламларида майдада заррали (қумоқ ва соғ) қатламлардагига нисбатан юқорига тезроқ ҳаракат билан күтарилади. Қатламларда иссиқликнинг күтарилиши билан капилляр сувнинг ҳаракати ҳам тезлашади, лекин күтарилиш баландлиги пасаяди. Тупроқ эритмасининг концентрацияси ошиши билан капилляр сувнинг ҳаракати секинлашади. Шунингдек, бундай сувнинг ҳаракат тезлигига капилляр йўллардаги ҳаво ва буғларнинг қаршилиги ҳамда ишқаланиш сингари ҳоллар ҳам таъсир этади (16-жадвал).

Капилляр сув ўзининг маңбай ва капилляр йўллар орқали ҳаракат этиш ҳусусиятига кўра, асосан, иккى хил — күтариувчи капилляр сув ва муаллақ капилляр сувларга бўлинади.

Күтариувчи капилляр сувнинг маңбай слюзот сувларидир, улар юқорида айтиб ўтилган шароитларга кўра ҳаракат этади. Буғлачиш ёки ўсимликларнинг илдизига шимилиши натижасида сарф узлуксиз ва тўхтовсиз тўлдирилиб турилади.

Муаллақ капилляр сув слюзот сувлари билан қўшилмаган ҳолда бўлиб, қатлам оралигида жойлашади. Слюзот суви чуқур бўлган ерларда, айниқса структурали тупроқларда бу хилдаги капилляр сув ёғиндан ёки сугоришдан кейин юзага келади.



10-расм. Тупроқдаги йирик коваклар ва капиллярларнинг жойлашши схемаси.

1-тупроқ зарраси; 2-сувли нозик капилляр; 3-капилляр сув бўлмаган нозик коваклар; 4-тупроқда бўйинкан сув; 5-сув билан тўғланган йирик коваклар; 6-нозик капиллярларни сув билан таъмишлопчи йирик капилляр.

**Зарраларнинг катта-кичиклигига күра капиллар
сүвнинг күтарилиш баландлығы**

Зарралар ўлчами (мм ұисобида)	Максимал күтарилиш баландлығы (мм ұисобида)	Максимал күтарилиш мұддаты (мм ұисобида)
5,0—2,0	25	3
2,0—1,0	65	4
1,0—0,5	131	4
0,5—0,2	246	8
0,2—0,1	428	8
0,1—0,05	1055	72
0,05—0,02	2000	—

Ҳар иккى хилдаги бу капиллар сув ўсимликтарга осон сипгади уларнинг сувга бўлган эҳтиёжини таъминлайдиган асосий мангардан ұисобланади. Булардан ташқари, зарралар туташган жойи ва жуда нозик капиллар йўллардан ўрин олган ва мустақил ҳаскат этмайдиган ажралиган капиллар сувлар ҳам бўлади. Бу йдаги капиллар сув ўсимликка оз сипгади ва буг ёки парда сувайланган тақдирдагина ҳаракат этиши мумкин.

Капиллар сув тахминан — 1,5° да, жуда нозик ($<0,03 \text{ mm}$ разуслы), капилларларда эса — 18,5° совуқ температурада музлайди.

Гравитацион сув. Тупроқ қатламларидаги нокапиллар йўллар йирик капилларлар орқали юқоридан пастга томон эркин ҳаракат этадиган сувга гравитацион сув дейилади. Шўрлапмаган проқларда бу сүвнинг осмотик босими 0,5 atm га тенг бўлганидан сув ўсимликтарга яхши сипгади. Лекин қатламда гравитацион зининг тез ҳаракат қилинганини ва бошқа турдаги сувга ўтганлиги ёабли ўсимликни бевосита сув билан таъмин этишда озроқ қатлади..

Гравитацион сув миқдори тупроқда ёғиндан ёки экин сугорилдан кейин жуда кўпаяди. Баъзи бир тупроқларнинг ҳайдалма қатлами сувни яхши ўтказмаслиги ёки жуда секин ўтказиши файли ҳайдалма қатламда гравитацион сув анча вақтгача тўйқолиши ва натижада тупроқ устки қатламида ўсимликлар ва кроорганизмлар учун ҳаво этишмай қолиши мумкин.

Тупроқдаги капиллар ва гравитацион сув миқдорининг мўътасил ҳолатда бўлиши тупроқнинг механикавий таркибига, структураси ва қовушмасига, шунингдек, деҳқончиликда қўллападиган ютехникавий тадбирлар (шудгор, молалаш, культивация, чоник, гориш ва бошқалар)нинг сифатли ўтказилишига бўлиб.

Гравитацион сув пастга томон ҳаракат этиб, сув тўසар горизитта этиб боргандга, у жойда сувли қатлам вужудга келади. Шуламда тўпланган сувга грунт ёки сизот суви дейилади. Сув тўғоризонт бир томонга нишаб жойлашган бўлса, грунт

суви шу томонга сизиб бориб, дарё ёки сой яқипидә булоқ бўлиб чиқади, аксинча, сув тўсар горизонт текис жойлашганда грунт сувининг сатҳи вертикал равишда (тик) юқорига кўтарилади.

Грунт сувларининг чуқурлиги, химиявий таркиби тупроқнинг сув хоссаларига ва ўсимлик ҳаётига катта таъсир этади. Грунт суви сатҳининг кўтарилиши туфайли капилляр сув билан ўсимликлар таъмин этилиб турилса-да, бироқ тупроқда шўрланиш ва ботқоқланиш сингари салбий процесслар ҳам юзага келади.

Капилляр йўллар орқали сувни пастдан юқорига кўтарилишига тупроқнинг капиллярлиги ёки сувни кўтариш қобилияти дейилади.

Тупроқда юқорида қисқача характеристланган сувларининг бу шакларидан ташқари, қатлам температурасининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган бүгсимон сув (сув буги) ёки қаттиқ сув (муз) лар ҳам бўлади. Бу хилдаги сувлардан ўсимлик бевосита фойдалана олмайди.

10

Тупроқнинг сув хоссалари

Тупроқдаги ҳар хил шакл ва ҳолатлардаги сув билан қатламнинг таркибий қисми (механикавий зарралар ва органик моддалар) орасидаги турли муносабат натижасида агрономик нуқтai назардан аҳамиятга ага бўлган турли гидрологик ҳодисалар доим содир бўлиб туради. Тупроқнинг сувга бўлган муносабати унинг сув хоссаларини белгилайди. Тупроқнинг энг муҳим сув хоссаларига нам сигими, сув ўтказувчанлиги, сувни бўллантириши, сув кўтариувчанлиги сингарилар киради.

Тупроқнинг нам сигими. Тупроқнинг ўз қатламлари орасида маълум миқдордаги сувни ушлаб қолиши қобилиятига унинг нам сигими дейилади. Тупроқ қатламларида ушланиб қолган сувнинг миқдори ва ҳолатига кўра тўлиқ, капилляр, максимал гигроскопик ва дала нам сигимлари бўлади.

Тўлиқ нам сигими. Тупроқдаги ҳамма капилляр ва некапилляр коваклик ва бўшлиқларининг тамомила сув билан тўйинган ҳолдаги намлигига тўлиқ нам сигими (THС) дейилади. Тўлиқ нам сигими сизот суви саёз жойлашган тупроқларнинг сувли қатлами-дагина бўлиши мумкин.

Сизот суви чуқур шароитда эса тупроқда THС қалия қор эрияндан кейин ва кучли ёғинлар ёки ерни бостириб сугорилгандан сўнг вақтича вужудга келади. Гидроморф (ботқоқ) тупроқларда тўлиқ нам сигими узоқ мuddатларгача давом этиши ёки доимий ҳолда бўлиши мумкин. Тупроқларда тўлиқ нам сигими узоқ давом этганда анаэроб жараёнлари бошланиб, натижада тупроқ упумдорлиги кескин пасаяди ва экинлар ҳосилига салбий таъсир этади.

Капилляр нам сигими. Тупроқдаги кўтариувчи капилляр сувининг ушланиб қолган миқдорига капилляр нам сигими (KНС) дейилади.

Капилляр нам сиғимининг миқдори ўзгарувчандир, у грунт суви сатҳининг саёз ёки чуқур бўлишига боғлиқ. Грунт (сиғот) суви сатҳи қанча яқин бўлса, капилляр нам сиғими миқдори ҳам шунчак кўп бўлади. Капилляр нам сиғимини тўлиқ характерлаш учун тупроқ сизот суви жойлашган қатламидан бошлиб кўтарилаётган намни пухта ўрганиш ва аниқлаш талаб этилади.

Максимал адсорбцион нам сиғими (*МАНС*) деб тупроқ зарралари юзасига маҳкам сингдирилган (адсорбцияланган) сувнинг энг кўп миқдорига айтилади. Бу нам сиғимининг миқдори одатда тупроқнинг максимал гигроскопик ҳолатидаги намдан бир оз кам бўлади.

Дала нам сиғими (*ДНС*) деб сернам тупроқдаги буғланиш ва капилляр намланишдан ташқари тупроқ қатламларида ушланниб қолган сувнинг максимал миқдорига айтилади. Дала нам сиғими тупроқнинг энг муҳим сув хоссаларидан бири ҳисобланади ва унинг миқдори тупроқнинг 1 м қалилиги учун процент билан ифодаланади. Дала нам сиғим ҳолати тупроқда ўсимлик талабига етарли миқдорда, яъни тупроқ коваклигига 55—75% қисмida сув бўлади.

Грунт (сиғот) сувнинг саёз ёки чуқур бўлишига кўра, тупроқларда дала нам сиғимининг нисбий миқдори кўп ёки кам бўлиши мумкин (17-жадвал).

17-жадвал

Грунт (сиғот) суви турли чуқурликда бўлган бўз тупроқнинг дала нам сиғими
(Н. В. Беспалов)

Тупроқ қатлами (м ² ҳисобида)	Грунт сувнинг чуқурлиги (м ҳисобида)			
	1,6	2	2,5	8
0—50	23,12	22,74	21,90	21,45
0—70	24,95	24,37	23,03	21,65
0—100	26,50	26,04	24,50	22,36
0—150	27,68	27,68	26,20	23,37

Сугориладиган деҳқончилик шароитида дала нам сиғимини билиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга, чунки ерни сугориш нормаси ва муддатларини тўғри аниқлаш ана шу нам сиғимига кўра оллаб борилади. Умуман нам сиғимларининг меъбери ва миқдори тупроқнинг механикавий таркиби органик модда миқдори, структураси, қовушмаси ҳамда маданий — ишланиш ҳолатига кўра ҳар хилдир. Тупроқнинг нам сиғимини яхшилашда ёкин майдонларининг структурали, қумоқ таркибли ва серчириди бўлиши алоҳида аҳамиятга эга ва ҳамиша бунга жиддий эътибор бериш лозим.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги

Тупроқнинг сувини шимиб олиб, уни қатламнинг қути қисмига ўтказиш қобилиятига тупроқнинг сув ўтказувчанлик хоссаси дейлади. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги икки босқичли процесс бўлиб, у дастлаб намга тўйинмага тупроқ сувини шимиб тўйинади, сўнгра сув қатламининг пастки қисмига маълум тезликда фильтрланади, яъни шимилиш ва фильтрланиши сингари икки босқичли жараён бўлади.

Сув ўтказувчанлик тупроқ юзасига келаётган сувнинг миқдори билан ўлчаниади. Сув дастлаб тупроққа кўп миқдорда шимилади, кейинчалик эса камая бориб, фильтрланишининг бошланиши билан ўзгармас ҳолатга ўтади.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлик қобилиятини агрономик ва мөллиоратив нуқтаи назардан баҳолашга доир маълумот 18-жадвалда келтирилади.

18 - жадвал

Температура 10° ва сув босими 5 см бўлганда
тупроқнинг сув ўтказувчанлиги
(Н. А. Качинский шкаласи)

Сув ўтказувчанликни баҳолаш	Кузатилишининг биринчи соатидаги тупроққа шимилаётган сувнинг миқдори, см ҳисобида
Бузувчи	1000
Фоят (ортинча) юқори	1000—500
Энг яхши	500—100
Яхши	100—70
Кониқарли	70—30
Кониқарсиз	30

Сув ўтказувчанлик тупроқнинг механикавий ва минералогик таркиби, чириндисикинг миқдори, структураси, қовушмаси ва шўртоблик даражасига боғлиқ. Структурасиз ва оз чириндили, зич қовушмали соз тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги ёмон, аксинча қумли, қумлоқ ва структурали қумоқ таркибли ва ғовак қовушмали тупроқнинг сув ўтказувчанлиги эса яхши бўлади.

Тупроқнинг донадор структурали ҳолати бузилса, сув ўтказувчанлиги ёмонлашади. Бундай жойларда сувнинг тупроққа шимилиши ва пастки қатламига фильтрланиши қийинлашади. Шунингдек, плуг остидаги зич қатлам ва сингдирувчи комплексида натрий катиони кўп бўлган тишик шўртоб ва шўртоблашган тупроқларда ҳам сув ўтказувчанлик ёмон бўлади.

Тупроқнинг намлиги, ҳайдалгав вақти ва дедқончилика юлланадиган агротехникавий тадбирлар сифатига кўра, қатламларда сув ўтказувчанди хотини заманга салади. Тупроқнинг намлийи

ҳолатига (бұз ер ёки ҳайдалған ер әкәнлиги) күра, бир типдаги тупроқларда ҳам сув ўтказуучанлық ҳар хил бўлади.

Сув ўтказуучанлиги жуда юқори бўлған тупроқ қатламларида ёғин пайтидаги нам пастга томон тез силжиши шатижасида ўсимлик илдизлари етарли миқдорда сув билан таъминланади. Сув ўтказуучанлигининг гоят (ортиқча) юқори бўлиши айниқса суориладиган дехқончилик зонасида бир қанча салбий ҳодисаларга сабаб бўлади. Бунда канал ва сугориш ариқларидаги сувларнинг бир қисми пастки қатламга фильтрлапиб, сизот сувнинг сатҳи кўтарилади ҳамда тупроқ шўрланади ва ботқоқланиш бўлади.

Сув ўтказуучанлик ёмон бўлганда сув тўпроқ юзасида тўпланиб қолади ёки нишаб томонга оқа бошлайди ва шатижада экинлар зарарланади ёки аста-секин тупроқ эрозияси бошланади.

Сув бериш хоссаси деб оқиши туфайли тупроқдаги гравитацион сувнинг бошқа томонга чиқариб юбориш қобилиятига айтилади. Тупроқнинг максимал сув бериш (МСБ) кўрсаткичи, тўлиқ нам сигими (ТНС) билан дала нам сигими (ДНС) ўртасидаги сув миқдорининг фарқига тенг бўлади. Демак, бу миқдорининг процент кўрсаткичи МСБ — ТНС(—ДНС) формуласи асосида аниqlанади; бироқ тўлиқ нам сигим ҳолатда бўлганда тупроқ қатлам орасида қамалиб қолган ҳаво туфайли сув беришнинг ҳақиқий миқдори ҳисоблаб чиқарилганига нисбатан анча камроқ бўлади.

Ҳар хил она жинс ва тупроқларда МСБ нинг миқдори турлича бўлиб, қумларда 25—30%. Лёссимон жинс (соғ тупроқ) ларда 3—6% ва оғир соз таркибли жинсларда эса бир процентнинг 0,1 0,2... ҳиссасига тенг бўлади.

Тупроқнинг маълум миқдордаги сувни ўз қатламлари орасида ушлаб қолиш қобилиятига унинг сув ушлаш хоссаси дейилади. Тупроқнинг бу хоссаси ҳам қатламларнинг механикавий таркиби, структураси, қовушмаси ва чириндиси миқдорига боғлиқ.

Ўсимликларга сингадиган тупроқ намлиги

Ўсимликлар тупроқдаги намнинг ҳаммасидан фойдалана олмайди. Намнинг бир қисми ўсимликка мутлақо сингмайди, бошқа қолган қисми эса турли даражада сингади.

Тупроқдаги химиявий бириккан сув гигроскопик ва максимал гигроскопик сув ўсимликка мутлақо сингмайдиган фойдасиз сув ҳисобланади. Тупроқда бўш бириккан сув (парда сув) дан ҳам ўсимлик қисмаси фойдаланганлиги сабабли ўсимлик нормал ўса олмайди ва сўлий бошлайди. Ўсимликлар бутунлай сўлиб қоладиган нам миқдорига сўлиш намлиги (СН) ёки сўлиш коэффициенти (СК) дейилади ва қуруқ тупроққа нисбатан процент билан ифода этилади. Тупроқда сўлиш коэффициентига баробар нам бўлганда ўсимликда фотосинтез жараёни тўхтайди, бинобарин ўсимлик ўсишдан тўхтайди ва ҳосил битмайди. Лекин ўсимлик қуриб қолмайди — ҳаёти давом этаверади. Сўлиш коэффициенти одатда максимал гигроскопикларга нисбатан 1,5—2 ҳисса кўп миқдордаги нам билан шфодаланади.

Сўлиш коэффициенти тупроқларниң тури ва ўсимликларниң навига кўра максимал гигроскопик намлика нисбатан 1 дан 3 ҳисса кўп ёки шўрланмаган тупроқларда 1,34—1,50 шўрланган тупроқларда ундан ҳам юкорироқдир. Шунинг учун сўлиш коэффициентини аниқлашда тупроқниң максимал гигроскопик намлик миқдорини 1,34—1,50 га кўпайтириш кифоя. Сўлиш памлиги тупроқниң механикавий таркибигагина эмас, балки юқорида айтилганидек экинларниң турига қараб ҳам ҳар хил бўлади.

Грунт (сизот) сувлари чуқур жойлашган ерлардаги тупроқда дала нам сиғимиға яқин миқдордаги намлик ўсимликлар учун энг қулагай намлик ҳисобланади. Тупроқдаги намлик дала нам сиғимидан бир оз кўп бўлганда ҳам ўсимликлар яхши ривожланади, аммо тупроқдаги намлик ҳаддан ташқари кўпайиб кетса, ҳаво етицмаслиги натижасида ўсимликлар унча эркин ўсолмайди. Грунт (сизот) сувлари саёз бўлган шароитда агар ўсимлик илдизлари капилляр нам юзасига етиб борса, улар яхши ўсади.

Ҳар бир тупроқниң ўсимликлар ўзлаштирадиган ўзига хос актив нам диапазони (АНД) бўлади. Сизот суви чуқур бўлган тупроқларда бу диапазон ДНС-СН га, сизот суви саёз тупроқларда эса КНС-СН га тенгдир.

Тупроқниң сувни буғлатиш хоссаси

Тупроқниң устки ва юза қисмидан сувнинг буғланиб кетиши бир катор ташқи факторларга ва тупроқларниң хусусиятларига боғлиқ. Буғланиш ҳавонинг намлиги, температураси, шамолниң тезлигига кўра ўзгариб туради. Шунингдек, ер юзасининг паст-балаудлиги, тупроқниң механикавий таркиби, структураси, қовушмаси, чиринди миқдори, тупроқниң туси ҳам буғланишга таъсири этади.

Шимолий районларда иқлим совуқлиги сабабли тупроқ юзасидан сувнинг буғланиши кам бўлиб, йиллик ёгин миқдоридан анча оздир. Иттифоқимизнинг қора тупроқли дашт зонасида йиллик ёғин миқдори билан буғланишдаги сув миқдори деярли бир-бирига тепг. Қуруқ дашт ва чўл зоналарида эса буғланиш йиллик ёғин миқдорига нисбатан анча кўпdir. Шунинг учун ҳам бу зоналarda шўрланиш процесси кучли ўтади. Умуман сернам тупроқларда буғланиш кўп бўлиб; айниқса температура кўтарилиган ва шамол тезлиги кучайган пайтларда буғланиш янада ортади. Шунингдек, оғир механикавий таркибли, структурасиз ва зич қовушмали тупроқларда ҳам буғланиш кўпроқ бўлади. Шунинг учун жумладан тупроқдаги намниң буғланишини камайтириш чора-тадбирларини кўриш, дала атрофларида иҳота дараҳтзорлари барпо этиш ва тупроқниң таркиби, структураси ва қовушмасини яхшилашга ёътибор бериш лозим.

Тупроқниң сув баланси

Сув баланси тупроқка келаётган сув ва ундан чиқиб сарф бўнаётган сувлар миқдори билан белгиланади. Сув баланси маълум

шароитдаги территорияда тупроқнинг майли қатламида маълум вакт орасидаги сув кирим ёа чиқимини ҳисоблаб чиқаришга асосланган. Агрономия нуқтан пазардан тупроқнинг ўсимлик илдизлари тарқалган устки қатлами ($0,5-1$ м) нинг сув балансини ўрганиш жуда аҳамиятлидир.

Тупроққа кирадиган сувнинг энг асосий манбай атмосфера ёғинларидир. Лекин ёғинларнинг ҳамма қисми ҳам тупроқ юзасига тўлиқ тушмайди. Чунки ёғин сувларнинг бир қисми ($2-3$ мм) ўтлар ва дараҳтларда ушланиб, шу жойнинг ўзида буеллиб яна атмосферага кўтарилади. Оз микдорда шивалаб ёғаётган (таксинан суткасига $3-4$ мм) ёмғирнинг бир оз қисми тупроқ юзасини ва у ердаги органик қолдиқ ҳамда кесакларни намлашга сарф бўлади ва қатлам орасига шимилмайди, ўсимлик упдан кам фойдаланади. Бу хилдаги фойдасиз оз сув серўт ва сердаҳт жойларда йиллик ёғин микдорининг $30-40$ процентини ташкил этади.

ССРРнинг кўшина территориияларида қор кўп ва қалин ёғади, қиши фаслида эримайди, лекин жанаубий районларда эса қор оз ёғади ва тез эриб кетади. Атмосферадан тушаётган ёғинларнинг бир қисми рельеф шароитига ва тупроқнинг сув ўтказувчанлик даражасига кўра нишаб томонга оқиб кетади ва пастлик жойларда сув кўп тўпланади.

Грунт (сизот) суви саёз бўлган ерлардаги капилляр йўллар орқали кўтарилаётган сув ҳам тупроқдаги қўшимча сув манбай ҳисобланади. Тупроқнинг устки қатламларида нам запасининг кўпайишида ҳаводаги сув бугланиши конденсацияси (сув бугларининг суюқ ҳолга ўтиши) ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Атмосфера ҳавосидаги бур ҳолидаги сувларнинг конденсацияси барча тупроқларда ҳаво ҳароратиниг тупроқ температурасидан юқори бўлган шароитида юзага чиқади. Айниқса баҳор ва куна мавсумларида бу тезлашади. Ёзда тупроқ юзасига кечаси тушадиган шабнам ана шу конденсация ҳодисасининг натижасидир. Бур ҳолидаги сувнинг конденсацияси чўл зонасидаги қумли ва тошлоқ ерларда айниқса кучли бўлиб, тупроқдаги нам запасининг ортишида катта аҳамиятга эгадир. Б. П. Орлов маълумотига кўра Қорақум чўлидаги қумли тупроқларда конденсация ҳодисаси натижасида бир йилда 60 мм чамаси ерда сув тўпланishi мумкин.

Шамол билан учирилиб келган қор ҳам тупроққа қўшимча сув манбай бўлади. Қорнинг учирилиши дараҳтсиз сершамол дашт зоналарида тез-тез ва кучли бўлиб туради. Сугориладиган деҳқончилик шароитида, юқорида айтиб ўтилган табиий манбалардан ташқари, тупроқ сугориш сувлари ҳисобидап ҳам нам олади, бу эса тупроқдаги сувнинг сунъий манбай ҳисобланади. Бу сув манбанинг микдори экийларни сугориш сони ва сугориш нормасига кўра ўзгариб туради.

Сувнинг тупроқ юзасидан бугланиши (физикавий бугланиш) ва ўсимликлар орқали бугланиши (транспирация) натижасида тупроқда тўпланган сувнинг анча қисми сарф бўлади. Бу ўринда шуни эсда туташ керакки, ўсимликлар орқали бугланиш фойдали

бўлиб, физикавий бурганиш эса фойдасиздир. Ўт билан қалин қопланган тупроқларда бу икки турдаги бурганиш учун сарф бўладиган сув миқдорини алоҳида аниқлаш кийин бўлганилиги сабабли ҳар икки бурганиш процессида сарф бўлган сув миқдорининг умумий йигиндиси аниқланади ва унга эвакотранспирация дейилади.

Бундан ташқари илгари айтилгандек, турли фактлар тъясира ида тупроқдаги нам ҳамма вақт маълум миқдорда сарф бўлиб туради.

Маълум майдондаги тупроқ намининг кирими ва сарфланиш миқдори ўрганиладигандан кейин, А. А. Роде томонидан тавсия этилган қуйидаги формула асосида ўша тупроқнинг сув баланси аниқланади:

$$B_1 = B_0 + (O_c + K + \Gamma_p P) - (D + Isp + Ps + BPC + \Gamma_p C).$$

B_1 — ўрганилаётган давр охирида тупроқдаги нам запаси;

B_0 — давр бошида тупроқдаги нам запаси;

O_c — бутун давр мобайнидаги ёғин миқдори;

K — бутун давр мобайнидаги конденсация миқдори;

$\Gamma_p P$ — бутун давр мобайнида тупроққа келган сизот (грунт) суви миқдори;

D — десукция (бутун давр мобайнида ўсимликлар олган сув) миқдори;

Isp — физикавий бурганиш миқдори;

Ps — бутун давр мобайнида тупроқ юзасидан оқиб кетган сув миқдори;

BPC — бутун давр мобайнида тупроққа ён томондан оқиб келган сув миқдори;

$\Gamma_p C$ — бутун давр мобайнида сизот суви оқими миқдори.

Сугориладиган деҳқончилик районларида тупроқлар учун бу формулавининг кирим қисмига сугориш сувининг миқдори ҳам қўшилади. Тенгламадаги барча миқдорлар миллиметрда ифодаланади. Сув баланси исталган давр учун тузилиши мумкин, аммо кўпинча йиллик сув балансидан фойдаланиш қулайдир. Сув баланси табиий шароитлар ва сунъий факторлар тъясира ида йил сайин ўзгариб туради. Агарда йил охирида тупроқда сув запаси кўпайса, сув баланси мусбат, аксионча камайганда манфий ҳолатда бўлади. Тупроқдаги кирим билан сарф баробар бўлса сув бағаси тенг дейилади.

Тупроқ сув балансини осонроқ ҳисоблаш учун соддалаштирилган ва амалда қўлланилиши қулай бўлган қуйидаги формуладан ҳам фойдаланиш мумкин:

$$B_1 - B_0 = O_c - P,$$

B_1 — давр охиридаги нам запаси;

B_0 — тупроқдаги дастлабки нам запаси;

O_c — атм ёғингарчиллик умумий миқдори;

P — сарф бўлган намининг умумий миқдори.

Тупроқ сув режимининг типлари

Тупроқда тўпланаётган сув ва унинг сарф бўлиши ёки кирим ва чиқим қатламлардаги ҳаракати ва унинг ўзгариши ҳолатини характерлайдиган барча ҳодисаларга тупроқнинг сув режими дейилади.

Тупроқ сув режиминиң ўзгариши иқлим шароитларига, ўсимлик қопламига, рельефга, тупроқнинг сув хоссалари ва сизот сувининг чуқурлигига ҳамда доимий музлаган қатлам таъсирига ва инсоннинг дәхқончиликдаги фаолиятига бўлиб.

Тупроқнинг сув режими ва унинг типлари ҳақидаги дастлабки таълимот академик Г. Н. Висоцкий томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у сув режимини ювиладиган, даврий ювиладиган, ювиламайдиган ва терлайдиган типларга бўлинишини таклиф ётади.

Кейинчалик А. А. Роде (1956 йилда) Г. Н. Висоцкий таълимотини ривожлантириб унга музлаган ва ирригацион сув режими сингари типларни кўплади ва барча типларни бир неча типчаларга ажратади. Кўйида тупроқ сув режими типлари ҳақида қисқача маълумот берилади.


Музлаган тип. Бу типдаги сув режими бир неча йил давомида музлаб ётган тупроқ қатламлари бўлган шимолий районларда учрайди. Ёз фаслида бу музлаган қатламиниң юзасигина эриб, унинг пастки қисми деярли эримайди ва сувни ўтказмайди. Нагижада бу қатлам юзасида сув кўп тўпланганилиги ва бутланиш сустлиги туфайли тупроқ намга тўйинида, низоят у йил давомида жуда сернам бўлиб туради.

Ювиладиган тип. Ўрмон-ўтлоқ зонаси тропик ва серпам субтропик зоналарида учрайдиган бу типдаги сув режими тарқалган районларда атмосферадан тушаётган ёғин миқдори бугланишига нисбатан анча кўп бўлганлигидан ёғин сувлари тупроқнинг кўйи қатламидаги сизот суви сатҳигача сизиб бориб, унга қўшилади. Пастки қатламга сизаётган бу сув тупроқнинг устки қатламдаги бирикмаларни, жумладан озиқ моддаларни ҳам ўзи билан кўйи горизонтта юваб туширади. Шунинг учун бу хилдаги сув режимига ювиладиган тип дейилади.

Даврий ювиладиган тип. Ўрмон даشت ва шимолий қора тупроқлар зоналарида учрайдиган бу типдаги сув режими айрим йиллардагина даврий равишдаги атмосфера ёғинлари миқдори бугланишига нисбатан кўпроқ бўлади ва пастга сизаётган сув билан густроқнинг устки горизонтидаги моддалар сизот сувига бориб қўшилади. Иссиқ ва қурғоқчил йилларда эса тупроқ юзасидан паст горизонтга сизаётган атмосфера ёғинлари сизот суви сатҳигача этиб бора олмайди ва унга қўшилмайди. Шунинг учун юқори қатламдаги моддалар ювилиб кетмайди. Ювилиш ана шундай доимий бўлмасдан баъзи йиллардагина юзага келганилиги сабабли бу хилдаги сув режимига даврий ювиладиган сув режими дейилади.

Ювилмайдиган тип. Қуруқ иқлимниң сизот суви чүкүр бўлган дашт, қуруқ даشت ва чўл зоналаридаги қора тупроқ, каштан тупроқ, қўнғир тусли тупроқ ва бўз тупроқли районларда учрайди. Бу зонада ёғин суви ҳисобига намланган қатлам билан сизот суви жойлашган қатлам оралигида деярли ёки қуруқ ҳолдаги горизонтга, яъни сўлиш намлиги миқдорига яқин нам горизонт бўлади. Демак, бу хилдаги сув режимида тупроқнинг устки қатламидаги моддалар горизонтнинг қуий қисмига ювилиб кетмайди ва сизот сувига бориб қўшилмайди.

Терлайдиган тип. Бу типдаги сув режимида тупроқ ва ўсимликлардан буглананаётган сувнинг миқдори тушаётган атмосфера ёғинига нисбатан анча кўп бўлади. Булар орасидаги нам запаси фарқи эса юза жойлашган сизот суви билан тўлдирилиб (10 б-



10⁶- расм. Ҳар хил тип сув режимида нам айланниш ва сув балансининг схемаси: а-ювиладигай тип сув режими; б-ювилмайдигай тип сув режими; в-терлайдигай тип сув режими;

1- ёғинлар; 2- иқливлар тутуб қолган сув; 3- тупроқ ювасидаги сув оқими; 4- физикавий бугланыш; 5- қатлам орасидаги сув оқими; 6- ўсимликлар фойдаланадиган сув; 7- сизот (грунт) сув оқими; 8- бугланыш ва десуциация.

аси) турилади. Демак, бу тиңдаги сув режими сизот сувлари са-з жойлашган районлардаги тупроқларда учрайди. Бу тиңдаги сув режими таъсирида тупроқ маълум даражада шўрланади.

Ирригацион тип. Сугорилиб дехқончилик қилинадиган районларда сугориш сувидан йигилиб-тўпланиб вужудга келади. Бу тиңдаги сув режими экинларни сугориш сони ва сугориш нормамига кўра ўзгариб туради. Агарда сугориш сувлари сизот суви атҳига етиб бормаса, у ҳолда бу тиңдаги сув режими ювилмайиган типига яқин ҳолатда бўлади.

Сизот суви юза жойлашган тупроқларда сугориш суви сизот уви сатҳига қадар сизиб боради ва унинг сатҳини кўтариб устки атламлардаги намнинг миқдорини оширади. Натижада бу тиңдаги сув режими терлайдиган типга ўхшаш ҳолатда бўлади. Сугориш увлари тупроқ қатламидаги осон эрийдиган биринчаларни эритиб, овурлар сувига оқизиб борса, бу тиңдаги сув режими ювилладиган ишга ўхшаш бўлади.

Юқорида қисқача характерланган тупроқ сув режимими типларининг классификацияси турли шароитларда юзага келадиган сув режимими типларини тўлиқ ифода этмайди. Шунинг учун ҳам бу оҳадаги тадқиқот ишларини кучайтириш талаб этилади. Кейинни йилларда (1964 йил) С. А. Владиченский ботқоқ тупроқларга ос бўлган тургун тип ва соҳиҳ тупроқлари учун эса, соҳиҳ типи еб айтиладиган алоҳида сув режимими типларини қўшишни тақиғ этади.

Тупроқ сув режимини яхшилаш тадбирлари

Экинлардан мўл ва яхши сифатли ҳосил олиш учун тупроқда лар ҳаёти учун зарур бўлган барча факторларга, жумладан ўсимиклар учун энг қулай ва етарли миқдорда сув тўпланишига алоида эътибор бериш керак. Маълумки, баъзи тупроқ зоналаридаги кинларнинг ўсиш даврида сув етишмайди, айрим районларда эса гин кўп ёғади, атмосфера сувлари ҳамда сизот сувларининг яқин ўлиши ҳисобига тупроқда сув ҳаддан ташқари кўп миқдорда ўпланади. Шунинг учун ҳам тупроқдаги сув миқдори, баланси ва ёжимини ўрганиш ўйли билан тупроқда мўътадил намлик ҳолатини вужудга келтириш ва сув режимини яхшилашга қаратилган ёра-тадбирларни қўйланиш катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда яълум зонадаги экинларга ижобий таъсир этадиган сув режимини яратиш ва муунтазам ҳолга келтириш учун бир ҳанча тадбирлар, жумладан иқлим ва тупроқ шароитини (тупроқнинг таркиби, хоссалари, структураси ва агрономик хусусиятлари) пухта рганилиши асосида агротехникавий, гидротехникавий ва мелиорация тадбирларни ўз вақтида сифатли амалга оширишга жиддий ётибор бериш лозим. Ўрмон-тайга сингари серёғин районларда ва сизот сувлари саёз бўлган гидроморф тупроқли областларда жойларнинг рельефига кўра экин майдонларини текислаш, изот суви сатҳини пасайтириш мақсадида турли хилдаги зовур

За дренажлардан фойдаланиш тупроқнинг сув режимини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади.

Тупроқдаги сув режимининг турлича бўлиши тупроқнинг меҳаникавий таркиби, структураси, чириндиси ва қовушмасига боғлиқ. Структурасиз оз чириндили ва оғир меҳаникавий таркибли тупроқларда жуда зичланган бўлиб, ёғин сувларнинг жуда оз қисмигина (таксминан 15%) шимилади. Бу шимилган сув ҳам ёғиндан кейин уларда ривожланган капилляр йўллар орқали қатламниг юқори қисмига кўтарилади ва тез буғланаб кетади. Бундай ерларда сугориш сувлари ҳам тупроқда жуда секин шимилади ва тупроқнинг устки юпқи қаватигина намлавиб настки қисмларига эса сув деярли ўтмайди. Натижада ана шундай структурасиз оғир таркибли тупроқларда сув режими яхши бўлмайди ва ўсимликлар нам билан етарли даражада таъминланмайди.

Қумоқ таркибли ва структурали тупроқнинг сув режими бутунлай бошқачадир. Уларда иокапилляр йирик коваклар кўп бўлганлигидан ёғин сувларнинг кўп қисми (таксминан 5%), шунингдек сугориш сувлари агрегатлар орасидаги йўллар орқали тупроқнинг настки қатламларига осон шимилади. Бу тупроқларниг нам сиёми яхши бўлганлигидан нам узоқ сақланади ва жуда секинлик билан буғланади. Шунинг учун тупроқ сув режимини яхшилаш мақсадида тупроқнинг қумоқ таркибли бўлишига, структурасининг яхшилашига қаратилган тадбирларни ўз вақтида қўлланиш лозим. Тупроқда вужудга келган қатқалоқни бороплаш намнинг буғлананишини кескин оширади.

Дала атрофига иҳота дарахтзорлар ташкил қилиш тупроқда нам тўпланиши ва сақланishiда ўзига хос катта аҳамиятга эга, чунки дарахтзорлар экин майдонларида қорниг тўпланишига ва намнинг тез буғланishiiga сабаб бўладиган шамолнинг салбий таъсирини кескин камайтиради.

Атмосфера ёғинлари кам бўладиган областлардаги тупроқлар (қўнгир тусли тупроқ, бўз тупроқ, қақир тупроқ, тақир тупроқ ва чўл тупроқ) циаг сув режимини яхшилашда сугориш сови ва нормаси муҳим аҳамиятга эгадир. Экинларни сугораётганда тупроқнинг меҳаникавий таркиби, структураси, қовушмаси, сув хоссалари, сув тўйсар горизонт ва грунт суви чуқурлиги сингари хусусиятлари ҳамда экинларнинг сувга бўлган талабини пухта ўрганиш асосида олиб борилса, сув режими нормал ҳолда бўлади.

XI боб

ТУПРОҚНИНГ ҲАВО ХОССАЛАРИ ВА ҲАВО РЕЖИМИ

Тупроқнинг муҳим қисми ҳисобланган ҳаво тупроқларда маълум миқдорда бўлади. Тупроқнинг сувсиз ковакларига ҳаво асосан атмосфера орқали кириб туради, қисман эса тупроқдаги биохимиявий процесслар натижасида тўпланади. Тупроқнинг газсимон фазасидаги ҳаво ўсимликлар ҳаёти учун зарур факторлардан бири

таъмийлайдиган асосий маңба ҳисобланади. Демак, ўсимликларнинг нормал ўсиб, ривожланиши учун тупроқда етарли миқдорда ҳаво бўлиши керак.

Тупроқда яшайдиган айрим бактериялар ҳаёти учун ҳам тупроқ ҳавоси муҳим роль йўнайди. Тупроқда ҳаво етишмаса алоҳида групсадаги бактериялар ҳаёт кечира олмайди ва натижада органик қолдиқлар яхши чиримасдан азотли озиқ моддаларвинг пайдо бўлиши учун шароит бўлмайди.

Тупроқ ҳавоси таркибидаги кислород қатламдаги турли минерал ва органик моддаларни оксидлайди. Натижада оксидланган баъзи элементлар эрувчан ҳолга ўтса, баъзилари қийин эрийдиган бўлиб қолади. Тупроқдаги органик моддаларнинг оксидланиши туфайли кечадиган химиявий процесслар натижасида биологик аҳамиятга эга бўлган азот, фосфор, олтингугурт, карбон сингари бир қанча элементларнинг кичик биологик айланиши юзага келиб туради. Ҳаво етарли бўлмаган тупроқ қатламларида эса ўсимликлар ҳаёти учун зарарли бўлган химиявий бирикмалар вужудга келади. Ўсимликлар учун энг зарур ҳисобланган азот анаэроб шароитда газ ҳолдаги бирикмаларга ўтиб, тупроқдан атмосферага чиқиб кетади. Демак, тупроқнинг унумдорлигида сув каби тупроқдаги ҳавонинг аҳамияти катта.

Тупроқдаги ҳаво миқдори унинг типлари, механикавий ва органик таркиби, структураси, намлик ҳолатига ҳамда маданий ҳолатига кўра ўзгариб туради. Бинобарин, тупроқ ҳавоси тупроқнинг суюқ ва қаттиқ фазалари билан жуда яқли ўзаро муносабатда бўлади.

Карбонат ангидрид билан тўйингган тупроқ әритмаси тупроқдаги доломит, кальцит, магнезит, сидерит сингари минералларнинг эришини тезлаштиради. Шунинг учун тупроқ ҳавосининг таркиби, хоссаларини ва унинг режимини мукаммал ва пухта ўрганиш бир қанча агрономик масалаларни тўғри ва самарали ҳал этишга ёрдам беради.

Тупроқ ҳавосининг таркиби ва динамикаси

Тупроқ қатламидаги ўсимлик илдизлари, турли жониворлар ва микроорганизмларнинг нафас олиши, шунингдек ҳар хил микробиологик ва химиявий жараёнлар бўлиб турганлиги натижасида тупроқ ҳавосининг таркиби атмосфера ҳавосидан мальум даражада фарқ қиласи (19-расм).

Тупроқ ҳавосининг таркиби эса атмосфера ҳавосига нисбатан бошқача ва ўзгарувчан характердадир. Тупроқ ҳавосида кислород оз бўлиб карбонат ангидрид миқдори кўпидир. Шунингдек тупроқ ҳавосидаги азотининг миқдори ҳам ўзгариб туради. Тупроқда ёркин ҳаёт кечирадиган микроорганизмлар ва тутунак бактериялар тупроқ ҳавосидаги азот миқдорини камайтиради, аммо денит-

**Атмосфера ва тупроқ ҳавосининг таркиби
(ҳажмита нисбатан % ҳисобида)**

Газлар	Атмосфера ҳавосида	Тупроқ ҳавосида
Азот* N_2	78,08	78,08—80,24*
Кислород (O_2)	20,95	20,9—0,0
Аргон (Ar)	0,93	—
Карбонат ангидриди (CO_2) ва бошқалар (H_2O буғлари, CH_4 ва бошқалар)	0,03 0,01	0,03—20,0 —

рификация ва оқсил моддаларининг парчаланиш жараёни натижасида тупроқ ҳавосида азот маълум миқдорда кўпаяди. Ботқоқ ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар ҳавосида жадвалда кўрсатилган газлардан ташқари, аммиак (NH_3), метан (CH_4), водород сульфид (H_2S), водород сингари газлар ҳам учрайди. Тупроқ ҳавосида доим маълум миқдорда сув буғи бўлади. Қейинги йиллардаги (Н. Г. Холдиний 1953) текширишлар тупроқ ҳавосида турли микробиологик процесслар натижасида ҳосил бўладиган турли углеводородлар, спиртлар, алъегидлар ҳам мавжудлигини кўрсатади.

Тупроқ ҳавосида радиоактив элементлар — актиний (Ac), радий (Ra), торий (Tl) ишлар эманацияси (парчаланиши) пайтида вузудга келган газлар ҳам бўлиши мумкин.

Тупроқ ҳавосидаги газлар тупроқ заррачалари ва эритмаси томонидан сингдирилади. Газларниң сингдирилиши тупроқниң минералогик ва механикавий таркибига ҳамда чириндисиниң миқдорига боғлиқ. Газларниң тупроқда сингиш даражаси ҳам турдичадир. Карбонат ангидриди кўп, кислород ундан камроқ, азот эса жуда кам миқдорда сингади, сув буғи ҳаддан ташқари кўп сингади. Тупроқ ҳавосидаги айрим газларининг сингишида тупроқ химиявий ва минералогиявий таркиби жуда катта аҳамиятга эга. Текширишлар тупроқ чириндиси аммиакни ва сув буғларини яхши сингдиришини, кварц ва оқак сингари тупроқ минераллари эса газларни жуда кучсиз сингдиришлигини кўрсатади. Демак тупроқ таркибида чиринди қанча кўп бўлса, фойдали газлар унга шунчак кўпроқ сингади.

Тупроқ ҳавосидаги барча газлар орасида кислород ва карбопат ангидриди энг кўп динамик (ҳаракатчан) хусусияти билан ажralib туради. Бу эса ўз навбатида тупроқдаги турли организмлар ҳабтида жуда катта роль ўйнайди.

* Азот — аргон.

Тупроқнинг таркиби ва физик-механикавий хоссаларига қўра, тупроқда агрономик аҳамиятта эга бўлган аэрация ҳодисалари мунтазам равишда бўлиб туради. Қўйида тупроқнинг энг муҳим ҳаво хоссалари ҳақида маълумотлар келтирилади.

Тупроқнинг ҳаво сифими. Қуруқ ёки нам тупроқлар орасидаги сувсиз ковак ва бўшилиқларда маълум миқдордаги ва ҳажмдаги ҳавони ушлаб қолиш қобилиятига тупроқнинг ҳаво сифими дейилади.

Ҳаво сифими тупроқнинг чиринди миқдори механикавий ва органик таркиби, структураси, қовушмаси ва намлик даражасига боғлиқ. Фовак қовушмали ва нами кам тупроқларда одатда ҳаво кўп бўлади. Ҳаво сифими динамик ҳолатда бўлиб, тупроқнинг козаклиги ва намлиги ўзгариши билан ўзгариб туради.

Тупроқнинг ҳаво ўтказувчалиги. Тупроқнинг ўз қатламлари орқали ҳавони ўтказиш қобилиятига унинг ҳаво ўтказувчалик хоссаси дейилади. Бу муҳим ҳаво хоссаси туфайли қатламлардаги тупроқ ҳавоси билан атмосфера ҳавосининг алмашиниши учун қулай шароит тугилиб, аэрация яхшилаанди. Натижада тупроқ ҳавосида кислород кўпайиб, карбонат ангирид миқдори эса камайди. Донадор-структурални тупроқларда ҳаво ўтказувчалик айниқса яхши бўлади, чунки агрегатлар оралигида иокацилляр йирик коваклар, агрегат зарралари орасида эса капилляр коваклар бўлади. Шу сабабли структурални тупроқларда сув ва ҳаво орасида зиддият деярли бўлмайди ҳамда тупроқнинг сув ва ҳаво режими мўътадил бўлади.

Тупроқда ҳаво алмашиниши. Тупроқнинг газсимони қисми билан атмосфера ҳавосининг тўхтовсиз ва маълум тезликда алмашиниб туришига аэрация ёки газ алмашиниши процесси дейилади. Қўйида аэрациянинг энг муҳим омиллари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилади.

Диффузия тупроқ қатламидаги ўзига хос порциол босим таъсирида газларнинг алмашиниб туришидир. Илгари айтилганидек тупроқ ҳавосида атмосфера ҳавосига иисбатан кислород ҳамма вақт оз карбонат ангирид эса кўп бўлади. Диффузия процесси туфайли атмосфера кислороди билан тупроқдаги карбонат ангириди узлуксиз алмашиниб туради.

Температура ва барометрик босим ўзгариши ҳам тупроқ аэрация жараёнининг факторларидан ҳисобланади. Қуёшлиниг ҳарорати таъсирида тупроқнинг устки чириниди қатлами (айниқса серчиринди қатлами) температурасининг кундузи кўтарилиши ва кечаси пасайиши ватижасида маълум даражада газ алмашиниши бўлиб туради, чунки температура пасайиши билан атмосфера ҳавосининг бир қисми тупроқ қатламига киради.

Еғин сувлари ва ерни суворганда бериладиган сувлар тупроқ қатламидаги ҳавони сиқиб чиқариши ва шунингдек физикавий

Бүгланиш натижасида ҳам маълум даражада аэрация процесси бўлади. Шамол ҳам газ алмашинишинг факторларидаи бироқ ҳисобланади. Шамол таъсирида бўладиган аэрация шамонниг тевлиги, жойнинг рельефи, тупроқнинг структураси ва ерни ишланиш характеристига кўра ҳар хил бўлади. Газ алмашинишинг кўрсатилгав бу факторлари табиий шароит хусусиятларига кўра ўзаро тикин муносабатда ва биргаликда таъсири этади, бироқ диффузия процесси тупроқ қатламларида узлуксиз равишида бўлиб турадиган аэрациянинг энг муҳим ва асосий фактори ҳисобланади.

Одатда говак қовушмали нимхушк тупроқларда газ алмашиниш жараёни нормал кечади. Тупроқдаги микроорганизмлар ва ўсимлик илдизлари кислородни сингдириб карбонат ангидридни инқариши натижасида бўлаётган биологик процесс туфайли газ алмашиниши айниқса кучаяди. Шунингдек, тупроқда яшайдиган жониворлар ҳосил қилган коваклар ҳам газ алмашинишни анча ўсмонлаштиради. Демак, тупроқда мунтазам равишида ҳаво алмаштиб туриб, гўё тупроқ «нафас» олади. Тупроқнинг «нафас» олиш процессида ҳам тирик организмлардаги сингари кислород олиниб, карбонат ангидриди чиқарилиб турилади.

Тупроқда газ алмашинишни ўрганиш юзасидан ўтилизилган текширишлар кўрсатишича, тупроқнинг 25—35 см қалинлигидаги қатламларидағи ҳаво бир соат давомида тамомила алмашиниб, ўнгилавиб турар экан.

Тупроқ ҳавоси таркибидаги кислород ва карбонат ангидриди ўсимликлар ва микроорганизмлар ҳаётига ва шунингдек тупроқнинг бир қанча хоссаларига бевосита ёки билвосита таъсири этади.

Кислород етарли миқдорда бўлмагандан тупроқнинг «нафас» олипи қийинлашади ва натижада ўсимликнинг эркин ўсиши учун шароит өмонлашиб, ҳосилига салбий таъсири этади. Аэрациянинг яхшиланishi билан тупроқда кислород кўпаяди ва аэробактериялар фаолияти кучаяди, ўсимликларнинг илдизлари яхши ўсади ва тупроқнинг сув ҳамда озиқ режимлари яхшиланади ҳамда экинлар ҳосили юқори бўлади.

Тупроқ ҳавосида 20% атрофида кислород бўлганда ўсимликлар ҳаёти учун мўътадил ҳаво шароити вужудга келади. Тупроқ ҳавосида карбонат ангидриднинг кўпайиб кетиши уруғининг униб тикини ёки ишқолнинг нозик илдизлари ўсиши ва ривоҷланишига салбий таъсири этади, бу эса экин ҳосил сифати ва миқдорининг пасайшишига сабаб бўлади.

Тупроқ ҳавосида етарли миқдорда кислород бўлганда аэрация жараёни яхшиланади, ўсимлик ҳаётининг бошқа факторлари ҳам нормаллашади, бунинг натижасида экинлар авж олиб ўсанчи ва мўл-кўл ҳосил бўлади, демак, тупроқнинг унумдорлиги ошади.

Тупроқнинг ҳаво режими ва уки яхшилаш тадбирлари

Тупроқда ҳаво режимининг оптимал ва мўътадил бўлиши ўсимликларнинг нормал ўсиб, ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам тупроқдаги ҳавони ўсимликлар ва микроорганизмлар ҳаёти учун зарур ҳамда етарли миқдорда қулай ҳолда бўлишига жиддий эътибор бериш керак. Тупроқнинг механикавий ва органик таркибини, структураси ва қовушмасини яхшилаш ҳаво режимини қулай ҳолга келтиради. Шунингдек, экин майдонларини ўз вақтида сифатли қилиб ишлаш ҳайдалма ости зич қатламини юмшатиш, қатқалоқни йўқотиш, экин майдонларини чопиш ва культивациялаш сингари агротехникавий тадбирлар ҳам аэрацияни ва ҳаво режимини яхшилади.

Сернам ва ботқоқ тупроқларда ҳаво режимини яхшилаш учун ерларни қуритиш ва сизот сувлари сатҳини пасайтириш сингари мелиорация тадбирларини ҳам албатта амалга ошириш лозим.

Тупроқ сув режимини яхшилашга қаратилган агротехникавий ва агромелиорация тадбирлари (Х боб охирига қаранг) айни бир вақтда тупроқ ҳаво режимининг қулай бўлишига ҳам таъсир этади.

XII б о б

ТУПРОҚНИНГ ИССИҚЛИК (ТЕРМИК) ХОССАЛАРИ ВА ИССИҚЛИК РЕЖИМИ

Иссиклик режими тупроқнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги химиявий, биологик, биохимиявий процессларда ҳамда тупроқ унумдорлигига катта аҳамиятга эга ва муҳим роль йўнайди. Ўсимликларнинг уруғдан униб чиқиши, нормал ўсиб ривожланиши, шунингдек, тупроқдаги турли микроорганизмнинг яхши ҳаёт кечириши тупроқдаги иссиқликка боғлиқ. Экилган турли экин уруғларининг униб чиқишида тупроқдаги температура интервали ҳар хил бўлади (20-жадвал).

20-жадвал

Уруғларнинг униб чиқиши учун тупроқдаги температура
интервали (0° ҳисобида)

Ўсимликлар	Минимум	Оптимум	Максимум	Ўсимликлар	Минимум	Оптимум	Максимум
Бугдой, арпа Жавдар, сули	0—5 0—5	25—31 25—31	31—37 37—44	Макнажӯҳори Рӯза, шоли, қо- воқ	5—10 12—14	37—44 37—44	44—50 44—50
Кора бугдой Кунгабоқар	0—5 5—10	25—31 31—37	37—44 37—44	Қовуи, бодриват	15—18	31—37	44—50

Тупроқнинг бу қобилияти унинг минералогик, механикавий таркиби ва органик моддалар миқдори ҳамда қовушмаси ва тупроқнинг қаттиқ, суюқ, газ фазалари орасидаги ўзаро нисбатига борлиқ. Ҳаво иссиқликни ёмон, сувни яхшироқ, минерал жинсларни эса жуда яхши ўтказади. Чириндиди иссиқликни жуда суст ўтказади, лекин иссиқликни узоқ сақлайди. Оз чириндиди, структурасиз, зич ҳолдаги нам тупроқ иссиқликни яхши ўтказса-да, уни узоқ сақлаб турға олмайди.

Тупроқнинг иссиқлик тарқатиши. Тупроқнинг 1 см² сатқадап бир сонияда тарқалиб кетаётган иссиқлик миқдорига унинг иссиқлик тарқатиши хоссаси дейилади. Демак, тупроқдаги қуёш нуридан келәттеган иссиқлик энергиясининг бир қисми атмосферага тарқалиб туради. Иссиқликни тарқалиши тупроқнинг минерал ва органик таркибиға, намлық даражасига, шунингдек ер устки қатламининг текислик ҳолатига борлиқ. Сернам тупроқ нами оз ва қуруқ тупроққа нисбатан иссиқликни күпроқ тарқатади. Серчириндиди тупроқларда иссиқлик узоқ сақланади. Устки қатлами потекис бўлган тупроқ юзаси текис юзага нисбатан күпроқ миқдорда иссиқ тарқатади.

Ўсимлик ва органик қолдиқлар, шунингдек қор билан қопланган тупроқлар юзасидан иссиқлик атмосферага кам тарқалади. Шамоллар таъсирида ҳам тупроқ юзасидаги иссиқлик тезроқ тарқалиб кетади. Демак, органик моддалар билан қопланган ва қор остидаги тупроқ яланг ерлардаги тупроққа қараганда доим иссиқ бўлади.

Тупроқнинг иссиқлик (термик) режими

Тупроққа иссиқликниң келиши, сингдирилиш ва тарқалиш жаёнларидан иборат бўлган ҳодисаларнинг умумий йигиндисига упроқнинг иссиқлик режими дейилади. Тупроқ температураси иссиқлик режимининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Шунинг чун иссиқлик режими кўпинча тупроқ температураси ҳам дейилади. Қуёш энергияси тупроқ юзасини кечакундуз (сутка) мобайида ва йилнинг айрим фасларидә бир хилда қиздирмайди. Биобарин, тупроқ температурасининг кечакундуз давомида ва мавумий ўзгариб туриши ҳолати юзага келади.

Тупроқ температурасининг кечакундузлик давомидаги макспитал миқдори кундузи соат 13 атрофида, қуёш чиқиш олди пайтида ҳам минимал даражада бўлади. Температуранинг ўзгариб туриши сосан тупроқнинг устки (0—5 см) қатламида бўлиб, 40—50 см ҳамда чуқурроқ горизонтларда кечакундузлик ўзгариш деярли ўлмайди.

Тупроқ температурасининг кечакундузлик (суткалик) ўзгашига ҳавонинг очиқ ёки булутли бўлиши, ёғин-сочин, шамол зъясири ҳамда тупроқнинг таркиби ва хоссалари, шунингдек ер засининг ўсимлик ёки қор билан қопланганлиги катта таъсири

ратураси Урта Осиёда $70-75^{\circ}$ ва троцук мамлакатларда эса 82° га етади.

Тупроқнинг ўртача йиллик температураси июль ва август ойларида максимал, январь ва февраль ойларида эса минимал дарражада бўлади. Ёз фаслида иссиқлик одатда тупроқ устки қатламида унинг қуий қатламига ўтади. Қиши пайтида эса аксинча иссиқлик қуий ҳолатдан юқорига кўтарилади.

Тупроқ температурасига жойнинг рельефи ҳам катта таъсир кўрсатади. Жойнинг жанубий (кунгай) ён бағридаги тупроқ энг иссиқ, сўнгра гарбий ва шарқий ёл бағридаги тупроқлар иссиқ бўлади ва шимолий (терскай) ён бағир қанча тик бўлса, улардаги тупроқлар температурасида фарқ шунча кўп, аксинча ён бағирлар тикинги оз бўлса, жанубий ва шимолий томондаги тупроқлар температурасидаги фарқ жуда кам ($0,2-1,5^{\circ}$) бўлади.

Водийлардаги тупроқлар тепалик ва юқори зоналардаги тупроқларга нисбатан куандузи кўпроқ иссииди ва кечаси эса тезроқ совийди, чунки водийда иссиқ ва совуқ ҳаво тез алмашиниб туради.

Ўсимликлар ёз фаслларида иссиқлик энергияси оқимларининг тупроқ юзасига этиб келишини камайтиради, қиши мавсумида эса тупроқдаги иссиқликнинг тарқалиб кетишидан сақлайди. Шунинг учун серўт ва сердараҳт ерлардаги тупроқлар температураси ёзининг иссиқ кунларида ҳам яланг ерлардаги тупроқ температурасидан анча паст бўлади. Бундай тафовут тупроқниг устки қатламида $10-20^{\circ}$ ва ундан ҳам ортиқроқ бўлади.

Қор қоплами тупроқдан иссиқликнинг тарқалиб-чиқиб кетишни камайтиришда муҳим роль ўйнаб, тупроқни тез совишдан сақлайди.

Енгил механикавий таркибли (қумли, қумлоқ) ғовак қовушмали, қуруқ тупроқлар баҳор ва ёз мавсумларида иссиқ бўлиб, аммо куз фаслида соз таркибли тупроққа қараганда совуқроқ бўлади. Бу хилдаги температура фарқи тупроқнинг устки қатламида ($20-25 \text{ см}$) $1-5^{\circ}$ ни ташкил этиб, айрим географик зоналарда бу кўрсаткич ўзгаради. Температура айниқса $100-120 \text{ см}$ қалинликдаги қатламда оз даражада ўзгаради. Сернам ва иссиқлик сиғими юқори бўлган ботқоқ ва торфли ботқоқ тупроқлар совуқ тупроқлар ҳисобланади.

Тупроқнинг музлаши одатда ҳаво температураси 0° дан бир оз паст бўлганда бошлигади, чунки тупроқ суви таркибида маълум миқдорда эриган моддалар бўлиши музлаш температурасини анча пасайтиради, шунингдек, музлаш температурасига тупроқдаги сувнинг физикавий ҳолати ҳам таъсир этади. Тупроқ қатламида эркин ҳолдаги сув — $0,1^{\circ}$ дан $-1,5^{\circ}$ оралигидаги температурада, аммо биринчан сув эса $-1,5^{\circ}-4^{\circ}$ да музлайди. Тупроқнинг музлашига ҳавонинг температураси, жойнинг рельефи, тупроқнинг хоссалари ва намлиги, шунингдек ўсимлик ва қор қоплами ҳамда инсоннинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги фаолияти таъ-

сир этади. Тупроқнинг музлашига қор қоплами катта таъсир кўрсатади, чуғни қор иссиқликин ёмон ўтказганилиги туфайли тупроқни музлашдаи саҳлади. Қор тагида одатда тупроқнинг 20—40 см ли қатлами, қорсиз ерларда эса тупроқ 150 см гача музлади. Тупроқнинг музлашига қорнинг ёғиш вақти ҳам таъсир этади. Агар қор қаттиқ совуқдан илгари ёғса, тупроқ яхши музламайди, аксинча совуқдан кейин кечикиб ёғса, тупроқ анча чуқур қатламларигача музлади. Ўрта Осиё ва Закавказъеда кўпинчча илиқ бўлганилигидан тупроқнинг юза қатламигина бир оз вақтинича музлади ёки мутлақо музламайди.

Ўсимлик қоплами тупроқнинг иссиқлик режимига анчагина таъсир этади. Айниқса, дарахтлар тупроқ юзасини соя қилиб, кундузги температурасини пасайтиради, кечаси эса иссиқлик тарқалиб кетишини секинлаштиради. Ўрмоизордаги тупроқнинг кеча-кундузлик ва йиллик температура амплитудаси ўрмонсиз жойлардагига қараганда кечроқ бошлашади, қор ва музлар секинлик билан эрийди.

Мамлакатимизнинг шимолий ва шимоли-шарқий районларида кўп йиллар давомида музлаб ётган «асрий музлик» ҳам учрайди. СССРда «асрий музлик» таҳминан 10 млн. км² майдонни эгаллайди. Ёз фаслида доимий музлаган бу тупроқнинг ғақат устки юнга қатлами эрийди ва шу зонага хос биологик процесслар бошланиб, тупроқ юзасида йўсун ва бақа ўтлар сийрак ҳамда заниф ҳолда ўса бошлади.

Тупроқнинг иссиқлик (термик) режимини яхшилаш тадбирлари

Иссиқлик режими тупроқдаги физикавий, химиявий ва биологик процессларга ҳамда ўсимликнинг ҳаёти ва ривожланишига жуда катта таъсир этади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигига тупроқ иссиқлик хоссаларини ўргалиш ва уни ҳар қайси зонадаги автоморф ва гидроморф тупроқлар шароитига мослаштириб бошқариш катта аҳамиятга этадир. Турли ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш даврида талаб этиладиган иссиқлик миқдори бир хил бўлмайди. Баъзи экинлар уругининг униб ва кўкариб чиқиши учун зарур минимал температура миқдори 22-жадвалда келтирилади.

Демак, турли ўсимлик уругларининг униб ва кўкариб чиқиши учун керакли минимал температура 1—15° атрофида бўлиб, уларнинг ривожланиши учун мўътадил ҳарорат 30—35° ни ташкил этади.

Тупроқда температура паст бўлса, ўсимликнинг ўсиши су сайиб, етилиш даври чўзилади, тупроқнинг сув ва озиқ режими пасаяди ва биохимиявий процесслар ёмонлашади, натижада экин хосили камаяди. Демак, тупроқнинг иссиқлик режими ўзига хос агрономик аҳамиятга эга.

**Экин уруғларининг униб ва кўкариб чиқиши учун
керакли минимал температура
(Н. В. Степанов)**

Экинлар	Урганиш	
	униби	кўкариб чиқиши
Бутдой, арча, нўхат, беда, йўнгичка	0—1	2—3
Лавлаги, зигир	3—4	6—7
Картошка, кунгабоқар	5—6	8—9
Жўхори, тарик, соя	8—10	10—11
Лювия, канакунжут	10—12	12—13
Ғўза, кунакут, шоли, арахис	12—14	14—15

Тупроқдаги микроорганизмлар ҳәти ва микробиологик жараёнлар учун 25—35° мўътадил температура ҳисобланади.

Тупроқнинг иссиқлик режимини яхшилаш туфайли ўсимликларининг яхши ўсими, ривожланиши ва юқори сифатли мўл ҳосил берishi учун қулай шаронт вужудга келтирилади. Шу мақсадда бир қанча агрокомплекс тадбирларни амалга ошириш ва тупроқнинг сув-ҳаво режимини яхшилаш талаб этилади.

Ерни ўз вақтида, совуқ тушмасдан олдин ағдармали плуг билап чуқур қилиб шудгорлаш тупроқ термик режимини яхшилашдаги эфектли агротехникавий тадбирлардан бири ҳисобланади. Тупроқпинг устки қисмини юмшатиш ва молалаш ҳам тупроқнинг иссиқлик режимини яхшиладайди.

Иссиқлик режимини яхши ҳолда сақлаш ва тупроқ температурасининг нормал ҳолда бўлишини таъминлашда иҳота дарахтзорларининг роли ҳам каттадид. Бу дарахт полосалари кучли шамолларни тўсади, тупроқ юзасидаги қорларнинг ўринисиз учирилиб кетишидан ва ернинг юза қисмини чуқур музлашдан сақлайди.

Сугорилиб дехқончилик қилинадиган районларда тупроқнинг қора совуқ пайтида музлаб қолмаслиги учун одатда ер сугорилиб, термик режими яхшиланади. Эз мавсумидаги сугориш эса тупроқ юзасини ортиқча қизиб кетишдан сақлайди.

Сизот сувлари саёз бўлгани ўтлоқ-ботлоқ ва ботқоқликларни қуритиш ҳам тупроқнинг иссиқлик режимини яхшиланишида муҳим аҳамиятга эга.

Ерга солинадиган органик ўғитлар ҳам тупроқнинг термик режимини яхшилади, чунки органик ўғитини чириши тупроқ температурасининг кўтарилишига ёрдам беради.

Тупроқ температурасини яхшилашда қўлланиладиган эфектли тадбирлардан яна бири тупроқни мульчлаш (яъни тупроқ юзасига чириган гўнг, торф, хас-хашак ва кўмир чангни сипгариш сениш) бўлиб, бу усул тупроқ температурасининг тез қўтарилиб ва иссиқлик озроқ тарқалишига сабаб бўлади. Мульчлаш тупроқнинг иссиқлик режимини яхшилаш билан бир қаторда тупроқ


С. С. Колотованинг Фарғона водийсида ўтказган тадқиқотлари асосида экин экиладиган ерлар тупроқ эритмасининг осмотик босими 1,37, шўрхокларда эса 24,39 atm атрофида эканлиги аниқланган. Эритманинг босими мавсумларга кўра ҳам ўзгариб туради. Шўрланмаган бўз тупроқлар эритмасининг босими баҳор фаслида 2,27 atm бўлса, июлда ва августда эса 3,29 atm та боради. Оғир механикавий таркибли тупроқларда эса ундан ҳам юқориоқ бўлади. Экин сугорилганда эритма босими анча пасайган. Уша автор маълумотига кўра шўрхокларда осмотик босим баҳорда 8,54 atm, ёзда 12,7—15,4 atm атрофида бўлиб, баъзан 24,39 atm тача кўтарилиган. Эритманинг босими 2—3 atm бўлганда экинларнинг нормал озиқланиши учун мўътадил шароит яратилиди.

Водород (Н) ионининг концентрацияси гидроксил (OH) иони концентрацияси билан баробар бўлганда тупроқ эритмасида нейтрал, ундан ошиқ бўлганда кислотали, кам бўлганда ишқориј реакция юзага келади. Бунда реакция характеристики ифодаловчи pH 7 та тенг бўлганда эритма реакцияси нейтрал, 7 дан катта бўлганда ишқориј, 7 дан кичик бўлганда эса кислотали ҳисобланади.

Тупроқ реакцияси ҳам ўсимликлар ва микроорганизмлар ҳаётида катта роль йўнайди. Айрим ўсимликлар эритма реакциясининг ўзгаришига чидамли бўлса, баъзилари аксинча, чидамсиздир. Кўпчилик ўсимликлар pH 3,5 дан кичик ва 9 дан катта бўлганда яхши ўса олмайди. Сули, жавдар, чой, картошка сингари ўсимликлар кислотали тупроқда ҳам ўса борса-да, аммо лавлаги, бугдой, беда ва ғўзанинг нормал ўсиши учун эритма реакцияси нейтралга яқин (pH 6,5—8) бўлиши керак. Микроорганизмлардан ҳисобланган замбурууглар ҳаёти учун кислотали тупроқларда қулийлик бўлса, нейтрал ва бир оз ишқориј реакцияли тупроқларда эса бактериялар фаолияти яхши ривожланади.

Кислоталик актуал ва потенциал (яширин) грунтларга бўлиниди. Тупроқ эритмасида эркин ҳолдаги водород ионларининг кўп микдорда тўпланиши туфайли вужудга келган кислоталик актуал кислоталик, сингдирувчи комплексда тўплантан водород ионлари ҳисобига юзага келган кислоталикка потенциал (яширин) кислоталик дейилади.


Актуал кислоталик ҳолати гумификация вақтида пайдо бўйган ва сувда эрийдиган органик кислоталар ва карбонат кислотаси таъсирида ҳам вужудга келади. Бундан ташқари, алюминий ва темир сингари элементларининг баъзи тузлари ($AlCl_3$, $FeCl$) таъсирида ҳам актуал кислоталик ҳолат юзага келиши мумкин. Тупроқдаги карбонат ангидриднинг сув билан қўшилиши натижасида карбонат кислота (H_2CO_3) ҳосил бўлади ва бу бирикма қўйидаги реакция асосида осонлик билан Н ва HCO_3^- ионларига ажраллиши сабабли эритмада кислоталик ҳосил бўлади.




Тупроқ әритмасининг актуал кислоталиги асослар билан тўйинмаган тупроқлардагина юзага келиши мумкин, чунки асослар билан тўйинган тупроқларда вужудга келгаян кислоталар сингдирувчи комплексдаги катионлар билан ўзаро реакцияга киришиб шайтранади.

Потенциал кислоталикнинг актуал кислоталикдан фарқи шундаки, у тупроқ әритмаси ва сингдирувчи комплекснинг ўзаро таъсири ва алмашиниш реакцияси натижасида юзага келади. Потенциал кислоталик алмашинувчи ва гидролитик турларга бўлинади.

Сингдирувчи комплексдаги водород (H) ионининг $NaCl$, KCl каби нейтрал тузлар таъсирида сиқиб чиқарилишига алмашинувчи кислоталик дейилади. Бу реакция қўйидаги тенилама асосида боради:




Гидролитик ҳисобланган ишқорий тузлар (CH_3COONa) нинг сингдирувчи комплексдаги водород (H) ионларини сиқиб чиқаришига гидролитик кислоталик дейилади. Масалан:




Гидролитик кислоталик кўпчилик карбонатсиз тупроқларда ҳосил бўлиши, аммо алмашинувчи кислоталик эса сингдирувчи комплекси водород билан тўйинган подзол сингари тупроқлардагина юзага келиши аниқланган. Демак, тупроқнинг кислоталик ҳолати дастлаб гидролитик кислоталикдан бошланиб, сўнгра алмашинувчи кислоталикка ўтиши мумкин.

Ишқорийлик асосан әритмада ишқорий тузларнинг бўлишига ва тупроқ сингдирувчи комплексида натрий (Na) катионнинг борлигига боғлиқ. Сингдирувчи комплекси натрий билан тўйинган тупроқ (шўртоб тупроқ) ва таркибида карбонат кислота (H_2CO_3) бўлган әритма орасидаги ўзаро қўйидаги реакция асосида сода (NaCO_3) нинг ҳосил бўлишидан ишқорийлик вужудга келади:



Бундан ташқари, таркибида кальций карбонат (оҳан) (CaCO_3) бўлган тупроқда ҳам ишқорий реакция бўлиши мумкин, чунки кальций карбонат сувда әриб, кальций бикарбонат $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$ га айланади ва бу биримма тупроқдаги натрий тузлари билан реакцияга киришиб, сода ҳосил қиласди:



Биологик процесс натижасида ҳам сода пайдо бўлиши мумкин. Масалан, анаэроб олтингурут бактериялар фаолияти туфайли

Тупроқ әритмасини этил спирти ёрдамы билан чиқариб олиш, лизиметрик ва центрифуга усуллари, шунингдек, 1 см² юзага 50 атм, босым билан таъсир этадиган маҳсус прессса сиқиб чиқариш усулларида ҳам камчиликлар бор. Шунинг учун ҳозирги вақтда күнчиллик лабораторияларда сувли сўрим, яъни тупроқ әритмасини дистилланган сув билан сунъий равишда ҳосил қилиш усули кенг қўлланилилади. Лекин сувли сўримдаги эриган моддаларнинг умумий миқдори концентрацияси ва сифати тупроқ әритмасидан ўзгачароқ бўлиши мумкин.

XIV боб

22. ТУПРОҚНИНГ УНУМДОРЛИГИ

Тупроқнинг унумдорлиги, яъни унинг ўсимликларни сув ва озиқ моддалар, шунингдек бошқа зарур шароитлар билан таъмин этиш хусусияти тупроқнинг асосий ва төг жинсларидан фарқ қиласидиган сифати ва хоссаларидан биридир. Тупроқ унумдорлигини тўла ва ҳар томонлама цухта ўрганиш ҳамда қашлоқ хўжалиги фани ютуклари асосида уни тобора ошириш ва яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш тупроқшуносликдаги асосий ва муҳим вазифадир.

К. Маркс ва В. И. Ленин фикрлари асосида тупроқ унумдорлиги ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқиш ва ривожлантиришда академик В. Р. Вильямснинг хизматлари каттадир, у тупроқ унумдорлигининг вужудга келиши ва ривожланишини ўрганиш соҳасида қатор тадқиқот ишлари олиб бориб, деҳқончиликда тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини амалда жорий этиш йўлларини ҳам кўрсатиб берди.

Тупроқнинг жуда мураккаб хоссаси ҳисобланган, унумдорлик тупроқдаги сув ва озиқ моддаларидан ташқари маълум дараҷада иссиқлик, етарли миқдорда ҳаво, нейтралга яқин реакция ва ўсимлик учун заарларни бирикмаларнинг бўлмаслиги сингари шароитларга ҳам боғлиқдир. Шундан аёники, унумдорлик тупроқдаги химиявий, физик-химиявий ва биологик процессларга кўра ўзгариб туради.

Тупроқ унумдорлиги тўғрисида марксизм-ленинизм классиклари таълимоти

Тупроқ унумдорлиги ҳақида энг тўғри назария К. Маркс ва В. И. Ленин асарларида баён этилган. К. Маркс таълимотига кўра, тупроқ унумдорлиги асосан табиий ва сунъий турларга ажратилади.

Ҳали инсон қўли тегмаган бўз ерлар тупроғи табиий унумдорликка эга. Бундай унумдорлик табиий шароит ва тупроқ пайдо бўлиши процессидаги факторларга ҳамда тупроқнинг органик ва миперал таркибига, шунингдек тупроқнинг химиявий, биологикавий ва биохимиявий хоссаларига боғлиқ бўлганидан баъзаан паст, баъзан юқори бўлади.

Тупроқнинг сунъий унумдорлиги инсонлар томонидан вужудга келтирилади. Деҳқончиликда қўлланиладиган ери ишлаш, сугориш, ўғитлаш, эрозиянинг олдини олиш, захини қочириш, шўрини ювиш ва реакциясини яхшилаш сингари агрокомплекс тадбирлар тупроқнинг сунъий унумдорлигини вужудга келтиради. Сунъий унумдорлиги бўйган тупроқда маълум даражада табиий унумдорлик ҳам бўлади.

Эффектли унумдорлик табиий ва сунъий унумдорликнинг ҳақиқий кўрсаткичи бўлиши билан бир қаторда, маълум даврдаги социал-иктисодий тузумнинг тупроққа таъсири натижаси ҳамdir. Бинобарин, техниканинг тараққиёти, илм-фанинг юксалиши, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва ижтимоий-иктисодий муносабатларининг характеристики эфектли унумдорликнинг асосий фактори ҳисобланади.

Тупроқ унумдорлигини бу хилда икки турга ажратиш шартли бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш тўғри эмас. Сунъий унумдорлик даражаси социал-иктисодий шароитнинг тупроққа қавдай таъсири қилишига боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги фанлари ва техника-нинг ривожланиши унумдорликнинг оширилишидаги муҳим фактор ҳисобланади. «Табииёт фани ва агрономиянинг ривожланиши билан,— деб ёзади К. Маркс— ернинг унумдорлиги ҳам ўзгаради, чунки тупроқ элементларининг яроқли ва тез сингадиган бўлиши нинг воситалари ҳам ўзгаради»¹.

Социализм ғалаба қозонган ва коммунизмга дадил бораётган совет мамлакатида тупроқ унумдорлиги тўхтовсиз ошиб бормоқда.

В. И. Ленин ўзининг «Аграр масала ва Марксни танқид қиувчилар» номли гениал асарида тупроқ унумдорлиги тўғрисидаги буржуа олимларининг «назария»лари мутлақо нотўғри ва гайри-имлй эквалигини аниқ далиллар билан исбот этди.

Ҳақиқатни ва кишилик жамияти тараққиёт қонунларининг сирларини, шунингдек табиий ҳодисалар мөҳиятини тўғри тушуна олмаган буржуа олими Булгаков ўзининг «Аграр тараққиёт назарияси»да ер унумдорлигининг камайиб бориши қонунини энг асосий масала қилиб қўйди. В. И. Ленин бу «назария»нинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини исбот этиб, қўйнагиларни ёзади: «Дарҳақиқат ер унумдорлигининг камайиб бориши қонуни» деган машҳур қонуннинг «аниқ ва равшан»лиги пимадан иборат экан? Шундан иборат эканки, агар ерга ҳар сафар сарф қилиниб боргац меҳнат ва капиталнинг берадиган ҳосили камайиб бормасдан, бир хилда маҳсулот берадиган бўлса, у ҳолда экан ерларини умумай қўпайтиришининг кераги бўлмас экан, у ҳолда илгариги миқдордаги ернинг ўзидан, у ер қанчаки кам бўлса ҳам, қўшимча миқдор галла олиш мумкин бўлар экан, у ҳолда «бутиш ер шарининг деҳқончилигини бир десятина ерга жойлаштириш мумкин бўлар экан. «Универсал» қонуни ёқлаб одатда айтиладиган (ва бирдан-бир)

¹ К. Маркс, Кашитал, III том, 1949, 783- бет.

далил мана шу. Агар ҳар бир кимса бир оз ўйлаб кўрса, бу далил ҳеч бир маэмунсиз абстракция эканлигини, бу абстракция энг муҳим нарсан: техника даражасини, ишлаб чиқариш кучларининг ҳолатини ҳеч бир ёътиборга олмаганинги кўради. Аслини олганда «қўшимча меҳнат ва капитал сарф қилиш (ёки ҳар сафар сарф қилиб бориш)» деган тушунчанинг ўзида ишлаб чиқариши усулларининг ўзариши, техниканинг ўзариши деган маъно ҳам бор. Ерга сарф қилинадиган капитал миқдорини анча кўпайтироқ учун янги машивалар ихтиро қилмоқ, янги деҳқончилик система-лари, мол боқиш, маҳсулотни ташибда янги усуллар ихтиро қилмоқ керак ва ҳоказо ва ҳоказо. Шундай қилиб, бутун XIX аср тарихи жуда ҳам турли мамлакатлар ҳақидаги кўпдан-кўп маълумотлар асосида, ҳосиллинг камайиб бориши деган «универсал» қонунни техника тараққийсининг «вактинча» тенденсияси бутунлай ер билан яксон қилинганинги ҳеч бир сўзсиз исбот қилиб кўрсатади, бу техника тараққиси нисбатан (баъзан эса ҳатто абсолют) камайиб бораётган қишлоқ аҳолисининг кўпайиб бораётган аҳоли оммаси учун борган сари кўпроқ деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарашга имкон бермоқда, деб бемалол айтиш мумкин»¹.

Тупроқ унумдорлиги бир қанча фактор ва шарт-шароитга боғлиқдир. Тупроқнинг унумдорлиги аввало унинг таркибида ўсимликлар ҳаёти учун зарур озиқ моддалар сувда эрийдиган бирикма ҳолида ва етарли миқдорда бўлиши керак. Тупроқда озиқ моддалар кўн-у, лекин сув ва ёруғлик етарли бўлмаса, ўсимликлар ўсмайди. Шунинг учун тупроқда озиқ моддалар билан бир қаторда сув ва ёруғлик ҳам зарур. Демак, унумдорлик тупроқдаги озиқ, сув ва ёруғлик шароити сингари тенг аҳамиятга эга бўлган факторларга боғлиқ. Тупроқ унумдорлиги факторларининг тенг, бир хил аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги таълимоти асосида В. Р. Вильямс тупроқ унумдорлигининг пасайиш қонунини қаттиқ ҷоралайди.


Бу соҳада немис олими Вольниининг баҳори жавдар ҳосилига сув, ёруғлик ва ўғит таъсирини ўрганиш тажрибасининг натижаси 11-расмда келтирилади.

Бу графикда келтирилган маълумот ҳақиқатан ҳам «тупроқ унумдорлигининг камайиши қонуни» потўри эканлигини кўрсатади. Демак, ўсимлик ўсишига таъсир этадиган зарурий факторларга фан ва техника ютуқлари асосида таъсир этилса, тупроқ унумдорлиги камаймайди, балки кўпаяди.

Тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирлари

Тупроқнинг унумдор бўлиши учун аввало унинг таркибида ўсимликлар ҳаётига зарур, яъни сувда осон эрийдиган озиқ моддалар етарли миқдорда бўлиши керак. Тупроқда озиқ моддалар билан бир қаторда сув, ҳаво ва иссиқлик ҳам етарли ва мўътадил миқ-

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 5-том, 109—114-бетлар.



Терда бўлиши зарур. Сув, ҳаво, иссиқлик ва озиқ шароитининг яхиланишида тупроқдаги органик чирииди моддалар миқдорининг аперал ва механикавий таркиби ҳамда структурасининг аҳамияти ишта. Сув ва ҳаво режими қулай қумоқ таркибли серчириди ва руқтурали тупроқларда аэроб бактериялар ҳётига боғлиқ бўйни микробиологикавий процесслар яхшиланади ва натижада органик ҳолдаги озиқ моддалар сувда эрийдиган ҳолатга ва ўсимликка он сингадиган минерал шаклга ўтади. Демак, тупроқдаги сув, ҳаво, иссиқлик ва озиқ моддалар эффектли унумдорликнинг муҳим ароитларидан ҳисобланади.

Булардан ташқари, унумдорликнинг эффектли бўлиши ва ўсимларининг нормал озиқланиши ҳамда ривожланиши учун тупроқ-

- 6) бўз тупроқлар зонаси;
- 7) қизил ва сариқ тупроқлар зонаси.

Юқорида баён қилганимиздек тупроқларнинг ўзгариши ўларни пайдо қилувчи факторлар (тупроқ оға жинси, иқлим, рельеф, ўсимлик, ҳайвонлар ва иносон фаолияти) га боғлиқ.

Шунинг учун ҳам СССРнинг ҳар бир тупроқ зоналарида ўзига хос ўсимлик группалари тарқалган, бу эса қуйидаги 7 та ўсимлик зоналаридан иборат (шумодан жанубга):

- 1) тундра;
- 2) тайга ёки мўътадил иқлимдаги нина баргли ва аралаш ўрмонлар зонаси;
- 3) ўрмон-дашт зонаси;
- 4) дашт зонаси;
- 5) қуруқ даштлар зонаси;
- 6) чўллар зонаси;
- 7) чала саваниналар зонаси.

Географик кенглиқдаги тупроқларни пайдо қилувчи факторларни уларнинг таъсирига кўра иккى группага бўлиш мумкин.

1. Қуруқликнинг катта қисмига таъсир этувчи факторлар — иқлим, организмлар ва ернинг ёши. Бу факторлар таъсирида тупроқ типлари ҳосил бўлади.

2. Тупроқнинг она жинси, микроиқлим ва иносон фаолияти. Бу факторлар таъсирида тупроқ типчалари тури ва хиллари пайдо бўлади.

Қуруқликда тупроқнинг пайдо бўлиш шароити ва хоссаларига ёра бир-биридан кескин фарқ қиласидиган 50—70 тача тупроқ типлари бор. Шулардан тоғ тупроқларидан ташқари 12—15 тачаси СССР да учрайди.

Тупроқ классификацияси. Улуг рус олими В. В. Докучаев биничи бўлиб тупроқшуносликда тупроқнинг пайдо бўлишидаги барча факторларни ҳисобга олиб, тупроқнинг генетик классификациясини илмий асосда ишлаб чиқди. Бу олим тупроқ тоғ жинси ўлмай, балки турли факторлар таъсирида доимо тараққий этиб юрувчи мустақил табний жисм эканлигини аниқлади ва бу фикрни тупроқ классификациясини тузишда асос қилиб олди.

Ҳақиқатан ҳам юқорида айтилган зоналарда учрайдиган тупроқлар ўзининг келиб чиқиши, ривожланиши, физик-химиявий ва imotoхимиявий хоссаларига кўра бир-биридан фарқ қиласиди (1886 йил).

В. В. Докучаевнинг классификациясига кўра юқорида баён ишлган тупроқнинг еттига генетик типини З синфга: 1) нормал тупроқлар; 2) ўтувчи; 3) аномалга ажратди. Кейинчалик Н. М. Сибирцев В. В. Докучаев классификациясини бир оз ўзгартиди. Тупроқларнинг пайдо бўлиши ва географик тарқалишини ҳазарда тутиб 7 та тупроқ типини қуйидаги З та зонага: 1) зонал; 2) интроверзонал; 3) азонал тупроқларга бўлади.

Кейинчалик тузилган барча тупроқлар классификациясида 3. В. Докучаев ва Н. М. Сибирцев принциплари асос қилиб олин-

ССР тупроқлари классификациясининг схемаси

Тупроқ типларининг генетик қатори				
Экологик-генетик (бионик-лим) группалари ёки синклини	Автоморф тупроқлар	Ярим гидроморф тупроқлар	Гидроморф тупроқлар	Соҳил аллювиал тупроқлар
1	2	3	4	5
Тундра ва арктика тупроқлари	1. Тундранинг глейли тупроқлари 2. Тундранинг чимли тупроқлари 3. Тундранинг қолдиқ торфли тупроқлари	Тундранинг ботқоқлашган тупроқлари	1. Тундранинг ботқоқ тупроқлари 2. Тундранинг аллювиал ботқоқ тупроқлари	1. Тундранинг чимли соҳил тупроқлари
Тайга-ўрмон тупроқлари	1. Подзоль тупроқлар 2. Чимли подзоль (литоген) тупроқлар 3. Чим карбонатли тупроқлар 4. Ўрмон доимий музлаган ўтлоқи тупроқлари 5. Ўрмон сур тусли глейли тупроқлар	1. Ботқоқлашган подзоль тупроқлар 2. Чим-глейли тупроқлар 3. Ўрмон сур тусли глейли тупроқлар	1. Базандлик ботқоқ тупроқлари 2. Пастлик ботқоқ тупроқлар	1. Соҳил аллювиал чимли тупроқлар 2. Соҳил аллювиал чимли-глейли тупроқлар 3. Соҳил аллювиал ботқоқ тупроқлар
Ўрмон қўнгир тупроқлари	1. Қўнгир тупроқлар 2. Подзоллашган қўнгир тупроқлар 3. Рендзин-қўнгир тупроқлар	1. Қўнгир глейли тупроқлар 2. Ўрмон подзоллашган глейли қўнгир тупроқлари 3. Ўрмон ўтлоқи қора тупроқлари 4. Ўтлоқи қўнгир тупроқлар	1. Ўтлоқи глейли тупроқлар 2. Тўқ тусли ўтлоқи тупроқлари 3. Ўрмон ўтлоқи қора тупроқлари 4. Ўтлоқи қўнгир тупроқлар	1. Соҳил аллювиал қўнгир чимли тупроқлари 2. Соҳил аллювиал қўнгир чимли глейли тупроқлари 3. Соҳил аллювиал ботқоқлашган қўнгир тупроқлари

Давоми

1	2	3	4	5
Дашт тупроқлари	1. Қора тупроқлар 2. Шўртобланган қора тупроқлар 3. Каштан тупроқлар	1. Ўтлоқи қора тупроқлар 2. Шўртобланган ўтлоқи қора тупроқлар 3. Солодлар 4. Ўтлоқи каштан тупроқлар	1. Дашт ўтлоқи тупроқлар 2. Дашт ўтлоқи шўртоб тупроқлар 3. Дашт шўрхоклари 4. Дашт ўтлоқи ботқоқ тупроқлари	1. Дашт соҳил аллювиал ўтлоқи тупроқлар 2. Дашт соҳил аллювиал сернам ўтлоқи тупроқлари 3. Дашт соҳил аллювиал ботқоқлашган қўнгир тупроқлари
Ярим чўл ва чўл тупроқлари	1. Ярим чўл қўнгир тупроқлар 2. Чўл сур тусли қўнгир тупроқлар 3. Чўл тақирисимон тупроқлари 4. Чўл қумла тупроқлар 5. Тақирилар 6. Ярим чўл шўртобланган тупроқлари 7. Чўл шўрхоклари 8. Сугориладиган чўл тупроқлар	1. Ярим чўл ўтлоқи ботқоқ тупроқлари 2. Чўл ўтлоқи тупроқлари 3. Ярим чўл ўтлоқи шўртоб тупроқлар 4. Сугориладиган ўтлоқи чўл тупроқлари	1. Ярим чўл ўтлоқи тупроқлари 2. Ярим чўл ва чўл гидроморф шўрхоклари	1. Чўл соҳил аллювиал ўтлоқи тупроқлар 2. Ярим чўл ва чўл соҳил аллювиал ўтлоқи ботқоқ тупроқлари
Ярим чўл төг олди тупроқлари	1. Бўз тупроқлар 2. Сугориладиган бўз тупроқлар	1. Ўтлоқи бўз тупроқлар 2. Сугориладиган ўтлоқи бўз тупроқлар	1. Бўз тупроқлар зонасининг ўтлоқ тупроқлари 2. Бўз тупроқлар зонасининг ботқоқ тупроқлари 3. Бўз тупроқлар зонасининг шўрхок тупроқлари	Бўз тупроқлар зонасининг соҳил аллювиал тупроқлари

Даесми.

1	2	3	4	5
Нам субтропик түргөндар	1. Сарық түреклар 2. Подзональдагы сарық түреклар 3. Қызыл түреклар	1. Глейли сарық түреклар 2. Номадлапшаган сарық түреклар 3. Глейли қызыл түреклар	1. Сернам субтропик боткөк түреклар 2. Сохил аллювиял даңыз күрғоя нам субтропик чимли түргөндар	1. Сохил аллювиял даңыз күрғоя нам субтропик чимли түргөндар 2. Сохил аллювиял даңыз күрғоя нам субтропик глейли түргөндар
Ярым күрүк субтропик түреклар	1. Жигар ранг түреклар 2. Сур тусли жигар ранг түреклар	1. Утюкки жигар ранг түреклар 2. Утюкки сур жигар ранг тусли түреклар 3. Жигар ранг да сур тусли түрек зонасанның ўтюкки түреклар	1. Утюкки жигар ранг түреклар 2. Жигар ранг да сур тусли түрек зонасанның ўтюкки түреклар 3. Сохил аллювиял жигар ранг да сур тусли түрек зонасанның ўтюкки түреклар	1. Сохил аллювиял жигар ранг да сур тусли жигар ранг түреклар 2. Сохил аллювиял жигар ранг да сур тусли түрек зонасанның ўтюкки түреклар 3. Сохил аллювиял жигар ранг да сур тусли жигар ранг түрек зонасанның ўтюкки түреклар

ган. Тупроқларнинг муҳим ва асосий хусусиятларини ўрганишда ва уларни маълум тип, типча, тур ва хилларга ажратишда тупроқ классификациясини ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган қилиб тузишда В. В. Докучаев Н. М. Сибирцев назарияларини давом эттиришда таниқли олимлардан П. С. Коссович (1910), С. С. Неуструев (1925), К. К. Гедройц (1927), Е. Н. Иванова, Н. Н. Розов (1956) ва И. П. Герасимов (1957) асарлари ва уларнинг хизматлари катта. Бу олимларнинг самарали ижобий меҳнатлари туфайли ҳозирги кунда СССР тупроқларининг қуйидаги янги классификацияси тузилди.

Табиатда тупроқ зоналари ва тупроқ типлари ҳам ўзгариши мумкин. Шунинг учун тупроқларни шартли равишда тип, группа ва хилларга ажратишда тупроқ пайдо қилувчи ягона процессининг айрим босқичи ва фазаларини, тупроқ пайдо қилувчи она жинсли ва тупроқнинг механикавий таркибини эътиборга олиш лозим.

Булардан ташқари, тупроқнинг ишланиш даражаси (бўз ер, экин ери, сугориладиган ёки сугорилмайдиганилиги, шўрланган ёки шўрланмаганилиги, ботқоқланиш даражаси ва бошқалар) кўрсатилиши керак. Шунинг учун ҳам тупроқ классификацияси тўлиқ тузишган ва доимий ҳисобланмайди. Ҳар бир мамлакат тупроқларининг барча хусусиятларини янада батафсил ўрганиб, тупроқ пайдо бўлиш процесси назариясини такомиллаштириб тупроқ классификациясини доимо тўлдирилади ва уни дехқончиликнинг янги ва юксак талабларига жавоб берадиган қилиб, энг сўнгги маълумотлар билан янгилаб туради.

СССРНИНГ ТУПРОҚЛАРИ

XVII боб

ТУНДРА ВА АРКТИКА ЗОНАСИННИГ ТУПРОҚЛАРИ

Тундра ва арктика тупроқларининг географик тарқалиши

Арктика Шимолий Муз океанидаги, Франц — Иосиф ери, Вайгач, Врапгель, Новая Сибирь ороллари ва тундра зонасининг шимолий қисмida жойлашган бўлиб, бу оролларининг кўпчилик қисми доимий қор ва музликлар билан қопланган. Шунинг учун ҳам бу ерларни тундра саҳроси деб юритилади.

Тундра¹ зонасининг асосий қисми шимолий муз океани соҳили

¹ «Тундра» ёки финча — «Тунтури» ўрмонсиз жой маъносини билдиради.

бүйлаб көнг территорияни әгаллайды. Жанубий чегараси Рибачье ярим оролидан боцланиб, Попой дарёсінинг қуи оқими, Маржавец ороли, Мгла дарёсінинг дельтаси, Уса дарёсінинг қуи оқими, Урал тоги, Обь ва Таэ дарёлари құлтиги, Енисей ва Лена дарёларининг дельталари, Булан, Нижне Колимск шаҳарлари, Агадирь дарёсінің ўрта оқими, Гижига ва Пенжина құлтиги орқали ўтиб, Камчаткага бориб етади. (СССР тупроқларининг картасыга қараңг, 152-бетдеги 12-расмға қараңг.) Тундра ва арктика тупроқларининг майдони 180 млн га (бунда доимий қорлық ва музликлар кирмайды) бўлиб, СССР территориясининг 8,1% иш ташкил этади. Бундан ташқари, яна СССРнинг төғли районларида 165 млн гектардан кўпроқ майдонда тундра тупроқлари тарқалган.

Тундра зонасінинг табиий шароити

Иқлими. Тупдра зонасида қиши узоқ, ёз қисқа, ёғин кам ёғади.

Усмилликларининг ўсиш даври 2—2,5 ой, жуда узоги билан 3 ойдан ошмайди. Совуқ күвлар СССР нинг Европа қисміда 6 ой, Осиё қисміда эса 8 ойгача чўзилади.

Үртача йиллик температура гарбда $-0,2$ Осиё қисміда эса $-9,0$, ҳатто -16° гача. Эффектли температура йигинидеси (10° дан юқори) бир йилда $400-600^{\circ}$. Йиллик үртача ёргиңгарчилик миқдори 300 мм. Кола ярим оролида эса 400 мм бўлиб, шарққа томон (Шарқий Сибирь) $140-160$ мм гача камаяди. Тундра ҳавосининг висбий намлиги ёзда айниқса юқори (июнда 75—90%) бўлади. Тундрага хос табиий шароитлардан ҳисобланган доимий музлаган қатлам¹ зонациянг ҳамма қисміда учрайди ва қалинлиги СССР нинг Европа қисміда $17-18$ м, Сибирда эса $100-130$ м, ҳатто Шимолий Сибирда $400-600$ м га етади.

Бу қатламниң ёзда эриб, қишида музладиган ҳар хил қалинликдаги (0,5 дав 1—1,5 м гача) устки актив қаватида биологик процесслар бўлиши ва тупроқ пайдо қиливчи процесс давом этиши мумкин. Бу актив қатламниң қалинлиги дарё водийларидаги қум ва қумлоқ тупроқларида $1,0-1,5$ м, соз тупроқларда $0,7-1,0$ м ва торфли ботқоқ тупроқларида эса 0,5 м, баъзан бундан ҳам камроқ бўлиши мумкин.

Рельефи. Тундранинг рельефи Енисей дарёсигача асосан бир хил текислик бўлиб, баъзи жойлардагина кичик тепаликлар, шунингдек дарё водийлари ва кўлларининг ўрни учрайди. Енисейдан шарқда Таймир ярим ороли платоси бўлиб, унда Бирранга номли паст төғ тизмаси бор. Ярим оролдан шарқроқда Шимолий Сибирь пасттекислиги жойлашган. Тундранинг шарқий қисми Лена дарёси этагидан то Беринг бўғозигача төгликлардан иборат.

¹ Доимий музлаган қатлам — деб, ернинг бир неча асрлардан бўён музлаб ётган қисмини айтилади.

Тупроқ пайдо құлувчы жиислар

Тундра зонасияннің текислиқ қисмидаги тупроқ пайдо құлувчи она жиисларининг күпчилігі механикавий таркиби ҳар хил бұлған (құм, құмлоқ, құмоқ ва ҳ. к.) мореналар, деңгиз ётқизиқлари, дарё аллювиал ётқизиқларидан иборат. Булардан ташқары, күй ётқизиқлари, тоғлар районларда эса элювий ва делювий ётқизиқлари, деңгиз террасаларидаги ётқизиқларда шүрлапған тоғ жиислари ҳам учрайди.

Үсимликлари. Тундраның шимолий арктика қисмидеги иң-лим шароити дараҳтлар үсіші учун құлай әмас. Бу зонада ўрмоннинг йүқлиги уннің энг мұхым ва характерлы хусусиятларидан бири. Тундра үсимликлари асосан лишайниклар, мохлардан қиёқнинг бир неча тури ва бошқын үсимликлардан иборат. Тундра зонасияннің жанубий қисмидагина сиірек ўрмов дараҳтлари ва буталар учрайди.

Арктика тундрасида үсимликлар үсмайдиган бүш жойлар билан бирга лишайниклар қоплаб ётган майдонлар ҳам (олачалпоқ тундра) учрайди. Арктика тундрасияннің 60% га яқын қисмі ботқоқлик ва күллардан иборат.

Лишайник-мох (йүсін) ли тундра зонасияннің Европа ва Сибирь қисмидаги аңчагина майдонини әгаллады. Майда зарралы (мелкозём) тупроқларда мох, тошли ерларда эса лишайниклар үсады. Лишайник-мохлы тундрадан ёзда бугулар учун яйлов сифатыда фойдалапиди (13-расм).

Бутазор тундра лишайник-мохлы тундрадан жанубдадыр. Бу ерда үсимликлар лишайник ва мохлардан (сфагнум мохи) буталардан пакана қайин (*Betula papa*), пакана тол (*Salix glanosa*) ва богульник (*ledum palustra*) үсады. Дарё водийларидан сиірек ўрмонар учрайди.

Урмона-тундра тундра зонасияннің жанубий қисмини ташкил қылады. Бу ерларда мох ва буталардан ташқары ғарбий Урал-гача қайин ва (қора қарагай) Сибирда эса тилоғоч, энг шимоли-шарқда терак, қайип ва тол дараҳтлари, ўрмона дараҳтлари сиірек ва наст бўйли бўлиб үсади (14-расм).


Тундра тупроқларининг классификациясы

Тундра зонасида асосан глейли¹ полигонал, ботқоқ-глейли, ботқоқ торф-глейли, чимли ўтлоқи подзол-глейли, торф подзол-глейли тупроқлар учрайди.

Тундра глейли тупроқларининг характерлы морфологик белгиларидан бири шундаки, ернинг бетида юпқа торф қатлами ва бу қатламнинг тагида глейли (берч) горизонт бўлади.

Тундра глейли тупроқлари лишайник ва мохлы тундрада кең тарқалған. Лишайник ва мохлар тагида күкимтири туслаги глейли (берч) қатлам бўлади.

¹ Г л е й — захланған зангили берч қатлам.



13-расм. Тундра лишайниклари:
 а- ягель, олений мох (Cladonia); б- алектория (Alectoria);
 в- пентария (Cetraria).




14-расм. Тундра ўрмози. Гарбии Сибирь.

Полигонал тупроқлар (15, 16-расмлар) зонанинг ижлими эң совуқ, ўсимликлари кам бўлган шимолий қисмидаги учрайди. Тупроқ бетида кўп бурчакли (полигонал) ёриқлари бўлади.




15-расм. Арктика полигонал тупроқлари юзасининг кўринишси.



16-расм. Тундрада дот парчаларни пайдо бўлиш схемаси

(Е. И. Чипленкин);

1-чиранди қатлам; 2-сарғаш қўнсир тусли кумлон; 3-глейблашган қумон; 4-иўнир
Қатламли қум қўйиндиси,



17-расм Тундранинг глейли тупроқларидаги лишайниклар. Фарбий Сибирь.

Бу ерларда ҳозир тупроқ пайдо бўлиш процессининг бошлангич даври кечмоқда. Чириндили горизонтнинг қалинлиги 2–3 см. Чириндини кам, лекин асосга тўйинган. Тупроқнинг юқори горизонтида pH — 7.

Ботқоқ-глейли тупроқлар (17-расм) лишайник ва моҳли тундранинг рельефи пастроқ бўлгаган майдонларни эгаллаган. Лишайник ва моҳ тагида глейли кўкимтири горизонт бўлиб, унда зангили дөғлар учрайди. Бу тупроқ ҳам оз чириндили бўлиб, реакцияси нейтралга яқин.

Ботқоқ торф-глейли тупроқлар қалинлиги 8 см га яқин бўлгаган торф қатлами билан қопланган, унинг тагида занг донгли глейли горизонт ётади. Устки горизонтида чиринди миқдори 2–3 %, реакцияси кислотали pH-5–6.

Чимли ўтлоқи тупроқлар дарё водийларида учрайди. Чириндили горизонт аниқ кўриниб туради, таркибида 6–8 % ва ундан ҳам кўпроқ чириндини бор.

Подзол глейли тупроқлар тундранинг жанубий қисмидаги ўрмонли ерларда тарқалган. Чиринди горизонти юпқа, таркибида 1 % чириндини бор. Бу горизонт тагида қалинлиги 10 см келадиган оқниш-подзолли, унинг пастида эса сарик дөғли-глейли горизонт жойлашган.

Торф-подзол-глейли тупроқлар юзасида юпқароқ торф қатлами борлиги билан подзол-глейли тупроқлардан фарқ қиласди.

Тундра тупроқларининг үмумий хоссалари ва таркиби

Тундра тупроқларининг барча турлари қатламишинг қалинлиги 20—40 см даи, Якутия АССРда эса 5—10 см даи ошмайди. Кўпчилик тундра тупроқларининг 4—5 см қаликлидаги устки қатламида торф ёки мох ва лишайникларниң қолдиқлари тўпланган бўлади. Пастга тушган сари бу органик қолдиқ йўқола боради ва кўқимтири тусли глей (берч) қават бошланади. Тупроқпинг ҳаддан ташқари сернам бўлиши, анаэроб процессининг кучайишига олиб келади. Темир (III)-гидроксиди анаэроб бактериялар таъсирида темир (II)-оксидига айланади, натижада тупроқ кўкиш ёки яшилроқ бўлиб кўринади. Тундра тупроқларида микроблар жуда кам. Азотобактериялар деярли йўқ ва анаэроб бактериялар ёрдамида эркин азотининг бириниши кучсиз бўлади. Кўпчилик тундра тупроқларида нитрификация процесси ҳам кучсиз кечади. Тупроқда ўсимлик қолдиқлари кам тўпланади ва улар тўла парчаланмайди. Шунинг учун тундра тупроғида чиринди 1—2 процентдан ошмайди. Чиринди моддаларниң 70 проценти фульвокислоталардан, фақат 10—15 проценти эса гумин кислотадан иборат. Тундра тупроғи эритмасининг реакцияси кислотали характерда (pH -4,4—6,6). Тупроқниң юқори горизонт сингидрувчи комплексида водород ионининг миқдори 100 г, тупроқда 2,8—3,8 мгр/эке.

Тундра тупроқларида сув, ҳаво ва иссиқлик режимлари ишқулагидан бўлганидан биологик ва биохимиявий процесслар яхши ривожланмаган.

Тундра тупроқларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш

Тундра зонаси қишлоқ хўжалигида, айниқса, бугучиликни ривожлантиришда асосий ем-хашак базаси ҳисобланади. Мамлакатимизниң бугучилик чорваси ана шу зонада жойлашган бўлиб, 4,6% майдонни эгаллайди. Лишайники тундрада қишки яйлов сифатида, моҳли-ўтли ва моҳли тундрадан эса ёзги яйлов сифатида фойдаланилади.

Гарчи тундрада бугучилик узоқ вақтлардан бўён давом этиб келаётган бўлса-да, аммо дехқончилик совет давридагина ривожланди.

Хибин, Нарьян-Марь, Ороган, Ямал қишлоқ хўжалик тажриба станцияларининг кўп йиллик самарали ишлари тифайли тундра шароитида дехқончиликни ривожлантириш учун тўлиқ имконият бор эканлиги аниқланди. Бу зонага хос ўсимликлар нави яратилиб, уларга хос агрокомплекс тадбирлар ҳам ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда сабзавот экинларини теплица ва парникларда етиштириш билан бир қаторда очиқ ерларда ҳам жаъдар, сули, арпа каби донли экинлар, сабзи, редиска, карам, картошка, пиёз, турп, шолғом каби сабзавот экинлари кўплаб экилмоқда ва улардан мўл ҳосил олинмоқда. Архангельский областидаги Нарьян-Марьномли қишлоқ хўжалик тажриба станцияси Печора дарёси қирғо-



12-расм. Геология түрлөр картасы.

тидаги құмлар құмлоқлы ерларда әкін әкиб, юқори әсөил олиб келмоқда. Картошкадан гектарыга — 150—180 ц; сабзі ва ош лавлагидан 130—150 ц; карамдаш — 250—350 ц; брюква — 300—350 ц; ариадац — 12 ц ва ҳ. к.

Тундра тупроқтарининг унумдорлигини ошириш учун күп миңдерда органик (бир гектарға 80 тоннадан 120—200 тоннагача) миңерал (бир гектар ерга 60—90 кг соф қолда) ва маҳаллый ўғитлар (куй ва балиқ сапоатининг чиқиндилари) солиши лозим. Тупроқни нейтраллаштырып мәксадида ерга оқак солиши, шунингдеги ботқоқ ерларининг аэрация қолаттана яхшилаш, зовурлар қазиб, сивот сувиның қочириш сингари тадбирлар амалға оширилиши керак. Тундра зонасындағи деңгөнчиликта илғор агрокомплекс тадбирларни құйлаштыратын жағдайда тупроқтардың сув, ҳаво, иссиқлик ва озуқа режимдерін яхшилашады, кислоталық дарражаси камаяди ҳамда доимий муз қатлами چуқурлашады.

Тундра зонасындағи ерлардан самаралы фойдаланыш учун тез-нишар совуққа чидамли ва серхосил әкінларининг яғы қавларнан яратыш уларни шимолнинг совуқ шароитига доимо ўргатыб бориш әнг муҳым тадбирлардан қисобланады.

XVIII бөб

ТАЙГА-ҮРМОН ЗОНАСИННИГ ТУПРОҚЛАРИ

Тайга-үрмон зонаси ниҳоятта катта майдонни әгаллады. Үрмөн зонаси шимолда тундра, жаңубда үрмөн ва үрмөн-дашт зоналари билан чегаралған. Бу зона СССРнинг ғарбий чегараларидан Тинч океанға бұлған 12 мине км масофага құзылғы боради. Тайга үрмөн зонасининг умумий майдони 11 млрд. 520 мли. га бўлиб, СССР территориясининг 52,7 процентини ташкил этади. Шундан зонаның 65% тупроқлари текисликта ва 35% тупроқлари төгли районларда тарқалған. Тайга-үрмон зонасында подзоль, чимли ва чимли-подзоль тупроқлар 80%, қолған 20% майдонни эса асосан ботқоқ тупроқлар әгаллады.

Тайга-үрмон зонасининг табиий шароити

Иқлими. Мазкур зона жуда катта территорияни әгаллагани сабабли унинг табиий шароити ва шу жумладан, иқлими ҳам турли тумандир.

Бу зонаниң иқлими тундраның қараганда иссиқроқ, сөрнам бўлиб, мұльтадилроқдир. Зоңаппинг Европа қисмидә ўртача йиллик температура $+4^{\circ}$, Шарқий Сибирда $-7-16^{\circ}$, Ғарбий Сибирда $-0,8-7,8^{\circ}$ гача ва Үзоқ Шарқда эса $+7,5^{\circ}$ гача бўлади. Йиллик ўртача ёғин миңдори бўлса, Европа қисмидә 690 мм, Ғарбий Сибирда 425—565 мм, Шарқий Сибирда 140—240 мм. Тинч океан соҳили ва Амур водийсизда иқлим бир оз юмшайди ва ўртача йиллик ёғин миңдори 500 мм гача этади.

Марказий тайга-ўрмов зонасида вегетация даврининг узуллиги 40—155 кун бўлиб, умумий температура йиғиндиси ($t^{\circ} + 10^{\circ}$ дан юқори) 400—2450°, Шарқий Сибирда бу раҳамлар 40—123 кун ва 400—2000°, Узоқ Шарқда 40—103 кун ва 400—1500°. Зопанинг ҳамма қисмида ёғингарчилик бугланишга иисбатан 1,10—1,33 марта кўп бўлганлиги учун ҳаво сернамидир.

Келтирилган раҳамлар ҳақиқатан ҳам подзол тупроқлар зонасида *жклим шароит* ҳар хил эканлигини тасдиқлади.

Рельефи. Тайга-ўрмоп зонасининг рельефи мураккаб ва хизматхилдир.

Зонанинг СССР Европа қисмидаги территорияси асосан текислик ва пасттекисликлардан иборат бўлиб, ора-сира тепалик ва бу тепаликлар оралигида жарлик, кўл ва ботқоқликлар ҳам учрайди. Бу ерда учрайдиган энг баланд тепаликлардан (депаз сатҳидан 290—460 м баланд) Литов-Белоруссия, Валдай, Смоленск-Клин-Дмитровск-Тиманск кряжаси тепаликлари ҳисобланади. Энг юрик пастликлардан Полесск-Днепровск, Верхневоложск, Ока-Мокша, Мещера кабиларни кўрсатиш мумкин. Бу пастликлар депаз сатҳидан фақат 100—150 м баланд бўлган майдонларни ишғол қилади. Гарбий Сибирь пасттекислиги Урал тогларидан бошланиб, Европей дарёсигача деярли бир хил бўлиб, абсолют баландлиги 100—140 м, айрим жойларда 200 м дир.

Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқ тоғли районлар ҳисобланади. Шу районларда бир қапча төғ системалари бўлиб, баландлиги 1000 м дан (Амур бўйи тоглари) 3000 м гача (Тас-Хаятак тоги) етади.

Тупроқ она жинслари. Турли төғ жинслари ва уларпинг ҳар хил ётқизиқлари бу зонадаги тупроқларнинг пайдо бўлашида муҳам роль ўйнаган. Мураккаб рельефли бу зона кенг территорияни эгаллагани учун тупроқ пайдо қилиувчи она жинсларнинг тури ҳам ҳар хил. Зонанинг Европа қисмida музликлар ва уларнинг ҳаракати туфайли қўйидаги ҳар хил она жинслар тарқалтади:

- 1) карбонатли ва карбонатсиз ҳар хил механикавий таркибли мореналар;
- 2) карбонатли лёссимон қумлоқ ва лойқалар. Бу ётқизиқлар марказий ва жанубий районларда кенг тарқалган;
- 3) музлик сувлари таъсирида вужудга келган қум ва қумлоқлар (Полесск-Днепровск, Мещера, Юқори Волга текисликлари ва ҳ. к.);
- 4) қадимги аллювиал қум ва қумлоқ ётқизиқлари (дарёларнинг қадимги террасаларида);
- 5) шимолий районларда кенг тарқалган икки қатламли ётқизиқлар — қум ва қумоқ, 40—60 см дан пастда эса қумоқ ва созлар;
- 6) лентасимон созлар (Ленинград, Новгород ва бошқа областларга хос);
- 7) учламчи даврининг элювий ва делювий ётқизиқлари;

8) түртламчи даврнинг алювиал ётқизиқлари (кatta ва қичик дарёларнинг ҳозирги ўзанларида). Демак, бу зонада кўп тарқалган она жислар, механикавий таркиби ҳар хил бўлган мореналар, лёсслик қумоқлар, лёсслар, кўл-музлик ва қадимий аллювийлардан иборат экан.

Ўсимликлари. Бу зона ўсимликлари хилма-хил бўлганлигидан ўрмон-ўтлоқ зонаси ҳам дейилади. Ўрмонлар мазкур зонанинг кўпчилик қисмини ташкил этади. Зонанинг ўрмонлари турлича қалинликда бўйлиб, дараҳтари ҳам бир хил бўлмай, ҳар хилдир (18, 19-расмлар).

Зонанинг шимолий тайга қисмida ель (қора қарагай — *Picea excelsa*), дуб, қайнин, тоғ терак, липа, заралт, кедр (*Pinus sibirica*) ва қарагайдан иборат нина баргли дараҳтлар ўсади. Шимолий ўрмонлар одатда паст бўйли ва сийрак бўлади. Жанубига томон бута ўсимликлари, совуқ ва ботқоқликка мослашган қайнин ва тоғ терак сингари дараҳтлар сийраклаша бориб, улар ўринида ҳар хил қарагайлардан иборат қалин, зич ва баланд ўрмонлар пайдо бўлади.

Қарагайзорлар механикавий таркиби енгил бўлган тупроқларда (қумлоқ ва қумларда) ель (қора қарагай) ва ель-дуб ўрмонлари эса механикавий таркиби анча оғир (қумоқ ва соз) бўлган тупроқларда ўсади. Нина баргли дараҳтлар тагида яшил моҳ, какку, зигир, ботқоқлашган ерларда сфагнум моҳи ўсади. Аралаш ўрмонлар тагида чорёмуха, брусика, голубика, арча, рябина сингари буталар ва сийрак ўрмонлarda эса ўтлоқ ўсимликлари ўсади. Подзоллашган тупроқлар зонасидаги ўтлоқларда полевица, бетага, ислибоюқ Гарбий Сибирдаги ўтлоқларда тароқбош, оқсўхта, Шарқий Сибирда эса баланд бўйли ўтлар ўсади. Ўтлоқ ўсимликлар орасида доинли ўсимликлар кўпчиликни ташкил этади.

28

Подзол тупроқ найдо қилувчи процесслар

Подзол тупроқлар ўрмон-ўтлоқ зонасида жойлашганлиги сабабли бу зонада асосан, подзол, чимли, чимли-подзол, ботқоқ-подзол ва ботқоқ тупроқлар кенг тарқалган. Мазкур зонада подзолланиш, чимли ва ботқоқ тупроқлар пайдо бўлиш процесслари биргаликда давом этади. Аммо бу процесслар зонанинг турли қисмida ҳар хил даража ва муддатда ўтади. Шу сабабли зонанинг шимолий қисмida подзол ва ботқоқ-подзол тупроқлар, марказий қисмida подзол, жанубий ва гарбий қисмларида эса чимли ва чимли-подзол тупроқлар тарқалган. Бу тупроқлар орасида Россия текислигининг шимолий қисми, Гарбий Сибиръ пасттекислиги ва Полесьеда ботқоқ тупроқлар, карбонатли тупроқларда эса чирипди карбонатли тупроқлар катта-катта майдонларни эгаллаган. Булар ичида чимли-подзол тупроқлар энг кўп майдонни эгаллайди.

Подзол тупроқларни дастлаб В. В. Докучаев текшириб, уларнинг хусусиятларини цухта ва илмий асосда ўрганганд. Кейинчада

18-расм. Ель тайгаси.
Вологда области.



19-расм. Япроқли ўрмоп.
Якутск атрофига.



лик совет олимлари бу соҳада кўп текшириш ишлари олиб бордилар. Жумладап, бу тупроқнинг пайдо бўлишида К. К. Гедройц ўзининг химиявий ва В. Р. Вильяме эса биологик назариясини илгари сурди. Айниқса кейинги 10—20 йил мобайнида подзол тупроқлар пайдо бўлиш шароитининг хоссаларипи текшириб, илмий асослаб беришда жуда катта ишлар олиб борилди ва тупроқларнинг пайдо бўлишидаги барча шарт-шароитлар ўрганилиб, кўплаб илмий асарлар ёзилди. Подзол тупроқларни пайдо қилиувчи процессларни аниқлашибда, уларнинг классификациясига тузишда, таркиби, хоссаларни ҳар томонлама ўрганиш ва қишлоқ хўжалигидаги фойдаланишда совет олимларидан И. В. Тюрин, С. П. Ярков, А. А. Завалишин, И. П. Ремезов, И. Н. Антипов-Каратеев, А. А. Роде, Е. И. Иванова, И. С. Кауричев, В. В. Пономорёва, Т. В. Аристовская ва бошқаларнинг хизматларни асарлари катта аҳамиятга эга.

Бу олимларнинг назарияларига асосан подзол тупроқларни пайдо бўлиши қўйидагича юзага келади. Қалин ўрмонлардаги дарахтларнинг шох-шаббаси бир-бирларига туташиб кетганлигидан ерга қўёш нури деярли тушмайди. Шунинг учун ўрмовдаги дарахтлар тагида ўт ўсмайди. Ер бетини дарахтдан тушган япроқ ва қисман шохлар қоплаб, ўрмон тўшамаси (қийи)ни ҳосил қиласди (20, 21-расм). Ўрмон тўшамаси дарахтларнинг хили, ёши, қалян ёки сиyrак жойлашишига ва парчаланиши даражасига қатраб бир исча мм дан 10 см ва ундан ҳам кўпроқ қалинликда бўлиши мумкин. К. А. Тимириязев номидаги қишлоқ хўжалик академиясининг (қора қарагай) дарахтли ўрмони тагида бир гектар ерга йилига 6565 кг қарагайзор ўрмон тагида эса 3915 кг ўрмон қийи тўпланар экан.

Ўрмон (қийи) тўшамаси таркибидаги органик моддалар (ошлиов моддасига бойлигидан нордон бўлганлиги сабабли) замбуруғлар таъсирида чирийди, натижада органик бирикма — крен кислота ҳосил бўлади. Бу кислота подзол тупроқ пайдо бўлишининг энг муҳим фактори ҳисобланади.


Крен кислота тупроқ она жинси таркибида қўйидаги уч хил химиявий ўзгаришларни вужудга келтиради:

1. Крен кислота таъсирида тупроқ таркибидаги кальций карбонат эриб кетади. Бунда крен кислота билан кальций карбонатнинг ўзаро таъсири патижасида сувда эрийдиган янги химиявий бирикма — кренат ҳосил бўлади. Бу процесснинг тўхтовсиз давом этиши қатламдаги кальций карбонатнинг тамомила ювилиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун подзол тупроқлар таркибида кальций карбонат бирикмаси мутлақо бўлмайди. Бу эса подзол тупроқнинг дастлабки белгиларидан ҳисобланади.

2. Крен кислота билан темир ва марганец бирикмалари орасида химиявий реакция бошланади. Бу реакция патижасида темир ва марганец оксиддининг крен тузлари ҳосил бўлади. Бу тузларнинг сувда эриб, пастки қатламга ювилиб кетиши туфайли она жинснинг қизил, қўнғир-қизгиш ёки сарғиш қўнғир туси йўқо-



20- расм. Ель ўрмонидаги
ўрмон қийи (түшамаси).
Ярослав области.



21- расм. Подзоль тупроқ
профилининг кўринишни.

лади ва қатламда оқиш еки оч кул ранг оаъзан сарғиши тус ҳосил бўлади. Бу ҳам подзол тупроқ пайдо бўлишининг асосий белгила-ридан ҳисобланади.

3. Крен кислота таъсирида каолинитлар парчаланиб, алюми-ний кренат ажралиб чиқади, у сувда яхши эриганлиги сабабли пастки қатламларга ювилиб кетади. Ҳосил бўлган аморф ҳолдаги кремпезём эса қатламдаги бўшлиқларни тўлдиради ва унинг оқ тусли бўлишига, айниқса подзол қатламнинг структурасиз бўлишига сабаб бўлади. Қалин ўрмонларда ёғин сувларининг бир қисми (таксимиш 25%) дараҳтларниң япроқ ва шоҳларида ушланиб қолади, срга тушган ёғин тезлик билан тупроқ бетидаги органик моддаларга сингиб кетади. Қишида ёққап қор ўрмонларда кўп тўпланади ва узоқ вақтгача сақлапади. Кўклам келиши билан аста-секии эрий бошлаган қор сувлари тупроқда жуда осон сингади. Тупроқ бетидаги ўрмон тўшамаси қор ва ёмғир сувини пастки қатламларга тез ўтказгалигидан ўрмонларда ҳеч қандай эрозия рўй бермайди.

Тупроқ бетидаги ўрмон тўшамаси сув билан тамом тўйинлаган-дан кейин, ортиқча сув қатламнинг қуий қисмига ўтади. Ўрмон тўшамасидан тўхтовсиз пастта ўтаётган сув тупроқ устки қатламларидаги ковакларнинг ҳаммасини тўлдиради. Тупроқ бети ўрмон тўшамаси билан қопланганигидан унинг устки қатламларидаги сув деярли буғланмайди, чунки ўрмон тўшамаси қурий бошлаганда органик моддаларнинг ҳажми кичраяди ва улар пастки қаватдан ажралади, натижада тупроқдаги сувларни буғланниши деярли тўхтайди.

Шундай қилиб, ўрмонларда ёғин сувлари тупроқнинг пастки қаватларига тўхтовсиз шимилиб туради. Бунда дараҳтлар илди-зини ѡқатламлар орасидаги сувни сўриб туриши катта аҳамиятга эга. Ўрмон дараҳтлари илдизининг асосий қисми 50—100 см чукурликда жойлашади. Дараҳт илдизларининг сувини сўриши сабабли иами камая бораётган қатламда юқоридан пастга тушаётган ва пастдан юқорига қўтарилаётган сув оқимлари келиб туради. Тупроқнинг устки қатламидан тўхтовсиз цастга тушаётган сув чириши натижасида ҳосил бўлган крен кислотани қатламнинг пастки қаватига юваб тушади. Қатламнинг қуий қисмига шимилаётган ва таркибида крен кислотаси бўлган тупроқдаги эрийдигап ва эриши қийин бўлган тузлар ($MgCO_3$, $CaSO_4$)ни пастки қаватга юзиб кетади. Органик моддалар йигинидисидан иборат бўлган ўрмон тўшамаси қатлами орасида микроорганизмлардан замбуруғлар яшайди. Чунки бу органик моддалар таркибида маълум миқдорда ошловчи модда бўлганлигидан бактерия яшай олмайди. Ўрмон тўшамаси тагидаги подзол горизонт тупрогининг реакцияси кислотали бўлиши ва унинг таркибпда крен кислота борлити сабабли бу қатламда бактерия ва замбуруғлар эркин яшай олмайди. Шунинг учун подзол горизонтида биологик процесслар жуда суст, абиотик процесслар жуда кучли боради. Подзол горизонти тагидаги

қатлам нейтрал реакцияли бүлганилигидаи унга тушаётган крек кислота нейтралланади. Ўрмон түшамаси орасига ҳаво бемалол киради. Шу сабабли унда аэроб шароит вужудга келади. Аммо подзол горизонт нам бўлганилиги, унга ҳаво мутлақо кирмаслиги сабабли тагидаги нейтрал реакцияли қатламда анаэроб шароит вужудга келади. Бу шароитда ҳаёт кечираётган анаэроб бактериялар крек кислотани парчалайди. Натижада апокрен кислота ҳосил бўлади. Апокрен кислота таъсирида янгидай пайдо бўлган уч валентли темир, марганец ва алюминий апокренатлари сувда эримайди, улар тупроқ орасида тўпланди. Она жинслар таркибида темир оксидлари кўп бўлса, подзол тупроқ пайдо бўлиш процесси вақтида темир апокренат кўпроқ вужудга келади. Натижада подзол горизонт тагида рудяк¹ ёки ортштейнли горизонт дейиладиган қатлам ҳосил бўлади. Бу горизонтда темир апокренатдан ташқари кальций, марганец, алюминий ва бошқа элементлар апокренати ҳам бўлади. Подзол тупроқдаги рудякли қатлам тагида кўкимтири тусли қават пайдо бўлади. Анаэроб процесс таъсирида пайдо бўлган бу қатлам берч (глей) ёки берчланган (глейланган) горизонт дейилади. Бу горизонтдаги анаэроб бактерия таъсирида бораётган процесс учун керакли кислород темир (III)-оксиди (Fe_2O_3) дап ажралиб чиқади. Бунинг натижасида темир (III)-оксид темир (II)-оксид (FeO) га ўтади ва горизонт кўкимтири рангга киради.

Берчланниш процесси тупроқ пайдо бўлишининг айрим хусусиятларига боғлиқ. Бу процесс баъзан кучли, баъзан кучсиз боради. Сизот сувлари юза бўлган жойлардаги тупроқларда пастки қатлам сернам бўлганилигида берчланниш жуда кучли бўлади.

Агар берчланган горизонтда аэрация яхшиланса, темир (II)-оксид (FeO) япа қайтадан темир (III)-оксид (Fe_2O_3) га ўтади, кўкимтири тус эса қизғиши ёки сариқ тусга айлашади. Шундай қилиб подзол тупроқлар қалин ўрмон шароитида бораётган процесс, шунингдек дараҳт ўсимликлари формациясининг биологик хусусиятлари ва тупроқнинг маҳсус сув-ҳаво шароити таъсирида вужудга келади.

Юқорида баён қилинган факторлар таъсирида ўрмон зонасида подзол, чимли-подзол, чимли ва ботқоқ-подзол тупроқлар ҳосил бўлади.

Подзол тупроқлар тузилиши, классификацияси, таркиби ва хоссалари

Ўрмон тагидаги подзол тупроқ профилининг тузилиши қўйидагича: А₀ горизонт-ўрмон түшамаси чувалчанглар илма-тешик қилиб лоборганилиги сабабли ғовак бўлади. Унинг қалинлиги 5—10 см бўлиб, устида яшил моҳлар ўсади. Бу горизонт тузилишига кўра А₀, А₁ горизонтчаларга бўлинади;

А₂ горизонт-подзолли горизонт, ўрмон қийи тагида жойлашган бўлиб, оқиш ёки хира оқиш тусда, структурасиз, унсимон. Бу то-

¹ Рудяк — сув ўтказувчалиги ёмон бўлган зич берч қатлам.

ризонттинг қалинлиги бир неча сантиметрдан 35 см гача боради;

В горизонт-иллювиал горизонт, құнгир, қызығыл-құнгир ёки жигар ранг бўлиб, зичланган ёнғоқсимон призматик структурага эга. Кўпинча бу горизонтда занг тусли доналар ва конкретиялар учрайди. Шунинг учун ҳам бу горизонт рудяк ёки ортиштейни горизонт ҳам дейилади. Бу горизонтда темир апокренатидан ташқари кальций, марганец, алюминий ва бошқа элементлар апокренати ҳам бўлади. Иллювий горизонттинг тузилиши ва таркибига кўра бу горизонт В₁, В₂ ва х. и. ларга бўлинishi мумкин.

Подзол тупроқлар зонанинг турли қисмida тупроқ пайдо қилиш шароити ҳар хил бўлганлиги туфайли бир қаича типчаларга бўлинади (23-жадвал).

1. Юнқа қаватли подзол тупроқлар — подзолли горизонттинг қалинлиги 15 см дан кам.

2. Уртача қаватли подзол тупроқлар — подзолли горизонттинг қалинлиги 15—25 см.

3. Қалин қаватли подзол тупроқлар — подзолли горизонттинг қалинлиги 25 см дан кўп (22-расм).

Иқдим шароитига кўра подзол тупроқ типчалари қўйидагича:

23 - жадвал

Подзол тупроқ типчалари¹

Фацийлар²

Иссик	Мўътадил	Совуқ	Узоқ музлайдиган
Иссик Глейли подзол- лашган карликли ³	Глейли-подзол- лашган	Совуқ глейли- подзоллашган	Чукур ва узоқ муддат музлайдиган глейли-подзол
Иссик подзол- лашган карликли (пакана)	Подзоллашган	Совуқ подзол- лашган	Чукур ва узоқ муддат музлайдиган подзол

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар бир фациядаги подзол тупроқнинг иккита, яъни глейли-подзол ва подзол типчаси ҳосил бўлар экан.


Подзол тупроқларнинг типчалари тупроқ пайдо қилувчи она жинсининг физикавий ва химиявий таркибига кўра ўз навбатида қўйидаги турларга бўлинади. Шулардан энг кўп тарқалтани б та:

1) оддий — қумоқ ва соғ таркибли ғовак ҳолдаги она жинс устида пайдо бўлган;

¹ И. С. Кауричевдан ва И. П. Гречин таҳриридаги «Тупроқшунослик» дарслиги (1969) дан олинди.

² Фация — тупроқнинг географик тарқалиши.

³ Карлик — пакана дараҳт.



22-расм. Чимли подзол түпроқ турлары:

а) оз подзолланган түпроқ; б) ўртча подзолланган түпроқ; в) күп подзолланган түпроқ; г) подзол түпроқ.

2) қолдиқ карбонатли — карбонатлы жинслар устида пайдо бұлған;

3) контактлы-глейли — икки хил жинс устида ҳосил бұлған;

4) темир дөғли иллювиал — құмли жинслар устида ҳосил бұлған;

5) чирипдили іллювиал — құмли жинслар устида пайдо бұлған горизонттарнинг юқори қисми түқроқ, пастки қисми очроқ бўлади;

6) кучсиз диффреңицияланган — қуруқ юмшоқ қум устида пайдо бұлған;

7) подзол түпроқларнинг подзолли горизонтиниң юза ёки чуқур жойлашишига қараб қуйидаги хиллари учрайди:

1) юза подзоллашган — подзолли горизонт 5 см чуқурликдан бошланади;

2) бир оз чуқурроқ подзолли горизонт — бу 20 см чуқурликдан бошланади;

3) чуқурроқ подзоллашган — подзолли горизонт 30 см дан бошланади;

4) чуқур подзоллашган — подзолли горизонт 30 см чуқурликдан пастда бошланади.

Барча подзол түпроқларда чирипдили қатlam юпқа, чирипди миқдори күшинчә 0,1—0,5%, баъзи ҳолларда эса 2% ва увдан күпроқ ҳам бўлиши мумкин. Чирипди таркибида фульвокислоталар гумин кислоталарга иисбатан жуда кўп бўлади (24-жадвал).

Подзоллашган горизонтда лойқа заррачалари (25-жадвал) темир ва алюминий оксидлари жуда кам. Чувки лойқа заррачалар асосан иллювиал горизонтига йигилган бўлади. Подзоллашган то-

ризонтда CaO ва MgO миқдори ҳам ова жисе гармондагы миқдор-га нисбатан жуда кам бўлади. SiO_2 эса аксинча подзоллашган қат-ламда кўп, иллювиал горизонтда камдир (26-жадвал).

24-жадвал

**Подзол тупроқнинг химиявий таркиби
(М. М. Кононова)**

Генетик горизонтлар ва уларниң чуқурлиги (см)	Чирингчи	Яланн азот	C : N	Гумин кислота миқдори	Фульво кислота миқдори	Туали сүримда рН миқдори
A_2	5—10	0,50	0,05	10,0	10,0	20,0
A_2B	15—20	0,43	0,04	10,8	7,0	18,6
B	30—40	0,28	0,03	9,3	7,2	17,9

25-жадвал

Подзол тупроқнинг механикавий таркиби¹

Генетик горизонтлар ва чуқурлиги (см)	Гигроскопик нафаслик %	Зарралар диаметри (мм) ва миқдори (%)					
		1—0,25	0,25—0,05	0,05—0,01	0,01—0,005	0,005—0,001	0,001дан кичик
A_1A_2	4—6	1,99	0,0	11,8	53,5	3,4	11,2
A_2	15—25	0,73	1,7	35,8	36,9	2,2	8,2
B	53—63	2,73	0,0	6,4	48,0	5,5	3,5
C	135—145	2,69	0,0	10,0	44,6	2,2	11,2

26-жадвал

**Подзол тупроқнинг яланн химиявий таркиби²
(процент ҳисобида)**

Генетик горизонтлар ва чуқурлиги (см)	SiO_4	Fe_2O_3	Al_2O_3	CaO	MgO	Кисидирини пайтида йўқолган миқдори
A_1A_2	4—6	81,50	5,64	7,98	1,58	0,27
A_2	15—25	80,98	2,61	11,70	1,56	0,62
B	53—63	73,68	5,60	14,98	1,89	1,37
C	135—145	74,59	5,05	15,49	2,33	2,13

Жадваллардан кўриниб турибдикি, подзол тупроқ горизонтларида лойка зарралар, алюмин ва темир оксидларининг бу килда тарқалиши подзолланиш процессининг энг муҳим ва асосий белгиларидан ҳисобланади. Подзол тупроқларнинг яна муҳим белгиларидан бири уларниң ҳамма тuri ҳам кислотали муҳитга эга

^{1, 2} И. С. Каурчев ва И. П. Гречин таҳриридаги «Тупроқшунослик» китобидан олинди.

бўлиб, кислоталик даражаси асосан ўрмонлардаги дараҳтлар таркибига боғлиқ. Кислоталик даражасини нейтраллаш мақсадида подзол тупроқларга оҳак (CaCO_3) солинади.

Чимли тупроқлар

Тайга ўрмон зонасида чимли тупроқлар учрайди. Чимли тупроқлар пайдо бўлиш процессини В. Р. Вильямс, И. В. Тюрин ва бошқа олимлар илмий асосда исботлаб берилганди.

Чимли тупроқлар СССРининг Европа қисмидаги Болтиқ бўйи республикаларида, Ленинград, Архангельск, Вологодск, Калининск, Москва ва бошқа областларда, Камчатка ва Шарқий Сибирда кеңг тарқалган. Чимли тупроқларнинг умумий майдони 9 млн. гектардан кўпроқ бўлиб, шундан 5 млн. гектарга яқин Камчатка ва Шарқий Сибирдадир.

Чимли тупроқ пайдо қилувчи процесслар

Чимли тупроқ пайдо қилувчи процессининг ривожланишида кўп йиллик пичан ўтларининг аҳамияти катта. Кўп йиллик ўт ўсимликлари бутун ёз ва куз давомида ўсади ва ривожланади, кузнинг охиридагина қурий бошлайди. Ўзининг кўргина суюқ илдизлари билан тупроқнинг пастки қатламларида олган кул моддаларини органик модда ер бетида тўплайди. Ундан ташқари ҳар хил микроорганизмлар ҳам ўз навбатида тупроқнинг юза қатламида азот тўплайди. Шундай қилиб тупроқнинг юза қатламида органик модда ва чиринди ҳосил бўлиши билан бир қаторда минерал моддалар ҳам кўпайиб тупроқнинг унумдорлиги оша бошлайди. Ўт ўсимликлар илдизининг чириши натижасида тупроқнинг пастки қатламларида ҳам чиринди миқдори кўпая бошлайди. Чимли тупроқ пайдо қилувчи процессининг ривожланиши кўп йиллик ўтларининг бу хилдаги биологик хусусиятларига боғлиқ. Чимли тупроқ пайдо қилувчи даврининг ўтлоқи тупроқ босқичи серилдиз ўтлар таъсирида ривожланади. Сийрак пояли ўтлар чимли тупроқларда кўп чиринди тўпланишига ва донадор структура элементлари ҳосил бўлишига сабабчи бўлади. Зич пояли ўтлар вужудга келиши билан чимли тупроқ пайдо қилувчи даврининг ботқоқ тупроқ босқичи бошланади. Демак, бу процесслар натижасида чимли тупроқ пайдо қилувчи даврининг ўтлоқ тупроқ босқичи аста-секин ботқоқ тупроқ босқичига ўта бошлайди.

✓
Класификациясан. Чимли тупроқлар: 1) музлаган тайга тупроқлари; 2) чимли ўрмон тупроқлари; 3) чиринди-карбонатли тупроқларга бўлинади.

Чимли тупроқларни қуйидаги тип, типча ва турларга ажратиш мумкин.

Чимли горизонтининг қалинлигига кўра:

- 1) кам чимли тупроқлар — чимли қатлам қалинлиги 10 см дан кам;
 - 2) ўрта чимли тупроқлар — чимли қатлам 10—20 см;
 - 3) қалин чимли тупроқлар — чимли қатлам 20 см дан кўп.
11. 1973

Чимли тупроқлар классификацияси

Тип	Типчалар	Турлар
Чим карбонатлы	типик чимли-карбонатлы ювилган чимли-карбонатлы подзоллашган-чимли карбонатлы	оңағын силикат оқаклы
Чим литогевли	түйинштан чимли пордоң чимли подзоллашган чимли юза глейли-чимли	түйинштеги метаморфик жинсде сланцесда
Чим глейли	грунти глейли-чимли юза глейли-чириндили грунти глейли-чириндили	хар хил раңгли созда темирга бой жинс карбонатлы түйинштеги асослар билан подзоллашган

Чимли тупроқлар чириндисининг миқдорига қараб: ўта чириндили (12% дан күп), сёрчириндили (5—12%), ўрта чириндили (3—5%), оз чириндили (3% дап кам) каби хилларга бўлнипади. Чимли тупроқлар морфологик тузилишига кўра A_0 ; A_1 ; B ; C горизонтларидан иборат бўлади. A_0 — горизонт чириндили горизонт 2—7 см қалинликда бўлади. A_1 — горизонт чириндили горизонт кул ранг ёки тўқ кул ранг, майда ёки донадор структурали. Баъзан пастки қатлами подзоллашган бўлиши мумкин. Бу ҳолда қатлам A_1 , A_2 горизонтчаларига ажратилади. B — ўтувчи горизонт, C — тупроқ пайдо қилувчи она жинс.

Чимли тупроқларда чиринди миқдори подзоль тупроқларга нисбатан бир неча баробар кўпdir. Бу тупроқда чиринди миқдори 8—9% гача, баъзан эса 10—15% га ҳам етади. Реакцияси нейтрал ва нейтралга яқин. Асослар билан түйинштеги, сингдириш сифими тоқоридир (27-жадвал).

27 - жадвал

**Карбонатли ишқорсизланган чимли тупроқнинг¹
химиявий ва механикавий таркиби**

Генетик горизонтлар чукурлиги (см)	Чириндии миқдори	Сувли сўримда рН	Алмасинув- ши асослар виғинидиси	Гидролитик кислоталилиги		Асос билан түйинштаган тарзаси (%)	Механикавий таркиби
				100 г тупроқда, м эзз	Асос билан түйинштаган тарзаси (%)		
A 0—15	4,11	6,9	40,4	1,8	95,7	003	
B 30—40	0,88	6,1	49,4	1,7	96,5	003	
BC 72—82	0,40	7,8				кумок	
C 140—150	—	7,9				мергель	
							карбонатлы

¹ И. С. Кауричев ва И. П. Гречин таҳриридаги «Тупроқшунослик» китобидан олинди.

ўрмондай SiO_2 ; Fe_2O_3 ; Al_2O_3 ; CaO ; MgO каби элементлар түпроқ бўлади, тарқалган бўлиб, лойка заррачалари тупроқнинг A_1 ва A B горизонтларида кўпроқ учрайди. Тупроқнинг реакцияси нейтралга яқин.

28 - жадвал

**Чимли ўрмон тупроқнинг химияни таркиби
(Н. А. Ногина)**

Генетик горизонтлар чукурлиги (см.)	Чиринди миқдори	Тузини сўрнишда рН	Ялти таркиби (%)				Алмашинувчи асослар (100 г тупроқда м. экв.)			Лойка 0,001 кг ичи курунда писсан, % хисобда	
			SiO_2	Fe_2O_3	Al_2O_3	CaO	MgO	Ca^{+1}	Mg^{+2}		
A	0—12	8,7	6,0	46,7	24,8	14,8	7,8	4,3	32,0	5,5	10
AB	12—16	4,1	5,7	47,1	25,0	14,6	7,7	4,6	21,8	6,1	8
B_1	20—24	1,3	5,2	47,3	23,6	15,0	8,0	4,9	18,9	5,3	7
B_2	38—46	0,9	—	48,1	21,0	17,7	7,6	4,6	17,6	6,0	3
BC	70—75	—	5,6	48,3	23,5	14,7	7,1	5,4	16,2	6,5	3

Чимли подзол тупроқлар

Бу тупроқлар табиий шароит таъсирида дарахтлар сийраклашиши натижасида, ўрмонда пичан ўт ўсимликлари кўкара бошлигач, пайдо бўлади, ерга қўёш нури тушиб, тупроқни иситиб, ўтларнинг ўсиши учун шароит вужудга келади. Дастрлабки даврларда ўрмонда дарахтлар билан ўтлар тез-тез алмашиниб турса ҳам, кейинчалик пичан ўтлар ўсадиган бўлади. Бунинг натижасида подзол тупроқ аста-секин чимли тупроқ билан алмашинади. Лигидан пайдо бўлган бу чимли қатламда чиринди тўплана бошлиайди. Чиринди тўпланиши билан бир вақтда тупроқнинг устки қатламида бир қанча минерал моддалар, жумладан, кальций бирикмаси йигилади. Шунинг учун тупроқнинг сингидирувчи комплексида аста-секин органик ва минерал моддаларнинг ўзаро таъсири қучаяди ва тупроқнинг устки қатламида унумдорликнинг асосий фактори бўлган донадор структура ҳосил бўлади.

Бу хилдаги процесс натижасида подзол тупроқ әмас, балки чимли-подзол тупроқ пайдо бўлади. Демак, чимли-подзол зонада асосан чимли-подзол кенг тарқалган бўлиб, 155 млн. гектардан кўпроқ майдонни эгаллайди.

Чимли-подзол тупроқларнинг классификацияси, тузилиши, таркиби ва хоссалари

Бу тупроқлар тузилиши ва таркибига кўра подзол тупроқлардан тубдан фарқ қиласиди. Совет олимлари чимли-подзол тупроқларнинг классификациясини ишлаб чиқдилар. Ана шу классифи-

кациясида асосан икки процесснинг, яъни подзол ва чимли тупроқ-иши пайдо қилувчи процессларниш ривожланиш даражаси эътиборга олинган. Шунга кўра, чимли-подзол тупроқлар чимли-оза подзоллашган, чимли-ўртача подзолланган, чимли-кўп подзолланган ва подзол тупроқларга бўлинади.

Булар ўз павбатида механикавий таркиби, она живснинг характеристири, глейланиш (берчланиш) даражаси ва бошқа хусусиятларига кўра бир қанча хилларга бўлинади.

Бу классификация ҳали шига солинмаган бўз ерлардаги тупроқларга нисбатан тузилади, чунки ишланган ерларда чимли-подзол ва подзол тупроқларни пайдо қилувчи процессларниш даражасини аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун, дедқончилик қилинаётган ерлардаги чимли-подзол тупроқларни группаларга ажратишда уларнинг ишланиш даражасини эътиборга олиш лозим.

Тузилиши. Чимли-подзол тупроқларниш морфологияси (ташки кўришиши) ва тузилиши билан танишиш учун табиий ҳолати сақланган типик чимли-подзол тупроқниш морфологик тузилишини мисол келтирамиз (23-расм).



23-расм. Ҳайдаладиган чимли-подзол тупроқ.
Рязань обласи.

A₀ — ўрмоп түшамаси қалинлиги 2—3 см, қуруқ ҳолда, құнғыр тусли, ярим чириған япроқ, шохча ва ўсымлиқининг бोшқа қолдикларидан иборат; күпинчә оқ мөғөр дөғелари бўлади;

A₁ — чимли қатлам ёки чириди тўплапгаш (аккумулятив) горизонт, қалинлиги 20 см гача бўлиб, оч кул ранг ёки оч сур, сарғиш тусли, ғовак майда кесанчали — чаңг структуралидир;

A₂ — подзол ёки иллювиал қатлам — қалинлиги 30 см гача бўлиб, унисимон оқиши ёки оқ тусли, чидамсиз ясси ёки япроқсимон структуралидир.

B — рудякли ёки иллювиал қатлам — қалинлиги 70—80 см, тўқ жигар равгда, қўлғир ёки қизил-қўнғир тусли, зич қовушмали, кўп қиррали, ёнғоқ ёки призмасимен структурали бўлиб, настга тушган сарп структураси иоаник даражада йириклишади.

C — тупроқ она жинси. Чимли-подзол тупроқларнинг қалинлиги кўшинчча 1 м чамасида бўлиб, баъзан 1,5 м гача етади.

B — горизонтда кўпинчә ортштейн донаси ёки рудяк дейила-диган янги бирикма учрайди. Айрим чимли-подзол тупроқлар

B — горизонтишнинг қуйи қисмида берчланиш процесси бораётганинидан кўкимтири тус ҳосил бўлади. Шунинг учун бу қатламга

Bg ишораси билан кўрсатилиди.

Химиявий таркиби. Чимли-подзол тупроқларнинг химиявий таркиби ва хусусиятларини апиқлаш уларни ўрганиш юзасидан П. С. Коссович ва А. А. Роде томонидан бажарилган.*

Чимли-подзол тупроқларнинг химиявий таркиби шу жиҳатдан характерлики, уларнинг *A₁* ва *A₂* қатламларидан пастки *B* ва *C* горизонтердагига қараганды кремнезём (SiO_2) кўпроқ Al_2O_3 ; Fe_2O_3 ; CaO ; MgO ; K_2O ва Na_2O каби оксид бирикмалари эса кам, чунки бу моддалар турли химиявий процесслар натижасида сув билан пастки қатламларга ювилаб кетади. Бунда подзол тупроқ пайдо қилувчи процесс кучли бораётган қатламда асосан эримайдиган кремнезём (SiO_2) тўпланди.

Чимли-подзол тупроқлар сингдирувчи комплексининг хусусиятлари ва тупроқ реакциясининг ҳолатини кўрсатувчи маълумотлар 29-жадвалда келтирилган.

Бу жадвалда келтирилган раҳамалардан чимли-подзол тупроқларнинг сингдирувчи комплексида водород иони кўп экавлиги кўришиб турибди. Сингдирувчи комплекснинг бундай бўлиши подзол тупроқ пайдо қилувчи процесслар вақтида кальций ва магний бирикмаларининг қуйи қатламларга ювилаб кетишидаандир. Чимли-подзол тупроқлар устки горизонтишнинг реакцияси ҳамма вақт кислотали ($\text{pH}=4,61—5,65$) бўлиб, қуйи қатламларда кислоталик даражаси аста-секин камайиб боради. Она жинси карбонатли бўлган тупроқ *C* — горизонтишнинг реакцияси кучсиз ишқорий характеристика бўлади.

Чимли-подзол тупроқларнинг таркибида коллоидлар оз бўлганинидан сингдириши сифими ҳам кичикдир.

Чимли-подзол тупроқлар таркибида сувда эрийдиган моддадар жуда оз — 1% га етади.

Ленинград областидағы подзол, чимли-подзол тупроқларда
сингдирилган катионларнинг таркиби ва кислоталик даражаси
(А. А. Роде)

Тупроқнинг номи	Намуна олланган чукурлиги (см. диссо- бидат)	Генетик гори- зонт	Сингдирилган катионлар							рН	
			100 г күруқ тупроқда м. екб % диссобида						про- цент диссо- бидат		
			Ca ⁺	Mg ²⁺	H ⁺	Жами	Ca ⁺	Mg ²⁺			
Подзол тупроқ	5—40	A_1	0,32	0,35	18,40	19,07	2	2	98	4,01	
	20—25	A_2	0,29	0,35	1,80	2,24	13	16	71	4,96	
	30—35	A_2B	0,71	0,30	2,30	3,31	21	9	70	5,13	
	40—45	B	3,22	1,90	3,50	8,82	37	22	41	5,15	
	60—65	B_2	6,39	3,30	1,90	11,59	55	29	16	5,37	
	95—100	C	5,32	2,55	0,50	8,37	64	30	6	6,91	
	5—40	A_1	7,42	6,30	5,50	19,22	38	33	29	5,65	
	15—25	A_2	3,50	2,45	0,80	6,75	52	36	12	6,67	
	25—30	A_2B	4,00	3,25	1,00	8,25	48	39	13	5,71	
	40—45	A_2B_1	9,04	8,15	0,40	17,49	51	47	2	6,39	
Күп под- золланган чимли тупроқ	50—60	B_2	13,46	8,15	0,40	22,84	59	39	2	—	
	80—90	C	13,49	8,70	0,40	22,59	60	38	2	7,26	

Физикавий хоссалари. Чимли-подзол тупроқларнинг энг муҳим физикавий хоссалари билан танишиш учун бу соҳада жуда кўп текшириш ишлари олиб боргав Н. А. Качинский ва А. А. Роде маълумотларини келтирамиз.

Чимли-подзол тупроқларнинг механикавий таркиби хилма-хил ва сингил бўлиши она жиспенинг характеристи ва тупроқ пайдо қилувчи процессининг айрим хусусиятларига боғлақ (30- жадвал).

Бу жадвалда келтирилган рақамлар чимли-подзол тупроқларнинг устки чириндили ва подзол (A_1 ва A_2) қатламларидаги энг майдада лойка ва коллоид зарралари частки қатламларга ювилиб тушишини кўрсатади. Демак, подзол тупроқ пайдо қилувчи процесс натижасида устки қатламида майдада зарралар камайиб кетади. Шунинг учун тупроқнинг устки қатламида майдада зарралар камайиб кетиб, йирик зарралар кўпаяди ва горизонт структурасиз ҳамда қовушмаган ҳолатда бўлади; қуйи қатламларда эса майдада зарралар кўпайиб, горизонт зич қовушмали бўлади.

Чимли-подзол тупроқларнинг минералогик таркибини ўрганишда улар устки горизонтининг таркибида енгил (солишишима оғирлиги 2,8 дан кам) минераллар кўп бўлиши (90—99%) аниқлапган. Бунда енгил минераллардан кварц айниқса кўп, топшати, слюда ва бошқалар камроқ учрайди. Қуйи қатламлар (B ва C) таркибида, она жисс характеристига кўра, гематит ва лимонит каби ҳил оғир минераллар кўпроқ учрайди. Сўнгги вақтларда

**Чимли-подзол тупроқнинг механикавий таркиби
(А. А. Роде)**

Тупроқ	Намуна олинигизан чукурлик (см ҳисобида)	Генетик горизонт	Куруқ тупроқка нисбатан процент ҳисобида							
			Зарралар наттагиги (мм ҳисобида)							
			1—0,25	0,25—0,063	0,063—0,02	0,02—0,0063	0,0063—0,002	0,002—0,00063	0,00063—0,0002	0,0002 дан кичик
Чимли-подзол тупроқ	5—10	A ₁	9,76	4,53	13,75	18,75	34,34	15,41	2,45	1,01
	15—20	A ₂	8,06	6,80	12,46	18,09	34,70	16,18	2,96	0,95
	25—30	A ₂ B	4,48	7,04	10,12	17,90	32,71	16,92	5,17	5,96
	40—45	B	2,24	2,50	8,76	12,02	25,16	17,85	11,65	19,82
	80—90	C	0,16	0,11	1,38	13,03	41,81	21,45	8,91	13,15
	100—105									
Чимли-подзол-ланган тупроқ	5—10	A ₁	23,40	24,50	25,38	16,84	6,79	2,49	0,40	0,20
	20—25	A ₂	18,76	31,72	22,32	15,36	7,17	3,96	0,61	0,10
	30—35	A ₂ B	21,96	26,41	18,18	14,90	9,43	6,29	1,44	1,39
	40—45	B	20,32	22,41	15,78	12,80	8,73	6,43	5,38	8,15
	100—105	C	18,12	28,02	14,02	13,21	8,26	6,14	5,01	7,22

олиб борилган рентгенографик анализлар чимли-подзол тупроқлар таркибидаги коллоидларнинг кўпчилиги кварц, каолинит ва гидромусковит зарраларидан иборат эканлиги исбот этилди. Чимли-подзол тупроқлар минеромогик таркибининг буидай характеристерда бўлиши подзол тупроқ пайдо қилувчи процесслик натижасидир.

Чимли-подзол тупроқнинг ҳажмий ва солиширима оғирлиги ҳамда максимал гигроскопиклиги коллоидлар кўпайиши билан қўйи қатламларда орта боради; абсолют намлиги, тўлиқ нам сиғими, умумий коваклиги ва сув ўтказувчалиги эса камая боради (31- жадвал).

Қўриқ чимли-подзол тупроқларнинг устки чириндили горизонт структурасининг яхшилиги ва кам подзоллашганлиги билан фарқ қиласди. Агар чимли-подзол тупроқларда узоқ вақтгача деҳқончилик қилинса, уларнинг структураси ёмонлашиб кетади. Бу структурасиз тупроқ намлангандан кейин қуриб, қатқалоқ ҳосил қиласди.

Подзоллашган ва чимли-подзол тупроқларнинг устки горизонтлари сувни кам ўтказади. Механикавий таркиби оғир, қумоқ бўлса, тупроқнинг устки горизонтларида максимал гигроскопик нам тахминан 8% бўлади. В — горизонтда эса 13—14% га етади. Шунга кўра сўлиш коеффициенти тахминан 10% га, дала нам сиғими эса 30% га етади. Тупроқнинг тўлиқ нам сиғими ва аэрация коваклиги устки горизонтларда жуда кўп бўлиб, қўйи қатламларда эса кескин камаяди. Хулоса қилиб айтганда подзоллашган ва чимли-подзол тупроқларнинг энг характерли хоссалари қўйидагилардан иборат:

- 1) тупроқ асосларга түйинмаган бўлиб, реакцияси кислотали;
- 2) чирииди, азот ва осон ўзлаштириладиган кул элементлари оз миқдорда;
- 3) структураси мустаҳкам эмас, деҳқончилик қилинганда тез бузилиб кетади;
- 4) тупроқ горизонтлари химиявий ва физикавий хоссалари билан бир-биридан кескин фарқ қиласди;
- 5) микролар кам, аммо замбуруғларнинг кўп бўлиши билан бошқа тупроқлардан фарқ қиласди.

31- жадвал

**Оғир қумоқ таркибли ўртача подзодланган тупроқнинг физикавий хоссалари
(Н. А. Качинский)**

Ташриба ўтказилган горизонт ва унинг чукурлиги (см ҳисобида)	Абсолют намагиги (күргүй тупроқнга висбатан, % ҳисобида)	Жемчиги	Солишинирига отирилти	Узумий ион-вакансия	Нўлин нам сиғами	Максимал гироскопиклиги	Сув ўтказувчилиги 10 минутда ўтгани сув миқдори, см ³
<i>A₁</i> ҳайдалма қатлам (устки) 2—10,5	32,4	1,33	2,61	48,98	36,4	3,07	20,5
<i>A₂</i> ҳайдалма қатлам (остки) 10—17,5	29,0	1,41	2,60	45,91	33,0	2,91	—
<i>A₃</i> 20—28,5	21,5	1,58	2,65	40,24	24,2	2,70	47,5
<i>B₁</i> 36—44,5	17,5	1,63	2,68	39,33	24,0	4,49	0,27
<i>B₂</i> 66—74,5	21,4	1,60	2,72	41,28	25,7	6,63	0,01
<i>C₁</i> 97—105,5	21,1	1,64	2,70	39,44	25,0	6,57	0,02
<i>C₂</i> 123—131,5	22,4	1,59	2,70	41,14	25,5	5,56	—
<i>C₃</i> 145—153,5	18,0	1,71	2,68	36,34	21,0	4,98	—
<i>C₄</i> 170—175,5	17,6	1,78	2,69	33,70	19,6	6,25	—
<i>C₅</i> 194—202,5	17,2	1,78	2,69	33,99	20,0	4,95	—

Үрмон-ўтлоқ зонаси дейиладиган территорияда подзол тупроқлардан ташқари, яна бир қаюча интровернал тупроқлар: ботқоқ-подзол, чирииди-карбонатли, тўқ тусли тупроқлар учрайди. Қўйида ана шу тупроқлар ҳақида қисқача маълумотлар келтирилади.

Ботқоқ-подзол ёки берч қатламли чимли-подзол тупроқлар. Бу подзол ва ботқоқ тупроқ оралигидаги тупроқ ҳисобланади. Чунки бундай тупроқ ҳар икки тиңдаги тупроқнинг хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бундай тупроқ подзол тупроқ зонасида рельефнинг пастлик қисмида тарқалган бўлиб, меҳаникавий таркиби оғир ва сувни ёмон ўтказадиган она жинсларидан вужудга келган. Бундай тупроқнинг пайдо бўлишида сизот сувлари ҳам катта роль ўйнайди. Маълумки, тупроқ қатлами сернам бўлганида аэрация ёмонлашади ва анаэроб процесс кучаяди. Натижада қатламдаги темир (III)-оксид сувнинг кўплиги ва кислород камлигидан темир (II)-оксидга айланади ва кўкимтир тус ҳосил бўлади. Бу процесс тупроқшунослиқда берчланиш ёки ботқоқларнинг тупроқ дейилади. Бу тупроқлар 87 млн. гектар майдонда тарқалган бўлиб, реакцияси юқори горизонтда кислотали (рН-3—4) пастки горизонтда нейтралга яқин (рН-6—7).

Чиринди-карбонатли тупроқлар. Бундай тупроқларни дастлаб Н. М. Сибирцев текширган ва уларни аввал ренdziна¹ ҳамда боровина² деб, кейин эса чиринди-карбонатли тупроқ деб атаган. Подзол тупроқлар зонасида тарқалган бундай тупроқ күпинча Ленинград области, Литва ва Эстонияда, шунингдек Польшада учрайди. Н. М. Сибирцев фикрича, ренdziнаада чиринди күп бўлса ҳам, у қора тупроқдан фарқ қиласди. Қора тупроқ маълум физик-географик шароитда ҳар хил төр жинсларида пайдо бўлган зонал тупроқдир. Ренdziна эса интроверсал тупроқ бўлиб, оҳактош ва доломит сингари жинслар маҳсулоти таъсирида пайдо бўлган. У шимолроқдаги подзол ва оч тусли чимли тупроқлар орасида учрайди.

Чиринди-карбонатли тупроқ таркибида чиринди 3—4% бўлиб, айrim турларида 7% гача етади. Сингдириш сигими подзол тупроқларга қараганда анча юқори. Сингдирувчи комплексида кальций кўп. Кучсиз ишқорий реакцияга эга ($\text{pH} = 7,5$). Бундай тупроқларда биологик процесс анча яхши ривожланган. Азотобактер ва нитробактерларнинг актив ҳаёт кечириши натижасида тупроқнинг устки горизонтида азот кўп тўпланади.

Чимли-подзол тупроқлар зонасида чиринди-карбонатли тупроқлардан ташқари оз карбонатли мергель сингари төр жинсларидан пайдо бўлган чим-карбонатли тупроқ ҳам учрайди. Уни баъзи тупроқшунослар ярим ренdziна, ренdziнасимон ва сохта ренdziна тупроқ деб ҳам юритадилар. Чим-карбонатли тупроқнинг чиринди-карбонатли тупроқдан фарқи шундаки, у кўпинча подзол тупроқларга осонгина айланади.

Тўқ тусли тупроқ. Бу ҳам подзол тупроқ зонасида тарқалган интроверсал тупроқдир. М. М. Филатов бу тупроқни ярим ботқоқлашган тупроқ деб атайди. Тўқ тусли тупроқнинг ташқи белгилари, унинг ер ости сувлари юза бўлган шароитда вужудга келган чимли тупроқ эканини кўрсатади. Унинг таркибида 8—10% гача чиринди бўлади. Сингдирувчи комплексидаги ионларнинг кўпчилиги (80—90%) асослар (кальций, магний ва бошқалар)дан изборатдир. Ўрмон-ўтлоқ зонасида фақат подзол ва ботқоқ тупроқлар бўлмай, балки бир типдан иккинчи типга ўтувчи тупроқлар ҳам учрайди.

Подзол ва чимли-подзол тупроқлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва уларнинг унумдорлигини ошириш

СССР териториясининг ярмидаи кўпроқ (52,7%) қисмини өгаллаган тайга-ўрмон ва ўрмон-ўтлоқ зонасидаги чимли-подзол ва подзол тупроқлар халиқ хўжалигида катта аҳамиятга эга.

¹ Ренdziна — ёпишқоқ лойли тупроқ маъносини англатади.

² Боровина — нам ҳолда ёпишқоқ ва қуригандага қаттиқ бўладиган қора тусли тупроқ.

Подзоллашган ва айниңса чимли-подзол ҳамда чим-тупроқли ерлардан әрамизнинг V—VII асрларидан бoshлаб деҳқончиликда фойдаланиб келингган. Деҳқончилик учун яроқли ер кўп ва аҳоли кам бўлганлигидан ўрмонларни кесиб ёки ёндириб деҳқончилик қилингган.

Дараҳтлар кесилиб, таги билан ағдариб ёндирилар, ер ишланмасдан бевосита кул устига жавдар, сули ёки узун толали зигир экилар эди.

Подзол ва чимли-подзол тупроқлардан фойдаланишида Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина туб ўзгариш рўй берди. Механизациялаштирилган йирик социалистик хўжалик формаларига ўтиш, фан ютуқлари ва илгор тажрибалардан кеңг фойдаланиш деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг кескин ошилигига олиб келди.

Энг сўнгги маълумотларга кўра, бу зонадаги ерларнииг кўп қисми (тоғлик районлардан ташқари) ўрмол ва бутаворлар — 52,3%, ҳайдаб деҳқончилик қилинадиган ерлар ва узумзорлар — 6,3%, пичан ўриладиган ерлар — 3,4%, яйловлар — 2,4%, бугучилик яйловлари — 7,3%, ботқоқликлар — 22,1%, яроқсиз ерлар — 6,2% ни ташкил этади.

Маълумки, чимли-подзол тупроқларининг чириидили, қатлами юпқа, органик ва минерал моддалар, запаси кам, реакцияси кислотали, структураси ёмон, сув-ҳаво режими ноқулайдир.

Шунинг учун чимли-подзол тупроқларда деҳқончиликни ривожлавтириш ва экинилардан муттасил мўл хосил олиш учун тупроқ унумдорлигини оширадиган қуидаги агрокомплекс тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириш лозим.

Алмашлаб экиш. Бу подзол ва чимли-подзол тупроқлар унумдорлигини ошириш учун қўлланадиган энг муҳим агрокомплекс тадбир ҳисобланади. Подзол тупроқлар дараҳт ўсимликлари ривожланган шароитда пайдо бўлганлигидан, уларда бир йиллик ўсимликлар ўсиши учун етарли қуай шароит йўқ. Шунинг учун бундай тупроқларни чимли тупроққа айлантириш лозим. Бунга маҳсус алмашлаб экини усулини амалга ошириш йўли билан эришиш мумкин.

Алмашлаб экишда беда, тимофеевка сингари кўп йиллик ўтлардан фойдаланиш тупроқнинг барча хоссаларини яхшилайди ва унумдорлигини оширади. Алмашлаб экиш тўёри амалга оширилганда тупроқда органик ва минерал моддалар, хусусан азот кўп тўпланади. Органик моддалар кўпайганидан кейин, тупроқнинг структураси, шунингдек, сув, ҳаво ва иссиқлик режими яхшиланади ва натижада тупроқда биологик процесс кучли боради.

Алмашлаб экиш тўғри жорий этилгандагина деҳқончиликда ерни ишлаш ва ўғитлаш каби тадбирлар яхши натижада бериши мумкин.

Ерии ишлаш. Бу ҳам чимли-подзол тупроқлариниг унумдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Подзол тупроқли ерлар-

унинг устки чириндили қатламини қаливлаштириш учун ерия чуқур ҳайдаш керак. Ер чуқур ҳайдалганда тупроқда ўсимлик ва микроорганизмлар ҳаёти учун қулай шароит вужудга келади, ўсимликларни озиқланиши яхшиланади, зааркунанда ҳашаротлар ва бегона ўтлар камаяди.

Үгитлаш. Чимли-подзол тупроқнинг агрономик хусусиятлари ни яхшилаш мақсадида ерга органик ва минерал ўғитлар солиш энг муҳим тадбир ҳисобланади. Ерга мунтазам равишда органик ўғитлар — гүнг, махсус тайёрланган торф солиб турилса, тупроқ таркибида чиринди, шунингдек азот, калий ва фосфор кўпаяди. Маълумки, гүнг солинган тупроқда нитрификация процесси яхциланади. Органик ва минерал ўғитларни биргаликда солиш айнициса яхши натижка беради. Бунда органик моддалар тупроқдаги микроорганизмлар учун озиқ ва иссиқлик мағбай бўлади, минерал моддалар эса ўсимликларга осоя сингади. Натижада минерал ўғитларниң самараси ошади. Чимли-подзол тупроқларни ўғитлашда уларниң кислотали хусусиятини эътиборга олиш зарур. Аммоний сульфат $[(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4]$ сингари физиологик кислотали ҳисобланган азотли ўғитларни солмаслик керак. Фосфорит уни ва томасшлак каби оҳакка бой фосфорли ўғитлар солингандан тупроқнинг кислоталилти камаяди ва ўсимликларниң фосфорга бўлган талаби қондирлади. Чимли-подзол тупроқларга суперфосфат солиш тавсия этилмайди. Физиологик ишқорий калийли ўғитларни қўйланиш яхши натижка беради.

Оҳак солини. Ерга оҳак солиш чимли-подзол тупроқларниң физик-химиявий хоссаларини яхшилайдиган, упумдорлигини оширадиган муҳим агротадбир ҳисобланади. Подзол тупроқли ерга оҳак солингандада, унинг кислоталилик ҳолати аста-секин йўқола бошнайди ва тупроқ эритмаси нейтрал реакцияли бўллиб қолади. Оҳак солинган чимли-подзол тупроқ реакциясининг нейтралланниши натижасида унинг физикавий хоссалари яхшиланади, микробиологик процесслари кучая бошлайди. Бу эса тупроқнинг устки қатламида органик моддаларни тўпланиши, озиқ элементларининг ювилиб кетмаслигини таъмин этади. Подзол тупроқларниң ҳамма турлари ҳам оҳакка муҳтож эмас. Шунинг учун оҳак солишдан илгари тупроқнинг кислоталилик даражасини аниқлап керак. Оҳак ўртача ва кучли ($\text{pH}=5,5$ дан кичик) кислотали тупроқларга гектарига 3—8 т ҳисобидан солинади.

Алмашлаб экиш далаларидаги бир ўиллик экинлар ерига оҳакни кузда солиш керак. Картошка, зигир ва лючин сингари экинлар экиладиган майдонларга оҳак солиш тавсия этилмайди.

Ана шундай химиявий мелиорациянинг ниҳоятда катта аҳамиятни назарда тутиб, яқин йилларда (1966—1975) СССРда кислотали тупроқларниң 28 млн гектарига оҳак солиш плантациирилган. Подзол-берч тупроқли ерларда бу агротадбирлардан ташкари, ботқоқланнишга қарши чора кўриш ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун берчланган қатлами юза бўлган ботқоқли ерлар атрофига зовурлар қазиш ўйли билан сизот сувларининг сатҳини па-

сайтириш ва ботқоқланиш процессининг олдини олиш зарур. Бу агрокомплекс тадбирлар агротехника қоидаларига мувоғиқ түгри қўйлланганда экинлардан муттасил мўл ҳосил олиш мумкин.

XIX б о б

БОТҚОҚ ТУПРОҚЛАР

Ботқоқ тупроқларнинг географик тарқалиши. Ботқоқ тупроқлар СССР территориясида айниқса ўрмон-ўтлоқ ва тундра зонасида кўп тарқалган. Чимли-подзол тупроқлар зонасида учрайдиган ботқоқ тупроқлар майдони СССР территориясининг тахминан 6,7% ига түгри келади. Белоруссия территориясининг (айниқса Полесьеда) 22,8%, Мурманск областининг 24,6%, Карелия АССРнинг 26%, Ленинград областининг 18%, Архангельск ва Вологда областларининг 15% майдони ботқоқ тупроқлардан иборат. Мещчера пастлигида Ветлуга дарёси бўйида ҳам ботқоқликлар катта майдонни өгаллайди. Гарбий Сибирь пасттекислигида ботқоқликлар ва ботқоқ тупроқлар айниқса кенг тарқалган. Бу пасттекисликининг тахминан 60% и ботқоқликдан ва ботқоқ тупроқлардан иборат. Узоқ Шарқда ва Камчаткада ҳам ботқоқликлар кўп. СССРнинг жанубий районларида ботқоқ тупроқлар жуда кам тарқалган бўлиб, асосан Дон, Днепр, Волга, Кубань, Терек, Амударё, Сирдарё ва бошқа дарёларнинг водий ва дельталарида гина учрайди.

Ботқоқнинг ва ботқоқ тупроқларнинг пайдо бўлиши

Тундра, ўрмон-тундра, тайга-ўрмон ва ўрмон-ўтлоқ зоналаридаги тупроқларнинг сернам бўлишига, биринчидан, рельеф шароитига кўра ер ости сувларининг юза жойлашганлиги, иккинчидан, ёгинларнинг ер бетида кўп микдорда тўпланиши сабаб бўлади. Ёғин сувларининг ер бетида ҳалқоб бўлиб тўпланишига ботиқ рельеф шароити ва сув ўтказмайдиган қатламишиаг юза бўлиши катта роль ўйнайди. Булардан ташқари, ботқоқ тупроқ пайдо бўлишида тупроқнинг сувни пастки қатламларга ўтказмайдиган ортшнейли ва доимий музлаб ётадиган қатламларнинг ҳам ўзиға хос аҳамияти бор. Маълумки, дарахтлар тупроқдаги сувни илдизи орқали олиб, буғлатиб туради. Агар ўрмондаги дарахтлар ёнпасига кесиб ташланса, тупроқ нами тез буғланимаганидан, у ерда сфагнум моҳли ботқоқ пайдо бўла бошлайди.

Ўрмонда ёнғин бўлиши сабабли очилиб қолган ерларда ҳам ботқоқланиши бошланади. Бундай ерларда дастлаб моҳ, сўнгра шчучка ва какку зигир ўса бошлайди; кейин сфагнум моҳи пайдо бўлиб, ботқоқланиш бошланади. Сийрак пояли ўтларнинг ўсиши, тупроқ бетида жуда кўп микдорда органик қолдиқлар тўпланиши ва тупроқ устки қатлами намлигининг орта бориши туфайли ўтлоқлар ботқоқлана бошлайди. Бу эса сийрак пояли ўтлар учун сув, ҳаво ва озиқ режимларининг ёмонлашишига сабаб бўлади. Натижада


бу ўтлар аста-секин йўқолиб, ўрвига туж пояли ўтлар пайдо бўлади. Шундай қилиб, чимли тупроқ пайдо бўлиш даврининг янги босқичи бошланади. Бу эса ботқоқланишга олиб боради. Тупроқ бетида органик қолдиқларнинг жуда кўп тўпланиши тупроқ пайдо қўйувчи ягона процессда чимли тупроқ давридаги ботқоқланиш босқичнинг биринчи белгиси, озиқ элементларининг камайинши эса иккинчи белгисидир. Тупроқ бетида органик қолдиқларнинг тўпланиши туфайли вужудга келган сернамлик натижасида атмосфера кислородининг тупроқда кириши қийинлашади ва тупроқда анаэробиозис учун қулай шароит пайдо бўлади ва сфагнум моҳли ботқоқ пайдо бўлади. Кислород ётишмаслигидан анаэроб микроблар ўз ҳаёт фаолияти ва органик қолдиқларнинг оксидланиши учун темир (III)-оксиди ҳамда марганец (III)-оксидаидан кислородни олади. Натижада бу бирикмалар тўлиқ оксидланимаган темир (II)-оксиди ва марганец (II)-оксидига айлавади. Темир (II)-оксидининг, асосан $\text{Fe}(\text{HCO}_3)_2$ шакидаги бирикмалари сувда яхши эрнайди ва кўпгина ўсимлик ҳамда микробларни заҳарлайди. Улар кремнезём ва фосфор бирикмалари билан реакцияга киришиб, иккиламчи комплекс ҳолидаги алюмоферросиликатлар ва вивиантин хосил қиласди. Бунга глейланиш процесси дейилади. Темир (II)-оксиди, марганец (II)-оксиди ва фосфор (III)-оксиди бирикмаларини сақлаган кўкишроқ ёки зангори рагидаги горионтларни глейли (берч) горизонтлар дейилади. Глейли горионтлар бутуплай структурасиз, зич, ҳажмий оғирлиги катта бўлини, сувни ёмон ўтказиши ва бошқа салбий хусусиятлари билан саралтерлидир.

Шундай қилиб, ботқоқликлар ва ботқоқ тупроқларнинг пайдо бўлиши ернинг рельсфига сизот сувининг сатҳи ва химиявий тарсигита, ёғнингарчлиқ майдорига, ўсимлик хиллари, уларнинг алмашинишига ва бир қанча факторларга бояли.


Сув ҳавзалари, масалан, саёз кўл, тўхтаб қолган дарё, дарёлар кўлтигига ботқоқланиш бошқачароқ бўлади. Сув ҳавзаларида за уларнинг атрофида сув ўтлари, қамиш, қиёқ ва шунга ўхшаш ўсимликлар ўсиши натижасида аста-секин сув ҳавзасини тамомилаёт босада ва ҳавза торфланади ҳамда ўтланаб қолади (24—25—26—27—28—29-расмлар). Туж пояли галласимон ўтлар, қиёқ ва иохларпинг ўсиши сабабли бу жойда ҳам қуруқликдаги ботқоқтаниш процессининг айрим ҳолатлари кетма-кет рўй беради ва ботқоқ пайдо бўлади.

Б. Ботқоқ тупроқларнинг класификацияси, тузилиши, таркиби ва хоссалари


Ботқоқ тупроқларни класификациялашда ботқоқланиш процессининг биологик хусусиятларини, ботқоқ тупроқнинг тузилиши ва хоссаларини, шунингдек торф қатламишиниң қалинлигини эътиборга олиш лозим. Маълум табиий шароитда пайдо бўлган ботқоқлик тўхтовсиз ўзгариб туриши натижасида ботқоқнинг турли ҳо-




24-расм. Күлниң ўт босиши схемасы:
1-микроторф донли ўсимликлар-шчучка; 2-бактерия торф илдиз пояли донли
ұсимликлар; 3-майда киёклар; 4-бюджук киёклар; 5-саватич; 6-кұра; 7-камыш;
8-деңең шаңынан түзілген; 9-сузуб коруғачи сув үтлари; 10-күлнинг таги; 11-одан
сапровелли лойна; 12-боянали торф; 13-киёк торф; 14-камыш саватич торғы;
15-аморф сапровелли торф.



25-расм. Ботқоқликда сфагнум мокининг ўсипи. Вологда области.



26- расм. Ботқоқликнайг устки күріниши. Вологда области.




27- расм. Ботқоқда ўсадыган мохлар:
a—*pleurozium*, b—*polytrichum*, c—*sphaquum*.



28- расм. Устки ботқоқ. Үрта тайга.


лати (фазаси) вужудга келади, чунончи, ишан үтли ботқоқ қиёқли, яшил мохли, қиёқ сфагнум мохли ва сфагнум мохли ботқоқ. Ботқоқнинг аста-секин ўзгариши натижасида торфли, торфли берч ботқоқ тупроқлар пайдо бўлади. Торфли ботқоқлар, торф қатламининг қалинлигига кўра учга бўлинади:

- 1) юпқа қатламли торфли ботқоқ — торф қатламининг қалинлиги 40—100 см;
- 2) ўртача қатламли торфли ботқоқ — торф қатламининг қалинлиги 100—200 см;
- 3) қалин қатламли торфли ботқоқ — торф қатламининг қалинлиги 200 см да п кўп.



29- расм. Кўлда сузиб юрувчи (сплавина) ўтиниг ўсиш схемаси.

Тузилиши. Торфли қатламнинг қуий қисми тўқ жигар ранг ёки қорамтири бўлиб, юқорига томон тузи оқара ва зичлиги камая боради. Бу қатлам тагидаги кўкимтири ёпишқоқ қатламда қизғиш доғлар учрайди (30-расм).



30-расм. Куроқликда пайдо бўлгай ботқоқлининг тузилиш схемаси.
Юқорида ҳар хил торф қатламлари.

Чимли-ботқоқ тупроқ бетида юпқагина торф қавати бўлиб, бу асосан чимли қатламдан иборат. Чимли қатлам тагида берчланган қават жойлашган. Утлоқи ботқоқ ва лойқали ботқоқ тупроқлар ҳам шу группага киради.

Таркиби. Ботқоқ тупроқнинг устки биринчи қатламидаги торф таркибида ўсимликларнинг ҳар хил қолдиқлари (илдиз, япроқ, шохлар ва жуда кўп микроорганизмлар¹) бор.

Торфнинг химиявий таркибида ўсимликка нисбатан углерод миқдори кўпайди, кислород эса камаяди (32-жадвал).

32-жадвал

Торфнинг химиявий таркиби

Торф қатламлари	Торф таркибидаги элементлар (процент ҳисобида)		
	C	H	O
Сфагнум мох- ли	50,0	6,5	42,4
Устки торф 2,5 м даги торф	57,7	5,4	36,0
4,6 м даги торф	62,0	5,2	30,6
	64,1	5,0	20,8

¹ Д. Беган ва Н. Белковалари ишланинг аниқлашича таблий шароити-
даги бир грамм нам торфда 700—800 млн микроб бор.

Торфнинг химиявий таркиби ва физикавий хоссаларини характерловчи маълумотлар ЗЗ-жадвалда келтирилган.

33- жадвал

Торфнинг химиявий таркиби ва физикавий хоссалари
(И. С. Йупинович ва Т. Ф. Голуб)

Кўрсаткчлар (процент дисобида)	Баландликдаги ботқоқ	Ўтувчи ботқоқ	Пастликдаги ботқоқ
Чириш даражаси	30—60	20—45	5—50
Кул миқдори	8—20	5—40	2—5
Умумий азот	2,8—3,8	1,7—4,2	1,0—2,0
P_2O_5	0,2—0,7	0,15—0,35	0,1—0,25
K_2O	0,1—0,3	0,05—0,2	0,04—0,08
CaO	3,5—4,0	0,6—2,3	0,30—0,48
pH (сувли сўримда)	—	35—5,3	3,2—4,2
Нам сигими	360—420	550—950	600—1200
Ҳажмий оғирлиги ($\text{g. } \text{cm}^3$)	0,17—0,27	0,11—0,16	0,04—0,08

Жадвалдаги маълумотлар торфнинг химиявий таркиби ва физикавий хоссалари ботқоқнинг келиб чиқишига кўра ҳар хил эканни кўрсатади. Умумав торф таркибидаги азот кўни, калий ва фосфор кам. Торфнинг чириш даражаси ҳамда кул миқдори ўтувчи ва пастликдаги ботқоқликка нисбатан баландликдаги ботқоқ торфида кўпроқдир.

Хоссалари. Ҳамма турдаги ботқоқлар торфининг айниқса пастликдаги сферагутум моҳли ботқоқ торфининг нам сигими жуда катта бўлиб, чириш процессининг кучайиши билан нам сигими камая боради. Торф сувни жуда кўп шимланлигидан, унииг намлигидаги ҳажми қуруқ ҳолидаги ҳажмига қараганда 2,5—8 ҳисса катталашади. Торф сувни жуда суст ўтказади. Иссикликни яхши ўтказмайди. Ундан сув жуда тез бугланади. Торфнинг солиштирма оғирлиги 0,18—1,0, ҳажмий оғирлиги эса ҳар хил 0,04 дав 0,27 гача. Торф қатламидан кейин бошланадиган берч ёки берчланган қатламнинг туси кўпинча кўкимтирилбади. Бу қатлам сернам ва ҳавони кам ўтказганлигидан унда анаэроб бактерияларнинг махсус групнелик яшайди, улар ҳар хил мураккаб процессларга сабаб бўлади. Берч қатламнинг химиявий таркибидаги Fe_2O_3 ва Al_2O_3 сингарп оксидлар жуда оз, FeO каби оксидлар кўп учрайди. Унда 0,3—1% чиринди бўлади. Берчланган горизонтнинг реакцияси нейтралга яқин (pH-5,8—7,4).

Ботқоқларнинг пайдо бўлишидаги биохимиявий процесслар ҳар хил характеристида бўлганлиги туфайли, уларнинг физик-химиявий ва химиявий хоссалари ҳам турли Chadir.

Ботқоқ тупроқлар ва ботқоқликларниң қишлоқ хұжалигіда үзлаштирилиши

Ботқоқ тупроқлар күпчилик екіншілік учун яроқсизdir. Ботқоқ тупроқларда үсадигат ҳар хил өввойи үсімліктерден мева-лар (клюква, морошка, голубика) териб олиш, пичан ўриш, сават ва чий түқиш учун материал олишда ва бошқаларда қисман фойдаланып келингандай. Ботқоқ тупроқдан олнидиган торф органик ўғит сифатида ишлатылады ёки ундан компостлар тайёрланади. Торфдан ёқилғи тариқасыда ҳам фойдаланылады. Металлургия ва химия саноатыда торфдан сұнъый кокс тайёрланади. Деңқончылық учун үзлаштириладын ботқоқликларда ва ботқоқ тупроқларда буталар кесіб ташланади, коллектор ва зовурлар қазыб, мелиорация ҳолати яхшиланади, ер текисланади ва дискли борона ёки фреза билан چұқур юмшатылған, аэрация ва иссиқлик шароити яхшиланади. Эпди үзлаштириліб, әкин әкіла башлаган ботқоқ тупроқларда ерларға ҳар йили калийли ва фосфорлы ўғитлар солиб туриш керак. Азот бирикмалари етарлы бүлгансында учун дастлабки йилдарда ударни азот билан ўғитлашынғ қожати бўлмай, фақат кеинчалик органик ўғитлар солиш лозим.

Ботқоқ тупроқларда микроэлементлардан бор, марганец, мис одатда кам бўлади. Шунинг учун бу моддаларни оз-оздан солиш тавсия этилади. Қуритилған ботқоқликка бириначи йили ҳашаки нўхат билан сули аралаштириб әкілса, яхши натижада беради. Кеиниги йилларда ботқоқ тупроқларни үзлаштириб ғалла, картошка, зигир, наша ва сабзавот әкинлари әкиб юқори ҳосил олишмоқда.

ХХ б о б

ҮРМОН-ДАШТ ЗОНАСИННИГ ТУПРОҚЛАРИ

Тарқалиши. Бу зонанинг умумий майдони 1193 минг км². Үрмон-дашт зонасининг тупроқлари шимолдаги подзеллашган тупроқлар үрмон зонаси билан жанубдаги қора тупроқли дашт зонаси орасыда жойлашган. СССР Европа қисмидә үрмон-дашт зонаси Карпат тогларининг гарбий тармоқларидан Урал тог тизмасигача яхлит полоса шаклида тарқалган. Бу зона Гарбий Сибирь паст-текислигидә Уралнинг шарқий ён бағридан Гарбий Олтойгача да-вом этади. Бундан ташқари үрмон-дашт зонасининг тупроқлари Олтой билан Салаир тизмаси орасидаги Кузнецк үрмон даштида, Иркутск үрмон даштида, Шилка ва Зея дарёлари ёқасыда, Шарқий Сибирь территорияларида учрайди.

Үрмон-дашт зонасын тупроқларининг найдо бўлиши

Үрмон-дашт зонасининг рельефи жарлик ва сойликлардан иборат. Тупроқ пайдо қилувчи она жинси хилма-хил. Улар Днепр ўнг соҳилининг гарбий қисмидә лёсс, чап соҳилида эса аллювий,

Харьковдан бошлаб то Рязангача Урта Россия баландлигининг марказий ва жанубий қисмида учламчи давр жинсларида, тог әтакларидан эса лёссимоп ётқизиқлар, ғарбий Сибирда эса күл, элювий, делювий ва аллювий каби хилма-хил ётқизиқлардан иборат.

Иқлими. Ўрмон-дашт зонасининг иқлими ўрмон-ўтлоқ зонаси-никидан фарқ қиласди. Зонанинг Европа қисмида йиллик ўртача температура $+7^{\circ}$ гача, йиллик ўртача ёгин миқдори 460—580 мм. Зонанинг Осиё қисмида йиллик ўртача температура $4,5^{\circ}$ гача, йиллик ўртача ёгин миқдори эса 300—500 мм бўлади. Ёғиннинг кўп қисми (Европада 35—40, Осиёда 65—70%) ёз ойларида ёғади. Совуқсиз даврлар зонанинг Европа қисмида 250, Осиё қисмида эса 180 кунга етади.

Ўсимликлари. Зонанинг Европа қисмида асосан дуб, липа, ҳайрагоч, заранг, шумтол, тоғтерак каби дараҳтлар, пичац, чалов, бетага, чўл сулиси, чўл тимофеевкаси, ўрмонларда қаргатуёқ, медувница (асалчил ўт), гунафша, копитенъ каби ўтлар кўп тарқалган.

Ўрмон-дашт зонаси тупроқларининг келиб чиқиши

В. В. Докучаев ўрмон-дашт зонасидаги сур тусли ўрмон тупроқлари қора тупроқлар деградацияси (бузилиш)идан эмас, балки мустақиля тупроқ тишидир деган эди.

С. И. Коржинский, у қора тупроқлар деградацияси натижасида пайдо бўлган, деб тушутирди. Қора тупроқли ерларда дараҳтлар пайдо бўлиши билан тупроқда чиривиди парчалапади ва камая бошлияди, шунга кўра тупроқниң структураси ҳамда химиявий таркиби бузила бошлияди. В. Р. Вильямс назариясига кўра, ўрмон-дашт зонасининг сур тусли ўрмон тупроқлари қора тупроқ пайдо қилиш процессининг подзол тупроқларга таъсир этиши натижасида келиб чиқсан.

Бу гипотезаларнинг ҳеч бири ўрмон-дашт зонаси тупроқлари-нинг келиб чиқишини тўла тушутириб беролмайди. Зонанинг ҳар хил қисмларида тупроқ турлича таркиб топғас ва турлича ривожлангав. Зонанинг қадимдан кепг баргли ўрмонлар билав қопланган шимолий қисмида ўтлар яхши ўсадиган маҳсус тупроқ типи — оч сур тусли ўрмон тупроғи таркиб топған.

Ўрмон-ўтлоқ зонаси билан дашт зонаси орасида ўрмон тоҳ даштга босиб кирган, тоҳ, аксиликча, ўрмонни одамлар қирқиб юбориши натижасида бу ерларни ўтлоқ-дашт ўсимликлари эгаллаб, ўрмон ўринини дашт эгаллаган. Бунинг натижасида ўтлоқларни ва ўтлоқ-даштларни ўрмон босгандা, қора тупроқлар айнигай, улар подзоллашган сур тусли ўрмон тупроқларига айланган. Шундай қилиб ўрмон-дашт зонасидаги тупроқлар пайдо бўлиш процесси ҳамма ерда ҳар хил бўлганлиги учун ҳар бир шароитда шу ернинг ўзига хос тупроқлари пайдо бўлган.

Үрмөн-дашт зонасындағы үрмөн құңғир тусли тупроқлар

Тарқалыши. Үрмөн құңғир тусли тупроқлар СССР ингекциялық қисмінде Закарпат төр олды қияликлари ва текисликларида Закарпат вилоятларида ҳамда Узоқ Шарқынғ жанубий қисми (Ускури — Ханка ва Зея Бурея вилоятларида) да тарқалып 45 мән га майдонни әгаллады.

Закарпат вилоятларида бу тупроқлар чим-глейли тупроқлар билан бирга, Узоқ Шарқда эса үтлоқи ва үтлоқи-ботқоқ тупроқлар билан комплекс бўлиб учраши мумкин.

Табиий шароити

Иқлими. Ёзи иссанқ, ҳаво намлиги юқори. Үртача йиллик ёғин миқдори Закарпат вилоятларида 800—1000 мән, Узоқ Шарқда 450—600 мән. Намликининг ер бетидан буғланыш миқдори Закарпатда бир йилда 600 мән, Узоқ Шарқда 430—550 мән. Буғланышга нисбатан ёғингарчилк миқдори кўп бўлганидан намлик доимо гупроқнинг пастки қатламларига сизжиб туради. Демак, бу тупроқларда ювиладиган сув режими ривожланган.

Закарпат вилоятларида қиши қисқа ва юмшоқ бўлиб, қор нам ёғади. Бу ерда январь ойининг ўртача температураси -3° , -5° . Узоқ Шарқ вилоятларида қиши узоқ ва союқ бўлиб, январь ойининг ўртача температураси -11° , -29° . Шу сабабли Узоқ Шарқ вилоятларида қиши фаслида тупроқнинг 2—3 м қатлами музлайти ва кеч баҳорда эрийди.

Бир йиллик ўсимликларнинг ўсиши учун фойдали бўлган (-10° дан юқори) йиллик температуранинг миқдори Закарпатда 2800—3000°, Узоқ Шарқда 1900—2600°. Үрмөн сур тусли тупроқлари майдонининг иқлими дараҳт ўсимликларининг ўсиши учун қулайдир.

Үрмөн құңғир тусли тупроқлар ва тупроқ пайдо қилувчи она жинслари Закарпатта төр олди адирларда деғиз сатҳидан 120—140 м дан 300—350 м гача баландликда тарқалған бўлиб, қадими қизай тусли төр жинсларининг нураш маҳсулотидан иборат. Узоқ Шарқда бу тупроқлар төр олди ва оралигидаги текисликларда тарқалған тупроқ пайдо қилувчи она жинси қумоқ ва соз таркибли элювий, делювий ва аллювий ётқизикларидан иборат.

Ўсимликлари. Закарпатда кенг баргли бук, дуб, граб, шумтол, Узоқ Шарқда кенг баргли ель (қора қарагай), пихта, кедр, дуб, клён, липа ва нина баргли дараҳтлар ўсади. Үрмөнсиз сернам ерларда үтлоқ-ботқоқ ва ботқоқ ўсимликлари ўсади.

Тузилиши. Үрмөн тұшамаси (A_0) горизонт тегидаги чириндилі аккумулятив (A), горизонттын қалинлиғи 5—30 см сарғыш-құңғир туستа бўлиб, юмшоқ, донадор структурага эга. Бу горизонттын тегида үтүвчи горизонт (B) құңғир тусти, донадор структурали, қалинлиғи 15 см дан 30—40 см гача бўлади. (B) горизонттын остида тупроқнинг она жинси (C) горизонт ётади.

Үрмөн құнғир тусли тупроқларининг пайдо бўлиши ва классификацияси

Пайдо бўлиши. Үрмөн құнғир тусли тупроқ терминини 1892 йилда Р. В. Ризположенский Қозоң губерниси ўрмоя тупроғини текшириб кўргандап кейин ва 1905 йилда немис тупроқшуноси Е. Романн иссиқ ва сернам шароитда кенг баргли ўрмөнларда пайдо бўлган тупроқларни «бурозём» деб юритишни таклиф этди.

1930 йил тупроқшуносларнинг II Халқаро конгрессида «бурозём»ни «құнғир тусли ўрмөн тупроқлар» деб юритиш қабул қилинди.

Ўрмөн құнғир тусли тупроқларини ўрганиш ва илмий асосда текшириш соҳасида К. Д. Глинка, В. Р. Вильямс, И. Н. Аптипов-Каратеев, Ю. А. Ливеровский, И. П. Герасимов, С. В. Зонн ва айниқса Л. И. Просолов каби тупроқшунос олимларнинг хизматлари катта.

Ўрмөн құнғир тусли тупроқларининг пайдо бўлишида қўйидаги шароитлар мұдым роль ўйнайди:

1) кенг баргли ўрмөнларда мўътадил нам иқлим, яъни ёз ойларида ҳавониниң иссиқ ва нам бўлиши;

2) иқлим ва биохимиявий жа химиявий факторлар натижасида бирламчи минералларнинг парчаланиб, иккиламчи созли минералларни пайдо бўлиши;

3) тупроқ профилининг ўрта қатламини микроорганизмлар ҳаёт фаолияти ва юқори ўсимликлар қолдиқлари чириши, тупроқ қатламлари эса узоқ вақт илиқ ва сернам бўлиши натижасида берчланади. Бу процесс натижасида модда алмашиниш тезлашиб, тупроқда темир, алюминий, марганец, фосфор, магний, кальций сингари моддалар тўпланади;

4) ўрмөн құнғир тусли тупроқлар таркибида кальций карбонати бўлмаслигига қарамай, бу тупроқда подзолланиш процесси кўзга ташланмайди. Бунга сабаб кенг баргли ўрмөн тупроқларида моддаларнинг биологик алмашинишидир.

5) ўрмөн тўшамаси суст парчаланиб, иқлим континенталлашса, құнғир тусли ўрмөн тупроқларнинг (*AB* ёки *A*) қатламида подзолланиш рўй бериши мумкин.

Классификацияси. Тупроқ пайдо бўлиш шароитига кўра құнғир тусли ўрмөн тупроқ қўйидаги типчаларга бўлинади:

1) ўрмөн типик құнғир тусли тупроқ;

2) ўрмөн құнғир тусли подзоллашган тупроқ;

3) ўрмөн құнғир тусли глейланган тупроқ;

4) ўрмөн құнғир тусли подзоллашган, глейли тупроқ.

Типчалар ўз навбатида тупроқ пайдо қилувчи она жинс характеристига кўра турларга (қолдиқ — карбонатли; қизғиши рангли; шатал тошли ва д. к.) ажратилади.

Бу тупроқ турлари чиринди микдорига кўра қўйидаги турчаларга бўлинади: серчириндили 8% дан кўп; ўрта чириндили 3—8% дан кам, чириндили 3% дан кам.

Чириндили қатлам қалинилигига күра:

чириндили қатлами қалип — A горизонт 30 см дан күп;

қалинилиги ўрта — A горизонт 20—30 см; қалинилиги кам — A горизонт 20 см дан кам. Ўрмон құнғир тусли тупроқлар ўз навбатыда күчсиз, ўрта, кучли подзоллашған хилларга қартилади. Бундан ташқари, ўрмон құнғир тусли тупроқнинг глейсімөн ва глейли хиллари ҳам мавжуд.

Ўрмон құнғир тусли тупроқларнинг таркиби ва хоссалари

Механикавий ва минералогик таркиби. Бу тупроқ қатламиның пастки қисміга томов лойқа чанг миқдори орта боради. Айниқса тупроқ қатламины ўрта қисмі (B горизонт) да чанг күп. 0,001 мм дан кичик заралар таркибіда каолинит ва монтмориллонит группасидаги минераллар ҳамда гидрослюдадар, аморф моддалар ва гематит гиббсит оксидлари учрайди.

Ялпи химиявий таркиби. Ўрмон құнғир тусли тупроқлар юқори қатламида SiO_2 , паст қатламида эса R_2O_3 күпроқ бўлади. Чириндил таркибіда гумип кислотага нисбатан фульвокислота кўп бўлади.

Физик-химиявий хоссаси. Ўрмон құнғир тусли тупроқлардаги тупроқ пайдо бўлиш процессига кўра реакцияси күчсиз кислотали ёки кислотали ва асосларга тўйинмаган бўлади (34- жадвал).

Бу тупроқларнинг қолдиқ карбонатли хилларнинг реакцияси нейтралга яқин ва асослар билан тўйинган бўлади.

Ўрмон құнғир тусли тупроқлардан қишлоқ ҳўжалигига фойдаланиш

Ўрмон құнғир тусли тупроқлардан чорвачиликда ем-хашак йиғища, яйлов сифатида ҳамда ўрмончиликда фойдаланилади.

СССР Европа қисмийнинг төр олди текисликларида ҳар хил меъвали дараҳтлар ўтқазилиб, доими техника ва сабзавот экинлари экилади, шунингдек Узоқ Шарқдаги бу тупроқлардан турли хил экинлар экиб дәхқончилик қилинади.

Узоқ Шарқ ва Закавказьенинг текислик қисмидаги ўрмон құнғир тусли тупроқларнинг юқори қатлами кўпинча подзоллашған ёки глейлашған бўлади. Уларнинг унумдорлигини опириш учун ерни чуқур ҳайдаш, доимий равишда органик ва минерал ўғитлар солиш, оҳақ солиб тупроқ реакциясини нейтраллаш ҳамда турли ўт ўсимликлари экиши ғоят катта аҳамиятга эга. Ундан ташқари тупроқнинг сув, ҳаво режимини яхшилашта қаратилган агротехника тадбирларини қўллаш (тупроқ намини қочириш, ҳайдалма қатламни аста-секии чуқурлатиш ва ҳ. к.) керак.

Рельефи қия бўлган срларда эса эрозияга қарши курашиш чораларини кўриш (ерни кўндалавигига ҳайдаш, дараҳтзорлар барпо қилиш, ўт экиши ва ҳ. к.) varur.

Үрмөн күнбір түсін түпнокладаниннің физик-химиялық қоссалары, чириндік ва ғанғ (0,001 м.м. дан кішік) зарралар мөндори (%)

Түпнокладар да вилояттар	Калың түпнокладар	Чириндік, %	pН	Сандырылған ассо-		Алматашаудағы кисло-	Херакиттан	Чанғ (0,001
				Mg	Ca	Аl	H	жынышта %
Үрмөн күнбір түсін түпнокладар	2—9 9—19 25—35 40—50 65—75	6,24 5,19 2,18 1,50 1,77	3,3 3,6 3,8 4,0 3,9	1,6 1,3 1,7 3,2 4,2	8,2 7,6 7,7 6,7 6,4	8,0 7,5 7,6 6,7 5,3	0,2 0,1 0,1 0,1 0,1	0,4 0,4 0,5 0,5 0,2
Закарият вилояти (М. И. Герасимова)								13,9 13,9 20,7 9,4 6,1
Үрмөн күнбір түсін түпнокладар	5—15 20—30 50—60 50—100	47,58 4,62 1,29 аниқтама-	6,4 6,0 6,1 6,0	6,2 4,6 5,5 6,7	0,2 1,7 3,4 4,1	0,2 1,6 3,3 4,0	йүк 0,1 0,1 0,1	1,4 1,2 1,1 1,0
Үрмөн күнбір түсін түпнокладар								5,3 5,5 7,1 2,9
Үссури—Ханда								
вилояти (Е. Г. Нечасев)								

Үрмөн-дашт зонасидаги ўрмөн сур тусли тупроқларининг класификацияси ва хоссалари

Класификацияси. Ўрмөн сур тусли тупроқлари ҳозирги вақтда ҳабул этилган класификацияга мувофиқ, уч типга — оч сур тусли, сур тусли, түқ сур тусли тупроқларга бўлинади. Бу типлар ҳам, ўз навбатида, механикавий ва химиявий таркиби, тупроқ пайдо қилувчи она жинсининг характеристики ва бошқа хусусиятларига кўра бир қанча тур ва хилларга ажратилади.

Тузилиши. Ўрмөн сур тусли тупроқларининг усти, ҳар хил органик қолдиқлар йигинидан иборат бўлган *A* қатламининг қалинлиги 2—4 см бўлиб, түқ қўнғир рангдадир.

A₁ қатламининг қалинлиги 20—25 см бўлиб, қуруқ ҳолда сур, нам ҳолда түқ сур туслидир. Кесакча-чанг структурага эга. Бу горизонтда майда илдизчалар учрайди. *A₂* қатламининг қалинлиги 20 см бўлиб, структураси ёнгоқсимон. Шунинг учун ҳам бу горизонт говак ҳолдадир.

B қатламининг қалинлиги 40—45 см бўлиб, түқ қўнғир рангли. Структураси ёнгоқсимон, лекин қатлам зич ва ёпишқоқдир.

C қатлам ўзининг қўнғирсимион ранги ва таркибида оҳак моддаси борлиги билан ажралади.

Ўрмөн түқ сур тусли тупроқлар *A* қатлами тусининг түқ ва *B* қатлами структурасининг аниқ бўлиши билан юқорида ёзилган сур тусли ўрмөн тупроқдан фарқ қиласди.

Ўрмөн оч сур тусли тупроқнинг *A₁* қатлами 15—20 см қалинликда бўлиб, оч сур туслидир. *A₂* қатлами оқиш, юпқа структуралли. В қатлами қўнғир тусли, қалинлиги 60 см дир. Структураси ёнгоқсимон ва майда призма шаклида. Бу горизонт зич ва ёпишқоқ. *C* қатламида оҳак бирикмаларининг ҳар хил доғлари учрайди.

Химиявий таркиби. Ўрмөн сур тусли тупроқларининг юқориги *A* қатламида чиринди миқдори 1,5% дан 8,0% гача бўлади.

Ўрмөн оч сур тусли тупроғида чиринди 1,5—5%, сур тусли ўрмөн тупроғида 2—6% ва ўрмөн түқ тусли тупроқларида 3,5—8% бўлади. Бу тупроқлар ҳам азот таркибида ҳар хил миқдорда (0,1—0,2%) бўлади. Сур тусли тупроқлар таркибида кремнезэм (SiO_2) кўп, бошқа бирикмалар эса оздир. Сингдирилган кальций, магний катионлари ўрмөн сур тусли тупроқда, дашт тупроқларига қарангандан камроқ. Ўрмөн түқ тусли тупроғининг сингдириш сифими оч туслига қарагандан катта, сингдирилган кальций ва магний миқдори ҳам кўпроқ.

Ўрмөн сур тусли тупроқлар устки қатламининг реакцияси ҳар доим кислотали ($\text{pH}=5,0—6,2$). Ўрмөн-дашт зонасидаги ўрмөн сур тусли тупроқлар устки қатламининг структураси чидамсиз бўлганлигидан у тезда майдаланиб кетади. Бу эса тупроқпинг сув, ҳаво ва озиқ режимларининг ёмонланишига олиб боради.

Физикавий таркиби ва сув хоссалари. Пастки қатламларга ўтгав сари тупроқнинг чиринди миқдори камаяди, шунинг учун со-

лиштирима оғирлиги ортади. Үрмөн түқ сур тусли тупроқларда чириди күп, структурасы яхши бўлганлиги сабабли ҳажмий оғирлиги енгил бўлади. Барча үрмөн сур тусли тупроқлари иллювиал берч қатламишининг ҳажмий оғирлиги юқори $1,5-1,65 \text{ г}/\text{см}^3$ бўлади. Бу тупроқларниң устки қатламида коваклик $50-60\%$, пастки берч қатламида $40-45\%$ бўлади. Үрмөн түқ сур тусли тупроқларниң агрофизикавий хусусияти бошига хилларга нисбатан яхшироқ бўлганлиги учун намни яхши сингдиради ва ўсимликлар учун фойдали сув миқдори етарли. Үрмөн оч сур тусли тупроқларининг сув ўтказувчанилиги унинг меҳаникавий таркибида чанг миқдори кўп ва чириди кам бўлганлигидан ерни ишлагавда юқори ҳайдалма қатламишининг структураси тезда бузилади ва қатқалоқ ҳосил бўлиб, тупроқ кеч етилади.

Физик-химиявий хоссалари. Үрмөн оч сур тусли тупроқларниң реакцияси кислотали, асослар билан тўйипмаган ($V=70-80\%$).

Соз меҳаникавий таркибли, чириндилн қатламида сингдириш сифими $14-18 \text{ м}/\text{еке}$ бўлиб, иллювиал горизонтида чанг зарачалари кўп бўлгави учун сингдириш сифими ҳам ортади.

Үрмөн оч сур тусли тупроқ устки қатламида сингдириш сифими бирмунча юқорироқ $15-20 \text{ да姆}$ $35-45 \text{ м}/\text{еке}$ гача бўлади. Нам тупроқ қуий қисми ($V=80-90\%$) асослар билан тўйинган ва реакцияси кучсиз кислотали. Үрмөн түқ сур тусли тупроқларининг устки қатламида сингдириш сифими яна ҳам кўпроқ бўлади.

Сув режими. Бу тупроқлар асосан меҳаникавий таркиби енгил бўлган (Украинанинг чўл-дашталар) ювиладиган сув режимига эга. Баҳор ёмғирлари туфайли тупроқнинг фақат устки (50 см) қатлами намлавади. Баҳорда қорининг секин-аста эриши тупроқ қатламишининг чуқур намланишига сабаб бўлади. Шунинг учун тупроқнинг чуқур намланиши қор миқдорига боғлиқ. Тупроқдаги намнинг бугланниши ёз ойларида бўлиб, асосав тупроқнинг устки (1 м) қатламидаги нам бугланади. Шуниш учун ҳам ёз ёмғири тупроқда нам сақланишида катта аҳамиятга эга.

Бир йиллик ўсимликлар $1-2 \text{ м}$ қатламдаги намлидан, кўшиллик ўтлар $3-4 \text{ м}$ қатламдаги намлидан фойдаланади.

Үрмөвли ерлар устки қисмида нам кўпроқ тўпланишига қарашмай, дарахтлар тупроқнинг 4 м ва ундан ҳам чуқурроқ қатламдаги намдан кўпроқ фойдаланади ва тупроқ нами кескин камаяди. Шунинг учун ҳам үрмондаги сур тусли тупроқларининг сув режими деҳқончилик қилинадиган ерларга нисбатан камроқ ювиладиган сув режимига эга.

Иёсиклик режими. Тупроқ қатламида температура узоқ муддат (апрелдан то декабрь ойи) гача мусбат бўлади. Тупроқнинг $50-70 \text{ см}$ қатлами фақат декабрнинг охири ва январнинг бошларидан музлай бошлайди.

Эрта баҳорда дала ишлари бошлангунга қадар музлаган қатлам эрийди. Сибирь вилоятларида қор кам ёғиши ва кучли совуқ бўлганлиги сабабли тупроқнинг чуқур қатлами музлайди, Забай-

кальеда 3,5—4 м қалинлиқдаги қор сүстөрмөнди. Май ойларыда ҳам тупроқнинг музлаган қатлами сақланғанлыгидан дала ишлари кеч бошланади.

Озиқ режими. Ўрмон түқ сур тусли тупроқларининг озиқ режими бошиңа типчаларига нисбатан яхшироқ, табиий унумдорлиги юқори, чиринді, азот, фосфорга бойдир.

Умумий азот миқдори ўрмон түқ сур тусли тупроқда 0,2—0,4%, ўрмон сур тусли тупроқда 0,15—0,3%, ўрмон оч сур тусли тупроқда 0,1—0,25% дир.

Умумий фосфор тупроқнинг механикавий ва минералогик таркиби ҳамда чиринді миқдорига күра ҳар хил бўлиб, ўрмон түқ сур тусли тупроқда кўпроқ. Ҳаракатчан азот, фосфор, калий миқдори тупроқнинг келиб чиқишига эмас, балки уни ишлаш ва солинадиган ўғит миқдорига боялик. Ўрмон оч сур тусли тупроқларда айниқса ҳаракатчан азот оздир. Тупроқ қатламларида микроэлементлар миқдори ва тарқалиши чимли подзол тупроқларга ўхшаш бўлиб, чириндили ва иллювиал горизонтда умумий Zn, Си ва Со кўпроқ, подзоллашган қатламда эса камдир. Ўрмон түқ сур тусли тупроқларида микроэлементларнинг бундан кўп бўлиши кузатилмайди.

Ўрмон сур тусли тупроқлардан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш ва уларнинг унумдорлигини ошириш

Бу зонанинг 43,4% и деҳқончилик учун яроқли ерлар, 24,2% п ўрмон ва бутазорлар, 17,5% и яйлов ва пичанзорлар, 14,9% и яроқсиз ерлардир. Тупроқ унумдорлигини оширишига қаратилган қуидаги агрокомплекс тадбирларни амалга ошириши лозим.

Алмашлаб экиш агротехникасини тўкири қўйлаш ўрмон-дашт зонасидаги ўрмов сур тусли тупроқларининг унумдорлигини оширишдаги мухим тадбирлардан ҳисобланади.

Алмашлаб экиш тупроқ хоссаларини яхшилайди ва унумдорлигини оширади. Бунда тупроқнинг структураси, шунингдек, сув, ҳаво ва иссиқлик шароитлари яхшиланади.

Ерни ишлаш ўрмон-дашт зонасидаги ўрмон сур тусли гупроқларнинг унумдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Ўрмон сур тусли тупроқлар кузда чуқур ҳайдаб қўйилиши лозим. Алмашлаб экиш схемасига мувофиқ шудгорлаб қўйилган ерлар ёз вақтида камида 3 марта ишланиши керак. Кузда шудгор қилинган ерларни ёрта кўкламда экиш олдидан бороналаш ва мола бостириш лозим.

Ўритлаш. Ўрмон сур тусли тупроқларининг агрономик хусусиятларини яхшилашда ерга мунтазам равишда гўнг ва азотли минерал ўғитларни солиб туриш, айниқса ўрмон оч сур тусли тупроқларда жуда яхши натижага беради. Фосфорли ва калийли ўғитларни эса азотли ўғитларга нисбатан кўпроқ солиш маслаҳат кўрилади.

Ўрмоннинг оч сур тусли ва сур тусли тупроқлари тарқалган ерларга оҳак солиш тупроқ реакциясини нейтраллайди. Оҳакни куз-

да, минерал ўгитларни эса тупроқнинг реакция ҳолати яхшилангандан кейин солиш керак.

Иҳота дарахтзорлари ташкил этиш ҳам ўрмон-дашт зонасидаги агротадбирлардан ҳисобланади. Партия ва ҳукуматимиз қарорлари асосида ишлаб чиқилган планга мувофиқ далалар атрофидан иҳота дарахтзорлар барпо қилиш ўрмон сур тусли тупроқларининг унумдорлигини оширишга ёрдам беради. Бу тадбир тўғри амалга оширилганда тупроқда нам кўп тўпланади ва узоқ вақтларгача сақланади. Иҳота дарахтзорлар ташкил этишда тез ўсадиган ҳар хил мевали ва мевасиз дарахтлар экиш лозим.

Эрозия процессининг олдини олиш ва унга қарши тадбирий чораларни кўриш ўрмон-дашт зонасида деҳқончиликда қўлланиладиган энг муҳим ишлардан ҳисобланади.

Эрозияга қарши курашиш учун қўйилган тадбирларни бажариш лозим:

- а) маҳсус алмашлаб экишни жорий қилиш;
- б) ерии ишлашда далаларни нишабликнинг узунасига эмас, балки кўндалангига қараб ҳайдаш;
- в) кам сурориладиган экинлар экиш;
- г) экин майдонларини яхши текислаш;
- д) жар ёқаси, далалар атрофидаги вишаб жойлар ва ариқ бўйларига дарахт ва буталар ўтқазиб туриш;
- е) экин экиладиган ерларни кузда ҳайдаш.

Бу агрокомплекс тадбирлар амалга оширилганда экинлардан муттасил мўлҳосил олиш мумкин.

XXI боб

ЎРМОН-ДАШТ ВА ДАШТ ЗОНАСИННИГ ҚОРА ТУПРОҚЛАРИ

Қора тупроқларнинг географиг. тарқалиши

Қора тупроқлар майдони 189 млн гектар бўлиб, бу эса СССР территориясининг 8,6% ни ташкил этади. Бутун дунёда тарқалган қора тупроқларнинг 48,4% и СССРга тўғри келади.

Қора тупроқлар Молдавия ва Украинасида бир қанча жанубий областларида, РСФСРнинг Европа қисмидаги жанубий ҳамда шарқий область ва ўлкаларида, Фарбий Сибирнинг жанубий қисмida, Қозогистоннинг айрим шимолий областларида учрайди. Булардан ташқари қора тупроқлар Тува автоном республикасининг текислик қисмida, Енисей дарёсининг юқори оқимида ҳам учрайди.

Қора тупроқлар зонаси шимолда ўрмон-дашт зонасининг сур тусли тупроқлари билан чегародош. Жанубий чегараси эса СССР давлат чегараси бўлиб, Прут дарёсидан бошланади ва Қора де-

гиз соҳили бўйлаб Крим ярим оролининг шимол томонидан Азопденгизига, ундан Краснодар ва Ставрополь орқали Ростовгача, сўнгра Дои дарёсининг ўиг соҳили бўйлаб Балашов шаҳри орқали Саратовга боради. Саратовдан Уральск, Актюбинск, Кустанай ва Целиноград шаҳарларигача, сўнгра Селетидонгиз ва Қулунда кўллари орқали Семипалатинскка етади.

Қора тупроқлар зонасининг табиий шароити

Иқлими. Қора тупроқлар зонасининг иқлим шароити ҳамма ерда бир хил эмас. Зонанинг гарбидан шарққа томон борган сари иқлим қуруқ ва континентал бўла боради (35- жадвал).

35- жадвал

Қора тупроқли дашт зонасининг иқдими

Пунктлар	Үртacha температура			Ииллик ўртача ёғин миқдори (мм ҳисобида)
	Сиплик т-ра.	Январ ойи т-раси	Июль ойи т-раси	
Полтава	+ 6,9	- 7,3	+20,6	500
Саратов	+ 4,9	-11,7	+21,2	382
Куйбышев	+ 2,7	-15,1	+19,7	379
Оренбург	+ 3,8	-15,4	+22,1	344
Петропавловск	+ 0,3	-18,8	+19,1	315
Омск	0,6	-19,6	+19,1	314
Ростов-Дон	+ 9,2	- 6,1	+23,7	370
Краснодар	+11,1	-2,1	+23,7	649

Үрмон-дашт зонасида 10° дан юқори бўлған температура йигиндиси йилига 2400—3200°, гарбида 1400—1600°, шарқи ва дашт зонасида эса 2300—3500° дан 1500—2300° гача. Жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, қора тупроқ зонасида йиллик ўртacha температура 0° дан $+11^{\circ}$ гача бўлиб, йиллик ёғиллар миқдори зонасида Европа қисмида 350—500 мм, Кавказ олди қора тупроқ областида 600 мм, Осиё қисмида 300 мм чамасидадир.

Совуқсиз давр зонанинг гарбий ва жанубий томонларида 300 кун, шарқий томонида 180 кун бўлади. Ёгинларнинг кўп қисми Европада 30—40%, Осиёда 50—60%, ёзда август ойларидаги жала ҳолида тушади. Шунинг учун ёмғирининг бир қисми нишаб томонга оқиб кетса, бир қисми бугланниб кетади. Колган озгира қисми тупроқ қатламларига шимилади.

Шимолий ўрмон-дашт зонасида ёғингарчилик билан бутганишнинг нисбати 1 га тенг, зонанинг жанубий қисмида 0,77 га ниҳоят дашт зонасида эса 0,50—0,60 га тенг бўлиб, бу зонада памликин тўплашга доир барча агротехника тадбирларини амалга ошириш лозим.

Рельефи. Зона Европа қисмининг рельефи деярлі текисликтан иборат бўлиб, баъзан паст-баландлик ва жарликлар ҳам учрайди.

Қора тупроқлар зонасининг гарбий қисмидаги Қора депгиабўйи пасттекислигининг абсолют баландлиги Днепр дарёсининг ўиг томонида 30—40 м, чап томонида 0—50 м дир. Бу пасттекислик шарқидаги Азов бўйи қирлари Украинанинг жануби-шарқий томонидаги қирларга (баландлиги 326 м) туташиб кетади. Эрозия ва тектовик процесслар таъсирида пайдо бўлган Депецк кряжини (баландлиги 369 м гача) Ўрта Россия баландлигидан Дон дарёси ажратиб туради. Дон, Днепр ва Волга дарёлари оралигидаги Ока-Дон пасттекислиги (баландлиги 100—120 м) ва Волга бўйи қирлари (баландлиги 300 м) бор. Кавказ олди қора тупроқ обласининг текис рельефи аста-секия Ставрополь қирларига (баландлиги 820 м) қўшилиб кетади. Бу қирларнинг гарбига Кубань бўйи пасттекислиги (50—200 м) ва шарқига Терек-Кума оралигидаги пасттекислик жойлашган.

Волгадая шарққа томон рельеф (300 м гача) баландлаша боради. Бу територияда жарликлар кўп учрайди.

Сибирь териториясидаги қора тупроқ зонаси Гарбий Сибирь пасттекислигининг жануби (120—130 м) ва бунга ёпишган Кўкчатор обласининг шимолидаги баландроқ (837 м) ерлардидир.

Тупроқ пайдо қилувчи она жинслар. Даشت зонасидаги қора тупроқларнинг она жинси СССРнинг Европа қисмидаги асосан лёсс ва жёссимон ҳар хил механикавий таркибли ётқизиқлардир. Булардан ташқари Кавказ олди, Волга бўйи ва бошқа жойларда делювий ва аллювийдан иборат ётқизиқлар учрайди.


Поволжье, Урал ва Қозогистонда эллювий ётқизиқлари ҳам учрайди.

Қора тупроқ зонасидаги тупроқ она жинсининг характерли белгилари унинг таркибида карбонатларнинг бўлиши бўлса, Гарбий Сибирь, Қозогистон қисмаси Ўрта рус тупроқларида уларнинг ҳар хил даражада шўрланганлигидир.

Ўсимликлари. Ўтлоқ-дашт қисмидаги ковилнинг бир неча хиллари. (*Stipa Stenophylla*, *S. Sjoannis*, *S. Capiceta*); типчоқ (*Festula Sulcaba*); даشت сулиси (*Heliotrichon desertorum*, *H. pubeseems*); ингичка оёқ (*Koeleria Crichtata*); костер — ялтирош — (*Bromus riparius*); шалфей (*Salsia nutans*); лядвенец (*Otuscornicalatus*); сарриқ беда (*Medicago falcata*); колокольчик (*Campanula Sibirica*), ва бошқа ўсимликлар ўсади.

Дашт зонасида галласимон ўсимликлардан ковиллар (*Stipa Stenophylla*, *S. Capillata*); типчоқ (*Festuca Sullata*); даشت сулиси (*Stipa Stenophylla*, *S. Capillata*); дуккаклилардан себарга (*Trifolium montanum*, *T. laphaster*) сингарилар тарқалган.

Қора тупроқли даشت зонаси кўклам пайтида ҳар хил лолалар (*Tulipa*) эфемер ва эфемероидлар (*Eremopyrum triticerum*, *Poa bulbosa* ва ҳ. к.) билан қопланниб жуда гўзал бўлади (31-расм).



81- расм. Ўтлоқ дашт зонасидаги ўсимликлар Ковилниң гулдаши.
Стрелкай дашти. Курск өлкәти.

Дашт зонасынинг айрим жойларида булардан ташқари, сийрак ҳолда бодомча, пакана толлар ва дашт олчаси сингари ҳар хил бута ўсимликлари ва дараҳтлар ҳам учрайди.

Қора тупроқларнинг келиб чиқиши

Қора тупроқнинг келиб чиқиши тўғрисидаги дастлабки назарияни ва «черновём» («Қора тупроқ») сўзини алмий термин сифатида ишлатишни биринчи марта улуғ рус олимни М. В. Ломоносов таклиф этган эди. М. В. Ломоносов тупроқ пайдо бўлиш процессининг моҳиятини аниқлагани ва қора тупроқ ўсимлик ва ҳайвонларнинг таъсирида вужудга келгани ва ривожланалётган табиий жисм, деб кўрсатган эди¹. Бироқ бу тўғри назарияни ўша вақтларда ҳеч ким давом эттирмаганидан у ривожланмасдан қолиб кетди.

Умуман қора тупроқнинг келиб чиқиши тўғрисида турли фикрлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчасини қўйидаги уч групага бўлиш мумкин:

1) қора тупроқнинг ўтмишда деңгиз бўлган жойларда пайдо бўлиш назарияси;

¹ М. В. Ломоносовнинг 1763 йилдаги «О слоях земных» асари.

2) қора тупроқнинг ботқоқликларни узоқ вақт давомида қуриб, ўзгара бориши натижасида пайдо бўлиш назарияси;

3) қора тупроқнинг ўсимликлар таъсири натижасида пайдо бўлиш назариясидан иборат. Биринчи, яъни дешгиэдан келиб чиқиши назариясига кўра, қора тупроқлар Қаспий ва Қора денгизнинг чекиниши натижасида қолган лойиҳа таъсирида ёки Юра давридан қолган музликларнинг таркибидағи слапецли жинисларнинг вураши натижасида ҳосил бўлган (П. С. Паллас, 1799). Бу назарияга кўра қора тупроқлар тупроқ пайдо бўлиш процесси натижасида эмас, балки бу тупроқ геологик процессининг маҳсулоти деб хотүғри фикрга келади.

Иккинчи группа назария тарафдорлари қора тупроқ ботқоқликларнинг қуриши натижасида ҳосил бўлган деб хотүғри хуло-сага келадилар (Э. И. Эйхвальд, 1850, Н. Д. Борисяк 1852).

Учинчи назария тарафдорлари (Ф. И. Рунпрехт 1866, В. В. Докучаев 1883) қора тупроқнинг пайдо бўлишини илмий асосда, муфассал тўлиқ ўрганиб, ишботлаб бердилар.

В. В. Докучаев 1877 йилдан бошлаб, қора тупроқ зонасида илмий тадқиқот ишлари олиб борди ва текшириш натижаларини 1883 йилда «Рус қора тупроғи» («Русский чернозём») номли асарини нашр эттиради. Бу асарда қора тупроқнинг келиб чиқиши, морфологик тузилиши, таркиби, структураси, унумдорлиги ва бошقا хусусиятлари муфассал ва чуқур илмий асосда кўрсатилган. В. В. Докучаевнинг бу классик асари қора тупроқнинг келиб чиқиши ҳақидаги ҳар хил хотүғри гипотеза ва назарияларга хотима берди. Қора тупроқ ер юзасидаги пичан ўтлар таъсирида, яъни биологик процесслар натижасида вужудга келганилиги тамомила тасдиқ этилди ва кейинчалик қўпчилик томонидан қабул қилинди.

В. В. Докучаевнинг замондоши атоқли рус олимлари Н. М. Сибирцев ва П. А. Костичев қора тупроқларга доир ўзларининг илмий асар ва мақолаларида қора тупроқнинг агрономик хоссаларини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш тадбирларини илмий асосда муфассал ифода қилдилар.

Қора тупроқнинг химиявий таркибини ўрганишда Д. И. Менделеев, П. А. Ильинков ва К. Н. Шмодт шу тупроқларнинг сув режимини ўрганишда эса Г. Н. Висоцкий ўз ҳиссаларини қўшишгаплар.

Бу таълимотларга кўра, қора тупроқлар даشت ўтлари таъсирида вужудга келиб, қора тупроқ пайдо қилувчи ягопа процессининг чимли давридаги муайян босқичидир. Чимли тупроқ даврининг қора тупроқ пайдо бўлиши босқичи бошланганда, тупроқнинг устки қатламида тўпланаған ўсимлик қолдиқлари асосан аэроб, қисман анаэроб бактериялар таъсирида чирий бошлайди ва парчаланаади. Бу биологик процесс натижасида тупроқнинг устки қатламида сувда әrimайдиган гумин ва қисман ульмин кислоталар пайдо бўлади.

Тупроқда тўхтовсиз давом этаётган ҳар турли биохимиявий ўзгаришлар таъсирида бу органик кислоталар ҳам ўзгариади. Бун-

дай моддаларнинг кўп йигилиши туфайли, тупроқ устки қатлами-даги кальций ва магний катионлари чирииди ҳолидаги органик моддалар каогуляциясига ва ҳар хил катталидаги органоминерал доначалар ҳосил бўлишига ёрдам беради. Натижада тупроқнинг устки қатламида қора тупроқларга ҳос донадор структура пайдо бўлиб тупроқда ўсимлик учун энг қулай сув, ҳаво, иссиқлик ва озиқ режимлари вужудга келади. Мазкур процесслар қора тупроқ зонасидаги турли ерларда ҳар хил бўлади. Зонанинг жанубий Европа қисми (Дунай ва Кавказ олди ўлкалари)да қора тупроқ асосан сернам ва юмшоқ иқлим шароитида пайдо бўлади. Тупроқ деярли музламайди, қорларнинг тез эриши тупроқнинг анча чуқур қатламларини намлайди, натижада ўсимликлар яхши ўсади. Бундай шароитда чирииди миқдори кам ($3-6\%$) бўлса-да, лекин қалип чирииди қатлами қора тупроқ ҳосил бўлади.

Бу зонанинг бир оз шарқий қисмida иқлим континентал, иссиқлик камроқ, вегетация даври ҳам қисқа бўлиб, тупроқнинг юқори қатлами қишида музлайди. Шунинг учун марказий вилоятлардаги (Украина, Ўрта Русь) қора тупроқларда чириидили қатлам қалинлиги камроқ, аммо чирииди миқдори эса ($6-12\%$) кўпроқ бўлади.

Ўрта ва Фарбий Сибирь областларидағи қора тупроқларда чирииди қатлам қалинлиги яна ҳам камроқ бўлиб, чирииди миқдори эса кўпроқdir ($5,5-14\%$). Шарқий Сибирь қора тупроқларининг чирииди қатлам қалинлиги яна ҳам камроқ ($35-45$ см) бўлиб, чирииди миқдори 4% дан 9% гача. Қора тупроқ таркибидаги тузлар миқдори ва хили ҳам иқлимга қараб турлича. Қозогистон тупроқларида тузлар юқори қатламларга ($1,2-1,5$ м) яқин жойлашган бўлади.

Қора тупроқларнинг классификацияси, тузилиши, таркиби ва хоссалари

Классификацияси. Қора тупроқларнинг биринчи классификациясини В. В. Докучаев тузди. У қора тупроқларни топографик шароитга кўра, қоя қора тупроқлари, адир қора тупроқлари ва водий қора тупроқлари номи билан уч группага ва ҳар қайси группани ўз навбатида чирииди миқдорига кўра яна тўрт турга ($4-7\%$, $7-10\%$, $10-13\%$ ва $13-16\%$) ажратади.

Кейинчалик 1901 йилда В. В. Докучаевнинг шогирди атоқли тупроқшунос Н. М. Сибирцев қора тупроқларни тўрт группага — жанубий, оддий, қалин қаватли ва шимолий қора тупроқларга ажратишни таклиф этди.

1905 йилда Л. И. Пресолов Азов бўйи ва Кавказ олди қора тупроқларни ажратишни ҳам таклиф этди. Ҳозир қабул қилинган классификацияга асосан қора тупроқларни қуйидаги олти группа (кичик тип)га бўлинади:

- 1) шимолий қора тупроқ, ишқорсизланган қора тупроқ;

- 2) қалин қаватли типик қора тупроқ;
- 3) оддий қора тупроқ;
- 4) жанубий қора тупроқ;
- 5) Азот бүйін қора тупроқ;
- 6) карбонатлы қора тупроқ.

Бу ҳар қайси типлар, механикавий ва химиявий таркиби, тупроқ оның жинсисіннің харкеттері, деңгөнчиликта туттаган ўрни ва бошқа хусусияттарында күра қуидеги типчада турларга бүлинади (36-жадвал).

36- жадвал

Қора тупроқ типчасы ва турлари

Типчасы	Тури
Подзоллашған қора тупроқ Ишқорсизланған қора тупроқ	Зичлашған подзоллашған Ишқорсизланған, енгіл оның жинседа пайдо бүлгелі ва ишқорсизданған (зичлашған)
Типик, қора тупроқ	Типик Типик карбонатлы Типик чукур карбонатлы Типик солодли
Оддий қора тупроқ	Оддий карбонатлы шұртобалы солодли шұртоб-шұрхоклы
Жанубий қора тупроқ	Жанубий карбонатлы шұртобалы шұртоб-шұрхоклы солодли

В. В. Докучаев номидеги Тупроқшунеслиқ институты (1963—1966 ы.) қора тупроқтарынан зоналлек ва фацияллек белгиларине царазда тутиб, қора тупроқ типчаларыннан қуидеги классификациясын тавсия эттеги (37-жадвал).

Гумус қатламининг ($A + B$) қалинлегиге күра ҳамма қора тупроқтар қуидеги турларга бүлинади:

- гумус қатлами юпқа $< 40 \text{ см}$;
- гумус қатлами ўртача $40—80 \text{ см}$;
- гумус қатлами қалин $80—120 \text{ см}$;
- гумус қатлами жуда қалин $< 120 \text{ см}$.

Гумус миқдорига күра оз гумусли (6%), ўрта гумусли (6—9%) ва күп гумусли (9%).

Қора тупроқларнинг типчалари

Жанубий Европада	Шарқий Европада	Фарбий Сибирда	Шарқий Сибирда
Подзоллашган чуқур мицеляр карбонатли	Подзоллашган	Подзоллашган, чуқур қатлами музлайдиган	—
Ишқорсизланган чуқур мицеляр карбонатли	Ишқорсизланган	Ишқорсизланган чуқур қатлами музлайдиган	Ишқорсизланган карбонатли (чуқур қатлами музлайдиган)
Типик чуқур мицеляр карбонатли	Типик	Типик, чуқур қатлам музлайдиган	
Оддий мицеляр карбонатли	Оддий	Оддий, чуқур қатлами музлайдиган	Оддий усисимон карбонатли, ювилик (чуқур қатлами музлайдиган)
Жанубий мицеляр карбонатли	Жанубий	Жанубий, чуқур қатлами музлайдиган	Жанубий усисимон карбонатли ювилик (чуқур қатлами музлайдиган)

Үрмон-дашт зонасининг қора тупроқлари


Үрмон-дашт зонасининг қора тупроқлари: подзоллашган, ишқорсизланган ва типик қора тупроқдан иборат. Бундай тупроқли ерлар 67,3 млн гектар майдонни эталлайди (32, 33-расмлар).

Подзоллашган қора тупроқлар сарик-кул тусли йирик увоқчали структураси билан бошқалардан фарқ қиласди. А горизонтининг қуйи қисми оч оқишироқ сур тусга эга. Бу аса структураларнинг бир-бiri билан туташган жойида күкунсимон кремний сочилмаларининг жуда кўплигига боғлиқ.

В горизонт қўнгир рангда бўлиб, чангсимон — увоқчали зич структурага эга. А В горизонтларининг умумий қалинлиги 60—70 см. Карбонатли горизонт — 1,3—1,5 м дан пастда жойлашган бўлади.

38-жадвалда келтирилган маълумотлар тупроқнинг механикавий таркибида лойқа зарраларнинг кўплигини кўрсатади.

Подзоллашган қора тупроқларда иллювиал горизонтнинг ўзгарганлиги яққол кўринади. Устки горизонтларда SiO_2 кўп тўплаб, уч оксидли элементлар пастга ювилиб тушади (39-жадвал).



32- расм. Қора тупроқ, Ворошиловград области.



33- расм. Шарқий Сибирь қора тупроғы.

38-жадвал

Подзоллашган қора тупроқнинг механикавий таркиби
(Саратов облости Н. И. Усов)

Катлам чуқурлигиги, см	1—1	0,25	0,25—0,05	0,05—0,01	0,01—0,005	0,005—0,001	<0,001
0—10	2,0	3,6	25,0	21,0	4,1	9,0	31,4
3—56	3,2	5,4	16,7	24,1	5,6	9,8	33,4
3—72	2,4	3,0	20,8	17,6	4,1	7,8	42,0
3—95	4,0	4,6	24,2	18,4	2,6	8,4	34,9
10—150	4,3	5,2	32,8	15,0	4,8	10,6	24,5

39-жадвал

Дзоллашган қора тупроқларнинг язпи химиявий таркиби, процент ҳисобида
(Саратов облости Н. И. Усов)

Катлам чуқурлигиги, см	Чиринди	SiO ₂	Al ₂ O ₃	CaO	MgO	P ₂ O ₅	Na ₂ O	K ₂ O	TiO ₂
0—10	7,82	70,16	16,49	1,29	1,21	0,15	0,35	0,87	0,99
48—56	3,11	68,76	18,80	1,14	1,46	0,13	0,42	0,82	1,04
64—72	1,94	65,46	18,72	1,58	1,76	0,12	0,41	0,87	1,04
90—95	0,94	65,92	20,11	1,92	1,79	0,13	0,42	0,96	1,00
140—150	—	64,83	18,68	1,68	1,57	0,13	0,48	1,02	0,98

Подзоллашган қора тупроқ таркибидаги чиринди 5—8% гача, от 0,4—0,5% гача бўлиб, уларнинг миқдори зонанинг гарбидан эркінга томон орта боради. Тупроқнинг реакцияси кучсиз кислоти ёкинейтранал. Чириндининг кўп бўлиши ва тупроқнинг асоси гра тўйинганилиги (40-жадвал) структурасининг яхши бўлишибабад бўлади.

40-жадвал

Подзоллашган қора тупроқларда сингапирлайсан катионлар таркиби (100 г тупроқда мөддак ҳисобида) Украина ССР (М. М. Годлин)

Катлам чуқурлигиги, см	Ca	Mg	Жами	H
0—17	24,0	6,28	30,28	1,30
25—35	23,2	6,07	29,27	1,70
80—90	20,3	3,95	23,98	1,10

Подзоллашган қора тупроқларнинг ҳажмий оғирлиги кичик либапастга томон орта боради, айниқса иллювиал горизонтинаг жумий оғирлиги кўпроқ бўлади. Капиллярсиз коваклар миқдори 5% атрофидада.

Ишқорсизланган қора тупроқлар. Даشت зонасининг ўрмон-дашт зонаси билан чегара дош шимолий қисмидаги сернам терри-торияда учрайди ва бу сернам шароит органик моддаларниң тез чириб, пастки қатламларга ювиллиб кетиши туфайли, тупроқда чи-риндиди кўп тўпламайди (ўрта ҳисобда 4—10%).

Бу тупроқ чириндиди қатламиниң қалинлиги 90—100 см, тўқ сур рангда, донадор структурали. 120 см чуқурликдан бошлиб кис-лота таъсирида вижиллаб қайнайди. Сингдирувчи комплексида водород бўлгалими учун ишқорсизланган қора тупроқнинг реак-цияси кучсиз кислотали.

Типик қора тупроқ. Асосан марказий қора тупроқли областлар (Украиния ва Башқирдистон АССР)да тарқалтади. Бу тупроқда чи-риндиди қатламиниң қалинлиги 100—120 см, чириндидининг миқдори 10—12%, баъзан 15—20% бўлади. Туси қора, биринчка донадор структурали, 70—80 см чуқурликда кислота таъсирида қайнайди, нейтрал реакцияли.

Типик қора тупроқнинг таркиби кўпинча қумоқ, соз, оғир қу-моқ, қумлоқ ва қумли бўлади. Типик қора тупроқнинг механикавий таркибида күм зарралари (0,05 мм дан катта) бўлиб, тўзон (чарг 0,05—0,01 мм) ва лойца зарралар (0,01 дан кичик) кўпdir (41- жадвал).

41- жадвал

Типик қора тупроқнинг механикавий таркиби
(% ҳисобда, Тамбов тажриба станцияси)

Номинал чукурлик см	Зарралар катталиги (мм ҳисобда)						
	0,25 дан катта	0,25—0,05	0,05—0,01	0,01—0,005	0,005—0,001	0,001 дан кичик	0,01 дан кичик зарралар нинг жисми
1—5	0,79	3,77	25,46	44,30	9,65	11,30	65,25
20—25	0,06	6,21	22,68	43,93	9,69	17,48	71,10
40—45	0,00	8,34	24,88	38,06	10,24	18,48	66,78
80—85	0,00	6,90	22,00	40,66	10,88	18,56	70,10
120—125	0,00	5,22	22,32	39,58	8,62	24,26	72,46

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, типик қора тупроқнинг ҳамма қатламлари механикавий таркиби жиҳатдан бир-бираига деярли ўхшаш. Типик қора тупроқ механикавий тар-кибининг бу хусусияти тупроқ пайдо қилувчи процессга ва ова жинсининг таркибига боғлиқдир. Типик қора тупроқнинг тарки-биди чириндиди моддасининг кўшилиги ва сингдирувчи комплексининг кальций билан тўйинганилиги туфайли, бу тупроқлар яхши дона-дор структурага эгадир (42- жадвал).

Жадвалдаги маълумотлар типик қора тупроқнинг структура элементлари орасида диаметри 1—5 мм га қадарли агрегатлар кўп эканлигини кўрсатади. Шунни ҳам айтиш керакки, типик қо-

Типик қора тупроқ структура элементларининг миқдори
(% ҳисобида Тамбов тажриба станцияси)

Қатлам чукурлиги, см	Ҳар хил кеттальнидаги структура элементлари миқдори (мм хисоби да)								
	0,25 мм дан кичик	0,25— 0,5	0,5— 1,0	1—2	2—3	3—5	5—7	7—10	10 мм дан кетта
1—5	13,20	12,80	7,70	18,25	13,25	10,70	9,50	6,27	7,75
20—25	8,36	9,42	7,85	30,70	18,83	11,37	2,83	йўқ	йўқ
40—45	9,62	11,64	7,72	24,82	21,10	13,94	5,57	4,17	1,62
60—65	8,20	10,65	6,37	19,20	18,70	13,70	5,75	9,18	8,25
80—85	5,70	6,70	4,10	10,40	12,10	10,26	7,65	16,32	27,77

ра тупроқнинг структура элементлари бошқа тупроқларнига қараганда яхши биринчидан сувга чидамли бўлади. Структураси яхши ва донадор бўлганлигидан унинг сув, ҳаво, иссиқлик ва озиқ режимлари жуда яхши, ёғиндан кейин уларнинг устки қатламида қатқалоқ мутлақо пайдо бўлмайди.

Дашт зонасининг қора тупроқлари

Географик тарқалиши. Бу зона ўрмон-дашт зонасининг жанубида, яъни СССРning гарбий четарасидан то Уралнинг жанубий қисмигача Уралнинг жанубий қисмидан айланиб ўтиб, Гарбий Сибирь пасттекислигининг Объ дарёсигача бўлган майдонни эталлайди. Шарқда қора тупроқлар Минусинск котловинаси ва Забайкальедаги кичик-кичик майдонларни эталлайди. Дашт зонасидаги қора тупроқларнинг умумий майдони 1431 минг km^2 га тенг бўлиб, СССР териториясининг 6,5% ини ташкил этади. Дашт зонасининг қора тупроқлари қўйидагилардан иборат: оддий қора тупроқ, жанубий қора тупроқ, Азов бўйи қора тупроғи.

Оддий қора тупроқ. Бу типик қора тупроқлардан жануброқда — Куйбишев облости, Украинанинг Харьков, Днепропетровск ва бошқа баъзи областларида учрайди. Оддий қора тупроқлар ўтмиш тараққиёт даврларида ўрмоннинг узоқ муддат таъсирига учрамаганилиги ва она жисси таркибида карбонатларнинг кўплиги сабабли бу тупроқларда подзолланни аломати учрамайди.

Оддий қора тупроқ профилининг тузилиши қўйидагича:

A горизонтитининг қалиплиги 30—40 см бўлиб, қора ёки тўқ кул ранг, донадор структурали.

B горизонт қўнир-кул ранг, донадор структурали.

C горизонт сарғиш рангда бўлиб, унда карбонатлар кўп учрайди.

Оддий қора тупроқ чирипдили қатламишнинг қалинлиги кўп ҳолларда 65—80 см чиринди миқдори эса 7—10 % дир.

шөлдөлгөөни таркынан сууга прошшанаң десрети оны даңда сулади (43- жадвал).

43- жадвал

**Оддий қора тупроқларнинг механикавий таркиби
(% ҳисобида Н. И. Усов)**

Катлам чукурлиги, см	0,25	0,25—0,05	0,65—0,01	0,01—0,005	0,005—0,001	0,001
2—8	0,57	8,55	24,60	12,00	18,20	32,40
30—36	0,78	7,23	24,82	11,80	17,92	33,72
64—70	0,32	8,57	25,96	10,36	14,08	33,44
100—106	0,42	7,90	24,90	9,60	12,48	32,28
180—190	0,31	6,61	29,96	9,84	11,32	31,28

Оддий қора тупроқларнинг ялпи химиявий таркиби ҳамма қатламда деярли бир хил бўлиб, фақат кальций миқдори пастки горизонтда айниқса кўпроқ учрайди.

Оддий қора тупроқларнинг сингдириш сигими 100 г тупроқда 35—40 мг/әкв га тенг. Сингдирилган қатионлар таркибида кальций ва магний кўп бўлиб, ватрий кам, водород эса йўқdir (44-жадвал). Тупроқ реакцияси юқори горизонтларда нейтрал пасткиларида кучсиз ишқорийдир.

44- жадвал

**Оддий қора тупроқлардаги сингдирилган асослар
таркиби (100 г тупроқда мг/әко ҳисобида
Н. И. Усов)**

Катлам чукурлиги, см	Ca	Mg	Na	Жами
0—8	40,40	5,32	0,68	46,40
32—40	35,65	4,75	1,00	41,40
54—57	33,81	4,91	1,00	39,22
65—71	31,24	5,10	0,75	37,15

Оддий қора тупроқларнинг структураси яхши ва сувга чидамли бўлади. Бу тупроқ солиштирма оғирлиги 2,58—2,76, ҳажмий оғирлиги эса 1,03—1,51 атрофидадир (45- жадвал).

Нам сигими катта бўлиб, тупроқ сувни яхши ўтказади.

Оддий қора тупроқлар химиявий ва физикавий хоссаларига кўра типик қора тупроқларга ўкшаш юқори унумдор тупроқлар қаторига киради.

Жанубий қора тупроқлар. Жанубий қора тупроқлар қора тупроқли даشت зонасининг иқлими иссиқ ва қуруқ бўладиган жанубий қисми жумладади. Жанубий Украина, Шимолий Қозогистон ва Гарбий Сибирда тарқалган бўлиб, тўқ тусли каптан тупроқлар би-

Оддин қора тупроқнинг физикавий хоссалари (В. А. Носов)

Горизонтлар	Химикый оғирлигиги	Солицитарма оғирлигиги	Көванлиги		
			умумий	капиллярлы	капиллярсыа
<i>A₁</i>	1,03	2,58	60,2	40,1	20,1
<i>A₂</i>	1,09	2,62	58,6	40,8	17,8
<i>B₁</i>	1,49	2,65	55,1	38,5	16,6
<i>B₂</i>	1,31	2,72	52,3	38,5	13,8
<i>B₃</i>	1,39	2,76	51,8	39,4	12,4
<i>C</i>	1,51	2,74	46,3	40,4	5,9

дац чегараланади. Бу тупроқларда ўсимликлар сийрак ўсади ва эрта қуриб қолади, натижада чиринди кам түпланади. Чиринди қаватининг қалинлиги 25—40 см атрофида, чиринди миқдори эса 4—6% бўлади (46- жадвал).

46- жадвал

Қора тупроқ профилда чириндининг тақсимланиши % ҳисобида

Тупроқ ва генетик горизонтлар чуқурлиги, см	Чиринди миқдори	Тупроқ ва генетик горизонтлар чуқурлиги, см	Чиринди миқдори
Типик қора тупроқ	(Тамбов области)	Жанубий қора тупроқ (Павлодар области)	
<i>A 1—5 см</i>	9,62	<i>A 0—30 см</i>	4,5
<i>A₂ 40—45</i>	7,35	<i>B 35—45</i>	3,1
<i>B₁ 80—85</i>	5,85	<i>B 60—70</i>	2,3
<i>B₂ 100—105</i>	3,85	<i>B 85—95</i>	1,1
<i>C 120—125</i>	1,72	<i>C 125—135</i>	0,4

Карбонатлар юза жойлашган *B₁* горизонтда ҳам учрайди. Гипс эса 100—130 см даан бошлаб учрайди. Пастки горизонтларда эса NaCl, Na₂SO₄ айниқса 130—120 см чуқурликда кўп бўлади.

Тузилиши ва хоссалари

Жанубий қора тупроқларининг *A* горизонти очроқ, қўнгир, сур тусли бўлиб, донадор ва увоқчали структурага эга.

B горизонт қўнгир-кул ранг, зич қатлам бўлиб, иирик увоқчали структурага эга. Бу горизонтиниң пастки қисмида карбонатлар учрайди.

С горизонт сарғиш-құнғыр тусли бўлиб, таркибида карбонатлар жуда кўп. Бу горизонтнинг пастки қисмида гипс ва бошқа тузлар учрайди.

47- жадвал


Жанубий қора тупроқда сингдирилган катионлар таркиби (100 г тупроқда мө/экв ҳисобида Н. И. Усов)

Қатлам чукурлиги, см	Ca	Mg	Na	Жами
0—10	35,52	0,62	0,95	40,18
24—34	29,80	7,12	1,75	38,67
45—55	25,85	7,38	2,27	35,52
72—82	21,01	8,30	1,10	30,91

Тупроқниң механикавий таркиби деярли бир хил. Сингдириш сирими 100 г тупроқда 40 мө/экв атрофидা.

Сингдирилган катионлар таркибида Ca, Mg иўпроқ (47- жадвал) бўлиб, фақат қора тупроқларниң шўртобли турида Na бошқа катионларга писбатан кўпроқ бўлади (34- расм).

Жанубий қора тупроқларниң физикавий хоссалари оддий ва типик қора тупроқларниң структураси ҳам у қадар яхши эмас, бирмунча зичлашган, шу сабабли нам сигими ва сув ўтказили хоссалари ҳам ёмонроқ.



84-расм. Қора тупроқ зонасидаги шўртоб.

Азов бўйи ва Кавказ олди қора тупроғи

Бу тупроқлар Азов дегизининг шарқ томонидан Кавказ тоғлари ётагигача чўзилиб боради. Чириндили қатлам қалинлиги 130—170 см, чиринди миқдори 4—6 %. Туси юнғир, сур, қора; кесакча ёки дошадор структурали, устки қатлам юзасида ёки бир см чуқурликдан бошлаб кислота таъсирида қайнайди. Реакцияси нейтрал ёки кучсиз кислотали.

Ўтлоқи қора тупроқ. Бу тупроқ қора тупроқлар тарқалган зонанинг ҳаммасида сизот сувлари юза бўлган майдонларда учрайди. Умумий майдони 21 млн гектар. Мазкур тупроқ қатламида глейли горизонт ҳам учрайди. Ўтлоқи қора тупроқ сизот суви жуда юза бўлган шароитда (1,5—3 м дан юқори) пайдо бўлиб, чиринди миқдори кам ва глейланиш процесси кучлироқ бўлади.

Қора тупроқлардан фойдаланиш ва уларнинг унумдорлигини ошириш тадбирлари

Қора тупроқларнинг чириндили қатламида чиринди қўп ва озиқ элементлари ўсимликлар учун етарли, физикавий хоссалари ва химиявий таркиби, айниқса, структураси яхши бўлганлигидан уларнинг табиий унумдорлиги жуда юқоридир.

Жанубий қора тупроқларни ҳисобга олмагандан, умуман қора тупроқлар шўрланмаган.

Ватанимизнинг ғалла кони бўлган қора тупроқли зона қишилоқ ҳўжалигига катта аҳамиятга эга. Бу зонада ғалла билан бир қаторда маккажўхори, қанд лавлаги, зигир, кунгабоқар, соя, канакунжут каби ҳар хил техникавий ва мойли ўсимликлар ҳам экидади.

Зона эгаллаган барча майдоннинг тахминан 90% и экип экиш учун яроқли, 85% майдонидав деҳқончилик ва чорвачиликда фойдаланилади, 50% дав кўпроғи ҳайдаладигав ерлар.

Қора тупроқли зонанинг камчилиги шундаки, бу зонада, айниқса, унинг жанубий ва шарқий қисмида иёллим қуруқ бўлади. Қор кам ёқсан ва ёғингарчилик кеч бошланган йилларда тупроқнинг юза қатлами қуриб қолади. Натижада ҳосил камаяди. Шунинг учун ҳам қора тупроқларда экинлардан юқори ҳосил олишининг асосий тадбирларида бирор тупроқда кўпроқ нам тўплаш ва уни сақлашдан иборат.

Бунинг учун тупроқни кузда чуқур шудгорлаш, маҳсус тўсиқлар ёрдамида далада қор тўсиш, давлат планига мувофиқ иҳота дарахтлари ўтқазиш, бегона ўтлар билан мунтазам қураш олиб бориш, сугориш ишларини амж олдириш, алмашлаб экинни кенг жорий қилиш зарур. Қора тупроқли ерларда ўғитлардан гўнг ва турли компостлар, айниқса, гўнг билан фосфор аралашмаси солиш ёнг яхши натижада беради. Бундан ташқари уругларни яровизациялаш, ўз вақтида экиш, айниқса қурғоқчиликка ва совукқа чидами навлар яратиш катта аҳамиятга эга (35- расм).

ҚУРУҚ ДАШТ ЗОНАСИННИГ ТУПРОҚЛАРИ

Каштан ва құнғир тусли тупроқлар

Географик тарқалиши. Тупроқлар СССРда катта майдонни әгаллайды. Үмумий майдони (шу зонадаги шүртоб ва шұрхоклар билан биргаликда) 1 миллион 190 мың км^2 бўлиб, бу эса СССР териториясининг 5,4% ини ташкил этади. Зонанинг таҳминаи 30% ини шүртоб ва шұрхок тупроқлар әгаллайды. Бу тупроқлар қора тупроқлар зонасидан жапубда бўлиб, Шимолий Крим, Қора ва Азов дengизлари соҳили Шимолий Кавказ, Астрахань, Ростов, Волгоград, Саратов, областининг жануби-шарқий қисми, Қозогистоннинг Гурьев, Актюбинск, Қарағанда областлари, шунингдек Қустарай, Целиноград, Павлодар, Семипалатинск областларининг жанубибда учрайди. Каштан ва құнғир тусли тупроқларниң жанубий чегараси Каспий дengизининг шимолий соҳилидан бошлиниб, Орол дengизи, ундан Балхаш күлигача боради, сұнгра Балхаш күлиниң Шимолий соҳили бўйлаб, Олмаота областининг шимолий қисми орқали давлат чегарасиңача етиб боради.


Каштан ва құнғир тупроқли қуруқ даشت зонасининг табиий шароити. Бу зонаниң иқлими континентал қуруқ ва иссиқидир. Зонанинг Европа қисмидә йиллик ўртаса температура $5-9^\circ$, Осиё қисмидә эса $2-3^\circ$. Ези иссиқ. Гарбидә июлниң ўртаса температураси $24-25^\circ$, шарқида эса $19-20^\circ$ бўлади. Зонанинг шарқида қишиловуқ бўлади. Гарбидә январь ойининг температураси $-7-12^\circ$, Шарқда эса -18° , баъзан $-25-30^\circ$ бўлади. Егингарчилик миқдори зонанинг гарбидә бир йилда $300-350$ мм, шарқида эса $200-250$ мм. $+5^\circ$ дан юқори бўлган давр зонасиниг гарбидә $215-225$ кун, шарқида эса, $150-160$ кун. Бир йилда, 10° дан юқори бўлган температура йигиндиси зонанинг гарбидә $3000-3500^\circ$, шарқида эса, $1600-2100^\circ$ (48- жадвал).

48- жадвал


Каштан а құнғир тусли тупроқлар зонасининг иқлими

Метеорологик пунктлар	Ўртаса температура			Йиллик ўртаса ёғин (мм) хисобида)
	Йиллик ўртаса т-ра	Январь ойи т-раси	Июль ойи т-раси	
Астрахань	$9^\circ, 3$	$-7^\circ, 4$	$25^\circ, 2$	206
Уральск	$5^\circ, 0$	$-14^\circ, 0$	$23^\circ, 5$	308
Актюбинск	$3^\circ, 6$	$-15^\circ, 6$	$22^\circ, 5$	281

Ҳавонинаг нисбий намлиги оз ($50-60\%$) бўлганлиги ва қуруқ шамол эсиб турғанлигидан тупроқда нам кўп тўпланмайди. Туп-



36-расм. Шұртобасынан оч түсіні көптән туироқда ўсаётгав оқ әрмоя.



37-расм. Куруқ даشتадағы юмронқозық теначалары.

роқнинг устки қатламидаги нам асосан кўкламда эриган юр ҳи-
собига тўплапади. Қора тупроқ зонасига кисбатан бу зонада қур-
гоқчилик кўпроқ бўлади.

Ўсимликлари. Каштан ва қўнгир тусли тупроқлар тарқалган
қуруқ дашт зонасида чалов, бетага ва оқ биоргунлар кўп ўсади.
Чўялинг, газакўт, шувоқ каби ўтлар уларга нисбатан камроқ уч-
райди. Кўклам пайтида зонанинг сув тўплападиган ҳалқоб сер-
нам жойларида, эркак бугдойик, чучумия ва бодомча синиари
ўсимликлар ўсади. Булардан ташқари, эфемер ўтлар, лишайник ва
яшил сув ўтлари ҳам учрайди. Сой ва жарликларнинг сернам қис-
мида баъзан қайрағочлардан иборат бутазорлар бўлади. Ўсимликларнинг бўйи 25—30 см. Галласимон ўсимликлар ўсадиган дашт-
ларда ер юзасининг 40—45% иши, жанубида эса, фақат 15—17%
ини ўтлар қоплайди. Ўсимликлар ёзнивг биринчи ярмидә юв-
жираб қолади. Оқ шувоқ бетага ўсадиган даштларда бир йилда гек-
тарига 25 ү ўсимлик пояси ва барги, 158 ү илдизи тўплапади
(36- расм).

Рельефи ва тупроқ пайдо қилувчи она жинслар. Каштан ва
қўнгир тусли тупроқлар зонасишинг кўпчилик қисми асосав текис-
ликдан иборат бўлиб, баъзав паст-баландликлар ҳам учрайди (37-
расм). Зонанинг жануби-шарқида эса якка тоғлар бор. Фарбий
қисмидаги Каспий бўйи пасттекислиги Каспий денгизига томон
шасайиб, океан сатҳидан 28 м паст. Бу пасттекислиқда Эльтон, Бос-
қувчоқ ва Индеръ сингари йирик шўр кўллар бор. Пасттекисликинг
жанубий ва жануби-шарқида қум барханлари ҳам учрайди.

Урал олди текислигининг каштан тупроқлар зонасида қатор
тепаликлар (баландлиги 250—350 м) бор. Марказий Қозогистон
областларидағи паст-баландликлар орасида тарқоқ ҳолда учрайди-
га текисликларнинг деңгиз сатҳидан баландлиги 80—100 м, қар-
қарали тизмә тоғларининг баландлиги эса 1463 м гача боради.

Каштан ва қўнгир тусли тупроқлар лёсс ва лёсса ўхишаш қу-
моқ тарқибли ётқизиқлардан делювий ҳамда, Орол ва Каспий дең-
гизлар оралигига эса деңгиз ётқизиқларидан иборат. Зонанинг
дарё қирғоқларига яқин жойларида ҳар хил тарқибли аллювийлар
ҳам учрайди. Кўпчилик жинсларнинг тарқибида (лёссадан бошқа-
лари) хлорид ва сульфат сингари сувда осон эрийдиган тузлар
мавжуд.

Каштан ва қўнгир тусли тупроқларнинг келиб чиқиши

Каштан ва қўнгир тусли тупроқлар ҳам тупроқ пайдо бўлиш
ягона процессининг маълум бир босқичи бўлиб, мураккаб ва узоқ
ривожланиш даврини кечирган. Пичав ўтли дашт аста-секив ўз-
гариб, қуруқ даштга айланishi натижасидан чимли тупроқ пайдо
бўлиш даврининг қора тупроқ босқичи — дашт тупроқ пайдо бў-
лиш процессига ўтади. Тупроқ пайдо бўлиш ягона процесси чим-
ли даврининг чўл тупроқ даврига ўтиши натижасида жанубий қора
тупроқлар дегредацияси (бузилиши) бошланади, яъни тупроқда
ҳаво шароити яхшиланганлигидан уздаги чиринди ва органик

қолдиқлар жуда тез парчалаша бошлайди. Бу хилдати аэробиозиснинг қуруқ дашт шароитида ривожланиши тупроқда янги хусусиятлар — чириндиндислик, структурасизлик ва ўрланишлик хоссаларини көлтириб чиқаради. Чиринди миқдорининг камайиши ва структуранинг бузилиши сабабли қора тупроқнинг физикавий ва биохимиявий хоссалари ёмонлашади. Натижада қора тупроқлар деградацияси бошланади, яъни қора тупроқ аста-секин каштан, қўнгир тусли ва бошқа тупроқларга айланади.

Тупроқ чириндини ва органик қолдиқларининг кислородли шароитда парчаланиши туфайли, структураси йўқолган қуруқ дашт тупроқларида ҳар хил минерал бирикмалар тўпланади. Шунинг учун бу тупроқларни пайдо бўлиш процессида тузлар ўзига хос аҳамиятга эга. Қуруқ дашт воласидаги каштан ва қўнгир тусли тупроқлар реакциясининг кучсиз ишқорий характерда бўлиши микробиологик процессларни, яъни атмосфера азотининг фиксациясини (бирлашишини) ва нитрификация процессини кучайтиради. Тупроқ пайдо қилувчи она жинсларининг таркиби, шунингдек рельеф ва деҳқончиликдаги ишлар гупроқ пайдо бўлиш процессини тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин.

Каштан ва қўнгир тусли тупроқларининг классификацияси, тузилиши, таркиби ва хоссалари

Классификацияси. Сўнгги вақтда қабул қилинган классификацияга асосан каштан ва қўнгир тусли тупроқлар қўйидаги тўрт группага бўлипади:

1) тўқ тусли каштан тупроқ, чиринди миқдори	4—5%
2) каштан тупроқ	«—» «—» 3—4%
3) оч тусли каштан тупроқ	«—» «—» 2—3%
4) қўнгир тусли тупроқ	«—» «—» 2%

Тузилиши. Каштан тупроқларниң морфологик тузилиши асосан қўйидагича:

А қатламининг қаливлиги 20—25 см бўлиб, сарғимтир жигар ранг тусли. Кесакча-чанг ёки сувга чидамсиз донадор структурали, устки қисми оч рангда; В қатламининг ранги юқоридагига нисбатан очроқ, қаливлиги 25—30 см, зачланган қовушмали, йирик кесакча ёки ёнғоқсимон структурали, 35—40 см дан бошлаб кислота таъсирида вижиллаб қайнайди; 50 см чуқурликдан сарғиш тусли С қатлам бошланади. Унинг таркибida карбонатли ҳар хил янги бирикмалар жуда кўп, 150 см дан чуқурроқда гипс кристаллари учрайди. Бу морфологик белгилар каштан тупроқнинг тури ва физикавий-географик шароитига кўра ўзгаради.

Қўнгир тусли тупроқнинг тузилиши қўйидагича:

А горизонти қўнгир сур тусли, говак қовушмали бўлиб, пастки қисмida у қадар зич бўлмаган чанг ҳолидаги оч қўнгир тусли горизонт жойлашган.

В горизонт оч қўнгир туслада, зич. A + B горизонтларниң умумий қаливлиги 25—36 см. 36 см дан пастда карбонатли C горизонт

49-жадвал

Тұқ тусли каштан тупроқ таркибидаги чиринди ва азот мөлдөрі (%) ҳисобида,
Н. И. Усов)

Қатлам чукурги, см	Чиринди	Азот
0—10	4,04	0,241
30—40	3,65	0,146
50—60	2,34	0,127
85—95	0,85	0,081

бұлади. Каштан тупроқ таркибіда азот 0,1—0,2% атрофіда бұлади (49-жадвал).

Каштан тупроқтар таркибидаги кремний, алюминий, темир, марганец бирикмаларының мөлдөрі ҳамма қатламда деярли бир хилда бўлиб, кальций карбонат ва магний бирикмалари, шуннингдек сувда осон эрийдиган тузлар пастта ювилиб кеттап (50-жадвал).

50-жадвал

Тұқ тусли каштан тупроқтарының ялпы химиялық таркиби (процент ҳисобида)

Қатлам чукурги (см)	Гигроско- пник сув	Тупроқ таркибидеги мөндәләр											
		чири- нди	CO ₂	SiO ₂	P ₂ O ₅	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	NnO	CaO	MgO	Na ₂ O	K ₂ O	
0—15	5,50	4,18	йүқ	65,89	0,06	14,88	4,34	0,38	1,63	2,02	1,12	1,18	
15—38	5,38	3,15	йүқ	66,10	0,09	14,80	4,63	0,40	1,56	2,04	1,20	1,21	
25—35	5,64	2,65	0,32	66,21	0,17	14,50	4,72	0,40	1,94	2,07	1,19	1,26	
35—50	4,87	1,93	4,27	60,46	0,06	11,20	4,92	0,40	5,20	5,93	1,12	1,31	
50—65	4,86	1,34	5,34	60,04	0,01	11,32	5,01	0,40	6,60	6,81	1,23	1,41	
65—85	4,43	0,89	6,87	58,81	0,13	11,49	5,06	0,36	7,20	5,16	1,35	1,39	
85—105	3,26	0,48	7,73	58,31	0,12	11,31	4,99	0,39	8,50	5,61	1,37	1,50	
105—130	4,32	0,39	6,57	59,54	0,12	11,41	5,10	0,40	5,20	5,91	1,40	1,41	
130—150	4,59	0,34	6,03	58,74	0,09	13,70	4,30	—	апиқ-	8,27	2,64	1,27	1,89
150—170	4,71	авиқ-	5,17	59,75	0,14	14,28	4,43	0,41	7,27	2,67	1,33	1,92	
		лан-							лап-				
		маган-							маган				

Каштан тупроқтар сингдирувчи комплексининг характеристикасынан бири, сингдирилған кальций катионларының күплигидар. Бирок каштан тупроқта натрий катионларының борлығы унинг структура ҳолатының өмнеланышыга ва шұртобланишыга олиб ке-

жойлашған. Бу горизонттың 50 см дан пастки қисмнда гипс ва сувда осон эрийдиган тузлар учрайди.

Химиялық таркиби. Каштан тупроқтар химиялық таркибидеги мөлдөрінен кремний, алюминий, темир, марганец бирикмаларының мөлдөрі ҳамма қатламда деярли бир хилда бўлиб, кальций карбонат ва магний бирикмалари, шуннингдек сувда осон эрийдиган тузлар пастта ювилиб кеттап (50-жадвал).

лади. Каштан тупроқда сингдирилган катионларнинг умумий миқдори қора тупроқлардагига нисбатан анчагина кам (51-жадвал).

51-жадвал

Каштан тупроқнинг сингдирилган катионлар таркиби

Қатламлар чуқурлигі, см	Сингдирилган катионлар миқдори (100 г тупроқда жоғе)					Сингдирилган ғатионлар миқдори (умумий миқдорига нисбатан % ҳисобида)			
	Ca ⁺⁺	Mg ⁺⁺	Na ⁺	K ⁺	Жами	Ca ⁺⁺	Mg ⁺⁺	Na ⁺	K ⁺
0—15	25,48	8,60	0,45	0,48	34,34	74,2	12,3	1,3	1,2
15—25	25,10	8,62	0,21	0,98	34,91	71,9	24,7	0,6	2,8
25—35	26,82	10,11	0,28	0,96	38,17	70,3	22,5	0,7	2,5

Каштан тупроқнинг реакцияси күчсиз ишқорий ёки нейтрал характердадир (рН—7,2—8,0) (52-жадвал).

52-жадвал

Каштан тупроқларда чирини, сувда осон әрувчи тузлар ва рН нинг қатламлар бўйича тақсимланиши

Генетик горновонлар чуқурлиги, см ҳисобида	Чирини (% ҳисобида)	Куруқ қояди (% ҳисобида)	Сувли сўримда рН миқдори
A 0—10	2,8	0,8	7,3
B 25—35	2,0	0,08	7,5
B 50—60	1,2	0,13	8,0

Каштан тупроқларнинг устки бир метрли қатлами таркибидаги асосан кальций бикарбонати бўлиб, 100—150 см чуқурликда ишқорий характердаги катионлар бикарбонати учрайди. Сувда осон әрийдиган хлорид ва сульфат сингари тузлар кўпинча 100 см дан пастки қатламда кўпроқ бўлиб, уларнинг умумий миқдори 0,5—0,6, баъзан 1% дан ҳам ошади (53-жадвал).

53-жадвал

Каштан тупроқда тузларнинг миқдори ва қатламлар бўйича тарқалиши (% ҳисобида, Н. И. Усов)

Қатлам чуқурлиги, см	Куруқ колдиқ	Cl	SO ₄	CaO	MgO	Na ₂ O
0—15	0,084	0,006	0,001	0,010	0,009	йўқ
22—32	0,043	0,003	0,003	0,013	0,002	йўқ
40—50	0,174	0,024	0,007	0,006	0,007	0,032
72—82	0,345	0,102	0,035	0,004	0,005	0,100
110—120	1,397	0,149	0,692	0,008	0,057	0,204
150—160	0,681	0,192	0,195	0,015	0,019	0,169

Механикавий таркибига күра каштан тупроқларнинг ҳамма генетик горизонтлари деярли бир хилдир. Уларниң чириндими қатламида одатда қуи горизонтларга қараганда минерал коллоид зарралар озроқ, органик коллоидлар күпроқ бўлади. Каштан тупроқларнинг минералогик таркибида кварц жуда кўп (85—95%). Бундан ташқари, унда тог шпати (3,3—5,5%), мусковит (3,6% гача), гранит сингари минераллар ҳам учрайди.

Физикавий хоссалари. Каштан тупроқнинг устки (25—30 см) қатлами зичланмаган говак ҳолда бўлиб, пастки карбонатли қатлами анча зичланганлигидан сувни кам ўтказади. Каштан тупроқларнинг шимолдан жанубга томон чиринди микдори камайиб шуртбланиш даражаси эса ортиб борган сари физикавий хоссалари ёмонлашиб боради. Тупроқнинг ҳажмий оғирлиги пастки қатламига томон ортиб, говаклиги эса камайиб боради (54-жадвал).

54-жадвал
Каштан тупроқнинг асосий физикавий сув хоссалари

Қатлам чукурлиги, см	Ҳажмий оғирлиги, g/cm ³	Солиулитрма оғирлиги, g/cm ³	Умумий говаклиги, %	Максимал гигроскопияклиги, %	Дала нам сиғими (% ҳисобида)	
					Оғирлигига нисбатан	Дажмията нисбатан
5—10	1,20	2,60	58,5	11,40	36,2	45,4
15—20	1,19	2,64	56,0	11,36	33,7	40,1
25—35	1,31	2,68	54,2	13,06	29,4	38,5
55—60	1,50	2,68	44,0	14,55	23,2	34,8
90—95	1,55	2,64	41,3	—	19,6	30,4

Ўсимликлар учун фойдални пам қора тупроққа нисбатан каштан тупроқда кам. Бу эса йилнинг қурғоқчилик даврида ўсимликларни сув билан таъминланishiни қийинлаштиради.

Каштан тупроқларнинг структура доначалари майдага (кўпчилигининг диаметри 3 мм) ва сувга анча чидамесиз бўлади.

Каштан ва қўнгир тусли тупроқлардан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш ва уларниң унумдорлигини ошириш тадбирлари

Каштан ва қўнгир тусли тупроқлар тарқалган териториянинг кўп қисми (каштан тупроқлар зонасигининг 52,3%, оч тусли каштан ва қўнгир тусли тупроқлар зонасигининг 63,1%), яйлов ва циранзор бўлиб, бу зонада асосан чорвачилик тараққий этган. Экин экиладиган ерларнинг 26,5% и каштан тупроқлар зонасида, 10,4%, оч тусли каштан ва қўнгир тусли тупроқларда тарқалган.

Каштан ва айниқса қўнгир тусли тупроқлар зонасида дехқончиликниң яхши ривожланмаганилиги, биринчидан иқлимининг куруқ ва иссиқ бўлиши, иккинчидан, шуртоб тупроқларнинг (30%) кир, тошлиқ ерларнинг (Қозогистонда) кўп бўлишиладир.

Каштап ва қўнгир тусли тупроқлар зонасида деҳқончиликни ривожлаштириш ва тупроқ унумдорлигини ошириш учун қатор агрокомплекс тадбирларни амалга ошириш зарур. Давлат планига мувофиқ далалар атрофига иҳота дараҳтлари ўтқазиш, алмашлаб экини жорий қилиш, сенинг ҳар йили кузда чуқур шудгорлаш, маҳсус тўсиқлар ёрдамида далада қорни сақлаш, сунъий сугоришни кенг миқёсда жорий қилиш, шўртобсимон ва шўртоб тупроқли ерларга гипс солиш, тупроқни қайта шўрланишининг олдини олиш, органик ва минерал ўйитларни муитазам равишда солиб туриш, уруғларни саралаб экиш, қурғоқчиликка ва совуқда чидамли экин навларини яратиш каби тадбирларни амалга ошириш керак. СССРнинг барча сув етмайдиган зоналари қаторида қуруқ дашт зонасида ҳам яқин йиллар давомида сугориладиган ерлар майдони кескин кўпаяди. Чунки Сибирдаги азим Объ ва Иртиш дарёларининг суви билан кўп ерларни ўзлаштириш масаласи узилкесил ҳал қилинмоқда.

ХХIII боб ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАР

Географик тарқалиши. Шўрланган тупроқлар, шўрхоклар, шўртблар ва солодлар қуруқ иқлимли область ва ўлкаларда тарқалган бўлиб, бу тупроқлар СССР территориясининг 10% часини эгаллади. Урта Осиё, жумладав Ўзбекистонда сугориладиган ерларнинг 50% часи, янгидан ўзлаштириладиган ерларнинг эса 75% га яқин майдони ҳар хил даражада шўрланганdir.

Шўрланган тупроқлар СССР территориясида Днепр водийси, Қора ва Азов денгизларининг шимолий соҳили, Қрим ярим ороли, Воронеж, Куйбишев, Саратов, Волгоград, Астрахань ва Ростов областлари, Ставрополь ўлкаси, Урал областлари, Фарбий Сибирнинг жанубий қисми, Дагистон, Озарбайжон, Арманистон, Шарқий Грузия, Қозогистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистонда учрайди. Якутия АССР да Лена ва Вилюй дарёлари оралығида солодлар учрайди. Шўрланган тупроқлардан ҳисобланган шўрхоклар чўл ва бўз тупроқлар зонасида кўп тарқалган бўлиб, Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Вахш, Талас ва Чу дарёларининг водийларида ҳамда ҳозирги ва қадимги дарё дельталарида учрайди. Бу тупроқлар Орол ва Каспийбўйи пастликлари, шунингдек кўя ётқизиқларида ҳам мавжуд.

Шўрланган тупроқлар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар XVIII асрнинг иккичи яримларида маълум бўлса ҳам, лекин уларни атрофлича текшириш ишлари XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи яримларида бошланди. Бу текширишларни В. В. Докучаевнинг атоқли шогирдлари П. А. Земятченский, К. Д. Глинка, С. А. Захаров ва бошқалар олиб бордилар.

Шўрланган тупроқларни текшириш ва уларни тўлиқ ўрганиш соҳасида айниқса Улуг Октябрь Социалистик революциясидан

кейин күп ишлар қилинди ва бир қанча илмий асарлар ёайлди. Жумладан, Д. Г. Вилемский, К. К. Гедройц, К. П. Горшенин, В. А. Ковда, В. В. Егоров ва бошқалар олиб борган текшириларнинг натижалари нашр этилди.

Шўрланган тупроқлар Европа ва Осиёдан ташқари, АҚШ, Жаңубий Америка, Африка, Австралия ва бошқа кўпгина мамлакатларда ҳам тарқалган.

Келиб чиқиши. Қуруқ иқлими областларда учрайдиган шўрланган тупроқлар ва шўрхокклар ҳар хил йўл билан пайдо бўлган. Тупроқда тузларнинг пайдо бўлишига она жинс таркибидаги сувда эрийдиган ҳар хил тузлар сабаб бўлади. Бу хилдаги тузли она жинслар айниқса Ўрта Осиё территориясида кўп учрайди. Денгиз ёки кўл соҳиyllаридаги тузли тўзозларнинг шамолда учеб келиши, тупроқларнинг шўрланшинига сабаб бўлиши мумкин, бу айниқса Орол ва Каспий деңгизи атрофидағи районларда кўпроқ кузатилади. Метеорология станцияларининг маълумотига кўра чўлда ҳар йили бир гектар ерга ўрта ҳисобда 450—500 кг туз келиб қўшилади.

Н. Д. Димо, шамол таъсирида тупроқ юзасига туз тўпланишига катта эътибор бериб, бу ҳодисани импульверизация деб атаган эди.

Тупроқда сувда эрийдиган тузларнинг тўпланишида биологик процесслар ҳам катта роль ўйнайди. Даشت ва чўлларда ўсаётган галофитлар¹ тупроқнинг чуқур қатламларидаги сувда эрига тузларни ўз илдизи орқали олади. Бу ўсимликларнинг қолдиқлари чириши натижасида тупроқда йил сайин тузлар кўпая боради. В. А. Ковда маълумотига кўра, ўсимликлар қолдиғидан ҳар йили бир гектар ерга ўрта ҳисобда 500 кг туз қўшилиши мумкин.

Тупроқнинг шўрланшини ва шўрхокланишига ер ости сувлари ҳам катта таъсир кўрсатади. Таркибида ҳар хил тузлар бўлган сизот сувлари тупроқда З ж. дан юза бўлгандай капилляр сувлар орқали тўхтовсиз юқорига кўтарилиб, бугланиш туради. Натижада тупроқнинг ҳамма қатламларида, айниқса бугланиш кучли бораётган ер устки қатламида тузлар йигила боради. Сершамол, қуруқ иқлими ўлкаларда бундай шўрланши тез боради.

Демак, табиий шароитдаги тупроқларнинг шўрланшини ва шўрхокларнинг вужудга келишига асосан иқлим шароити, она жинснинг таркиби, ўсимликларнинг характеристи ва мицераллашган сизот сувлари сабаб бўлади.

Булардан ташқари, сугориладиган дехқончилик районларида тупроқнинг шўрланшига сугориш суви таркибида бўлган туалар ҳам сабаб бўлиши мумкин, чунки ҳар йили эквилар кўп марталаб сугорилити натижасида тупроқда ҳар хил тузлар тўпланаади.

Шўрланган тупроқлар ва шўрхокклар таркибида учрайдиган тузлар асосан уч катион (Na^+ , Mg^+ , Ca^+) ва тўрт анион (Cl^- ,

¹ Гало — туз, фито — ўсимлик. Галофит — тузлар кўп ва осмотик босим юқори бўлган (12—15 атм) шароитда ўсадиган ўсимлик демакдир.

SO_4^{2-} , CO_3^{2-} , HCO_3^-) нинг химиявий бирликиши натижасида ҳосил бўлган қўйидаги 12 хил туздан иборат.

NaCl	(ош тузи)	MgCl_2	(магний хлорид)	CaCl_2 (кальций хлорид)
Na_2SO_4	(натрий сульфат)	MgSO_4	(таксир туз)	
Na_2CO_3	(кир содаси)	MgCO_3	(магний карбонат)	
NaHCO_3	(пордон ёки чой содаси)			
$\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ (гипс)		$\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$	(магний бикарбонат)	
CaCO_3	(оҳак)			
$\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$	(кальций бикарбонат)			

Бу тузларнинг чизиқдан юқори жойлашган 8 хили ўсимликлар учун заҳарли. Чизиқдан пастда жойлашган 4 хили деярли заарарсиз. Буларнинг ичида энг хавфлиси сода (Na_2CO_3) удан кейин ош тузи, магний хлорид, кальций хлорид, натрий сульфат ва тахир тузлар.

Гипс ва оҳак ўсимликлар учун энг заарарсиз туз ҳисобланади, лекин кейинги текширишлардан гипс кўп тўпланган қатламларда ер ости суви, яқин бўлган анаэрроб шароитда H_2S заарли гази ажралиб маданий эквилибраларга заҳарли таъсири қилиши аниқланган. Тупроқ таркибидаги тузларнинг ўсимликларга таъсири жуда мураккаб процессdir.

Агар шўр тупроқлар таркибida бир неча хил тузлар бўлса, уларнинг заарарли таъсири камроқ бўлади. Бу ҳодиса тузлар антигонизми (царама-қаршилиги) дейилади. Тузларнинг бу антигонистик таъсири кўпинча химиявий реакция натижасида келиб чиқади. Масалан, тупроқда сода (Na_2CO_3) ва гипс (CaSO_4) орасида қўйидагича алмашинув реакцияси боргандан ишиқорийлик йўқолади ва соданинг заҳарли таъсири кучсизланади:



Шўрланган тупроқлар класификацияси. Тупроқлар шўрланниш даражасига кўра беш группага: шўрланмаган, оз шўрланган, ўрта шўрланган, кучли шўрланган ва шўрхокка бўливади. Тупроқларни шўрланниш даражасига кўра группаларга ажратишда улар таркибидаги сувда осон эрийдиган тузларнинг умумий миқдори ва хлор миқдорига эътибор берилади (55- жадвал).

В. А. Конда, В. В. Егоров ва бошқалар кейинги йилларда (1960) тупроқдаги сода, хлор ва сульфатлар миқдорини асос қилиб қўйидагича класификация тузиши (56- жадвал).

Шүрланиш даражасига кўра тупроқлар классификацияси

Группа номери	Тупроқлар	Тупроқ тарнибидаги тузлар ва хлор миқдори (процент ҳисобида)	
		умумий тузлар (куруқ колдик)	хлор
1	Шўрланмаган	0,3 дан кам	0,01 гача
2	Оз шўрланган	0,3—1	0,01 гача
3	Уртacha шўрланган	0,3 дан кам 1—2 0,3—1	0,01 дан кўп 0,1 гача 0,1 дан кўп
4	Кучли шўрланган	2—3 1—2	0,1 гача 0,1 дан кўп
5	Шўрхон	3 дан кўп 2—3	0,1 гача 0,1 дан кўп

56-жадвал

**Шўрланиш даражасига кўра тупроқлар классификацияси
(В. А. Ковда, В. В. Егоров)**

Тупроқлар	Шўрланиш типи և куруқ колдик миқдори % ҳисобида							
	хлорид содали	сульфат содали	сода хлоридли	сода сульфатли	сульфат хлоридли	хлорид сульфатли	хлоридли	сульфатли
Шўрланмаган	<0,15	<0,15	<0,15	<0,15	<0,2	<0,25	<0,15	<0,3
Оз шўрланган	0,15—0,25	0,15—0,3	0,15—0,25	0,15—0,25	0,2—0,3	0,25—0,4	0,15—0,3	0,3—0,6
Уртacha шўрланган	0,25—0,4	0,3—0,5	0,25—0,4	0,3—0,5	0,3—0,6	0,4—0,7	0,3—0,5	0,6—1,0
Кучли шўрланган	0,4—0,6	0,5—0,7	0,4—0,6	0,5—0,7	0,6—1,0	0,7—1,2	0,5—0,8	1,0—2,0
Шўрхон	>0,6	>0,7	0,6	>0,7	>1,0	>1,2	>0,8	>2,0

Агрономик хусусиятига кўра бу жадвалда кўрсатилган тупроқларнинг энг яхшии шўрланмаган тупроқдир. Шўрланишининг ортиши ундан сода, хлорид ва сульфатларнинг кўпайиши билан тупроқнинг сифати ёмонлашади, унумдорлиги пасаяди ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш зарурити туғилади. Шўрхонларнинг химиявий таркиби, яъни тузларнинг таркибидаги анионларнинг нисбий миқдорига кўра хлоридли, сульфатли, хлорид-сульфатли, сульфат-хлоридли ва ҳ. к. бўлиниди.

Катионларнинг нисбий миқдорига кўра натрийли, кальцийли, магнийли ва уларнинг аралашмаси бўлиши мумкин (57-жадвал).

Шүрланган тупроқлар классификациясы
(Ю. П. Лебедовдан)

Анионлар мер/еке ҳисобида		Катионлар мер/еке ҳисобида		
Анионлар бүйінча шүрлапши сифаты	$\frac{Cl^-}{SO_4^{2-}}$	$\frac{HCO_3^-}{Cl^- + SO_4^{2-}}$	Катионлар бүйінча шүрлапши сифаты	$\frac{Na^+ + K^+}{Ca^{++} + Mg^{++}}$
Хлоридли	>2	—	Натрийли	>2
Сульфат хлоридли	2—1	—	Магний натрийли	2—1 >1
Хлорид сульфатлы	1—0,2	—	Кальций натрийли	1—2 <1
Сульфатлы	<0,2	—	Кальций магнийли	<1 >1
Карбонат сульфатлы	<0,2>1	—	Магний кальцийли	<1 <1
Сульфат содалы	—>2	—		

Морфологик таңқи күришишіга күра шүрхоклар уч группага — қатқалоқ, майин ва қора шүрхокларға бўлинади. Шүрхокларнинг морфологик күришишіга қараб уларнинг таркибидаги тузларни тахминан аниқлаш мумкин (38—39- расмлар).

Қатқалоқ шүрхокларнинг бетида юпқагина туз қавати (қатқалоқ) ҳосил бўлади. Бу қатқалоқ таркибидаги асосан хлорид тузлар бўлиб, сульфатлар оз учрайди.

Майин шүрхокларнинг устки қавати қуруқ, говак ва жуда майин бўлади, киши оёғи осон ботади ва из тушади. Бу хилдаги шүрхоклар таркибидаги асосан сульфатлар (аиниқса $NaSO_4 \cdot nH_2O$) кўп бўлади. Қора шүрхокларда сода кўп бўлганлигидан тупроқ чириндиси таркибидаги гумин кислота эрийди ва қора тус ҳосил бўлади.

Шүрхоклар заарарли тузларнинг тупроқ қатламида жойланиши ва миқдорига кўра уч группага: шүрхок, шүрхоксимон, шүрхоклиларга ажратилиади.


Шүрхок тупроқларда 3% дан кўп бўлган тузлар асосан устки чириндили қатламда тўпланғав бўлади.

Шүрхоксимон тупроқларда тузларнинг кўпчилиги қатламлар оралигидаги ўтувчи қатламда жойлашган бўлади.

Шүрхокли тупроқларда тузлар қуийи қатламда (пастда) бўлади.

Маданий ўсимлик ҳолатига қараб тупроқ шүринин аниқлаши (В. А. Көвда, В. В. Егоров, В. С. Муратова, Б. П. Строгинов, 1960).

Тупроқлар	Усимлик ҳолати
Шүрланмаган (ёки кучсиз шүрланган)	Ўсипши, туп сони ва ҳосили яхши
Оз шүрланган	Бир оз нимжон, туп сони кам, ҳосили 10—20% кам.
Үргача шүрланган	Үргача нимжон, туп сони ва ҳосили 20—50% камайгав.
Кучли шүрланган	Яккак-дуккак, ҳосил ва туп сони 50—80% кам.
Шүрхок	Аҳён-аҳёнда учрайди, жуда нимжон. Ҳосили йўқ.



38- расм. Шўра ўт билан қопланган цўрхок юзасининг кўришни.



39- расм. Майин шўрхок.

Шўрлалгани тупроқларга маданий экшилар экилганда, бу ўсимликининг ҳолатига ва тун сонига қараб тупроқ қайдаражада шўрланганини тахминан аниқлаш мумкин (58- жадвал).

Ўсимликларниң шўрга чидамлилик даражаси хлор процент миқдорига қараб қуйидатича: арна 0,04; лавлаги 0,04; гўза 0,03; бүғдой 0,03; сули 0,03; беда 0,02; қовоқ 0,02; помидор 0,02; қарам 0,02; қовун 0,015; пиёз 0,01; тарвуз 0,008; бодринг 0,007.

Шұрхокларда асосал галофитлар, яғни сертуз ва юқори осмотик босими тупроқ әритмасыда ҳаёт кечиришта мослаштан қорашұра, сарсаан, шұра, бурған, шувоқ, кермак каби үсімліктер үсады.

Үсімліктер түрига күра тупроқпен шұрланиш даражасы ва харakterини анықлашта доир Үрта Осиё шароитига мослаштирилген қуйидеги шкаланы көлтирамиз (59-жадвал).

59-жадвал

Тупроқнинг шұрланиш даражасына күра үсадыған үсімліктер шкаласы (Б. В. Федоров)

Тартыб номері	Тупроқнинг шұрланиш даражасы	Үсімліктер номи
1	шұрланмаган (бізи жуда оз шұрлаштын)	ажриқ, жумуртқа
2	оз шұрланған	оқбаш, алаф
3	үрта шұрланған	кермак, шувоқ (оқ жусав, ялтоқ шұра)
4	кучли шұрланған	шұра, қора шұра
5	шұрхон	қизил шұра, шұра ажриқ, киркбүрим

Еу жадвалда тупроқнинг шұрланиш даражасын түгри анықлаш мүмкін (40-расм).



40-расм. Шұрхонда үсаёттаян шұр үтлар.

Қайталаңған шұрхоклар. Дағыт, чүл-дашт, чүл ва бұз тупроқ зоналаридаги сугориладиган районларда тупроқнинг дастлабки табиғи шұрланишидан ташқари қайтадан шұрланиш ҳоллари ҳам учрайди. Яңгидан сугорила бөшлаган ерлардаги каналлар, ариқтар ва әкіп майдонларидаги әгатлардан оқаётгап сувлар сизот сувларининг сатхини күтарилишига сабаб бўлади. Таркибда ҳар хил тузлар бўлган сизот сувларининг тупроқ бетига күтарилиши ва буғланиши туфайли қайтадан шұрланиш процесси аста-секин давом этади. Бу процессининг олдини олимаса, у ҳолда шұрхоклар вужудга келади (60-жадвал).

60- жадвал

Бұз тупроқлар зонасындағы қайта шұрланған тупроқлар

Тупроқ ва жойнағ номи	Чукурлы- ғы, см	Тузлар миқдоры, процент ҳисобнда						
		куруқ қолдик	HCO ₃ ⁻	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	Ca ²⁺	Na ⁺	Ng ⁺
Сугориладиган оч тусли бұз тупроқ Карши чүлі (А. Расулов, 1964 ы.)	0 — 25	0,542	0,021	0,052	0,210	0,076	0,018	0,022
	25 — 50	1,018	0,016	0,042	0,594	0,112	0,057	0,081
	50 — 95	1,002	0,016	0,085	0,591	0,089	0,050	0,115
	95 — 145	1,288	1,012	0,031	0,791	0,196	0,039	0,104
	145 — 182	1,000	0,010	0,085	0,616	0,142	0,034	0,094
	182 — 230	1,440	0,007	0,045	0,899	0,228	0,040	0,224

Қолдиқ шұрхоклар. Бирламчи ва қайталаңған шұрхоклар сизот сувлари сатхининг жуда пасайиб кетиши натижасида зааралы тузлар тупроқ қатламларида сақланиб қолади. Бу тупроқлар қолдиқ шұрхоклар деб юритилади. Қолдиқ шұрхокларшынг хусусиятларидан бири шуки, тузларниң күпчилік миқдори механикавий таркиби оғир бўлган қатламда түпланади. Қадимдан партов бўлиб келган ерларда устки қатламларда деярли туз бўлмайди ёки камроқ бўлади. Пастки қатламларда эса тузлар миқдори жуда кўп бўлади (61-жадвал).

Типик шұрхоклар чўл ва бұз тупроқлар зонасынинг қуйи қисми — дарё водийлари ва делъталари, ёйилмалар, қадимги ўзанлар, ҳамда кўл ўринларида кең тарқалған. Типик шұрхоклар миераллашған сизот сувлари юза (1—3 м) жойласпаган ерларда намликтининг тез ва кўп буғланиши натижасида пайдо бўлади. Тупроқ қатламидағы тузларниң энг кўпи (3—5%) ер бетига яқин жойласған чирицили қатламда бўлиб, баъзан 10—20% ва ундан ҳам ошади. Пастки қатламларда эса тузлар миқдори аста-секин камайиб боради (62-жадвал).

Жадвалдаги маълумотлар шуны кўрсатады, иқлимининг қуруқ бўлиши ва кашиллярлар орқали күтарилиғац минераллашған сизот сувларининг буғланиши натижасида энг кўп тузлар тупроқнинг юза қатламида түпланади. Чўл зонасида қиши-баҳорти ёғигарчиликдан (жуда кам бўлса-да) тупроқнинг юза қатламидағы

61- жадвал

Қоидиқ шұрхокнинг химиявий таркиби
(А. М. Расулов)

Гупроқ ва жой- нинг номи	Чукурли- ги, см	Тузлар міндері, процент ҳисобда								
		куруп қолдик	умумий минерал-	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	Ca ²⁺	Mg ²⁺	Na ⁺	карба- натдагы CO ₂	CaSO ₄ . 2 H ₂ O гипс
Оң тусли бұз рөк	0 — 11	0,104	0,040	0,004	0,004	0,014	0,004	0,005	6,190	—
Карши чүли	11 — 57	0,098	0,041	0,007	0,015	0,014	0,004	0,006	—	—
	57 — 115	0,108	0,034	0,006	0,049	0,016	0,006	0,011	7,460	0,102
	200 — 250	2,355	0,012	0,458	0,996	0,252	0,054	0,387	7,33	7,80
	300 — 350	2,400	0,013	0,357	1,008	0,258	0,061	0,332	6,19	3,94
	430 — 470	3,270	0,018	0,033	1,047	0,198	0,137	0,562	7,08	—
	470 — 500	3,450	0,034	1,018	0,961	0,190	0,145	0,641	7,33	2,86

62- жадвал

Типик шұрхокнинг химиявий таркиби
(А. Расулов, А. Абдуллаев 1968 й.)

Гупроқ ва жой- нинг номи	Чукурли- ги, см	Тузлар міндері, процент ҳисобда					
		куруп қолдик	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	Ca ²⁺	Mg ²⁺	Na ⁺
Оң тусли бұз тупроқ	0 — 14	3,910	1,043	1,236	0,194	0,205	0,166
Карши чүли	14 — 30	1,335	0,161	0,681	0,106	0,063	0,196
	30 — 80	1,420	0,280	0,948	0,116	0,056	0,333
	80 — 130	1,586	0,228	0,752	0,075	0,075	0,281
	130 — 170	1,138	0,140	0,554	0,060	0,053	0,193
	170 — 200	1,116	0,085	0,603	0,117	0,013	0,133
	200 — 230	0,983	0,080	0,523	0,100	0,037	0,123

тузлар әриб, пастки қатламға чўқади. Иссик кунларда бу тузлар на юза қатламға күтарилади. Бу процессининг давом этиши тупроқ қатламида йилдан-йилга тузлар міндерини кўпайтиради.

Утлоқи шұрхоклар сизот суви юза жойлашган майдонларда кенг арқалған. Утлоқи шұрхоклар дарё водийларидаги пастки террасаларда, даврий ёки доимий сув тошқынлари бўлиб турадиган рельефи паст ерларда ҳам учрайди. Бу шұрхокларнинг таркибида чиринчи міндери башқа хил шұрхокларга нисбатан кўпроқ бўлади, ғунки сизот суви юза жойлашган ва минераллашин даражаси камроқ бўлғанилиги туфайли бу тупроқларда утлоқлар ўсади ва ларнинг чириши натижасида тупроқ таркибида чирини кўпроқ

түппланади. Бундан ташқари табиатда яна ботқоқ шұрхоклар (сизот сувлари жуда яқин жойлашған ерларда); тақырлашған шұрхоклар (чүл саҳроларда); күл шұрхоклар (күл сувларини қуриши натижасыда ҳосил бўлади) ва бошқа хил шұрхоклар ҳам учрайди.

Шұрхоклар мелиорацияси сизот (шур) сувларнинг капилляр йўллар орқали пастдан юқорига кўтарилишини тұхтатиш, тупроқда йигилган заарли тузларни йўқотиш йўли билан шұрхоклар ва тұрли дараражада шурланған тупроқлар шўрини кетказиш ва уларни яхшилаш мумкин. Бунинг учун бир қанча гидротехникавий, агротехникавий ва биологик тадбирларни амалга ошириш лозим.

Сугориладиган ерлардаги шұрхоклар мелиорациясида қуйидаги асосий тадбирларни амалга ошириш лозим:

а) далалар атрофига зөвур ва коллекторлар қазиш ёрдами билан сизот сувлар сатҳини пасайтириб, сувнинг капилляр йўллар орқали ер бетига кўтарилишини тұхтатиш;

б) тупроқ қатламларida йигилган, сувда эрйидигап заарли тузларни ювиш;

в) сизот сувлар сатҳипнинг кўтарилишига мутлақо йўл қўймаслик керак, чунки улар юқори кўтарилиганды, усткі қатламдан пастта шимилаётган сувларга қўшилиши натижасыда қайтадан шурланиши бошланади.

Далалар атрофига ва сугориш шохобчалари бўйлаб экилган иҳота дараҳтлар иқлимининг иссиқлиги ва қуруқлитетини ҳамда шамолнинг таъсирини камайтиради. Ер ости сувлариниг пасайшишига олиб келади. Бу эса тупроқ бетидан сувнинг бугланиб кетишини анча секинлаشتитади. Натижада шурланиши камаяди. Бундан ташқари, дараҳтлар каналлардан сизилаётган сувнинг кўп қисмини илдизи орқали олиб, сизот сув сатҳининг кўтарилишига йўл қўймайди. Сизот суви юза жойлашған шур тупроқларни ювишида далалар атрофига зөвур қазилиши керак.

Сизот сувлариниг чукӯрлиги тупроқнинг шурланиши дараражасы ва сув ўтказиш хусусиятига қараб ҳар қайси дала учун ўзига хос ювиш сони ва нормаси белгиланади. Тупроқ 1—2 мартадан 10—15 мартағача ювилиши, ҳар ювишда бериладиган сув нормаси эса гектарига 2—3 минг кубометр, сарфлападиган сув миқдори эса тектарига 10—20 минг кубометргача бўлиши мумкин.


Шұрхоклар одатда кеч куёда ва қиши мавсумида ювилади, чунки бу пайтда бугланиш сусайған ва сизот сувлар анча паст тушган бўлади. Ювишдан илгари тупроқдаги тузларнинг химиявий таркиби аниқланган бўлиши керак. Алмашлаб экиш амалга оширилган далаларда тупроқ бетини тез-тез юмшатиб туриш ва органик ўғитлар (гүнг, торғ, компост ва бошқалар) солиш шұрхок тупроқлар хоссаларини яхшилади. Баъзан шұрхокларда пайдо бўлган туали қатқалоқни сидириб олиб ташлаш сингари ишлар ҳам анча фойда беради. Шурғи ювиладиган далаларга дастлабки йилларда шурға чидамли буғдойиқ билан беда ва жўхори экиш тавсия этилади.

Шұртоблар ва шұртобли тупроқтар


Шұртоблар ва шұртобли тупроқтар жанубий қора тупроқтар (3 млн. га) ва каштан құнғыр тупроқтар зонасида (35 млн. га) кеңг тарқалға.

Сингдирувчи комплексида натрий катиони күп бўлган тупроқ шұртоб дейилади.


Академик К. К. Гедройц таълимотига кўра, шұртоблар натрий тузлари күп бўлган шұрхокларининг ювалишидан пайдо бўлади. Натрий тузлари (NaCl , Na_2SO_4) тупроқ эритмасида күп, гипси кам бўлган тупроқларда Na сингдирувчи комплексидан кальций ва магнийни аста-секин сиқиб чиқаради:




Шұрхокларинг шұртобларга айланиши барча тузларниң 70%¹ дан күпрөгини Na ташкил қылганидагина рўй беради. Сода таркибидаги натрий сингдирувчи комплексга бемалол ўта олади. Чунки алмашиниш реакциялари натижасида ҳосил бўлган кальций карбонат сувда секин эрийдиган туз бўлганлигидан чўкмага тушади.




Ҳар иккала шароитда ҳам сингдирувчи комплекс натрийга тўйингтан бўлса, минерал ва органик коллоиддар сув таъсирида золь ҳолатга ўтиб, юқори горизонтлардан пастки қатламларга тушиши мумкин. Бу ерда таркибида электролитлар күп бўлган эритмага дуч келиб чўкмага ўтади ва сув ўтказмайдиган зич шұртобли горизонт ҳосил қиласи. Шу билан бирга натрийга тўйинган сингдирувчи комплекс билан таркибида CO_2 бўлган тупроқ эритмаси орасида алмашиниш реакцияси рўй беради ва кальций карбонат бўлмаганда қуйидаги реакция бўйича қайта сода ҳосил бўлади.



Кальций карбонат бўлганда эса сода иккинчи марта қуйидаги реакция бўйича ҳосил бўлади:



Тупроқда (NaHCO_3) натрий тузи күп бўлса, у тупроқда кучли ишқорийлик ҳосил қиласидаган нормал сода (Na_2CO_3)га айланади.



Кучли ишқорий шароитда дастлабки минераллар парчаланади ва иккиминчалик минераллар — монтмориллонит, гидрослюдя, натрий силикат ва бошқалар ҳосил бўлиб пастки горизонтларга ювилаб тушади.

Тузилиши. Шўртоб тупроқлар морфологик тузилиши (41—42-расмлар) ва химиявий хоссалари жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эта бўлади. Типик шўртобларнинг устки икки қатлами (*A* ва *B*) бошқа тупроқлардан кескин фарқ қиласиди.

A қатлами сур тусда бўлиб қалиялиги 5—10 см дан 20—30 см гача бўлиши мумкин. Бу қатлам қўйи қатламлардан структурасизлиги ва ранги билан аниқ ажралиб туради.

B қатлам оч ќўнгир ёки жигар равиг тусдадир. Бу қатлам қўруқ ҳолида зичланган ва тикка ёриқларга ажралган бўлиб бу ёриқ (2—3 см дан 5—10 см гача) чалар туфайли айrim устувчаларга ажралган.

Ундан пастда равги ва химиявий таркиби билан кескин фарқ қиласидаган *C* қатлами жойлашган.

Химиявий таркибига кўра шўртобларнинг устки *A* қатламида сувда эрайдиган тузлар ва лойқа зарралари (глиноэём) кам, кремнезём эса кўпроқ бўлади. Бу қатламнинг реакцияси бир оз ишқорийдир. *B* қатламининг таркибига сувда эрайдиган тузлар кам, лойқа зарралар кўпроқ реакцияси ишқорий бўлади.

С қатлам таркибига сувда эрайдиган тузлар кўп.

Классификацияси. 1. Шўртоб тупроқлар шўрланиш характеристига кўра содали, сода-сульфат-хлоридли ва хлорид-сульфатли шўртобларга ажралади.


2. Шўртобланиш даражасига кўра қўйидаги 5 группага бўлинади.

63- жадвал

Шўртоб тупроқлар классификацияси

Шўртобланиш даражасига кўра тупроқ номи	Сингидонимнига нисбатан сингидонимдан натрий миқдори (процент ҳисобида)
Шўртоблар	>30
Кучли шўртоблар	20—30
Ўргача шўртоблар	10—20
Кучсиз шўртоблар	5—10
Шўртобланмаган тупроқлар	<5

3. Шўртоблар сизот сувининг чуқурлигига кўра 3 группага ўтлоқи шўртоб (сизот сувининг чуқурлиги 5 м гача); ўтлоқи-дашт



41- расм. Шүртоб юзасыннан күрниши.



42- расм. Шүртоб түпкөндө үсәйтгән қора эрмөв.

шүртоб (сизот сувининг чуқурлиги 5—8 м) ва дашт шүртобга (сизот суви 8 м дан чуқур) бўлинади.

4. Шўртоблар тузли қатламишинг чуқурлигига кўра, шўртоб (тузли қатлам 30 см гача); шўртобсимон (тузли қатлам 30—80 см) ва шўртобли (тузли қатлам 80 см дан чуқур) хилларга бўлинади.

5. Шўртоблар A горизонти қалинлигига кўра, қатқалоқли (A горизонт 5 см гача); юза уступсимон (столбли) (A горизонт 5—12 см), ўртача уступсимон (A 12—18 см) ва чуқур уступсимон. (A горизонт 18—20 см) га ажратилади. Шўртобларнинг физикаий хусусияти ва химиявий таркиби қўйнадаги жадвалларда келтирилган.

64- жадвал

Шўртоб тупроқнинг химиявий таркиби, % ҳисобида
(Гарбий Сибирь К. Д. Глиника)

Генетик горизонтылар, см	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	MnO	CaO	MgO	K ₂ O	Na ₂ O
A 0—5 см	76,78	10,54	4,74	0,05	1,62	1,50	1,70	1,11
A 12—14 —	78,72	10,68	4,36	0,18	1,72	1,74	0,91	0,55
B 14—20 —	70,04	16,33	6,46	0,41	1,57	1,90	1,23	0,92
C 85—95 —	70,88	13,03	6,74	0,50	1,87	2,84	1,34	1,19

65- жадвал

Шўртоб тупроқдаги сингдирилган катионлар таркиби

Катлам чуқурлиги, см	Алмашинуачи катионлар (100 г тупроқда мг/ека ҳисобида)				Сингдирилган ситимига нисбетан % ҳисобида		
	Ca ⁺	Mg ⁺	Na ⁺	жами	Ca ⁺	Mg ⁺	Na ⁺
0—10	8,4	0,9	3,6	12,9	65,1	7,6	27,9
20—30	9,9	2,6	7,2	19,7	50,3	13,2	36,5
50—60	12,7	2,0	5,2	20,0	63,5	10,0	26,5

66- жадвал

Шўртобнинг механикавий таркиби
(К. Д. Глиника)

Катлам чуқурлоси, см	Зарралар диаметри (мм)							
	3—1	1—0,5	0,5—0,25	0,25—0,05	0,05—0,01	0,01—0,05	0,05—0,01	0,01 дан кичик
A 0—20	0,317	0,260	8,067	43,039	12,265	20,223	6,936	7,378
B 20—37	0,052	0,064	4,426	39,169	9,917	18,225	11,715	15,825

67- жадвал

Шўртобдаги сувда эрийдиган тузларнинг таркиби ва миқдори
(% ҳисобида, С. А. Захаров)

Қатлам чуқурлиги, см	Куруқ юқидик	Илиқорийлик	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻
0 — 6	0,1060	0,0286	0,0008	0,0130
6 — 25	0,4689	0,0739	0,1268	0,0172
25 — 60	1,8700	0,0341	0,2502	0,7570
60 — 90	2,3180	0,0556	0,1924	1,0420

68- жадвал

Чиринди ва азот миқдори (%) ҳисобида,
Н. И. Усов)

Қатлам чуқурлиги, см	Чиринди
0 — 7	3,45
16 — 20	3,08
30 — 36	2,28
50 — 56	1,29

Шўртобли тупроқларда сингдирилган натрий миқдори кўпинча ҳамма катионларнинг 30—80%ни ва ундан ҳам кўпрогини ташкил қиласиди.

Шўртобларнинг ҳарактерли физикавий хоссалари шундап иборатки, уларнинг структурали В қатлами пам ҳолатда кўпчиб, ёпишқоқ бўлгач, ёғин сувлари тупроқнинг устки қатлами бетида узоқ вақт тўхтаб қолади, тезда қўримайди. Қуригаんだн сўнг бу қатлам чатнаб тикка ёриқлар пайдо бўлади. Бу тупроқнинг солинширма ва ҳажмий оғирлиги катта, коваклиги эса кам.

69- жадвал

Шўртобнинг физикавий ва физик-химиявий хоссалари
(Н. С. Кауричевдан)

Горизонт ва қатламлар чуқурлиги, см	Чиринди, %	Карбонатлардаги CO ₂ , %	Гипсдаги SO ₄ , %	Сингдирилган сагими (100 г тупроқда ж/з/е ҳисобида)	Сингдирилган натрий сингдириши сагимига нисбатан % ҳисобида	Сув суспензијасидаги pH
A 0 — 10	2,8	0,1	йўқ	19,5	0,5	6,6
B ₁ 15 — 25	2,1	0,3	«	25,1	27,0	8,6
B ₂ 35 — 45	1,8	2,0	0,45	11,5	15,0	7,4
B ₃ 60 — 70	0,4	5,6	2,65	11,5	22,0	8,3

Шўртобларда чиринди миқдори турлича. Ўтлоқи шўртобларда чиринди энг кўп миқдорда бўлиб, ўрмон-дашт зонасидағи шўртоблардан жанубга томон ва юқори қатламдан пастки қатламга ўтган сари унинг миқдори кескин камалди. Топографик жиҳатдан кўл ва дарёларнинг биринчи ва иккичи террасаларida бўладиган шўртоблар асосан жанубий қора тупроқ, каштан тупроқ ва

қўнгир тусли тупроқлар зонасида учрайди. Бўз тупроқлар зонасида типик шўртблар деярли бўлмайди. Аммо саҳро зонаси тупроқларининг баъзи хиллари (сур қўнгир тусли тақир, тақири тупроқлар) шўртбланган бўлиши мумкин.

Шўртблар реакцияси ишқорий ва физикавий хусусиятлари ноқулай бўлганилигидан уларда кўпчилик ўсимликлар ўсмайди ёки жуда заиф бўлиб ўсади. Бунда тупроқларда бурган, шувоқ, кермак, камфора каби ўсимликлар сийрак ҳолда ўсади.

Шўртблар ва шўртобли тупроқлардан фойдаланиш ҳамда уларниң мелиорацияси


Шўртоб ва шўртобли тупроқларда мелиорация пшларини амалга оширмасдан туриб бу тупроқларниң упумдорлигини яхшилаш ва унда дехқончиликни ривожлантириши мумкин эмас. Чунки, бу тупроқларниң реакцияси ишқорий, физикавий хусусияти, сув-ҳаво режими ёмон бўлганидан ўсимликларниң ўсиши учун салбий таъсир қиласи.

Химиявий ва физикавий хусусиятларини яхшилаш учун бу тупроқларга албатта гипс солиц керак.

Бир гектар ерга солинадиган гипс миқдори сингдирувчи комплексдаги Na миқдорига қараб қўйидагича тавсия этилади.

Ўтлоқи шўртбларда 1 гектар ерга 8—10 т, ўтлоқи-чўл ва чўл зоналарида, агар тупроқ таркибидаги тузлар хлорли-сульфат бўлса, 3—5 т солиц зарур.

Гипс солинганда қўйидаги реакция асосида тупроқниң сингдирувчи комплексидаги Na ни Ca сиқиб чиқаради ва тупроқниң ишқорийлиги йўқолиб, физикавий хусусияти яхшиланади.



Na_2SO_4 туви тупроқдан ёмғир суви ёки шўрни ювган пастки қатламига чўкади. Бундан ташқари шўртоб ва шўртобли тупроқларга ўғит солиш, шўртобли қатламни ағдариб чуқур ҳайдаш, суториш ишларини кенг кўламда жорий қилиш, ер ости сувлари юза жойлашган ерларда, зовурлар қазиб, уларниң сатҳини пасайтириш каби тадбирлар бу тупроқларниң физикавий, химиявий хусусиятларини яхшилаб унумдорлигини оширишдаги асосий тадбирлардан ҳисобланади. Агар агромелиоратив тадбирлар ўз вақтида ва тўғри қўйланилса, бу тупроқларда экин экиб улардан муттасил юқори ҳосил олиш мумкин.

тилнинг жанубида Унгуга сойлиги жойлашган бўлиб, бу сойлинида шўрхоклар кеңг тарқалган. Заунгуз Қорақумнинг шимолий қисми ҳисобланиб, атрофидаги қадимги аллювиал текисликлардан 60—100 м баландда жойлашган. Бу баланд текислик учламчи даврдаги деңгиз ётқизиқларидан таркиб топган бўлиб, устипи аллювиал, кўл ва шамол ётқизиқлари қоплагаш. Шунинг учун ҳам бу баланд текислиқнинг кўп майдонлари қумликларда иборат.

Девхона баланд текислиги. Заунгуз баланд текислигига дароми ҳисобланиб, Қарши чўлининг гарби-жашубий қисмидаги жойлашган. Бу плато учламчи даврдаги деңгиз ётқизиқларидан таркиб топган тупроқ пайдо қилувчи она жиҳси чагиртош ва соёз таркибли эллювийдан иборат. Баланд текисликнинг ачагина майдонини дўйг қумликлар ташкил қиласди. Унда сур қўргир тусли қум ва қумли тақир тупроқлар ва шўрхоклар учрайди. Ҳозирги вақтда бу баланд текисликтан яйлов сифатида фойдаланилади (45—46-расмлар).

Қизилқум баланд текислиги. Амударё билан Сирдарё оралигидаги майдоннинг ўрта қисмини эгаллади. Қизилқум баланд текислигига рельефига кўра асоса қатор тепаликлар, қолдиқ төғликлар ва чуқур сойликлар ҳам учрайди. Кўпчилик майдонни қумликлар эгаллагап. Бу баланд текисликтан чорвачиликда яйлов сифатида фойдаланилади (47-расм).

Бетпақдала баланд текислиги. Марказий Қозогистонда Сарисув дарёси билан Балхаш кўли, жашубда эса Чу дарёси водийсигача бўлган жуда катта майдонни эгаллади. Бу баланд текислик атрофини жарликлар ўраган. Рельефи ўрқирили. Тупроқ пайдо қилувчи она жиҳси чагиртош ва созли элювий, сойликлари эса мелкозёмли делювий ётқизиқларидан иборат. Бетпақдала баланд текислиги 300—350 м баландликдаги майдонни эгаллаган.



45-расм. Девхона баланд текислигидаги сойлик.



46- рәсм. Девхона балавд текислигидаги құм тупроқтар.

Қадимги қолдиқ төглар. Қызылқұмдаги Нурота төгларининг давоми — Султон Увайс, Туркманистоннинг гарби-жанубий қисмидаги Катта ва Кичик Балхон төгларининг қолдиқ төгларидир. Бу төгларниң тепалари, ясси ён бағирлари эса тик бұлади. Чүл текисликлари орасида унча баланд бүлмаган тепаликлар, дарё дельтасидаги баландликтер, Амударёның ўрта қисмидаги тепаликлар ва тор олдидаги баландлық — адирлар ҳисобланиб уларниң тузылишлари, баландликтери ва тупроқ пайдо қылувчи она жинси ҳам турличадыр.

Қадимги аллювиал текисликлар — Туриң пасттекислигининг қолдиқ балавд текисликлар орасида жойлашған қадимги ва ҳозирги дарё водийларида жуда катта майдонларни әгаллайды. Туриң пасттекислигидеги айниқса, Амударё ва Сирдарёның қадимги водийлари катта майдонларни әгаллайды.

Амударё водийсі Вахш дарёсининг Панжта құшилған жойыдан Орол деңгизигача чүзилған. Амударё ўрта оқимида гарбда Заунгуз қорақумы билан, Шарқда Девхона ва Қызылқұм балаңд текисликлари орасида кеңінг водий ҳосил қылған. Бу ердаги Амударё водийсінің кеңгілігі 5 км дан 30 км гача бўлиб, аллювий ётқизіларидан иборат.

Дарғонотадан бошлаб Амударё қадимий дельтасининг жанубида Заунгуз қорақумы, гарбда Устюрт, Шимолда Орол деңгизи ва Қызылқұм ўраб туради. Амударё дельтасининг умумий майдо-



47-расм. Қызылқұм.

ни 5 млн. гектардан ортиқ. Дельта соз, құмок, құмлоқ ва құм қатlamли аллювиал әтқизиқларидан иборат.

Сирдарё Фарғона водийсіда Қорадарёнинг Нориндарёға қүшилған жойидан бошлапіб, Мирзачұл, Даалварзия қесіб ўтиб, Қызылқұм ва Қоракамар баланд текислиги орқали Орол деңгизи яқыннан үзининг қадимғи Қызыл-Үрда ва ҳозирғи Газали дельтасини ҳосил қиласы. Ана шу масоғада кенглигі ҳар хил бўлган Сирдарёнинг аллювиал әтқизиқларидан иборат водийси жойлашған.

Сирдарё дельтасиниң рельефи кенг ясси текисликдан иборат.

Вахш, Коғирииҳон, Сурхондарё ва Шеробод дарёларининг водийлари қуйи оқимига томон кенгая бориб, террасалар ҳосил қиласы. Қуйи террасалар қатlamли аллювийдан, устки террасалар эса лёссдан иборат. Сурхондарё қуйи оқимининг чап қырғоги бўйлаб аңчагина майдонни Каттакұм құмлиги эгаллайди.

Қашқадарё водийси энг катта водийлардан бири бўлиб, унинг қуи қисми Қарши чўли деб аталади. Қашқадарё Китоб-Шаҳрисаба төғ оралиги пастлигидан ўтга, кенг ёйилма водий ҳосил қилиб, бу водий гарби-жанубда Девхона баланд текислиги билан, шимоли-гарбда эса Зарафшон водийсигача етиб боради.

Зарафшон водийсининг қуи қисми Бухоро ва Қоракўл воҳаларида чўл зонасигача боради. Бу водий шимолда қумларга ва адирларга, жанубда эса пастроқ төғларга ва Девхона баланд текислигига туташади. Водийда икки воҳа Бухоро ва Қоракўл воҳалари бор. Қоракўл воҳаси Бухоро воҳасидан кичикроқ бўлиб, тупроғи кўпроқ шўрлапган.

Чу водийсининг қуи қисми ҳам чўл зонасига киради. Шимолда у Бетпакдала баланд текислиги билан, жанубда Мўйинкўм чўли билан чегараланади. Водийда бир неча террасалар бўлиб, улар аллювиал ётқизиқлардая ташкил топган.

Қумли чўллар. Туров пасттекислигининг 25%га яқин майдонини ишғол қиласди. Қорақум, Қизилқум, Оролбўйи, Мўйинкўм, Балхашбўйи қумлари ана шулар жумласидандир, Қадимги қолдиқ баланд текисликлардаги қумли чўлларда Заунгуз Қорақумни ва Марказий Қизилқумдагиларни кўрсатиш мумкин. Қумликлар аллювий ётқизиқлари ҳамда щамол татсирида келтирилган эоль ётқизиқларидан пайдо бўлган. Қумликларниң кўпчилик қисми нотекис рельефга эга. Қумли майдопларда дўнг қум тепалари, барҳанлар энг кўп тарқалган рельефни ташкил этади (48—49-расмлар). Қумларниң таркибида кварц, төғ шпати, роговая обманка ва слюда каби минераллар кўп учрайди. Қумли чўлларда асосан сизот сувлари чуқур жойлашган, батъзан Оролбўйи ҳамда Мўйинкўм каби жойларда юза жойлашган бўлиб, ҳатто кўллар ҳам ҳосил қиласди.

Иқлими. Чўл зонасининг иқлими иссиқ ва қуруқ, лекин жанубий қисмининг иқлими шимолий қисмидан фарқ қиласди.

Зонанинг шимолий қисмida (Қозогистон вилоятида) иқлими кескин континентал; ўртача йиллик температура $+10 - 12^{\circ}$. Эз иссиқ. Июль ойининг ўртача температураси $+23 + 27^{\circ}$. Қиши соvuқ, январь ойининг ўртача температураси $-10 - 12^{\circ}$. Қишдаги эвг соvuқ кунда температура -30° ҳам бўлади. Ёгин кам — йилига 125—200 мм ёғади. Ёгинвинг кўп қисми апрель ва май ойларидага тушади. Соvuқ бўлмайдиган температура ($+5^{\circ}$ даи юқори бўлган давр) 180—200 кунга боради.

Чўл зонаси жанубий қисмипнинг ўртача йиллик температураси ачча юқори $13 - 17^{\circ}$. Июлцинг ўртача температураси $+27 + 29^{\circ}$. Қиши зонанинг шимолига нисбатан иликроқ. Январининг ўртача температураси $-1 - 2^{\circ}$. Ёгин кам. Йиллик ёгин миқдори 160—200 мм бўлиб, кўп қисми қиши ва баҳор фаслида, айниқса мартда ёғади. Соvuқ бўлмайдиган давр 250 ва ундан кўпроқ кунга етади.

Чўл зонасида ҳавонининг нисбий намлиги жуда паст — ёзда 10%га тушшиб, қишида 30% гача етади. Шунинг учун чўл зонасида бугланиш кучли бўлади. Бугланиш ёғингарчилик миқдоридан



48- расм. Коракум.



49- расм. Карши чүлдеги құмлықтар.

10—20 баробар күп бўлиб, йилига 2000—3000 мм ва ундан ҳам кўпроқ бўлади.

Ўсимликлари. Тошлоқли, созли ва құмли чўлларниң ўсимликлари бир-биридан фарқ қиласди. Қадимги қолдиқ баланд текисликларда асосан шувоқ ва шўралар учрайди. Қозогистон чўлларида Устюртда оқшувоқ (*Artemisia terraalba*), биоргун (*Anabasis Salsi*).

тошбиюргун (*Nanophyton eripascum*), боялч (*Solsola arbuseula*) ва сийракроқ қараган (*Carexgana*), саксовул (*Arthophytum*), күкпек (*Altred sapum*) ўсимликлари ўсади. Бу ўсимликларниң күпчилиги чала буталар бўлиб, баҳорда секни ўсади, ёзда эса тиним даври бошлиниади. Куда келгандага гуллаб мева тугади. Булар ер юзасини ёппасига қопламайди.

Жанубий чўйларда ўсимлик турлари жуда кўп бўлса-да биоргун, тош биоргун, кўкпек каби ўсимлик турлари эса учрамайди. Улар ўрнида гипсофитлар¹ туятовон (*Zygophyllum*), тошбақатоли (*Haplophyllum*), тогчитир (*Vulpia*), ҳар хил шўралар: ҳардандон бузоқбоши (*Halimocnemis*), донашўр (*Wamarahys*), шўра (*Solsola*), каррак (*Consinia*), ганилимон (*Wonilimon*), Астрагал (*Astragalus*) ўсади. Оқ шувоқ ўрнида шувоқ (*Artemisia herba alba*) ва бошқалар ўсади. Баҳор илиқ ва сернам бўлганида ранг, кўнгирбош каби эфемерлар яхши ўсади.

Қадимги аллювиал текислик ва умуман механикавий таркиби соҳа тупроқли чўйларда ўсимликлар унча кенг тарқалмаган. Тақирларда ёзда ўсимликлар деярли ўсмайди. Фақат баҳор ойларида тақирни сув босгандга бу жойда яшил, кўк-яшил сув ўтлари ўсади. Эз ойларидаги эса булар қуриб қовжираб кетади. Сув босмайдиган баландроқ жойларда лишайниклар ўсади. Камроқ зичланган тақирсимон тупроқларда памгарчилик кўпроқ бўлса, шувоқ шўралар ва эфемерлар сийрак ўсади.

Кумли чўйларда исаммофитлар² групласига кирадигая ўсимлик турлари яхши ўсади. Баҳорда қумларда эфемерлардан ранг (*Carex physodes*), кўнгирбош (*Poabulbosa*), буғдойиқ (*Agropyrum Verna partis*), ялгирбош (*Bromus tectorum*) ва бошқалар кўп бўлади. Кўп йиллик ўсимликлардан қуёнсуяқ (*Ammodendron*), шўралар (*Solsoba Richteri Sabaphylla*), оқ саксовул (*Arthophytum*) нинг ҳар хил турларидан иборат буталар, қумларда эса қора саксовул (*Naiboxylon aphyllum*) ва бутасимон шўралар ўсади.

Сур кўнгир тусли тупроқлар

Келиб чиқиши. Сур кўнгир тусли тупроқлар узоқ муддат алоҳида тиғга ажратилмай келинган. С. С. Неуструев ва Н. А. Димо уни дастлаб структурали бўз тупроқ А. Н. Розанов эса қир бўз тупроғи деб атаган. Кейинги йилларда И. П. Герасимов сур кўнгир тусли тупроқини алоҳида тиғга ажратишни тавсия этди. Фақатгина Н. В. Кимберг, С. А. Шувалов (1949), Е. В. Лобова (1960) бу тупроқни чуқур ўргангапларидан сўнг алоҳида тиғга ажратдилар. Қадимги қолдиқ — баланд текисликлар эловий ётқизиқларида ва сахро (чўл) зонасида тоғ этакларидаги иролювиалл ётқизиқларда сур кўнгир тусли тупроқлар кенг тарқалган. Сур кўнгир тусли тупроқлар мўътадил иқлимли сахро (чўл) зонасининг типик тупроқларидан бири. Бундай тупроқлар иссиқ ва қуруқ ик-

¹ Гипсофит — гипсли ерлар ўсимлиги.

² Исаммофит — кумли ер ўсимликлари.

лиида хилма хил жинсларнинг карбонатли, кўпинча шўрланган эллювийси ва пролювийси устида сийрак ўсадиган шувоқ ва шўралар таъсирида пайдо бўлади. Тупроқда биологик процесслар асосан баҳор ва кузда кечади. Ёзда тупроқ ҳаддан ташқари қуриб кетади, қишида эса ҳаво совуқ бўлади. Буниг натижасида биологик процесслар тўхтайди. Бинобарин, органик моддалар кам тўпланаади. Шу билан бирга тупроқда микроорганизмларнинг кўп бўлиши ҳамда илиқ ва нам фасллар давомида уларнинг актив ҳаёт кечиришида органик қоядиqlар минераллашади. Бу тупроқда шўрланган ва шўртобли қатламлар ер бетига яқин жойлашганилиги сабабли ўсимлик илдизлари чуқурлашмайди ва ўсимлик танаси яхши ривожланмайди Л. Е. Родина ва Н. И. Базилевич (1965) маълумотига кўра сур қўнғир тусли тупроқларда ўсадиган ўсимликларнинг илдизи ва устки танаси ҳисобига тўплападиган органик масса миқдори ўртача 1 гектар ерга 100 центнерни ташкил этади. Буниг 80% и эса ўсимлик илдизига тўғри келади. Ава шу сабабларга кўра сур қўнғир тусли тупроқларда чириди кам ва чиривиди қатлам юнқа бўлади.

Сур қўнғир тусли тупроқларнинг характерли белгиларида бирни унинг кўпинча шўрхоксимон ва шўртобсимон бўлиши, гипсли қатламнинг юза жойлашганилиги гипс ва карбонатлар миқдорининг кўплиги, унинг қўнғир туслада бўлиши ва В горизонти механикавий таркибининг оғир бўлишидир.

Тупроқнинг шўртоблавиши кўпинча шўра ўсимликларнинг биоген йўл билан натрийни тўплаши ва унинг сингдирувчи комплексга ўтиши натижасида рўй беради.

Айўл зонасининг тупроқ пайдо бўлиш процессига тупроқ пайдо қилувчи жинсларнинг літологик ва химиявий таркибининг характеристика катта таъсири кўрсатади. Тупроқ пайдо қилувчи жинслардин схилма-хиллиги натижасида турли тупроқлар пайдо бўлади.

Класифицияси. Сур қўнғир тусли тупроқ типи иккι типчага карбонатли типик сур қўнғир тусли ва оз карбонатли сур қўнғир тусли тупроққа бўлишидади (Е. В. Лобова, 1966).

Карбонатли типик сур қўнғир тусли тупроқ Турон пасттекислигининг Фарбий чўлида ва Устюорт баланд текислигига кепг тарқалган. Оз карбонатли сур қўнғир тусли тупроқлар эса Бетпак-дала баланд текислигига шарқида ва Балхаш атрофида тарқалган. Сур қўнғир тусли тупроқлар ўз нафбатида, шўртобсимон, шўрхоксимон, гипсли ва ҳ. к. турларга бўливади. Сур қўнғир тусли тупроқларнинг шўртоблиги, шўрланганилиги, механикавий таркиби, сугорилиши ва ўзлаштирилмаганлиги, тупроқ пайдо қилувчи она жинслининг характеристига кўра бир неча хилларга бўлинади.

Шўртобланмаган сур қўнғир тусли тупроқлар чўлдаги баландликларда юмшоқ жинслар устида эрмоя ва эфемер ўсимликлар таъсирида ҳосил бўлгац.

Шўртобли сур қўнғир тусли тупроқлар юқори қатламнинг таътида зичланган тик брицчаларга бўлишган допадор, кесакли ва призма шаклидаги структурага эга бўлган тўқроқ тусли қатлами

булади. Бу горизонттнинг ишқориилик даражаси юқори оудио, кўпинча кучли шўрланган бўлади.

Шўрхоксимон сур қўнгир тусли тупроқларда тузли қатлам айчада чуқур жойлашган бўлади.

Гипсли сур қўнгир тусли тупроқлар кўпинча деигизнинг элоий ётқишиклари устида пайдо бўлган бўлиб, 40—50 см чуқурлиқдан пастки қатламида гипс жуда кўп (50 процент ва ундан ҳам кўп) учрайди.

Ўтлоқли сур қўнгир тусли тупроқлар чўл зонасининг рельефи паст бўлган қисмидан тарқалган унча катта бўлмаган майдонни эгаллайди. Бу тупроқда кўпчилик ҳолларда гипс пастки қатламга ювилб кетган бўлади.

Сугориладиган сур қўнгир тусли тупроқлар Малик чўлида ва Бухоро облатининг Қоракўл районида, шунингдек, Самарқанд облатининг Фарбий районларида, Туркманистоннинг жануби-тарбидаги учрайди. Узоқ муддат сугорилган сур қўнгир тусли тупроқларнинг қатлами сугорилмайдиган хилидан кескин фарқ қиласди.

Морфологик тузилиши, таркиби ва хоссалари сур қўнгир тусли тупроқларнинг генетик қатламлари бир-биридан кескин фарқ қиласди. Тупроқ юзаси қалинлиги 1—3 см бўлган оч тусли уваланиб кетадиган қатқалоқ билан қопланган. Бу қатқалоқларда озми-кўпми чағиртош учрайди. Кўпинча қатқалоқнинг бетида қум ёпишган бўлади.

Қатқалоқ тагида тангасимон говак қатлам жойлашган. Ундан пастдаги В қатлам оч қўнгир ёки жигар ранг тусда бўлиб, зичланган ва увоқли структурага эга. Бу қатламнинг механикавий таркиби айчада оғир, унда коллоидлар кўп. Баъзан бу қатламда карбонатларнинг оқиш дарлари учрайди.

Ундан пастда таркибидаги гипс ҳамда сувда осон эрийдиган тупроқлар бўлган тупроқ пайдо қиувлечи она жинис бўлади. Кўпинча гипс бу қатламда 50—70%га етади. Бу қатлам галвирак — говакли оқиш рафтаги зичланган жинисдан иборат, унда бир оз миқдордаги чағиртош ёки шағал аралаш мелкозём учрайди.

Сур қўнгир тусли тупроқлар таркибидаги чиринди кам (0,3—0,8%) ўсимликлар бирмурча қалин ўсадиган паст жойлардагина баъзан 1—1,2% га етади. Чириндили қатламнинг қалинлиги 10—20 см дав 30—40 см гача бўлади.

Сур қўнгир тусли тупроқларда чириндининг химиявий таркибини кўпроқ фульвокислоталар (40%) ва ишқорларда әримайдиган моддалар (30%) ташкил этади. Бу моддалар темир (III)-оксид билан бириккан бўлади.

Сур қўнгир тусли тупроқларда азот (0,04—0,07%) ва фосфор (0,07—0,15%) оз миқдорда бўлади.

Химиявий таркиби. Сур қўнгир тусли тупроқлар таркибидаги оксидлар қатлам бўйича деярли бир хилда тарқалган. Фақат темир (II)-оксиди ва гигроскопик сув пастки қатламда, кальций эса юқори қатламда кўпроқ учрайди.

Сур күнгир тусли тупроқлар одатда шұрхоксімөн устки қатламлари унча шұрланмаган ва қуий қатламларыда зса күп миқдорда тузлар бўлади (73- жадвал).

73 - жадвал

Сур күнгир тусли тупроқнинг химия вий таркиби, % ҳисобида
(Карши чўли 1963 й. А. Расулов)

Чукурлап-ти, см	Курун-цолдин	Ишқорийлігиги			SO ₄ ²⁻	Ca ²⁺	Mg ²⁺	Na	Карбо-натлар-даги CO ₃ ²⁻	Гипс-даги SO ₄ ²⁻
		CO ₃ ²⁻	HCO ₃ ⁻	Cl ⁻						
0 — 5	0,505	0,027	йўқ	0,165	0,008	0,009	0,109	0,220	7,1	изп
5 — 12	0,538	0,024	— >	0,180	0,038	аниқланмаган			6,5	« — »
12 — 28	0,636	0,003	0,003	0,003	0,213	0,019	0,006	0,198	6,6	— « —
28 — 45	1,266	0,018	йўқ	0,210	0,456	аниқланмаган			5,4	1,95
45 — 65	1,106	0,015	— « —	0,210	0,460	0,098	0,026	0,0200	4,6	29
65 — 80	1,456	0,018	— « —	0,108	0,814	аниқланмаган			4,2	29,7
80 — 100	1,842	0,015	— « —	0,180	0,995	0,289	0,026	0,216	3,4	13,7
130 — 170	2,798	0,021	— « —	0,435	0,946	аниқланмаган				25,2

Сур күнгир тусли тупроқлар аллювиал қатламиның механикавий таркиби оғир бўлиб, унда коллоид лойқалар ва майда чанг кўп учрайди. Тупроқ қатламиның ўрта қисмида созният кўп бўлиши тупроқдаги нураш процессининг натижасидир (74- жадвал).

74 - жадвал

Сур күнгир тусли тупроқларнинг механикавий таркиби
(А. Расулов 1963 й. Карши чўли, Девхона баланд текислиги)

Чукурлап-ти, см	Фракциялар (% ҳисобида)								Физик соз (>0,01 мм)
	0,25	0,25—0,1	0,1—0,05	0,05—0,01	0,01—0,005	0,005—0,001	0,001	0,001	
0 — 5	29,73	16,03	26,05	16,85	2,65	4,42	3,97	11,04	
5 — 15	17,32	16,91	26,56	22,52	4,05	7,72	5,02	16,79	
12 — 28	17,51	14,52	16,43	9,55	4,25	13,70	23,97	41,92	
28 — 45	24,54	17,24	17,74	10,37	7,17	8,32	17,62	30,11	
180 — 210	30,59	25,76	14,06	11,87	2,97	2,75	12,00	17,72	
210 — 250	43,34	31,27	7,60	9,50	2,47	1,07	4,75	8,29	

Сур күнгир тусли тупроқларнинг сингдириш сифими унча катта зemas, чунки уларда коллоидлар кам. Енгил механикавий таркибли тупроқларнинг сингдириш сифими айниқса кичикдпр. Типик сур күнгир тусли тупроқларнинг сингдириувчи комплексида Ca ва Mg бўлиб, Mg висбатан бир оз кўпроқ. Шўртоб сур күнгир тусли тупроқларнинг В горизонтида Na миқдори 10—20%га етиб, баъзан ундан ҳам ортади (75- жадвал).

Сингдирилган асослар сиғими

Тупроқ ва яйпинг номи	Чуңурлиги, см	Сингдирилган национлар йилинди сиз (100 г түркөкдә мг/9кг)	Ангилидисига иисбатан % хисобда			
			Ca ⁺	Mg ⁺	K ⁺	Na ⁺
Типик сур құнғыр тусли тупроқ. Жыныбий Үзбекистон (А. Н. Розанов)	5 — 10 12 — 22 25 — 30	2,82 8,09 6,21	53,3 64,8 53,8	20,5 25,5 34,5	26,2 9,6 11,4	0,1 0,1 0,3
Шұртоблы сур құнғыр тусли тупроқ. Карши чүлгі адирлари (Н. В. Кімберг)	0 — 5 5 — 15 30 — 40	5,41 5,18 5,48	72,9 74,1	12,0 8,6	5,3 6,5	9,8 10,8 10,2

Кишлоқ хұжалигыда фойдаланиш. Сур құнғыр тусли шұрхоксимон ва юзасини гипс босған шұртоблы тупроқларниң айрымлары айниңса упумсиз бұлади. Бұндай тупроқларда күл элементлары кам, нам сиғими паст, сувни ёмон үтказады, структурасында зичланған бұлади.

Бу тупроқларни үзлаштириш учун ерии яхшилаб текислаш, шүрнін ювшы, сизот сувлары яқын бұлған ерларда зовур ва коллекторлар қазыб сув сатхини пасайтириш лозим. Шұртоблы қаттам билан гипсли қатламын аралаштириб чуқур ҳайдаш айниңса яхши патика беради. Сур құнғыр тусли тупроқларда чирииди ва озуқа моддалары айниңса азот ва фосфор кам бұлғанин учун бу тупроққа органик ва минерал үгітлар солиб, алмашлаб әкишни кеңгі күламда жорий қылыша, қишлоқ хұжалик әкіпларидан мутасаси қоюкори ҳосил олиш мүмкін. Ҳозырғы күнде сур құнғыр тусли тупроқлар билан банд бұлғап Қоракүм, Қызылқүм, Устюрт, Бетпакдала, Девхона балапд текисликларидан чорвачиликта да бирипчи галда қоракүлчилікта фойдаланылмоқда.

Тақиrlар

Келиб чиқиши. Тақиrlар Амударә ва Сирдарёның қадимғы аллювиал текисликларыда, айниңса дельта қисмінде, құмлар орасидаги текисликларда, қадимғы Қызылқүм, Заунгуз, Устюрт, Бетпакдала, Девхона каби балапд текисликларниң мелкоземли пастыларыда катта майдовларни әгаллайды.

Географ ва геологтар, айрим тупроқшунос олимлар дастлаб тақиrlарни құллардаги геологияқ процесслар патижасыда ҳосил бұлған деб ҳисоблаганлар. С: С. Неуструев тақиrlарни сув тұхтаб қолиши ва вактлар үтиши билан лойқа чўкиб қолиши патижасыда ҳосил бұлған тупроқ деб ҳисоблайды.

И. П. Герасимов, тақиrlар ер юзасини даврий равишда сув босиши патижасыда тоғ әшірләніб, тоғ шури ювидиши туфайли пайдо бұлған зонал тупроқ, деб ҳисоблайды.

Н. Н. Волышев, Н. И. Базилевич ва бошқалар, тақирлар тубан ўсимликтар — сув ўтлари, лишайник ва бошқалар таъсирида ҳамда ер юзасини вақт-вақти билан сув босишидан пайдо бўлган чўл тупроқ, деб ҳисоблайдилар.

Тузилиши. Тақирлар бети ёрилиб-ёрилиб кетган полигонал 2—3 см қалинилдаги бўлаклардан иборат. Бўлакларнинг бети бир оз дўнг бўлиб, кўк-яшил сув ўтлар кўп ўсганлиги таъсиридан пушти рангда кўринади. Қатқалоқ жуда зич, қуруқ ҳолида галивирал тешикли бўлади. Қатқалоқлар ташки кўришида тош йўлни эслатади. Қатқалоқ қатлам остида қўнғир-кул тусли, бирмунчча юмшоқ 3—7 см қалинилдаги қатлам бўлиб, у мустаҳкам бўлмаган увоқчали структурага эга. Бу горизонтда туз кўп учрайди, унинг тагида одатда шўрланган аллювиал қумли қатлам ётади. Умуман тақирларнинг қатлами ҳар хил механикавий таркибли қатламдир.

Химиявий таркиби. Тақир тупроқларнинг таркибида коллоид — лойқали заррачалар миқдори 15%дан 50%гача етади ва баъзан ундан ҳам ошади. Қатқалоқ тагидаги қатламда, қатқалоқка қарагапда жуда майда дисперсияланган заррачалар кўпроқ учрайди. Иккиминчя коллоид минераллар таркибида бейделлит ва гидрослюдалар кўп миқдорда бўлади ва 0,001 мм дан кичик бўлган заррачалар миқдорининг 40—50%-ини ташкил этади. Бейделлит миқдори қатламнинг пастки қисмида кўпайиб, гидрослюдадар эса камая боради. Бундан ташқари, тақирларда 10—15% каолинитли группадаги минераллар, 10—20% слюдалар ва 5—7% миқдорида коллоид кремнезём бор. Коллоидлар таркибида гидрослюдадар, слюдалар, каолинит ва кремнезём кўп бўлганлигидан тақирларда озигина миқдорда мустаҳкам бириккан сув запаси бўлади. Тақир қуриганда зичланади ва қатқалоқ ҳосил қиласди.

Тақирларда чирипди 0,4%дан 0,7%га етади. Утмишда ўтлоқ тупроқлар билан қопланган пастликлар яқинидаги пайдо бўлган тақирларда чиринди миқдори 1—1,5%га етади. Қадимдан сугориляётган тақир тупроқлардаги чиринди қатлами қалин, пролюзија ва аллювија ётқизиклар устида пайдо бўлган тақирларнинг чирипдили қатлами эса юпқа бўлади.

Тақирларда азот кам бўлиб, лекин уларнинг чиринди таркибида 6—12% гача бор. Тақирларда ялпи фосфор миқдори ҳам кам. Фақат устки қатламда ўсимликтарни ўзлаштириладиган ҳаракатчан фосфор анчагина. Карбонатлар тупроқ қатлами бўйича деярли бир хил миқдорда тарқалган (76-жадвал).

Тақирлар ҳам ҳар хил даражада шўрланган бўлиб улардаги тузлар қадимги даврлардан қолган. Чунки қадимги аллювиал текисликларда сизот сувлари юза жойлаштан даврдаги гидроморф шароитда тақирлар вужудга келган. Кейинчалик сизот сув пасайтагч, тузлар тупроқ ва грунт таркибида қолиб кетган. Пролюзија қияликларда эса тузларни тоглардан оқар сувлар ҳамда грунт сувлари келтирган. Бундай ерларда оқар сел сувлари ҳозир ҳам тузларни оқизиб келмоқда. Тақирлар қатқалогида кўпинча туз

Тақирларда чиринди, азот, фосфор ва карбонатлар миқдори % ҳисобида

Тупроқ ва жойнинг иоми	Чукур-лиги (см)	Чиринди	Азот	Фосфор		
				жами	жарағатчай фосфор (аммоний карбонатли сүримда) мг/к	Карбонатлардаги CO ₂
Тақир, Қарши чўли (Б.В. Горбунов)	0—6	0,64	0,067	0,137	39,92	7,54
	6—15	0,70	0,067	0,131	20,93	6,95
	15—22	0,72	0,075	0,143	11,86	7,88
	25—30	0,73	0,070	0,137	15,28	7,72
Тақир, Амударё дельтаси (А. З. Генусов)	0—2	0,47	0,052	—	76,50	—
	0—25	0,65	0,56	—	15,00	—
	25—48	0,73	0,059	—	12,50	—
	48—53	0,54	0,048	—	16,50	—
	53—77	0,27	0,054	—	12,50	—

бўлмайди. Қатқалоқ тагидаги қатламлар кўп шўрланган бўлади. Бу қатламларнинг механикавий таркиби қанча оғир бўлса, шўрланиш даражаси шунчалик юқори бўлади. ✓

Тақир тупроқларнинг шўрланиш тиши кўпчилик ҳолларда сульфат-хлоридли бўлиб, фақат Қарши чўлидаги тақирлар хлорид сульфатлидир (77- жадвал).

Тақирларда сувда эрийдиган тузлар миқдори % ҳисобида

Тупроқ ва жойнинг иоми	Чукурлиги, см	Қуруқ қоғозлик	Илиқорийлик		Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	Ca ²⁺	Mg ²⁺	Na + K
			CO ₃ ²⁻ даги	HCO ₃ ⁻ даги					
Тақир, Қарши чўли (А. Расулов)	0—3	1,260	йўқ	0,021	0,420	0,303	0,129	0,007	0,264
	3—15	1,224	йўқ	0,018	0,364	0,420	0,085	0,008	0,331
	15—51	2,292	— « —	0,015	0,598	0,812	0,192	0,009	0,544
	51—63	0,552	— « —	0,013	0,182	0,160	0,036	0,008	0,143
	63—90	2,080	— « —	0,015	0,241	1,051	0,120	0,016	0,496
	90—145	2,446	— « —	0,015	0,651	1,273	0,125	0,044	0,798
	145—180	1,202	— « —	0,016	0,360	0,408	0,043	0,013	0,303
Тақир, қадамги Амударё дельтаси (А.З.Генусов)	0—2	0,114	— « —	0,026	0,008	0,045	0,018	0,008	0,001
	2—6	0,218	— « —	0,021	0,012	0,104	0,024	0,004	0,021
	6—24	1,120	— « —	0,018	0,271	0,310	0,070	0,04	0,215
	24—35	0,368	— « —	0,013	0,067	0,132	0,038	0,018	0,034
	35—76	0,500	— « —	0,020	0,095	0,179	0,032	0,018	0,084
	94—140	0,334	— « —	0,021	0,050	0,123	0,016	0,010	0,065

Тузлар айниңса натрий хлорид тузлари йил давомида қатлам бүйлаб сезиларлы даражада баҳорда пастга, ёзда юқорига томон силжийди.

Сингдириш сиғимининг кичик бўлиши турпроқдаги чириндисиning кам бўлишлага ва устки горизонтларнинг коллоиди таркибида сингдириш сиғими кичик бўлган гидрослюдалар, слюда, кварц ва каолининг кўплигига боғлиқ. Қуйи горизонтларнинг ва бейдедлит билан тўйинган қатламнивг сингдириш сиғими аяча катта. Сингдирилган катионлар таркибида Ca ва Mg миқдори 65—85%га етади. Ҳамма тақир хилларида сингдирилган Na бор (78-жадвал). Баъзан унинг миқдори сингдириш сиғимига нисбатан 35%га етади. Одатда тақирлар, айниңса шўртобли хили ишқорлидир (рН 8,8—9,0).

78 - жадвал

**Тақирларда сингдирилган катионлар таркиби
(сингдириш сиғимига нисбатан % ҳисобида, А. Расулов 1963 й.)**

Турпроқ ва жойининг номи	Чукурлигі (см)	Ca ⁺	Mg ⁺	K ⁺	Na ⁺	Сингдирилган ка- тионлар йигинди- сига нисбатан Na миқдори
Тақир, Қарши чўли	0—3	0,263	0,031	0,045	0,023	5,6
	3—15	0,269	0,023	0,045	0,013	3,2
	15—51	0,238	0,033	0,040	0,007	1,9
	51—63	0,267	0,013	0,009	0,004	1,1
	63—90	0,292	0,022	5,027	0,003	0,8
Тақир, Қарши чўли	0—2	0,093	0,015	0,045	0,040	20,1
	2—13	0,131	0,023	0,045	0,095	29,5
	63—48	0,158	0,027	0,023	0,003	1,2

Физикавий хоссалари. Тақирларнинг турпроқ пайдо қилувчи жинслари хилма-хил бўлганлигидан, унинг механикавий таркиби ҳам турлича. Бироқ оғир қумоқли ва соғ хиллари кўпроқ тарқалган. Кўпинча қатқалоқини механикавий таркиби унинг тагидаги қатлам механикавий таркибида қарагандиа енгилроқ бўлади. Чунки қатқалоқ таркибида шамол таъсирида келтирилган қумлар учрайди. Агар шамол келтирсан қумлар бўлмаса, қатқалоқнинг механикавий таркиби ҳам оғир бўлади (79-жадвал). Одатда қатқалоқ, қатқалоқ ости қатламга нисбатан кўпроқ дисперсияланадир. Бунинг сабаби сингдирувчи комплексида натрий катионининг мавжудлигидир.

Тақир турпроқнинг ҳажмий оғирлиги 1,4 дан 1,7 g/cm³ гача бўлади. Қатқалоқнинг коваклиги 42—46%, қатқалоқ тагидаги ғовак қатламиши эса 47—49%, капилляр коваклиси қатқалоқ қатламда 30—32%, қатқалоқ ости қатламида 36% оға етади. Тақирлар структурасиз турпроқлар ҳисобланиб, 0,25 мм дан катта бўлган, сувга чидамли структура агрегатлари 1—3% атрофидадир.

Тақирлар структурасиз ва жуда зич бўлганлигидан сувни ўзидан жуда кам ўтказади. Тақирларни максимал гигроскоплиги ун-

79-жадвал

Тақирларнинг механикавий таркиби % ҳисобида

Жойининг номи	Чукур- лиги, см	<0,25:0,25—0,1	0,1— 0,05	0,05— 0,01	0,01— 0,001	0,005— 0,001	>0,001	>0,01	
1-ярши чўли (Б. Р. Горбу- нов)	0—6 6—15 15—22 50—60	2,25 6,68 0,41 2,42	7,82 3,35 0,01 8,45	17,73 2,77 1,88 9,13	17,60 12,40 7,60 27,40	6,40 5,80 10,60 6,90	11,70 26,60 26,20 13,70	37,50 48,40 52,30 32,30	54,61 80,80 89,10 52,90
Аму- дарё дельтаси (А. З. Ге- нусов)	75—85 0—7 7—12 12—58 58—160	0,62 2,12 2,21 0,40 1,15	2,46 23,38 19,63 2,65 56,90	10,02 19,04 9,47 10,42 27,66	51,00 16,47 23,12 66,32 11,25	10,10 1,85 4,95 6,77 1,12	6,10 10,15 9,35 5,97 —	19,70 26,92 31,27 6,47 1,92	35,90 38,92 45,57 20,21 3,04

ча катта әмас, чулки тақириарда органик модда кам бўлиб, коллоидлар таркибидаги секин гидратлападиган слюдалар кўпдир. Ўзанинг сўлиш коэффициенти тахминан тигроскопик намнинг 1,5 марта кўпайтирилганда камликка тенгдир. Тақирларда ўсимликларнинг физиологик ўзлаштира оладиган суви жуда кам бўлиб, у фақат баҳор ойларидагина юзага келади (80-жадвал).

80-жадвал

Тақирларнинг тигроскопиклиги ва сўлиш коэффициенти % ҳисобида

Тупроқ ва жойининг номи	Чукурлиги, см	Максимал ти- гроскопиклек	Сўлиш коэф- фициенти	Дала нам сигими
Тақир, Амударё этапи (Г. И. Вайлерт)	0—2 2—0 22—47 47—70	3,4 4,3 2,6 4,7	6,8 8,6 5,2 9,4	30,7 30,4 31,8 29,8
Шўртобли тақир, Аму- дарё этапи (И. М. Носиров)	0—5 5—10 10—20 20—30 30—40 40—100	6,8 7,2 9,9 9,9 7,9 7,0	10,0 7,0 11,4 14,1 14,1 14,3	28,0 28,0 26,0 24,0 23,9 22,0

Тақирларда дала нам сигими ачча катта (22—30%) бўлиб, бу бир метрлик қатламда 3000—4000 м³ сувни сиёдира олади. Тупроқнинг етилган ҳолатида нам 16%—18% атрофида бўлади. Тақирлардаги намлик дала нам сигимининг 80% ини ташкил этганда, солиштирма қаршилик энг кичик бўлиб, 80%дан ошганда солиштирма қаршилик кўпаяди (81-жадвал).

Тақирнинг физик-механикавий хоссалари % ҳисобида

Тупроқ ва жойнинг томми	Чуқурлар мм	Пластиклик			Ешишқон- лик чега- раси
		Ююра- чегара- си	Куйя- чегара- си	Пластикли- кесони	
Тақир, Амударё ата- ги (Г. И. Вайлерт)	0—2	20,4	15,2	5,2	16,9
	2—8	23,2	18,2	5,0	20,4
	8—10	26,9	18,8	8,1	22,6
	10—18	28,9	19,4	9,5	23,7
	20—40	33,8	20,6	13,2	26,4
Тақир, Қарши чўли (Я. М. Носиров)	0—5	27,3	13,4	13,9	8,5
	8—13	38,7	20,8	17,9	25,6
	13—23	48,6	18,5	30,1	35,7

Тақир тупроқлардан қишлоқ ҳўжалигига фойдаланиши

Тақирларнинг физикавий хоссалари виҳоятда ёмои, чириндиси ва озуқа моддалари кам, биологик активлиги паст, шўрланган ва шўртбланғанилигидан бу тупроқни ўзлаштириш анича қийин.

Лекин тақирлар йирик дарёлар яқинидаги текисликларда анича катта майдонларни эгаллаб ётади ва бу майдонлар сув мавбайга яқин бўлганлиги сабабли уларни турли агромелиоратив тадбирлар қўйлаб ўзлаштириш, сугориш ва экин экиш мумкин.

Бунинг учун ерии чуқур ҳайдаб устки зич қатламини пастки юмшоқроқ қатлам билан аралаштириш керак.

Гўyg солиши тақирлар унумдорлигини оширишда жагта аҳамиятга эга. Чунки гўyg тупроқ структурасини яхшилаб биологик процессларнинг боришини тезлаштиради.

Тақирларга қум солинса, унинг физикавий хусусияти яхшиланыб, унумдорлиги ошади. Тақирларнинг шўри ювилиб, физикавий хоссалари яхшилангач, ерга бактериал ўғитлар — азотбактерин, нитрогин, фосфорли бактериялар солиши маъқулдир. Туркманистонда тақирларни шўрилип яхшилаб юваб гектарига 150 кг азот, 100 кг фосфор, 45 кг калпай ҳисобидан ўғит солиб ўзлаштиргандан 25 центнердан кўпроқ пахта ҳосили олиш мумкинлиги исботланган.

Тақирли тупроқлар

Географик тарқалиши ва пайдо бўлиши. Тақирли тупроқлар тоғолди текисликларда, дарё водийлари ва дельталарида кенг тарқалгаш. Амударё, Каишқадарё дельталарида, Кошетдог олди қил текислигига, Мурғоб ва Тажканг дарёларининг ҳавзаларида, Сирдарёнинг ўрта қисмида айниқса катта майдонларни эгаллади.

Тақирли тупроқлар чўл зонасидаги яхши тупроқлардан ҳисобида

ланади. Шунинг учун ҳам бу тупроқлар сур құяғир тусли, тақири күмли тупроқларга нисбатан күпроқ үзлаштирилмоқда. Үтмишда сизот сувлари юза жойлашган ерлардаги тақири тупроқлар күпинча шүрланған бўлиб, ҳозирда эса сизот сувлари анча чуқур жойлашынлиги сабабли тупроқ пайдо бўлиш процессида қатнашмайди. Бу ерларининг ҳам шўрини ювиб үзлаштириш мумкин.

Тақири тупроқларда буталар ўсиб, баъзи жойларда саксовул ва юлгун учрайди. Бутасимонлардан шувоқ (*Artemisia terae alba*) ва хилма-хил шўралар ўсади.

Әфемерлардан сернам йилларда *Poa bulbosa*, *Agropyrum*, *Sp*, *Branis tectorum* ва бошқа хиллари ўсади. Үтмишда сугорилган тақири тупроқларда янтоқ, итсигек, кейреук, биоргун ва саксовул учрайди.

Морфологияси. Тақири тупроқларнинг юзаси дараларга аж-ралган 2—6 см қалинилкдаги говак қатқалоғининг усти күпинча қум билан қопланған бўлади (50—51-расмлар). Қатқалоқ тагида тангачасимон қўнгир рангдаги говак қатлам ётади. Ундан пастда ҳар хил механикавий таркибли қатламлар жойлашган.

Чириндили қатламишининг қалинлиги 30—60 см. Тақири тупроқларда гипсли ва карбонатли қатламлар авиқ ифодаланмаган.


Физикавий ва химиявий ҳоссалари. Тақири тупроқларнинг механикавий таркиби хилма-хил. Тақири қумоқ хиллари энг кўп тарқалган бўлиб, уларнинг созли, қумоқ ва қумли айримлари ҳам учрайди. Қатқалоқ тагидаги қатламларда коллоид-лойқали фракциялар кўп учрайди (82- жадвал).

82- жадвал

Тақири тупроқларнинг механикавий таркиби % ҳисобида
(А. Расулов 1963 й.)

Тупроқ номи ва ноңи	Чукурлиги, см	Зарралар диаметри (мм ҳисобида)						
		0,25 катта	0,25— 0,05 0,01	0,05— 0,01	0,01 0,005	0,005 0,001	0,001 кичик	0,01 кичик
Тақири тупроқ. Карши чўли	0,5	19,8	33,6	22,0	1,6	9,4	13,6	24,6
	5—12	16,0	28,8	19,9	4,5	11,5	19,3	35,3
	12—34	7,8	19,3	17,1	8,4	19,4	28,0	55,8
	34—60	5,3	25,3	16,2	8,4	18,3	26,5	53,2
	60—85	3,4	13,6	14,1	10,0	26,5	32,4	68,9
	85—115	4,5	29,9	15,8	5,2	9,0	15,6	29,8
Сугориладиган тақири тупроқ. Карши чўли	115—160	10,9	11,5	19,5	13,1	21,0	24,0	58,1
	0—45	2,7	15,3	36,0	10,5	23,9	18,7	46,0
	45—37	1,2	8,5	25,6	11,4	19,6	29,4	64,7
	37—70	2,8	21,7	23,0	10,4	12,1	22,5	52,5
	70—110	4,8	38,2	20,3	8,3	22,8	16,3	36,7
	110—125	1,7	8,7	20,6	10,8	17,8	35,4	69,0
	125—158	1,1	10,4	34,1	13,7	11,7	22,9	—

Тақири тупроқларда сувга чидамли структуралар унча кўп бўлмайди. 0,25 мм дан катта агрегатлар фақат 19—24%, микрографатлар эса 76—81%. Сугориладиган тақири тупроқларда



50-расм. Тақырлы түпнок. Қарши чүли.



51-расм. Ҳайдалған тақырлы түпнок. Қарши чүли.

эса йирик структура агрегатлари яна ҳам камроқ 4—9% (83- жадвал).

83 - жадвал

Тақирили тупроқдаги структура агрегатлары миқдори % ҳисобида

Тупроқ заңойнинг номи	Чуқурлигі, см	Зарралар ном ҳисобида		
		10—1	1—0,25	0,25 кийин
Тақирили тупроқ, Карши чўли (М. Умаров)	0—5	6,2	17,4	23,6
	5—12	3,5	16,3	19,8
Сугориладиган тақирили тупроқ (М. Умаров)	0—15	3,7	5,0	8,7
	15—37	1,1	3,1	4,2

Тақирили тупроқларнинг ҳажмий оғирлиги турлича. Кўпинча ҳажмий оғирлиги 1,3—1,4 баъзан эса 1,6—1,7 бўлади. Солишири ма оғирлиги 2,69—2,74, коваклиги 40,4—48,9%, гигроскопиклиги 3,49—7,41%. Сугорилган тақирили тупроқларнинг ҳажмий оғирлиги енгилроқ, коваклиги эса кўпроқ бўлади (84- жадвал).

84 - жадвал

Тақирили тупроқларнинг физикавий хоссалари

Тупроқ заңойнинг номи	Чуқурлигі, см	Ҳажмий оғирлиги, g/cm ³	Созинтирилми оғирлиги	Коваклиги, %	Гигроскопиклиги юқори
Тақирили тупроқ, Карши чўли (М. Умаров 1964 й.)	0—5	1,42	2,69	42,2	3,49
	5—12	1,38	2,70	48,9	4,98
	12—34	1,47	2,72	46,0	5,91
	34—85	1,61	2,74	42,9	7,41
Сугориладиган тақирили тупроқ (М. Умаров)	0—15	1,35	2,72	50,4	4,81
	15—37	1,38	2,73	49,5	6,43
	37—70	1,46	2,74	46,7	5,80
	70—110	1,41	2,72	53,3	3,97

Тақирили тупроқларда 0,4%дан 1,3%га ча чиринди бор. Азот кам (0,02—0,5%), лекин фосфор (0,15%) ва айниқса калий кўп (2%). Бу тупроқларнинг устки қатламларида кўпинча фосфорнинг ҳаракатчан формалари анчагина бўлади. Сугориладиган тақирили тупроқларда унга солинадиган ўғит ҳисобига висбатан азот ва фосфор миқдори кўпроқдир (85- жадвал).

Сугориладиган тақирили тупроқларнинг 1—2 м чуқурликдаги қатлами шўрланмаган бўлиб, ундан пастки қатламлари ҳар хил дарақжада шўрлангани. Сугорилемайдиган тақирили тупроқларнинг фақат устки 0—20 см ли қатлами ёғинилар таъсирида ювилиб, шўрсизлангани, аммо ундан пастки қатламларда эса тузлар жуда кўп, механикавий таркиби оғир бўлган қатламларда 1—2% ва ундан

Тақирили тупроқда чиринди, азот, фосфор ва калий миқдори % ҳисобида

Тупроқ ва жойланған номи	Чукурлігі, см	Чиринди	Азот	Фосфор	Калий
Тақирили тупроқ, Қарши чүли (А. Расулов, М. Каримова)	0—12	0,68	0,051	0,12	1,83
	12—30	0,48	0,040	0,11	1,90
	30—58	0,36	0,035	0,10	2,00
Сугориладиган тақирили тупроқ, Қарши чүли (А. Расулов, М. Каримова)	0—25 25—49 49—72	0,61 0,48 0,42	0,048 0,040 0,045	0,14 0,11 0,11	1,84 1,76 1,91

хам күпроқ бўлади. Тупроқнинг механикавий таркиби енгил, яъни қумли бўлса, тузлар жуда кам миқдорда тўпланаади.

Тақирили тупроқларда карбонат кўп (8—10%), гипс эса кам (0,2—1%) учрайди (86- жадвал).

Тақирили тупроқларнинг сингдириш сифими катта эмас. Сингдирилган катионлар таркибидаги кальций кўпчиликни ташкил қиласади. Шўрланган тақирили тупроқларда сингдирилган натрий миқдори сингдириш сифимининг 5—8%ига телг. Сингдирилган магний миқдори ҳам анчагинадир (87- жадвал).

87-жадвал

Сингдирилган асослар таркиби % ҳисобида

Тупроқ ва жойланған номи	Чукурлігі, см	Ca	Mg	K	Na	Жами
Тақирили тупроқ, Қарши чўли, (А. Расулов, 1964 й.)	0—1,5	0,177	0,036	0,040	0,003	0,256
	1,5—6	0,187	0,039	0,035	0,003	0,264
	6—15	0,187	0,048	0,025	0,013	0,273
	15—35	0,187	0,042	0,028	0,007	0,264

Тақирили тупроқлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш

Ўзлаштирилайдиган ва ўзлаштирилган тақирили тупроқларнинг унумдорлигини ошириш учун қуйидати асосий агромелиоратив тадбирлар амалга ошириш керак: ўт далали алмашлаб экишини жорий қилиш азот, фосфорли минерал ва маҳаллий (эски тепаликлар, деворлар, ариқ лойӣалари) ўғитларни мунтазам солиш, механикавий таркиби енгил бўлган тупроқларга калий ўрити солиш яхши натижга беради. Булардан ташқари ерни яхшилаб ишлаш тупроқ шўрини ювиш, сизот сувларининг кўтарилишига йўл қўймаслик учун зовур ва коллекторлар қазиш ва ҳоказолар.

Таблица түрлөрдөн химиянын таркибы % үчүсбөдө

Түрөрдөн жөннинең номы	Чүнчүрлигі, сат.	Күрүш нолдаш	Ишкөрмөллик		Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	Ca ²⁺	Mg ²⁺	Na	CO ₂	Гүйс (CaSO ₄ · 2H ₂ O)
			CO ₂ *	HCO ₃ *							
Сүтөрнади- гай тақырып түрөр.	0—25	0,064	йүк	0,029	0,007	0,020	0,011	0,006	0,004	9,46	0,165
	25—49	0,064	«	0,027	0,007	0,020	0,011	0,002	0,008	«	«
	72—112	0,136	«	0,023	0,014	0,054	0,023	0,003	0,032	9,53	0,141
	125—160	0,490	«	0,020	0,078	0,202	0,049	0,018	0,063	10,34	0,654
	250—272	1,224	«	0,015	0,013	0,851	0,167	0,055	0,110	8,36	1,278
	487—540	1,552	«	0,008	0,035	0,901	0,247	0,045	0,168	«	«
Тақырып түр- өр.	0—12	0,160	йүк	0,049	0,017	0,044	0,006	0,008	0,80	88	«
	12—30	0,660	«	0,023	0,201	0,168	0,028	0,009	0,168	«	«
	30—58	1,775	«	0,016	0,289	0,751	0,199	0,047	0,235	7,48	«
	58—98	2,340	«	0,013	0,394	1,007	0,306	0,063	0,22	7,380	«
	140—190	0,340	«	0,017	0,061	0,427	0,034	0,016	0,049	8,58	0,473
	220—260	0,074	«	0,017	0,007	0,023	0,009	0,001	0,010	6,60	0,206
	280—320	0,080	«	0,017	0,007	0,018	0,009	0,001	0,007	7,26	0,044

Құмли чүл тупроқлар

Құмли тупроқлар Қорақұм, Қызылқұм, Қарши чүли, Мирза-чүл, Шеробод водийси, Бухоро воҳаси, Фаргова водийси ва бошқа күйгина майдонларга кенг тарқалған (52—53-расмлар). Суғориладиган воҳалар яқинда, кудуклар атрофида мол бокилавериши, буталар ва дараҳтларни ёқилғи учун кесиб юборилиши натижасыда, бу ерлар шамол таъсирида түзидиган ва ўсимликлар ўсмайдиган даражага келиб қолған. Табиий ўсимликлар сақланыб қолған жойларда эса ўзига хос құмли тупроқлар пайдо бўлган. Баҳорда қум бетини эфемерлар ва эфемероидлар қалин коплаб олади. Бироқ май ойида, иссиқ кунлар бошланиши биланоқ бу ўсимликлар қуриб қолади. Бундан ташқари, құмларда хилмажил кўп йиллик ўсимликлар (қуёңсуяк, каллигонум, шўралар ва саксовул кабилар) ўсади. Бу ўсимликларнинг яхши ривожланған илдизлари бутун ёз давомида қум қатламидаги намликтан фойдаланади. Бу ўсимликлар танаси ва илдизи яхши ривожлағавлигидаи ҳар йили тупроқда жуда кўп ўсимлик қолдиқлари түпланаади. Лекин бу қолдиқларни микроблар тезда парчалагаплиги туфайли, құмли тупроқларда органик моддалар, айниқса чиринди унча кўп бўлмайди.

Морфологияси ва хоссалари

Энг устки қатлам 3—5 см қалинликда бўлиб, унда шамолда тўзгий берадиган сочилма қум бўлади. Ундан пастда оч кул ранг тусли ва тоаниқ агрегатли қатлам бўлади. Яна пастда қорамтир зичлашган қатлам жойлашган бўлиб, бунда ўсимлик илдизлари билан бирга ҳашаротларнинг инлари ҳам учрайди. Ундан пастда эса гевак ҳолдаги қум қатлами ётади.


Химиявий тарқиби. Құмли тупроқларда чирпиidi жуда оз (0,2—0,5%) бўлгавлиги сабабли уларда азот (0,01—0,03%) ва фосфор (0,03—0,05%) ҳам камдир. Бироқ умумий қалий анча кўпроқ (1—2%) учрайди (88-жадвал).

88 - жадвал

Құмли тупроқларда чирниди, азот, фосфор ва
қалий миқдори % ҳисобида

Тупроқ ва жойишага номи	Чукур- лигига, см	Чирни- ди	Азот	Фосфор	Калий
Құмли тупроқ, Қарши чүли (А. Расулов, М. Каримова)	0—7 7—40	0,48 0,24	0,031 0,017	0,030 0,059	1,22 1,25
	40—80 80—95	0,18 0,10	0,011 0,005	0,051 0,029	1,24 0,95

)



52- расм. Күм түпроқ. Қарши чүли.



53- расм. Типик бўз тупроқли зона манзараси. Жанубий Узбекистонинг төг этагидаги адир.

Күмли тупроқларнинг механикавий таркиби ёнгил бўлиб, кум миқдори 72—98%, соз миқдори 1 м чуқурликдаги қатламда 11—28%, пастки қатламда эса 2—3% (89- жадвал).

89 - жадвал

Күмли тупроқларнинг механикавий таркиби

Тупроқ ва жойни нинг номи	Чуқур- лиги, см	Зарралар диаметри (мм хисобида) миқдори %								
		>0,25	0,25— 0,1	0,1— 0,05	0,05— 0,01	0,01— 0,005	0,005— 0,001	<0,001	Физик соз	Физик жум
Күмли тупроқлар. Карши чўли (А. Расулов)	0—7 7—40 40—80 80—95 195—245	0,79 18,40 16,54 27,40 5,70	3,63 26,80 35,34 48,90 83,00	15,78 8,52 9,48 7,06 0,02	51,82 35,34 17,30 3,36 9,14	12,10 2,18 3,74 3,16 0,56	10,96 4,26 7,38 2,44 1,34	4,92 4,50 10,22 7,68 0,32	27,98 10,44 21,34 13,28 2,28	72,02 89,06 78,66 86,72 97,72

Күмли тупроқларнинг ҳажмий оғирлиги қатламлар бўйича унча ўзгармайди (1,4—1,47), фақат 1 м дан пастда бир оз оғирлашади. (1,58—1,59) 90-жадвал. Тупроқнинг солиштирма оғирлиги аксионча юқори қатламда кўпроқ (2,64—2,68), пастки қатламида эса камроқ (2,61—2,62). Тупроқнинг коваклиги юқори қатламларда кўпроқ (45,5—45,9%), пастки қатламларда эса камроқдир (34,3—39,7%).

90 - жадвал

Күмли тупроқларнинг физикавий хоссалари

Тупроқ ва жойни нинг номи	Чуқурлиги, см	Ҳажмий оғирлиги, г/см ³	Солиштирма оғирлиги, г/см ³	Коваклиги, %
Күмли тупроқ, Карши чўли (М. Умаров)	0—7 7—40 40—80 80—95 95—145 145—195	1,44 1,47 1,45 1,58 1,59 1,58	2,64 2,65 2,68 2,62 2,62 2,61	45,5 44,5 45,9 39,7 34,3 39,5

Күмли тупроқлар ўзидан сувни жуда тез ўтказиб юборади. Ўтказилган тажрибалардаги бу тупроқлар 10 соатда 1800 мм сувни ўтказиши апиқланган.

Күмли тупроқларнинг кўпчилик хилларининг юқори 2—3 м қатлами шўрланмаган бўлиб, ундан пастки қатламларда тузлар миқдори кўнаяди, ҳамда тузларнинг умумий миқдори 1—1,5% ва ундан ҳам ошади. Күмли тупроқларнинг проловиал ётиқизиқлар устида пайдо бўлганлари деярли шўрланмагав (91- жадвал).

Қумли тупроқларнинг сувли сўрим таркиби
(% ҳисобида)

Тупроқ ва жойнинг номи	Чукур- лиги. см.	Курук қолдик	Ишқорийлик				Ca ⁺	Mg ⁺	Na ⁺
			Со ⁺	HCO ⁻	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻			
Қумли тупроқ	0—5	0,06	йўқ	0,032	0,004	0,012	0,010	0,003	0,003
Карши чўли	20—30	0,06	«	0,227	0,001	0,015	0,010	0,003	изи
(A. Расулов)	100—110	0,044	«	0,026	0,001	0,001	0,012	0,004	изи
	310—320	1,032	«	0,011	0,017	0,608	0,206	0,017	0,005
	390—400	1,472	«	0,011	0,017	0,843	0,296	0,023	0,014

Қиплоқ хўжалигига фойдаланиш. Қумли тупроқлар сув майданда узоқда бўлганлиги ва ўзидан сувни жуда тез ўтказиб юбориши туфайли бу ерлар деярли сугорилмайди. Бу ерлардан чорвачиликда, айниқса, қўйчиликда яйлов сифатида кенг фойдаланилади. Ҳозирги кунда сизот сувлари юза жойлашган, унча катта бўлмаган майдонларда, траншеяларда чириндили тупроқ ва ўғит солиб сабавот, полиз экиплари ҳамда мевали дараҳтлар экиб фойдаланилади.

Сув етарли шароиттада қумли тупроқларда экиб дехқончилик қилиш мумкин. Яқин келажакда Сибир, Енисей ва Объ дарёларининг суви Ўрта Осиёга келгач, албатта қумли тупроқлардан қиплоқ хўжалигига пахта ва бошқа экиплар экиб фойдаланилади.

Қумли тупроқларнинг унумдорлигиги ошириш учун иҳота дараҳтлари барпо қилиб шамол эрозиясига йўл қўймаслик, ўт-далали алмашилаб экинши жорий қилиш, органик-минерал ва маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланиш зарур.

XXV боб

Бўз тупроқлар

Географик тарқалиши. Совет Иттифокида бўз тупроқли зона тог олди қияликлариши, Тяньшань, Помир-Олон ва Конетдор тизма тоглари ён бағирларининг қуай қисмими ишғол этади.

Бўз тупроқлар Ўрта Осиё республикалари (Ўзбекистон, Туркманистон, Тоҷикистон, Қирғизистон) ҳамда жапубий Қозогистон ва Озарбайжонда 33 мли. га майдонни эгаллаб, СССР териториясининг 1,5% ини ташкил этади.

Иқлими. Бўз тупроқли зонанинг ўртача йиллик температура раси юқори, ёзи иссиқ ва қиши илиқ бўлади. Бир йилда 200—600 мм гача ёғин ёғади. Ёғиннинг кўп қисми қиш-баҳор ойларида

ёгади. Ез билан күз эса жуда қуруқ бўлади. Зонанинг шимолий қисмидаги ўртача йиллик температура $9-11^{\circ}$ бўлади, ёзда эса $23-26^{\circ}$ га етади. Бу ерда йил давомида $150-300$ мм ёғин ёғиб, ёғиннинг кўп қисми асосан совуқ даврларда тушади. Баҳорда май ойи ёнг серёғин ой ҳисобланади. Ёзда камдан-кам ёғади.

Зонанинг марказий қисми (Тошкент ва Самарқанд областлари)да йиллик ўртача температура анча баланд ($+12-13,6^{\circ}$), қишилиқ бўлиб, ёғин эса кўпроқ, бир йилда $250-500$ мм га етади, ёғиннинг асосий қисми март-апрель ойларида тушади.

Зона жанубий қисми (Тожикистон, Туркменистон ва жанубий Узбекистон)нинг иқлими ёнг иссиқ ҳисобланади. Йиллик ўртача температура $+14-15^{\circ}$. Қишилиқ, ёнг совуқ ой — январининг ўртача температураси 0° дан юқори. Йилига $250-600$ мм ёғия тушади. Бўз тупроқли зонанинг чўл билан чегарадош қути қисмининг иқлими анча иссиқ ва қуруқ бўлиб, чўл иқлимига ўхшайди. Зона баландлиги ортиши билан ўртача йиллик температура, айниқса баҳор ва ёз ойи температуралари пасаяди, ёғин эса кўпаяди — зонанинг паст қисмидаги йилига ёғин $150-200$ мм, баланд қисмидаги эса 500 мм ва ҳатто 600 мм гача тушади.

Бўз тупроқли зонада ҳавонинг нисбий намлиги ёзда паст ($20-30\%$) бўлади. Жойининг баландлашиши билан ҳавонинг нисбий намлиги ортади. Суғориладиган воҳаларда иқлим бир оз юмшоқроқ, ҳавонинг нисбий намлиги ёзда 40% ни ташкил этади.

Рельефи. Бўз тупроқлар дебигиз сатҳидан 200 м даи 1400 м гача баландликда бўлган майдонларда тарқалган. Бу зона дебигиз сатҳидан 200 м даи пастдаги чўллар зонаси билан чегараланади. Бўз тупроқли зона мураккаб рельефли. Бу зонанинг кўпчилик қисми лёсс, скелетли мелкозём, чагиртошли ва шагалли пролювиал ва делювиал келтирилмалар билан қопланган тоғ олди қия текисликларда жойлашган. Бўз тупроқларнинг авчагина майдони асосан лёсс билан қопланган, тагида эса қатламли қум — шагал, қумли мелкозём келтирилмалардан ташкил топган юқори дарё террасаларида жойлашган. Мирзачўл, Тяншаннинг гарбий тармоқларини ва Ҳисор тизмаси тоғ олди қияликларидаги катта майдонларни лёссли текисликлар ишғол этган. Тоғларга яқинлашган сари тоғ олди қияликларнинг нишаби орта боради ва текисликлар ўринида дарё водийлари, сойлар, жарлар билан қопланган ўр-қирли ерлар бошланади.

Тупроқ шайдо қиливчи она жинслар. Бўз тупроқларни пайдо қиливчи она жинси асосан лёсс («Соф тупроқ») ва лёссиモン ётқизиқлардан иборат. Буларнинг ҳаммаси делювиал, пролювиал ва аллювиал сув ётқизиқлари ҳисобланади. Тоғ этаги қия текисликларидаги ҳамда қути террасалардаги лёсслар механикавий тарқибига кўра қия текисликларнинг устки қисмидаги, юқори террасалар ва тоғ олди ерлардаги лёссларга қараганда анча енгил бўлади. Ҳавзаларнинг ва қия текисликларнинг лёсса айланган ётқизиқлари кўпинча хрящчи, ўрта террасаларида эса қумли бўлади.


Үсімліктер. Зоналық құйы қисміда қалып бўлиб үсадиган (5–8 см) зич чим ҳосия қыладыган ранг-құнгирбosh көврак, (*Carex Hostii* va *Poa bulbosa*, *Ferula*) үсімліктер формациясыдан ташкил топған. Бу үсімліктер эфемероидлар групласига киради. Вегетация даври қисқа (30–45 күн), сәги қурғоқчылық бошланиши билан қуриб қоладын күп йиллик үсімліктердір. Эфемероидлар билан биргаликта әлемдерлар ҳам бойчечак (*Lagea*), чүчмұма (*Chioleion*), ңұхотак (*Astragalus*), соғон (*Cirrhosohnia*), лола (*Tulipa*), момосирка (Дава), итгұнафша (*Veronica*), лола-қизгалдоқ (*Rapaver*), арпа (*Hordeum*) ва башқалар үсады. Бу үсімліктер күзде ёғиши билан күкариб чиқып, аярелда қуриб қолады ва органик моддаларның аңча қисмін шамол учиреб кетади. Қишлоқ илиқ келгап йилларда, айникса жапубда бу үсімліктер бутун қишлоқтың үз вегетациясыни давом эттирады. Зоналық үрта ва баланд қисміда құнгирбosh үсімліктер билан бир қаторда, ялтирош, қизгалдоқ, герань ва башқа әлемдерлар үсады. Булардан ташқары, улар орасыда қурғоқчылықта чидамли күн йиллик үсімліктер — оққурай (*Psoralla nudipes*), каррак (*Conisine*), ялтирош (*Bromis*) үсады. Зоналық ёғын күпроқ тунаадын қисміда үсімліктер яхши ривожланған. Үтларының бўйи 20–30 см га етади, чим қатлами аңча қалып, әлемдерлар қуриб қолгандан кейин бутун ёз давомида сийрак үсадын күп йиллик үсімліктергина күкариб туради. Зоналық юқори қисміда бүгдойик (*Agropyrum trichophagum*), так-так (*Hordeum bulbosum*) үсады. Бу үсімліктернинг баландлығы — 40–100 см бўлиб, әлемдерлар каби қисқа вақтда қуриб қолади. Улар орасыда әлемдерлардан ялтирош (*Bromis*), қасмалдоқ (*Aegileps*) ва башқалар учрайди. Зоналық шимолий қисміда шувоқ ва эбалак (*Seratocarpus Sp*), құзы қулок (*Phlomis*) дар әлемдерлар билан аралаш үсади (54-расм).



Бўз тупроқлар класификацияси

1881 йилда Н. Тейх Тошкент атрофида текширишлар ўтказиб, бўз тупроқлар тўгерисидаги дастлабки маълумотларни берди. 1882 йилда Фарғона водийсини текширган А. Миддендорф бўз тупроқларни сарық тупроқ деб атади. Кейинги даврларда В. В. Докучаев, Н. М. Сибирцев, К. Д. Глинка, П. С. Коссович, Н. А. Димо, Л. И. Пресолов, А. И. Бессонов, С. С. Неуструев каби олимларниң илмий изланишлари бўз тупроқларниң келиб чиқиши, хоссалари ва башқа хусусиятларини аниқлашда катта роль ўйнади.

Н. А. Димо бўз тупроқларни дастлаб «оч тупроқ» деди, 1908 йилда эса С. С. Неуструев «бўз тупроқлар» дейинши бринчи бўлиб таклиф этди ва бу термин көнг миқёсда қабул этилди. А. Н. Розанов ўзининг күп йиллик илмий текширишлари патижасида бўз тупроқларниң морфологиясини, физикавий, химиявий, минерологик ва башқа хоссаларини ҳар томонлама ўрганиб ўзининг «Урта Осиёнинг бўз тупроқлари» (1951) деган қимматли асарини ёзди.



64- расм. Тропик ўрмоя.

Шу билан бир қаторда Ўрта Осиё олимлари айниқса Ўзбекистон упроқшунослари бўз тупроқларни батағсил ўргалиб, бу тупроқтарнинг қуидаги классификациясини тузишди. Бу классификацияда бўз тупроқлар биологик ва иқлим шароитига кўра иккита упроқ — иқлимий провинциясига (фацияяга):

1. шимолий бўз тупроқлар;
2. жанубий бўз тупроқларга бўлинади. Бу тупроқларниң ҳар ёри ўз навбатида денгиз сатҳидан қандай баландликда жойлашилигига кўра, қуидаги бир қанча типчаларга ҳамда механикавий ёаркиби, шўрланвиши ва эрозияланиш даражаси, сугорилишига тўра қатор турларга бўлинади.

Жанубий бўз тупроқлар:

1. оч тусли бўз тупроқлар (сугориладиган, сугорилмайдиган);
2. типик ёки оддий бўз тупроқлар (сугориладиган, сугорилмайдиган);
3. тўқ тусли бўз тупроқлар (сугориладиган, сугорилмайдиган).

Шимолий бўз тупроқлар:

1. оч тусли бўз тупроқлар (сугориладиган, сугорилмайдиган);
2. типик бўз тупроқлар (сугориладиган, сугорилмайдиган).

Жанубий бўз тупроқлар

Оч тусли бўз тупроқлар. Бу тупроқлар бўз тупроқли зонанинг ўлга ёндош қисмида, денгиз сатҳидан 300—600 м баландликда арқалган. Оч тусли бўз тупроқлар Қоратов төғ тизмасининг этак-

ларида ва унинг қуби ён бағирларидан, Сирдарёниң чап соҳилида, Арис станицасидан гарброқда, Фарғона водийини ўраб турган тоғости қияликларда ва адирларда, Нурота, Зарафшон, Ҳисор төртималарининг қия текисликларида, унча баланд бўлмаган төр олди қиялик ва адирларда, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Вахш дарёларининг юқори террасаларида энг кўп тарқалган. Сўнгра бундай тупроқлар Копетдог төр қияликлари ва ён бағирларининг қуби қисмларида ҳамда Қизилқумдаги қадимги қолдик — төр тизмаларида ҳам учрайди.

Мирзачўлдаги ҳамда Қашқадарё, Сурхондарё, Вахш дарёларининг юқори террасаларидаги бўз тупроқлар лёсс ва лёсси мон қумоқ устида пайдо бўлган. Тошли жинслардан ташкил топган төр олди қия текисликлардаги бўз тупроқлар (Гарбий Фарғона, Қоратов төр этаклари, Нурота, Зарафшон, Қўҳитантог, Боботог ва бошқа жойларда) хришчили, чағиртош — мелкоземли келтирилмалар ва шағаллар устида пайдо бўлган, уларнинг устини юпқа қалинликдаги скелетли қумлоқ ва соз қоплаб ётади.

Ниҳоят, адир ва чўллардаги паст тоғларда бўз тупроқлар тошли ва чағир тошли ётқизиқларда ҳамда турли петрографик таркибга эга бўлгац қаттиқ тоши жинслари эллювийисида вужудга келган. Лёсс ҳамда хришчили — мелкоземли делювий ва пролювий ётқизиқлари устидаги бўз тупроқлар дехқончилик учун энг қимматли қисобланади.

Оч тусли, бўз тупроқли районларнинг иклими иссиқ ва қуруқ бўлади. Бир йилда 200—300 мм ёғин ёғади. Ёғиннинг кўпи қиши — баҳор ойларига тўғри келади. Қор узоқ ётмайди. Тупроқ температурасининг суткалик ўзгариши 40—60 см чуқурликда бўлади. Кечаси ҳаво совиганда ер юзасидан 15—40 см чуқурликда температура энг юқори бўлади. Бунинг натижасида кундузи шу қатламда хаводан ҳамда тупроқнинг устки горизонтларидан кириб келган буглар куюқлашиб сув томчисига айланади. Ҳишда тупроқ бутунлай музламайди ёки музлаганда ҳам 10—15 см қалинликда, қисқа вақт давом этади. Ёзда тупроқ бети кундузи 65° гача қизииди. 100 см дан чуқурроқда тупроқ температураси 25°га тенгdir.

Қип ҳамда баҳор ойларида нам кўп бўлиб, ёз ва куз ойларида тупроқ қуриб кетиши сабабли бу зонада биологик процесслар дашг зонасидағига қараганда бошқача кечади. Бу тупроқларга хос бўлган раинг, қўнгирбош сингари эфемер ўсимликлар эрта баҳордан кўкара бошлаб, май ойига борганда мева қиласиди. Ёзда тупроқ қургоқчилиги бошланаб, температура кўтарилиши билан тупроқда биологик процесслар деярли тўхтайди. Кузда биринчи ёмғир ёғиши билан эфемерлар яча тезда кўкариб чиқади.

Морфологик тузилиши. Оч тусли бўз тупроқларнинг устки қисмидан майданда илдизчалар билан қопланган 3—5 см қалинликдаги чимга эга сарғиш раингли горизонт A_1 бор. Бу горизонтнинг устки қисми тангасимон структурали, қуби қисми эса сувга чидамсиз увоқли структурага эгадир. Ундан пастда ўсимлик илдизчалари камроқ бўлган очроқ раингдаги чим ости горизонт A_2 бўй

либ, қалинлиги 8—10 см. Бу горизонт сувга чидамсиз увоқли структурага әга.

Қалинлиги 10—12 см бўлгап В горизонти янада очроқ тусда бўлиб, бир оз қўнгир, у қадар зич эмас. Карбонатли бирикмалар, ахён-ахёда қурт-қумурсқаларнинг ини учрайди.

B₂ горизонти карбонатли, сарғиш тусда бўлиб, бир оз кул ранг жилвалидир, бирмунча зич, увда могор, примазка (доғ) ва конкремциялар шаклидаги карбонатлар кўп. Қурт-қумурсқаларнинг ини ва йўллари кўп учрайди. Бу горизонтиниң қалинлиги 20 см атрофида.

C горизонти сарғиш, юмшоқ, говак, майда тешикли, устки қисмида карбонатлар, пастки қисмида 50—80 см дан бошлаб эса гипс додлари учрайди.

Шўрхоксимон оч тусли бўз тупроқларда ўсимликлар сийрак, асосан шўралар (*Holohares hispida* ва бошқалар) ўсади, гипсли горизонти анча юзада (40—60 см). Кристалик майда гипс билан бирга сувда эрийдиган тузлар, асосан Na_2SO_4 , оқ доғлар шаклида бўлади. Кучли шўрхок тупроқлар айрмаларида тузлар В горизонтда пайдо бўлади ва ёзда тупроқ юзасига чиқиб қолади. Бир оз шўрхоксимон ёки кучли шўрхоксимон тупроқларда тузли горизонтлар иккинчи ярим метрда, баъзан эса ундан ҳам пастда бўлади.

Шўртобли оч тусли бўз тупроқларда ўсимликлар сийрак ўсади, кўчинча улардаги қатқалоқ қаттиқ бўлмай, кенг ёриқларга ажралган. Бундай тупроқларнинг муҳим хусусияти шуки, улар жуда зич, кўпинча ёрилиб-ёрилиб кетган, ўтқир қиррали гўрачали ёки палахсали, камдан-кам эса устуносимон бўлакларга ажралган қўнгир тусли В горизонтга әга. Шўртобли горизонтдан пастда таркибида сувда эрийдиган тузлар кўп бўлган гипсли горизонт ётади. Бу тупроқларда коллоидлар миқдори 9—16 % га етади.

Шўртобли оч тусли бўз тупроқларнинг В горизонти механикаий таркибининг кўпинча соз бўлиши, ишқорий муҳитда дастлабки минералларнинг тез парчаланиши ва осонлик билан натрийга тўйинган коллоидларнинг ёгин суви билан ювилиб тушшинининг оқибатидир.

Оч тусли бўз тупроқларнинг ўзига хос хусусиятлари шуки, таркибида чиринди кам, лекин чўл тупроқларига қараганда, чимли горизонтда чиринди кўпроқ бўлади.

Чимли қатламдаги чиринди 1,7—2 % га етади. Пастга томон чиринди миқдори кескин камаяди. Оч тусли бўз тупроқларнинг 12—15 см қалинлиқдаги А горизонтида 1—1,5 %, баъзан 2 % чиринди бор. Қумоқ тупроқларда чиринди кўпроқ, қумли ва скелетли (чагиртошли, хрящчли) тупроқларда чиринди камроқ. Чириндили қатлам қалинлиги 30 см дан 70—80 см га етади (92-жадвал).

Палмикор деҳқончилик қилинадиган оч тусли бўз тупроқли ерларнинг ҳайдалма қатламида чиринди кам бўлиб, атиги 0,7—1 % га етади. Чириндининг кам бўлишига сабаб — тупроқда айниқса унинг устки қатламларида ўсимлик қолдиқлари кам тўплана-

**Оч тусли бўз тупроқлардаги чиринди, азот, фосфор ва калий миқдори
% ҳисобнда**

Тупроқ ва жойнинг номи	Чукур- лиги, см	Чиринди	Ялпи азот	Ялпи фосфор	Ялпи калий
Оч тусли бўз тупроқ . . .	0—10	1,12	0,07	0,13	1,38
Карши чўли	10—31	0,51	0,04	0,12	1,34
(А. Расулов, М. Муратов 1964 й.)	31—70	0,24	0,02	0,11	1,23
	70—110	0,16	0,02	0,13	0,26
Оч тусли бўз тупроқ . . .	0—5	2,28	0,18	0,15	1,60
Карши чўли	5—28	0,61	0,05	0,13	1,84
(А. Расулов, М. Муратов 1964 й.)	28—52	0,30	0,03	0,13	1,76
	52—105	0,28	0,02	0,14	1,87

ниши ва тупроққа ишлов берилганда ундаги чириндини микроблар тез парчалаб юборишидир.

Оч тусли бўз тупроқларнинг А қатламидаги азот пастга томон кескин камаяди. Фосфор 0,11%—0,24% гача бўлади. Фосфорли ўғитларни, азотли ўғитлар билан аралаштириб солиш тупроқ унумдорлигини кескин оширади.

Бу тупроқларда калийнинг умумий запаси кўп (1—1,87%) бўлиб, улар ўсимликлар томонидан учча ўзлаштирилмайдиган силикат ва алюмосиликатлар таркибида учрайди. Калий карбонат тузлари эса сульфатлар ва бозқалар билан биргана осон ўзлаштириладиган шакиларга ўтади. Калийнинг ўсимликлар ўзлаштириши учун қулай бўлган бир қисми сингдирувчи комплексда бўлади. Калийнинг ўсимликлар ўзлаштира оладиган табиий запаси юқори ҳосил олиш учун етарли эмас, шунинг учун пахта айниқса, беда, картошка, тамаки ва сабзавотлар экиладиган ерларга калийни ўғитлар солиш катта фойда беради.

Оч тусли бўз тупроқларда карбонатларнинг кўплиги уларнинг яна бир ўзига хос хусусиятидир. Бу тупроқларда карбонатлар устки горизонтлардан пастга сезилилар даражада силжиб тушади ва могор, примазка ҳамда конкремциялар шаклида учрайди. Устки қисимида карбонатларнинг умумий миқдори 9—10%, пастга томон кўпая бориб 13—15%га етади. Бу тупроқларда карбонатларнинг кўплигига сабаб, тупроқ пайдо қилувчи жинсларнинг серкарбонатлигидир. Оч тусли бўз тупроқлар шўрланмаси даражасига қараб, шўрланмаган ва турли даражада шўрланган бўлиши мумкин.

Қўриқ ерларда шўрхоксимон тупроқлар мезорельефли баландликларда, кучли шўрхоксимон ва шўрхок тупроқлар эса текисликлардаги ерларда жойлашган. Шўрланиш даражаси тупроқларнинг она жинсига ва сизот сувларининг таркиби ва жойлашишига боғлиқ.

Оч тусли бўз тупроқнинг сувли сўрим таркиби ва карбонатлар, гипс минераллари (% яхисобидаги)

Тупроқ ва жойнинг номи	Чукур- личи. см.	Курук- кодлик	Ишкорийлик				Ca ²⁺	Mg ²⁺	Na ⁺	Карбонат- тарбати CO ₃ (рипс)	CaSO ₄ ·2H ₂ O (рипс)
			CO ₂	HCO ₃ ⁻	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻					
Оч тусли бўз	0—5	0,090	йўқ	0,032	0,007	0,006	0,014	0,001	0,001	9,9	0,123
тупроқ,	5—38	0,088	«	0,052	0,024	0,004	0,008	0,002	0,014	9,6	0,074
Карни чўли	33—60	0,710	«	0,026	0,122	0,302	0,097	0,099	0,040	13,2	0,719
(A. Расулов 1964 и.)	60—100	1,515	«	0,042	0,140	0,858	0,292	0,029	0,115	12,6	0,719
	100—150	2,120	«	0,039	0,385	0,952	0,307	0,407	0,267	11,45	6,09
	150—200	1,730	«	0,039	0,262	0,874	0,268	0,041	0,206	13,30	5,99
	200—250	1,550	«	0,039	0,254	0,687	0,224	0,035	0,173	14,0	6,60

Үтмиш даврдан бошлаб ёғингарчиликлар таъсирида бу тупроқларнинг юқори горизонтларида тузлар пастки қатламларига ювилиб кетган. Шунинг учун ҳам кўцинча шўрланган қатлам 30—60 см дан бошланади (93-жадвал).

Сингдириш сигими кичик, 100 г тупроқда, яъни 8—10 ме экв га тенг. Тупроқда карбонат кўплиги туфайли сингдирилган катионлар таркибида кальций қўнчилукни ташкил этади. Сингдирилган кальций шўрланмаган оч тусли бўз тупроқнинг устки горизонтлари 80% дан ортиқ, магний эса 10—17% га тенг. Пастга томон сингдирилгац қальций миқдори 50% га камаяди, аксинча, магний кўпайиб 46% га этади. Сингдирилган кальций миқдори кўпинча пастга томон камаяди, сингдирилган магний эса аксинча пастга томон кўпая боради (94-жадвал).

94 - жадвал

Оч тусли бўз тупроқларда сингдириувчи асослар таркиби
(% ҳисобида)

Тупроқ ва ижоининг номи	Чуқурлиғи, см	Ca	Mg	K	Na	Сингдирилган катионлар лигиндиси
Оч тусли бўз тупроқ,	0—5	0,198	0,029	0,027	0,001	0,255
	5—20	0,157	0,020	0,016	0,003	0,196
Карши чўли (A. Расулов, 1964 й.)	20—55	0,129	0,052	0,015	0,002	0,198
	55—80	0,094	0,064	0,007	0,003	0,168

Оч тусли бўз тупроқлар кучсиз ишқорий реакцияга эга ($\text{pH} = 8-8,5$) ва кислотали моддалар таъсирига буферлик қобилияти юқори бўлиб, ишқорий моддалар таъсирига эса чидамсиздир. Чириндиси камлити, серкарбонат, шунингдек чаңгли зарраларнинг кўпроқ бўлиши сабабли тупроқларнинг физикавий хоссалари ҳам ўзига хос белгига этадир.

Оч тусли бўз тупроқлар механикавий таркибига кўра жуда хилма-хил қумлоқли ва қумли тупроқлардан тортиб, созли тупроқ турларигача учрайди (95-жадвал). Йёсс ҳамда хрящчи — қумоқ делювий ва пролювий устида пайдо бўлган қумоқ тупроқ хили энг кўп учрайди.

Бундай тупроқларда диаметри 0,5 мм дан йирик бўлган сувга чидамли структурали бўлакчалар кўп эмас. Катталиги 0,5—0,25 мм бўлган майда агрегатлар 10—16% ва ундан ҳам кўп. Сугорилмасдан экин экиладиган лалмикор ерлар тупроғининг структураси яна ҳам ёмон.

Бу тупроқларнинг структура бўлакчалари сувга чидамли эмас, лекин яхши микроструктурали тупроқ ҳисобланади, чунки лойқали ва майда чаңгли зарраларнинг анча қисми структура агрегатларини ҳосил қиласди. Тупроқда бу агрегатларнинг умумий

Оч тусли бўз тупроқнинг механикавий таркиби
 (Карши чўли, А. Расулов)

Чукӯрлиги, см	Зарралар диаметри мм, миқдори % хисобида						
	0,25	0,25— 0,05	0,05— 0,01	0,01— 0,005	0,005— 0,001	0,001 дон чилик	0,01 дон чилик
0—8	1,3	19,8	57,4	5,7	8,4	7,4	21,5
8—15	1,0	14,6	52,1	6,9	8,6	9,8	25,3
15—35	0,4	14,4	59,8	7,5	9,0	8,9	25,4
35—59	0,3	12,6	62,7	7,5	7,5	9,4	24,4
59—145	0,5	11,4	65,0	8,3	5,8	9,0	23,1
145—215	0,6	16,5	63,0	7,1	5,2	7,6	19,9

миқдори 5% дан 10% га, յрунта әса 25% га етади. Лёссада пайдо бўлгани тупроқларда йирик чанг ва микроагрегатларнинг кўплиги тифайли тупроқ серковак, ҳаво ва сувни яхши ўтказади (96-жадвал).

Оч тусли бўз тупроқнинг асосий физикавий хоссалари
 (Карши чўли, М. Умаров, 1963 й.)

Чукӯрлиги, см	Ҳажмий огирлиги, г/см ³	Солиентирма огирлиги, г/см ³	Коваклиги, %	Гигроскопиялигиги, %
0—8	1,12	2,66	57,5	3,38
8—15	1,25	2,73	54,2	3,17
15—35	1,25	2,74	54,4	2,81
35—59	1,21	2,72	55,5	2,74
59—145	1,27	2,73	53,5	3,16

Оч тусли бўз тупроқларда чиринди кам бўлганлигидан уларнинг солиентирма оғирлиги катта—2,75. Устки горизонтларининг ҳажмий оғирлиги (1,12), қуйи горизонтларнига қараганда анча катта (1,27). Коваклиги (53,5—57,5%) айниҳа устки горизонтларнда катта (57,5%) ҳайдалгандан ҳажмий оғирлиги камаяди (96-жадвал), лекин ҳайдалма қатлам тагидаги горизонтнинг зичлашиб қолини орқасида пастга томон бу оғирлик кўпичча кўпая боради (97-жадвал).

64 тусли бұз тупроқнинг кічік нам сиғимі ва аэрациясы
(Карши чүли, М. Умаров, 1964 ж.)

Чукурлігі, см	Кічік нам сиғими, %			Хажмігі нисбатан аэрациясы, %
	Отирилікка нисбатан	Хажмігі нисбатан	Гектарға м³ хисобда	
0—10	23,6	27,1	271	29,7
10—20	20,0	25,0	250	29,3
20—30	20,0	25,0	250	29,4
30—40	20,0	24,6	246	30,4
40—50	21,3	25,8	258	29,7

Қақыр бұз тупроқлар¹ тақирлар ва тақирли тупроқлар тарқалған чүл зонасының бұз тупроқлар зонаси билан чегарадош бўлған ерларнда учрайди. Бу тупроқлар Копетдөй төгостиң қия текисликларининг юқори қисміда Ҳисор төр тизмасының гарбий тармоқлари этакларнда ва Сирдарёның иккінчи террасасыда учрайди. Тупроқ пайдо құлувчи жиынслар одатта шағал ва хрящ құмокли ётқизилмалардан изборат. Бу тупроқлар тарқалған территорияда, ғрунт сувларининг оқиб чиқиб кетиши сабабли ҳозирги вақтда шұрлағыш учун шароит йўқ. Атрофдаги тоғлардан келтирилмалар билан биргаликда келған тұз тупроқ тағидаги ғрунтларда учрайди (98-жадвал).

Қақыр оч тусли бұз тупроқ сувларының таркиби, % ҳисобда

Тупроқ ва жойның номи	Чукур- лігі, см	Күрүк- қолдық	Ионорийлік				Ca ⁺⁺	Mg ⁺⁺	Na ⁺
			CO ₃ ²⁻	HCO ₃ ⁻	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻			
Қақыр оч тусли бұз тупроқ,	0—6	0,064	йўқ	0,036	0,007	0,004	0,017	0,002	0,001
	6—15	0,068	«	0,036	0,007	0,011	0,007	0,003	0,010
Карши чү- ли (А. Ра- сулов, 1963 йил)	15—28	0,200	«	0,036	0,035	0,49	0,006	0,005	0,043
	32—80	0,510	«	0,015	0,084	0,095	0,008	0,004	0,085
	80—120	0,414	«	0,015	0,064	0,83	0,009	0,008	0,074
	160—200	1,300	«	0,012	0,187	0,794	0,233	0,028	0,184
	200—300	2,514	«	0,012	0,444	1,100	0,295	0,049	0,388

¹ Пролювиаль ётқизіктер тарқалған жойларда пайдо бўлған ва механикалық таркибидан тош шағаллар кўп бўлған бұз тупроқларнинг бир түри. Бу тупроқлар ёғингарчилик ва сугорилғандан кейин тез қуриб (қақраб) қолади.

Қақир бўз тупроқли ерлар кўпинча баланд бўйли ўсимликлар билан қопланган бўлади. Бундай тупроқли ерларда ўсимликлар ўса бошлаган дастлабки пайтларда лишайник, сув ўтлари орасида эфемерлар пайдо бўлаб, улар ер бетини анчагина қалин ўт қоплами ва сийракроқ чим ҳосил қиливчи шувоқ ўсади. Қақирнинг ўсимликлар билан қопланиш даражасига қараб, унда ҳар йили турли миқдорда оргавик модда тўпланади. Қақир бўз тупроқ бетида одатда унча қаттиқ бўлмаган қатқалоқ бўлади. Қатқалоқнинг қалинлиги 2—6 см. Ундан пастда эса оч қўнгир тусли, зичроқ, увоқ-палахсали қатлам бор. Карбонатли яралмалар бўлмайди ёки улар оқиши дөғлар шаклида учрайди. Шўрхоксимон қақир тупроқда увоқ палахсали қатлам ундан пастда, гипс ҳамда сувда арийдиган тузлар оқ дөглар ва томирчалар шаклида учрайди. Тупроқнинг умумий қалинлиги 30—60 см. А горизонтидаги чиринди 0,6—1% га етади (99-жадвал). Шу билан биргаликда қақир бўз тупроқларда биологик йўл билан кул элементлари анчагина тўпланади.

99-жадвал

Қақир бўз тупроқларда чиринди, азот, фосфор ва калий миқдори, % ҳисобида

Тупроқ ва жойиниг номи	Чукурлиги, см	Чиринди	Ялови азот	Ялови фосфор	Ялови калий
Қақир оч тусли	0—6	1—12	0,07	0,13	1,13
бўз тупроқ,	6—10	0,75	0,04	0,12	1,34
Қарни чўли (А. Рисулов, 1963 й.)	30—50	0,60	0,02	0,11	1,23

Хлоридлар тез ювилиб кетганлигидан сульфат-хлоридли шўрланиш ўрнига тупроқ хлорид-сульфат типда шўрланади. Қақирсимон бўз тупроқларниш сингдириш сигими катта (100 г тупроқда 7—10 мг экв). Қақир бўз тупроқларнинг сув-ҳаво хоссалари оч тусли бўз тупроқларниш сув-ҳаво хоссаларига яқиндир.

Гипели оч тусли бўз тупроқлар. Гипели оч тусли бўз тупроқлар Узбекистон, Тоҷикистон, Туркменистон, Қозогистон ва Қирғизистондаги тоз олди қияликларда қум-тош, қум, соя ва қумлоқдан иборат ҳар хил механикавий таркибдаги пролювиал ётқизиқлар устида кенг тарқалгандир. Ундан ташқари қолдиқ баланд текисликларда қадимий учламчи даврлардан қолган механикавий таркиби асосан оғир бўлган эллювий ётқизиқларда ҳам кенг тарқалгандир.

Гипсли оч тусли бўз тупроқлар тарқалган майдоннинг рельефи нишаблик ҳамда баланд-настликлар дав иборат. Сизот сувлари чуқурда жойлашгап бўлиб, тупроқ пайдо бўлиш процессида иштирок этмайди, уларнинг таркибида туз унча кўп эмас. Аммо эллювий ётқизиқлардан пайдо бўлган оч тусли бўз тупроқлар тарқалган майдон сизот сувининг таркибида туз кўп.

Гипсли оч тусли бўз тупроқларда чиринди, фосфор, азот жуда кам миқдорда (100-жадвал) учрайди.

100 - жадвал

Гипсли оч тусли бўз тупроқда чиринди, азот, фосфор ва калий

миқдори (% ҳисобида)

(А. Расулов ва М. Каримова)

Чуқурлиги, см	Чиринди	Ялпи ааст	Ялпи фосфор	Ялпи калий	C : N
0—5	0,77	0,050	0,117	2,66	8,9
5—33	0,29	0,023	0,084	4,00	7,7
33—60	0,12	0,018	0,086	2,08	7,0
60—100	0,13	0,006	0,053	1,60	12,0

Бу тупроқнинг юқори горизонт тузлари пастки қатламларга ювилаб тушганлиги сабабли кўпчилик ҳолларда шўрланмаган бўлади. Пастки қатламларда туз миқдори кўпчилик ҳолларда 1—2% атрофига бўлади.

Карбонатлар миқдори 7—13% бўлиб, кўпинча 0,5—2,5 м қатлам орасида жойлашган бўлади. Бу тупроқда гипс бошқа хил оч тусли бўз тупроқларга нисбатан авча кўп, унинг миқдори баъзан 20—25% ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин (101-жадвал).

101 - жадвал

Гипсли оч тусли бўз тупроқларнинг химиявий таркиби % ҳисобида

(Қарши чўли, А. Расулов)

Чуқурлиги, см	Курук колдик	Ишқорибаги			SO ₄ ²⁻	Ca ⁺⁺	Mg ⁺⁺	Na ⁺	Карбонатлардаги CO ₃ ²⁻	Гипс (CaSO ₄ · 2H ₂ O)
		CO ₃ ²⁻	HCO ₃ ⁻	Cl ⁻						
0—8	0,092	йўқ	0,032	0,007	0,002	0,010	0,001	0,004	9,69	0,061
8—62	0,106	«	0,038	0,007	0,005	0,010	0,001	0,008	9,65	0,002
62—105	0,410	«	0,019	0,070	0,171	0,037	0,012	0,030	13,24	0,252
105—145	1,315	«	0,015	0,052	0,769	0,288	0,015	0,048	12,63	24,651
145—230	1,315	«	0,012	0,052	0,765	0,288	0,012	0,051	11,45	19,402
230—360	1,459	«	0,015	0,122	0,786	0,249	0,035	0,109	7,41	3,758
360—400	1,459	«	0,015	0,096	0,325	0,149	0,020	0,000	8,08	0,827
400—550	0,720	«	0,024	0,096	0,775	0,219	0,035	0,125	7,86	3,703
550—700	1,380	«	0,015	0,087	0,775	0,219	0,035	0,125	7,86	3,703
700—750	1,380	«	0,015	0,087	0,775	0,219	0,035	0,125	7,86	3,703

Жадвалдан күриниб турабдик тупроқнинг 0,5—1 м ли қатлами деярли шўрланмаган. Тузларнинг энг кўп миқдори 0,5—1 м дан пастки қатламларда тарқалган. Улар ичидаги CaSO₄ тузи жуда кўп.

Бу тупроқнинг деярли кўпчилиги шўртобланмаган. Сингдирилган катионлар ичидаги Na кам миқдорда учрайди (102-жадвал).

102 - жадвал

Гипсли оч тусли бўз тупроқларнинг химиявий таркиби (% ҳисобида)
(Нурота водийси, И. Бобохўжаев, 1959 й.)

Чункурги- лиги, см	Қуруқ қолдик	Ишқорийлик			SO ₄ ²⁻	Ca ⁺⁺	Mg ⁺⁺	Na ⁺	Карбо- натлар- даги CO ₂	Гипо- (CaSO ₄ · · 2H ₂ O)
		CO ₃ ²⁻	HCO ₃ ⁻	Cl ⁻						
0—16	0,085	йўқ	0,039	0,004	0,037	0,020	0,004	0,004	2,81	0,708
20—30	0,080	«	0,041	0,006	0,028	0,016	0,004	0,005	7,20	0,777
40—50	0,610	«	0,029	0,004	0,369	0,140	0,007	0,017	15,80	1,916
60—70	1,120	«	0,026	0,005	0,769	0,318	0,005	0,003	4,39	41,393
90—120	1,089	«	0,020	0,003	0,757	0,314	0,005	0,002	11,50	36,441
0—6	0,045	йўқ	0,037	0,002	0,007	0,010	0,004	0,004	2,99	аниқ- лаш- маган
20—30	0,054	«	0,041	0,002	0,010	0,012	0,004	0,003	5,97	0,12
50—60	0,070	«	0,032	0,012	0,017	0,012	0,003	0,005	6,15	0,166
70—80	1,212	«	0,012	0,031	0,719	0,272	0,024	0,056	5,36	19,823
100—110	1,110	«	0,012	0,021	0,753	0,282	0,014	0,031	0,88	36,43
130—150	1,090	«	0,010	0,021	0,737	0,286	0,010	0,028	йўқ	35,90

103 - жадвал

Гипсли оч тусли бўз тупроқларда сингдирилган асослар таркиби
(Нурота водийси И. Бобохўжаев, 1959 й.)

Чуқурлиги, см	100 г тупроқда мг/экв ҳисобида					Жамига нисбатан % ҳисобида				
	Ca	Mg	K	Na	жами	Ca	Mg	K	Na	
0—16	9,78	0,59	0,35	0,15	10,87	89,96	5,42	3,21	1,41	
20—30	8,65	0,41	0,43	0,18	9,67	89,45	4,23	4,45	1,87	
40—50	7,68	0,49	0,40	0,22	8,69	87,22	5,63	4,00	2,55	
60—70	9,83	1,97	0,45	0,30	12,55	78,32	15,69	3,61	2,38	
90—120	9,12	1,81	0,56	0,25	11,74	77,68	15,36	4,85	2,11	

Тупроқнинг механикавий таркиби ҳар хил, юқори горизонт нгил-қумлоқ, пастки горизонтлар эса оғир механикавий таркибга та (105-жадвал).

104 - жадвал

**Гипсли оч тусли бўз тупроқларда сингдирилган катионлар миқдори
(процент ҳисобида) (Кора-қир массиви, А. Расулов)**

Чуқурлуги, см	Ca	Mg	K	Na	Жами сингдирилган катионларга нисбатан Na миқдори
0—8	0,139	0,004	0,025	0,003	1,4
8—62	0,096	0,005	0,026	0,005	3,5
62—105	0,058	0,017	0,9	0,001	0,9

105 - жадвал

Гипсли оч тусли бўз тупроқнинг механикавий таркиби

Чуқурлуги, см	Зарралар диаметри (мм). миқдори, процент ҳисобида							
	>0,25	0,25— 0,2	0,1— 0,05	0,05— 0,01	0,01— 0,005	0,005— 0,001	<0,001	«Физик соғ» <0,01
0—8	3,11	7,76	14,37	50,68	8,16	8,74	7,18	24,08
8—62	4,20	9,42	10,72	50,26	8,58	7,58	9,24	25,40
62—105	11,66	20,47	11,65	22,24	9,80	8,52	15,66	33,98
360—400	1,87	3,58	10,47	10,62	10,04	19,82	23,66	53,52
700—750	0,19	0,63	6,56	25,86	16,50	24,46	25,80	66,76

Бу тупроқлар тарқалган ерларни экин экиш учун ўзлаштириш қўйин. Фақат рельефи текис бўлган ерларга наосслар ёрдамида сув чиқариб сугориш мумкин. Ҳозирги кунда улардан яйлов сифатида фойдаланилмоқда.

Келгусида бу ерларни ўзлаштириб сугориш учун сизот сувларнинг кўтарилишига йўл қўймаслик, бунинг учун зовурлар қазиш, ерга албатта органик ва минерал ўғитлар солиш, шамол ва сув эрозиясининг олдини олиш ҳамда алмашлаб экинни жорий қилиш каби қатор агромелиоратив тадбирларни амалга оширилса, бу тупроқларга экин экиб, улардан юқори ҳосил етиштириш мумкин бўлади.

Сугориладиган оч тусли бўз тупроқлар. Оч тусли бўз тупроқлар Ўрта Осиёнинг текислик қисмида 3 мли. гектарга яқин майдонни эгаллайди. Шундап қарийб 30% и сув манбалари яқинида жойлашган бўлиб, у ерда сугориб дехқончилик қилинади. Сугориладиган оч тусли бўз тупроқлар Мирзачўлининг шарқий қисмида, Фарғона водийсининг төғ ости қияликларида ҳамда водийвинг гарбий ва марказий қисмидаги юқори террасаларда, Зарафшон

дарёсининг ўрта қисмида, Қашқадарё водийсида, Сурхондарё ва
Ваш дарёларининг қуйи қисмларида тарқалган. Бундай тупроқ-
лар Копетдог олди қиялигининг ўрта қисмида, кичик массивлар-
да учрайди. Юқори терраса ва қияликлардаги сугориладиган бу
тупроқларнинг кўпчилик қисми лёсс устида пайдо бўлган.

Ҳавзаларниң юқори қисмларида тупроқ пайдо қилувчи жинс-
лар асосан хрящчли қумоқ ва соазлардан ташкил топган. Улар-
ниң тагида 0,5—2—3 м чуқурликда шағал ётади. Қайир усти
террасаларида сугориладиган бўз тупроқлар ва бўз-ўтлоқи туп-
роқлар аллювий жинслар устида пайдо бўлади. Тупроқ қатлами
тузилишининг ҳамда тупроқ хоссаларининг ўзгаришига қараб
(булар асосан яқин ёки узоқ вақтдан бери сугорилаётганига боғлиқ
бўлади) янгида сугорилаётган бўз тупроқларга ва қадимдан су-
ториб келинаётган бўз тупроқларга ажратилади.

Янгида сугорилаётган оч тусли бўз тупроқларда чимли қат-
лам бўлмайди. Ишлов бериш натижасида қалиплиги 20—30 см
бўлган ҳайдалма қатлам ҳосил бўлади. Бу қатлам структураси
чангли бўлиб, унда увоқ ва палахсалар учрайди. Булар қуруқ
ҳолида мустаҳкам, намланганда уваланиб кетади. Бу қатламнинг
механикавий таркиби ётқизиқларниң таркибига қараганда оғир.
Структурасиз чангсимон зарралар сугорилгандан кейин кўпинча
палахсалар ҳосил қилган қатқалоқ вужудга келади. Янгида
сугорилиб келинаётган бу тупроқларда агроригијацион келтирил-
малар¹ ҳам етарли дарајкада тўпланмаган. Ҳайдалма ости қатла-
ми сарриш кул ранг бўлиб, зичлаяган ва структурасизdir. Ундан
пастда сарғиш рангли бир оз зичлашган қатлам бўлади. Бу қат-
ламда қурт-қумурсқа йўллари ва ҳамда гипсли майда кристаллар
конкрекциялар тарзидаги карбонатли янги яралмалар учрайди.
Дагал келтирилмалар (шагал, чағиртош) ва қатламли аллювий уст-
тида пайдо бўлган сугориладиган бўз тупроқларниң карбонатли
қатлами очиқ кўринмаслиги гипс ҳамда сувда эрийдиган тузлар-
ниң бўлмаслиги билан характерланади. Шўртобли қатлам тагида
яққол кўриниб турган гипсли қатлам бор. Сугориладиган оч тусли
бўз тупроқлар биологияси сугорилмайдиган бўз тупроқлардан ани-
ча фарқ қиласди. Буларда табиий ўсимликлар ўрнини маданий
ўсимликлар әгаллаган. Рўза ғалла экинлари, илдинмевали ва бош-
қа экинлар табиий ўсимликларга қараганда тупроқдан кўпроқ
озиқ моддаларни олиб, сувни кўп талаб қиласди. Рўза вормал ҳо-
сил бериши учун ердан 200 кг ча азот, кўп миқдорда фосфор,
калий ва бошқа моддаларни ўзлаштиради. Булардан тапиқари, су-
гориш тупроқнинг намлии режимини яхшилаш билан бирга уп-
даги биологик процессларни кучайтиради. Масалан, қўриқ ергаги
ўсимлик қодниклари тупроқда етарли нац бўлгани баҳор пайтида-
гина чирийди, ёзда эса микроблар фаолияти тўхтайди. Сугорила-
диган жойларда эса микроблар бутун вегетация даври давомида

¹ Агроригијацион келтирилма — сугориш натижасида лой-
ка зарралар тўпланышидан ҳосил бўлган қатлам.

актив ҳаёт кечиради. Ҳайдаладиган ғовак қатламда микроблар фаолияти айниңса актив бўлади.

«Микробиологик процесслар тез кечиши натижасида ҳар йили тўпланадиган ўсимлик қолдиқларигина эмас, балки илгари тўпланган чиривди моддалар ҳам парчаланади. Шунинг учун 2—3 йил дехқончилик қилингандан кейин тупроқнинг устки қатламларида чиринди, азот, фосфор, калий ва бошқа кул элементлари камайиб кетади. Шу билан бирга сугориладиган ерларда азот тўповчи микроблар фаолияти кучайиб, тупроқда азот запасини қисман кўпайтиради.

Тутунак бактериялар фаолияти ҳисобига тупроқда азот миқдори ортади. Фосфорли ва калийли ўритларнинг ерга солиниши эса ҳайдалма қатламда бу моддалар запасини кўпайтиради.

Юқоридаги маълумотлар янгида сугорилаётган бўз тупроқли ерларда қўриқ ердаги бўз тупроқларга қараганда чиринди билан азотнинг ачагина кам экавлигини кўрсатади. Қўриқ очилиб гўза экилса, З йилдан кейин чиривди миқдори қарийб икки марта камаяди. Лекин ундан кейинги йилларда тупроқнинг устки қатламларида чиринди запаси бир меъёра бўлиб туради, пастки қатламларда чиринди запаси бир меъёра бўлиб туради. Бедапояда ҳайдалма қатлам чиривди миқдори уч йилда 0,3—0,5% га ошади. Бедапоя бузилиб гўза экила бошлаганда чиринди миқдори камайиб (уч-тўрт йил муттасил гўза экилганидан кейин) бедапояда тўпланган чиринди олдинги ҳолатига қадарли минераллашади.

Шунинг учун ҳам сугориладиган майдонларда ўт далали алмашлаб экишни доимий равишда амалга ошириш керак.

Яқиндан бери сугорилаётган оч тусли бўз тупроқларда коллоид-лойқали зарраларнинг миқдори ва уларнинг қатлам бўйлаб тақсимланишида, шунингдек, сингдириш сифими ва таркибида қўриқ ердаги тупроқларникига нисбатан унчалик катта ўзгаришлар юз бермайди. Сингдириш сифимининг 85—90 процентини кальций, қолган қисмини эса магний ва калий ташкил қиласади. Яхши текис майдонлардаги шўрхоксимон оч тусли бўз тупроқлар тўғри сугорилганда одатда — тозда шўрсизлапади, сурғориш и от ўри ва каналлардан сувнинг жуда кўп фильтрланишига йўл қўйишида мелкозём-групти ва унча кия бўлмаган текисликларнинг оч тусли бўз тупроқлари қайта шўрланиши мумкин.

Мирзачўл ерлари сугорилмасдан олдин ҳам турли даражада шўрланган сизот суви 10—20 м чукурлика бўлиб, она жинси лёсдан таркиб топган, баландроқ қисми шўрланмаган оч тусли бўз тупроқлардан иборат эди. Грунтнинг чукур горизонтларигина шўрланган эди. Мирзачўлнинг лёсс ётқизиқларида и ташкил топган террасасининг кенг депрессиялари шўрхоксимон оч тусли бўз тупроқлар билан қопланган ва грунтнинг чукур қатламларида ачагина туз запаси бор эди. Еттисой, Арнасой, Сардоба ва Шўрўзак депрессиялари сугоришдан олдин 2—5 м чукурликда кучли минераллашган сизот суви бўлган ва кучли шўрхоксимон ва шўрхокли

оч тусли бўз тупроқлар, бўз-ўтлоғи тупроқлар ва шўрхоклар билан бағд әди. Мирзачўлининг жанубий чеккасида ва Туркистон тог тиамаси қияликларида тупроқлар кучли шўрланган бўлиб, бу ердаги сизот сув ҳам юзада, ҳам кучли минераллашган эди. Сирдарёнинг иккичи ва биринчи қайир усти террасаларининг ҳар ер-ҳар ерида камроқ шўрланган тупроқлар учарди.

Мирзачўл текислиги 1912 йилдан сугорила бошланди. Нотўғри сугориш натижасида сизот сувлари кескин кўтарилиб, тупроқ қайта шўрланди. Мирзачўлининг турли қисмларида шўрланнипроцесси турлича бўлди.

Чукур депрессиялар (Шўрўзак ва Сардоба депрессиялари) айниқса тез ва кучли шўрлана бошлади. Бир-икки йил сугориши давомида бу ердаги тупроқларнинг кўпчилик қисми шўрхока айланаб, натижада ишдан чиқиб қолди. Иккинчи террасадаги тупроқлар у қадар кучли шўрланмади, бу эса у ердаги аллювиал келтирилмалардан сизот сувларнинг яхши оқиб чиқиб кетиши ҳамда уларнинг дастлабки минераллашишининг уча кучли бўлмаганилиги натижасидир.

Лёсс текислигидаги баландроқ ва жар ёқаларидағи ерлар кеиничалик камроқ шўрланди. Баъзи жойларда ҳозирга қадарли тупроқлар шўрланмаган.

Одатда қўриқ ерларда тупроқнинг ҳажмий оғирлиги сугориладиган ерларнинг нисбатан кичикроқ, коваклиги эса ортиқроқ бўлади. Сугориладиган ерларда тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 1,35—1,38 атрофида бўлиб, пастга томон орта бориб, 1,46—1,52 га етади. Ҳайдалма тог қатламлари зичлашган бўлади. Устки қатламнинг коваклиги 48—50% атрофида, пастга томон у камайиб 43—46% га тушади. Беда экилган ернинг ҳажмий оғирлиги кўпдан бери гўза экиб келинаётган ерларнинг қараганда кичикроқ, коваклиги эса бирмунча катта бўлади, пастга томон ҳажмий оғирлиги орта боради.

Бу тупроқларнинг сув ўтказувчанилиги янча юқори. Механикавий таркиби енгилроқ, қўриқ ер тупроқларининг сув ўтказувчанилити сугориладиган ерлар тупрогиникига нисбатан 3—4 марта ортиқроқдир.

Қадимдан сугорилиб келинаётган оч тусли бўз тупроқлар Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё ва Вахш водийларининг ўрта террасаларида ва қияликларида кенг тарқалган. Булар кўпроқ лёсса айланган аллювийда ёки лёсслар устида ривожланган. Қадимдан сугорилиб келинаётган оч тусли бўз тупроқларнинг тузилиши, химиевий таркиби ва хоссалари янгидан сугорилаётган ерлардан фарқ қиласди.

Ерлар узоқ вақтдан берি, баъзи бир воҳаларда эса бир нечаминг йиллар давомида сугорилиши натижасида далаларга сугориши вақтида оқиб келган лойқаларнинг чўкишидан тупроқ массаси ўса боради. Ҳар йили далаларга кўплаб солинадиган ариқ лойқаси, девор тупрги ва йўл чангига агротехнологияни қатламларининг пайдо бўлишида катта роль ўйнайди.

Ирригацион көлтирилмалар, ерни ишлаш натижасида тупроқ-шынг устки қатлами билан аралашади. Булар тупроқ пайдо бўлиши процесси таъсирида шаклини ўзгартади ҳамда 1—2 м ва ундан ҳам қалин бўлган ўзига хос қатламини ҳосил қиласди. Агроригацион қатламнинг қалинлиги сугориш тарихига, сувнинг лойқалигига, ҳамда девор тупроғи, йўл чанги ва бошқа моддаларнинг таркибига боғлиқдир.

Қадимдан сугорилиб келипаётган оч тусли бўз тупроқ қатламларининг табақаланиши аниқ кўзга ташланмайди. Қалинлиги 20—30 см бўлган ҳайдалма қатлам малла (сарғиши) кул ранг бўлиб, увоқча—чангли структурага эга. Ҳайдалма таг қатлам ҳам худди юқоридаги қатлам рангида ёки бир оз очроқ, кўпинча зичланган ва структурасиз бўлиб,чувалчанг инлари учча қўи зиас. Унинг тагида оч қўнгир-кул рангдаги бир хил жинесдан тузилган көлтирилма ётади. У товак қовушмали, чидамсиз структуралари ҳамда чувалчанг инлари кўпdir. Бу қатламда баъзи карбонат мөгори ва доғлари учрайди. Агроригацион ранги ва қовушмаси, шунингдек археологик қўшилмасига қараб, тагидаги грунтдан фарқ қиласди. Тупроқ тагидаги ова жинис (кўпинча лёсс) сарғиши малла рангда бўлиб, товак қовушмалидир. Унда карбонат тугунчалари (конкремциялари) чувалчанг инлари кўп. Агроригацион көлтирилмаларнинг кул ранг бўлиши улардаги чиринди миқдорига ҳамда ўтлоқи тупроққа айланиш процессига боғлиқ.

Агроригацион көлтирилмаларнинг механикавий таркиби одатда сугориш шохобчаларининг этакларида сезиларли даражада оғирлашади. Шу билан бирга сувлар билан далага олиб келинадиган ҳамда ҳар йили ариқлар тозаланганда атрофга чиқариб ташланадиган ирригацион көлтирилмаларнинг узоқ вақт давомида тўплапиши натижасида рельеф ўзгаради.)

Қадимги сугорилиб келинаётган оч тусли бўз тупроқлар чириндили қатламишининг қалинлиги ва карбонатларининг қатлам бўйлаб бир текисда тақсимланиши билан фарқ қиласди. Беда чиринди ва азот миқдорига катта таъсир кўрсатади. Чунончи, кўпдан бери пахта экилиб келинаётган жойнинг устки қатламида чиринди миқдори 1,32% бўлган. Беда экилиши натижасида чиринди миқдори пахта экилган майдондагига қараганда иккинчи йили 0—15 см ли қатламда 28%, 15—30 см ли қатламда 21%, 30—45 см ли қатламда эса 14% кўшайган. Азот запаси кўпдан бери пахта экиб келинаётган ердагига нисбатан юқоридаги қатламларда 6,6; 3,3; 14,3% кўшайган. Уч йиллик бедапояда тупроқнинг устки қисмида чиринди запаси 33%, азот эса 14% кўшайган.

Кучли шўрланган оч тусли бўз тупроқларда шўрланмаган тупроқлардагига қараганда чиринди қарийб 25% кам, ҳайдалма қатламда сувга чидамли структура бўлаклари тўрт марта кам.

Қадимдан сугорилиб келинаётган оч тусли бўз тупроқларда Фосфор кам — 0,10—0,14%. Бу тупроқлар серкарбонат ҳамда ишқорий реакцияга эга бўлганидан, уларда ҳаракатчан фосфор би-

рикмалари кўп эмас — умумий фосфор миқдорининг атиги 1—2% ига тенг.

Қадимдан сугорилиб келинаётган шўрланган оч тусли бўз тупроқларнинг шўрини кетказиш учун ери текислаш, сугориш ишларини тўғри ташкил этиш, тупроқларни ювиш, зовурлар қазиш, алмашлаб экишини тўғри жорий қилиш, далаларда иҳота дарахтзорлар барно этиш лозим. Ана шу комплекс тадбирлар амалга оширилса, шўрланиш хавфининг олди олиниади ва тупроқ унумдорлиги кескин ошади.

ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР

Географик тарқалиши

Типик бўз тупроқлар бўз тупроқли зонанинг ўрта қисмини эгаллаб, дengiz сатҳидан 400—500 м дан 600—800 м гача баландликда учрайди. Типик бўз тупроқлар төғ остидаги текисликларнинг ўрта ва юқори қисмларида, дарё водийларининг юқори ва ўрта террасаларида, қисман адирларда ва паст төғ олдиларда тарқалган.

Бундай тупроқлар Арис, Келес, Чирчик ва Оҳангарон дарёларининг юқори террасаларида ва улар атрофидаги төғ олдиларида энг кўп майдонни эгаллаган. Шунингдек, Фаргона водийси атрофидаги төғ олди қияликлари ва адирларда, Зарағашон төғ олди қияликлари ва юқори террасаларида, Китоб — Шаҳрисабз төғ ораглигига, Сурхондарё, Коғирниҳон, Вахш, Қизилсув водийларидаги юқори террасаларда ҳамда уларга туташган төғ ости қияликларида, жанубий Туркманистондаги Копетдогнинг төғ ости қияликларида, кенг тарқалган. Типик бўз тупроқли ерлар кўпчилик қисмипинг она жинси лёсдан иборат. Төғ ости ва адирларда типик бўз тупроқлар она жинси скелет-мелкозёмли, чағиртошли ва шагалли пролювий, делювий ва аллювийлардир.

Иқлими. Типик бўз тупроқлар тарқалган районларнинг иқлими оч тусли бўз тупроқлар иқлимига нисбатан анча юмшоқ ва серёгин бўлади. Йиллик ўртacha температура +13,5—12°. Бир йилда 300—500 мм ёғин ёғади. Қиши унча совуқ эмас, сервам. Баҳор илиқ ва серёгин келади, ёзи эса иссиқ ҳамда узоқ вақт қурғоқчил бўлади. Ёғин асосан қиши ва баҳор ойларида ёғади.

Ўсимликлари. Типик бўз тупроқларда, оч тусли бўз тупроқларда сингари, эфемер ўсимликлари ўсади. Бироқ бу ерда ёғин кўпроқ бўлиб, қатлам анча чуқур намланганлигидан ва ёзги қурғоқчилик давр кечроқ бошланганлигидан эфемер ўсимликларнинг турлари кўпроқ. Қўнгирбошдан ташқари ялтиробш, (Broneus), арпа (hordeum) нинг ҳар хил турлари, узоқ вақт ўсиб турадиган кўп йиллик ўтлар — оққурай (Psoralea digrascea), қўзиқулоқ (Pholus), наррак (Causinia) ва бошқалар ўсади. Ўсимликлар қалин чим ҳосил қиласиди. Типик бўз тупроқлар серкарбонат тупроқлар жумласига киради. Бу эса тупроқ пайдо қилувчи жинсларнинг дастлаб серкарбонат бўлган

яғында иқлимининг қуруқлигига бөллиқ. Лекин ёғиян күпроқ ёғиб тупроққа нам чуқурроқ шимилганидан типик бўз тупроқларниң устки қисмидаги карбонатлар оч тусли бўз тупроқлардагига ишебатан бир оз кам ва карбонатли горизонтлар чуқурроқда ётади. Гипсли қатлам ҳам бирмунча чуқурда ($130-150\text{ см}$) жойлашган.

Типик бўз тупроқлар одатда шўрланмаган бўлади. Улар тарқалган қияликларниң юқори қисмлари, террасалар ва тоғ этакларининг нишаби күпроқ бўлганлигидан, тоғлардан сув билан оқиб келадиган тузлар оч тусли бўз тупроқли қия текисликларда тўпланаради. Тишик бўз тупроқларниң грунтида тузалар кам бўлиб, улар жуда чуқурда ётади. Бу тузлар асосан гипс ҳамда бир оз миқдорда натрий сульфатдан иборат. Ана шунга кўра, типик бўз тупроқларда шўртбланиш ва тақирига айланиш ҳодисаси деярли рўй бермайди.

Морфологик тузилиши, химиявий ва физикавий ҳоссалари

Типик бўз тупроқлар генетик горизонтиниң яхши кўриниб туриши, чиринди қатламишининг бир оз қалинлиги ($12-15\text{ см}$) ва оч кўнғир рангда бўлиши билан оч тусли бўз тупроқдан фарқ қиласади. Типик бўз тупроқ юқориги — A горизонтиниң қалинлиги $4-6\text{ см}$ бўлиб, эфемер ўсимликларининг илдизи кўп миқдорда тўйингав, тангасимон структурага эга. Чимли қатламдан пастдағи горизонт оч кул ранг, қалинлиги $8-9\text{ см}$, бир оз зичлапган бўлади. Бу горизонт сувга чидамли увоқ структурага эга. Ўндан пастда қалинлиги $40-60\text{ см}$, оч кул ранг (кўпинча малла рангли) В горизонти ётади — унда могол дөглар учрайди.

Ўндан пастда ўтувчи B_2 , горизонт $40-50\text{ см}$ қалинликда бўлиб, карбонат тугучалари кўпроқ миқдорда учрайди. Ўндан ҳам қастда тупроқ она жинси — малла рангли лёссдан иборат C қатлам ётади.

Химиявий таркиби. Типик бўз тупроқларда чиринди миқдори $2,5-3\%$ атрофига ($106-$ жадвал).

106 - жадвал

Типик бўз тупроқлар таркибидаги чиринди, азот, фосфор ва қалий миқдори (%) ҳисобида)
(А. Расулов)

Чуқурлиғи, см	Чиринди	Яланчи азот	Яланчи фосфор	Яланчи қалий	C : N
0—5	2,88	0,194	0,170	2,46	8,6
5—10	1,63	0,116	0,151	2,36	8,1
20—30	0,50	0,055	0,120	2,86	5,8
50—60	0,26	0,047	0,086	2,09	3,2

Типик бўз тупроқларда чиринди, азот, фосфор ва калий миқдори оч тусли бўз тупроққа қараганда кўпроқ бўлади. Пастки қатламларда чиринди ва озиқ моддалар ниҳоятда кам.

Типик бўз тупроқларнинг 2—3 м қалинигдаги қатлами таркибида сувда осон эрийдиган тузлар жуда кам бўлиб, бу тупроқларнинг кўпчилик майдонлари шўрлапмаган бўлади.

Типик бўз тупроқларнинг устки қатламида сингдириш сиғими кўпроқ (100 г тупроқда 14,06 мг/эке) пастки қатламларда камроқ (8—9 мг/эке).

Сингдирувчи комплексида кальций катиони жуда кўп (68—84%), магний камроқ (11—21%), калий кам (4—10%), натрий эса жуда кам (1—2%) (107-жадвал).

107 - жадвал

Типик бўз тупроқлардаги сингдирилган асослар таркиби
(М. Баҳодировдан)

Чукур-лиги, см	100 грамм тупроққа иш- батэн м/эке ҳисобида				Сингди- риш си- ғими ҳи- собида	Сингдирилган катионлар (сингдирилган сиғимга нисбатан, % ҳисобида)			
	Ca	Mg	K	Na		Ca	Mg	K	Na
0—3	11,85	1,47	0,62	0,12	14,06	84	11	4	1
5—15	7,05	1,42	0,56	0,11	9,14	77	16	6	1
20—30	6,54	1,71	0,86	0,14	9,25	71	19	9	1
50—60	5,67	1,71	0,89	0,10	9,37	68	21	10	1
80—90	4,22	3,25	0,34	0,12	7,93	53	21	4	2

Механикавий таркиби. Типик бўз тупроқларнинг кўпчилиги механикавий таркибига кўра йирик чангли қумоқ бўлади. Бўз тупроқларнинг соз, қумоқ, қумлоқ ва цум таркибли хиллари ҳам учрайди. Бундан ташқари, бўз тупроқнинг ҳамма генетик горизонтлари механикавий таркибига кўра бир-бирига деярли ўхшаш. Типик бўз тупроқларнинг солиштирма оғирлиги бир оз катта (2,72—2,74), ҳажмий оғирлиги эса кичикроқ (1,17—1,22) (108-жадвал).

108 - жадвал

Тупроқнинг асосий физикавий хоссалари

Чукур-лиги, см	Солиштирма оғирлиги, г/см	Ҳажмий оғирлиги, г/см	Ковак- лиги, %	Максимал гигроско- пиклиги, %	Сўзини коэффи- циенти, %	Сув ўтказув- чанилиги, см
0—3	2,72	1,17	57	5,20	9,71	1,3
5—15	2,72	1,22	55	5,06	10,6	
20—30	2,74	1,20	56	4,62	8,9	
50—60	2,73	1,21	56	5,08		

Типик бўз тупроқларнинг коваклиги оч туслига нисбатан кўпроқ, 55—57% атрофида.

Дастлабки майда микроагрегатлар макроагрегатларга бирлашган. Типик бўз тупроқларда бу агрегатлар тупроқнинг ўзида 40—50% бўлиб, тупроқ тагида эса анча кам, яъни 20—30%.

Тупроқ қатлами бўйича асосий химиявий бирикмалар бир хилда тақсимлангав (109- жадвал). Устки горизонтларда уч валентли элемент оксидларининг бир оз кўп бўлиши тупроқнинг созга айланаш процесси билан боғлиқдир.

109 - жадвал

Типик бўз тупроқнинг ялни химиявий таркиби, % ҳисобида
(Б. В. Горбунов)

Чунур- лий. см	Чи- ринди	Химия- вий би- рикман сув	CO ₂	SiO ₂	Fe ₂ O ₃	Al ₂ O ₃	SO ₄	CaO	MgO	K ₂ O	Na ₂ O
0—14	1,24	4,30	7,22	68,80	6,39	15,27	0,05	1,81	3,25	2,79	2,73
20—30	0,50	4,08	9,35	69,53	6,70	14,20	0,07	2,37	3,47	2,29	2,81
75—85	0,31	4,26	9,42	68,33	5,84	14,83	0,08	3,08	3,26	2,25	2,59

Тупроқ пайдо бўлиш процессида бирламчи минераллар парчаланиб, иккиласми минераллар пайдо бўлади. Иқлимининг қуруқ ва тупроқда карбонатларнинг кўплигидан қатламларда моддалар се-зиларли даражада қайтадан тақсимланмайди. Тупроқ устки қатламларида чиринди, азот ва кул (калий, фосфор бундан мустасно-дир) биологик йўл билан тўпланади. Типик бўз тупроқларда минерал моддалар таркибидаги сувда эрийдиган тузлар ювилиб кетади ва карбонатлар қисман пастга силжийди.

Бу тупроқларда С:N нисбати жуда катта (8,7—5,6), лекин оч тусли бўз тупроқлардагига қараганда кичикроқ. Бу эса чириндида азотнинг ва микроб таначаларини ташкил қилган протеинларнинг кўп учраши натижасидир. Типик бўз тупроқ чириндиси таркибидаги гемицеллюзоза ва клетчатка жуда кам, протеинлар 40—50%, лигнин-чириндили моддалар эса 20—36% га етади. Типик бўз тупроқ чириндисида 20% ча гумин кислота, 23—31% фульвокислота, 5—7% битум ва 30% дан ортиқ ишқорда эримайдиган модда (гуминлар)лар борлиги аниқланган. Типик бўз тупроқлар таркибидаги азот шаклларини текшириш, сульфат кислотада осон гидролизланадиган азот бирикмаларининг алча кўп эканлигини кўрсатади.

Типик бўз тупроқларда карбонатлар кўп. Тупроқнинг устки қисми карбонатларидаги CO₂ 7—8% атрофида, пастга томон кўпая бориб 9—10% га етади. Карбонатлар таркибидаги CaCO₃ энг кўп учраб, карбонатлар умумий миқдорининг 70—95% ига тенг. MgCO₃ камроқ.

Типик бўз тупроқларда сингдирилган кальций миқдори астасекин пастки қатламларига тушган сайн камая боради, магний ёса, аксинча, орта боради. Она жиссада магнийнинг кўп бўлиши она жисс эритмаларида кальцийга нисбатан магнийнинг осовроқ эриши туфайли бўлади.

Тупроқ қатламларида кальцийнинг тўпланиши ва магнийнинг камайиши тупроқ пайдо бўлиш ҳамда биологик процесслар тараққиёти билав боғлиқ. Бўз тупроқли ерларда ўсадиган эфемер ўсимликлар кулида кальцийнинг кўп бўлиши ҳам характерлидир.

Сугориладиган типик бўз тупроқлар

Сугориладиган типик бўз тупроқлар Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Сурхондарё областларида, Ҳисор водийсида Тожикистоннинг гарби-жапубий қисмидаги дарё водийларида, Зарабшон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Кофирниҳон дарёларининг юқори террасаларида ҳамда тоғ ости қияликларида ва Фаргона водийси шарқий қисмининг тоғ олди қияликларида кенг майдонни әгаллаган.

Янгидан сугорилаётган типик бўз тупроқли ерлар агроригациион келтирилмаларнинг деярли йўқлиги, ҳайдалма қатламда чириндининг камлиги, карбонатли ва гипсли қатламларнинг чукурда жойлашганилиги билан фарқ қиласди.

Қадимдан сугорилиб келинаётган типик бўз тупроқли ерларда қаливлиги 50 см дан 100—150 см гача бўлган агроригациион қатлам бўлади.

Бу қатлам оч қул ранг бўлиб, пастга томон малла ёки оч қўпир равгга ўтиб боради. Бу қатлам анча зичлашган бўлиб, механикавий таркиби оғир, чидамсиз увоқ структурали, унда чувалчанг инлари кўп, сопол ва археологик қўшилмалар ҳам учрайди. Бу қатламда карбонат кўпинча йўқ ёки фақаттана карбонат дөр (сохта мицелий)лар учраши мумкин. Бу қатламдан пастда сарғиш рагли лёсс ётади, унда карбонатли тутунчалар ва ер қазувчи жояноворларнинг йўллари ҳамда инлари учрайди.

Сугориш натижасида ўзгарган рельеф шароитига кўра тупроқ унумдорлиги турлича бўлади. Унумдорликнинг ана шундай хилма-хиллигини йўқотиш мақсадида ҳар бир жойнинг шароитига қараб агротехникадан фойдаланиш, карталарни текислаш зарур. Сугориладиган типик бўз тупроқларнинг устки қатламида қўриқ ерлардагига қараганда, чиринди камроқ, чириндили қатлам эса қалинроқ бўлади (110- жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, сугоришнинг дастлабки 15—20 ийли давомида (тупроқ қатламларида устки горизонтларда айниқса) чиринди миқдори кескин камаяди. Янгидан сугорилаётган ерларга ўғит солиш натижасида ярим, бир метрли қатламда азот, айниқса фосфор миқдори анча кўпайди.

110-жадвал

Химиявий таркиби, (%) ҳисобида)

Тупроқ ва жойнинг номи, сугорилиши муддати	Чуқурлиги, см	Чиринди	Ялпи азот	Ялпи фосфор
Қадимдан сугориладиган тирик бўз тупроқ (М. А. Орлов)	0—10 20—30 60—75 135—150	1,55 1,72 1,33 0,64	— — — —	— — — —
100 йилдан ортиқ вақтдан бўён сугориластгани тирик бўз тупроқ (С. П. Сучков, Янгийўл)	0—28 28—40 40—50 0—50 50—60 90—10 0—100 0—23 23—36 40—50 0—50 50—60 60—70 70—80 80—90 90—100	1,587 1,291 0,963 0,820 0,615 0,512 — 0,873 0,740 0,637 — 0,598 0,513 0,431 0,431 0,430	0,105 0,088 0,058 0,056 0,042 — — 0,072 0,050 0,042 — 0,041 0,034 0,028 0,027 0,027	0,209 0,181 0,182 0,172 0,172 — — 0,118 0,088 0,091 — 0,098 0,093 0,087 0,095 0,117
15—20 йилдан бўён сугорилётган тирик бўз тупроқ (С. П. Сучков, Янгийўл)	50—60 90—10 0—50 50—60 60—70 70—80 80—90 90—100	— — — — — — — —	— — — — — — — —	— — — — — — — —

Ерин узоқ вақт (100 йилдан ортиқ) сугориш натижасида тупроқнинг устки қатламларида чиринди 1,5% га етади.

Сугориладиган тирик бўз тупроқли ерларга муттасил пахта экила берса, тупроқдаги чиринди кескин камайиб кетади ва тупроқнинг структураси бузилиб, унумдорлиги пасаяди. Ўзга беда билан алмашлаб экила, тупроқда чиринди кўпаяди, структураси яхшиланади ва унумдорлиги ошади (111-жадвал).

111-жадвал

Бир метрли тупроқ қатламида чиринди, азот ва фосфор запаси (ц/га ҳисобида)

Фон (муҳит)	Чиринди	Ялпи азот	Ялпи фосфор
Ўрит солмасдан муттасил пахта экилаган ерда	118,9	8,27	21,58
Минерал ўрит солиниб, муттасил пахта экилаган ерда	119,4	8,36	25,3
Гўнг солиниб, муттасил пахта экилаган ерда	168,8	10,76	19,28

Ғўза қатор ораларига сидерат экинлар экиш ёки силос учун маккажӯхори йигиб олингандан кейин, ўрнига дуккакли дон экинлари экиш яхши натижада беради. Бу экинлар тупроқни орга-

ник модда за азотта бойитади ҳамда тупроқ структурасини яхшилайди.

Беда ва сидератлар эким ёки гүнг солиш йўли билан тупроқда органик моддаларнинг тўпланиши тупроқ структурасини яхшилайди. Бу эса унинг сув, ҳаво режимига ижобий таъсири этади ва озиқ моддалар режимининг яхшиланишига ёрдам берадиган микроблар фаолиятини қескин кучайтиради.

Структураси ёмон сугориладиган типик бўз тупроқларнинг унумдорлигини опириш ҳамда структурасини яхшилаш мақсадида тупроққа полимерлар — полиакрилнитрил ва полиакриламиидлар солиш яхши натижка беради. Бундай препаратлардан ҳатто озгира (тектарига 150—300 кг) солингандга ҳам тупроқ структураси анигина (кўпдан бери пахта экиб келинаётган ердагига нисбатан 15—20% кўпроқ) яхшиланаиди; сув ва ҳавони яхши ўтказадиган, қўзилаган қатлам ҳосил бўлади, сув кам буғлашади ва қатқалоқ бўлмайди.

Тупроқ структурасининг яхшиланиши минерал ўғитлардан фойдаланиш самарасини оширади ва шундай қилиб қимматли минерал ўғитларнинг ҳар бир килограми ҳисобига олинадиган ҳосилни ҳам кўпайтиради. Сугориладиган типик бўз тупроқлар қўриқ ердаги тупроқлардан коллоидлар миқдорининг ортиқлиги, сингдириши сифимининг катталиги ҳамда сингдирилган катионлар таркибида кальцийнинг кўплиги билан фарқ қиласи (112-жадвал).

112 - жадвал

Сингдирилган катионлар таркиби (100 г тупроқда
мг/эке ҳисобида С. П. Сучков)

Сугориш муддати	Чукурлиги, см	Сингдирилган катионлар				
		Ca	Mg	K	Na	Жами
Кўриқ ер	0—8	6,19	4,49	0,99	—	11,67
	16—32	6,87	3,41	1,86	—	12,14
20 йилдан бўён сў- горилган ер	35—45	5,21	2,87	1,66	—	9,74
	90—100	5,94	1,23	1,04	—	8,21
100 йилдан кўпроқ вақтдан бўён сугори- лаётган ер	0—23	9,51	4,67	0,13	0,22	14,53
	23—36	8,09	2,15	0,09	0,17	10,50
	40—50	9,27	2,16	0,05	0,25	11,73
	90—100	9,75	1,36	0,04	0,44	11,59
	0—25	17,47	5,10	0,33	0,20	20,38
	25—50	13,56	3,23	0,23	0,23	17,15
	50—60	11,08	6,82	0,08	0,27	18,30
	90—100	10,94	6,26	0,08	0,17	17,4

Ерга ишлов бериш тупроқ қовушмасига катта таъсири кўрсатади. Қадимдан сугорилиб келипаётган ерларни доимий равишда юза ҳайдалганда плуг ости зич қатлам ҳосил бўлади. Бу қатлам-

ланади. Ләйс, ләссимон жинслар устида вужудга келгән түк тусли бұз тупроқлар профилининг согза айланишини анық иғодаланғанлиги билан фарқланади. Бу эса нураш ва тупроқ пайдо бўлиши процесслари натижасида минерал массасиңг шиддатлироқ парчаланиши оқибатидир. Энг кўп даражада согза айланши *B* горизонтнинг юқори қисмидаги кузатилади. Тупроқ қатламларидаги 0,01 мм дан кичик зарралар миқдори тупроқ она жинсига қарангандаги кўпроқдир. Микроагрегатлар анализи шундай кўрсатадики, лойқали фракциянинг қарийб 75% и агрегатларга айланган. Ҳатто майда чанг ҳам агрегатлашган. 114 жадвалда келтирилган химиявий анализларнинг кўрсатишича, юқори қатламларда биологик йўл билан анчагина кремнезём тўпланган. Пастга томон темир ювилиб тушган, алюминий эса ҳамма қатламда деярли бир текисда тақсимланган.

114 - жадвал

Түк тусли бўз тупроқларда чиринди, азот ва карбонатлар миқдори (% ҳисобида)

Тупроқ ва жойнинг номи	Чукур- лиги, см	Чириёди	Яланн азот	C : N	Карбонат- лардаги CO ₂
Түк тусли бўз тупроқ, Чотқол төғ тизмаси этак- лари (З. Н. Антошина)	0—10 20—30 40—50 80—90	3,00 1,86 0,55 0,38	0,27 0,10 0,06 0,05	6,5 6,1 5,3 4,14	7,07 11,44 13,22 13,29
Түк тусли бўз тупроқ, Фаргона төғ тизмаси этаклари (А. Н. Розанов)	0—10 22—27 50—60 110—120	4,60 2,52 0,67 1,50	0,390 0,193 — —	6,8 7,0 — —	4,36 5,99 7,49 14,52

Юқори қатламларнинг сингдириш сиғими катта бўлиб (100 з тупроқда 13—18 мг/екв), пастга томон у аста-секии камая боради. Сингдирилган кальций миқдори ҳам камая бориб, магний эса ортади. Сингдирилган калийнинг асосий қисми юқори қатламларда, умумий сиғимига нисбатан 4—5% ни ташкил этади (115- жадвал).

Түк тусли бўз тупроқлар структурасининг яхшироқ бўлиши билан оч тусли ва типик бўз тупроқлардан фарқ қиласди.

1 мм дан катта макроагрегатлар 45—55% ни ташкил қиласди. Түк тусли бўз тупроқли ерларда дедқончилик маданияти паст бўлган шароитда лалми эквилиар эквилса, у вақтда тупроқ структурасини йўқотиб чангга айланади ва сув ўтказувчалиги ёмонлашади. Түк тусли бўз тупроқларнинг солиштирма оғирлиги бутун профилида анчагина катта ($2,68-2,77 \text{ г}/\text{см}^3$). Ҳажмий оғирлиги юқори қисмидаги унча катта эмас ($1,26 \text{ г}/\text{см}^3$), пастга томон

Түқ тусли бўз тупроқларда сингдирилган катионлар таркиби

Тупроқ ва жойнинг номи	Чуңур- лиси, (см)	Сингдирил- ган катион- лар	Жамага чисбатан, % ҳисобида			
			Ca	Mg	K	Na
Түқ тусли бўз туп- роқ	0—9	12,40	89	6	4	7
	20—30	10,64	81	16	2	1
Туркестон төр тиа- маси этаклари (Б. В. Горбунов)	120—130	9,57	52	44	1	3
Түқ тусли бўз туп- роқ, Фарғона төр тиа- маси этаклари (А. Н. Розапов)	0—10	18,36	84,8		6,6	5,2
	22—27	15,03	86,1		8,7	4,5
	50—60	10,16	86,3		8,2	4,8

кескин ортиб боради (1,45), тупроқларниң ковалиги устки қисмида юқори бўлиб (57—60%), пастга томон (53% дан 48,6% гача) камая боради.

Максимал гигроскопиклик 6—7%, сўлиш коэффициенти эса 10—11% атрофида. Сув ўтказувчанилиги яхши (минутига 2 мм). Пластилиник юқори чегараси 30—31%, қуий чегараси 19—20%, пластилиник сони 10—12%, оқувчанлик чегараси 26—28%.

Келтирилган маълумотлар түқ тусли бўз тупроқларни озиқ моддаларга бой ва физикавий хоссалари яхши тупроқлар деб ҳи-
соблашга асос бўлади.

Сугориладиган түқ тусли бўз тупроқлар

/ Сугориладиган түқ тусли бўз тупроқларниң майдони унча катта эмас, лекин кейинги йилларда янги ирригация иштоотла-
ри қурилиши муносабати билан анча кенгаймокда. Сугориш таъ-
сирида түқ тусли бўз тупроқлар типик бўз тупроқ каби қўриқ ҳо-
латдаги бўз тупроқларга хос бўлган — генетик қатламларга ажра-
лиш хусусиятини аста-секин йўқотади. Юқори қатламларининг
ранги оч тусга айланади, табиий структураси йўқолади, карбонат-
ли қатлам анча чуқурлашади ва узоқ вақт давомида сугориладиган
түқ тусли бўз тупроқларда чирини миқдори кескин камайиб,
1,5—2% га тушиб қолади.

Рельефи нотекис ерларда сугориш натижасида юқори қатлам-
ларни сув ювиб кетганлигидан ён бағирлардаги түқ тусли бўз туп-
роқларда чирини билан азот кескин камаяди.

Сугориш таъсирида тупроқниң структураси бузилади ва сув ўтказувчанилиги кескин пасаяди. Беда экилганда типик ва айниқ-
са, оч тусли бўз тупроқлардагига қараганда түқ тусли бўз тупроқ-
ларниң структураси теэрқ тиклалади. Сугориладиган шароит-
даги түқ тусли бўз тупроқлар ҳам органик моддаларга ва струк-

туранни тиклашга муҳтоҷдир. Азотли ва айниқса, фосфорли минерал ўғитлар солиши натижасида донли ва техникавий әкинларниң ҳосили кескин ошади.

Шимолий бўз тупроқлар

Табиий шароити. Шимолий оч тусли ва типик бўз тупроқлар зонанинг шимолий қисмидаги Қоратов, Қирғиз Олатови ва Чу Или төгларининг шимолий ён бағирларида ҳамда Чу дарёси ва ирмоқларининг юқори террасаларида тарқалган. Сўнгра бу тупроқлар Терск Олатови тоғ ости қияликларидан бошланиб, то Хитой Халқ Республикаси чегарасигача кенг миңтақа бўйлаб тарқалади. Шимолий бўз тупроқлар деңгиз сатҳидан 100—400 м баландликда жойлашиб, Шимолий Қозогистон билан Турон ёки Урта Осиё вилоятлари чегарасида ётади.

Шимолий бўз тупроқларни пайдо қилувчи жинслар пролювийдан иборат бўлиб, механикавий таркиби шагал-хрящчли, чагиртош-мелкозёмли, қияликларнинг қуий қисмida ва дарё юқори террасаларида эса лёссимон жинслар ва ниҳоят, хилма-хил механикавий таркибли аллювиаллардир. Бу тупроқлар тарқалган ерларда сизот сув сатҳи чуқурда жойлашиб, қияликларният ҳамда ҳавзаларниң чеккаларида ер юзига яқинлашади.

Иқлими. Йиллик ўртача температура унча юқори эмас, +7,5—10,8° атрофида. Ёзи қисқа, у қадар иссиқ эмас, июлнинг ўртача температураси +20—25°.

Қиши анча совуқ ва узоқ давом ётади. Январнинг ўртача температураси +2,5—6°, йилига 330—400 мм ёғин ёғади. Ёгиннинг 15—25% и қишка, 35—45% и баҳорда, 20—30% и ёзда ва 11—12% и кузда ёғади. Қишка ҳаво совуқ келганидан тупроқ анча вақтгача музлаб ётади.

Ўсимликлари. Баҳор бирмунча қуруқ ҳамда совуқ бўлганидан вегетация даври кеч бошланади. Шунинг учун Турон вилоятларидаги бўз тупроқларга хос бўлган шувоқ, изен ва бошқа буталар, камдан-кам ҳолда эфемерлар ўсади. Ўсимликлари сийрак, чими яхши нифодаланмаган ва ҳар йили тўпланадиган ўсимлик қолдиқлари ҳам унча кўп эмас, шунинг учун шимолий бўз тупроқларда жанубий бўз тупроқлардагига висбатан чирипди анча кам ва чирипдили қатлам юпқа. Шимолий бўз тупроқларнинг ўзига хос хусусияти, уларда карбопатларнинг кам бўлиши ва қатлам бўйлаб бир текис тақсимланмаганлигидир. Бу тупроқларнинг кўпчилиги шўрланмаган, лекин ҳозирги вақтда ёки ўтмишда сизот сувлари юэзда бўлган жойларда шўрхоксимон хиллари учрайди.

Морфологияси, химиявий ва физикавий ҳоссалари

Шимолий оч тусли бўз тупроқ қатлами оч кул ранг, ташгачасимон қатламли структурага эга. Лекин A қатламининг қалин эмаслиги, чим билан яхши қопланмаганилиги ва дарз бўлиши билан характерланади.

В қатлами оч сарғиши күл ранг бўлиб, карбонатлар кам, чувалчанг ивлари ҳам кўп эмас. Шимолий оч тусли бўз тупроқлардаги чириндили қатламнинг қалинлиги 30—60 см. С қатлам қўвигир тусда зичлашган ва увоқ-палахсали бўлакларга ажралган. Ундан пастда гипсли қатлаи ётади.

Шимолий типик бўз тупроқлар ўзининг қорамтироқ ранги, чириндили қатламининг қалинлиги (50—70 см) билан шимолий оч туслидан фарқ қиласди. Бу тупроқларнинг карбонатли қатлами яхши ифодаланимаган ва Туров провинциясида тарқалгани типик бўз тупроқларга хос бўлган чувалчанг ивлари ҳам учрамайди.

Қумлоқ хилларида 0,7—0,8% чиринди бор, Азот миқдори 0,1% дан 0,14% гача, С : Н нисбати эса 5—6,5 га тенг, яъни бу тупроқлар чириндисида азот (протеин тиридаги азот) кўп. Жанубий бўз тупроқлардан фарқли ўлароқ, шимолий бўз тупроқларнинг юқори қисмida карбонатлардаги CO₂ атиги 2—3% бўлиб, пастга томон унинг миқдори 7—8% га етади. Бу тупроқларниг қўпчилик қисми шўрланмаган. Ишқорийлиги авча кўпроқ. Сингдириш сифими ва сингдирилган катионлар тарқибига кўра, шимолий оч тусли бўз тупроқлар жанубий оч тусли бўз тупроқларга ўхшайди, лекин К ва Mg ни кўпроқ сингдирганлиги билан фарқланади.

Шўртоб-шўрхоксимон шимолий оч тусли бўз тупроқлар устки қатламларининг юқори даражада ишқорийлиги ва пастки қатламларининг шўрланганлиги билан фарқланади. Шимолий типик бўз тупроқлар жанубий бўз тупроқларга нисбатан чириндига бой, азот кўпроқ (0,19%), карбонатлар эса камроқдир (0,3%). Шимолий типик бўз тупроқларнинг қўпчилик қисми шўрланмаган ва шўртобланмаган.

Сугориладиган шимолий оч тусли бўз тупроқлар Жамбул аттофларида ва Чу водийсида унча катта бўлмаган майдонларни ишғол этади. Буларниг асосий қисми янгидан сугорилаётган ерлар. Сизот сувлари оқиб чиқиб кетмайдиган шароитда бу тупроқлар қайта шўрланаб, шўрхок бўз тупроқлар вужудга келади.

Ўр-қир ерлардаги сугориладиган шимолий типик бўз тупроқларда бўладиган сугориш эрозияси туфайли тупроқ унумдорлиги кескин пасаяди.

Шимолий бўз тупроқлар тарқалгани районларда сув манбалари кўп. Шунинг учун бу зонада келгусида кенг майдонларни сугориш имконияти мавжуд. Сугориш орқали бу ерларда қавд лавлаги, бургой, маккажӯхори экили, ток ва мевали дарахтлар ўтқазиш, шунингдек пахтанинг тезпишшар навлариви экиш мумкин.

XXVI б о б

ГИДРОМОРФ ТУПРОҚЛАР

(Гидроморф тупроқлар ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи ва ботқоқ тупроқ ҳамда шўрхоклардан иборат.) Гидроморф тупроқларда атмосфера ёринидан ташқари юза жойлашган сизот сувлари ҳисобига (туп-

роқ капиллярлар орқали намланади) тупроқ пайдо бўлип ва ривожланышлар бўлади.

[Гидроморф тупроқлар чўл ва бўз тупроқлар зонасидаги дарёларнинг қуий террасаларида, кўл қирғоқларида, дарёларнинг эски ўзаплари ҳамда кўлларнинг қадимги ўринларида, шунингдек тог ости қияликлари ва ҳавзаларнинг қуий қисмларида учрайди.

Бўз тупроқлар зонанинг юқори қисмларида гидроморф тупроқлар шўрланимаган, чунки сизот суви чучук, чўл зонасида эса ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи, ботқоқ тупроқлар ва шўрхонлар маълум даражада шўрланган, чунки бу зонанинг сизот суви минераллашган.]

Класификацияси. [Ўрта Осиёнинг гидроморф тупроқлари, аввало зоналар бўйича жойлашишига қараб: чўл зонасининг гидроморф тупроқларига ва бўз тупроқлар зонасининг гидроморф тупроқларига ажратади. Намланиш шароитига қараб, ҳар иккала зонадаги тупроқлар аллювиал тупроқларга ва саз¹ режимидағи тупроқларга бўлинади.]

Юқорида айтиб ўтилган ҳар бир групга доирасидаги ўтлоқи, ботқоқ ва шўрхон тупроқлар типи ва ботқоқ-ўтлоқи, ўтлоқи, шўрхон ҳамда ботқоқ-шўрхон тупроқлар типасига ажратилиди.

[Ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи ва ботқоқ тупроқлар шўрланиш дараҷасига қараб: шўрланимаган, кучсиз шўрланган, ўртача шўрланган ва кучли шўрланган тупроқларга ажратилиди. Ўтлоқи тупроқлар орасида бундан ташқари шўртобсимон ўтлоқи тупроқлар ҳам учрайди]

Чиринди миқдорига кўра, ўтлоқи ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар оч тусли (чириндиси кам) ва тўқ тусли (чириндиси кўп) тупроқларга бўлинади.

Сугориладиган ерлар алоҳида груплага: сугориладиган ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи ва ботқоқ тупроқлар (шолинояллар)га ажрагилиб, булар, ўз навбатида, янгидан сугорилаётган ва қадимдан сугорилиб келинаётган тупроқларга бўлинади.

Чўл зонасининг гидроморф тупроқлари

[Чўл зонасидаги гидроморф тупроқлар дарё водийлари ва дельталарида катта майдонни эгаллаб, уларнинг кўпчилик қисми аллювиал намлик режимидағи тупроқлардир.] Зарафшон, Мурғоб ва Тажик дарёларининг ёйилмаларида саз режимидағи тупроқлар тарқалган.

[Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Атрек дарёларининг водийлари ва дельталарида, Чу дарёсининг қуий қисмидаги анчагина май-

Саз — (ўзбекча) дарё соҳили ва водийларида сизот суви юза жойлашган ўтлоқи ва ботқоқ тупроқларнинг оғир механикавий тарқибли ва максимал тўлиқ нам сиғимидаги бўлгани қатлами.

довда гидроморф тупроқлар учрайди.] Қайир-аллювиал, аллювиал-үтлоқи, түқай чимли аллювиал-үтлоқи, ботқоқ-үтлоқи, ўтлоқи ботқоқ, шўрхокли-ботқоқ тупроқлар ва шўрхоклар чўл зонасида энг кўп тарқалган гидроморф тупроқлардир.

[Чўл зонасида гидроморф тупроқларнинг ўзига хос ҳусусияти чириндисининг камлиги ва шўрланганлигидир. Дарё водийларидаги ва дельталаридаги ўтлоқи, ботқоқ-үтлоқи ва қисман ботқоқ тупроқди ерлардан сугорниб дехқончилик қилишда фойдаланилади]

Қайир аллювиал тупроқлар

[Тупроқлар йил сайин ёки даврий равишда суви тошиб турадиган дарё ёқаларида, дарёдан узоқда жойлашган, лекин у билан тармоқталар орқали бирлашган пастликларда ва дарё тошқинида сув босадиган ерларда кичикроқ майдонни эгаллади.] [Гошқин сувлари жуда лойқа бўлганидан қайирни сув босгандан сув оқимишининг тезлигига қараб, турли механикавий таркибли аллювий ётқизилади.] Шунинг учун қайир-аллювиал тупроқлар қатламли бўлиб, бу қатламлар қумдан тортиб сазгача бўлгани турли механикавий таркибга эга. Сув тошқини қайтгандан кейин янги келтирилмалар бетини (туташ чим ҳосил қилмаган ҳолда) ўсимликлар ва қиёқ қоплайди. Қайта сув тошқини бўлгандан ўсимлик қолдиқлари аллювий ётқизиқлари тагида қолади. Шунинг учун келтирилмалар орасида ўсимликлар поясининг чала чириган қолдиқлари кўп учрайди. Тупроқ профили генетик қатламларга аниқ ажralмаган ва структурасизdir. Карбонатли ва гипсли қатламлари бўлмайди.

[Баландроқ жойларнинг тупроқлари механикавий таркибининг ёнгиллиги, чириндисининг камлиги ва серкарбонатлиги билан пастлик жойларнинг тупроқларидан фарқ қиласди. Бу тупроқларда калий билан фосфор кўп.

Чўл иқлими шароитидаги гидроморф тупроқларнинг сизот сувлари кучсиз минераллашган ($0,5-1,2 \text{ г/л}$) бўлишига қарамасдан юзада жойлашганлиги сабабли кўпинча улар кучсиз шўрланган бўлади.]

[Тузларнинг асосий қисми устки юпқа қатламда ва тупроқ бетида бўлиб, уларнинг кўпчилигини натрий хлорид тузи ташкил этади. Сизот суви чучук бўлгани ҳолда ерии шўр босиши чўллардаги сувнинг ниҳоятда кўп буғланиши билан боғлиқ. Тошқин вақтида сув босиши билан тупроқ анча чуқур ювилади ва грунт сувлари чучук бўлиб қолади. Пастликлардаги тупроқлар айниқса кучли ювилади. Чунки бундай ерлар 15—30 кунгача халқоб бўлиб ётади, дельталардаги пастликларда эса, тошқин суви бир неча ойгача туради. Қайир ва дельталарнинг сув босмайдиган ёки қисқа вақт давомида сув босадиган баландроқ қисмлари кам ювилади.] Бундай ерлар атрофдаги пастликлардан сувни шимлаб олади ва жуда кўп миқдорда буғлатади. Шунинг учун бундай ерларнинг

упроғи жуда шўрланган бўлиб, кўпинча улар шўрхокка айлади. Тузлар таркибида хлоридлар энг кўп учрайди.

Ўқайир аллювиал тупроқли ерлардан полиз экинлари, мөш, жўри ва шоли каби экинларни экиб фойдаланиш мумкин/

Ўтлоқи-аллювиал тўқай тупроқлар

Бу тупроқлар меҳаникавий таркиби енгил бўлган келтирилмалар билан қопланган, сув босмайдиган ёки қисқа вақт давомида ошқин суви босадиган ўзан бўйи баландликлари ва дараҳтлар, ута ўсимликлари ҳамда ўтлоқлар ўсадиган тўқайларда тарқалан. Тўқай дараҳтлари кўпинча дарё бўйи марззаларида, баланд ролларда ва дарё тирсакларида учрайди. Бу ерларнинг тупроғи тлоқи тўқай тупроқлар бўлиб, она жинси сингим меҳаникавий арқибли ётқизиқлар — қум аралаш чангли қумоқлар, қумлоқ ва умдан иборат. Келтирилмаларнинг тагида одатда 1—1,5 м чуқурликда жойлашга.

Бундай ерларда тол, тураншил, жийда; ўтлардан: ширии ажпик, рўвак, қизилмия, савағич ва бошқалар; шўрланган ерларда қబош (*Carelinia caspica*), кермак ва ҳар хил шўралар ўсади. Ўтлоқи тўқай тупроқлар бетини юпиقا ўрмон тўшамаси қоплаган. Қатлам қўнгир кул ранг бўлиб, говак чим ҳосил қиласидиган кўпин-кўп илдизларга эга, структураси у қадар чидамли эмас. Ватлам оч тусда, зангила ва кўкимтири (зангори) доғлар кўрнигидағи ботқоқлапиш аломатларига эга. Ундан пастда меҳаникавий таркиби енгил бўлган қатламли келтирилмалар ётади. Тушекларнинг меҳаникавий таркиби енгил бўлганидан сув босгаида ўзага келадиган анаэроб шароит ўрнига, сув қайтганидан кейин эроб муҳит вужудга келади. Бу органик қолдиқларнинг тез миераллашишига ёрдам беради. Шунинг учун ўтлоқи-тўқай тупроқарда чиринди ва азот кам. Карбонатлар 7—11% атрофина бўлади.

Бу тупроқларда кўзга кўшиниб турадиган карбонатли горизонт ўқ.

Бу тупроқпинг сингидириш сингими катта эмас (100 г тупроқда — 6 мг/экв), меҳаникавий таркибига кўра ўзгариб туради. Сингидилган асослар таркибида Ca ва Mg энг кўп учрайди.

Ўтлоқи-тўқай тупроқларнинг кучли шўрлапмаганлиги — сизот увларининг чучук бўлиши ҳамда тупроқнинг дараҳтлар соясида ўлтавлиги натижасидир. Тўқай дараҳтларини кесиб юбормасдан, алки ҳосилдор дараҳт навларини экиб уларни қўлайтириш ва нишадан сақлаш лозим.

Аллювиал чимли-ўтлоқи тупроқлар

Чўл зонасида бундай тупроқлар Амударё ва Сирдарё дельта-ариди, уларнинг ўрта оқимидаги қуи террасаларида, Зарафшон, урхондарё, Вахш, Мурғоб ҳамда Атрек дарёларининг этаклари-

да катта майдонни эгаллайди. Бу ерларда сүгориладиган десхон-чиллик ривожланган. Чимли-үтлоқи тупроқлар механикавий таркиби турлича бўлган қатламли аллювиал келтирилмаларда пайдо бўлган.

Бу келтирилмаларнинг устки қисми кўшипча мелкозёмдан, пасти эса қумдап ёки қум билан қумлоқ ташкил этган қатламли ётқизиклардан иборат. Сизот сувлар сатҳи 1–3 м чуқурликда бўлиб, уларнинг минераллашиш даражаси дарё ва унинг тармоқларидан узоқлашган сари орта боради.

Үсимиликлари қалин ўсадиган үтлоқ үтларидан иборат бўлиб, зич чим ҳосил қиласди. Уларнинг тури ва ривожланниш намланиш ва шўрланиш шароитига боғлиқ. Кучсиз шўрланган ерларда: ширин ажриқ, рўвак, қизилмия, савачўп; шўрроқ ерларда: ажриқ билан аралаш ҳар хил галофитлар, юлгун ва бошқалар ўсади. Сизот сувларининг юза жойлашиши туфайли тупроқ юқори даражада памланганда анаэроб процесс ҳукмроқ бўлади. Ёзда тупроқ юзаси қуриганда аэроб процесс бошланади. Бу эса чўл зонасидаги чимли-үтлоқи, тупроқ пайдо бўлиш процессининг ўзига хос хусусиятини кўрсатади ва чириндили қатламнинг анчагина қалин бўлишига қарамасдан чиринди миқдорининг камлигини белгилайди. Даврий равишда сув босиб турадиган үтлоқи тупроқларда занг ва кўкимтири (зангори) доғлардан иборат ботқоқланиш аломатлари мавжуддир.

116 - жадвал

Аллювиал чимли-үтлоқи тупроқнинг химиявий таркиби (% ҳисобида)

Тупроқ ва пойнинг номи	Чуқур- лини (см)	Чиринди	Карбо- наттар- даги CO_2	Язоти азот	Язоти фосфор	Язоти калий
Аллювиал чим- ли-үтлоқи тупроқ,	0–13	1,03	9,50	—	0,132	2,15
	13–28	0,35	9,41	—	0,133	1,70
Амударё этаги- нинг ўнг соҳили	49–68	0,49	9,91	—	0,127	0,62
Амударё ўнг эта- гидаги аллювиал чимли-үтлоқи туп- роқ (В. В. Егоров)	0–6	2,99	8,30	0,146	—	—
	6–14	1,90	7,84	0,071	—	—
	14–28	0,51	8,83	0,017	—	—
	28–50	0,34	8,22	0,009	—	—

116–117- жадвалда келтирилган маълумотларниш кўрсатишича аллювиал чимли-үтлоқи тупроқларда чиринди 1–3% миқдорида. Шўрланган, шунингдек механикавий таркиби ёнгил ҳамда сизот сувлари чуқурда жойлашган тупроқларда чиринди камроқ бўлади. Азотиниг миқдори юқори қатламларда анчагина кўп (0,12–0,15%), пастга томон у қескин камайди. Бундай тупроқлар ўзлаштирилганда уларга азотли ўғитлар солинса, ер анча унумдор бўлади. Фосфор ҳам анчагина миқдорда учрайди. Лекин у кам ўзлаштириладиган биринча ҳолида.

**Чимли-үтлоқи аллювиал тупроқларда чириндининг сифат таркиби
(% ҳисобида В. В. Егоров)**

Чукур- лаги (см)	Углерод	Экстрак- тив мод- далар углерода	Кальций- силикатти- рилганда акралид чиқади- ган мод- далар углероди	Гумин кислота- лар	Фульво- кислота- лар	Эримей- диган коддан	Гумин кислота- лар угле- родининг фульво- кислоталар углероди- га нисба- ти
0—10	2,20	13,18	5,91	19,02	19,09	40,91	1,0
10—24	1,18	2,32	6,78	19,49	20,34	44,06	0,9

Аллювиал чимли-үтлоқи тупроқлар деярли ҳамма жойда маль-
лум даражада шўрланган. Масумий равиша сув босиб туради-
ган тупроқлар одатда камроқ шўрланган бўлади.

Тошқин бўлиб турадиган ерларнинг шўри ювилади, лекин тошқин тўхтагандан кейин тупроқларнинг юқори қатламларида яна биринчи галда хлоридлар, сўнгра эса сульфатлар тўпланиди. Үтлоқи тупроқларда гипс кам. Воҳалар чеккасидаги ва ичкариси-
даги үтлоқи тупроқлар воҳалардан узоқдаги үтлоқи тупроқларга қараганда кучлироқ шўрланган. Бунинг сабаби сугориладиган ер-
лардан тузларнинг сугориш ва юниш натижасида сугорилмайдиган ерларга суриб чиқарилишидир.

Үтлоқи тупроқлар чириндили юқори қатлами сингдириши си-
гимининг катталиги билан чўл зонасидаги тупроқлар ва бўз туп-
роқлардан фарқ қиласи. Сингдирилган катионлар таркибида кальций энг кўп учрайди. Чўл зонасидаги үтлоқи тупроқларда шўртбланиш аломати кўринмайди. Сингдирилган калий миқдори кўп. Чўл зонасидаги аллювиал чимли-үтлоқи тупроқларнинг чи-
риндиси, структураси бўз тупроқларнига қараганда яхшироқ. Чунопчи 0,25 мм дан катта структура агрегатлари миқдори 25 %
га етади. Шўрланиш кучайган сари сувга чидамли агрегатлар миқдори 1,5—2 марта камайади. Үтлоқи тупроқларда микроагре-
гатлар кўп. Бу тупроқлар сувни яхши ўтказади. Шунишгдек пам
сигими ҳам хийла катта.

Сугориладиган үтлоқи тупроқлар

Чўл зонасида сугориладиган үтлоқи тупроқлар Хоразм ва Чимбой воҳаларининг ҳаммасида, Чоржўй ва Караки районларида, Амударёнинг ўрта оқими водийсида, Бухоро ва Қорақўл воҳа-
лари доирасида, Зарафшон этагида, шунингдек Сирдарёнинг қа-
димги ва ҳозирги дельтасида анчагина майдонни эгаллайди.

Узоқ вақтдан бери сугориб дехқончилик қилиш ер бетидаги ётқизицлар рельефини, тупроқларнинг морфологик тузилишини,

химиявий ва физикавий хоссалари ҳамда унумдорлигини жиддий ўзгартириб юборган.

Гарихий-археологик маълумотларга қараганда Амударё дельтаси ва водийсида (Хоразм ва Бухоро воҳасида) сугориб дехқончилик қилиши буидан 1,5—2 минг йил илгари пайдо бўлган. Узоқ вақт давомида сугориш агроирригацион қатламларнинг вужудга келишига ёрдам беради ва бувдай қатламлар қадимдан сугорилиб келилаётган ўтлоқи тупроқларда бўз тупроқлардагига қараганда анчагина қалип бўлади. Масалан, Бухоро воҳаси, Хоразм ва Мурғоб воҳаларида бу қатламларниң қалинилиги 2—3 м га етади. Ирригацион келтирилмаларнинг тўпланиши, тупроққа маҳаллий ўғитлар солиши ва ерни текислаш натижасида рельеф ўзгаради. Масалан, дарё террасаларида гасталабки қатор тепали ўр-қирерларда сунъий террасалар вужудга келтирилган. Сугориш ва агроирригацион келтирилмаларнинг тўпланиши ватижасида аллювиал-ўтлоқи тупроқлар механикавий тарқибининг хилма-хиллиги камаяди. Агроирригацион қатламлар одатда, бошдан-оёқ оғир ва ўртача қўмоқ механикавий тарқибли бўлади. Яқиндан бери сугорилаётган ерлардаги ўтлоқи тупроқлар қатламишининг морфологик тузилиши ишлов бериладиган юқори қатламини мустасно қилганда, туб ўзгаришларга учрамайди.

Қадимдан сугорилиб келинаётган ўтлоқи тупроқларнинг генетик қатламлари яхши ажралиб турмаслиги билан қўриқ ҳолатдаги тупроқлардан фарқ қиласи. Ҳайдалма қатлами 20—25 см қалинилиқда бўлиб, оч кул ранг, увоқча-чангсимон структурали, сугорилгандан кейин кўпинча қатқалоқ ҳосил қиласи. Ҳайдалма таг ва ундан пастдаги қатламлар ўзининг рангига кўра ҳайдалма қатламдан кам фарқ қиласи. Баъзан ҳайдалма таг қатлам зичлашган бўлади. Пастга томон кўкимтири (зангори) ва зангили додлар пайдо бўлади.

Бу тупроқларда чиринди кам (1,2—1,3%) ва бутун қатлам бўйлаб хийла текисроқ тақсимланган (118-жадвал). Азот миқдори 0,05—0,08% атрофида, фосфор анча кўп, лекин у ўсимликлар кам ўзлаштира оладиган ҳолда. Тупроқда карбонатлар кўп, улар бутун қатламларда деярли бир текисда тақсимланган. Бу тупроқлар кучсиз ишқорий реакцияга эга. Тупроқда азот ва фосфор етарли бўлмаганилигидан ерга азотли ва фосфорли минерал ўғитлар солиши барча эквивларга катта самара беради.

Чўл зонасидаги сугориладиган ўтлоқи тупроқлар кўпинча шўрланган. Тупроқнинг ҳамма жойда шўрланганилиги пўклимининг континентал бўлиши минераллашган сизот сувлари сатҳининг юза жойлашиши, уларнинг ишонтда секин оқиб чиқиб кетиши билан бўғлиқ.

Сугориладиган ўтлоқи тупроқлар сингдириш сифимининг у қадар катта эмаслиги ва сингдирилган катиошлар таркибида кальций ва магнийнинг кўплиги билан характерлидир. Бу тупроқларда шўртоблик аломатлари кўрипмайди. Сугориладиган ўтлоқи тупроқлар ишлов берилгандан ва сугорилгандан кейин структураси

Сугориладиган ўтлоқи тупроқнинг химиявий таркиби (% ҳисобида)

Тупроқ ва жойнинг номи	Чуқур- лиги (см)	Чиранди	Ялони азот	Ялони фосфор	Кэрбо- натлар- даги CO_2	Сувли сұрам мухити (pH)
Қадымдан сую- рилиб келинайтган ўтлоқи тупроқ,	0—8	1,24	0,072	—	8,9	8,3
Хоразм воҳаси (B. B. Егоров)	8—16	1,10	0,072	—	8,9	8,7
Хоразм воҳаси (A. A. Савченко)	16—36	0,79	0,053	—	10,5	8,8
Хоразм воҳаси (A. A. Савченко)	60—85	0,70	0,045	—	9,8	8,6
Хоразм воҳаси (A. A. Егоров)	85—120	0,65	0,040	—	8,5	8,6
Ўша тупроқ, Амударё дельтаси- нииг ўнг соҳили (A. A. Савченко)	0—15	1,26	0,087	0,135	—	—
	15—45	0,78	0,060	0,111	—	—
	45—66	0,33	0,030	0,098	—	—

Қўриқ ерларнинг структурасига нисбатан ёмонроқ бўлади. Чириндиси кўп бўлганидан юқори қатламларнинг солиштирма оғирлиги чўл автоморф тупроқларникига қараганда кичикроқ. Сугориладиган тупроқлар қўриқдаги ўтлоқи тупроқларга нисбатан айниқса, ҳайдалма таг қатлам анча зичлашган бўлади. Тупроқнинг коваклиги 42—49% атрофида, ҳажмий оғирлиги пастга томон орта боради, коваклик эса камаиди.

Шундай қилиб, сугориладиган ўтлоқи тупроқлар ўзининг юқори унумдорлиги билан бўз тупроқларга яқинлашади. Бу тупроқлар тарқалган ерларда гармсеплардан сақлаш ва мелиоратив тадбир сифатида иҳота дарахтзорлар ташкил қилиш, зовур қазиб шўрини ювиш ғоят катта патижга беради.

Аллювиал ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар

Ботқоқ-ўтлоқи тупроқларга чим билан қопланган ва серчирини тупроқлар киради. Бу ерларда грунт сувлари юза (1 м атрофида) жойлашиб, гелийли қатламлар ҳам унча чуқурда эмас. Ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар воҳалар ичкарисидаги партов ерларда учрайди. Бу ерлардаги тупроқ тез-тез сугорилиб турилганидан, айниқса шоликорликда, сизот сувлари бутуни вегетация даврида юзада жойлашади, ботқоқланиш алломатлари 50 см чуқурликдан бошлиниб, дастлаб зангили, сўнгра эса кўкимтири (зангори) доялар вужудга келади ва улар пастга томон кучая боради. Чўл зонасидаги ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар кўшича шўрланмаган. Чимли қатлами қорамтири бўлиб, яхши структуралидир.

Сизот сувлари юқорида барқарор турадиган ва кам шўрланган қўриқ ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар чим билан яхшигини қоплангандир.

Қўриқ ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар дарё ўзанининг ўзгариб туриши ва шунга қараб намланиш шароитининг турлича бўлиши на-тижасида кўпинча аллювиал-ўтлоқи тупроқларга ёки шўрхоклар-

га айланади. Мелиорация натижасида бу тупроқлар ботқоқланиши аломатлариниң йүқтөдөри ва сугориладиган ўтлоқи тупроқларга айланади. Бунда В қатlamда күкимтир ва күк — зангили дөглардан иборат ўтмишдаги ботқоқланиш аломатлари сақланиб қолади.

Аллювиал ботқоқ тупроқлар

Ботқоқ тупроқлар қайир ва қайир усти террасаларидаги пастликларда, айниқса, дағғе делілталараппнг тепаликлари оралығидаги чукурлайларда ҳамда деңгиз бүйіндеги мавсумий равишда сув босиб туралынан ерларда аяла кеңін тарқалған. Бу тупроқлар тошқын сув түппланған яғни келтирмаларда тарниб топады ва сизот сувларнннг юза (1 m ва ундан юқори) жойлайши биләй фарқ қылади. Сув босған ерлар құрылғандан кейин дастлаб құға (Тирға), сұнгра әса қамиши (*Fragmites*) ва қиёқтар үсады.

Яңғы пайдо бўлган ботқоқ тупроқларнннг юқори қатламлари оқ күкимтир — кул ранг бўлади ва чала чириган ўсимлик қолдиқлари кўп учрайди.

Қуйи қатламлари күкимтир бўлиб, ўсимлик қолдиқлари учрайди. Бу тупроқларда чиринди кам ва бир текисда таңсияланмаган. Бу тупроқларда узоқ вақт давомида ботқоқланғаннда уларнннг устини ўсимликларнннг ер усти массаси ва илдизларидан иборат чала чириган торфланған масса қоплаб олади. Ундан қуйида вордород сульфид ҳидри күкимтир глейли қатлам бошланади.

119 - жадвал

Аллювиал ботқоқ тупроқлар химиявий таркиби
(% ҳисобида В. В. Егоров Амуларе қуйи қисмасы)

Чукурлайы (см)	Чи- ринди	Ялпи- азот	Карбо- наттар- даги CO_2	Сувли мұхит- лагы (pH)	Алмашынучи катионлар 100 г түпсоқда мг/жыл ҳисобида				
					жеміс	Ca	Mg	Na	K
0—5	1,0	0,062	8,05	8,1	12,96	8,98	2,04	0,23	0,58
5—15	0,71	0,042	9,46	8,4	12,20	11,31	0,94	0,39	0,45
15—35	0,69	0,051	8,26	8,4	12,53	10,10	2,58	0,30	0,41
35—50	1,50	0,075	6,75	8,1	аңиқланмаган				
0—10	4,18	0,204	13,99	8,0	13,99	13,39	«	9,78	
10—20	1,72	0,078	11,09	8,1	11,09	аңиқланмаган			
20—25	1,22	0,053	10,48	8,3	10,48	аңиқланмаган			

Яңғы пайдо бўлган ботқоқ тупроқларда 1% ча чиринди, 0,04—0,06% азот бор (119-жадвал). Кўмилган қатламларда баъзан 1,5% ва ундан ҳам кўп (3—4%) чиринди учрайди. pH миқдори 8 атрофида, сингдириси сигтими қаттароқ (100 г тупроқда

13 мг/еке). Сингдирилган асослар таркибидан кальций күп (8—13%), магний 1,5—2,5% ни ташкил этади. Тупроқ сингдирилган калийга анчагина бой. Ботқоқ тупроқларни тез-тез сув босиб турғанилигидан ва улар мураккаб мелиорацияни талаб қилғаныдан сугориладиган деҳқончиликда фойдаланилмайди.

Бўз тупроқли зонанинг гидроморф тупроқлари

Бўз тупроқли зонада гидроморф қайир-аллювиал, чимли-ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи ва ботқоқ тупроқлар дарёларнинг қуий террасаларида, ёйилмаларнинг чеккаларида, ёйилмалар орасидаги пастликларда ва тог остидаги қиялларнинг қуий қисмларида кенг майдонларни эгаллайди.

Оч тусли бўз тупроқлар жойлашган ерларда улар кўпинча шўрланган, типик ва тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган районларда эса шўрлапмаган бўлади. Бўз тупроқли зонадаги гидроморф тупроқларда сугориладиган деҳқончилик ривожлааган. Бу зонадаги барча гидроморф тупроқларнинг ўзига хос хусусияти шуки, улар чўл зонасидаги гидроморф тупроқларга нисбатан барқарор намланиш режимига эга. Бўз тупроқли зонада сизот сувларининг сатди мавсум давомида кескин ўзгармайди шунга кўра, тупроқнинг намлиқ режими кам ўзгаради. Ёзининг у қадар иссиқ эмаслиги, қиш-баҳор ойларида ёгин-сочиннинг кўп бўлиши сабабли ўсимликлар яхши ривожланади.

Қайир-аллювиал ўтлоқи тупроқлар дарёларнинг қайирларида ва тошқин вақтида сув босадиган ерларда унча катта бўлмаган майдонларни эгаллайди. Бу тупроқлар ҳам, чўл зонасидаги қайир-аллювиал тупроқлар каби, асосан енгил механикавий таркибли қатламли келтирилмаларда ривожланган. Морфологик тузилиши, химиявий ва физикавий хоссаларига кўра, бу тупроқлар чўл зонасидаги шундай тупроқлардан фарқ қилмайди. /

Қўриқ ва сугориладиган аллювиал тупроқлар

Бу тупроқлар Чу, Сирдарё ҳамда упинг ирмоқлари — Қора-дарё, Норин водийларида, Чирчик, Оҳангарон водийларида, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Коғирниҳон ва Вахш водийларида катта майдонларни эгаллайди. Төгларнинг яқинида ва тог олдиларида бу тупроқлар қатламли қумоқ ва соз ётқизиқларда ривожланади. Бу ётқизиқларнинг тагида (0,5—2 м чуқурликда) шағал ётади. Сизот сувлари ер юзасидан турлича чуқурликда (1—3 м) жойлашиб, яхши оқиб чиқиб кетганилиги сабабли суви чучук бўлади. Шунинг учун типик ва тўқ тусли бўз тупроқ зоначалари доирасида тагида шағал ётган төглар яқинида ўтлоқ тупроқлар шўрланмаган. Оч тусли бўз тупроқ зоначасидаги Сирдарё, Зарафшоннинг ўрта оқими, Қашқадарё, Сурхондарё ва Вахш дарёларининг қуий оқимида сизот сувлари минераллашган ҳамда секин оқиб чиқиб кетганилиги учун бу тупроқлар шўрлангандир.

Морфологияси. Қалинлиги 12—25 см, чимли қатлами түқ күл раңг бўлиб, аниқ кўриниб турадиган майда увоқли сувга чидамли структурага эга. В қатлами оч қўйғир күл раңг увоқли чидамсиз структурага эга, кўйи қисмиди зангили дөглар учрайди. Ундан қўйида зангили дөглари бўлган күл раңг глейли қатлам ётади. Чириндили қатламнинг умумий қалинлиги 60—80 см. Тўқ тусли ўтлоқи тупроқларда чиринди одатда 3—4%. Чириндили қатламдан қўйида чиринди миқдори кескин камаяди. Оч тусли ўтлоқи тупроқларнинг юқори қисмиди 1,5—2,5% атрофида чиринди бор (120-жадвал). Пастга томон чиринди миқдори камая боради. Тўқ тусли ўтлоқи тупроқларда 0,20—0,25%, оч тусли ўтлоқи тупроқларда эса 0,08—0,15% азот бор. Бу тупроқларда фосфор кўп (0,13—0,15%), лекин ўсимліклар ўзлаштира оладиган ҳаракатчан шаклдагиси кам.

Тупроқнинг структураси яхши. Чунончи, тўқ тусли ўтлоқ тупроқларда 0,25 мм дан йирик сувга чидамли структура агрегатлари миқдори 60—70% га етади ва ундан ҳам ошади. Шунинг учун улар сувни яхши ўтказади. Сугориладиган ўтлоқи тупроқлар юқори қатламининг қумоқ ва соз механикавий таркиби билан фарқ қиласади.

Қадимдан сугорилиб келинаётган ўтлоқи тупроқлар турлича қалинликдаги агроиригацион қатлами билан яқиндан сугорилаётган ўтлоқи тупроқлардан фарқ қиласади. Сугориладиган ўтлоқи тупроқлар бўз тупроқли ерларнинг тахминан 30% ини эгаллайди.

120- жадвал

Сугориладиган ўтлоқи тупроқларнинг химиявий таркиби
(А. Н. Розанов)

Тупроқнинг нома	Чукурлини, (см.)	Чиринди,%	Яланн азот %	C : N	Карбонатлардаги CO ₂ , %	Сувни муҳит- даги pH
Сугориладиган оч тусли ўтлоқи тупроқ	0—13 13—23 40—50 80—90	1,02 0,84 0,40 0,24	0,117 0,028 0,031 0,027	5,0 5,0 4,5 5,1	7,62 7,56 10,75 11,80	7,1 7,0 7,0 7,0
Сугориладиган шўрхоксимию оч тусли ўтлоқи тупроқлар	0—10 10—20 25—35 45—55	0,96 0,67 0,58 0,53	0,069 0,050 — —	8,2 7,8 — —	6,22 6,91 7,68 8,33	7,0 7,1 — 7,1
Қадимдан сугориладиган ўтлоқи тупроқ	0—22 25—50 60—70 110—120	1,78 1,64 1,12 0,71	0,086 0,104 0,105 0,004	12,0 9,4 6,3 4,9	13,20 13,83 14,36 14,95	— — — —
Қадимдан сугориладиган ўтлоқи тупроқ	0—28 30—50 65—75 90—100 100—170	1,85 1,41 1,28 0,58 0,42	0,101 0,066 0,076 0,048 0,057	10,6 12,4 9,7 7,0 4,3	8,72 9,94 10,83 12,96 9,83	— — — — —

Деңгөнчилик қилиш натижасида ўтлоқи тупроқларда чирнди ва азот кескин камайиб кетганидан ерга азотли ўғитлар солини пахта ва башқа экшиларниң ҳосилини кескин оширади.

Сугориладиган ўтлоқи тупроқларда ялпи фосфор 0,09—0,14%, түк тусли ўтлоқи тупроқларда эса 0,20% га етади ва ундан ҳам ошади. Ўтлоқи тупроқларда бўз тупроқлардагига қараганди ҳарақатчан фосфор камроқ.

Ўтлоқи тупроқларда калий миқдори анча кўп (1,7—2%), лекин ҳаракатчан калий (сувда эрийдиган ва сингдирилган калий) бўз тупроқлардагига қараганди анча кам. Шувинг учун ерга калийли ўғитлар солини ҳосилини анча оширади. Шўрланган тупроқларда ҳаракатчан калий миқдори шўрланмаган тупроқлардагига қараганди анча кўп бўлади.

Сингдирилган асослар таркибида кальций энг кўп (121-жадвал). Бу тупроқлар сингдирилган магнийнинг кўплиги билан бўз тупроқлардан фарқ қиласди.

121- жадвал

Сугориладиган ўтлоқи тупроқларда сингдирилган катионлар таркиби

Тупроқ ва жойиниң номи	Чуқурлиги (см)	Сингдирил- ган катион- ларниң иза- ми 100 г туп- роқлар (мг/ еке)	Жамига нисбатан % ҳисобида			
			Ca	Mg	K	Na
Қадимдан сугорилади- ган ўтлоқи тупроқлар, Зарафшонниң ўрта оқи- ми	0—15	10,79	41,32	51,22	3,24	4,22
	21—30	8,76	42,25	50,12	3,45	4,18
	35—45	8,57	42,57	51,22	3,45	3,06
	60—70	8,95	48,52	45,64	2,79	2,85
	90—100	11,50	41,67	54,71	191	1,71
Сугориладиган ўтлоқи тупроқ, Далварзин чў- ли (А. Н. Розанов)	0—15	8,59	73,4	19,2	6,5	1,9
	15—25	9,04	66,5	27,1	4,3	2,1
	39—49	8,34	55,5	38,9	2,4	3,2
	55—65	6,24	53,4	39,2	3,1	4,2

Ўтлоқи тупроқлар орасида шўртоблиси жуда кам. Оч тусли бўз тупроқлар зопачасидаги сугориладиган ўтлоқи тупроқларниң кўпчилиги шўрланган.

Сугориш натижасида ўтлоқи тупроқларниң структураси бузилади. Шувинг учун беда экиб, тупроқ структураси қайта тиклапади. Қўриқ тупроқларда сувга чидамли структура агрегатлари миқдори юқори қатламда 60% баъзан ундан ҳам ортиқ. Қадимдан сугорилиб келинаётган тупроқларда бундай агрегатлар миқдори ҳайдалма қатламда 15—20%, қўйи қатламларда эса 25—40% га тенг. Сугориладиган ўтлоқи тупроқларниң ҳажмий оғирлиги бўз тупроқларнига қараганди юқори қатламларда кичик (1,2—1,3), пастга томон орта бориб 1,5—1,6, глейли қатламда эса ундан ҳам ортиқ бўлади. Юқори қатламларда коваклик 55% атрофида, пастга томон у 40% га тушади.

Аллювиал ботқоқ-ұтлоқи тупроқлар

Ботқоқ-ұтлоқи тупроқлар сизот суви юзада (0,7—1,2 м) бүлгап қайыр усти террасаларининг пастлик жойларыда тарқалған. Бу тупроқларнинг юқори қатлами ва тупроқ оға жинсі ұтлоқи тупроқларга қаратаңда механикавий таркибининг оғирлигі билан фарқ қылади. Водийларпен төр ости қисмидеги ұтлоқи тупроқлар каби, ботқоқ-ұтлоқи тупроқларнинг тағида ҳам шатал жойлашади, тоглардан узоқда эса құм-мелкозёмли аллювий өтади. Оч тусли бұз тупроқлар зоналасыда бу тупроқлар одатта шүрланған, типик ва түқ тусли бұз тупроқлар зоналасыда эса шүрланмаган. Үсімліктар бу тупроқларда ұтлоқи тупроқлардагы қаратаңда ләшироқ ривожланған. Дөйнө сернам бүлганидан аллювиал ботқоқ-ұтлоқи тупроқларда үсімлік қолдиқлари күниңча анаэроб шароитта парчалағанды.

Бу эса тупроқларда чириппдининг күп бўлиши (122-жадвал) ва глейли қатламнинг юзароқ жойлашашини белгилайди.

Мазкур тупроқларда ұтлоқлари үсіб, зич ва қалин чим ҳосил қылади. Қорамтирилген өтада қора раңгга эга бўлиб, майда увоқли структуралидир.

122 - жадвал

Ботқоқ - ұтлоқи тупроқларнинг химиявий таркиби (%) ҳисобида)

Тупроқ ва жойнинг номи	Чукурлігі (см)	Чиринді	Ялпи азот	Карбонат- лардагы CO_2	Ялпи P_2O_5
Ботқоқ - ұтлоқи тупроқ, Қашқадаре водийси	0—10	7,98	0,455	9,77	0,172
	20—30	2,84	0,154	9,26	0,154
	50—60	0,60	—	8,26	—
	80—90	1,33	—	9,01	—
Ботқоқ - ұтлоқи тупроқ, Чирчиқ водийси	0—10	5,32	—	5,44	—
	10—20	1,09	—	1,57	—
	35—45	0,46	—	9,80	—

Чиринді миқдори чимли қатламда күп, чим ости қатламда са кескин камаяди. Бу тупроқларда азот ҳам, фосфор ҳам күп. Іекин фосфор үсімліктар кам үзлаштира оладиган темир бирикілары (зивцапит ва бошқалар)да учрайди. Бу тупроқларнинг етида ёки бетига яқын қаватида одатта карбонатлар күп бўлади.

Ботқоқ-ұтлоқи тупроқларнинг асосий қисми деҳқончиликда злаштирилған. Пахта, беда, маккажұхори әкиш, бое ва токзорар барға қылиш учун сабз (1—1,5 м) дрениажлар қазиб бу тупроқлар қуригилади. Шоли әкилгандан дрениажлар қазилмаса ҳам ўлади. Ботқоқ-ұтлоқи тупроқлардан узоқ вақт давомида сугориб юйдаланилганда юқори қатламларда чиринді камайиб кетади (123-жадвал), тупроқ усткі қисмнинг структурасы ёмошлаша-и ва күкимтирилгенде агротехникалық қатлам пайдо бўлади.

Сугориладиган ботқоқ-үтлоқи тупроқларининг химиявий таркиби (% ҳисобида)

Тупроқ ва жойнинг номи	Чукурлиги (см)	Чириниди	Язпи азот	Карбонатлардаги CO ₂	Язпи P ₂ O ₅
Сугориладиган ботқоқ-үтлоқи тупроқ, Чирчиқ водийси	0—15	2,55	0,153	14,10	0,101
	20—30	2,42	0,207	12,36	0,125
	45—50	0,61	0,138	9,15	авиқланмаган
	90—100	—	—	5,70	
Сугориладиган ботқоқ-үтлоқи тупроқ, Фарғона водийси	0—20	1,67	0,130	—	—
	20—40	1,23	0,100	—	—

Сугориладиган ботқоқ-үтлоқи тупроқларда микроблар кўп. Лекин үтлоқи тупроқлардагига, айниқса бўз тупроқлардагига қарангандан уларнинг биологик активлиги паст. Эскидан сугорилиб келингаётган бу тупроқларда чириндиди 1,5—2,5 %, камдан-кам ҳолларда 3% га етади. Бу тупроқларда азот кўп (123- жадвал), лекин уларнинг нитрификация хусусияти үтлоқи тупроқлардагига қарангандан пастда эса унинг миқдори механикавий таркибига кўра ўзгаради. Глейли қатламларида фосфор кўп бўлади. Ботқоқ-үтлоқи тупроқларда ҳаракатчан фосфор миқдори үтлоқи тупроқдагига қарангандан анча кам. Шунинг учун бу тупроқларга фосфорли ўғитлар солиш яхши самара беради.

Тупроқнинг ҳажмий оғирлиги юқори қатламларидан пастга томон орта боради. Шунга кўра, коваклик тупроқнинг юқорисида (62%) дав пастга (49% гача) камаяди.

Аллювиал ботқоқ тупроқлар

Мазкур тупроқлар Ўрта Осиёнинг сугориладиган ва келгусида сугорилиши керак бўлган ерларда үтлоқи ва ботқоқ-үтлоқи тупроқлар орасида, дарёларнинг қуйи террасаларидаги энг пастлик жойларда учрайди. Бу тупроқларда асосан қамиш ва қиёклар ўсади. Сувининг узоқ вақт турб қолиши натижасида бу тупроқларда ўсимлик қолдиқлари тўпланди. Улардан 20—30 см ундан ҳам қалироқ торф қатлами ҳосил бўлади. Ёзда тупроқнинг тез қуриб қолиши натижасида торф ҳосил бўлмайди. Шунинг учун бўз тупроқли зонада ботқоқ тупроқлар торф-глейли-ботқоқ тупроқларга ва глейли-ботқоқ тупроқларга бўлинади. Глейли-ботқоқ тупроқлар Ўрта Осиёда энг кўп тарқалгай. Ҳар иккала хил тупроқларда намлик доим ортиқча бўлганидан анаэроб процесс устувилик қиласиди. Бу эса торф тўпланишига ва тупроқнинг бетидан бошлиб глейланishiiga сабаб бўлади. Глейли-ботқоқ тупроқларда

чирианди кам. Уларниң структураси ёмон, ҳүл вақтида ёпишқоң бўлиб, қуригавда зичлашиб қолади. Оч тусли бўз тупроқлар зона-часида бу тупроқлар кўпинча шўрланган бўлади.

Ўтлоқи саз тупроқлар

/ Ўтлоқи саз¹ тупроқлар дарё келтирилмаларидан пайдо бўлган ёйилмаларнинг ўрта ва қўйи қисмларида каттагина майдонни ташкил этади./

Ўтлоқи саз тупроқлар, Фарғона, Зарафшон водийлари, Чу дарё водийсидаги төғ ости ён бағирларида яхлит минтақа шаклида учрайди.

/ Кўриқ ўтлоқи саз тупроқлар устки қатламининг тўқ кул ранг ва чимли бўлиши ҳамда структурасининг яхшилиги билан характеридир. Тупроқнинг қўйи қисми аста-секин оч тусга кириб кўкиш кул ранг олади, ҳамда занг доғлар пайдо қиласди. Тупроқ 50—150 см чуқурликда кучли мергел²ланиши натижасида оқини тусга кира боради. Шу мергелли қатламда карбонат конкрециялари кўл микдорда ҳосил бўлади, баъзи жойларда эса кальций карбонатнинг цементлашган (тошга ўхшаш қаттиқ шўх) қатламчалари вужудга келади. Ёйилмаларнинг қўйи қисмларидан тупроқларда оқ доғлар ҳамда томирчалар шаклида сувда әрувчи тузлар (асосан натрий сульфат ва гипс), 70—120 см чуқурликда эса гипс ва кальций карбонатнинг бириқишидан вужудга келган арзиқ деб аталадиган зич қатламча пайдо бўлади. Водий ичкарисидаги ёйилмаларнинг аллювиал ўтлоқи тупроқлари ҳам кучли мергеллашади ва уларда шўх³ ҳамда арзиқ⁴ пайдо бўлади. Бундай тупроқлар дарё (Зарафшон), тоглардан текисликка оқиб чиқсан жойларда ва водийларнинг сизот сувлари юқори террасалардан босим остида келадиган участкаларида пайдо бўлади. Бу ерда мергелланиш билан шўх саз режими шароитидаги намланишдан ҳам пайдо бўлади./ Сугориладиган ўтлоқи саз тупроқлар одатда оч кул ранг, кул ранг ва тўқ кул ранг бўлади. Бу чиринди микдорига, структурасининг ёмон бўлишига ҳамда глейли қатламларнинг ер бетига анча яқин ётишига боғлиқ. Сизот суви ер бетига сизиб чиқадиган зонадаги шўрланмаган ва кучсиз шўрланган тупроқлар айрмаси кучли мергеллашган бўлиб, уларда шўх кўп, шўрланган тупроқлар эса кучли гипслашган ва уларда кўпинча

¹ Ўтлоқи саз — она жисси дарё ётқизикларидан иборат бўлган ўтлоқи тупроқларнинг қўйи горизонти сазли бўлса, уни ўтлоқи саз тупроқ дейилади.

² Мергел — лойқа ва оҳақ бирикмаларидан иборат бўлган карбонатли чўкилди төғ жинси. Карбонатли тупроқларнинг қўйи қатламида учрайди.

³ Шўх — ўтлоқи саз тупроқларнинг қўйи қисмida меҳаникавий заррачалар билан кальций карбонатнинг бириқишидан ҳосил бўлган цементланган қаттиқ қатлам.

⁴ Арзиқ — тупроқнинг қўйи қатламида сизот сувларда эриган гипс, кальций карбонат ва натрий сульфат тасъирда пайдо бўлган энч қатлам.

әрзик учрайди. Қадимдан сугориладиган ўтлоқи саз тупроқларда турли қалинликдаги агрориграцион қатламлар бўлиб, улар кўкимтири кул ранг ёки кул рангдир. Мазкур тупроқларда турли археологик қўшилмалар учрайди.

Шўхи бўлмагап тупроқ СаО миқдорининг бир меъёрда кўп бўлиши ва MgO миқдорининг кам бўлиши билан фарқ қиласди.

Шўхсиа тупроқ ҳам, шўхли тупроқ ҳам фосфорга бой, аммо барча гидроморф тупроқларда бўлгани каби, фосфорининг ўсимликлар яхши фойдалана оладиган шакидагиси кам миқдорда.

/Қўриқ ўтлоқи саз тупроқ чиринидига бойроқ. Типик ва тўқ тусли бўз тупроқлар зоналасидаги ўтлоқи саз тупроқларда чиринди 3—6%, оч тусли бўз тупроқлар зоналасидаги ўтлоқи саз тупроқларда эса 1,5—3%. /

Сугориладиган ўтлоқи саз тупроқларда қўриқ ўтлоқи саз тупроқлардагига қараганда чиринди ва азот кам (124-жадвал).

124 - жадвал

Сугориладиган ўтлоқи саз тупроқларнинг химиявий таркиби (% ҳисобида)

Тупроқ ва жойининг номи	Чуқур- лини (см)	Чиринди	Ялпи азот	Ялпи фосфор	Карбонат- лардаги CO_3
Сугориладиган ўтлоқи саз тупроқ,	0—25 25—40	3,80 2,59	0,298 0,185	0,181 0,143	— —
Марғилон ёйилмаси, беда- поя бузилиб биринчи йил экилган пахта					
Бедапоя бузилиб иккичи йил экилган пахта	0—25 25—40	3,49 2,37	0,273 0,181	0,183 0,117	— —
Қадимдан муттасил пахта экилб келинаётган ер (М. Умаров)	0—25 25—40	2,97 2,74	0,249 0,193	0,168 0,152	— —
Сугориладиган ўтлоқи тупроқ, Сўх ёйилмаси (М. А. Папков)	0—16 16—30 36—46 75—85	1,96 1,14 0,97 0,57	0,141 0,107 0,70 —	— — — —	11,06 10,48 9,16 9,83

Бу тупроқлар фосфорга бой ва серкарбонат, аммо узоқ муддат давомида сугориш натижасида карбонатлар қатламлар бўйича бир текисда тақсимланади, баъзан улар устки қатламда кўпроқ бўлади. Шимолий бўз тупроқлар (Чу водийси) даги ўтлоқи саз тупроқларда одатда, жапубий зоналардаги тупроқ хилларига қараганда чиринди билан азот кўпроқ.

/Ўтлоқли саз тупроқларнинг сингдириш сигими 14 мг/экв га боради. Сингдириш сигимида 67—71% кальций юқори қатламларида 25—30%, қуйи қатламларида эса 41% гача магний бор (126-жадвал). Бу тупроқлар шўртоблаимагап. Сугориладиган ўтлоқи саз тупроқларнинг кўпроқ қисми, айниқса оч тусли бўз тупроқлар

**Үтлоқи саз тупроқларда сингидрилған катионлар таркиби
(М. И. Брагчевадан)**

Тупроқ ва жойнанған номы	Чүкүрлігі (см)	Сингидрилған катионлар микдори (100 г тупроқда мг/экв)	Барча катионларга نисбатан (% қисобида)			
			Ca	Mg	K	Na
Сугориладиган саз үтлоқи тупроқ, Фаргона водийси	0—10	14,38	66,27	29,63	2,49	0,61
	10—20	13,36	68,24	28,31	2,30	0,65
	20—30	12,47	71,22	25,82	2,05	0,91
	33—43	12,64	68,41	28,56	1,62	1,36
	65—75	13,16	56,81	41,03	1,17	1,19

зонасындағилари сувда әрүetchan заарарлы тузлар билан шүрланған. Ең үтлоқлар зонасининг юқори ва ўрта қисметлеридеги үтлоқи саз тупроқлар шүрланмаган ёки кучсиз шүрланған. Воҳанинг ичкарисындағы партов ерларни ва ёйилмаларнинг сугорилмайдыган чекикаларини үтлоқи шұрхок тупроқлар ташкил қиласы (126- жадвал).

**Сугориладиган үтлоқи саз тупроқларнинг суалы сүрим таркиби,
% қисобида (М. А. Панков)**

Тупроқ ва жойнанған номы	Чүкүр- лігі (см)	Куруқ қолдан	HCO ⁻ да умумий ишикори- лік	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	Ca ²⁺	Mg ²⁺
Сугориладиган үтлоқи саз тупроқ, Сўх ёйилмасининг юқори қисми	0—20	0,56	0,017	асары	0,316	0,116	0,061
	20—30	0,20	0,020	—	0,094	0,058	0,031
	70—80	0,04	0,028	0,008	0,014	0,049	0,025
	120—130	0,36	0,022	асары	0,164	0,194	0,042
Сугориладиган үтлоқи саз тупроқ, Сўх ёйилмасининг ўрта қисми	0—10	4,30	0,023	0,010	0,820	0,270	—
	35—45	1,35	0,018	0,007	0,861	0,223	—
	75—85	1,36	0,019	0,006	0,874	0,297	—
	105—115	0,58	0,023	0,003	0,268	0,128	—
Сугориладиган үтлоқи саз туп- роқ, Сўх ёйилмаси- нинг четлари	0—10	5,25	0,031	0,085	3,364	0,240	—
	25—35	1,25	0,018	0,006	0,760	0,298	—
	35—58	1,31	0,018	0,005	1,765	0,257	—
	124—134	1,39	0,019	0,007	0,827	0,276	—

Серчиринді үтлоқи саз тупроқлар структурасининг хийла яхши бўлиши билан фарқ қиласы. Агротехникага қараб чидамли структура агрегатлари микдори ҳам ўзгариб туради. Беда экиш тупроқ структурасини яхшилайды (127- жадвал.)

**Ўтлоқи саз тупроқларнинг структура таркиби,
% ҳисобида (М. Умаровдан)**

Фон (мухит)	Чукурлиги (см)	>1 мм	1—0,25 мм	>0,25 мм
Бедаюй бузилиб биринчи йили пахта экилгандага	0—25 25—40	35,11 42,74	13,26 25,20	48,37 67,94
Иккичи йили пахта экилгандага	0—25 25—40	14,34 46,78	22,88 22,98	37,22 69,76
Учичи йили пахта экилгандага	0—25	15,93	17,62	33,55
Надимдан муттасил хайдалиб пахта экиб келинаётган ер	25—40 0—25 26—40	32,57 5,50 24,17	26,36 16,14 35,59	58,93 21,64 59,76

Сугориладиган серчирииди ўтлоқи саз тупроқларниң устки қатламлари серковак ҳамда солиштирма оғирлиги кам бўлади. Тупроқнинг коваклиги настга тушган сари кескин камая боради.

Ўтлоқи саз тупроқларнинг шўрни ювиб ерга органик ва миерал ўғитлар солиш йўли билан унумдорлигини ошириш мумкин.

Ботқоқ ўтлоқи ва ботқоқ саз тупроқлар

Бундай тупроқлар сизот сувлари юза жойлашган (1 м га) настликларда тарқалган. Ботқоқ-ўтлоқи саз тупроқлар таркибида чириндининг хийла кўп бўлиши, грунтларнинг кучли мергелланганилиги ва шўхли қатламларнинг яхши ифодаланиши, шўрланган тупроқ айрмаларида эса арзиқ учраши билан аллювиал тупроқлардан фарқ қиласди. Бу тупроқларнинг кўпчилик қисми сугорилади. Кўлгина майдонларига шоли экилади. Ботқоқ тупроқлар сизот сувлари ярим метр чўқурликда ётган жуда настлик жойларни ташкил этади. Булар орасида глейли-ботқоқ тупроқлар кўпроқ бўлиб, торғ-глейли-ботқоқ тупроқлар ва сел келтирилмалари билан қопланганга торғли ерлар ҳам учрайди.

Ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар ҳам таркибидаги чиринли миқдорига қараб, тўқ тусли ва оч тусли тупроқларга бўлинади. Тўқ тусли ботқоқ ўтлоқ тупроқларда чиринди миқдори 3—8%, оч тусли ботқоқ ўтлоқи тупроқларда эса 1,5—3% атрофида бўлади (128- жадвал).

Бу тупроқлар азот (0,45% гача) ва фосфорга (0,17—0,22%) бой. Пастга қараб карбонатлар миқдори орта боради. Сизот сувлари ювиб (эритиб) ўтган настки қатламларда карбонатлар энг кўп бўлади.

Тупроқ шайдо қылувчи она жинслар. Қизил ва сариқ тупроқлар тарқалган территорияда асосан авгитпорфиритли¹ туф жинслар күп тарқалған. Булар юзасида қизил тусли аллювий, делювий, пролювий ва аллювий өткізиқлари түпланған бұлади. Анализлар она жинс таркибида темир оксидлари күп ва каолинитлар йүқлигина күрсатади.

Пишиқ ғишт рантига ўхшаш қизил тус латерит типидаги тупроқларга хос бўлган хусусиятлардан бири. Later сўзи ҳам шундан келиб чиққан бўлиб, у латинча пишиқ ғишт маъносини англатади. Шуни ҳам айтиш керакки, оч қизил тус тропик мамлакатлардаги типик латеритларга хосдир. Закавказье латерит типидаги қизил ва сариқ тупроқлар ўз номи билан кўшинча қизғиш ва қизғиш-сариқ тусда бўлади.

Қизил тупроқларнинг 0—20 см қалинликдаги қизғиш ёки тўқ жигар ранг устки A горизонтининг структураси майда донадор ёки донадор, говак қовушмали. 20—80 см оралигидаги қизил тусли B горизонтнинг структураси унча яхши бўлмаганилигидан, бу қатлам жуда зичланған ва ёпишқоқ ҳолатдадир. Она жинси (C қатлами) асосан қизил тусли бўлиб, бунда ора-сира сарғиш қорамтири дөслар ҳам учрайди.

Устки қатламда чиринди кўпинча 4,5—8% дан 10—12% гача, азот 0,4—0,5 % бўлади (130-жадвал). Бу қатламдаги эрийдиган

190-жадвал

Қизил тупроқларда чиринди миқдори ва pH
(В. В. Добровольскийдан)

Генетик горизонтылар	Чиринди %	Тупроқ эрит- масидаги pH
A	4,60	5,3
A	4,78	5,4
B	0,90	5,5
BC	0,90	5,4

моддаларнинг кўпчилиги, темир ва аллюминий оксидлари (Fe_2O_3 14—40% ва Al_2O_3 29—39%)дан иборат бўлганлигидан тупроқ қизил тусли. Булардан ташқари чириндили қатлам таркибида энг кўп кремнезэм (SiO_2 60% гача) ва фосфор (P_2O_5 0,1—0,2%), шунингдек кальций ва магний бирикмалари ҳам түпланди (131-жадвал).

Сернам шароитда бўлгай қизил тупроқларнинг сингидиравчи комплексида водород кўп, реакцияси кислотали (pH 5—5,5) механикавий таркибиға кўра, соғ, бу тупроқларнинг физикавий хоссалари яхши, структураси сувга чидамли, нам сирими ва коваклиги юқори даражалидир.

¹ Авгитпорфиритли туф — химиявий минерал төр жинсларнинг биринчеси.

Қызил тупроқларнинг химиявий таркиби, процент ҳисобида
(Аджарий Б. Б. Полинов)

Генетик горизонтлар	SiO_2	Al_2O_3	Fe_2O_3	MnO	CaO	MgO
A	59,14	22,54	14,13	0,08	0,41	1,22
B	53,63	26,86	16,60	0,08	0,30	1,03
B/C	53,21	29,31	14,04	0,14	0,52	1,19

Қызил тупроқлар 2 типчага: оддий қызил тупроқ ва подзоллашган қызил тупроққа бўлиниади.

Сариқ тупроқ. Сочи шаҳридан жануброқда ва Каспий соҳилинда учрайдиган сариқ тупроқлар ҳам қызил тупроқ пайдо бўлиши процессининг дастлабки босқичи ҳисобланади. Булардан ташқари, Кавказнинг Қора денгиз бўйида, Қримнинг жанубий қирғоқларида ва Фарғона тоглари, Бухоро атрофида terra rossa дейиладиган қызил тусли тупроқ учрайди. Лекин у ҳали яхши текширилмаган.

Қызил ва сариқ тупроқлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва уларнинг унумдорлигини ошириш тадбирлари


Қызил ва сариқ тупроқлар СССРда гарчи унча катта майдонни эгалламаса ҳам, улар қишлоқ хўжалигида катта аҳамиятга эга. Қызил ва сариқ тупроқли Фарбий Грузия районларида токчилик ва боғдорчилик кенг миқёсда ривожланган. Бу районларда энг қимматли озиқ-овқат ва техникавий экинилар экилади. Қызил тупроқли ерларда чой, тамаки, лавр, шунингдек аспельсин, лимон, маандарин сингари цитрус ва эфир мойли ўсимликлар ўсади. Цитрус ва бошқа ўсимликларни ўстириши Улуғ Октябрь Социалистик революциясида кейин, айниқса сўнгги йилларда жуда кенг тарқалди.

Қызил ва сариқ тупроқлар унумдорлигини ошириш ва ундан иуттасил мўл ҳосил олиши таъмин этиш учун қўйидаги агрокомплекс тадбирларни ўз вақтида, совет агрономия фани кўрсатмалари асосида амалга ошириш лозим.

Эрозияга қарши кураш. Бунинг учун нишаблиги 20 градусдан ортиқ бўлган қия жойларни террасалаш, ерни кўйдалангига ишлаш, эгат олиш ва ерни ювишдан сақлаш учун чойни зич экиш сингари тадбирларни қўллаш тавсия этилади.

Ерни ишлаш. Нишаблиги 20 градусдан ортиқ бўлган жойларни текислаб террасаларга ажратиб уларга алоҳида-алоҳида ишлов берилади, яъни 2—3 ва ундан ортиқ террасага мўлжалланган ерга бира тўла ишлов бериш (туташ ишлаш)та йўл қўйилмайди. Нишаблиги 5—10 градус бўлган жойлардагина ер бетини текисламай, туташ ҳайдаш мумкин.

Ўғитлаш. Қызил ва сариқ тупроқларда ўсимликлар ўзлаштира оладиган моддалар кам бўлганлигидан органик ва минерал ўғит-



56-расм. Қатламлы соҳил; А-асосий иккиячى оқымдагы горизонтал гирдобларнинг ривожланиш схемаси: а-дарёнинг асосий оқими, б-дарёниң иккинчи оқими, в-сүрбөсмайдиган дүңгелар; В-вертикал гирдобнинг ривожланиш схемаси: а-она жинс, б-пастки аллювиал құмлар, в-дарё сувинидегі ўртача сатхи, г-тошқын сатхи, д-асосий оқим, е-иккинчи оқим.

лардан кепг фойдаланиш керак. Бунда фоефорли (томасплак, фосфорит уни) ва азотли (аммоний сульфат) ўритлардан фойдаланиши тавсия этилади. Калийли ўритлар солинган ерда ўсаёттан әкинлар ұар хил касаллуктарга чидамли бўлади, әкин ҳосилиниң сифати яхшиланади. Шунинг учун қизил тупроқларга калийли ўритларни ҳам солиб туриш тавсия этилади.

Ўсимликлар учун жой таилаш. Субтропик районларининг табиий шароити ұар хил. Шунинг учун бу зонада ұар қайси ўсимликтине ўзига мос келадиган жой таилаш лозим (56-расм).

XXVIII б о б ДАРЁ СОҲИЛИ ТУПРОҚЛАРИ

Дарё соҳили гидроморф тупроқларини ўрганиш XIX асрнинг 1882—1883 йилларида бошланди. Лекин дарё соҳилида тупроқ пайдо бўлиши процесси ҳақидаги таълимит биринчى маротаба В. Р. Вильямс томонидан асосланди. Кейинчалик дарё соҳили тупроқларини ўрганишда С. С. Соболев, В. И. Шрага, Е. В. Шанцер, И. И. Плюснин, Г. В. Добровольский, В. В. Егоров ва бошқа олимларнинг хизматлари катта.

Тарқалиши. СССР территориясида катта ва кичик дарёлар ниҳоятда кўп. Бу дарёларнинг кўпчилигига дарё водийлари ва водий

соҳиллари яхши ривожланган. Энг катта дарёлар (Лена, Обь) нинг кўйи қисмидаги соҳилларининг кенглиги 40—50 км гача етади. Баъзи дарё (Неванинг) соҳиллари яхши ривожланмаган. СССРда асосан дарё соҳили тупроқлари Днепр, Ока, Волга, Кама, Иртиш, Лена, Обь, Шимолий Двина, Амур, Амударё, Сирдарё, Чу, Зарафшон ва бошқа дарёларнинг водийларида тарқалган. Тоғли областларда дарё соҳиллари яхши ривожланмаган.

СССР дарё соҳили тупроқларининг майдони 57,5 млн га бўлиб мамлакатимиз территориясининг 2,6%ини ташкил этади.

Туироқ пайдо бўлиш шароитлари

Дарё соҳили тупроқларининг химиявий таркиби, физикавий ва бошқа хоссалари дарёларнинг сув режимига bogлиқ.

Ўзан олди соҳил. Тошқин энг кўп ва тез бўладиган дарё соҳили бўлиб, бу ерда энг йирик қум зарралари ётқизилади. Тупроги яхши ривожланмаган ва унумдорлиги паст.

Марказий соҳил. Дарё қирғогидан узоқроқда жойлашган, бу ерларда тошқиннинг тезлиги сусайган бўлиб, майда заралар, органик моддалар, бактериялар аста-секин тўплана бошлиди. Тошқин тўхтаб, сув тамомила қайтгандан кейин, соҳил бетида қалин чўкини қатлами ҳосил бўлади. Чўкиндилар қуригандан кейин ҳажми кичрайиб горизонтал қатлам пайдо бўлади, чўкини юзаси 2—3 мм катталиқдаги кўп қиррали увоқларга ажралади. Шундай қилиб, донадор структурали соҳил тупроги вужудга келади.

Четки соҳил. Дарё қирғогидан энг узоқдаги террасага чегарадош соҳил бўлиб, рельефи жиҳатидан анча пастликда жойлашган. Четки дарё соҳили биринчидан тошқин таъсирида, иккинчидан ўқори террасалардан сизиб келётган сув таъсирида бўлади.

Рельеф. Ўзан олди соҳилининг рельефи баланд-пастликлар ва қум тепачаларидан иборат. Қирғоқдан узоқлашгая сари рельеф олдин баландлашиб кейин четки соҳилда яна пастлашади.

Марказий соҳил рельефи текисликлардан иборат.

Ўсимликлари. Дарё соҳилининг рельефи паст-баландликлардан иборат бўлганидан ўсимликлари ҳам ҳар хил. Рельефнинг баландроқ қисмидаги ҳар хил ўтлар сийрак ҳолда ўсади; қия жойларда ёввойи беда, қора бурчоқ сингари дуккакли ўтлар; пастлик қисмидаги эса, асосан, донли пичан ўтлар, булардан ташқари, қоратол, бақатерак, қоратерак сингари дарахтлар ҳам ўсади. Шимолдаги дарё соҳилларида эса дуб, терак, қайин, арча, тол ва бошқа дарахтлар ўсади. Марказий соҳил пичан йигишда энг яхши ерлардан ҳисобланиб, бир гектар ердан 30—40 центнер хашак ўриб олиш мумкин.

Дарё соҳилидаги аллювий ётқизиқларда тарқалган гидроморф тупроқларининг тури, таркиби ва хоссалари ҳар бир соҳилда турлича бўлиб, асосан у ерда ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ ва ботқоқ тупроқлар учрайди. Бундай тупроқлар лойқали, лойқа-чапгли соз

механикавий таркибли, чиринди 0,5—5% ни ташкил қиласади. Сизот сувларининг сатҳи 1,5—2 метр. Шўрланган гидроморф тупроқлар чўл-дашт ва дашт зоналаридаги дарё водийларида кенг тарқалган.

Булардан ташқари, дарё водийсидаги қумли соҳилларда оз чириндили қумли тупроқлар ҳам учрайди. Бундай тупроқлар сувни яхши ўтказганлиги сабабли уларда ботқоқланиш процесси бўймайди.

Дарё соҳили тупроқларининг характеристикаси

Дарё соҳилида аллювиал тупроқлар кенг тарқалган. Уларнинг пайдо бўлиши ва унумдорлигига чимли ўтлоқ тупроқ пайдо бўлиш процессининг ҳамда энг майда заррачаларнинг (чангсимон) роли катта.

Аллювиал тупроқлар тузилиши, химиявий ва физикавий хоссаларига кўра 2 хилга: қатламли ва донадорга бўлинади.

Қатламли аллювиал тупроқлар. Бу тупроқлар ўзан олди ва марказий соҳилларда кенг тарқалган бўлиб, қумлоқ ва қумли қатлам қалинлиги 1—10 см гача бўлади. Баъзан енгил қумоқ қатламлар ҳам учрайди. Чириндили қатламишининг қалинлиги 3—5 см да 10—30 см гача, баъзан ундан ҳам кўпроқ (57-расм). Денгиз соҳилининг марказий қисмida сувлариниг ҳаракати тинчроқ бўлганлиги сабабли энг майда заррачалар чўкади. Тупроқ ўригандан сўнг майда донадор бўлакчаларга бўлинади. Озиқ моддаларга бой, нами етарли бўлган бу тупроқда ўтлоқлар қалин ўсади ва уларнинг таъсирида донадор структурали тупроқ пайдо бўлади.

Унинг сингдириш сифими юқори, реакцияси кислотали (pH 4 дан 6 гача (132- жадвал).

132- жадвал

Дарё соҳили тупроқларининг химиявий таркиби

Тупроқ ва жойининг номи	Чукурлиги (см)	Чиринди (%)	Тузлама сўрми-даги pH	Сингдирилган асослар йигими-диси, 100 г тупроқда, кг, энг ҳисобида
Москва дарё соҳили; қатламли қумлоқ тупроқ (Л. И. Кораблева)	0—20 23—43 0—10	1,2 0,4 5,4	5,1 5,0 6,7	14,8 13,8 41,0
Ока дарё соҳили; донадор қумоқ тупроқ (Л. И. Кораблева)	15—20 40—50 0—10	3,5 1,9 3,5	6,8 6,4 3,9	30,0 29,0 18,3
Ветлуга дарё соҳили; қатламли қумлоқ тупроқ (И. Н. Кордунин)	10—20 20—30 1—5	0,90 1,10 7,30	4,1 4,2 5,9	11,6 16,8 34,7
Объ дарё соҳили; донадор, оғир қумоқ тупроқ (В. И. Шраг)	8—16 20—26 52—58	5,82 3,78 1,12	6,0 5,9 —	34,1 27,7 28,9



57-расм. Чотқол тогидағы Субалыл зонасы ўрмоа-зорянынг іжкори қисміда үсіттегі пихта дарахтлари. Киргизистон ССР.

Дарё соҳилининг сизот сувлари яқин жойлашган паст рельефли жойлардаги марказий, айниқса сиртқи соҳилда ботқоқланыш процесси кучли бўлиб, бу ерларда чим-глейли тупроқ пайдо бўлган. Сиртқи соҳилда бу тупроқлардан ташқари азот, фосфор, кальций ва магнийга бой бўлган лойқали ботқоқ тупроқлар тарқалган.

Дарё соҳили тупроқларининг зоналлиги. ССР даги дарё соҳиллари тури турли зоналарда жойлашганлиги сабабли ҳар бир зонадаги соҳил тупроқлари ўзига хос айрим хусусиятга эга.

Тундра зонасидаги дарё соҳили тупроқлари совук иқлимда, ўсимликларнинг ўсиш даври қисқа бўлганлиги сабабли бу ерларда асосан моҳлар ўсади, биологик процесс суст кечади. Шу сабабли торф билан қопланган тупроқ қатлами қалин эмас ва ихши ривожланмаган. Тайга ўрмон зонасида эса сернам шароитда анча берчланган ва темир доғлари бор чимли тупроқлар пайдо бўлган. Бу зонада ботқоқ ва чимли-глейли тупроқлар кеңт тарқалган. Зоанинг ўрмоили майдонларида эса чимли подзол тупроқлар тарқалган.

Үрмөн-дашт ва дашт зонасида ўсимликларнинг ўсиши учун қулай шароит бўлганларни сабабли бу ерларда қатламли, донадор структуралри қора тупроқлар, сур қўнғир тусли ўрмөн, қўнғир тусли ўрмөн сингари соҳил тупроқлари тарқалган. Қуруқ ва иссиқ иқлими дашт ва чўл зоналарида ботқоқ, ўтлоқи, ўтлоқи-бўз тупроқлар ва шўрланган тупроқлар тарқалган.

Дарё дельтасида пайдо бўлган тупроқларга тошқин сувларидан ташқари, океан, дengiz ва кўл сувларининг ҳам таъсири бўлади. В. В. Ёгоров маълумотига кўра қуруқ иқлими дельталар тупроғи ҳам ўзига хос зоналлик хусусиятига эга экан. Жанубдаги дельталар тупроғи Шимолдаги ана шундай тупроқларга нисбатан кўпроқ шўрланган бўлади. Ундан ташқари дельталар юқори қисмининг гидрологик шароитлари уларнинг ташқи пастки қисмидан кескин фарқ қиласди, бинобарин юқори қисмидаги тупроқлар сиртчи қисмидаги тупроқлардан химиявий, механикавий таркиби ва бошқа хусусиятлари билан фарқ қиласди.

Дарё соҳили тупроқларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиши

Дарё водийсининг қуий қисмida тарқалган соҳил тупроқлари серўт яйлов ҳисобланиб, чорвачиликда катта аҳамиятга эга.

СССР да хашак ўриш ва яйлов учун яроқли соҳиллар майдони 33 мли. гектарни ташкил қиласди. Сўнгги йилларда дарё водийларидаги соҳилларда учрайдиган гидроморф тупроқларни сугориш, турли мелиоратив тадбирларни кенг қўллаш йўли билан улардан ҳар хил сабзавот ва полиз экинлари ҳамда турли техникавий экинлар экиш учун кенг фойдаланилмоқда. Ундан ташқари соҳилдаги торфдан ёқилги ва ўғит сифатида фойдаланиш мумкин. Демак, ҳар қайси зонанинг табиий шароити ва дарё водийсининг характеристига кўра соҳил тупроқларидан қишлоқ хўжалигида ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланиш мумкини. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистондаги бу тупроқлардан шоликорликда ҳамда сабзавот, полиз экинлари экиб фойдаланилмоқда.

Соҳил тупроқларининг унумдорлигини ошириш; улардаги табиий яйловлардан тўлиқ фойдаланиш ва экинлардан мўл ҳосил этишириш учун дарё қирғоқлари яқинида сув тошқинини тўсувчи катта марзалар олиш, коллектор ва зовурлар қазиб, сизот сувлари сатҳини пасайтириш, айрим ерлардаги халқоб сувларни қочириш, бутазорлар ва дараҳт тўнгакларини ўқотиш, сугориш ишларини яхшилаш, тупроқни органик ва минерал ўритлар (айниқса калий) билан ўғитлаш, эрозиянинг олдини олиш, дарё қирғоги ва нишаб ён бағирларга иҳота дараҳтлари ўтқазиш, ўзан олди ва марказий соҳилларда дараҳтзорлар барпо қилиш каби агрокомплекс ва гидротехникавий тадбирларни амалга ошириш керак. Бу тадбирлар дарё водийларидаги гидроморф тупроқлардан фойдаланишини яхшилаш ва унинг ҳамма қисмida дедқончиликни ривожлантиришга имкон беради.

XXIX бөб ТОҒ ТУПРОҚЛАРИ


Тарқалиши. 1898 йилда В. В. Докучаев биринчи марта тупроқларнинг вертикал зоналар бўйича тарқалиш қонунини аниқлади. Кейинчалик, бу қонун Л. И. Просолов, С. А. Захаров, С. С. Неуструев ва бошқа совет тупроқшунослари томонидан анча мукаммаллаштирилиб кенгайтирилди ва ривожлантирилди. Тоғ тупроқлари СССР территориясининг учдан бир қисмияни (30,3%) эгаллайди. Тоғ тупроқлари СССРнинг ғарбий чегарасидан шарққа томон йўналган вертикал зоналлик қонунияти асосида жойланган. УССРнинг жапуби-ғарбий қисмидаги Карпат тогларида, Крим ярим оролининг жанубидаги Крим тогларида, Қора дениз ва Каспий денгизлари оралигидаги Кавказ тогларида, Осиё қитъаси билан Европани ажратиб турган Урал тогларида, Урта Осиё республикалари территориясидаги Помир, Помир-Олой, Тян-шанъ ва Олтой-Саян тоғ системаларида тупроқларни ўз ичига олади. Байкал кўлининг жанубидан бошланган Забайкалье ва Узоқ Шарқ тогларида, Камчатка ва Сахалин ярим оролидаги тогларда, СССРнинг Осиё қисмидаги Сибирь ясси тогларида, Қозогистоннинг шимолий қисмидаги Қозогистон тизма тогларида тоғ тупроқлари кенг тарқалган.

Тупроқ пайдо бўлиш шароити

Иқлими. Текисликдан тоғ чўққисига кўтарилиган сари иқлим ўзгаради, температура пасаиди, атмосфера босими камаяди, ҳаво памлиги ва ёғин миқдори кўпайди.

Баландликка кўтарилига сари ҳар 100 м да температура 0,4—0,6° пасайиб, ёғин миқдори кўпая боради. Бир йилда тушадиган ёғин миқдори 800—1200—1500 мм га етади. Ёғин миқдори тоғли районларда дениз сатҳидан маълум баландликкача кўпая бориб, Помир сингари энг баланд тоғ системаларининг юқори қисмida яна кескин камаяди. Тоғли районларнинг қиши узоқ бўлиб, қор кўп ёгади, ёзи қисқа бўлади. Вегетация даври 90 кун, кўпинча 30—45 кунни ташкил этади. Иқлим шароитининг хилма-хиллиги ўсимликларнинг ҳам турли-туман бўлишига сабаб бўлади.

Ўсимликлари. Тундра зонасидаги тоглар бир оз баландликкача лишайник-моҳлар билан қопланган. Жанубий ён бағирларда ўсимликларнинг хили бирмунча кўпроқ, шимолий ён бағирларда эса камроқдир. Шимоли-шарқий Сибирь тогларида кенг баргли ўрмонлар, Олтой-Саян тоғ системасида кедр ва пихта ва кедр аралаш ўсадиган қора қарагай (ель) ўрмонлари иўп тарқалган. Қора тупроқлар даشت зонасидаги Жанубий Уралнинг қуий қисми қўйин ўсадиган ўрмон-дашт билан, юқори қисми қора қарагай ўрмонлари билан, ундаи баландроги эса тоғ ўтлоқлари билан қоп-



68-расм. Жарликкынг пайдо бўлиши. Жар ариқ.

ланган. Шу зонада жойлашган Шарқий Карнат тогини дуб, бук, грабдағ ibirat кенг баргли ўрмонлар қоплаган, юқорисини нина баргли ўрмонлар эгаллаган, улардан ҳам баландда төг субальп ўзи эк и учрайди (58-расм).

Акал зоналлик СССРнинг жанубий районларида, Кавказда ҳамда Ўтра Осиёният тогли районларида айниқса яққол кўринади. Масалан, Тяньшанинг шимолий төг тизмалари шувоқ-шўра, шувоқ-эфемер, сўнгра шувоқ-бетага, бетага-чалов, галла-гуллилар — сингари турли ўтлар ўсадиган даштлар, ундан юқорида эса кенг баргли, сўнгра нина баргли ўрмонлар, баланд төг субальп ва алп ўтлоқлар ҳамда доимий қор ва муэзликлар билан қопланган. Турон вилояти доирасида жойлашган Помир-Олой тогларида шувоқ-шўрали чўллар баландликка кўтарилиган сари мунтазам равишда эфемерлар ўсадиган чала саванина, ўсиқ ўтлар, зарапг, бінғоқ, төгролча ва олма ўсадиган кенг япроқли ўрмонлар билан алмашинади; бу ўрмонлар ўза навбатида турли хил ўтлар ўсадиган дашт ва ўтлоқ-даштлар билан, юқорироқда арча ўрмонлари, субальп ва алп ўтлоқ-даштлари ҳамда төглар орасида эса баланд төг чўллари ва төг тепалари доимий қорлар, муэзликлар билан қопланган.

Рельефи. Иқлим ва ўсимликлар сингари тупроқ пайдо қилувчи факторлар ҳам ҳар қайси төг системасида турличадир. Тогли районларининг рельефи хилма-хил ва жуда мураккаб. Тогли област-

ларда тупроқ турларининг алмашиниши, асосан орорельеф таъсирида иқдим ва ўсимликларнинг ўзгариши билан боғлиқ.

Тоғ тупроқларининг ривожланишида экспозиция (кунга ёки соя томондалиги) муҳим аҳамиятга эга. Ундан ташқари мураккаб ва тикка рельефли тоғларда ёғин сувлари жуда тез оққанлигидан ер юзасидаги майда зарралар (мелкозёмлар)нинг кўп қисми ёки ҳаммаси ювилиб кетади. Шунинг учун ҳам тоғлардаги она жинс ва тупроқлар кўпинча ёнгил механикавий таркибидир. В. В. Докучаев ибораси билан айтганда «тоғли районларда рельеф тупроқ тақдирини ҳал қилувчи фактор ҳисобланади».

Тупроқ она жинси. Тоғ тупроқларининг она жинслари минералогик ва химиявий таркиби ҳамда физикавий хоссаларига кўра хилма-хил. Тупроқ пайдо қилувчи она жинс бўр, учламчи давр чўқиқиди, отқииди тоғ жинсларининг нураш маҳсулотларидан иборат. Тоғ оралиғидаги водий ва настликлар эса ҳар хил қалийликдаги турли механикавий таркибли тўртламчи давр ётқизиқларидан иборат. Тяншань, Помир тоғ тупроқларининг она жинси таркибида ҳар хил сувда эрийдиган заарли тузлар кўп бўлганлиги учун тупроги ҳам турли даражада шўрланган.

✓ Тоғ тупроқларининг вертикал зоналлик қонунияти ва классификацияси

Юқорида айтиб ўтилган тоғ системалари хилма-хил бўлишига қарамай, ҳаммасида ҳам маълум даражада вертикал зоналлик мавжуд. Бироқ зоналар (133-жадвал) уларнинг табиий шароити ҳамма тоғ системасида бир хил эмас. Чунки вертикал зона шу атрофдаги горизонтал зонадаги табиий шароит билан маълум даражада ўзаро муносабатда бўлади.

Вертикал зоналар ҳам табиий шароитига кўра текисликдаги горизонтал зоналарга ўхшаб ўзгаради. Текисликдан тоғ чўқиқисига кўтарилиган сайин вертикал зоналар жанубдан шимолга томон йўналган географик (горизонтал) зоналар каби алмашилиб боради. Аммо ҳар қайси тоғ системаси ва унинг маълум қисмининг тупроги турлича. Масалан, СССРнинг шимолий ва шимоли-шарқидаги подзол тупроқлар зонасининг тоғ системасида тоғ подзол тупроқлари, жанубий районларидаги тоғ системаларида эса тоғ қўяғир тупроқлари тарқалгай. Бундан ташқари, айrim тоғларда баъзи тупроқ зоналари бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, Фарбий Тяншанда қора тупроқлар зонаси бўлмайди, Фарғона тогига ва Жунгар флатовида эса тоғ ўрмон тупроқлари учрамайди. Ундан ташқари баъзи тоғ системаларида вертикал зоналлик тоғ тундрави зонасидан бошланса, Жанубий Уралда қора тупроқдан, Урга ва Шимолий Уралда эса тоғ подзол зонасидан бошланади. Бунга сабаб тоғ районларида иқлимининг хилма-хиллиги, рельефнинг мураккаблиги, ўсимлик ва тупроқ она жинсининг турли-туманидидир.

СССР даги төр тупроқларининг жойлашынгы схемаси ва майдони

Тупроқлар	Майдони, минг км км ҳисобида	СССР нийт уму- мий майдониги нисбетан (процент ҳисобида)
Төр тундра тупроғи	1455	6,5
Төр ўтлоқи ва төр даشت-ўтлоқи тупроғи	244	1,1
Төр подзол ва сур тусли төр ўрмон тупроғи	4522	20,3
Төр ўрмон-құнғыр тусли тупроғи	101	0,5
Төр даشت ва қаштақ тупроғи	407	1,8
Төр чүл тупроғи	22	0,1
Жами	6751	30,3

Төр тундра тупроғи. Төр тундра тупроқлари Шимолий Уралда, Үрта ва Шарқий төр системаларида, ҳамда бошқа шимолий төрларда кеңг тарқалған. Бу тупроқлар төгларининг эң юқори қисміда асосан мох-лишайниклар ва бута үсімліктер таъсирида пайдо бўлади. Тупроқ қатлами яхши ривожланмаган бўлиб, қалинилиги 15—25 см дан ошмайди. Тупроқ қатлами тагида доимий музлагав горизонт жойлашган. Бу зонада қиши узоқ ва совуқ, ҳаво намалити юқори, вегетация даври жуда қисқа. Химиявий ва биологик нураш суст, физикавий нураш эса кучли кечади. Тупроқдаги намалик кучсиз буғланиши сабаби тупроқ сернам ва ботқоқланған бўлиб, микробиологик процесслар ривожланмаган. Тупроқ бетини торғ қоплаган.

Тупроқ реакцияси кислотали. Сингдириш сиғими 100 г тупроқда 20—35 г/еке бўлиб сингдирувчи асосларининг асосий қисми водороддан иборат. Төр тундра тупроғи чириндисининг миқдори 15—22%. Чиринди таркибида фульвокислоталар кўпроқ (134-жадвал).

Төр ўтлоқи тупроқлари

Бу тупроқлар төр ўрмон ва төр подзол тупроқлар миңтақаси-нинг юқори қисміда, одатда деңгиз сатҳидан 1800—2000 м ба-лавдликда жойлашган. Төр ўтлоқи тупроқлари Урал төр системаларида ва Саян-Олтой төгларининг баланд қисміда жойлашган. Төр ўтлоқи тупроқлар Карпат, Кавказ, Саян-Олтой төр системаларида ҳамда жанубий ва Үрта Уралда ва Тяньшанда кеңг тарқалған. Бу тупроқлар турли хил она жинсларда ва хилма-хил реъефли жойларда тарқалған бўлиб, тупроқ қатламинынг тузчилиши, механикавий, химиявий таркиби ва физикавий хоссалари ҳам хилма-хилдир. Бу тупроқлар тарқалған миңтақанинг қиши узоқ, ёзи қисқа бўлиб, субальп ўт үсімліктер таъсирида

пайдо бўлган. Бу тупроқларнинг тарқибидаги 15—20% чиринди, 1% азот бўлади; (135-жадвал) карбонатли бирималар кўйи қатламга ювилиб кетган. Реакцияси кислоталидир.

134- жадвал

Тор тундра тупроғининг химиявий тарқиби

Тупроқлар, тор области	Чуқур- лиги, см.	Чирин- ди (%)	Длти азот (%)	Сувли сурим. даги рН	Сингдирилган 100 г тупроқда мэр.эке бига				Катионлар, иони
					Ca ++	Mg ++	H +		
Тор тундра тупроғи. Урал қутби, (К. И. Богатирев ва Н. А. Ногина)	0—10 12—17	14,8 6,9	0,60 0,29	5,4 5,9	3,0 4,2	12,4 1,9	12,3 —	27,7 3,1	
Тор-торфлий тупроқ, Кавказ (В. М. Фрид- ланд)	30—35 2—8 24—32 31—45 60—65	1,8 22,1 9,7 6,8 2,9	— 1,25 0,57 0,36 0,32	5,9 4,4 4,7 4,7 3,2	0,5 3,2 2,6 2,7 2,8	1,0 1,3 0,5 0,2 0,3	0,9 14,4 11,8 7,0 4,0	2,4 18,9 14,9 9,9 7,1	

Тор ўтлоқи тупроқларининг механикавий тарқибидаги шагал, майда тош, қум кўп бўлганлигидан улар енгил тупроқлар жумла-сига киради.

Тор ўтлоқи тупроқлари серковак, нам сифими катта, гигроскопиклиги юқори ва солиштирма оғирлиги кам. Сингдирилган асослар тарқибидаги Ca, Mg 100 г, тупроқда 3,4 мгр. эке бўлиб, H иони анча кўп. Тяншань тор ўтлоқи тупроқларида Ca, Mg миқдори жуда юқори (60 мгр.эке гача), H иони жуда кам бўлганлиги учун реакцияси нейтрал.

Тор ўтлоқи дашт тупроқлари

Бу тупроқлар кўпинча тоғларнинг жанубий ён бағрида тарқалган бўлиб, серкарбонатли она жинс устида пайдо бўлган. Тор ўтлоқи дашт тупроқлар Тоҷикистоннинг Ҳисор Бадахшон тор системаларида, жанубий ва марказий Тяншанда кенг тарқалган. Мазкур тупроқлар морфологик тузилиши, химиявий тарқибига кўра тор қора тупроқларига ўхшайди. Бу тупроқларда чиринди миқдори 14—17% гача бўлиб, чириндили қатлам қалинлиги эса 30—40 см, азот миқдори 0,95% дан 0,55% гача.

Тупроқ донадор структурали, юқори сингдириш сифимида эга (100 г тупроқда 40—55 мгр. эке) реакцияси нейтрал ва кучсиз ишқорий.

Тор подзол тупроқлари

Бу тупроқлар шимолий кенгликдаги тоғли областларда энг кўп тарқалган.

Төг ўтлоқи тупроқларнинг химиявий таркиби

Төг системалари	Чукурлиги (см)	Чиринди (%)	Яланк азот (%)	Сувли сўримдаги pH	Сингалирилган катионлар, 100 г тупроқнда м/эъзе хисобида			
					Ca	Mg	H	Жами
Кавказ (В. М. Фридланд)	0—10	13,3	0,91	4,6	2,4	1,0	7,6	11,0
	40—50	9,8	0,47	5,0	0,7	0,4	5,6	6,7
	50—63	6,1	0,49	5,3	0,6	0,3	2,6	3,5
	0—10	16,1	аниқданмаган	7,0	56,5	4,4	аниқданмаган	
Марказий Тяньшаль (А. М. Мамитов)	11—21	9,1		6,5	36,3	1,4	—	—
	27—37	4,1	«	6,5	23,5	2,4	—	—
	45—55	3,4	«	6,7	28,3	2,0	—	—
	82—92	1,0	«	7,5	15,1	1,4	—	—

Төг подзол тупроқлари асосан нина баргли дараҳт ўсимликлари таъсирида пайдо бўлган бўлиб, төг ўрмон тупроқлар минтақасиning юқорисида жойлашган.

Төг подзол тупроқлар Кавказда, жанубий Уралда, Шарқий Сибирда, Олтой-Саян төг системаларида, Ҳамчаткада ва Сахалинда катта-катта майдонларини эгаллайди.

Төг подзол тупроқлар икки хилга: төг тайга-подзол тупроқлар ва төг ўтлоқи-подзол тупроқларга бўлинади. Бу ҳар иккала хил подзол тупроқлар химиявий таркибига кўра оч сур тусли төг ўрмон тупроқларига яқин туради. Бу тупроқларнинг ҳам бошқа төг тупроқлари сингари қатламлари яхши ривожланмаган ва унча қалин эмас.

Төг подзол тупроқлар қатлам тузилиши аниқ ифодаланган A_0 , A_1 , A_2 , B , B_1 , B_2 ва C генетик горизонтлардан иборат. A_0 —моҳлар билан қопланган, торфлашган, қалинлиги 5—10 см бўлган ўрмон тўшамасидан иборат.

A_1 —дагал чириндили қатлам, қалинлиги 3—5 см.

A_2 —подзоллашган қатлам, қалинлиги 5—15 см.

B —жигар ранг қўнғир тусли берчланган қатлам, қалинлиги 20—25 см.

Төг подзол тупроқларнинг умумий қалинлиги кўпинча 40—55 см дан ошмайди. Бу тупроқлар асослар билан тўйинмаган бўлиб реакцияси ўрта ва кучли кислотали (pH 4,5—5,5), чиринди микдори A_1 қатламда 4—10% гача (136- жадвал). Чиринди таркибидаги фульво кислоталар гумин кислоталардан кўпроқ.

Төг подзол тупроқлар химиявий таркиби, подзолланиш даражаси ва бошқа хусусиятларига кўра қўйидаги типчаларга бўлинади.

1. Подзолланиши яхши ифодаланмаган төг ўрмон тупроқлар.

Төг подзод тупроқтарының химиялык таркиби

Төгнинг номи	Чүкүрлүгі (см)	Чиринді (%)	Сувли сүримдеги рН	Сандырылған миқдори (100 г тупроқда мг/эне ҳисобда)			
				Ca	Mg	H	Жами
Кавказ (С. В. Зона)	8—14	4,3	4,8	2,8	3,0	7,6	13,4
	26—32	3,0	4,7	2,8	2,6	4,1	9,5
	45—52	2,0	4,9	2,2	1,8	4,5	8,5

2. Юза подзодлашган юпқа қатламли төг подзод тупроқ.
3. Күчсиз, ўрта ва күчли подзодлашган төг подзод тупроқ.
4. Чириндили-темирли-берч қатламли төг подзод тупроқ.
5. Чириндили берч (иллювиал) қатламли төг подзод тупроқ.

Төг ўрмона сур тусли тупроқтар. Бу тупроқтар З типтага бўлиниади: сур тусли; түқ сур тусли; оч сур тусли. Мазкур тупроқтар Кавказ төғида Олтой-Саян төг системаларида, Шарқий Сибирь ва Жанубий Уралда кең баргли дараҳтзорлар ва ўтлоқлар таъсирида пайдо бўлган. Тупроқ пайдо қилувчи оча жинси метаморфик төг жинсларининг маҳсулотидир. Төг ўрмона сур тусли тупроқтар текисликларда жойлашган ўрмона сур тусли тупроқларга жуда ўхшаш. Фақат төғликдаги бу тупроқларнинг қатлами унча аниқ эмаслиги, тош қатлами борлиги, умумай тупроқ қатлами қалин бўймаслиги билан фарқ қиласди.

Ўрмона төг сур тусли тупроқларда чиринді миқдори A горизонтда 3% дан 6% гача, баъзан 10—16% гача етади. Реакцияси кислотали, пастки қатламларда эса инейтралга яқин (рН 6—6,5) (137- жадвал).

Ўрмона төг сур тусли тупроқларнинг химиялык таркиби

Тупроқ ва жойининг номи	Гори- зонт- лар	Чүкүр- лүгі (см)	Чирин- ди (%)	Сувли сүрим- деги рН	Сандырылған миқдорлар, 100 г тупроқда мг/эне ҳисо- бда			
					Ca	Mg	H	Жами
Ўрмона түқ сур тусли тупроқ. Кавказ (В. М. Фридланд)	мат- лумот йўқ	2—7	15,6	5,2	28,2	8,2	0,4	36,8
		14—19	8,9	5,4	15,6	5,5	4,4	25,5
		43—48	7,2	5,6	12,8	2,7	4,9	20,4
Ўрмона оч сур тусли тупроқ		71—84	6,8	6,0	24,7	4,3	0,5	29,5
		2—12	9,1	мат- лумот	15,0	5,6	аниқ- лавма- гани	—
Жанубий Урал (С. Н. Тайчиев)	A ₁ A ₂ B ₁	14—24	3,1	йўқ	5,0	3,9	—	—
		31—41	1,6	—	4,5	2,4	—	—

Жадвалда көлтирилган маълумотлар бу тупроқларининг сингдириш сифими 100 г тупроқда 20—37 мг. экв бўлиб, таркибида кальций кўп (йигиндисидан 28,2%) эканлигини кўрсатади.

Тоғ ўрмон қўнгир тусли тупроқлар

Тоғ ўрмон қўнгир тусли тупроқлар Карпат, Крим, Кавказ, Чотқол тоғ тизмаларида денгиз сатҳидан 500 м—1200 м баландликда тарқалган бўлиб, ўртача ийллик температура 5—10° ли мўътадил илиқ иқлим шароитида ривожланади. Иилига 600 дан 1500 мм гача, батъзи жойларда эса 1800 мм гача ёғин ёғади. Ёғин мий давомида нотекис таҳсилланган: ёзниң иккичи ярми ва кузининг биринчи ярми деярли ёмғирсиз ўтади.

Ёғин кам тушадиган жойларда сийрак ўсадиган арчазорлар тагида чиринди миқдори ўртача бўлган тоғ ўрмон қўнгир тусли тупроқлари, ёғин кўп ёғадиган жойларда эса, чиринди кўп бўлган, кучли ишқорсизланган тоғ-тўқ қўнгир тусли тупроқлар тарқалган.

Тоғ ўрмон қўнгир тусли тупроқлари ўрмон тўшамасининг юнқа, А горизонтинынг чиринди миқдорига қараб қўнгир-кул ранг бўлиши билан характерланади. Пастга томон қўнгир ранг кучая боради ва жигар рангга айланади, бу қатламда кўпроқ соз тўпланади ва зичлашади. Унинг қалинлиги 40—80 см. Мазкур горизонт увоқча-ғўрашали, пастда эса ғўрашали структураси билан фарқ қиласди. Ўтувчи горизонт бир оз оч жигар ранг ва оч қўнгир тусда. Карбонатлар В горизонтда учрайди. Тупроқдачувалчанглар ини жуда кўп.

Енгоқзор ва арчазор тагидаги тоғ ўрмон қўнгир тусли тупроқларининг ялпи химиявий анализи устки қатламларда тупроқ пайдо қилувчи жинсларга нисбатан кремнезёмнинг камлиги ҳамда баъзан темирнинг кўп тўпланганинг кўрсатади.

Бу эса тупроқ алюмосиликат қисмининг кучли парчаланиши, кремнезёмнинг анча чуқурга ювилаб тушишини ҳамда уч валентли оксидларнинг тўплана боришини кўреатади. Тоғ ўрмон қўнгир тусли тупроқлари шимолий ўрмонларнинг подзоллашган тупроқларидан кескин фарқ қилиб, субтропик қизил тупроқлар пайдо бўлишидаги белгиларга эга.

Бу тупроқларда, айниқса уларнинг устки қатламларida калий ва фосфор кўп. Ишқорсизланган тупроқ айрмалари ғўраша структурали бўлиб, қўнгир рангдаги доғлар ва кремний сочилмаларига эга (138-жадвал).

А. Н. Розанов маълумотига кўра, бу тупроқнинг минералогик таркибида монтмориллонит 60—70%, слюда тахминан 10% янташкил қиласди. Бошқа маълумотларга кўра, минераллар таркибида турли оксидлар ва темир гидрооксидлар иштирок этади.

Енгоқзорнинг ўрмон тўқ қўнгир тусли тупроқлари устки қисмida чиринди кўп (5,5—13%), лекин бир оз чуқурликдаёқ кескин камайиб кетади, аммо чиринди қатлами анча қалин. Бу

Төг құнғыр тусли ўрмоп тупроқларнинг механикавий таркиби (%) ҳисобида)

Тупроқ ва иш- ниңг номи	Чүкүр- лиги (см)	1—0, 25	0,25 — 0, 10	0,10— 0,05	0,05 — 0,01	0,01 — 0,005	0,005 — 0,001	0,001 — 0,01
Төг ўрмоп құнғыр тусли тупроғи (Чотқол төг тизмасы, З. И. Атошпана)	0—8 9—19 30—40 80—90 155—165 180—190	1,29 0,47 0,27 0,22 0,61 0,94	0,67 0,37 0,20 0,22 0,62 1,69	1,98 4,67 6,03 0,17 2,46 4,42	47,15 40,27 39,25 2,94 38,20 39,50	13,10 16,82 15,20 41,95 17,60 14,60	21,90 20,20 20,40 11,65 18,35 25,75	13,90 17,20 18,15 22,05 22,25 12,60
								48,90 54,22 54,25 51,25 58,00 52,95

тупроқларда азот жуда күш (0,37—0,60%). Карбонатлар анча чүнурда (1,5 м дан пастда) түйланған; эритма мұхити күчсіз ишқорий. Тупроқ асосларга түйнекті бұлыб, сингидириш сиғими катта. Карбонатларда карбонатлы қатлам күпинча иккінчи ярим метрда жойлашады. М. А. Панков маълумотларига күра, бу тупроқларнинг чириди таркибіде гумин кислота күпчиликкі ташкил этади. Мана шу хусусиятлари билан бу тупроқлар текисликдеги тупроқлардан фарқ қиласы.

Тупроқ устки қисміда гумин кислота тупроқлардаги барча углерод миқдорининг 31%, пастда эса 34—36%, фульвокислоталар 14—17% ни, әримайдың қолдик юқорида 25%, пастда эса 38% ни ташкил этади.

Төг ўрмоп құнғыр тусли тупроқларнинг структурасы сувга чидамли, ғовак қовушмали. Бу тупроқларнинг сув-жаво хоссалары яхши бўлиб, атмосфера ёғинларидан намланиш чуқурлиги 3—5 м га этади.

Төг қора тупроқлари

Бу тупроқлар Крим, Жапубий Урал ва Ўрта Осиё төг системаларида (Тяньшанда) көнг тарқалған. Төг қора тупроқ типчалари текисликдеги қора тупроқ типчалари кабидир. Төг қора тупроқлари бир-биридан карбонатлилiği, ишқорсизланғанлығы ва подзоллашынынг билан фарқланады. Төг қора тупроқлар текисликдеги қора тупроқлардан тупроқ қатламинынг қалин әмаслиғи (50—70 см), механикавий таркибииңг енгиллиғи (құмоқ) ва бошқа хусусиятлари билан фарқ қиласы (139- жадвал).

Жадвалда тупроқ юқори қатламинынг механикавий таркиби йирик ғанағли оғир құмоқ бўлиб, 40 см дан пастда эса йирик ғанағли ўрта құмоқдир.

Төг қора тупроқларда чиринді миқдори 5—5,7%, баъзан 10% га боради. Төг қора тупроқларнинг характерли белгиларидан бири, чириндінинг горизонт бўйлаб аста-секин, она жанса ўтиш қатламида эса кескин камайышидир (140- жадвал). Сингидириш сиғими 100 г тупроқда 30—50 мг әкв. Асослар билан түйнекті.

**Төг қора тупроқларнинг механикавий таркиби. Марказий Тяньшань
(А. М. Мамитов)**

Чукурлиги (см)	Авицелла йўқолгани	Зерралар диаметри мм, миндори % ҳисобида								Тупроқ механикавий таркиби номи
		1—0,25	0,25—0,05	0,05—0,01	0,01—0,005	0,005—0,001	0,001 дан кичик	0,001 дан кичик варра миңдори		
0—14	Бўй	0,4	4,0	48,6	15,7	13,5	16,9	46,5	Иирин чағли оғир қулоқ	↔
20—30	«	0,3	2,2	50,0	17,5	17,5	13,0	47,5	«	↔
40—50	—	0,3	3,4	39,5	16,8	20,9	19,1	56,8	Иирин чағли ўрта қулоқ	↔
75—85	10,0	0,2	21,2	37,5	12,2	12,8	16,1	41,1	↔	↔
110—120	10,1	0,4	23,6	41,0	7,1	13,6	14,3	35,0	↔	↔

Юқори қатлам тупроқ әритмасининг реакцияси нейтрал, пастки қатлам әритмасининг реакцияси эса ишқорийдир.

Төг қора тупроқларида кремнекислота ва оксидларнинг қатлам бўйлаб тарқалиши текисликлардаги қора тупроқлардан фарқ қилимайди.

Төг қора тупроқнинг химиявий таркиби (Арманистон ССР X. П. Мирижанян)

Чукурлиги (см)	Чиринди (%)	Ялни химиявий таркиби чириндишина тупроққа ишбатан % ҳисобида	Сандирилган асослар 100 г тупроқда маъз ҳисобида	Карбонатлар даги (%)	Сувли сўримдаги рН

Карбонатли төг типик, қора тупроқ (Лениннакан баланд текислиги)

0—10	5,5	65,08	12,39	16,77	51,0	51,1	66,1	0,76	8,1
30—40	4,1	64,51	12,26	15,46	45,3	13,8	59,1	1,49	8,1
55—65	2,5	64,00	12,39	12,62	20,0	9,3	29,3	4,87	8,1
80—90	0,6	—	—	—	—	—	—	—	8,7

Төг ишқорсизланган қора тупроқ (Севан водийси)

0—10	5,7	59,91	6,85	21,01	34,5	8,0	42,5	0,07	7,8
20—30	5,1	59,81	7,58	20,20	32,6	7,3	39,9	0,03	7,9
40—50	3,3	60,11	8,08	19,86	29,4	6,2	35,6	0,30	8,1
70—80	1,0	56,71	7,15	20,77	—	—	—	11,04	8,5

Бу тупроқлар қуруқ ва иссиқ иқдимли шароитда пайдо бўлиб, тог тупроқ минтақасидан пастда жойлашган. Бу ерда ўртача йиллик температура $+6^{\circ}$ дан $+10^{\circ}$ гача, ёғин миқдори эса бир йилда 300—500 мм. Тог каштан тупроқлари икки тигга; оч тусли тог каштан тупроқ ва тўқ тусли тог каштан тупроқларга бўлинади.

Оч тусли тог каштан тупроқлари инг горизонт бўйлаб тузилиши қўйидагича, *A* горизонтиниг қалинлиги 15—20 см, қўнғир кул ранг, сийрак чимли, юқориси қатламли, пастки увоқли структурага эга; *B* горизонти 25—30 см, оч қўнғир сарғиши рапгли, увоқли зичлашган структурали, кислота таъсирида ер бетидан ёки 5—7 см чуқурлиқдан бошлаб қайнай бошлайди; карбонатли қатлами 30—40 см дан бошланади. Оч тусли тог каштан тупроқларда чиринди миқдори 2—3,5%, тўқ тусли тог каштан тупроқларда 3—5% га қадарли, азот миқдори 0,15—0,2%, фосфор эса 0,2—0,25% гача. Бу тупроқларда бўз тупроқларга нисбатан карбонатлар камроқ.

Тўқ тусли тог каштан тупроқлар *A* қатламиниг қалинлиги 20—35 см, *B* қатламиниг қалинлиги эса 29—35 см. Тупроқ яхши структурага эта, карбонатлар 40—50 см дан бошланади.

Тог каштан тупроқлар текисликдаги каштан тупроқлардан шўртбланимаганлиги, гипсли ва тузли қатламларниг деярли йўқлиги билан фарқ қиласди. Тог ён бағирларида кенг тарқалган, ювилган тупроқлар қатламиниг юпқалиги, чиринди миқдориининг бирмунча камлиги ва карбонатли қатламларниг бир оз юқори жойлашиши билан ажралиб туради.

141-жадвал маълумотларига кўра тог каштан тупроқларда чиринди миқдори ўрта ҳисобда 2—4% бўлади. Карбонатлар юқори қатламда кам (2—3%), пастки қатламда эса кўп (6—9%).

141-жадвал

Тог каштан тупроқларининг химиягий таркиби (% ҳисобида)

Тупроқ ва якйининг номи	Чуқурлиги (см)	Чиринди миқдори (%)	Карбонатлар дати CO_3	Ялпи P_2O_5
Оч тусли тог каштан тупроқ (Қора қўй водийси)	0—8 0—17	3,6 2,74	2,83 3,63	— —
	18—24 34—42	2,04 1,13	4,20 8,75	— —
Тўқ тусли тог каштан тупроқ (Иўчқор водийси)	2—6 20—25 40—50 90—100	4,37 2,82 1,57 1,49	1,82 3,04 4,08 5,92	0,20 0,14 0,18 0,20

**СССРнинг төглик районларида қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ср майдони
(млн. гектар ҳисобида)**

Деҳқончилик тури (срдан фойдаланиш)	Тоғ-тундрага тупроқ зо- наси	Тоғ ўтлоқи тупроқ зо- наси	Тоғ подзол таіга ва ўрмон сур- тусли туп- роқ зонаси	Тоғ ўрмон қўнгир тупроқ зо- наси	Тоғ-данит чўл тупроқ зонаси	СССРдаги декончи- лик май- донаига нисбатан%
Ҳайдаладиган, ташландиқ, полиз- сабзавот ва бор ер- лари	—	—	2	2	5	3,7
Пичай ўршиш май- донали	—	2	2	—	4	8,7
Пичай ўршиш май- донали	—	18	2	1	25	15,7-
Яйлов ва ўтлоқ- лар	—	—	—	—	—	—
Буру яйловлари, ўрмон ва бутазор- лар. Яроқсан ерлар	129	—	7	—	—	41,6
	—	—	369	14	—	46,5
	36	7	18	1	11	27,2

Урта Осиёning ўрта террасаларидағи ўтлоқи тупроқлар ўтлоқи-бўя тупроқлар ҳамда бўз тупроқлар билан алмашинган. Шуни айтиб ўтиш керакки, тоғ остидаги келтирилмалар тўплана бориб, сизот суви чуқурда жойлашган шароитда, қора ва қаштан тупроқлар, шунингдек бўз тупроқлар ҳам келиб чиқиши жиҳатидан бирламчи тупроқлар бўлиши мумкин, яъни улардан олдин гидроморф ёки бошқа тицдаги автоморф тупроқлар пайдо бўлмаган.

Чўляарияиг қадимги ҳамда ҳозирги аллювиал текисликларида тупроқ эволюцияси қайир-аллювиал тупроқ, ўтлоқи тупроқ, тақирили тупроқ, сур қўнгир тусли тупроқлар схемаси бўйича кечади.

Тупроқ ривожланяшининг ўсимликлар ўзгариши ҳамда инсон фаолияти билан бөглиқ бўлган кичик циклида чиринди ҳосил бўлиш, Ѣўрланиш, ботқоқланиш маълум тупроқ типи территорияси доирасидан четга чиқмайди, лекин тупроқ унумдорлиги гоҳ кўпайиб, гоҳ камайиб туради. Шунинг учун тупроқ пайдо бўлиш процессининг ҳозирги замон маҳаллий факторлари, айниқса инсон таъсирида ўзгара боришини ўрганишга тупроқшунослик фани катта эътибор беради, чунки, бу ўзгаришлар жуда тез кечади ва деҳқончилик нуқтаи назаридан тупроқлар унумдорлигини белгилайдиган муҳим фактордир.

XXXI б о б

СССРдаги ТУПРОҚЛАР МАЙДОНИ

СССР тупроқлари картографиясига доир тўпланган материаллар ва 1947 йилда Л. И. Просолов томонидан тузилган СССРнинг тупроқ картаси Н. Н. Розовга асосий тупроқ типлари таржалгани

майдонларни хисоблаб чиқиш имконини берди. Подзоллашган тупроқлар тарқалған ерлар әнг катта майдонни, яъни ССР майдонининг 51,7% ини, қора тупроқлар 8,7% ини, каштан тупроқлар 5,4% ини, бұз тупроқлар ҳамда чүл тупроқлари қарийб 7% ини таскил этади. Жуда катта майдонларни ўрмонлар әгаллады. Экин әкілдегі умумий майдон 1960 йилда 203 миллион гектарни таскил эттегі.

Үрта Осиё республикалари (Ўзбекистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Туркменистан ССР) ва Қозоғистон ССР жанубий қисмидегі умумий майдони 1 млн. 227 минг кв. км дір (143- жадвал).

143- жадвал

**ССР тупроқлари ва улар әгаллаган майдон
(И. П. Герасимов ва М. А. Глазовская)**

Тупроқлар	Майдони, минг км ² хисобда	ССР умумий майдонига нисбетан, % хисобда
-----------	---	---

I. Текисликдаги тупроқлар

Тундра тупроқлари	1688	7,6
Подзол тупроқлар	6988	31,4
Ўрмон, сур тусли қора ва каштан тупроқлар	3828	17,2
Чүл-дашт, дашт құйғыр тусли тупроқлар ва бұз тупроқлар	1547	6,9
Тұзғиб юрувчы құмлар	562	2,5
Қызил ва сарық тупроқлар	3	—
Аллювиал тупроқлар	423	1,9
ССРнинг текислик қисмадаги тупроқтарнинг умумий майдони	15049	67,5

II. Тоглайлардаги тупроқлар

Тор тундра тупроқлари	1455	6,5
Тор ўтлоқи тупроқлар	244	1,1
Тор-ўрмоң подзол тупроқлари	4522	20,3
Тор-ўрмоң құйғыр тупроқлар	101	0,5
Тор даشت тупроқлар (қора, каштан, бұз тупроқлар ва х. к.)	407	1,8
Тор чүл тупроқлари	22	0,1
Тор тупроқтарнинг умумий майдони	6751	30,3
Дөрө ва күллар	405	1,8
Музликлар ва дөммий қорлар майдони	93	0,4

Жамған 22298 100,0

Төгли ўлкалар бу территориянинг 25% га яқин майдонини таскил этади. Текисликларда ўзлаштирилған ва ўзлаштириш учун яроқлы ер фонdlари республикалар бүйіча құйыдагыча тақсимланады (144- жадвал).

144- жадвал

Ўрта Осиё республикаларининг ер фонди, минг гектар ҳисобида (1960 йил)

Республикалар	Сугориладиган ҳамда парторлар	Сугорилиши мумкин бўлган ерлар	Жами
Ўзбекистон ССР	3210	5560	8770
Жанубий Қозогистон	640	4550	5190
Қирғизистон ССР	300	480	780
Туркманистон ССР	1000	4900	5900
Тоҷикистон ССР	320	460	780
Ж а м и	5470	15950	214220

Сугориладиган ерлар асосан Ўзбекистонда бўлиб, Туркменистон ССР иккинчи ўринни эгаллади. Сугорилиши мумкин бўлган ерлар майдони 16 млн. гектарга яқин. Шундан 5,56 млн. гектари Ўзбекистон ССРда, 4,90 млн. гектари Туркманистон ССРдадир. Сибирь дарёларининг суви Ўрта Осиёга келтирилса ёки Амударё ва Сирдарё ҳамда бошқа дарёларининг ҳозирга қадарли фойдаланилмай ётган сув ресурсларидан тўлиқ фойдаланилса, шунингдек, ер ости сувларининг катта запасларидан фойдаланилса, бу республикалардаги сугориладиган ерлар майдонини камидан 2—3 марта кенгайтириш мумкин.

Сугорилаётган ва келгусида сугорилиши мумкин бўлган (21420 минг гектар) ерлар умумий майдонининг 67,9% ини автоморф тупроқлар ташкил этади. Сугориладиган (5470 минг гектар) ердан: тўқ тусли бўз тупроқ 36% ии, типик бўз тупроқ 15,6% ии, оч тусли бўз тупроқ 16,3% ии, чўл тупроқлари 11,5% ии, типик бўз тупроқ зонасидаги гидроморф тупроқ 15% ии, оч тусли бўз тупроқ зонасидаги гидроморф тупроқ 15% ии, чўл зонасидаги гидроморф тупроқлар эса, 23% ии ташкил этади.

145- жадвал

Ўзлаштирилган ва келгусида ўзлаштирилиши мумкин бўлган тупроқлар майдони

Тупроқлар	Умумий майдонига ишебтан, % дисобида
Тўқ тусли бўз тупроқлар	2,7
Типик бўз тупроқ	11,7
Оч тусли бўз тупроқ	15,8
Чўл тупроқлари (такирли, такир сур кўнгир тусли тупроқлар)	12,8
Типик бўз тупроқлар зонасидаги ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ тупроқлар	7,6
Оч тусли бўз тупроқлар зонасидаги ўтлоқи ва ботқоқ ўтлоқи тупроқлар	7,8
Чўл зонасидаги ўтлоқи ва ботқоқ ўтлоқи тупроқлар	11,6
Шўрдоқлар	5,7

Ўзлаптирилган ва партов ерларнинг 47% ини автоморф тупроқ (бўз тупроқлар ва чўл тупроқлар), 53% ини гидроморф тупроқлар (ўтлоқи ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар) эгаллайди. Келгусида сугориши мумкин бўлган районларда автоморф тупроқ 78% ни (шундан бўз тупроқлар 35% ни), гидроморф тупроқлар эса 22% ни эгаллайди. Сугориладиган зонада шўрланган ерлар 53%, шўрланмаган ерлар 47% дир. Келгусида сугориши мумкин бўлган ерларда шўрланган тупроқлар 75% майдонни эгаллайди. Демак келгусида шўрланишга қарши курашиб ўрта Осиё шароитида тоғат катта аҳамиятга эга бўлган проблемалардан бири бўлиб қолади.

XXXII б о б ДУНЁ ТУПРОҚЛАРИ

Бутун дунёдаги қуруқликнинг умумий майдони 13414 млн. гектар бўлиб, шундан 10290 млн. гектари (76,7%), текисликлардан, 3124 млн. гектари (23,3%) тоглиқлардан ташкил топгай.

Дунёдаги тоғлиқ районларнинг тупроқлари тўғрисида ҳозиргача бўлган маълумотлар жуда кам бўлганилиги сабабли қўйидаги текисликларда тарқалган тупроқлар ҳақида тўхталиб ўтамиш.

Бутун дунёдаги текисликларда тарқалган тупроқлар асосан 5 та тупроқ-иқлим (минтақасида жойлашгандир) (146- жадвал).

146- жадвал

Минтақаларнинг ер майдони (И. П. Герасимов)

Тартиб номери	Тупроқ-иқлим минтақалари	Майдони	
		млн. гектар ҳисобида	текислика нисбатан, процент ҳисобида
1	Тропик	4910	47,7
2	Субтропик	1820	17,7
3	Суббореал	1530	14,9
4	Бореал	1564	15,2
5	Поляр (кутб)	466	4,5
Текисликдаги умумий майдон		10290	100,0

Қўйида бутун дунё ерларининг тупроқлари тўғрисида қисқача маълумот берилади.

Тропик минтақасининг тупроқлари

Тропик тупроқ-иқлим минтақасида деҳқончилик қилинадиган майдонлар жуда кам бўлиб, факат 5 процентигина ўзлаштирилган. Бу эса бутун дунёдаги деҳқончилик қилинадиган умумий майдоннинг 20% ини ташкил этади. Мазкур областларда деҳқончилик қилиб улардан тўғри фойдаланилса, қишлоқ хўжалик экинларидан йилига 3 марта ҳосил олиш мумкин.

Тропик миңтақаси тупроқ, иңлім шароитига күра:

1. Тропик нам-ўрмон області. 2. Тропик ксерофит-ўрмон ва саванна області. 3. Тропик чала чүл ва чүл областларига бўлиниди.

1. Тропик нам-ўрмон області. Тропик нам-ўрмон областита: 1) Америка, Марказий Америка ва кўпроқ жанубий Америка; 2) Африка-Конго дарё ҳавзаси ва Гвинея қирғоги; 3) Австралия, Осиё, жанубий Осиё ярим ороли (Хиндистон ва Хинди-Хитойнинг бир қисми) Австралияниң шимолий қирғоги ва ороллари киради.

Тропик нам-ўрмон областининг умумий майдони 2230 млн. гектар бўлиб, иккита тупроқ зонаси (қизил-сариқ ферралит ва қизил тупроқ зонаси) киради.

Қизил-сариқ ферралит тупроқлар. Бу тупроқлар иссиқ ва сернам шароитда пайдо бўлган. Йил ва сутка давомида температура деярли ўзгармай $+25-27^{\circ}$ атрофида бўлади. Ўрмон қисмидаги температура тупроқ қатламида ҳам деярли бир хил $+25-27^{\circ}$ бўлиб, ўрмон билан қопланмаган майдонларда эса ундан ҳам юқоридир. Йиллик ёрини миқдори 1800—2500 мм, шундан 20% жала ҳолида ётади. Шу сабабли ҳам бу обласатда тупроқ эрозияси кенг ривожланган. Ўсимлеклари асосан тропик ўрмон дараҳтларидан иборат.

Бу тупроқ чиринди қатламиниң қалинлиги 10—15 см бўлиб, чиринди миқдори эса 1—3%. Тупроқ муҳити кислотали ($\text{pH} < 5$). Сингдириш сиғими кам (100 г тупроқда 3—6 мг/экв) ва асослар билан 50% дан камроқ тўйинган.

Қизил ферралит тупроқлар. Бу тупроқлар тарқалган майдонда ёрини миқдори бир йилда 1300—1800 мм ни ташкил қиласди. Йилнинг қуруқ даври 3—4 ой бўлиб, бу давр мобайнида тупроқнинг аччагина қатлами қурийди.

Бу тупроқ гумус қатламиниң қалинлиги 30—40 см, чиринди миқдори эса 4% гача, қатлам ранги темир оксидининг таъсири туфайли қизил бўлади.

Бу тупроқдан ташқари тропик сернам-ўрмон областида тўқ қизил төғ ўрмон-тропик сингари тупроқлар ҳам учрайди. Бу тупроқларининг энг характерли белгилари механикавий таркиби соз, асослар билан тўйинган (30 мг/экв гача) ва кучсиз кислотали бўлишидир.

Амазонка ва Конго дарё водийларида 220 млн. гектардан ошиқ майдонда соз механикавий таркибли ўрмон-ферралит тупроқлари тарқалган. Бу тупроқларни ўзлаштириш учун биринчи галда зовур ва коллекторлар қазиб сизот суви сатҳини пасайтириш лозим. 120 млн. гектардан кўпроқ майдонда тропик алювиял тупроқлар, океан соҳилиларида эса ҳар хил даражада шўрланган тропик-ботқоқ тупроқлар тарқалган.

Тропик сернам-ўрмон областида ўзлаштирилган ерлар 100 млн. гектар бўлиб, 5% майдонни ташкил этади. Бу обласатда энг кўп ўзлаштирилган ерлар Жанубий Осиё (Индонезия, Хиндистон,

Вьетнам), ундан кейин эса Жанубий Америка, Африка да жойлашган бўлиб, энг кам ўзлаштирилган ерлар эса Австралиядадир.

Мазкур областнинг дехқончилик қилинадиган ерларида шоли, шакарқамиш, кофе, какао, баан, ананас ва бошқа ўсимликлар экилади. Бу ердаги тупроқларнинг унумдорлигини оширишда, минерал ўғитлар солиши, тупроқнинг кислоталилигини йўқотиш, эрозияга қарши қурашиб, тупроқнинг сув, ҳаво режимларини яхшилашга доир қатор агромелиоратив тадбирлар ўтиказиш катта аҳамиятга эга.

Тропик ксерофитли — ўрмон ва саваниналар. Умумий майдони 1460 млн. гектар Ҳинд-Африка, Австралия, Антиль ороллари, Сан-Франциско дарё водийси, ғарби-жанубий Бразилия ва Аид тоғ олди қирларини ўз ичига олади. Бу ерларда жигар ранг-қизил, қизил-қўнғир, тропик қора-аллювиал, тропик шўрҳок ва шўртоб тупроқлар тарқалган.

Жигар ранг қизил тупроқлар тарқалган майдонларда йилига 1000—1300 мм атрофида ёғин тушади. Қуруқ давр 4—5 ой. Бу ерларда бута дарахт ўсимликлари ўсади. Тупроқ чиринди қатламишинг қалинлиги 25—30 см. Чиринди миқдори эса 2% атрофида, pH—5—6. Сингдириш сигими кам (100 г тупроқда 4—6 мг/экв), механикавий таркиби анча оғир.

Қизил-қўнғир тупроқлар (куруқ саванна) тарқалган майдонда йиллик ёғиги миқдори 800—1000 мм, куруқ давр б ой ва ундан ҳам кўпроқ давом этади. Ўсимликлари қуруқ саваниналарга хос. Сернам фаслларда қуруқ саваниналар яхши ўсиб, баландлиги 1 м га стади. Тупроқ чиринди қатламишинг қалинлиги 20—25 см, чиринди миқдори эса 1% атрофидадир.

Тупроқ эритмаси кучсиз кислотали ҳамда кучсиз ишқорий. Сингдириш сигими юқорироқ (100 г тупроқда 10—15 мг/экв).

Қора тропик тупроқ қизил-қўнғир ва жигар ранг-қизил тупроқлар орасида тарқалган. Сингдириш сигими юқори (100 г тупроқда 15—20 мг/экв), кальций ва магний билан тўйинган. Ача шу хусусиятлари билан бошқа тупроқлардан фарқ қиласади. Қуруқ саванини қора тупроқларнинг умумий майдони 200 млн. гектар бўлиб Ҳиндистон, Африка ва Австралияда тарқалган.

Ўзлаштирилган ерлари 80 млн. гектар ёки 5% ии ташкил этади. Уларнинг ярми қора тупроқлардан иборат бўлиб, шоли, шакарқамиш сингари экинлар ўстирилади. Янгидан ўзлаштиришга яроқли ерлар бу областда 200—300 млн. гектарга яқин. Тупроқ унумдорлигини оширишда суғориш ишларини тўла амалга ошириш, эрозияга қарши қурашиб, минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш яхши натижка беради.

Тропик ярим чўл ва чўл области. Бу область тупроқлари тропик минтақасининг энг куруқ қисмидаги пайдо бўлган бўлиб, умумий майдони 1220 млн. гектарни ташкил этади. Шундан қизғиш-қўнғир тупроқлар 460 млн. гектар, шўрҳоклар 480 млн. гектар, қум ва қумлоқ тупроқлар 280 млн. гектарни ғаллайди. Бу область тупроқлари чириндисининг камлиги, тупроқ қатламишинг деярли

ган. Бу миңтақа 3 та областдан: 1) суббореал ўрмон области; 2) суббореал-дашт области; 3) суббореал чала чүл ва чүл областаридан иборат.

Суббореал ўрмон областига Фарбий ва Марказий Европа, СССРнинг ғарби-жанубий районлари, АҚШ нинг шарқи-шимолидаги штатлар киради.

СССРнинг Шарқий Осиё, Шимолий Япония, Шарқи-шимолий Хитой ва Жанубий Америка (Чилининг Жануби), Австралия (Янги Зелаандиянинг) жанубий оролларини ўз ичига олади. Суббореал областининг умумий майдони 362 млн. гектар бўлиб, шундан 248 млн. гектарини ўрмон-қўнгир тупроқлар майдони ташкил этади. Ўрмонсиз майдонларда эса 55 млн. гектарда қора тупроқларга ўхшаш тупроқлар тарқалган бўлиб, булар ҳақиқий қора тупроқлардан кислотали реакцияси билан фарқ қиласди. Марказий областда ўзлаштирилган майдонлар 130 млн. гектар (57%) бўлиб, бу тупроқлар тарқалган ернинг иккита юмшоқ бўлганилиги сабабли, кўпчилик ўсимликларнинг усами учун зарур имкониятлар мавжуд.

Суббореал дашт области. Бутун ер юзида 3 та суббореал дашт области мавжуд бўлиб, уларда каштан ва қора тупроқлар кенг тарқалган. СССРда бу тупроқлар марказий ўрмон-дашт зонасида тарқалган бўлиб, Фарбий Европа, Мурулистон ва Хитойгача чўзилган. Суббореал дашт областининг умумий майдони 704 млн. гектарни ташкил этиб, шундан қора тупроқ 240 млн., каштан тупроқ 258 млн., ўтлоқи қора ва ўтлоқи каштан тупроқлар 40 млн., шўртоб ва солодлар 28 млн. ҳамда аллювиал тупроқлар 30 млн. гектарга яқин майдонни эгаллайди. Бу ерлардан қишлоқ хўжалигида буғдой, жўхори, арпа, писта, қанд лавлаги, каноп сингари эквилар экиб фойдаланилади.

Деҳқончилик қилинадиган ерларда қора тупроқлар 260 млн. гектар ва каштан тупроқлар майдони эса 110 млн. гектарни ташкил этади. Каштан тупроқларни ўзлаштириш ҳамда шўртоб тупроқларни мелиорациялаш ҳисобига янги ерлар майдонини кенгайтириш мумкин. Қора тупроқ унумдорлигини оширишда тупроқда нам запасини кўлайтириш ҳамда милерал (айникича фосфорли) ўғитлардан кенг фойдаланиш, шунингдек тог олди баланд текисликларida эрозияга қарши курашиш муҳим аҳамиятга эга.

Суббореал чала чўл ва чўл области Марказий Осиё, СССР ва Хитойнинг бир қисмини ўз ичига олади. Бу областининг чала чўл қисмида қўнгир тупроқлар, чўл қисмида эса сур қўнгир тусли қум ва қумлоқ тупроқлар, тақир ва шўрхоклар кенг тарқалган (бу тупроқлар характеристикаси аввалги бобларда берилган). Бу тупроқлардан асосан чорвачиликда фойдаланиб келинмоқда.

Суббореал областидаги суғориш ишларини кенг амалга ошириш, тупроқ шўрини йўқотиш сингари мелиоратив тадбирларни қўллаш ва ўғитлардан тўғри фойдаланиш туфайли турли қишлоқ хўжалик эквилари экиб, улардан мўл ҳосил олиш мумкин.

Бореал (мұғытадил союз) миңтақа тупроқлари

Бореал миңтақа шимолий ярим шарға хос, умумий майдони 1560 млн. гектарни ташкил әтади. Бу миңтақа 2 та областдан: 1) әрийдиган тайга-үрмоц, 2) доимий музлик ва қисман әрийдиган бореал областлардан иборат.

Бореал әрийдиган тайга-үрмоц областининг умумий майдони 1150 млн. гектар бўлиб, бу ерлар Европанинг гарбий (СССРнинг шимолий тундрага чегарадош) қисмида жойлашган. Бу областда подзол ва чимли подзол тупроқлар кенг тарқалган (790 млн. га) шундан соғ қатламли подзол 88 млн. гектар, подзол 357 млн. гектар, чимли-подзол 345 млн. гектар. (Подзол тупроқлар ҳақида XIX бобда батафсил ёзилган.)

Бореал доимий музлик ва қисман әрийдиган областининг умумий майдони 410 млн. гектар бўлиб, СССРнинг Шарқий Сибирь (Марказий йуқум, Ҷептояск) ва Шимолий Американи ўз ичира олади. Америкалик тупроқлар у ерлардаги мазкур тупроқларни нордон қўнгир типни тупроқлар деб атайдилар. Умуман бу областдаги ерлардан асосан үрмочинлик ва буғучиликда фойдаланилади. Аҳоли кўп яшайдиган районларда қисман сабзавот, картошка, сули, арпа ва ҳар хил ўтлар әкилади. Бу тупроқлардан фойдаланишда унинг иссиқлик ва озуқа режимини яхшилаш мүддим аҳамиятга эга.

Қутб миңтақасининг тупроқлари

Умумий майдони (доимий музликлардан ташқари) 466 млн. гектар. Антарктида, Гренландия ва бошқа ороллардаги музлик билан қопланган ерлар эса 210 млн. гектарни ташкил әтади. Шимолий ярим шар 2 та қутб областига: 1) Европа, Осиё, 2) Шимолий Америка областларига бўлинади. Европа, Осиё қутб областида арктика ва тундра тупроқлари тарқалган.

Шимолий Америка қутб областида эса нордон ўтлоқи чиринди-глейли тупроқлар тарқалган. Бу ерлардан фақат овчилик қилиш мақсадида ҳамда буғучиликда фойдаланилади.

XXXIII б о б

ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИ

Тупроқни сув ва шамол таъсирида емирилишига эрозия дейилади. Эрозия содир бўлган майдонларда сув ва шамол тупроқнинг унумдор қатламини емириб бир жойдан иккинчи жойга олиб бориб ётқизади. Натижада тупроқнинг унумдорлиги пасайиб, бу ерга экилган экинларнинг ҳосилдорлиги пиҳоятда камайиб кетади. Эрозияланиш процесси бутун дунёда кенг тарқалган бўлиб, СССР

территориясида ҳам анча майдонни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу процесс халқ хұжалигига жумладан, қишлоқ хұжалигига жуда катта заар еткәзади.

Эрозия, юзага көлтирадыган табиий факторларига күра, иккى хил (сув ва шамол эрозиясы) га бўлишади.

Тарқалиши. СССРнинг Днепр, Волга, Дон, Десна, Днестр дарбларининг ўрг қарғоги ва бу дарбларниң тармоқлари оқадиган майдонлар Ўрта Рус, Волино-Подольск, Донецк, Волга бўйи, Климентеко, Димитров, Ставрополь баланд текисликлари, Заволжъенинг юқори қисмлари, Сибирь дарёлари — Обь, Иртиш зоналари, Крим, Карпат, Кавказ, Урал, Ўрта Осиё тобликлари ва тое олди қирлаидаги тупроқлар сув эрозиясига учраб туради. Сугориладиган майдонлар ва ударниң атрофларидаги тупроқлар жарлик эрозияси формасида сув эрозиясига учраган.

СССР Европа қисмийнинг ўзидагина эрозия таъсирида 500 млн. гектар ер, жумладап 5 млн. гектари жарниклар туфайли заарлапган.

Қургоқчил ўлкалардаги айниқса чўл ва чала чўл тупроқлари шамол эрозиясига упрайди. Шамол эрозиясига учраган тупроқлар Бата, Кременчук, Полтава, Харьков, Балашов, Куйбышев, Уфа, Новотроцек, Магнитогорск ва Омсқда кенг тарқалган. Шимолий Қозогистон, Бошқирдистон, Ставрополь ва Красноярск ўлкалариди, Шарқи-жанубий Украина, Заволжье, Фарбий ва Шарқий Сибирь, Ўрта Осиёниң чўл зонаси ва қумли саҳроларининг тупроқлари шимолдан эрозиялланаб қишлоқ хұжалигига катта заар келтиради. Баъзан шамол эрозияси Қозогистон ва Украина районларининг 40—50% майдонига заар еткәзади.

Сув эрозияси турлари. Тупроқнинг сув таъсирида емирилиши — иккى хил — ёнпасига ва узунасига бўлади. Тупроқнинг ёнпасига емирилиши энг кўп тарқалган бўлиб, нишаб ерларда ёмғир, қор сувлари тупроқнинг унумдор қатламидан ҳар хил катталикдаги тупроқ зарралари билан бирга озуқавий моддаларни ҳам нишаблиги кам ва текис жойларга келтириб ёткизади. Тупроқнинг ана шундай емирилган қисмидаги озуқавий моддалар етишмаслиги сабабли, ўсимликлар нимжон бўлиб, яккак-дуккак ўсади ва ҳосилдорлик кескин камаяди. Кучли эрозиялангай майдонларда эса баъзан ўсимлик мутлақо ўсмайди. Нишаби паст бўлган ва емирилиш натижасида озуқавий моддаларнинг ниҳоятда кўп тўпланиши сабабли ўсимлик говлаб ўсади ва ҳосили кам бўлади ёки ҳосили бўлса ҳам пишиб етилишга ултурмайди.

Узунасига емирилишда эса сув таъсирида тупроқ бўйламасига чуқур ўйилиб тупроқнинг унумдор қатлами билан бир қаторда ҳатто тупроқнинг она жиси ҳам емирилиб кетади. Натижада ҳар хил чуқурлик ва жарниклар пайдо бўлади.

Сугориш (ирригация) эрозияси сугориб деҳқончилик қилинадиган баланд пастликларда экинларни сугориш техникасига старириоя қилимаслик натижасида келиб чиқади. Бу эрозия туфайли сув жўякларни ювиб, даладан жуда кўп миқдорда майда зарра-

147- жадвал

Сугориш эрозиясиниң пахта ҳосилига таъсири (Х.Махсудов)

Тупроқнинг емирлиш даражаси	Пахта ҳосили, ч/га	
	1958 й.	1960 й.
Кучсиз	20,4	18,8
Кучли	13,8	13,7

ёғиши, ёил фаслларида тақсимланиши, иқлим шароитига боялиқ ҳолда қор ва музликларнинг эриш суръати, ернинг ишаблиги, тупроқ бетининг ўсимликлар билан қопланиш даражаси киради. Урмон ва дарахтзорларнинг мавжудлиги, уларнинг зичлиги, яйловлардан фойдаланиш, ерни ишлаш ва бошқа кўпгина сабабларга боялиқ. Тупроқнинг кучли ёки кучсизроқ эрозияланиши ёғининг кўп ва кучли ёғишига, ернинг ишаблигига, ўт ва дарахтлар билан яхши қопланмаганлигига, яйловлардан тўғри фойдаланимасликка ҳамда ерни ишлаш агротехникасига етарли амал қиласликка боялиқ.

Ички факторларга тупроқнинг хоссалари, жумладан, структураси механикавий таркиби, сув ўтказувчалигиги, намлик даражаси, химиявий таркиби, айниқса чиринди миқдори ва бошжалар киради.

Агар тупроқ структурали, серчиринди ҳамда унинг сув ўтказувчалигиги яхши бўлса, сувда осон эрувчи тузлар ерда қанча кам бўлса, эрозия шунча кам ривожланади. Шунинг учун ҳам серчиринди ва структурали қора ва ўтлоқи тупроқлар каштан ва бўз тупроқларга нисбатан эрозияга анча чидамли бўлади.

Шамол эрозияси. Бу эрозия туфайли кўпинча тупроқнинг унумдор қатламини шамол учирив кетади. Айниқса ўсимликлари сийрак бўлган қурғоқчил чўлларда, хусусан яйловдан ютўри фойдаланилганда шамол эрозияси кучли бўлиб, қумларни учирив кетади ва кўпинча сугориладиган ерларга, аҳоли яшайдиган жойларга олиб келади. Натижада сугориш шохобчалари ва унумдор ерлар қум билан кўмилиб қолади.

Шамол эрозияси туфайли тупроқнинг майда заррали қисми ҳамда уидаги чиринди ва озуқа моддалар йўқолади, натижада тупроқ унумдорлиги ниҳоятда пасаяди. Бундай ерларда экинларнинг ҳосили ҳам жуда камайиб кетади.

3. Ана шундай тупроқлар унумдорлигини тиклаш учун бир неча ўн йиллар керак бўлади. Шамол эрозиясига учраган тупроқларда ерга солинган ўғитлар самараси ҳам эрозияламаган ерларга писбатан камроқ.

4. Шамол эрозиясига учраган ерларга айниқса, қумли чўлларда қумда ўсадиган ҳар хил бута ўсимликлар экиш тавсия этилади. Ундан ташқари шамол эрозияси кучли бўладиган майдонлардаги

ларни оқизиб кетади, натижада тупроқ унумдорлиги пасаяди ҳамда бувдай ерларда ўсимлик яхши ўсолмай унинг ҳосили камаяди (147-жадвал).

Сув эрозияси ташқи ва ички факторлар таъсирида келиб чиқади.

Ташқи факторларга ёги миқдори, унинг тез ёки секин



69-расм. Оқова сұларнинң потүрі ташланғыш оқибатыда бедаполининг жарлықта айлашып. Тошкент обласы Калинин аомын колхоз.


кумлар бетига ҳар хил ёпишқоқ органик моддалар сочиб пардали қатлам ҳосил қилиш орқали қумларни күчишдан тұхтатиш ҳам яхши натижә беради. Шамол эрозиясига қарши курашишда шамол йұналиштага күндаланғ қилиб ишота дараахтзорлар барпо этиш асosий ва зарур табдирлардан бири ҳисобланади.

Жарлық эрозиясы. Эрозияның бу тури СССР территориясида, шу жумладан Үрта Осиёда кенг тарқалған бўлиб, қишлоқ хўжалигига яроқли бўлған ер фондининг камайиб кетишига сабабчи бўлади ҳамда катта зарар келтиради (58—59-расмлар). Ундан ташқари сугориладиган районларда жарликларга яқин бўлган майдонларда тупроқнинг гидрологик ҳолати ёмонлашади ва унумдорлиги пасайиб натижада экинлар ҳосили ҳам кескин камайиб кетади (148-жадвал).

148-жадвал


Жарлыккыннан пахта ҳосилига таъсири (Т. Мұхамедов)

Пахта майдонниннан жарлык-дан узоғлиғи (м ҳисобда)	Пахта ҳосили (гаектарига центнер ҳисобда)
5—15	17,05
15—25	24,15
25—55	27,75



ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ТУПРОҚЛАРИ	
ВЕРТИКАЛ ЗОНА ТУПРОҚЛАРИ	
Оч кўнгир тусли баланд тоғ тупроқлари	Сур кўнгир тусли тупроқлар
Жигарране ва кўнгир тусли ёрта баланд тоғ тупроқлари	Такирли ва такир тупроқлар
Тўк тусли бўз тупроқлар	Чўл қумли тупроқлари
Типик бўз тупроқлар	Ўтлоқи-такирли ва такирли ўтлоқи тупроқлар
Оч тусли бўз тупроқлар	Ўтлоқи ва болғон ўтлоқи аллювиал тупроқлар
Ўтлоқи бўз ва бўз-ўтлоқи тупроқлар	Ўтлоқи ва боткоқ ўтлоқи тупроқлар
Ўтлоқи ва боткоқ ўтлоқи аллювиал тупроқлар	Шўркоклар
	Қумлар

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ТУПРОҚ КАРТАСИ



Тузувчилар Расулов А. Коҷубеъ М

Жадвал маълумотларида жарликнинг таъсири кучсиз ёки кам бўлган майдонларда пахта ҳосилининг кўпайиши, жарга яқин ерларда эса ҳосилининг камайиши кўриниб турибди.

Тупроқ эрозиясига қарши кураш тадбирлари

Мамлакатимида йил сайни тупроқ эрозияси олдини олиш ва унга қарши куралиш ишлари кучайиб бормоқда. 1967 йил 20 марта КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлаш ҳамда эрозияга қарши қатъий чоралар кўриш вазифалари тўгрисидаги қарори чиқди. Бу қарорда тупроқ эрозиясига қарши курашиш сув ва шамол таъсирида емирлиглан тупроқларниң унумдорлигини ошириш давлат аҳамиятига эга бўлган тадбир эканлиги уқдириб ўтилган. Тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлаш тўгрисидаги қонунни 1968 йил декабрда СССР Олий Советининг сессияси тасдиқлаган. Бу қонунда ердан фойдаланиш, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлаш учун ташкилий, агротехника, ўрмон мелиорацияси, гидротехника ва бошқа қатор тадбирлар белгиланган. Тупроқни эрозияланишдан сақлаш учун қўйидаги агрокомплекс тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Тоғли районларда нишаби кучли бўлган ерларни кўндалангига ҳайдаш, бу ерларга ҳар хил серилдиз ўсимликлар ва мевали дараҳтлар өкиш;

2. Тоғли районларда яйловлардан тўғри фойдаланиш.

3. Тоғли районларда деҳқончилик қилишда ерларни террасалар (супачалар) шаклида текислаб, далалар атрофида мевали дараҳт ва токлар өкиш.

4. Нишаби кучли бўлган ерларни кўндалангига ҳайдаш ва сугоришишни тўғри ташкил қилиш.

5. Жарлар ёқасига дараҳтлар өкиб, жарлик эрозиясининг кенгайишига, сугориладиган майдонлардан жарликларга сувнинг ёқиб кетишига йўл қўймаслик ва ҳар хил тўсицлар ҳамда сув йигадиган ҳавзалар барпо этиш.

6. Шамол эрозиясига қарши курашиш учун қумли тупроқларга бута дараҳтлари, саксовуллар өкиш ва иҳота дараҳтзорлари барпо этиш энг асосий ва зарурий тадбирлардан ҳисобланади. Шунингдек, ҳар хил ўтилар өкиб, яйловлардан тўғри фойдаланиш, ҳар хил тўсицлар қилиш, ундан ташқари елемлаш хусусиятига эга бўлган химиявий моддалар (нефть циқинидлари, нерозин, полимерлардан К—4, Латекс СКС-65)дан фойдаланиб юпқа қум усти қатлами ҳосил қилиш зарур.

7. Сугориши эрозиясининг олдини олиш учун тупроқни физикавий ва химиявий хусусиятларини ҳамда ерниятни назарда тутиб илгор сувчилар тажрибасидан фойдаланган ҳолда экинларни тўғри сугориши, жўякка берадиган сувнинг миқдорини тўғри белгилаш ва сугориши эрозиясига мойил ерларда сувни жилдиратиб сугориши фоят муҳим аҳамиятга эга.

ТУПРОҚЛАРНИНГ АГРОНОМИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ГРУППАЛАРИ ВА БОНИТИРОВКАСИ

**Тупроқнинг агрономик ишлаб чиқариш группаларини тузиш
асослари**

Бепоён Ватапимизнинг ниҳоятда катта ер ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва унумдорлигини ошириб боришига қаратилган тадбирларни самарали қўлланишида тупроқларни миқдор ва сифат жиҳатидан ҳисобга олиш энг муҳим вазифалардан бирни ҳисоблашади. Тупроқни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ер кадастрининг¹ асосини ташкил этади. Ер ҳақидаги қонун («СССР ва Йиттифоқдош республикаларининг ер ҳақидаги қонун асослари», 1968 й.) да ҳам Давлат ер кадастриниң энг муҳим таркибий қисми тупроқ болитировкаси ва ерни иқтисодий баҳолаш эканлиги кўрсатиб ўтилади.

Тупроқ сифатини ҳар томонлама пухта баҳолашда тупроқларнинг агроишлаб чиқариш группалари ва бонитировкаси алоҳида аҳамиятга эга. Қуйида ана шу масалаларга батафсил тўхталиб ўтамиз.

Агрономик ишлаб чиқариш группасини тупроқнинг барча агрономик хусусиятларини тўлиқ ўрганиб, сўнгра шу ерга экиладиган ўсимликларнинг тупроққа бўлган талабини назарда тутган ҳолда тузилади.

Генетик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган тупроқлар бир агроишлаб чиқариш группасига киритилади. Тупроқнинг агроишлаб чиқариш группаси 2 типга бўливади.

1. Тупроқнинг агроишлаб чиқариш группасини тузишда шу ерга экиладиган асосий ўсимликтини ёки бир қанча ўсимликларнинг тупроққа бўлган талабини назарда тутилади.

Масалан, ёўза ўстирилаётганда унинг тупроққа бўлган талабини назарда тутиб тупроқнинг структураси, шўрланиш даражаси, тузли қатламининг жойланиши, тузлар таркиби, тупроқпинг механикавий таркиби сингари хусусиятлари ҳисобга олинини зарур. Чой экини учун тупроқнинг реакциясига эътибор берилиб, бунинг учун эса тупроқнинг карбонатли ёки карбонатсизлиги назарда тутилади. Мевали дарахтлар учун тупроқнинг механикавий таркиби, сизот сувининг чуқурлиги ва умуман тупроқнинг сув ва ҳаво режимилари асосий роль ўйнайди.

2. Умумий агроишлаб чиқариш группасини тузишда фақат тупроқнинг хусусиятлари назарда тутилади. Шу мақсадда тупроқ-

Кадастр — французча Cadastredan олинган бўлиб, реестр, регистрация, яъни рўйхатга олиш маъносини билдиради.

нинг агрономик хусусияти жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган турва турчалари аниқлаб чиқилади.

Иккинчи тиғдаги группаларни ажратишда тупроқнинг қўйидаги хусусияти ҳисобга олиниши лозим:

1. Тупроқнинг механикавий таркиби, тузилиши, чиравдили қатламишинг қалинлиги ҳамда геоморфологик ва гидрогеологик шароитга кўра сув, ҳаво ва иссиқлик режими бир-бирига яқин бўлган тупроқлар бир группага киритилади.

2. Тупроқнинг озиқ режимига қараб (чиринди миқдори, азот, фосфор, калийнинг ҳаракатчалар формалари ва умумий миқдори, тупроқ реакцияси, микроэлементлар миқдорига кўра) бир-бирига яқин бўлган тупроқлар алоҳида группага ажратилади.

3. Тупроқнинг ишлаш билан боғлиқ бўлган хусусиятлари (ёпишкоқлиги, пластиклиги, қатқалоқ ҳосил қилиш қобилияти, етилиш муддати, ҳайдалма қатламишинг чуқурлиги ва ҳ. к.) жиҳатдан бир-бирига яқин тупроқлар алоҳида группага ажратилади.

Юқоридаги барча хусусиятлар, асосан тупроқнинг структураси, механикавий таркиби, чиринди қатламишинг қалинлиги, шўрланганилиги ва эрозияланishi назарда тутилган ҳолда баҳоланади.

4. Тупроқнинг мелиоратив тадбирларга бўлган эҳтиёжи (боткоқланиш даражаси, шўрланганилиги, А горизонтишинг қалинлиги, карбонатли ва гипсли қатламишинг жойланиши, сизот сувининг чуқурлиги, таркиби) ва рельеф шароитига кўра, бир-бирига яқин бўлган тупроқлар алоҳида группага ажратилади.

5. Тупроқнинг шўрланиши (тузлар миқдори, таркиби ва туэли қатламишинг жойланиши, глейли қатламишинг мавжудлиги ва ҳ. к. лар) назарда тутилади.

6. Эрозияланган тупроқларнинг эрозия характери ва интенсивлигига (эрзия турлари ва уларнинг кечини тезлиги ва секундлигига) қараб, алоҳида группаларга ажратилади.

Тупроқларни группаларга ажратишда В. М. Фридланд тавсия этган усулдан фойдаланиш мумкин.

Бу усул бўйича тупроқ 2 группага ажратилади:

а) маҳсус мелиоратив тадбирлар қўллашни талаб этмайдиган зонага ҳос экинларни экиш мумкин бўлган ерлар;

б) қишлоқ хўжалик экинларни экиш учун маҳсус мелиоратив тадбирларни қўллаш зарур (шўрланган, боткоқланган, тошли ерлар) бўлган ерлар;

Ўз навбатида биринчи «а» группа механикавий таркибига кўра: 1) соя ва қумоқ, 2) қўмлоқ ва қум группачаларига ажратилади. Сўнгра тупроқнинг зоналлик тарқалиш хусусиятига кўра (масалаи, бўз тупроқлар типи тўқ тусли, типик ва оч туслига) ҳам бўлинади.

Охирида эса тупроқ генетик горизонтларининг қалинлиги ва химиявий таркибига (айниқса ҳаракатчал N, P, K ва микроэлементлар миқдорига) кўра бўлинади.

Иккинчи «б» группа тупроқнинг хусусиятларига кўра қўйидаги 4 группачага ажратилади:

а) маҳсус агротехникавий методларни қўллашни талаб қиласидиган тупроқлар;

б) енгил мелиорация тадбирларини қўллашни талаб қиласидиган тупроқлар;

в) мураккаб мелиорацияни қўллашга муҳтож бўлган тупроқлар;
г) экинлар учун яроқсиз ерлар.

Муайян группага киритилган ерларда ўзига хос тадбирлар қўлланилиди ва зоналлик принципи асосида шу шароитта мувофиқ келадиган қишлоқ хўжалик экинлари экилади.

Тупроқнинг бонитировкасини тузишда ҳам агроишлаб чиқариш группаларидан фойдаланилади.

Тупроқ бонитировкаси¹

Бонитировка — бунда бир тупроқнинг инничи тупроққа ислбатан қанчалик унумдор эканлиги аниқланади. Тупроқ бонитировкасини аниқлашда тупроқнинг барча агрономик хусусияти билан қишлоқ хўжалик экинларидан олинган ўртача кўп йиллик ҳосил миқдори эътиборга олилади. Тупроқ бонитировкасини тузишда бонитировка шкаласидан фойдаланилади.

Тупроқ бонитировка шкаласи. Бонитировка шкаласини лойиҳалаш институтлари (гипрозем) ва тупроқшунослиқ илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртларининг тупроқшунослиқ кафедралари билан ҳамкорликда маҳаллий иқлим ва тупроқ шароитларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Бонитировка шкаласини тузишда маълум экинлар учун зарур бўлган тупроқ хусусиятлари назарда тутилади. Шунинг учун ҳам бонитировка шкаласи бир ўсимлик учун юқори, бошқа ўсимлик учун эса пастроқ бўлиши мумкин. Тупроқнинг хусусияти маълум район, область, зонадаги экинлар учун бир хил баҳоланса, бошқа шароит учун бошқачароқ бўлиши мумкин. Тупроқнинг бонитировка шкаласи баллар билан ифодаланаади ва кўпчилик тупроқлар учун 100 балли система қабул қилинади. Тупроқ балини қўйидаги формула асосида аниқлаш мумкин:

$$B = \frac{3\phi \cdot 100}{3m}$$

B — тупроқ баҳоси, балл ҳисобида,

3φ — тупроқ хусусиятлари (чиринди, азот, фосфор, калий ва бошқаларининг тупроқдаги запаси ҳамда тупроқнинг бошқа хусусиятлари),

3m — маълум тупроқ шу хусусияти кўрсатгичининг 100 балли системада ифодаланиши.

Масалан, Шимолий Кавказдаги оддий қора тупроқларда экилган ўсимликлардан юқори ҳосил олиш учун кўнгина ҳолларда 1 гектар ердаги чиривиди запаси 450 тона бўлиши керак. Демак,

¹ Бонитировка — (латинча Bonitaes сархијлик) тупроқларниң бир-бираға ислбатан унумдорлигидир.

тупроқнинг таркибида 450 тонна чиринди бўлганда бу тупроқнинг баҳоси шкала асосида 100 балл бўлади. Агар тупроқда чиринди запаси 1 гектар ерда 405 тонна бўлса, бу тупроқнинг бали қўйидагича, яъни:

$$B = \frac{405 \cdot 100}{450} = 90 \text{ балл бўлади.}$$

Демак, оддий ёора тупроқнинг таркибида 1 гектар ерда 405 тонна чиринди бўлганда, унинг баҳоси 90 балли бўлади. Агар чиринди миқдори бошقا хил тупроқда 450 т/га кўп бўлса, у ҳолда ўша тупроқ бали 100 дан кўп бўлиши мумкин. (Масалан, бўза тупроқлар 258 бет).

Кўпинча тупроқ карталари ва очеркларида чиринди, фосфор, азот, калийнинг умумий миқдори процент билан ифодаланади.

Бирор элементнинг процент миқдорини унинг запасига ҳисоблаш учун қўйидаги формуладан фойдаланилади:

$$H = \frac{a \cdot 10\,000 \cdot B P}{100}$$

H — чиринди запаси, гектарига тонна ҳисобида;

a — горизонт қалинлиги, M ҳисобида;

B — тупроқнинг ҳажмий бўйрлиги;

P — чиринди ва элемент азот, фосфор, калийлар миқдори, % ҳисобида.

Азот, фосфор, калийнинг ҳаракатчан формалари запасини аниқлашда қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$H = a \cdot 10\,000 \cdot B \cdot M$$

H — азот, фосфор ёки калий запаси, гектарига, кг ҳисобида

a — горизонт қалинлиги, m ҳисобида;

B — тупроқнинг ҳажмий оғирлиги;

M — азот, фосфор, ёки калий миқдори, 1 тонна тупроқда, кг ҳисобида.

Тузилган тупроқ бонитировкаси аниқлигини албатта математик усулда ҳисоблаб кўриш лозим. Бунда ўртача квадрат ўзгаришини ($\sigma = \pm \sqrt{\frac{ex^2}{n-1}}$), ўзгарувчанлик коэффициентини ($C\% = \pm \frac{100e}{M}$)

ўртача квадрат хатолик ($m = \frac{\sigma}{\sqrt{n}} = \pm \sqrt{\frac{ex^2}{n(n-1)}}$)

ва ўртача аниқлиги ($t = \frac{M}{m}$) ҳисобланади.

Математик ҳисобнинг тўғри эканига ишонч ҳосил қилиш учун қўйидаги формуладан фойдаланиб, корреляция¹ коэффициенти аниқланади.

$$r = \frac{\Sigma a_x \cdot a_y}{\sqrt{\Sigma a_x^2 \cdot \Sigma a_y^2}}$$

a_x ва a_y — ўртача арифметик ҳисобга нисбатан вариантларнинг фарқи.

¹ Корреляция тупроқ унумдорлиги билан олинган ҳосилнинг мос келишиидир.

Корреляция коэффициенти +1 дан —1 гача бўлиб, бу кўрсати
лар 1 га қанчалик яқин бўлса, шунча аниқликни кўрсатади. Мадд
лан: 0,51—0,7 аниқлик қониқарли, 0,71—0,9 аниқлик ўрта, 0,91
аниқлик яхши ва ҳ. к.

Тупроқнинг бонитировкаси турли мамлакатларда турлича ту
плади. Ҳозирги вақтда тупроқнинг бонитировкасини тузиш АҚШ
ва Фарбий Европада анча ривожланган. Қўйида шу мамлакатлар
нинг тупроқ бонитировкасини тузиш асослари тўғрисида қисқача
аъзумот келтирилади.

АҚШда тупроқ бонитировкасини тузиш тупроқни муҳофаза
слиш хизмати ва деҳқончилик Департаментлари раҳбарлигига
малга оширилади. Тупроқнинг сифати табиий шароитларга
эдирларнинг қиялиги, сизот сувининг чуқурлиги, тупроқнинг
юзияга учраганлик даражаси, намарчилик миқдори сингарига
ар, тупроқ қатламишининг тузилиши, ундаги тошлар миқдори,
ўлавиши ва умуман унумдорлигини ҳисобга олиб тупроқ бони
ровкаси аниқланади. АҚШда барча ерлар шу хусусиятларга
ўра 8 классга бўлинади.

I, II, III класс ўргача ва юқори унумдор ерлар, бу ерларда
сосан қишлоқ хўжалик экинлари ўстирилади.

IV класс ўтлоқ ва яйлов сифатида қўп йиллик ўтлар экиб фой
даланиладиган ерлар.

V, VI, VII классдаги ерлар деҳқончилик учун яроқсиз ҳисоб
ланади. Бу ерлардан фақат яйлов сифатида ва ўрмонлар барпо
шида фойдаланилади.

VIII класс қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ерлар.

Тупроқнинг энг юқори унумдорлигини яаги ўзлаштирилған
эрлардан олинган ҳосил билан ўлчанади. Олинган бу ҳосил этalon
ўлчов) бўлиб, бошқа ердан олинган ҳосил шунга нисбатан тақ
осланади.

Англияда тупроқлар бонитировкаси қишлоқ хўжалик Департа
менти билан Оксфорд университети томонидан тузилади. Тупроқ
инитировкасини тузишда қўйидаги З та фактор назарда тутила
ди: 1) тупроқнинг механикавий таркиби, 2) тупроқ қатламишининг
қалинлиги (асосан ўсимлик илдизи ривожланадиган қатлам),
3) майдонлардаги зовурлар миқдори ва унинг сифати. Лекин асо
сий фактор сифатида тупроқнинг механикавий таркиби ҳисобга
олинади.

ГДР да тупроқ бонитировкасини тузишда, мамлакатдаги энг
яхши (Саксония ерига нисбатан) ердан олинадиган фойдани
назарда тутилади. Бу нуқтаи назардан барча ерлар 227 класс
га ажратилиб, келтирадиган фойдасига кўра баҳоси 7 дан 100
баллгача бўлиши мумкин. Ана шундай асосда бонитировка ту
зишдан мақсад белгиланадиган солиқ миқдорини тўғри ани
қлашадир.

Қишлоқ хўжалигини тўғри олиб бориш учун қўшимча равнш
да тупроқнинг механикавий таркиби ва она жинсининг бир-бира

та яқинлигига күра улар бирлаштирилади ва тупроқнинг иқтисодий тур групталари тузилади.

Хар бир тупроқ тури 5 группага:

1) жуда яхши ер, 2) яхши ер, 3) ўртача ер, 4) ўртадан паст ва 5) ёмон ерларга бўлинади.

Қишлоқ хўжалигини планли равишда олиб бориш ва уни ташкил қилиш мақсадида ГДР да ердан олинидиган даромадни ҳамда иқтисодий ва табиий шароитларни пазарда тутиб баҳолаш шкаласи тузилади. Шкала тузишда асосан: тупроқнинг механикавий таркиби, тупроқнинг опа жиҳиси, фойдалари группаси ва ўсимлик ривожланадиган жой шароити ҳисобга олилади.

Польша Xалқ Республикасида тупроқ бонитировкасини тузишда асосан тупроқнинг механикавий таркиби, ҳайдалма қатлам қалинлиги, структураси, зичлиги, кислоталилиги, жойнинг рельефи ва қўлланиладиган мелиорация тадбирларининг характеристики наэзда тутилади ва ҳайдаладиган ерларни VI классга:

1) энг яхши ер, 2) жуда яхши, 3) яхши ва ўртача, 4) ўртадан паст, 5) ёмон ва 6) жуда ёмон ерга ажратилади. Лекин агрономлаб чиқариш классларига бўлаётганда тупроқнинг генезиси (яни келиб чиқиш шароити), типи ва механикавий таркиби назарда тутилмай, сув режими ҳар хил бўлгаш қора тупроқлар билан подзол тупроқлар битта классга киритилади. Баҳолашки, бу икки хил тупроқ ўзишинг сув режимидан ташқари механикавий таркиби ва бошقا хусусиятлари билан ҳам бир-бираидан фарқ қиласди. Чехословакия ва Венгрияда ҳам тупроқни баҳолашнинг деярли шундай усули қўлланилади.

Россияда тупроқ бонитировкасини тузиш асосини ишлаб чиқишида Н. М. Сибирцев ва В. В. Докучаевларнинг хизматлари жуда катта. В. В. Докучаев вафотидан сўнг тупроқ бонитировкасига доир илмий ишлар жуда секинлик билан ўди. СССРда 1955 йилдан бошлаб тупроқ бонитировкасини ишлаб чиқишига доир илмий ишлар қайта жонлана бошлади.

1958 йилда В. В. Докучаев номидаги Тупроқшунослик илмий тадқиқот институтида тупроқ бонитировкасини ишлаб чиқишининг ягона принципини тузиш мақсадида илмий ишлар программаси тузиљди ҳамда бу программа асосида СССРнинг турли ўлка ва областларида, дон экинлари учун тупроқ бонитировкасининг ягона принципини ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, СССРда асосан В. В. Докучаев кўрсатмаси ва социалистик қишлоқ хўжалиги ривожланишининг сўнгги ютуқлари асосида ҳар бир жойнинг маҳаллий шароити ҳисобга олинган ҳолда тупроқ бонитировкасини тузишга эришилди.

Тупроқнинг бонитировка шкаласини тузишда йирик миқёсда тузилган тупроқ картаси, агрехимиявий эрозия картограммалари, тупроқ анализлари, тупроқ очерки ва бошقا материаллардан кенг фойдаланилади. Сўнгра ҳар бир область, ўлка, республика учун характерли методикага қатъий амал қилган ҳолда турли тажрибалар олиб борилади.

Шундан сўнг тупроқнинг асосий хусусиятлари ва муайян ўсимликнинг (пахта, дон) ҳосил миқдорига қараб бонитировка шкаласи тузилади.

Область ёки ўлкалар бонитировка шкаласидан фойдаланиб алоҳида республика ва Бутуниттифоқ миқёсидағи бонитировка шкаласи тузилади. Бунинг учун тупроқнинг упумдорлигини 100 балл ва дон экинлари учун ҳосилдорлик бир гектарга 10 центнер деб олинади (яъни 10 балл 1 ц/га ёки 1 балл 0,1 ц/га ғамлага түғри келади).

Айрим хўжаликларда гектаридан 20 центнер ҳосил олинганда тупроқнинг баҳолаш бали 200 га тенг бўлади ва ҳ. к.

Область, ўлка, республикалардаги тупроқларнинг хусусияти ва у ердаги экинлар ҳосилдорлигини ҳисобга олиб тузилган бонитировка жадвалидан (агар бир-биридан фарқи 10% дан ошмаса) колхоз ва совхозларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистонда сугориладиган ерлар бонитировкасини тузиб чиқида. Республика тупроқшупос олимлари (А. З. Генусов, Б. В. Горбунов, Н. В. Кимберг, М. И. Коҷубей, С. П. Сучков) тупроқ картаси, картограммалари ва кўп ийлилк тупроқ ва агрехимиявий кузатишлар натижасини анализ қилиб бонитировка шкаласини туздилар.

Бонитировка шкаласида 100 балл система асосида тупроқлар 10 та классга ажратилади.

Бунда барча ерлар сугориш муддатига кўра З группага: қадимдан сугорилган, янгидан сугорилган ва янги ўзлаштирилган ерларга ажратилади.

Унумдорлигига кўра ҳам З га: юқори упумдор, унумдор, упумсиз группаларга бўлиниади.

Бу ерлар ҳам ўз навбатида тупроқнинг типи, географик тарқалиши, сугорилиш муддати ҳамда муҳим хоссаларига кўра маълум классга киритилиб балл билан баҳоланади (149- жадвал).

Пахта далаларининг бонитировкасини тузишда географик кенглилк зонаси ва вертикал минтақаларни назарда тутиш муҳим аҳамиятта эга.

Бунда Қар бир зонанинг иқлим шароитига кўра пахта навларини танлаш имконияти туғилади. Олимлар қуйидаги бонитировка жадвалини тавсия этадилар (150- жадвал).

Тупроқлар бонитети ернинг турли кўрсаткичлари па зонанинг иқлим шароитларига кўра табақалаштирилади ҳамда асосий бонитет шкаласига тузатиш коэффициенти асосида аниқлик киритиб борилади.

Жадвалда тупроқ бонитети зона ва минтақаларнинг термик ресурсларига кўра дифференциациялаш (табақалаштириш) берилган. Бунда энг иссиқ жанубий зонага кирувчи районларда бонитет учун иқлим коэффициенти ҳам юқори — 1—0,95, шимолий зоналар учун эса паст ёки 0,80 га баробар. Демак, жанубий районлардаги 100 балл тупроқлар шимолда иқлим шароитларига кўра 80 балл бўлади.

Ўзбекистонда сугориладиган тупроқларнинг бонитировка шкаласи *

№	Тупроқлар номи	Юқори унумдор тупроқлар		Урта унумдор тупроқлар		Кам унумдор тупроқлар	
		Бонитировка		Бонитировка		Бонитировка	
		класси	балы	класси	балы	класси	балы
Қадимдан сугорилиб келинаган тупроқлар							
1	Бўз тупроқ	X	100	LX	90	VII	70
2	Ўтлоқи бўз тупроқ	X	100	VIII	80	VI	60
3	Бўз тупроқ иёсси миңтақасидаги ўтлоқи тупроқ	X	100	VII	80	VI	60
4	Тақирли тупроқ	IX	90	VII	70	V	50
5	Ўтлоқи тақирли тупроқ	X	100	VIII	80	VI	60
6	Ҷўйл зонасидаги ўтлоқи тупроқ	X	100	VIII	80	VI	60
Янги сугорилаётган ерлар							
1	Бўз тупроқ	X	100	VIII	80	VI	60
2	Ўтлоқи бўз тупроқ	IX	90	VII	70	V	50
3	Бўз-ўтлоқи тупроқ	IX	90	VII	70	V	50
4	Бўз тупроқ миңтақасидаги ўтлоқи тупроқ	IX	90	VII	70	V	50
5	Бўз тупроқ миңтақасидаги ботқоқ-ўтлоқи тупроқ	—	—	VII	70	V	50
6	Сур-қўнгир тусли тупроқ	VIII	80	VI	60	IV	40
7	Тақирли тупроқ	VIII	80	VI	60	V	50
8	Ўтлоқи тақирли тупроқ	VIII	80	VI	60	V	50
9	Тақирли-ўтлоқи тупроқ	IX	90	VII	70	V	50
10	Ҷўйл зонасидаги ботқоқ-ўтлоқи тупроқ	—	—	VI	60	IV	40
Янги ўзлаштирилган ерлар							
1	Бўз тупроқ	—	—	—	—	V	50
2	Ўтлоқи бўз тупроқ	—	—	—	—	V	50
3	Бўз-ўтлоқи тупроқ	—	—	—	—	V	50
4	Бўз тупроқ миңтақасидаги ўтлоқи тупроқ	—	—	—	—	V	50
5	Бўз тупроқ миңтақасидаги ботқоқ-ўтлоқи тупроқ	—	—	—	—	IV	40
6	Бўз тупроқ миңтақасидаги ботқоқ тупроқ	—	—	—	—	IV	40
7	Сур қўнгир тусли тупроқ	—	—	—	—	III	30
8	Тақирли тупроқ	—	—	—	—	IV	40
9	Ўтлоқи тақирли тупроқ	—	—	—	—	V	50
10	Тақирли-ўтлоқи тупроқ	—	—	—	—	V	50
11	Ҷўйл зонасидаги ўтлоқи тупроқ	—	—	—	—	V	50
12	Ҷўйл зонасидаги ботқоқ-ўтлоқи тупроқ	—	—	—	—	IV	40

* А. Э. Генусов, Б. В. Горбунов, Н. В. Кимберг, Г. И. Колобеева, М. И. Коубей, С. П. Сучков. «Бонитировка орошаемых почв Узбекистана», Хлопководство, № 11, 1966 г.

Пахта даалаларининг термик ресурсларига кўра ер бонитетини дифференциацияш көзөрфиликни

Географик кенгалиги ва бертикал мингакаси	Чули зонаси аффектли температура	Минимум	Максимум	Очи тусин бўйс тупроқлар индекси	Типик бўйс тупроқлар индекси		Гарата аффекти теплица	Гарата аффекти пиччаш	
					аффектилган температура	аффектилган температура			
Жанубий қисми									
Шерободцарё, Сурхондарё	3108 дан 3359 гача	3231	жуда кеч пиччаш	1,0	2554— 2864	2723	жуда кеч пиччаш	1,0	2453 2740
Кашкаларё водийларидан									
Ферғона, Чирчик, Андрей, Зарафшон водийларидан Мирзацўл	2364 дан 2668 гача	2463	кеч пиччаш	0,95	2473— 2525	2336	кеч пиччаш	0,95	1997— 2332
Шимолий қисми									
Амударё кўйи қисмидаги Хоразм ва Гургўл воҳзалари	2215 дан 2386 гача	2286	ўрга пиччаш	0,90	—	—	—	—	—
Энг шимолий қисми									
Қорагандироғистон АССР, Амударёнинг кўйи қисми (Гургўл воҳза)	1902 2147	2002	тез пиччаш	0,80	—	—	—	—	—

Шунингдек, механикавий таркибига кўра (151-жадвал) ҳам тузатиш коэффициенти асосида тупроқ бонитети табақалаштирилди. Сугориладиган районлардаги деҳқончилик тажрибалари сингил ва ўргача қумоқ тупроқларнинг яхши эквиваленти аниқланган ва шунинг учун бу тупроқлар юқори коэффициент (1,0—0,95) билан баҳоланади.

Тупроқлар бонитировкаси табақалаштирилаёттанди тупроқ пайдо қилувчи жиссларнинг генетик тиiplари ва хоссалари, тупроқларнинг шўрланиш ва эрозияланиш даражаси сингари муҳим кўрсаткичларига қараб ҳам тузатиш коэффициентлари тузилган бўлиб, сугориладиган ерлар бонитировкасида увдан фойдаланилади.

Тупроқнинг болитировкасини тузишида ҳайдалма горизонтининг механикавий таркибига кўра 5 группага ажратилади.

151-жадвал

Группа номери	Механикавий таркибига кўра тупроқнинг поми	Тупроқ майдада зарраси	
		Бўз тупроқ минтақасида	Чўл зонасида
1	Соз	0,8	0,75
2	Оғир қумоқ	0,9	0,85
3	Ўрта қумоқ	1,0	0,95
4	Енгил қумоқ	0,95	1,0
5	Кумоқ	0,85	0,95

Сугориладиган ерларда тупроқ бонитировкасини тупроқнинг шўрланиш даражасига кўра IV группага:

1. Шўрланмаган. 2. Қолдиқ шўрланган. 3. Шўрланган. 4. Карбонат магнийли шўрланганга бўлинади.

Булар ўз наъбатида тузлар миқдори, сифати, гидрогеологик шароитига кўра ҳам группачаларга бўлинади. Ундан ташқари тупроқ эрозияланиш даражасига кўра қуйидаги 5 группага бўлинади (152-жадвал).

152-жадвал

Тупроқнинг эрозияланиш даражасига кўра бонитетининг дифференцияланиш коэффициенти

Группа номерлари	Эрозияланиш даражаси	Лёсс	Продуктивл. ёткизиллар
1	Эрозияламаган	1,00	1,0
2	Кучсиз эрозияланган	0,95	0,90
3	Ўртача эрозияланган	0,80	0,75
4	Кучли эрозияланган	0,70	0,60
5	Ётқизилган (келтирилган)	0,90	0,90

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ётқизилгав тупроқар таркибида чирииди, азот ва фосфорни кўп бўлишига қарамасан ҳосилдорлик кам бўлгани учун эрозияланмаган тупроқка нисатан пастрок баҳоланаади.

XXXV б о б

ЕРНИ ИҚТИСОДИЙ (ЭКОНОМИК) ЖИҲАТДАН БАҲОЛАШ

Ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда тупроқнинг унумдорлия, ер майдонининг катта-кичиклиги ва тузилишини пазарда тушиш билан бир қаторда баъзи ҳолларда бу ернииг саноат марказиа, шаҳар ёки транспорт йўлига яқин-йироқлиги ҳам ҳисобга липади. Ерни иқтисодий баҳолашда энг аввало муайян ердан олинган ҳосил назарда тутилади. Масалан, типик бўз тупроқли ердан 0 қп пахта ҳосили, оч тусли бўз тупроқли майдониниг гектаридан са 20 қп ҳосил олинган бўлса, биринчи участканинг тупроғи иккичисига ислбатан 2 баробар унумдор эканлигини кўрсатади. Ўнда биринчи участка тупроғининг унумдорлигини 100 балл деб линса, у ҳолда иккичи участканики 50 баллга тўғри келади. Аъзи экономист олимлар ерни иқтисодий баҳолашда экинлардан линган ҳосилдан ташқари яна қўшимча сарф қилинган меҳнат а маблағларни ҳам ҳисоблашни маслаҳат берса, бошқалари 1 енгнер ҳосил олиш учун сарф қилинган маблағни, яна бир хилари эса умумий олинган ҳосил билан соғ даромадни пазарда утишни маслаҳат берадилар.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик экономикаси илмий тадқиқот институти ерни иқтисодий баҳолашда қўйидаги формуладан фойдаланишини тавсия этади:

$$B = \frac{D \times 100}{D_{100}}.$$

Б — тупроқдан олинган ялпи ҳосил ёки соғ даромадни баҳолаш бали.

Д — фу тупроқнинг муайян майдони (гектар)дан олинган ялпи осил ёки соғ даромад (сўм ҳисобида).

D_{100} — 100 балл деб олинган ялпи ҳосил ёки соғ даромад (сўм ҳисобида).

Масалан, 100 баллга олинган ялпи ҳосил 300 сўм, соғ даромад са 100 сўм бўлгандага 1 баллнинг баҳоси олинган ялпи ҳосилга ислбатан 3 сўм, соғ даромадга ислбатан эса — 1 сўмга тўғри кепади.

Ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ҳар хил табиий шароитда а тупроқларнинг хусусиятига кўра кишилик жамиятининг ерга илаётган меҳнати қанчалик самарали натижка берадётганини аниқлашда ғоят мухим аҳамиятга эга.

XXXVI бөб

ТУПРОҚ КАРТАСИ ВА ҮНДАН ФОЙДАЛАНИШ

Тупроқ картаси маълум территориянинг тупроқ майдонини кичрайтирилган ҳолда қоғозда акс эттириш демакдир. Карталар тупроқ майдонини қанчалик кичрайтириб кўрсатилишини масат деб юритилади.

Совет Иттилоқида әнг кўп тарқалган карталар қуйидагида дан иборат:

Майдо масштабли карта (масштаби 1:300 000 дан кичик). Йи масштабда бутув мамлакат, республика, ўлка ва область тупроқ картаси тузилади. Бу картанинг вазифаси ер фондини ҳисоб олиш, табиий шароитига кўра районлаштириш, уруғчилик ва зонал агрохимия тажриба станцияларини тўғри жойлаштириш қишлоқ хўжалик экинларини республика ва область бўйича равонлаштиришдан иборат.

Ўрта масштабли карта (1:300 000 дан 1:100 000 гача). Бу масштабда районларнинг тупроқ карталари тузилади. Бу карта планлаштириш ташкилотлари учун тузилиб, турли мелиоратив тадбирларни белгилаш, минерал ўғитларни планли равишда тақсимлашади.

Инрик масштабли карта (масштаби 1:50 000 дан 1:10 000 гача). Бу масштабда колхоз ва совхозларнинг тупроқ картаси тузлиб, хўжаликда агротехникани белгилаш, ўғитлардан тўғри фодаланиш, эрозияга қарши курашиб, турли мелиоратив ва боши тадбирларни қўллаш учун фойдаланилади.

Мукаммал тупроқ картаси (масштаби 1:500 дан 1:200 гача) тажриба станциялари ва илмий ташкилотларнинг ерлари учун тузилиб, кўп йиллик тажрибалар олиб бориш, ўсимликларни сугориш режимини аниқлашда ҳамда турли техникавий ўсимликлар ва мевали даражаларни жойлаштириш учун ер ажратиш кеби мақсадларда фойдаланилади.

Картограмма

Тупроқ карталари билан бир қаторда одатда агрономик картограммалар ҳам тузилади. Картограммалар конкрет шароитларни ёзтиборга олган ҳолда хўжаликларда турли агромелиоратив и агрохимиявий тадбирларни тўғри қўлланиш имкониятини беради.

Картограмма тупроқ картасига нисбатан тўлиқроқ бўлиб, турилнинг ҳар бир хусусияти бўйича тузилади. Масалан, сизот синининг чуқурлиги ёки минераллашганлигини кўрсатувчи картограмма, чиринди миқдори картограммаси, шўрланиш, шўртобли эрозия даражаси, азот, фосфор, калий бўйича картограммалар тузилади.

Тупроқ очерки

Тупроқнинг картаси ва картограммасидан ташқари тупроқ очерки ҳам хўжаликдаги барча тупроқлардан тўғри фойдаланишда катта ёрдам беради. Чунки тупроқ очеркида картада кўрсатиш мумкин бўлмаган тупроқнинг агрономик характеристикаси (физикаий, химиявий хусусияти ва ҳ. к.) ундан тўғри фойдаланиш усуслари тўлиқ ёзилган бўлади.

Тупроқ картаси ва картограммасидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланиш

1. Ер тузиш ишларида* фойдаланиш. Колхоз ва совхозларда тупроқ картасидан фойдаланиб унинг хусусияти, рельефи, гидрологик шароитига кўра ерларни алмашлаб экиш далалари ва бригадаларига бўлинади ҳамда турли қурилиш мақсадларида ер ажратилиди. Ерини тузиш ишида тупроқ агроишлаб чиқариш группаси картасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда тупроқнинг хусусиятларидан ташқари ҳар бир тупроқнинг майдони (контури), рельефи, гидрологик шароити албатта ҳисобга олниши зарур. Мазкур маълумотлар тупроқ очеркида ёзилган бўлади. Шунга амал қилинганда гина хўжаликларда алмашлаб экиш далалари тўғри ажратилиб ҳар бир экин шароитига қўра тўғри жойлаштирилди. Ундан ташқари эрозияланишга шўрланиш ва ботқоқланишга қарши курашда тўғри тадбирлар белгиланади. Ҳар бир дала шароити ва экиладиган ўсимликни ҳисобга олган ҳолда ўғитлар ҳам тўғри тақсимланади. Сугориладиган майдонларда эса сугориб экин экиш учун, рельефи жиҳатдан сувнинг равон бориши мумкин бўлган қулай ерларни ажратишга ёрдам беради.

2. Ўғитлаш, оҳак ва гипс солишда фойдаланиш. Тупроқ картаси ва картограммаси ҳар бир участка ҳамда алмашлаб экиш далали тупроқнинг хусусиятлари ва ўсимлигини ҳисобга олган ҳолда ўғитлардан тўғри фойдаланишга ёрдам беради. Тупроқда етарли миқдорда намлик, аэрация, шароити яхши, зарарли тузлар бўлмаган ва тупроқ реакцияси қулай бўлганда гина ўғитларнинг самараси юқори бўлади.

Шунинг учун ҳам тупроқ очерки, картаси ва картограммасидан фойдаланишда тупроқ таркибидаги озиқ моддалар запаси билан бир-қаторда тупроқнинг сув-ҳаво, иссиқлик, туз режими, микробиологик процесслар, физик-химиявий ва химиявий хусусиятларини ҳам назарда тутиш лозим.

Азотли ўғитлардан фойдаланишда айниқса чиринди миқдорини, тупроқ структурасини ва механикавий таркибини өзтиборга олиш лозим. Чувки тупроқнинг механикавий таркиби енгил ва чириндиси оз бўлса, нитрификация процесси серчиринди ва струк-

* Ер тузиш — ёрдан фойдаланиш ишларини тартибга соладиган тадбирлар системаси.

туралы тупроқдарга висбатан күчсиз боради. Тупроқдаги азот миқдориниң күрсатуучи картограммалар азотли ўғитлардан фойдаланишда муҳим аҳамиятта эга.

Фосфорлы ўғитлардан фойдаланишда тупроқ картасидан ташқари, тупроқдаги ҳаракатчаш фосфор миқдориниң күрсатуучи картограммадан ҳам фойдаланилади. Бунда участканинг энг оз фосфорлы майдониниң күзда тутиш лозим.

Калийли ўғитлардан фойдаланишда, картограммадан ташқари, тупроқнинг механикавий таркибини ҳам назарда тутиш зарур. Чувки енгил механикавий таркибли қумлоқ ва қумли тупроқлар калий ўғитлариви қўпроқ талаб қиласди.

Ўғитлардая фойдаланишда эрозияга учраган ерларни алоҳида ажратиш ва уни эътиборга олиш зарур. Бундай ерларда айниқса азот жуда кам.

Тупроқнинг кислоталик даражасиниң күрсатуучи картограмма нордон ерга оҳак, ишқорлисида эса гипс солиши нормасини белгилапда муҳим аҳамиятта эга. Чувки ана шундай картограммада ерга оҳак ёки гипс солиши зарурлиги, унинг миқдори ва муддати күрсатилган бўлади. Бирорчи навбатда кислоталилиги кучли бўлган тупроқларга оҳак ва ишқориylарга гипс солиши зарур. Оҳак ва гипс солишда тупроқнинг механикавий таркиби ва экиладиган ўсимлик тури ҳам назарда тутилиши керак.

3. Тупроқнишашда тупроқнинг механикавий таркиби, чириди қатламишининг қалинлиги ва хусусияти, ҳайдов ости қатламишининг зичлиги, ернинг рельефи ва эрозияланниш даражаси эътиборга олинади. Ерни ҳар доим бир хил чуқурлика ҳайдаш натижасида ҳайдалма қатлам остида қаттиқ зич қатлам ҳосил бўлган бўлса, у ҳолда ҳайдаш чуқурлигини кўпайтиришига эътибор бераб, ерни чуқурроқ ҳайдаш лозим. Рельефи қия ва эрозияга учраган майдонларниң кўндалангига ҳайдаш ва сугориш керак. Тупроқ картаси ва картограммасидан фойдаланишиб ерни ишлагандага тупроқнинг сув, ҳаво ва озуқа режимлари яхшиланади ва унумдорлиги кескин ошади. Натижада қишлоқ хўжакиқ әкинларидаю юқори ҳосил олиш имконияти туғилади.

4. Ерни мевали даражатлар экини учун ажратишда тупроқ картаси ва картограммаларидан фойдаланишиб, қўйидагиларга амал қилиш лозим:

а) мевали даражатларнинг илдизи ва танаси яхши нормал ривожланниши учун тупроқ қатлами қалин, серчириди ва унумдор ерлар ажратилиши лозим;

б) тупроғининг сув ва ҳаво режими яхши бўлиши, яъни сувни ўзидан яхши ўтказиши, аэрация ҳолати ҳам яхши бўлиши зарур;

в) тупроқ қатлами зич бўлмаслиги муҳим аҳамиятта эга. Чувки бундай зич қатлам ёш даражат илдизларининг яхши ривожланишига имкон бермайди. Бундан ташқари, ана шу қаттиқ қатлам устидаги намлиқ ошиб, заарли тузлар кўпаяди, натижада мевали даражатлар қуриб қолади ёки нимжон бўлиб ўсади. Умуман тупроғи

иок бўлган ерларда мевали дараҳтлар яхши ўсади. Шунинг ҳам агар тупроқ қатлами зичроқ тузилишга эга бўлса, бунерларга олхўри, олча, тупроғи юмшоқ бўлган ерларга эса гиомла ва иок сингариларни экиш керак;

) тупроқда заرارли тузларнинг бўлмаслиги мевали дараҳтлар 1 энг муҳим шарт-шароитлардан ҳисобланади. Агарда тупроқ рунтнинг 3 м қатламида NaCl , MgCl_2 , CaCl_2 , Na_2SO_4 , MgSO_4 туз-1 миқдори 100 грамм тупроқда 2m^2 экв. Na_2CO_3 , Na_3HCO_3 , MgCO_3 сингари содали тузлар ундан ҳам кам миқдорда 2. тупроқдан $0,3 \text{ m}^2$ экв.) дан кам бўлгандагина барча мева-дараҳтлар нормал ўса олади;

1) мевали дараҳтлар учун ер ажратганда сизот сувининг чутиги ва минераллашганлик даражасига ҳам аҳамият бериш р.

Энг муҳими сиаҳет сувлари турғун бўлмаслиги лозим. Ер остиари яқин ва турғун бўлган ерларда мевали дараҳтлар ўса ёди ёки жуда пимжон бўлиб ўсади, хосил бермайди;

) мевали дараҳтлар учун ажратилган жойда шамолнинг таъкучи қўёш нурларининг бир текисда тушиши ҳамда иссиқлик ими ёътиборга олинини лозим. Тупроқнинг бу хусусиятлари тта кўп даражада рельефга боғлиқ. Булардан ташқари тупкартаси, картограммалари ҳамда тупроқ очеркидан ҳам фойиниш зарур.

Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда сизот сувлариги чуқурлиги, минераллашганлик даражаси, тупроқ таркибидаузлар миқдори ва составини, туз қатламиниң юза ёки чуқурлашгавлиги, тупроқнинг сув ва физикавий хусусиятларини циқса тупроқ ва ғрунтнинг механикавий таркиби, сув ўтказувлиги ҳамда экин турини назарда тутиш керак. Тупроқ картограммаси ва очеркидан фойдаланиб, экин экилиб келина и ёки янги ўзлаштирилаётгас ерга қанча зовур ва коллектор ш, уларнинг чуқурлиги, зовурлар оралиғидаги масофа, тупшўрини ювиш учун сарф қилишадиган сув миқдорини, ювиш и ва муддати, шўри ювилган ерга қандай ўсимлик экиш лотиги каби тупроқ увумдорлигини оширишга қаратилган қатор р масалаларни ҳал қилиш мумкиян.

Ердан фойдаланишда биринчи навбатда етарли миқдорда юнди билан бир қаторда сув манбай мавжудлиги ҳам аниқиди. Сугориш ишларини тўғри ташкил қилишда тупроқ кар-, картограммаси ва очеркида кўрсатилган тупроқ ва ғрунт-тузилиши, механикавий таркиби, жойнинг рельефи, табиий рлар билан таъминланганлик даражаси, туэли қатлами мавтиги ва шўрланиш характеристи, сизот сувларининг жойланиши аркиби каби маълумотлар аниқлаингач, ери сугориш учун ажанда қўйидаги З группага:

) мелиорация тадбирларини қўлламасдан ўзлаштириладиган,
2) мелиорация тадбирларини қўллаб ўзлаштириладиган ва
3) сугорилмайдиган, ўзлаштиришга яроқсиз ерларга бўлишади.

Сугориладиган ерларнинг структураси ва механикавий таркиби бир хил бўлганда тупроқ горизонтларининг қуидаги: 0—30, 30—100, 100—200 см чуқурликлари алоҳида далаларга ажратилиши лозим.

Сугориладиган ернинг гидрогеолоъик шароитини (сизот сувининг чуқурлиги ва таркибига) ҳисобга олиш керак.

Сизот сувининг чуқурлигига кўра: 1) 0,5 м дан юқори; 2) 0,5—1 м; 3) 1—1,5 м; 4) 1,5—2 м; 5) 2—3 м; 6) 3—6 м; 7) 6—10 м; 8) 10 м дан пастда бўлган тупшамарга ажратилади.

Сизот сувларини минералланниш даражасига кўра эса (тузлар миқдори бир метр сувда грамм ҳисобида):

1) чучук (1 дан кам); 2) кучсиз минераллаштан (1—3); 3) ўртача минераллашган (3—10); 4) кучди минераллаштан (10—50); 5) намакоб (0 дан кўп) группаларга ажратиш мумкин.

Техникавий ложиззатарини тузишда ернинг қиялигиди, рельефи паст бўлган ер билан баланд бўлган қисмининг фарқи ва бу икки жойнинг орасидаги масофани ҳисоблаб шундай майдоннинг қиялик даражасини аниқлаш мумкин. Масалан, рельефни паст жойдан баланд ер орасидаги фарқ 5 м, лар оралтидаги масофа 1000 м бўлганда, бу ернинг қиялиги $\frac{5}{1000} = 0,005$ га бирор сифидир. Ерлар қиялигига кўра:

1) қиялиги деярли ўйқ — 0,0002; 2) кучсиз — 0,0002—0,002, 3) ўртача — 0,002—0,005; 4) кучли — 0,006—0,03, 5) жуда кучли — 0,03 дан кўп группаларга бўлжади. Ернинг қиялигига қараб төкислаш ишларини бажаюннинг сугориш шохобчалирини қазиши, сугориш усулини белгилаш имконияти туғилади. Шундай ишлаб, тупроқ картаси, картограммаси ва очеркidan фойдаланиб ўтилса, ўзлаштирилган ҳамда суттриб келинаётган ерларга барча агромелиоратив тадбирлар (ерни төкислаш, зовур ва сугориш шохобчалирини қазиши, ери ювиш, сугориш усули, нормаси ва муддазини аниқлаш, қишлоқ хўжалик экинларини сугориладиган территорияда тўғри жойлаштириш сингари) ний тўғри амалга оширишга ёрдам беради ва натижада қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш имконияти туғилади:

- 1) тупроқ иқлим минтақаси;
- 2) тупроқ биоиқлим облости.

Текисликдаги тупроқлар учун:

- 3) тупроқ зонаси;
- 4) тупроқ провинцияси;
- 5) тупроқ округи;
- 6) тупроқ/райони.

Топликлардаги тупроқлар учун:

- 3) тоғлиқ тупроқ провинцияси (вертикал тупроқ структура зонаси)
- 4) вертикал тупроқ зонаси;
- 5) тоғ тупроқ округи;
- 6) тоғ тупроқ райони.

Юқоригити 4 та бирликларни (тупроқ иқлими, биоиқлими, зонаси, провинцияси) ажратишда тупроқ биоиқлими назарда тутил-

МУНДАРИЖА

<i>Суро оюши</i>	2
<i>Кириш</i>	3
 Биринчи қисм	
УМУМИЙ ТУПРОҚШУНОСЛИК	
I бөб. Тупроқ она жиисининг пайдо бўлиши	12
Минерал ва төғ жиислари ҳақида тушунча	12
Төғ жиислари ва минералларнинг нураши	17
Механикавий элементлар классификацияси	23
Тупроқ она жииси ва тупроқнинг механикавий таркиби	24
Тупроқ пайдо қилувчи она жиислар	27
II бөб. Тупроқнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши	31
Тупроқ пайдо бўлишида моддаларнинг биологик айланиси	32
III бөб. Тупроқнинг умумий тузилиши	35
Тупроқнинг ташки кўрининши (морфологияси) ҳақида тушувча	35
IV бөб. Тупроқдаги организмлар ва уларнинг тупроқ пайдо бўлишидаги аҳамияти	43
Бактериялар	43
Тупроқ замбуруғлари	49
Тупроқда микроорганизмларнинг тарқалиши ва миқдори	51
Тупроқдаги ҳайвоний организмлар	59
V бөб. Тупроқнинг химиявий таркиби	54
Тупроқдаги химиявий бирикмалар ва ўсимлик	55
Микроэлементлар	57
VI бөб. Тупроқдаги органик мадда ва тупроқ чиринди	60
Тупроқ чириндининг пайдо бўлиши	61
Чириндининг таркиби ва хоссалари	64
Тупроқ унумдорлигига чириндининг аҳамияти ва унинг миқдорини кўцайтириш тадбирлари	68

VII б о б. Тупроқ коллоидлари ва тупроқнинг сингдириш қобилияти	68
Тупроқ коллоидининг келиб чиқиши, таркиби, тузилиши ва хоссалари	69
Тупроқнинг сингдириши қобилияти ва сингдириш турлари	73
Тупроқнинг сингдирувчи комплекси, сингдириши сиргими ва сингдириш энергияси	77
Газ ва буғларнинг тупроққа сингдирилиши	79
VIII б о б. Тупроқ структураси	79
Тупроқ структурасининг пайдо бўлиши	80
Тупроқ структурасининг бузилаши	82
Тупроқ структурасининг қишлоқ хўжалигидаги агрономик аҳамияти	83
Тупроқ структурасини тиклаш ва сақлаш тадбирлари	85
IX б о б. Тупроқнинг физикавий ва физик-механикавий хоссалари	86
Тупроқнинг асосий физикавий хоссалари	88
Тупроқнинг физик-механикавий хоссалари	92
X б о б. Тупроқнинг сув хоссалари ва сув режими	95
Тупроқдаги сувларнинг турлари	96
Тупроқнинг сув хоссалари	101
Тупроқнинг сув ўтказувчалиги	103
Ўсимликларга сингадиган тупроқ намлиги	104
Тупроқнинг сувни буздатиш хоссаси	105
Тупроқнинг сув баланси	105
Тупроқ сув режимининг типлари	108
Тупроқ сув режимини яхшилаш тадбирлари	110
XI б о б. Тупроқнинг ҳаво хоссалари ва ҳаво режими	111
Тупроқ ҳавосининг таркиби ва динамикаси	112
Тупроқнинг ҳаво хоссалари	114
Тупроқнинг ҳаво режими ва уни яхшилаш тадбирлари	116
XII б о б. Тупроқнинг иссиқлик (термик) хоссалари ва иссиқлик режими	116
Тупроқдаги иссиқликнинг асосий маибаси	117
Тупроқнинг иссиқлик хоссалари	117
Тупроқнинг иссиқлик (термик) режими	119
Тупроқнинг иссиқлик (термик) режими ва уни яхшилаш тадбирлари	121
XIII б о б. Тупроқ эритмаси	123
Тупроқ эритмасининг таркиби ва концентрацияси	123
Тупроқ ва унинг буферлиги	127
Тупроқ эритмасини ўрганиш усууллари	128
XIV б о б. Тупроқнинг унумдорлиги	129
Тупроқ унумдорлиги тўғрисида марксизм-ленинизм классикларга таълимоти	129
Тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирлари	131

Иккичи қисм

ТУРОҚНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИ, КЛАССИФИКАЦИЯСИ, ГЕОГРАФИЛСИ, ХОССАЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ФОЙДАЛАНИШ

Б о б. Тупроқ пайдо қилувчи факторлар	134
Инсон фаолиятининг тупроқ пайдо бүлинига таъсири	139
Б о б. Тупроқ классификацияси	140

СССРнинг ТУПРОҚЛАРИ

I б о б. Тундра ва арктика зонасининг тупроқлари	145
Тундра ва арктика тупроқларининг географик тарқалиши	145
Тундра зонасининг табиий шароити	148
Тупроқ пайдо қилувчи жинслар	149
Тундра тупроқларининг классификацияси	149
Тундра тупроқларининг умумий хоссалари ва таркиби	153
Тундра тупроқларидан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш	153
II б о б. Тайга-ўрмон зонасининг тупроқлари	154
Тайга-ўрмон зонасининг табиий шароити	154
Подзол тупроқ пайдо қилувчи процесслар	156
Подзол тупроқлар тузилиши, классификацияси, таркиби ва хоссалари	161
Чимли тупроқлар	165
Чимли тупроқ пайдо қилувчи процесслар	165
Чимли подзол тупроқлар	167
Чимли подзол тупроқларининг классификацияси, тузилиши, таркиби ва хоссалари	167
Подзол ва чимли подзол тупроқлардан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш ва уларнинг унумдорлигини ошириш	173
б о б. Ботқоқ тупроқлар	176
Ботқоқ тупроқларининг географик тарқалиши	176
Ботқоқнинг ва ботқоқ тупроқларининг пайдо бўлиши	176
Ботқоқ тупроқларининг классификацияси, тузилиши, таркиби ва хоссалари	177
Ботқоқ тупроқлар ва ботқоқликларни қишлоқ хўжалигига ўзлаштирилиши	183
б о б. Ўрмон-дашт зонасининг тупроқлари	182
Ўрмон-дашт зонаси тупроқларининг пайдо бўлиши	183
Ўрмон-дашт зонаси тупроқларининг келиб чиқиши	183
Ўрмон-дашт зонасидаги ўрмон ҳўянир тусли тупроқлар	184
Ўрмон ҳўянир тусли тупроқларининг пайдо бўлиши ва классификацияси	185
Ўрмон ҳўянир тусли тупроқларининг таркиби ва хоссалари	187
Ўрмон ҳўянир тусли тупроқлардан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш	187
Ўрмон-дашт зонасидаги ўрмон сур тусли тупроқларининг классификацияси ва хоссалари	189
Ўрмон сур тусли тупроқлардан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш ва уларнинг унумдорлигини ошириш	191

6 о б. Үрмөн-дашт ва дашт зонасияның қора тупроқлари	192
Қора тупроқларниң географик тарқалиши	192
Қора тупроқлар зонасияның табиий шароити	193
Қора тупроқларниң келиб чиқиши	195
Үрмөн-дашт зонасияның қора тупроқлари	199
Дашт зонасияның қора тупроқлари	203
Азов бүйінде Каспий олдың қора тупроғы	207
Қора тупроқлардан фойдаланыш ва уларның үнүмдорлигінин ошириш табдірлары	207
6 о б. Қуруқ дашт зонасияның тупроқлари	208
Каштан ва құнғыр тусли тупроқлар	208
Каштан ва құнғыр тусли тупроқларниң келиб чиқиши	210
Каштан ва құнғыр тусли тупроқларниң класификациясы, тузылиши, таркиби ва хоссалари	211
Каштан ва құнғыр тусли тупроқлардан қишлоқ ұжылалығыда фойдаланыш ва уларның үнүмдорлигінин ошириш табдірлары	214
7 б о б. Шұрланған тупроқлар	215
Шұртоблар ва шұртобли тупроқлар	225
Шұртоблар ва шұртобли тупроқлардан фойдаланыш ҳамда уларның мелиорациясы	230
Солодлар	231
7 б о б. Чүл зонасияның тупроқлари	234
Чүр құнғыр тусли тупроқлар	240
Тақирлар	244
Тақир тупроқлардан қишлоқ ұжылалығыда фойдаланыш	249
Тақирил тупроқлар	249
Тақирил тупроқлардан қишлоқ ұжылалығыда фойдаланыш	253
Күмли чүл тупроқлар	255
Морфологияси ва хоссалари	255
Бұз тупроқлар	258
Бұз тупроқлар класификациясы	260
Жапырбай бұз тупроқлар	261
Типик бұз тупроқлар	277
Морфологик тузылиши, химиявий ва физикалық хоссалари	278
Сугориладиган типик бұз тупроқлар	281
Тұқ тусли бұз тупроқлар	284
Сугориладиган тұқ тусли бұз тупроқлар	287
Шимолий бұз тупроқлар	288
Морфологияси, химиявий ва физикалық хоссалари	288
I б о б. Гидроморф тупроқлар	289
Чүл зонасияның гидроморф тупроқлари	290
Қайыр аллювиал тупроқлар	291
Үтлоқи ва аллювиал тұқай тупроқлар	292
Аллювиал чимли-үтлоқи тупроқлар	292
Сугориладиган үтлоқи тупроқлар	294
Аллювиал ботқоқ-үтлоқи тупроқлар	296
Аллювиал ботқоқ тупроқлар	297
Бұз тупроқлар зонасияның гидроморф тупроқлары	298
Күрик ва сугориладиган аллювиал үтлоқи тұпроқлар	298
Аллювиал ботқоқ-үтлоқи тупроқлар	301

Аллювиал ботқоқ тупроқлар	302
Үтмоки саз тупроқлар	303
Ботқоқ-үтлоқи ва ботқоқ-саз тупроқлар	306
XXVII б о б. Нам субтропиклар зонасининг тупроги	308
Кизил ва сариқ тупроқлар	308
XXVIII б о б. Дарё соҳили тупроқлари	311
Тупроқ ҳайдо бўлиш шароитлари	312
Дарё соҳили тупроқларининг характеристикиаси	313
Дарё соҳили тупроқларидан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш	315
XXIX б о б. Төг тупроқлари	316
Тупроқ пайдо бўлиш шароити	316
✓Төг тупроқларининг вертикал зоналлик қонукияти ва классификацияси	318
Төг ўтлоқи тупроқлари	319
Төг ўтлоқи-дашт тупроқлар	320
Төг подзод тупроқлари	320
Төг ўрмон кўнгир тусли тупроқлари	323
Төг қора тупроқлари	324
Төг қаштак тупроқлари	326
Төг ўрмон жигар раиг тупроқлари	327
Төг чўл тупроқлари	327
Төг бўз тупроқлари	327
Төг тупроқларидан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш	327
XXX б о б. Тупроқлар эволюцияси	328
XXXI б о б. СССРдаги тупроқлар майдони	332
XXXII б о б. Дунё тупроқлари	334
Тропик миңтақасини язган тупроқлари	334
Субтропик миңтақа тупроқлари	337
Суббореал миңтақасининг тупроқлари	338
Бореал (мўътадил совуқ) миңтақа тупроқлари	340
Қутб миңтақасининг тупроқлари	340
XXXIII б о б. Тупроқ эрзияси	340
Тупроқ эрзиясига қарши кураш тадбирлари	346
XXXIV б о б. Тупроқларининг агрономик ишлаб чиқариш группалари ва бонитировкаси	347
Тупроқнинг агрономик ишлаб чиқариш группаларини тузиш асослари	347
Тупроқ бонитировкаси	349
XXXV б о б. Ериқ иқтисодий (экономик) жиҳатдан баҳолаиш	357
XXXVI б о б. Тупроқ картаси ва уйдан фойдаланиш	358
Картограмма	358
Тупроқ флерки	359
Тупроқ картаси ва картограммасидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланиш	359
	375